




Альбер
Камю

Бегона





Альбер
Камю

Бегона



ТОШКЕНТ
2016

821.133.1-31 Француз адабиёт

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(4Фр)

К-21

Камю, Альбер

Бегона; Вабо; Ён дафтарчалар; Ҳикматлар/ Альбер Камю.
Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: профессор А.Сайдов;
Тўпловчи: А.Исоқов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 476 бет.

ISBN 978-9943-27-315-3

Альбер Камю – XX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг соҳиби, моҳир адаб, драматург, файласуф, “Тубанлашув”, “Вабо”, “Сизиф ҳақида асотир”, “Калигула”, “Асотир ва қиёфа”, “Исёнкор одам”, “Бегона” каби асарлар муаллифи.

А.Камю ўз асарларида Иккинчи жаҳон уруши даҳшати оқибатида пайдо бўлган инсоний тақдирнинг абсурд ҳиссиётларини куйлаган.

Альбер Камюнинг “Вабо” ва “Бегона” асарлари Аҳмад Аъзам томонидан моҳирона таржима қилинган. “Ҳикматлар”, “Ён дафтарчалар” асарлари эса И.Бек томонидан ўзбек тилига ўтирилган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(4Фр)

**Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир
профессор Акмал Сайдов**

**Тўпловчи
Луқмонжон Исоқов**

ISBN 978-9943-27-315-3

© Альбер Камю. Бегона; Вабо; Ён дафтарчалар; Ҳикматлар.
(Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир профессор А.Х.Сайдов).
“Янги аср авлоди”, 2016 йил

2016/83

nomidagi

29.05.2016

МК

АЛЬБЕР КАМЮ – ФАРБНИНГ ВИЖДОНИ

Сўзбоши ўрнида

“Мен Сизифни тог этагида тарқ этмоқдаман. Ўз юкингдан халос бўлолмайсан. Бироқ Сизиф худоларни инкор этувчи олий садоқатга ўргатади ва қояларнинг синик парчаларини кўтаради. Ҳаммаси яхшилигини Сизиф ҳам тан олади. Минбаъд ушибу эгасиз коинот унга самарасиз ҳам, нокерак ҳам туюлмайди. Тошнинг ҳар бир қум зарраси, кечаси тогда чарақлайдиган ҳар бир маъдан шуъласи ўз-ўзидан бутун дунёни ташкил этади. Инсон юрак қирраларигача тўлдириш учун чўққига бир маротаба чиқшининг ўзи кифоя. Сизифнинг баҳтиёrlигини тасаввур этса бас”.

“Сизиф ҳақида асомир”.

Машҳур француз ёзувчиси, мутафаккири, ахлоқ-шуноси, драматурги ва “атеистик” экзистенциализмнинг асосчиларидан бири, файласуф олим Альбер Камю 1913 йилининг 7 ноябринда Алжирнинг Мондови (ҳозирги Дреан) ўлкасида француз-жазоирликлар (франкоалжирлар) оиласида дунёга келган. Отаси Люсьен Камю спиртли ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхонада назоратчи бўлган, 1914 йили бошланган Биринчи жаҳон урушида Марнадаги жангда оғир жароҳат олган ва лазаретда¹ вафот этган. Онаси испан миллатига мансуб

¹Лазарет – ҳарбий қисмлар қошидаги касалхона.

Катрин Санте хоним турмуш ўртогининг вафотидан сўнг иккала ўғли билан Алжир шаҳрининг Белькур туманида яшовчи онасининг уйига кўчиб келган. Онаси оиласини боқиши учун дастлаб корхонада, кейинчалик эса фаррош бўлиб ишлаган.

1923 йилда бошлангич синф ўқитувчиси Альбернинг ўқишини давом эттиришга онаси ва бувисини анча қийинчиликлар билан бўлса-да кўндирган ва Альберда қобилият борлигини кўрган ўқитувчиси уни лицейга кириши учун тайёрлай бошлаган. Лицейда Камю футбол билан жиддий шуғулланиб, ёшлар жамоасида тўп сурган. 1930 йилда Камюда сил касаллиги аниқланган ва ўқишини озгина даврга тўхтатган, спорт билан эса бошқа умуман шуғулланмасликка мажбур бўлган. Соғайишига қарамасдан узоқ йиллар давомида касаллик аломатларидан азобланган.

Камюнинг болалиги ва ёшлиги Алжирда ўтганлиги боис, унинг барча асарлари ушбу ўрта Ер денгизи мамлакати билан боғлиқ. Хусусан, мазкур қуёшли ўлкага бўлган муҳаббати тўғрисида Камю қуидагиларни баён этган: “Мен қашшоқлик ва қуёш ўртасидаги ярим йўлда эдим. Қашшоқлик менга барча баҳт-саодатлилик гўё тарих ва қуёш нурлари остидалигини ишонтиришга халақит берди, қуёш эса, тарих – ҳали ҳаммаси эмаслигига ургатди”.

1932–1937 йиллар давомида Алжир университетида ўқиган. Ўқиш даврида фалсафани ўрганган, кўп ўқиган, кундалик юритишни бошлаган, эссе¹ ёза бошлаган. Ёзувчи ва файласуф Жан Гренье² Камюнинг дўсти бўлган.

¹ Эссе – эркин шаклдаги адабий жанр.

² Жан Гренье (1898–1971) – файласуф ва ёзувчи, “Озодлик”-дан тўғри фойдаланиш ҳақида номли асар муаллифи (1948). 1930 йилларда Алжир Университетида фалсафадан таҳсил берган ва шу ерда Альбер Камю билан танишган.

Камю шу билан бирга бир неча бор касбларини ўзгартиришга мажбур бўлган: хусусий ўқитувчи, эҳтиёт қисмлар сотувчisi, Метеорология институтида асистент¹ бўлиб ишлаган.

1934 йилда 20 ёшлик Симона Ийега уйланган ва кейинчалик хотинининг банги-морфинистка² эканлигини билганидан сунг, у билан 1939 йилда ажрашган.

Камю 1935 йилда бакалавр даражасини, 1936 йилнинг майида эса “Янги платонизм³ ва Христианча фикр”⁴ номли иши учун фалсафа йуналиши бўйича магистрлик даражасини олган. Шу даврда экзистенциализмдаги муаммоли ҳолатларига киришиб кетган. Альбер Камю С.Къеркегор⁵, Л.Шестов⁶, М.Хайдеггер⁷, Ф.Нитше⁸,

¹Ассистент – профессор ёки врач ёрдамчиси, олий ўқув юртларида: кичик ўқитувчи увони ва шу увон этаси.

²Морфий – кўкнор ширасидан олинадиган наркотик модда; морфинистка – морфийга ўрганган банги.

³Платонизм – юонон файласуфи Платон (Афлотун) ва унинг шогирдлари таъсирида юзага келган идеалистик фалсафий оқим.

⁴“Янги платонизм ва Христианча фикр” – Платоннинг фоялари Аврилий Августнинг диний таълимотига таъсири.

⁵Скорен Къеркегор (Soren Kierkegaard 1813–1855) – даниялик мутафаккир ва диншунос олим, “Ёхуд... ёхуд” (1843) номли фалсафий асар муаллифи.

“Лев Шестов (1866–1938) – рус файласуфи.

Мартин Хайдеггер (Martin Heidegger 1889–1976) – олмон файласуфи, машҳур “Метафизикага кириш” (1952) асарининг муаллифи.

⁸Фридрих Нитше (Friedrich Nietzsche, 1844–1900) – машҳур олмон файласуфи, “Фожианинг таваллуди” (1872), “Зардушт таваллоси” (1883) каби таниқли асарлар муаллифи.

П.Верлен¹, Ф.Достоевский², М.Пруст³, А.Жид⁴, А.Франс⁵, К.Ясперс⁶ларнинг асарлари билан, 1936–1937 йилларда Андре Мальро⁷нинг “ҳаётнинг бемаънилиги” тўғрисидаги фикрлари билан танишиб чиққан.

Хусусан, Альбер Камю Нитшенинг санъат борасидаги фикрларини ҳар доим қўллаб-кувватлаган: “Санъат – ҳақиқатда ўлмаслик учун зарур”. Унинг сўзларига қўйидагиларни қўшимча қылган: “Санъат,

¹Поль Верлен (Paul Verlaine 1844–1896) – француз шоири ва файласуфи, “Донишмандлик” (1881), “Қачонлардир ва Яқинда” (1884), “Бир вақтнинг ўзида” (1889) каби асарлар муаллифи.

²Фёдор Достоевский (1821–1881) – таниқли рус ёзувчиси, машҳур “Ака-ука Карамазовлар” (1880), “Жиноят ва жазо” (1866), “Телба” (1872) каби фалсафий асарлар муаллифи.

³Марсель Пруст (Marcel Proust 1871–1922) – француз ёзувчиси, “Сен-Бёвга қарши” (1954), “Жан Сантей” (1952), “Йўқотилган вақтни излаб” (1913–27) каби асарлар муаллифи.

⁴ Андре Жид (André Gide 1869–1951) – француз ёзувчиси, “Имморалист” (1902), “Конгога саёҳат” (1927) каби асарлар муаллифи ва Нобель мукофоти совриндори (1947).

⁵ Анатоль Франс (Anatole France 1844–1924) – француз ёзувчиси, “Сильвестр Боннар жинояти” (1881), “Ташна худолар” (1912) каби тарихий романлар муаллифи, Нобель мукофоти совриндори (1921) ва Француз Академияси аъзоси.

⁶ Карл Ясперс (Karl Jaspers 1883–1969) – олмон файласуфи ва психиатри, насроний экзистенциализм йўналишининг асосий намояндаларидан бири.

⁷ Андре Мальро (Andre Malraux 1901–1976) – француз ёзувчиси, “Инсоний шарт” (1933), “Умид” (1937), “Сукут овози” (1951) каби асарлар муаллифи, коррупцияга қарши курашган сиёsat арбоби, Франция Маданият ишлари бўйича вазири (1959 – 1969).

қайсиdir маънода дунёning пировардсизлиги ва фонийлигига қарши исёндиr: санъат бир вақтнинг ўзида воқеликни ҳам сақлаб ҳам ўзгартиришдан иборат, чунки унда унинг ҳиссий гайрат манбаи мавжуд... Санъат борликни тўлиқ қабул қилиш ёки тўлиқ қабул қилмаслик эмас. У бир пайтнинг ўзида исён ва муросадан тузилади...”

Айримлар Альбер Камюни ёзувчилигидан кўра кўпроқ файласуф ва мутафаккир деб баҳолайди. Ўзи эса шундай деган: “Фақат образлар орқали фикрлаш мумкин. Файласуф бўлишни истасанг, романлар ёзгин”.

Камю одоб-ахлоққа оид ҳақиқатгўйлик, самимилик, эркесварлик ва инсонпарварлик каби фазилатларни улуғлаган. Ёлғоннинг ҳар қандай қуринишига нафрат билан қараган, инсоният мавжуд бўлишининг ижтимоий ва табиий ибтидоларини бир-бирига зид кўйган. Балки шу тариқа, Камюнинг “Бегона” романи (“L’Étranger”) шовшувларга сабаб бўлгандир. Ушбу асар кичик ҳажмли бўлганлиги боис, баъзан уни “қисса” деб ҳам аташади. Асар француз экзистенциализмининг йирик намояндаси Альбер Камюнинг энг марказий ижод маҳсулларидан бири ҳисобланади.

Иккингчى жаҳон уруши бошланганлиги сабабли Камю ташкил этган “Экип” номли театр ёпиғган. Ёш Альбер bemорлиги туфайли фронгта чақирилмаган. 1940 йилнинг май ойида, Париж фашистлар томонидан забт этилишидан бир неча кун олдин, Камю “Бегона” асарининг қўлёзмасини тутаттган. Ёзувчи рамзли ҳикоя шаклини танлаб, ўзига хос услубни ишлаб чиқсан ва француз файласуфи Ролан Барт¹ буни “хатнинг ноль даражаси” деб баҳо берган.

¹ Ролан Барт (Roland Barthes 1915–1980) – француз файласуф олими ва адабий танқидчиси.

Ушбу роман ёзилишининг асосий юяси 1937 йилда пайдо бўлган. Альбер Камюнинг 1937 йилнинг апрель ойига оид “Ён дафтарчалар”ида бўлгуси роман мавзуси белгиланиб бўлган: “Ҳикоя: оқланишни истамаган одам. У атрофидагиларнинг у ҳақида юзага келган тасаввуротини хуш кўради. Ўзининг ҳақдигини билишдан кифояланиб ўлади. Бунинг бехудалиги – таскинилик”.

1937 йилнинг август ойида романнинг уч қисмли режаси тузилган: биринчи қисми – унинг аввалги ҳаёти, иккинчи қисми – ўйин, учинчи қисми – муросани рад этиш ва табиатдаги ҳақиқат. 1938 йил декабридаги Камюнинг “Ён дафтарчалар”ида романнинг кейинчалик сўнгги ва асосий матнга киритилган илк сатрларини топиш мумкин: “Бугун онам ўлди. Ё кечамикан, билмайман. Фарибхонадан «Онангиз вафот қилди. Кўмиши эртага. Чукур ҳамдардлик билдирамиз» деган телеграмма олдим. Тушунмайсан. Балки кеча ўлгандир”.¹

Бироқ мазмун жиҳатдан ўхшаш ҳолатлар, қаҳрамонлар исмлари, алоҳида тафсилотлар адебнинг биринчи йирик романи “Бахтли ўлим”да (“La Mort heureuse”) учрашади. Ушбу асарнинг асосий мавзулари ва мақсадлари “Бегона” асарининг жўшқинлигига яқин туриши шубҳасиз. “Бахтли ўлим” романидан кўпгина парчалар бутунлай ва сўзма-сўз равишда “Бегона” асарига кўчириб ўтилган.

“Бегона” қиссаси 1942 йилнинг июль ойида Париждаги “Галлимар” нашриётида дунё юзини кўрган ва катта муваффакиятга эришган ҳамда XX аср француз адабиётининг энг кўп ўқиладиган асарига айланган.

Мазкур асар адабий танқидчиларнинг юқори баҳосини олган. Хусусан, машҳур француз адабий

¹Альбер Камю. Бегона: Қисса ва роман / Аҳмад Аъзам таржимаси. – Т.: Ёзувчи, 1995. 5-бет.

танқидчиси Г.Пикон¹ бу борада шундай деган: “Романтизм даврининг инсони билан танишиш учун Рене Шатобрианни² ўқиб чиқиш етарли бўлганидек, бир неча асрдан сўнг замонавий инсон ҳақида билиш учун фақатгина ушбу қисқа асарни қолиши кифоядир”.

Альбер Камюнинг ён дафтарчаларида “Бахтли инсон”, “Оддий одам”, “Бефарқ” каби романнинг тури номланиш вариантлари сакланниб қолган. Муаллифнинг асарга ном танлашдаги охирги тухтамга келган “L’Etranger” деган сўз француз тилидан “Бегона”, “Ёт киши”, “Хорижий”, “Бирор”, “Мусофири”, “Ташкі”, “Файритабаа” сифатида таржима қилиниши мумкин.

Асар диққат марказида алжирлик Мерсо исмли киши турди. Қаҳрамоннинг жон таслим берган онаси охирги манзилга ошиқаётган бир паллада, Мерсо икки чашка қаҳвасини хотиржамлик билан ичиб, борликдан четда бегона ёки ёт кишидек мисли хаёлотда учайдан бегона эди. У завқ бағишлийдиган барча нарсаларни: денгиз, шароб, аёлларни кўп хуш кўради. Куёш – Мерсонинг табиий мавжуд бўлишигининг ўзига хос рамзи. Мерсо, суд олдида юзма-юз турар экан, арабни ўлдиришларининг сабаби қуёшда, деб таъкидлайди. Мерсо иссиқ ҳарорат ва чанқоқдан қийналиб, соя (кўланка) ва сой буйида салқин шабада қидиради. Салқин шабадани араб тўсгани учун ўлдиради.

Судда Мерсо айбини умуман инкор этади. Бундан ташқари, инсоний ахлоқ ва адолатни

¹Гаэтан Пикон (Gaetan Picon 1915–1976) – француз ҳикоянависи ва санъат танқидчиси, “Франция Меркурийси” (Mercure de France) номли даврий нашр раҳбари.

² Франсуа-Рене де Шатобриан (Fransois-René de Chateaubriand 1768 – 1848) – француз ёзувчиси, дипломат, француз адабиётида романтизм асосчиларидан бири.

иккиюзламачилек ва ёлғонда айблаб, уларни бирбирларига қарама-қарши күяди. Суд уни ўлимга маҳкум этади. Мерсо ўлимидан оддин руҳоний билан жанжаллашишга ҳам улгуради, чунки имон-эътиқодни ниқобдаги ёлғон деб баҳолайди. Шу тариқа, Мерсони қотиллик учун эмас, балки жамиятда қабул қилингандар, одамлар орасидаги муносабатларнинг шартли шаклларини менсимасликка уринганлиги учун, ўйин қоидаларини бузганлиги учун моҳият бўйича суд қиласидар.

Мерсо дегани ўзи ким? Ёвуз ёки аламзада, аҳмоқ ҳайвон ёки донишманд, инсондан паст ёки инсондан олий? Ушбу саволлар билан мунозаралар сероб. Мазкур суроқ Камюга берилганда, у Мерсони “Биз арзийдиган ягона Исо” деб жавоб берган.

Асарадаги айрим қаҳрамонларнинг исмлари ҳам кўпгина маъноларни англатади. Масалан, иккى сўздан иборат Мерсо фамилияси (Mersault) “ўлим” ва “қуёш” ҳамда Селест (Celeste) исми эса “осмонли” демакдир. Француз тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, романнинг асосий қаҳрамони Мерсонинг бадиий образини яратиш учун манба бўлган шахс Альбер Камюнинг таниши, онасини дафн этиб кинога борганлиги ҳақида унга сўзлаб берган рассом Совер Гальеродир.

Шу билан бирга, асар қаҳрамони Мерсо экзистенциалистик варианти ифодаловчи Жан-Жак Руссонинг “табиий инсон”ини умумлаштирган образи ҳисобланади. Мерсо жамият билан ички алоқаларни узиб, инстинктларга итоат қилиб яшайди. У деярли файришурий ҳолда одам ўлдиради.

Альбер Камюнинг дўсти ва устози ёзувчи Жан Гренье 1941 йил 19 апрелдаги асар муаллифига йўллаган хатида Ф. Кафканинг роман услубига таъсисири ҳақида ёзган. Камю 1941 йил 5 майда устозига “Кафкадан услубни эмас, балки руҳиятни ўргангандим”, деб жавоб қайтарган.

Гарчи Ф.Кафка ва А.Камю услубларида аниқ фарқлар мавжуд бўлса-да, иккалалари жанрли тафаккурнинг рамзли ҳикоя шаклларига интилганлар ва чукур фалсафий мазмун шароитида лисоний шаклларнинг ихчамлиги иккалалари учун ҳам хосдир.

Камю институтнинг юқори босқичларида ижтимоий фикрлар билан қизиқа бошлаган. 1935 йилнинг баҳорида эса Франция коммунистик партиясига аъзо бўлган ва бир йилдан ортиқроқ ишлаган. Кейинчалик эса Алжир ҳалқ партияси билан “троцкизм”да айблаб, партия аъзолигидан чиқарилган.

Камю 1936 йилда ҳаваскорлардан ташкил топган “Меҳнат театри” (“Theatre du Travail”) номли театрни тузган. 1937 йилда бу театр ўз номини “Жамоа театри” номига ўзгартирган.

Камю Ф.М.Достоевскийнинг ижоди билан жуда қизиқкан. Ҳатто Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар” асарини саҳналаштирган, Камюнинг ўзи Иван Карамазовни ролини ўйнаган¹. 1936–1937 йилларда Франция, Италия ва Марказий Европа мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган. Камюнинг 1937 йилда “Олд ва орқа томон” (“L'Envers et l'Endroit”) номли илк эсселар тўплами чиққан.

Камю ўқиши тамом эттанидан сўнг оз фурсат бўлса-да Алжир маданият уйини бошқарган, 1938 йилда “Соҳил бўйи” журналининг муҳаррири, кейинчалик эса “Республикачи Альже” ва “Республика оқшоми” журналларида ишлаган. Ушбу газеталар Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин ҳарбий цензура томонидан чоп этилиши тўхтатилган.

Камюнинг 1938 йилда “Уйланиш” номли китоби чиққан. 1939 йилнинг январида “Калигула” пьесасининг биринчи куринишини ёзган.

¹ Иванов Г.В., Калюжная Л.С., 100 великих писателей.
– М.: Вече, 2006. С. 574.

1940 йилнинг январидан Камю бўлғуси рафиқаси Франсин Фор хоним билан Оран шаҳрига кўчган. Икки ойдан сўнг Парижга кўчишган.

Тарихчи адабиётшуносларнинг таъкидлашларича, Альбер Камю депрессия ҳолатига тез-тез тушиб, ижод қилиш қобилиятини йўқотиб турган, Европани бутунлай тарк этиш истаги баъзан пайдо бўлган ва худкушлик ҳақида ҳам ўйланиб юрган. Бироқ шу билан бирга, “хотин-қизларнинг ашаддий муҳлиси” ва жазмани бўлган. Лекин Альбер Камюнинг хотинлари “Франциялик француз аёллари” бўлмаган, балки, алжирлик аёллар, испан актрисаси, инглиз ёзувчиси Артур Кестлернинг хотини, америкалик талаба қиз, даниялик рассомлар бўлган. Унинг иккала хотини ҳам асаб касаллигидан азият чекканлар.

Адибнинг фаромушхотирлиги ҳақида яна бир мисол. Камюнинг иккинчи хотини Франсин Фор эгизак фарзандларни дунёга келтирганида, Альбер уларни туғруқхонада эсидан чиқариб қолдиришига оз қолган: ёш онасини машинага ўтқазиб, жомадонини юклаб, “Кетдик!” деб йўлга отланган.

1942 йилда “Сизиф ҳақида асотир” эссеси дунё юзини кўрган. Мазкур эссе ўз мазмун-моҳиятига кўра, Франция фалсафаси тарихига “экзистенциализмнинг атеистик манифести” бўлиб кирган¹. Бироқ Камю ўзини худосиз деб ҳисобламаган.

Машҳур француз ёзувчиси ва ёдноманависи Андре Моруа² “Сизиф ҳақида асотир” тўғрисида шундай ёзган: “Камю бизга нима таклиф қилмоқда? Куёш боласи, у ноумидликни қабул қилмайди. Келажак мавжуд эмасми? Шундай бўлсин, ҳозирги лаҳзадан лаззатланамиз. Бир пайтнинг ўзида споргчи ёки шоир ёки иккаласи ҳам бўлиш.

¹ Йўлдош Солижонов. Сизиф ва абсурд // Жаҳон адабиёти. 2010, 1-сон. – 182–185 бетлар.

² Андре Моруа (André Maurois 1885–1967) – француз ёзувчиси, ёдноманависи ва Француз Академияси аъзоси.

Бемаъни (абсурд) инсоннинг олий мақсади ҳозирги вақтдан завқланишдир. Сизиф ўзининг машаққатли тақдирини англайди ва унинг ғалаба кафолати ҳам онгининг ушбу равшанлигидадир. Бу ерда Камю ва Паскаль фикрлари бир жойдан чиқади. Инсоннинг буюклиги ўлимнинг муқаррарлигини билишидадир. Сизифнинг улуғворлиги тошни албатта пастга тушиб кетишини билишидадир. Мазкур билиш тақдирни одамлар орасида йўлга қўйилиши зарур бўлган инсоний қўллар ишига айлантиради”.

Альбер Камюнинг “Вабо” (“La peste”, 1947) романи адабнинг энг йирик насрый асари саналади. Таниқли француз адабий танқидчиси Г.Пикон таъбири билан айтганда, “Бир кўришда осойишта ва хотиржам ушбу алифдек асарда турли садолар янграйди. Унда бир пайтнинг ўзида бемаънилик (абсурд) ва исён, бефарқлик ва эҳтирос, совуклик ва завқу шавқ, мавхумлик ва ҳис-туйғу, ўткинчилик ва абадийлик каби тушунчалар ёнма-ён яшайди...”

Романинг асосий илҳом манбаларидан бири Антонен Артонинг¹ “Театр ва вабо” ҳикояси ҳисобланган. “Вабо” романнода адабнинг олдинги асарларидан фарқи ўлароқ, бунда Европанинг фашизмга қаршилик кураши орқали яширин мавхум ва рамзий қатлам очилган. Умумийлик ҳам йўқ эмас, яъни турмушнинг бемаънилиги, инсон эркинлиги, ўлим олдида танлаш каби мавзулар одамларни ёмон куришдан кўра, улар билан мағурланишга асос кўпроқ эканлигига холоса қилинади. Роман дикқат марказида нафақат якка шахснинг тақдери ёки фашистлар босқини, балки жамоа тарихи, жамият фожиаси ётади. Бир вақтнинг ўзида “Вабо” – инсоний қисматнинг азалийлиги ҳақидаги асотир.

¹ Антонен Арто (Antonin Artaud 1896–1948) – француз ёзувчиси ва шоири, сюрреализм ғояларига содик адаб.

Иккинчи жағон урушидан кейин, XX асрнинг қоқ ўрталарида Альбер Камю ЮНЕСКО билан ҳам ҳамкорлик қылган. Бирок, 1952 йилда Франко бошчилигидаги Испания ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан сунг, адаб бу ташкилотдаги фаолиятини тўхтатган.

Камю Европадаги сиёсий ҳаётни кузатишни эътибор билан давом эттираверган. Ўзининг ёдномаларида Францияда собиқ Иттифоқ тарафдорлари кўпайиб боришидан афсусланган. Хусусан, француз сўл партия тарафдорлари коммунистик ҳукуматнинг Шарқий Европадаги жиноятларига ва “араб уйғониши” орқали социализм ҳамда адолатни тарқатиш ўрнига зўравонлик ва авторитаризмга ҳомийлик қилаётганликларига қўзларини юмаётганликларидан хафа бўлган.

Камю 1951 йилда ўзининг “Исёнкор одам” фалсафий асарини ва 1956 йилда “Куллаш” номли охирги романини ёзган.

“Куллаш” романida муаллиф инсоннинг шахсий танловига камроқ аҳамият берib, асосан шахсий эркинлик масаласига кўпроқ диққатини қаратган. Роман қаҳрамони Жан-Батист Кламанс айбига иқрор бўлиб, тавба қилиши асарнинг марказий фоясидир. Жан-Батист Кламанс собиқ иқтидорли судья, эндиликда жиноятчи ва дайди дарбадарларнинг “хукуқий маслаҳатчиси”га айланади. Ўз ўтмишини танқид остига олиб, Кламанс адолатни фош этади ҳамда ахлоқ ва эътиқодга мурожаат этади. Камю бундай танловнинг тўғрилигини баҳолашга шошилмаган ва бу имкониятни китобхонга ҳавола қылган.

Камю ҳаётлигига ёқ “Фарбнинг виждани” деган номни олган. 1957 йилда адабиётшунослик соҳасида Нобель мукофотининг совриндори бўлган.

Ҳаётининг сўнгти йилларида адабнинг дунёқараши ҳақида сўрашганларида: “Сиз сўл зиёлимисиз?” – Камю жавоб берган: “Мен зиёлилгимга ишонмайман. Қолганига келсак, ўзимга қарамай ва уларнинг ўзларига қарамасдан мен сўл томондагилар тарафдориман... Мен адолатта ишонаман, лекин аввал онамни, кейин эса адолатни ҳимоя қиласман”.

1960 йилнинг 4 январида Альбер Камю ва дўсти Мишель Галлимарнинг оиласи билан бирга Париж шаҳридан 102 километр узоқликда “Facel-Vega” автомобилида ҳалокатга учраган. Адаб ҳалокат жойида, дўсти Мишель эса касалхонада икки кун ўтиб вафот этганлар. Дўстининг хотини ва қизи тирик қолганлар. 2009 йил ноябрь ойида Франция Президенти Николя Саркози Камюнинг хокини Пантеонга кўчиришни таклиф қилган, бироқ адабнинг қариндошларидан розилик ололмаган.

Таржимаиҳонавислар Камю ҳаётида унинг ички танҳолигига кўпроқ урғу берадилар. Дарҳакиқат, у ёлғизликда, бироқ “бахтли, жазман, футболчи, ҳаваскор актёр, беозор, хушмуомала ва дилкаш инсон бўлган”.

Инсоний шахсиятта зарап етказувчи мафкуралар ва эрксизликнинг ҳар қандай турига бўлган нафрат Камюнинг сўнгти йилларидаги эссенавислиги ва публицистикадаги жўшиқинлигини белгилаб берган. Замондошлари учун баъзан тушунарсиз бўлган инсонпарварлик, виждон ва бурч ҳақидағи мулоҳазалари билан эркинлик фидойиси бўлган “исёнкор одам” ҳаётни шу тарзда тарк этган.

**А.Х.САЙДОВ,
профессор**

БЕГОНА¹

(*Кисса*)

БИРИНЧИ БОБ

I

Бугун онам ўлди. Ё кечамикан, билмайман. Фарибхонадан «Онангиз вафот қилди. Кўмиши эртага. Чукур ҳамдардлик билдирамиз» деган телеграмма олдим. Тушунмайсан. Балки кеча ўлгандир.

Фарибхона Марентода, Жазоирдан саксон чақирим нарида. Соат иккилиқ автобусда кетсам, қоронфи тушмай етиб оламан. Шунда тунни тобут ёнида ўтказишга улгурман, эртага кечқурун қайтаман. Бошлиқдан икки кунга таътил сўрадим, у ҳам йўқ деёлмади – узрли сабаб. Лекин норози бўлгани билинди. Мен яна унга: «Айб менда эмас-ку», дедим. У индамади. Шунда мен бундай демаслик керак эди, деб ўйладим. Умуман олганда, нимага узр сўрайман. Аксинча, у менинг кўнглимга қараши керак эди. Лекин у кейин, индинга мени азадор кўриб шундай қилас. Ҳозирча онам ўлмаганга ҳам ўхшаб турибди. Ана, жанозадан кейин бошқа гап, ҳамма нарса аниқ, жой-жойида бўлади, айтишганидай, расмий тан олинади.

Иккилиқ автобусда кетдим. Жуда иссиқ эди. Одатдагидай Селестникида, ресторанда нонушта қилдим. У ердагиларнинг ҳаммаси мендан кўнгил сўради, Селест эса: «Одамнинг онаси ягона бўладида», деди. Чиқаётганимда ҳамма мени эшиккача

¹Альбер Камю. Бегона: Қисса ва роман / Аҳмад Аъзам таржимаси. – Т.: Ёзувчи, 1995. 5-бет.

кузатди. Охирида Эмманюэлникуга чиқиб, қора галстуғи билан азабогиchinи сураш кераклигини эслаб қолдим. Уч ой олдин унинг төгаси ўлган эди.

Сал бўлмаса, автобус кетиб қолар экан, чопишга тўғри келди. Шошилдим, югурдим, кейин яна автобус ҳам қоқиб ташлади, бензини сасиди, йўл ҳам, осмон ҳам кўзимга урилавериб, мудраб қолибман. Ўйғонсам, қанақадир аскарга суюниб кетяпман, у менга қараб жилмайди, узоқдан келяпсизми, деб сўради. Мен: «Ха», дедим, гаплашишга тобим йўқ эди.

Қишлоқдан ғарибхонагача икки чақирим. Пиёда жўнадим. Тўғри онамни кўрмоқчи бўлдим. Лекин эшикбон аввал мудирга учраш керак, деди. Мудир эса банд экан, бир оз кутиб ўтирдим. Бу орада эшикбон гапдан тинмади, кейин мудирга учрашдим, у кабинетида кутиб олди. Фахрий черик нишонини тақсан бобой экан. Тиниқ кўзларини мендан узмай қолди. Кейин қўлимни қисди, узоқ вақт қўйвормади – мен ҳатто қўлимни қандай бўшатишни ўйлаб қолдим.

У аллақандай жуздонга қараб олди-да:

– Мерсо хоним бизда уч йил турди. Сиз унинг ягона суюнчиғи эдингиз, – деди.

У мени нимададир айблаяпти, деб ўйлаб, тушунтиришга чоғландим. Лекин у гапимни бўлди:

– Оқдаш шарт эмас, оғайнин. Онангизнинг қозуларини қайта кўриб чиқдим. Сиз уни боқолмас эдингиз. У қаровга, ҳамширага муҳтоҷ бўлган. Сизнинг маошингиз ҳам ўзига яраша. Ҳамма томонини эътиборга олсак, бизда унга яхши бўлган.

– Ха, жаноб мудир, – дедим.

У яна қўшиб қўйди:

– Тушуняпсизми, бу ерда у дўстлари, ўзи тенгилар орасида эди. Умумий қизиқишлиари тўғри кела-диган одамларни топди, буларни ҳозирги ёшлар тушунмайди. Сиз эса ёш, уни зериктириб куяр эдингиз.

Бу түгри. У билан турганимизда, кун бўйи индамай, нукул менга тикилиб ўтиргани-ўтирган эди. Фарибхонага янги келган кунлари тез-тез йифларди. Лекин бу шунчаки кўнига олмаётганидан эди. Агар бир-икки ойдан кейин фарибхонадан олиб кетсам, шунда ҳам йифлагаб юрарди. Ҳамма гап кўникишда. Қисман шу учун ҳам охирги йили у ерга бормадим ҳисоб. Кейин яна якшанбани кўзим қиймас эди, ҳали бекатга судралиб бориш, чипта олиш, яна икки соат автобусда силкиниб юришни айтмаяпман.

Мудир яна нимадир деди. Лекин уни эшитмай қўйдим, кейин у:

– Сиз ҳойнаҳой онангизни куришни истаётган-дирсиз, – деди.

Ҳеч нарса демай, ўрнимдан турдим, у мени эшикка бошлади. Зина пояда изоҳ берди:

– Бизда бу ерда кичкина ўликхона бор, марҳумани, бошқаларни безовта қилмасин деб, ўша ёққа ўтказдик. Ўйимизда биронтаси ўлса, бошқалари ҳамиша икки-уч кун ўзига келолмай юради. Шунда уларга қарашиб азобга айланади.

Ҳовлидан ўтдик, бу ерда чоллар кўп эди, тўдатўда бўлиб, бир нималарни гаплашаётган эканлар. Ёнларидан ўтаётганимизда жимиб қолишли. Орқамидан яна валақлашлари эшитилди. Ҳудди тўтиқушлар бўғиқ чуғурлашаётганга ўхшайди. Мудир пастак бир иморат олдида мен билан хайрлашди.

– Мен қайтаман, жаноб Мерсо. Лекин хизматингизга тайёрман, керак бўлсам, кабинетимдан то-пасиз. Эрталаб ўнда чиқаришга келишганмиз. Тунни марҳума ёнида ўтказишингизни ҳисобга олдик. Ҳа, дарвоҷе, онангиз гап орасида мени бутхона ўдумлари билан кўмсангиз, деб қайта-қайта айтган

эди. Мен ҳамма тадорикни кўриб қўйганман, лекин сизни ҳам хабардор қилишим керак.

Раҳмат айтдим. Онам бедин бўлмаса ҳам, лекин умрида динга ҳам қизиқиб кўрмаган эди.

Кирдим. Ичкари жуда ёруг, деворлари оқланган, шифти ойнаванд экан. Бор бисоти – курси ва ёғоч хараклар. Ўргадаги худди шунаقا хараклар устида – қопқофи ёпиқ тобут. Тахталари долчин рангга бўялган, қопқоқда охиригача буралмаган ялтироқ мурватлар кўринади. Тобут олдида оқ ҳалатли, гулдор рўмол ўраган қоратанли ҳамшира.

Шу пайт қулоғим тагидан эшикбоннинг овози эшитилди. Чопиб келганга ўхшайди.

– Тобут ёпиқ, лекин менга қопқоқни очиб беришни буюришди. Онангизни кўрасиз деб...

У тобут ёнига ўтаётган эди, мен тўхтатиб қолдим.

– Курмайсизми? – деб сўради.

– Йўқ, – дедим.

У орқага тисланди, мен ўнгайсиз аҳволга тушдим, йўқ демаслик керак эди. Кейин у менга тикилиб:

– Нега бунаقا? – деди.

Таъна қилиб эмас, шунчаки қизиқаётгандай сўради.

– Ўзим ҳам билмайман, – дедим.

Шунда у оқиши мўйловини буради, менга қарамай:

– Тушунарли, – деди.

Унинг кўзлари мовий, чиройли юзи қизғиши қорайган эди. Менга курси кўйиб берди, ўзи ҳам орқароқда ўтирди. Ҳамшира жойидан қўзғалиб, эшикка қараб юрди. Шунда эшикбон менга:

– Захми бор, – деди.

Мен тушунмай, ҳамширага қарадим, юзига дока сирилган экан. Бурни туртиб туриши керак бўлган жойда дока теп-текис тортилган эди. Юзида кўзга ташланадиган нарса ҳам шу оқ дока эди, холос.

Ҳамшира чиқиб кетгандан сўнг эшикбон менга:
– Энди ўзингиз қолсангиз, – деди.

Билмайман, нимадир ишора қилдим шекилли, эшикбон кетмай қолди. Орқамда туриши менга жуда нокулай эди. Кечки қуёш нурлари хонага оқиб тушаётган эди. Иккита қовоғари ойнага фунғимлаб уриларди. Мени мудроқ босиб келди. Эшикбон томонга қарамай:

– Кўпдан бери шу ердамисиз? – деб сўрадим.

У келганимдан бери шуни сўрашимга ҳозирланиб тургандай, бирдан жавоб қилди:

– Беш йил.

Шундан кейин у гап сотишга тушди. Қолган умрини Маренгода, фарибхонада эшикбон бўлиб ўтказишни сира хаёлига келтирмаган экан. Асли парижлик, олтмиш тўртга чиқибди. Шу ерда унинг гапини бўлдим.

– Э, бу ерлик эмасмисиз?

Кейин эсладим, боя мудир ёнига бошлашдан один, онамни гапирган эди. Тезроқ кўмиш керак, бу ер Жазоир, яна адир жой, қаранг, қанақа иссиқ, деган эди. Айни шу аснода Парижда яшагани, Париждан кўнгил узолмаётганини айтган эди. Парижда ўликни уч кун, ҳатто тўрт кунгача сақладидилар. Бу ерда вақт тифиз, ҳали одам ўлганини эшитиб, бу хабарга кўнишиб улгурмай, ридвон-араванинг орқасидан чопиб кетаётган бўласиз. Ўшанда хотини «Бас қиласанг-чи, ёш йигиттга бунаقا гапларнинг кераги йўқ», деб уни жеркиб берди. Чол қизариб, узр сўради. Мен: «Майли, ҳечқиси йўқ», деб ёнини олган бўлдим.

Менингча, у нимани гапирган бўлса, ҳаммаси тўғри ва қизиқарли эди.

У кейин, ўликхонада, фарибхонага муҳтожлик туфайли келиб қолганини айтди. Лекин, ҳали бақувват, шунинг учун эшикбонликка ўтибди. Мен,

демак, ғарибхона қарамоғида экансиз-да, дедим. У бўлмаган гап, деб тан олмади. Олдин ҳам унинг ғарибхонадагилар тўғрисида «булар», «манавилар», ора-сира, бу ердагиларнинг баъзилари ундан ёшроқ бўлса ҳам, «бобойлар» деб миңтақиб гапиришидан ажабланган эдим. Лекин, энди бу бошқа масала. Ҳар ҳолда, у эшикбон, маълум даражада, уларнинг устидан бошлиқ.

Бу орада ҳамшира қайтиб келди. Бирдан кеч тушди. Ойнаванд шифт устини қоронғилик қоплади. Эшикбон ёққични буради, ярақлаган нурлардан кўзим қамашиб қолди. Эшикбон ошхонага, овқатга таклиф қилди. Овқатлангим йўқ эди. У менга, бир финжон сутли қаҳвани жуда яхши кўраман. У ҳаял ўтмай патнис кўтариб кирди. Қаҳвани ичдим. Чекким келди. Аввал тобут ёнида қандай бўларкан, деб иккиландим. Кейин нима фарқи бор, деб ўйладим. Эшикбонга ҳам сигарет тутдим, иккаламиз чекдик.

Салдан кейин у:

– Ҳа, айтгандай, ҳали онангизнинг дўстлари ҳам келиб, жасад ёнида ўтириб чиқишади. Бу ерда одат шунаقا. Бориб яна қаҳвা, курси олиб келай, – деди.

Мен чироқлардан лоақал биттасини ўчирса бўлмайдими, деб сўрадим. Ярақ-юруқ нурлар оқ де-ворлардан қайтиб, одамни толиқтираётган эди. Эшикбон сира иложи йўқ, деди. Шунаقا ишланган: ёнса, ҳаммаси бирдай ёнади, биттаси ўчса, ҳаммаси ўчади. Шундан сўнг эшикбонга сира эътибор бермай қўйдим. У чиқиб кетди, қайтиб келиб курсиларни жойлаштирди. Битта курсига қаҳвачойнак билан финжонларни териб қўйди. Кейин тобутнинг у томонидан, рўпарамага ўтириб

олди. Ҳамшира доим бир бурчакда, менга орқа ўтириб ўтирас эди. Менга унинг нима қилаётгани кўринмади. Лекин тирсакларининг бориб-келишидан, тўқиётганини англадим. Жимлик, қаҳва ичиб исиниб олдим, очиқ эшикдан тун ва гулларнинг иси кириб келарди. Кўзим илинибди шекилли.

Шитир-шитирдан уйғониб кетдим. Ўткир ёруғни унутган эканман, оппоқ деворлар кўзимни буткул қамаштириб кўйди. Тариқча соя йўқ, ҳар бир ашё, ҳар бир бурчак, чизгиларнинг аниқдигидан кўзга оғриқ кираради. Онамнинг дўстлари кирдилар. Ўн икки киши экан, кўр қиласи чароғонда товушсиз юзиб ўтишди. Ўтиришди, биронта ҳам курси ғичирламади. Мен ҳеч қачон энг майда ажингача, кийимларнинг энг майда қатигача бунчалар аниқравшан кўрмаган эдим. Лекин киргандардан биронта ҳам товуш чиқмади, мен ҳатто уларнинг тириклигига ҳам ишонмай қўйдим. Ҳамма хотинлар бедан чилвир бойланган пешбанқ тақсан, шундан қоринлари баттар қаппайиб кўринади. Кампирларнинг қорни шунақа катта бўлишини илгари сира пайқамаган эканман. Қарийб бари эркаклар ориқ, ҳасса тутиб олган эдилар. Ҳаммадан кўра уларнинг кўзлари кўринмаётганига, қалин ажин тўрлари орасидаги кўз ўрнида нимадир йилтилаётганига ажабланиб қолдим. Ўтирганларидан кейин, кўпчилиги менга қараб бош ирғади; ҳаммасининг тиши тушиб кетган, оғизлари чўйкан; мен билан саломлашишяптими ё қариликдан бошлари шунақа лиқиллаб қолганми, билолмадим. Ҳар ҳолда, саломлашишяпти, деб ўйладим. Шунда уларнинг бари бош қимирлатганларича, эшикбоннинг икки тарафидан менга юзма-юз ўтираётганиларига эътибор қилдим. Булар мени ҳукм қилишга тўпланишган, деган бемаъни фикр хаёлимдан лип этиб ўтди.

Кўп ўтмай хотинлардан бири йиғлашга тушди. У иккинчи қаторда, бошқа бир кампирнинг орқасида ўтирган эди, менга яхши кўринмади. У бир маромда, ора-сира ҳиқиллаб чўзар, йиғисини, назаримда, ҳеч қачон тўхтатмайдиганга ўхшар эди. Бошқалари эса худди уни эшитмаётгандай ўтирадилар. Ҳаммаси алланечуқ шалвираб, хўмрайиб, индамай қолганди. Ҳар бири ўзича бирон бир нуқтага – бирови тобутга, бирови ҳассасига, ишқилиб, тўғри келган томонга тикилиб қолиб, бошқа ҳеч нарсага қарамаётган эди. Бояги хотин ҳануз йиғларди. Фалати-я, бўлмаса, мутлақо бегона хотин. Йиғисини жуда тўхтатгим келди. Аммо ўзига айтишга юрагим дов бермади. Эшикбон унга эгилиб, гапириб кўрди, аммо хотин бош чайқаб, бир нима деб минфирлади-да, яна ўшандай бир оҳангда ҳиқиллайверди. Шундан кейин эшикбон тобутни айланиб, ёнимга келиб ўтирди. Аввалига сукут қилди, сунгра юзимга қарамай:

– Онангизга борланиб қолган эди, – деди. – У марҳума ёлғиз дугонам эди, энди бу ерда ҳеч киммим қолмади, деяпти.

Шу кўйи узоқ ўтиредик. Ҳалиги хотиннинг уҳ тортиб, ҳиқиллаши сал-салдан камайди. Яна бир оз вақт пиш-пиш қилиб туриб, ниҳоят тинчиди. Бошқа ухлагим келмасди, аммо жуда чарчадим, белимга зирқироқ кирган эди. Энди буларнинг сукут сақлаб ўтириши эзиз юборди. Фақат ҳар замонда фалати бир товуш эштилади, қаёқдан келаётганини билолмай турган эдим. Ниҳоят, топдим: қарияларнинг баъзилари лунжини сўраётганда тишсиз оғзидан шунака чўлпиллаш чиқар экан. Ҳаддан ортиқ ўйга берилганларидан ўзлари ҳам пайқамаётган эдилар. Менга ҳатто уларнинг марҳума билан тариқча ҳам ишлари йўқдай туюлди. Энди ўйласам, менга шундай туюлган экан, холос.

Эшикбон ҳаммага қаҳва қүйди, ҳаммамиз ичдик. Кейин нима бўлди, билмайман. Тун охирлаб қолибди. Қай бир маҳал кузимни очиб, қарияларнинг курсига қапишиб ухлаётгани, фақат биттаси ҳассасини маҳкам қисимлаган қўлларига иягини тираб, менга тикилиб ўтирганини кўрганим эсимда. Кейин яна кўзим илинибди. Белим қаттиқроқ оғриётганидан уйғониб кетдим. Шиша томнинг тепаси ёришиб қолибди. Салдан кейин бир қария уйғониб, роса узоқ йўталди. Тинмай катта катак дастрўмолига тупурав, ҳар йўталганида ичидан бир нарса юлиниб чиқаётганга ўхшарди. Йўтал товушидан бошқалари уйғонди, эшикбон кетадиган вақтларинг ҳам бўлди, деди. Тобут ёнида ўтириб чиқишдан қийналганларидан ҳаммасининг юзи кулранг тусга кирган эди. Жуда ғалати бўлди: биз бир оғиз ҳам гаплашмаган бу кеча баримизни қадрдон қилиб қўйгандай, кетаётиб ҳаммаси қўлимни қисиб қўйди.

Чарчадим. Эшикбон дарвозахонага таклиф қилди, сал у ёқ-бу ёғимни тўғрилаб олдим. Кейин яна сутли қаҳва ичдим, жуда лаззатли экан. Дарвозахонадан чиққанимда тонг отиб кетган эди. Маренго билан денгиз ўртасидаги қирлар тепасида осмон қизғиш тусга кирибди. Шамол ҳам ўша қирлар ортидан денгизнинг шўр нафасини олиб келаётган эди. Жуда ажойиб кун бошланди. Кўпдан бери шаҳардан чиққаним йўқ, агар онам бунаقا бўлмаса, жон деб сайрга отланардим.

Энди ҳовлида, чинор тагида кутиб қолдим. Димоғимга тоза ер ҳиди урилди, уйқу хумори буткул йўқолди. Ҳамкасбларим эсимга тушди. Ҳозир улар туриб, ишга отланадилар – мен учун энг оғир дақиқалар шу эди. Яна озгина вақт шунаقا нарсалар тўғрисида ўйладим, кейин ғарибхонада қўнғироқ чалинди, хаёлим бўлинди. Деразаларнинг ичкарисида алланечук саросималик бошланди-

да, сал ўтмай ҳамма ёқ яна жимиб қолди. Қуёш тағин ҳам баландлаб, оёғимни қиздира бошлади. Кабинетга бордим. Мудир бир талай қоғозларга күл қўйдирди. Эгнида қора сюртук, чизик-чизик шим. У телефонни ушлаб, менга:

— Дафн маҳкамаси ходимлари келди. Ҳозир тобутни маҳкамлаб ёпишни буюраман. Мабодо, ундан олдин онангизни охирги марта кўриб қолмоқчи бўлсангиз, айтинг, — деди.

Мен, йўқ, дедим. У овозини пасайтириб телефонга буюрди:

— Фижак, айтинг уларга, бошлайверишсин.

Кейин у менга, кўмишда ўзим ҳам қатнашаман, деди. Мен миннатдорчилик билдиридим. У ёзув столига ўтириб, калтагина оёқларини чалиштириди. Мену сиз, яна навбатчи ҳамшира боради, деди. Фарибхона истиқоматчиларига кўмишда қатнашиш тақиқланган экан. Мудир уларга факат кечаси жасад ёнида ўтириб чиқишга рухсат берар экан.

— Одампарварликни ҳам унутмаслик керак, — деди у.

Лекин бу гал у бир қарияга марҳумани мозоргача кузатишга рухсат бериди.

— Тома Перез — онангизнинг эски қадрдони. — Мудир шу ерда жилмайиб қўиди. — Тушунасизку, бунақа туйфу ҳам бир болалик. Лекин онангиз иккови жуда қалин эди. Бу ердагилар тегишиб, Перезни куёв, деб айтардилар. У ҳам куларди. Бу гап иккаласига ҳам ёқарди. Яна, аслини айтганда, Мерсо хонимнинг ўлимни унга жуда оғир зарба бўлиб тушди. Шунинг учун ҳам кўнглини қайтармадим. Аммо кечаси марҳума ёнида ўтириб чиқишга қўймадим — ҳаким шундай маслаҳат берувди.

Кейин анчагача индамай ўтирдик. Мудир ўрнидан туриб деразага қаради. Сал ўтиб:

– Ана, кашиш ҳам шу ерда. Сал эртароқ келибди,
– деди.

У яна қавмлар бутхонаси Маренгонинг ўзида эканни, у ёққача чоракам бир соат юриш кераклигини айтиб қўйди. Кабинетдан чикдик. Ўликхона ёнида кашиш билан яна иккита дастёр бола турган экан, кашиш эгилиб, бир дастёргинг қўлидаги бухурдоннинг кумуш занжирини тўғрилаётган эди. Яқин борганимизда кашиш қаддини кутарди. Менга «бўтам», деб икки оғиз таскин берди. Кейин у ўликхонага кирди, мен унга эргашдим.

Кирганим заҳоти мурватларнинг қопқоқقا чуқур қотирилганига, тўртта қора кийган одам турганига эътибор қилди. Мудир ридвонарава кутиб қолганини айтди, кашиш шу ондаёқ тиловат қилишга тушди. Қора кийган одамлар қўлларидағи ёпинчиқ билан тобутни ўрадилар. Кашиш, дастёр болалар, мудир иккаламиз ўликхонадан чикдик. Эшик олдида бир ёши улуғроқ аёл турган экан, олдин уни кўрмаган эдим. Мудир мени унга:

– Жаноб Мерсо, – деб таништириди.

Хонимнинг исмини эшитмадим, фақат унинг шу ерлик эканини англаб қолдим. У илтифот ҳам қилмай, куруқ бошини эгди, юзи чўзинчоқ, жуда қотма эди. Кейин ҳаммамиз тобуткашларга йўл бўшатиб, ўзимизни четга олдик. Тобутни олиб чиқиши, уларга изма-из дарвозадан ўтдик. Дарвоза олдида ридвонарава турарди: узун, ялтироқ, қаламдоннинг ўзгинаси. Ридвонарава ёнида ярашиқсиз кийим кийган пакана одамча – маросимбоши ва ўзини йўқотиб қўйган, жонсарак бир қария турган экан. Перез дегани шу эканини англадим. У кенг гардишли, тепаси думалоқ мовут шляпа (тобутни олиб чиқаётгандарига, бошидан олди), катталигидан шимининг почаси бошмоги устида қатланиб қолган костюм кийган, бўйнига катта ёқали оқ қўйлагига

нисбатан кичкина кўринадиган қора капалак таққан эди. Бурнига ҳуснбузар тошган, лаблари қалтирайди. Сийрак оқ соchlari тагида ажабтовур ғалати бичимли қулоқлари тикрайган, бу ҳам етмагандай, оловранг-қирмизи товланади, шунга роса ажабландим, лекин ўзи мурдадай оқариб кетган эди. Маросимбоши бизга тартиб қанақа бўлишини тушунтириди. Ҳаммадан олдин кашиш, кейин ридвонарава. Ридвонарава атрофида тўртта қора кийган одам. Орқада мудир икковимиз. Саф охирида эса ҳамшира билан Перез юрадиган бўлди.

Қуёш осмонни ўзиники қилиб олган эди. Ҳаво қизиб, ҳарорат дақиқа сайин кўтарилиб борарди. Нега бунча узоқ туриб қолганимизни тушунолмадим. Қора костюмда пишиб кетдим. Перез чол шляпасини бир кийди-ю, яна шу заҳоти ечиб олди. Сал бурилиб, унга кўз ташладим, мудирнинг у ҳақда нима дейтганига қулоқ солдим. Кечқурунлари онам билан Перезнинг бир ҳамшира кузатувида сайд қилишгани, гоҳо қишлоққача боришларини айтаётган экан. Атрофга қарадим. Сарвлар қатори уфқдаги қирларгача кўтарилиб борган, ора-орада, қаерда қизғиш, қаерда яшил ер кўзга ташланар, унда-бундаги уйлар жуда аниқ кўринарди ва мен шунда онамни тушундим. Бу ўлканинг оқшоми йичан сукунатдан иборат бўлса керак. Ҳозир эса бутун атроф қайсар қуёш остида қайнаб, ўзи ҳам тошбагир ва бераҳм бир тус олган эди.

Йўлга тушдик. Шундан кейин Перезнинг оқсаётганини сездим. Ридвонарава тобора жадаллаб, чол оз-оздан орқада қола бошлиди. Қора кийганлардан бирори ҳам ридвонаравани олдинга ўтказиб, мен билан ёнма-ён тушиб олди. Қизиқ, қуёш борган сари тез кўтариларди. Далалардаги ҳашаротлар аллақачон фўнфиллаш, визиллашини бошлаб юбориби. Ўтлар шитир-шитир қилаётган эди. Юзимга

тер қуйилди. Шляпамни ташлаб келган эдим, дастрўмолча билан елпиндим. Жаноза маҳкамаси ходими менга бир нарса деди, лекин эшитмадим. У тепакалини дастрўмоли билан артди, дастрўмол чап қўлида эди, ўнг қўли билан фуражкасини кутарди. Мен қайтариб сўрадим:

– Нима?

У осмонга ишора қилиб, такрорлади:

– Куйдиряпти-ю.

– Ҳа, – дедим.

Салдан кейин у:

– Марҳумага ким бўласиз – ўғлими? – деб сўради.

Мен яна ҳа, дедим.

– Қариб қолганмиди?

– Ҳа, шунақароқ, – дедим, чунки онам нечага чиққанини аниқ билмасдим.

Кейин у бошқа гапирмади. Орқага ўгирилиб, Перезнинг эллик қадамча қолиб кетганини курдим. Шляпасини ушлаб олиб, қўлларини силкитганча, жонининг борича интилаётган эди. Мудирга ҳам қараб қўйдим. У биронта ҳам ортиқча ҳаракат қилмай, викор билан одимлаётган эди. Пешонасига тер кўпчиган, лекин у артиб ҳам қўймас эди.

Назаримда, издиҳом тобора тезлашаётгандай эди. Атрофда – қуёшга бўкиб, ялтилаб ётган ўша бир хил адирлик. Бир муддат йўлнинг яқиндагина тузатилган жойидан юрдик. Қуёшда гудрон эриган эди. Оёқ ботиб, йўлнинг ялтиллаётган баданида чукур-чукур жароҳатлар қолади. Аравакашнинг ридвонарава тепасида лишилаб бораётган клеёнка цилиндри ҳам шу қора мумдан қуйилганга ўхшайди. Осмон кўзга ҳаддан ортиқ қадаларди. Қуёш, ридвонаравадан келаётган кўн ҳиди, от гўнгининг иси, бухўр ва лок буиннинг анқиши, чала уйқу тундан кейинги ланжлик... Ҳаммасидан бошим айланиб, миям қайнаб, фикрларим айқашиб кетаётган эди. Яна қайрилиб қараганимда, Перез

куёш жиширида лип-лип этиб күринди, кейин тамом йўқолиб қолди. Атрофга аланглаб, унинг йулни кўйиб, даладан кесиб чиқаётганини кўрдим. Кейин билсам, одимиизда йўлнинг буруми бор экан. Демак, бу ерларни яхши билган Перез бизга етиб олиш учун йулни қисқа қилган. Бурумда у бизга қўшилди. Кейин уни яна йўқотиб кўйдик. У яна даладан кесиб чиқди, шу аҳвол бир неча бор такрорланди. Чаккамда қон тепаётганини ҳис қилдим. Кейин ҳаммаси келишилган, тартибли маромда шундай тез бўлдики, ҳеч нарсани эслаб қололмадим. Фақат биттаси – қишлоқقا кираётганимизда ҳамширанинг гапиргани эсимда. Унинг шу юзига сира мос тушмайдиган ҳароратли, жаранглама, ажойиб бир овози бор экан.

– Секин юриш хавфли, офтоб уриши мумкин, – деди у. – Лекин шошилсангиз, терлаб кетасиз, кейин бутхонада шамоллайсиз.

Ҳа, гапи тўғри. Бошқа илож ҳам иўқ. Хотирамда шу кундан қандайдир узук-юлуқ парчалар қолган – масалан, бизга охирги марта етиб келган Перезнинг юзи. Чарçoқ ва қайғудан юзларида йирик-йирик ёш томчилари сизаётган эди. Лекин ажинлари томчиларнинг юмалашига имкон бермаётган, кўз ёши ёйилиб, чолнинг қотма юзини йилтироқ ҳўл пардадай қоплаб олган эди. Кейин эсимда қолганлари – бутхона, йўл чеккаларидаги қишлоқ одамлари, мозор, гурлар устида қизариб турган ёронгуллар, Перезнинг ўзидан кетиб қолгани (худди или қўйиб юборилган қўғирчоқдай қулади), онамнинг тобути устига томирларнинг оппоқ этига аралашиб тугаётган қондай қирмизи тупроқ, яна одамлар, ғала-ғовур, қишлоқ, қаҳвахона олдидаги бекат, моторнинг бетиним гувиллаши – автобус Жазоирнинг чароғон чироқлари оралаб юраётганда, ҳозир бориб ўзимни тўшакка таппа ташлайману ўн икки соат қотиб ухлайман, деб қувонч билан ўйлаганим эсимда.

II

Үйғонганимдан кейин нима учун икки кунга таътил сүраганимда бошлиқнинг норози бўлганини тушундим – бугун шанба экан. Сал бўлмаса унутибман, тураётib бирдан эсладим. Албатта, бошлиқ ўша заҳоти якшанбани ҳам ҳисоблагандан, тўрт кун эркин бўлишимни ўйлаган, турган гап, бу унга ёқмаган. Лекин, бир жиҳатдан, онамни бугун эмас, кеча кўмганимиз учун мен айборд эмас, бошқа томондан, шанба, якшанба кунлари, барি бир, ишга бормасдим. Лекин, шунда ҳам, бошлиқнинг норозилигини яхши тушунаман.

Туришим қийин бўлди, чунки кеча роса чарчаган эдим. Соқолимни олаётib, бугун нима қилишни ўйладим ва чўмилишга қарор қилдим. Трамвайга ўтирдим, бандаргоҳ ёнидаги сувга бордим. Сувга тушиб, сузиг кетдим. Ёш-яланг кўп эди. Сувда Мари Кардонни учратдим. У илгари бизда котиба бўлиб ишлаган, ўша пайлари уни истар эдим. У ҳам, афтидан, йўқ демасди. Лекин топишмадик, у тезда бўшаб кетди. Ҳозир унинг гупсарга чиқиб олишига кўмаклашдим ва шу аснода кўкрагига тегиндим. Мен ҳали сувдан чиққаним йўқ, у эса гупсарга чўзилиб ётди. Ва менга ўгирилди. Сочлари кўзига тушди ва у кулиб юборди. Мен ҳам чўзилиб, унинг ёнига ётдим. Жуда яхши, сал пастта сурилиб, худди ҳазиллашаёттандай бошимни қорнига кўйдим. У индамади, мен ҳам шундай ётавердим. Бепоён, мовий ва тилларанг осмон тўғри кўзимтга келди. Энсам билан Марининг нафас олаёттандан қорни секин кўтарилиб-тушишини туйдим. Шу кўйи яrim мудраб узоқ ётдик. Куёш жуда куйдиравергандан кейин Мари сувга ташланди, мен ҳам унга эргашдим. Етиб олиб, белидан кучоқладим. Иккаламиз сузиг кетдик. У тинмай куларди. Қумлоқда қуриёттанимизда у:

— Мен сиздан күпроқ қорайбман, — деди.

Мен ундан, кечқурун кинога бормайсизми, деб сүрадим. Фернандел ўйнаган картина бўлса, йўқ демасдим, деди. Кийинганимиздан кейин у мени қора галстукда кўриб, жуда ҳайрон бўлди, нима, азадормисиз, деб сўради. Онам ўлган, дедим. У қачон, деди. Мен кеча, дедим. У бир қадам ортга тисланди, лекин индамади. Ахир, менда нима айб, деб айтмоқчи эдим, лекин бошлиққа ҳам шундай деганимни эслаб қолдим. Ҳа, майли, қандай айлантиrsанг ҳам, бари бир, гуноҳкор бўлиб чиқаверасан.

Кечқурун Мари ҳаммасини унугиб юборди. Фильм, баъзи жойлари қизиқарли бўлса ҳам, лекин, умуман олганда, саёзгина экан. Марининг оёғи оёғимга қапишиб турган эди. Сеанс охирида уни ўпид олдим, лекин ўпиш им қанақадир беўхшов чиқди. Кинодан кейин Мари меникига юрди.

Эрталаб кўзимни очсан, Мари кетган экан. Олдинроқ холасини кўриши кераклигини айтган эди. Бугун якшанбалигини эсладим, кўнглим хира бўлди: якшанбаларни ёмон кураман. Бу томонимга ағдарилиб, Марининг денгиз ҳидига қоришган соchlарининг бўйи келаётган ёстиқдан нафас олдим ва соат ўнгача қотиб ухладим. Кейин ўн иккигача турмай ётдим, бир нечта сигарет чекдим. Ҳар кунгидай Селестникига бориб нонушта қилиш ёқмади, у ерда, турган гап, саволга тутишади, менга бунақаси ёқмайди. Тухумқовурдоқ қилиб, тованинг ўзидан, нонсиз еб олдим — уйда бир бурда нон ҳам йўқ эди, чиқиб келишга эриндим.

Нонуштадан сўнг зерикиб қолдим, уйда тентирай бошладим. Онам билан турганда, уй саранжом эди. Бир кишига эса кенглик қилди, емакхонадаги столни ётоқхонамга киритиб олишга тўғри келди. Ҳозир фақат шу хонада яшайман, бу ерда похол ўтиргичи чўккан бир нечта курси, ойнаванд шкаф

(күзгусини сариқ дөф босиб келяпти), қўлювгич ва мис панжарали каравот бор. Бошқа нарсалар қандай ташланган бўлса, шундай ётибди. Нима қилишимни билмай, эски бир газетани олдим, ўқишга тутиндим, сургидори рекламасини қийиб, эски дафтаримга ёпиширдим, бу дафтарга газеталарда нима кулгили нарса курсам, ҳаммасини йифиб юраман. Кейин қўлимни ювдим ва ниҳоят пешайвонга чиқдим.

Хонамнинг деразаси шаҳар канорасининг марказий майдонига қараган. Ҳаво очиқ эди. Лекин шиббаланган куча майдай ялтилайди, ўткинчилар сийрак, ҳаммаси шошилаётган эди. Айримлар оила-оила бўлиб, сайдага чиқишиган. Аввал қотириб дазмолланган матроска ва тиззадан сал пастроқقا тушадиган иштонларида худди таёқдай куринаётган икки болакай, соchlарига катта напармон капалак тақсан, локланган қора бошмоқча кийган қизалоқ ўтди. Улардан кейин жигарранг ипак кўйлакли семиз онахон ва кичкина, чуваккина падарча куринди, уни юзидан танийман. У капалакнусха галстук тақиб, қўлига асо тутган эди. Хотини билан ёнма-ён кўргандан кейин, унинг нега маҳалламиизда жуда бообрў саналишини тушуниб қолдим. Салдан кейин навқирон олифталар ўтди – соchlари силлиқ таралган, мойланган, галстуклари қизил, бели тор костюмларининг кўкрак киссасида каштадўз дастрўмол, оёқларида тумшуғи чорқирра бошмоқ. Шаҳарга, кинога отланишгани куриниб турибди. Шунинг учун уйдан эртароқ чиққанлар, трамвайга ошиқадилар, овозларининг борича хаҳолаб куладилар.

Кейин кўча секин-секин ҳувиллаб қолди. Ҳамма жойда сеанслар бошланганга ўхшайди. Кўчада фақат баққоллару мушуклар қолди. Уйларни энлаб ўсган фикус дарахтлари тепасидаги осмон тоза, лекин хирароқ. Йўлнинг у томонидаги тамаки дўконининг соҳиби кираверишдаги йўлакка курси қўйиб, миниб

олди, тирсакларини суюнчиққа тиради. Боягина тикилингч үтган трамвайлар энди бүш қайттапти. Тамаки дүкөни ёнидаги «Пьеро хузурида» қажвахонаси хизматчиси қыпик сепиб, полни супурди. Бугун якшанба экани шундоқ күриниб турибди.

Мен ҳам тамакифуруушга ўхшаб, курсини айлантириб ўтирдим – шунақаси жуда ўнғай экан. Иккита сигарет чекиб, хонамга кирдим, бир бўлак шоколад олдим-да, дераза ёнига қайтдим. Кўп ўтмай осмон хиралашди, ёзги момақалдироқ гумбурлаб бермаса эди, деб ўйладим. Лекин осмон аста-секин яна ёришди. Аммо булутлар ўтиб кетган бўлса ҳам, кўча худди ёмғирни кутаётгандай хира тортиб тураверди. Мен осмонга тикилиб, не маҳалгача ўтирдим.

Соат бешда трамвайлар тарақлаб келиб қолди. Улар узокроқдаги стадиондан одам олиб қайтаётган, ишқибозлар трамвайларнинг бикинига, лаппакларига даста-даста осилган эдилар. Кейинги трамвайлар ўйинчиларнинг ўзини олиб ўтди, жомадонларидан танидим. Улар бақириб, ўзларининг енгилмас жамоалари шаънига қўшиқ айтиб келишаётган эди. Баъзилари менга кўл силкиди. Биттаси ҳатто:

– Биз ютдик! – деб қичкирди.

Мен ҳам бош иргаб кўйдим.

Кейин оқим-оқим бўлиб автомобиллар ўтди. Кун баттар хиралашди. Томлар устидаги осмон қирмизи тусга кирди, кеч кириши билан кўчалар жонланди. Одамлар сайдан қайта бошлади. Улар орасида бообрў оила бошлигини ҳам кўрдим. Болалар фингшиб, тихирлик қилас, уларнинг кўлларидан судрар эдилар. Шу пайтиёқ маҳалламиздаги ҳамма кинотеатрлар томошабинлар оқимини очиб юборди. Ёшлар одатдагидан файратлироқ одимлаб, кўлларини шахдам силтар эдилар – саргузашт кино кўрсатилганга ўхшайди. Шаҳар марказидаги кинога борганлар кейинроқ қайтишди. Булар

ўзларини анча жиддий тутардилар. Баъзан-баъзан кулиб қўйишар, аммо юзлари ҳорғин ва ўйчанлигича қолаверар эди. Улар уй-уйларига тарқалишмай, рўпарадаги йўлакда у ёқдан-бу ёқса юриб сайр қилишди. Қизлар қўлтиқлашиб кезардилар. Йигит-чалар атайлаб уларнинг йўлларини тўсиб, ҳар хил гап отар, қизлар эса тескари бурилиб, ҳиринглаб қўяр эдилар. Баъзи қизлар менга таниш эди, бош иргаб, табассум қилишди.

Бирдан кўча чироқлари порлаб, эндиғина кўринган юлдузлар униқиб қолди. Чароғон кўчага, ўткинчиларга ҳадеб қарайверганимдан кўзларим жимирилашиб кетди. Кўча чироқлар остида ялтирас, ўтиб кетаётган трамвайлар шуъласида кимнингдир сочи, табассуми ё кумуш балдоғи чақнаб қолар эди. Кам-камдан трамвайлар сийраклашди, дараҳтлар ва чироқлар тепасидаги осмон буткул қорайди, астасекин маҳалла ҳувиллади ва, мана, тамом кимсасиз кўчани ялқовланиб биринчи мушук ҳам кесиб ўтди. Шунда мен овқатланиб олиш керак, деб ўйладим. Курси суянчигига тирсакларимни тираб, узоқ ўтирганимдан бўйним қотиб қолибди. Нон билан макаронга чиқиб келдим, макарон қайнатиб, тик турганча еб олдим. Кейин дераза ёнида яна сигарет чекмоқчи эдим, салқин уриб, жунжакиб кетдим. Деразани ёпиб қайтаётганимда, кўзгуда столнинг бир бурчаги, унинг устидаги манқалдон, бурда нонларни кўрдим. Ва ўйладим – мана, якшанба ҳам ўтди, онамни кўмдик, эртага яна ишга бораман ва, моҳияттан олганда, ҳеч нарса ўзгаргани ҳам йўқ.

III

Бугун маҳкамада ишларим уюлиб ётган экан. Бошлиқ анча одамохунлик қилди. Жуда чарчагандирсиз, деб суради, у ҳам онамнинг неча ёшга

чикқанини суриштируди. Адашишдан қочиб, «Етмишга қараб кетаётган эди», деб күя қолдим. Бошлиқ, бошқа гаплашадиган гап қолмади, деб ҳисобладими, негадир жуда енгил тортди.

Столимда ҳужжатлар даста-даста уюлиб ётган эди, ҳаммасини ишлаш керак. Овқатта борищдан олдин күлимни ювдим. Туш пайти бу – энг ёқимли юмуш. Кечкурун жуда ёқимсиз – құловгич олдидағи сочиқдан бутун маҳкама фойдаланади, кечта бориб жиққа ҳұл бұлади. Бир куни бошлиққа шундай деб айтдим, у, албатта, яхши эмас, лекин арзимас нұқсон, деди. Овқатта одатдагидан кечроқ, ўн икки яримда, Эмманюэл билан бордим, у экспедиция бўлимида ишлайди. Маҳкамамиз денгизга қараган, биз икки-уч дақиқа алаҳсиб қолдик – қуёшда товланаётган бандаргоҳдаги тижорат кемаларини томоша қилдик. Шу пайти дудбуронини тариллатиб, занжирлари қалдирааб, бир юк машинаси ўтиб қолди. Эмманюэл: «Кетдикми?», деди. Юк машинаси узоклашган эди, қувлашга тушдик. Шовқындан кулогим битиб, чантта күмилиб қолдим. Ҳеч нарсани кўрмай-сезмай, чигирлар, кўтарма минорлар, тўлқинда осмонни чизаётган кема харилари, маталган қайиқлар оралаб чопаётган эдик. Юк машинасига биринчи бўлиб етиб, ўғричасига чиқиб олдим. Кейин Эмманюэлга кўмаклашдим. Зўрга нафас ростладик, юк машинаси қуёш ва чантта қоришиб, чорқирра тош тушалган йўлдан сакраб-сакраб бораётган эди. Эмманюэл хақолашини тўхтатолмасди.

Терлаб-пишиб Селестникига кириб бордик. У ҳамишагидай, мешқорин, оқ мўйловли, оқ фартукда турган эди. Мендан «Хўш, қалай, тузукмисан?», деб сўради. Мен: «Ҳа», дедим, қорним очганини ҳам айтдим. Нонуштани апир-шагир тушириб, қаҳва ичдим. Уйта бордим, озгина мизғидим, овқатдан кейин кўпроқ ичган эканман, уйғонганимдан кейин чекиши хумор

қилди. Кечикишдан қўрқиб, трамвайга югурдим. Кечгача ишладим. Маҳкама жуда дим бўлди. Ва кечкурун шошилмай, ҳузур қилиб сув буйидан пиёда қайтдим. Осмон зангори; ўзим ҳам осойишта, хушнуд эдим. Шунга қарамай, тўпса-тўғри уйга жўнадим, картошка қайнатиб егим келган эди.

Фира-шира зинапоядан чиқаётуб Саламано чолга тўқнаш келдим – у билан бир долончада турамиз. Кўппагини кўчага олиб чиқаётган экан. Саккиз йилдан бери иккови бирга яшайди. Бу спаниэлнинг қанақадир тери касаллиги бор, темиратки бўлса керак – жуни тушиб, ҳамма ёғини яра-чақа, қорақўтириб босган. Саламано чол кўппаги билан торкунжак уйда яшайди, узоқ вақт бирга турганидан ўзи ҳам кўппагига ўхшаб қолган. Юзини қизғиши қасмоқ бойлаган, соchlари сийрак, унниқиб кетган. Кўппак ҳам эгасига таассуб қиласди: калласини осилтириб, бўйинни чўзиб, букчайиб юради. Иккаласининг ҳам зоти бирга ўхшайди, лекин бирор-бировини ўлгудай ёмон кўради. Чол кунига икки маҳал, ўн бирда ва олтида кўппакни сайдига олиб чиқади. Саккиз йилдан бери улар юрадиган йўл ўзгармайди. Лион кўчасида кезишади, кўппак жонининг борича тасмасини тортади, Саламано чол чалишиб кетади. Шунда у кўппакни калтаклайди, бўралаб сўкади. Кўппак қўрқҳанидан чўнқайиб, ерга қапишиб олади. Энди судраш навбати чолга ўтади. Лекин кўппак, сал калтакни унутиши билан, яна хўжайинини судраб кетади, буниси яна уни уради, боягидаи сўкади. Иккаласи йўлакнинг қоқ белида бир-бирига тикилиб туришади: ит қўрқинч билан, одам нафрат билан. Ҳар куни шу аҳвол. Кўппак оёғини кўтарса, чол унга имкон бермайди, судрайди ва кўппакнинг орқасида мунчоқ-мунчоқ томчи тўкилади. Агар кўппак уйда шундай қилиб қўйса, бошига яна калтак ёғилади. Саккиз йилдан бери аҳвол шу. Селест Саламанони

ярамас одам, дейди, лекин шундайми, йўқми, ким ҳам билади. Чолни зинапояда курганимда, у кўп-пагини сўкаётган экан:

– Паст! – деди у. – Аблаҳ!

Кўппак жавоб ўрнига ингиллади.

– Хайрли кеч! – дедим чолга.

Чол сўкинишдан тўхтамади. Шунда мен ундан ити нима ёмонлик қилганини сўрадим. Саламано жавоб бермай, нукул:

– Паст! Аблаҳ! – деб такрорларди.

Қоронгида унинг итига эгилиб, бўйинбогини тўғрилаганини гира-шира кўрдим. Мен яна, бу гал қаттиқроқ сўрадим. Шунда у мен томонга қарамай, жаҳдини зўрга босиб:

– Жонимга тегиб кетди бу... – деди.

Ва шу билан кўпмагини судради, кўппак фингшиди, тўрт панжаси билан тирагиб олди.

Шу пайти долончада бирга турадиган яна бир қўшним чиқиб қолди. Маҳалламиизда у қўшмачи сифатида ном чиқарган. Лекин ўзидан нима иш қилишини суриштирганларга, омборчиман, дейди. Ҳеч ким уни ёқтирумайди. Аммо мен билан тез-тез гаплашиб қолади, баъзан ҳатто уйимга ҳам кириб туради, чунки мен унинг гапларини эшигигиб ўтираман. Менингча, у қизиқ нарсаларни айтади. Кейин, у билан гаплашмай юришга ҳам ҳеч бир асос йўқ. Унинг оти – Раймон Синтес. Ўрта бўйли, елкалари кенг, бурни боксчиларникига ўхшайди. Пўрим кийиниб юради. У ҳам Саламано тўғрисида менга:

– Ярамасни қаранг! – деди.

Ва буларнинг ҳаммаси жирканч туюлмайдими сизга, деб сўради, мен йўқ, дедим.

Зинапоядан бирга чиқдик, мен уйга кирмоқчи эдим, лекин у:

– Менинида колбаса билан вино бор. Балки киравсиз? – деди.

Кирсам ўзимга овқат қилишдан кутуламан, деб ўйладим, рози бўлдим. Раймоннинг уйи худди Саламаноникидай, битта хонаю қоронги, деразаси йўқ ошхонадан иборат эди. Каравот тепасида – оқиш напармон ганч фаришта, чемпионларнинг расмлари, журналдан қирқиб олинган икки ё учта сурат – ялангоч хотинлар. Уй ифлос, тўшак йиғишишириксиз эди. Раймон энг аввал керосин чироққа уннади, кейин чўнгагидан тоза-нотозалиги билинмай кеттан бинт олиб, ўнг қўлини боғлашта киришди. Мен қўлига нима қилганини сўрадим. У изоҳ берди: бир нусха тирғалиб олган экан, адабини бериб қўйишта тўғри келибди.

– Тушуняпсизми, жаноб Мерсо, мен баджаҳл эмасман, лекин феълим тез. Ўша нусха менга: «Қани, эркак бўлсанг, трамвайдан туш!», деди. Мен унга: «Майли энди, илакиашма», дедим. У бўлса, шу, эркак эмассан, деяпти. Охири у билан бирга трамвайдан тушдим-да, «Яхшиси, жўна, бўлмаса, кўрсатиб қўйман!», дедим. У бўлса, «Қўлингдан келмайди!», дейди. Шу пайти бир солдим. Учиб кетди. Турғизиб қўймоқчи эдим. Тепиниб яқинлаштирмаяпти. Тиззам билан яхшилаб туйдим-да, шарт-шурт юзига солдим. Башараси қонга қориши. Хўш, қалай, шу билан басми, деб сўрадим. У: «Бас», деди.

Синтес гапдан тўхтамай, қўлини боғлаб олди. Мен унинг тўшагида ўтирган эдим. У яна:

– Тушуняпсизми, мен унга тегмаган эдим. Ўзи бирингчи ҳақорат қилди.

– Шундай қилиш керак эди, – деб гапига қўшилдим. Кейин у мен билан айни шу ҳақда маслаҳатлашиб олмоқчи эканини айтиб қолди, мен эркак эканман, яна кўпни курганман ва унга ёрдам бероламан, шундай қилсам, у мен билан дўст тутинаади. Мен индамадим, шунда у қадрдон дўст бўлишга хоҳишмни сўради. Менга бари бир, дедим ва у, кўринишидан, мамнун бўлди. У колбаса олиб, товада қизартирди, стакан,

ликончаларни жойлаштирди, пичок, санчқилар, икки шиша вино қўйди. Ҳаммасини индамай қилди. Кейин столга ўтирилди. Овқат устида ўз ишлари ҳақида гапира бошлади. Аввалига бир оз чайналди: «Мен биттаси билан таниш эдим... нафсилаамрини айтганда, ўйнашим...»

У билан муштлашган одам – шу ўйнашининг акаси. Раймон хотинни таъминлаб турганини айтди. Мен индамадим, лекин шоша-пиша маҳаллада ўзи ҳақда қанақа фийбатлар юришини, аммо вижданни тоза эканини, омборчи бўлиб ишлаётганини қўшиб қўйди.

– Хуллас, – деб гапида давом қилди. – Мени чув тушираётганини сезиб қолдим.

У ўйнашига яшашга қанча керак бўлса, шунча ажратиб туради. Унга ўзи ижара топди ва овқати учун кунига йигирма франк беради.

– Ижара учун уч юз франк, овқатга олти юз, вақти-вақти билан пайпоқ-майпогига минг франк. Яна бу хонимча ишламайди. Лекин доим берган пулинг етмаяпти, деб ишонтироқчи бўлади. Мен унга: «Ярим кунлик ишга кир. Мени майда харажатлардан кутқарасан, сенга шу ойда костюм олиб бердим, кунига йигирма франк овқатга оласан, ижарангни тўлайман, сен бўлса куппа-кундузи дугоналаринг билан қаҳва ичиб ўтирасан. Тағин уларни қанд солинган қаҳва билан сийлайсан. Ҳаммаси менинг пулимдан. Сенга яхшилик қиляпман, сен менга нима қиляпсан?», дейман. Лекин у ишламади, пулинг етмаяпти, деган гални топиб олган, охирида мени чув тушираётганини сезиб қолдим.

Раймон менга хотиннинг халтасидан лотерея билети топгани, хотиндан сўраса, қайси пулга олганини айттолмай қолганини гапириб берди. Салдан кейин у хотиннидан тилхат топиб олди, билса, балдоги борлигидан мутлақо бехабар экан.

– Шу ерда қанақалигини билиб қолдим. Кейин у билан орани очиқ қылдим. Лекин олдин дүтпосладим. Ўзи ҳақида нима ўйлаган бўлсам, ҳаммасини бетига солдим. Сен, дедим, фақат дуч келган билан тўшакда афнашни биласан. Тушуняпсизми, жаноб Мерсо, бетига шундай дедим, сени баҳтли қылдим, дедим, сенга ҳамманинг ҳаваси келади, сен эса қадрига етмаяпсан. Ҳали пушаймон ейсан, лекин кейин ўрнига тушмайди.

У хотинни кўкартириб урди. Шунгача уни урмаган экан.

– Уриб туардим-у, лекин номига, яхши кўрганимдан. У ҳам кўз ёш қиласарди, лекин мен деразанинг қопқасини ёпиб қўярдим ва шу билан ҳаммаси жой-жойига тушиб қоларди. А, бу гал иш жиддийроқ бўлди. Ҳали, сизга айтсам, ҳали уни керагича ўқитиб қўёлмадим.

У худди шу ерда маслаҳатим зарурлигини тушунтириди. Кейин тухтаб қолди ва пиликни тўғрилади, чунки чироқ тутаётган эди. Мен индамай ўтиридим. Салкам бир литр вино ичдим, бошим гувуллаб кетди. Эшишиб, Раймоннинг сигаретини чекяпман, ўзимники тугаб қолди. Кундузнинг суниб бораётган акс-садоларини олиб, охирги трамвайлар ўтди. Раймон гапини давом эттириди. Ҳали ўйнашидан кўнгли қолмаган, энг ёмони шу. Лекин албатта уни ўқитиб қўйди. Аввал у ўйнашини биронта меҳмонхонага олиб бориб, ахлоқ полициясини чақирмоқчи бўлди: майли, бир жанжал чиқиб, сариқ чиптасини қўлига тутқазишичин. Кейин дўстларидан маслаҳат сўради: бунаقا давраларда ўз одамлари бор. Лекин улар тузукроқ йўл кўрсатишмади. Шундан кейин бунақалар билан дўст бўлиб юришдан нима фойда, деди Раймон. Уларга тўппа-тўғри шундай деб айтди, кейин улар хотиннинг юзига тамфа бос, деб таклиф

қилишди. Лекин бу Раймонга керак эмас. У яна ўйлаб кўради. Лекин олдин мендан у-бу нарсани илтимос қилмоқчи. Йўқ, унгача шундай саволи бор: мен ўзи шу машмаша ҳақида нима деб ўйлайман? Мен, ҳеч нимани ўйлаётганим йўқ, менга шунчаки қизик, дедим. А, мен қандай фикрдаман, хотин уни алдаяптими? Ҳа, алдаётганга ўхшайди. Мен қандай фикрдаман, уни ўқитиб қўйиш керакми? Мен унинг ўрнида бўлсам, нима қилардим? Менинг бирон нарса дейишим қийин. Лекин уни ўқитмоқчи бўлса – буни тушунаман. Кейин яна вино ичдим. Раймон сигарет чекди ва менга режасини тушунтириб берди. У хотинга хат ёзди, хатда унинг тумшуғига солади ва шу билан бирга тавбасига таянтиради. Сўгин, хотин келгандан кейин, иккаласи бирга ётганда, айни ўша иш бўлай деганда, бетига тупуради ва ҳайдаб юборади. Мен унга қўшилдим – ҳа, шунаقا қилиб, хотин чиндан ҳам жазосини олади. Лекин Раймон айтдики, очиги, бунаقا хат ёзиш қўлидан келмайди, шу учун, мана ўйлабди – хатни балки мён ёзид берарман. Мен ҳеч қандай жавоб бермадим, шунда, мен қарши бўлмасам, ҳозироқ ишга киришсак, деб таклиф қилди. Мен, қарши эмасман, дедим.

У бир стакан вино ичди ва ўрнидан турди. Ликопчаларни, тўнглаб қолган колбасаларнинг қолдигини нари сурди. Ҳафсала билан стол клёнкасини артди. Тортмадан катак чизиқли қофоз, қизил ёроч ёзғич, бинафша сиёҳ тўлдирилган чорбурчак сиёҳдон олди. Хотиннинг отини айтган эди, унинг мавр экани билиниб қолди. Мен хат ёздим. Тўғри келган гапларни тўқидиму, лекин Раймонни мамнун қилишга уриндим – аслида, нега ўзи уринмаслигим керак? Кейин хатни овоз чиқариб ўқиб бердим. У тинглади, чекди, бош ирғаб ўтирди, кейин яна бир марта ўқишимни илтимос қилди. Жуда мамнун бўлди. Ва менга:

– Кўпни кўрган одам эканингни билардим-да, – деди.

Унинг сенлашга ўтганини бирдан пайқамабман ҳам. «Мана, энди ҳақиқий дўстимсан!» – деди, бунга лол бўлиб қолдим. Яна бир марта шундай деб қайтарди ва мен ҳам: «Ҳа», дедим. Дўст бўлса, дўст-да, менга бари бир, лекин унинг шуни жуда истаётгани кўриниб турибди. Кейин индамай ўтирдик, чекдик. Кўча жимиб қолди, фақат яккаш бир машина фидиракларининг шувиллагани эшитилди.

Мен:

– Кеч бўлиб қолди, – дедим.

Раймон ҳам шу фикрда эди. У вақт жуда тез ўтади – бир ҳисобда, шунақаси ҳам тўғри, деди. Мудраб кетаётган эдим, лекин сира ўрнимдан туролмасдим. Афт-башарамдан чарчаганим билиниб турган шекилли, Раймон, кўнгилни чўқтирмаслик керак, деди. Аввалига тушунмадим. Шунда Раймон изоҳ берди: онамни кўмганимни эшитибди, лекин илож қанча, одинми, кейинми, ҳаммамиз ҳам ўламиз. Гапига қўшилдим.

Кейин мен турдим. Раймон қўлимни қаттиқ сиқди, ҳақиқий эркаклар доим бир-бирини тушунади, деди. Ташқари чиқиб, эшикни ёпдим, бир-икки дақиқа қоронғи долончада тўхтадим. Қимиrlамай турардим, лекин ҳеч нарсани эшитмадим, фақат қулогим шанғилларди. Ҳа, Саламано чолнинг уйидан кўпагининг бўғиқ ангилаши чиқарди.

IV

Ҳафта давомида кўп иш қилдим. Бир марта Раймон келди ва ўша хатни жўнатганини айтди. Икки марта Эмманюэл билан кинога бордим, у кўпинча экранда нима бўлаётганини тушунмайди.

Унга айтиб туришим керак. Кеча, шанба куни, гаплашиб олганимиздай, Мари келди. Қызил, оқ, чизикди жуда чиройли күйлак, чарм шиппак кийган экан ва уни жуда истадим. Дуркун күкраклари күйлагидан туртиб турар, қуёшда тобланган юзи гулга ўшшар эди. Автобусга чиқдик ва Жазоирдан бир неча чақырим наридаги кичкина күмлөкқа бордик – күмлөк қоялар билан паналанган, қуруқликдан эса қамиш түсіб турарди. Соат тұртда қуёш унча қыздырмас, лекин сув илиқ эди. Эринчоқ нишаб тұлқынлар осойишта шипиллаб турарди.

Мари менга йүйин ўргатди: сузаётіб, тұлқын ёлларидаги күпикни оғзингта йиғасан-да, чалқанча ўтирилиб, осмонга фаввора қилиб пулфлайсан. Ҳавога зарралар ипак ҳошиядай ғайылади ва бетингта ёмғир бўлиб тушади. Лекин тезда оғзим аччиқ-шўр сувдан куйишиб кетди. Мари пинжимга сузиб кирди ва қаттиқ қучоқлаб олди. Лабимга лабини босиб, тили билан айлантириб чиқди. Оғзимнинг ачиши тұхтади ва биз бир оз тұлқында чайқалиб ётдик.

Кейин күмлөкқа чиқиб кийинишига тушдик. Мари менга ёниб қаради. Уни қучоқладим. Шундан кейин бошқа гапирмадик. Мен уни бағримга олдим ва автобусга ошиқдик, түғри уйга келиб, түшакка отилдик. Деразани очиқ қолдирдим. Ёз туни қуёшда ловуллаган баданларимизни чўмилтириди ва бу жуда қойилмақом эди.

Мари эрталаб ҳам уйда қолди ва мен, кел, бирга нонушта қилайлик, дедим. Бирон-бир егулик олиб келишига чиқдим. Қайтиб келаётганимда Раймоннинг хонасидан аёл овози эшитиленди. Сал ўтмай Саламано ҳам итига жавраб күйди. Зинапоя ёғочида пошна тақиллаб, тирноқлар қитирлади ва таниш овоз эшитиленди:

– Паст! Аблаҳ!

Улар күчага чиқди. Мен Марига чолни гапириб бердим ва у роса кулди. У менинг чолворимни кийган

эди, почаларини туғиб олган. Кулгандан кейин яна уни истаб қолдим. Сал вақтдан кейин у:

– Мени яхши күрасанми? – деб сұради.

Мен, булаң қуруқ гап, ҳеч нарсани англатмайды, лекин, тұғриси, яхши күрмайман, дедим. У хомуш бўлиб қолди. Лекин нонушта тайёrlаётib, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирдан кулган эди, уни бағримга олдим. Худди шу вақт Раймоннинг хонасида шовқин кўтарилди.

Биз олдин аёлнинг қаттиқ чинқиригини, кейин Раймоннинг овозини эшитдик:

– Сен мени алдадинг, а, алдадинг! Мени алдаш қанақалигини сенга кўрсатиб қўяман!

Бўғиқ мушт товушлари келди ва хотин шундай чинқирдики, уйдагиларнинг ҳаммаси зинапояга чопиб чиқди. Мари иккаламиз ҳам чиқдик. Хотин ҳалиям қичқирап, Раймон дўппослашни тўхтатмас эди. Мари, қандай даҳшат, деди. Мен индамадим. У, миршабни чақириб келсанг-чи, деди, миршабларни жиним суймайди, дедим. Лекин миршаб пайдо бўлди, уни иккинчи қаватда турадиган водопроводчи эргаштириб келди. Миршаб эшикни тақиллатди ва ичкари ўша заҳоти тинчили. У қаттиқроқ тақиллатди, хотин йиглаб берди ва Раймон эшикни очди. У сохта ишшайиб туар, оғзида сигарет бор эди. Хотин эшикка отилди ва миршабга Раймоннинг урганини айтиб, қичқирди.

– Фамилия? – деб сўради миршаб.

Раймон жавоб қилмади.

– Ол сигаретни оғзингдан, мен билан гаплашяпсан, – деди миршаб.

Раймон чайналди, менга қаради ва сигаретини олмади. Миршаб қулочкашлади-да, залворли шапалоқни тарсилматиб унинг юзига ёпиштирди. Сигарет бир неча қадам нарига учиб кетди. Раймоннинг юзи

бўзарди, лекин бирдан гагирмади, сал вақтдан кейин, мўмингина қилиб сўради: сигаретни олсам майлими.

Миршаб ружсат берди ва:

– Иккинчи марта миршабларга ҳазил қилиш нималигини биласан, – деб қўшиб қўйди.

Шу вақт давомида хотин йигълар ва:

– У мени дўпослади. Ҳангى бу, – деб такрорлар эди.

Раймон:

– Жаноб миршаб, одамни ҳангى деб ҳақоратлашга қонун йўл қўядими? – деди.

Лекин миршаб унга жагини ёпишни буюрди. Шунда Раймон хотинга ўтирилди ва:

– Шошмай тур, қизалоқ, яна қўлимга тушарсан, – деди.

Миршаб унга жагини ёпишни буюрди, бўлти, хотин кетаверсин, у эса миршабхонага чақириш-гунча уйда ўтириб турсин. Ва яна қўшимча қилди – Раймонга уят эмасми, шунча ичадики, қалт-қалт титрайди. Шунда Раймон изоҳ берди:

– Маст эмасман, миршаб жаноблари. Сизнинг олдингизда ўз-ўзидан қалтираб кетяпман.

У эшикни ёпди ва ҳамма тарқалди. Мари икка-ламиз яна нонушта тайёрлашга тушдик. Лекин унинг иштаҳаси ўлган экан, ҳаммасини ўзим едим. Бир соатдан кейин у кетди, мен эса яна озгина ухлаб олдим.

Соат учларда эшик тақиллади ва Раймон кирди. Мен ҳали турмаган эдим. У каравот четига илинди. Индамай ўтираверди ва мен нима бўлган эди, деб сўрадим. У айтиб берди. Ҳаммасини ўйлаганидай қилибди, лекин хотин унга шапалоқ тортиб юборибди. Кейин хотинни дўпослабди. Қолганини шусиз ҳам ўзим кўрдим. Мен, мана, хотинни ўқитиб кўйдинг, энди хурсанд бўлсанг арзийди, дедим. У ҳам шу фикрда эди, миршаб халал берганига қарамай,

хотинни ўжшатиб калтаклади, энди ҳеч ким буни орқага қайтаролмайди. У яна, миршабларни яхши ўрганганман, улар билан қандай муомала қилишни биламан, деб қўшиб қўйди. Кейин ундан ҳам миршабнинг тумшуғига солишини, ҳойнаҳой, кутган бўлишимни сўради. Мен, ҳеч нарсани кутганим йўқ, дедим, умуман миршабларни жиним сўймайди. Раймоннинг кунгли жой бўлгани кўриниб турарди. Мен билан бирга айланиб келмайсизми, деб сўради. Мен турдим, сочимни тарадим. Шунда у мени гувоҳликка ўтказмоқчилигини айтди. Менга бари бир, лекин нимани гапиришни билмайман. Раймон тушунтирди: шу аёлнинг уни алдаганини тасдиқлаш кифоя экан. Мен гувоҳликка ўтишга рози бўлдим.

Уйдан чиқдик ва Раймон бир қадаҳдан коньяк ичишга чорлади, кейин бир кўлдан бильярд ўйнагиси келиб қолди ва мен озгина бой бердим. Кейин у мени исловотхонага таклиф қилди, лекин мен, йўқ, дедим, чунки бунақа ишларни ёмон кўраман. Шундан кейин ошиқмай уйга қайтдик. У тинмай ўйнашини ўқитиб кўйганидан кунгли жой бўлганини гапирди. У менга анча ёқимтойлик қилди ва мен жуда яхши кўнгил ёздик, деб ўйладим.

Узокдан уйимиз эшиги олдида Саламано чолни кўрдим, у нимадандир жуда ҳаяжонга тушган эди. Олдига боргандан кейин билсак – ёлғиз ўзи, ити йўқ. Атрофга олазарак аланглайди, қоронги долонга термилади, турган жойида айланиб, қанақадир узуқ-юлуқ фўлдираб, яна еликкан, қип-қизил кўзлари билан кўчани тинтишга тушарди. Раймон нима бўлди, деб сўради, аммо чол бирдан жавоб бермади. У ҳалиям каловланиб турарди ва мен унинг тишланиб вайсаганини зўрга тушундим:

– Паст! Аблаҳ!

Ити қайдалигини сўрадим.

– Қочди, – деб чурт кесди чол ва бирдан гапи тошиб кетди:

– Уни етаклаб ҳар кунгидай майдонга бордим. Бозор бўлаётган эди, томошагоҳларнинг олдида тумонат. Мен «Дайди қирол»га қарашга тўхтадим. Кейин нарёқча ўтмоқчи бўлдим, бирдан қарасам йўқ, қораси ўчган, йўқ... Асли илгариёқ бўйинбонг нинг торроғидан олиш керак эди. Лекин бу абраҳмининг шунаقا қочиб қолишини сира ўйламабман.

Раймон унга таскин беришга уринди: ким билади, балки адашиб қолгандир, шошмай туринг, ўзи ҳам келиб қолар. У ҳар хил мисоллар келтирди: эгасини йўқотиб, ўнлаб чақирим адашиб қолган, кейин яна уйини топиб келган итлар истаганча чиқади. Лекин чоннинг кўнгли сира тинчимади.

– Тушунсангиз-чи, ўлдиришади уни. Биронта одам асраса ҳам майли эди. Э, йўқ, бунақа ирганчиқ кимга ҳам зарил, ҳамма жирканади ундан. Аллақачон саллоҳлар ушлаб олган чиқар.

Шунда мен Саламанога саллоҳонага боришни маслаҳат бердим, майли, жарима тўлайди – итни қайтариб беришади. У, жаримаси каттами, деб сўради. Мен буни билмадим. Шунда у тутақиб кетди:

– Шу ўлаксага тағин пул тўлаш ҳам керакми! Ўлса ўлсин.

Ва сўкинишга тушиб кетди. Раймон кулиб, уйга кўтарилди. Мен ҳам изма-из чиқдим. Долончада хайрлашдик. Бир дақиқалардан кейин қадам товушини эшилдим, чол эшикни тақиллатди. Эшикни очдим, у оstonада депсиниб туриб қолди ва:

– Кечирасиз... афву этинг... – деб ғулдиради.

Мен ичкарига чорладим, лекин у кирмади. Ерга боқди, қасмоқ бойлаган қўллари қалтиради. Бошини кўтармай:

— Мерсо жаноблари, айтинг, мендан уни олиб кўйишадими? Менга қайтариб беришадими? Энди менга нима бўлади!

Мен саллоҳхонада итлар, агар хўжайнин излаб борса, олиб кетиши учун уч кун сақланади, кейин ўз билганиларича иш тутишади, деб айтдим. У менга индамай, узоқ термилди. Кейин:

— Яхши ётиб туринг, — деди.

Ва уйига кириб кетди, мен унинг хонасида у ёқ-бу ёққа бориб келаётганини эшитиб турдим. Кейин каравот ғижирлади. Юпқа девор ортидан бир ғалати бўғиқ товуш эштилди, чолнинг йиғлаётганини англадим. Лекин эртага барвақт туриш керак. Иштаҳам йўқ эди ва мен овқат емай, ухлашга ётдим.

V

Раймон маҳкамага сим қоқди. Бир ошнасига мени гапириб бергани, шу ошнаси мени шаҳар ташига меҳмонга чорлаётганини айтди, ўша ерда унинг кичкина уйи, тўғрироғи, кулбаси бор экан. Мен жон деб борардим, лекин якшанбада бирга бўлишга бир қиз билан ваъдалашганман, дедим. Раймон шу заҳоти, майли, қизинг ҳам юраверсин, деди. Ошнасининг хотини эркаклар даврасида бир ўзи бўлмаганига фақат қувонади.

Мен дарров дастакни қўймоқчи бўлдим, бошлиқ бизни сўраб маҳкамага телефон қилишларини ёмон кўради. Лекин Раймон, яна бир дақиқа, деди, таклифни у кечқурун айтиши ҳам мумкин эди, лекин у мендан яна у-бу нарсани илтимос қилмоқчи экан. Уни кун бўйи бир нечта араб таъқиб қилиб юрибди, улар орасида собиқ ўйнашининг акаси ҳам бор экан.

— Агар кечқурун қайтиб, уни уйимиз олдида кўрсанг, менга айтиб қўй, — деди.

Мен, албатта, дедим.

Салдан кейин бошлиқ чақирирди, таъбим хира бўлди, ҳозир телефонда гап сотиш ўрнига кўпроқ ишласангиз бўларди, деса керак, деб ўйладим. Лекин, гап мутлақо бошқа ёқда экан. У менда битта фикр бор эди, ҳали ноаниқроқ, деди. Шу ҳақда менинг фикримни билмоқчи бўлибди: бевосита ўз жойида иш юритади, Париждаги йирик фирмалар билан шартномалар тузади – хўш, ана шу ишга мен киришсам қандай бўлади? Парижда яашшим ва шу билан бирга кўп жойни кезишим ҳам мумкин.

– Сиз ёшсиз, менга ҳам шу иш сизга маъқул тушадигандай туюляпти.

Мен, майли, моҳиятнан олганда, менга бари бир, дедим. Шунда у, сизга наҳотки турмушни ўзгартиришнинг қизиги бўлмаса, деди. Мен, турмушда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, ҳаммаси доим бирдай, менга шу туришим ҳам яхши, дедим. Унинг юзи норози тус олди: доим бошқа гапни тўғрилаб турасиз, сизда шуҳратталаблик йўқ, бу эса иш учун ёмон, деди. Мен яна ишимга қайтдим. Уни норози қилганим ўзимга ёқмади, лекин нимага энди ҳаётимни ўзгартиришим керак? Бундай ўйлаб кўрилса, нима, бебахтманми? Талабалик пайтимда бир талай шуҳратталаб орзуларим бор эди. Лекин ўқишини ташлашга тўғри келганда, бунақа орзулар ҳавои эканини тезда тушуниб олдим.

Кечқурун Мари келди ва турмуш қуришимиизни истармидинг, деб сўради. Менга бари бир, лекин агар у шуни хоҳласа, турмуш курсак ҳам бўлаверади, дедим. Кейин уни севиш-севмаслигимни билгиси келди. Мен, аввал ҳам айтганимдай, бунинг ҳеч аҳамияти йўқ, лекин бор гап, сени яхши курмайман, деб жавоб бердим.

— Унда нима қиласан менга уйланиб? — деб сүради.

Мен тушунтиридим; бунинг мутлақо аҳамияти йўқ — у шуни истаётган бўлса, нимага энди уйланмаслигим керак. Ахир, унинг ўзи шуни сураяпти, мен фақат рози бўляпман. Шунда у никоҳ — жуда жиддий нарса, деди.

Мен:

— Йўқ, — дедим.

Унинг гапи оғзида қолди ва бир муддат индамай менга тикилиб қолди. Кейин яна гапирди. Қизик, унинг урнида бошқа аёл, мен билан шунаقا муносабат билан боғланиб қолиб, менга шундай таклиф қилса, рози бўлармидим? Мен:

— Албатта, — дедим.

Мари сени яхши кўриш-кўрмаслигимни ўзим ҳам тушунмайман, деди, аммо буни мен қайдан билай. У яна индамади, кейин тутилинқиради, мен қанақадир ғалатиман, лекин у, албатта шунақалигим учун мени яхши кўради, эҳтимол, вақти келиб, айни шунақалигим учун ҳам жонига тегиб қоларман. Бунга қўшадиган гапим йўқ эди ва мен ҳеч нарса демадим; шунда у жилмайиб, кўлини кўлимдан ўтказди ва менга турмушга чиқишини маълум қилди. Мен қачон хоҳласа, шунда, мен қарши эмасман, дедим. Кейин унга бошлиқнинг таклифини айтиб бердим, Мари Парижни кўрса, роса қувонишини айтди. Мен бир вақтлар у ерда яшаганимни айтдим ва Мари Париж қанақа ўзи, деб сўради.

— Кир жой. Ҳамма ёқда капитар билан ис босган уйлар. Одамларининг териси оқ, — дедим.

Кейин уйдан чиқдик ва кенг кўчалар бўйлаб шаҳарни бутунича кезиб ўтдик. Жуда кўп чиройли аёлларга дуч келдик ва мен Маридан, буларни сезяпсанми, деб сўрадим. У, ҳа, сени яхши тушу-

наман, деди. Анча вақтгача бошқа гапирмадик. Лекин унинг ёнимда қолишини истадим ва икковимиз бирга Селестникида овқатлансанак бўлади, дедим. Мари жуда боргиси келяпти-ю, лекин, бугун ишим бор, деди. Менинг уйимдан анча узокда эдик ва мен унга, кўришгунча, дедим. У менга тикилди:

– Нима ишим борлиги наҳотки сени қизиқтирмаса, – деб сўради.

Ҳа, қизиқ эди-ю, лекин сурош бирданига хаёлимга келмабди, у ҳам шуни таъна қилаётганга ўхшайди. Хижолатга тушганим билиниб қолди шекилли, у кулиб юборди ва менга бутун вужуди билан интилди, лабларини тутди.

Тушликни Селестникида қилдим. Энди овқатни бошлаган эдим, тўсатдан бир ғалатироқ хотин кирди ва олдингизда ўтирсам бўладими, деб сўради. Албатта, бўлади. У жуда ажабтовур эди: кичкинагина, сергайрат, юzlари олмачадай, кўzlари йилтиллайди. У нимчасини ечиб ташлади, ўтирди-да, таомномани жонсарак ўқишига туцди. Селестни чақирди ва шу заҳоти талваса билан, лекин қатъий оҳангда овқат буюорди. Газак олиб келишгунча халтасини очди, бир варақ қофоз билан қалам чиқарди-да, ҳаммасини олдиндан ҳисоб-китоб қилди, кармонини олди, қанча бўлса, шунчага санаб, чойчақа ҳам қўшиб, идиш ёнига қўйиб қўйди. Шу пайт унга газак келтиришди ва у бир зумда пакъос туширди. Кейинги овқатни олиб келишгунча у яна халтасини очди, ҳафталик радиоэшилтиришлар рўйхати босилган журнал ва кўк қалам чиқарди. Ҳафсала билан ҳафталик эшилтиришларнинг қарийб ҳаммасига сидирғасига белги қўя бошлади. Дастур қарийб ўн саҳифани эгаллаган эди, бу унга бутун тушликка етарли иш бўлди. Мен овқатланиб бўлдим, у эса ҳали ҳам ғайрат билан белги қўйиб ётган эди. Кейин у турди, худди қўғирчоқникига ўхшаган кескин ҳаракатлар билан

нимчасини кийди ва ташқарига чиқди. Мен ҳам чиқдим ва бошқа ишим йўқ, эрмакка орқасидан тушдим. У йўлакнинг энг остидан, сал ҳам оғишмай, ҳеч қаёққа қарамай ўқдай тўғри, ақл бовар қилмайдиган шиддат билан юриб кетди. Охири, уни кўздан йўқотиб қўйдим ва орқамга қайтдим. Жуда ғалати эканми, деб ўйладим, лекин у тезда эсимдан чиқиб кетди.

Эшигим олдида Саламано серрайиб турган экан. Уни уйга эргаштириб кирдим, у ити топилмагани, саллоҳхонада ҳам йўқдигидан нолиди. У ернинг хизматчилари, балки мошин-пошин босиб кеттандир, деб айтибдилар. Саламано, буни полициядан аниқлаш мумкинми, деб сўрабди. Унга, бунақа ҳодисалар сонмингта, ҳеч ким ҳисобга олиб юрмайди, деб жавоб берибдилар. Мен, бошқа ит асррасангиз бўларди, дедим, лекин чол ўз итига кўнишиб қолганини айтди, у ҳақ эди.

Мен каравотда оёғимни ечмай ўтирдим, Саламано эса менга рўпара, стол ёнида эди. Кўлларини тиззасига қўйган. Эски мовут шляпасини ечмади. У бурда-сурда гапларни ланж чайнар, саррайган мўйловлари титрар эди. У сал-пал жонимга теккан эди, лекин, бари бир, бошқа қиласидиган ишим йўқ, уйкум ҳам келмаётган эди. Бошқа гапирадиган нарса ҳам қолмади ва мен чолдан яна итини сўрадим. Чол хотини ўлгандан кейин шу итни асрраганини айтди. Кеч уйланди. Ёшлигига актёр бўлишни орзу қиласиди ва полкда аскарларнинг ҳаваскор тўгарагида ўйнарди. Лекин ҳамма орзулари темириўл хизматига ўтиш билан поёнига етди ва у афсус қиласиди, чунки ҳозир озгина нафака тўлашади. Хотини билан бахтли бўлмади, лекин унга жуда ўрганиб қолган эди. Хотини ўлгандан кейин, ёлғизлик қийнаб қўйди. Шунда устахонадаги бир ошнасидан кучук сўраб олди. Кучук жуда кичкина экан, сўргич билан

овқатлантиришга тұғри келди. Лекин итнинг умри одамницидан қисқароқ ва иккаласи бирга қариidi.

– Жуда бадфеъл әди, – деди Саламано. – Күп келишмай турардик. Лекин, бари бир, яхши ит әди.

Мен, ҳа, зотдор ит әди, дедим, бу гапимдан чол анча талтайди.

– Сиз уни касалга чалинишидан олдин билмайсизда, – деб құшиб қўйди у. – Жуни шундай яхши әдикি, силаб тўймасдим.

Ит дардга чалингандан кейин Саламано унга ҳар куни эрталаб, кечқурун малҳам суриб қўярди. Лекин, аслида, ит касал эмас, шунчаки қариган әди, қариликка эса даво йўқ.

Мен шу аснода эснадим ва чол, боришим керак, деди. Майли, ҳали ўтирангиз бўларди, дедим, ити кулфатга учрагани ёмон бўлди-да. Чол миннатдорчилик билдириди. Унинг итини онам жуда яхши кўрганлигини айтди. «Шурлик волидангиз», деди. Кейин ирод қилди: онам ўлиб, бошимга оғир баҳтсизлик тушди, мен ҳеч нарса демадим. Кейин қаттиқ хижолатга тушгандай гапирди: онамни ғарибхонага топширганим учун маҳалладагилар мени айблашар экан, лекин унинг ўзи мени яхши билади ва онамни яхши кўрганимга шубҳа қилмайди. Мен ўзим ҳам шу гап нимага кераклигини билмай, мени айблашларини биринчи эшитишм, дедим, онамни ғарибхонага жойлаштириш табиий, чунки унга қарайдиган ҳамшира ёллашга пулим етмас әди.

– Ва кейин, – деб құшиб қўйдим, – мен билан гаплашадиган гапи ҳам йўқ, бир ўзи жуда зерикиб қолган әди.

– Шундай, – гапимни маъқуллади Саламано, – ғарибхонада, ҳеч бўлмаса, дўст орттириш мумкин.

Кейин хайрлашишга чоғланди. Ухлаш керак. Ҳаёти ўзгарди, бундан сўнг қандай кун кечиришини ўзи ҳам билмайди. Шунча йил билганимдан бери,

у биринчи марта менга тортинибгина күл узатди ва мен унинг қўли нақадар ғадир-будур эканини сездим. Кетаётиб у маъюс жилмайди ва:

– Кечаси итлар ҳурмаса ҳам майли эди. Худди итим келиб ҳураётгандай туюлаверади, – деди.

VI

Якшанба куни зўрға турдим. Мари мени чақириб, силтаб уйғотди. Нонушта қилиб ўтиргадик, чунки эртароқ бориб, чумилиб олмоқчи эдик. Курагимнинг таги саншиб, бошим салгина оғриётган эди. Сигарет тахир туюлди. Мари кулди ва юзинг у дунёга бораётган одамнигига ўхшайди, деди. У оқ чит кўйлак кийган, сочларини ёзиб юборган эди. Мен унга, жуда очилиб кетибсан, дедим, у роҳатланиб кулди.

Чиқаётиб, Раймоннинг эшигини тақиллатдик. У ҳозир чиқаман, деб қичқирди. Яхши ухламаганим, уйда пардаларни очиб қўймаганимиз учун, ўткир қуёш нури юзимга худди шапалоқдай урилиб, эсанқиратиб қўиди. Мари шодон иргишлаб, қандай яхши кун, деб такрорларди. Сал ўзимга келдим ва бирдан қорним очлигини англашим. Марига айтган эдим, у менга клёнка халтачасини кўрсатди – халтачада фақат чумилиш кийимимиз билан сочиқ бор эди, холос. Фақат битта чора – кутиш қолди, ниҳоят Раймоннинг эшикни қулфлаётганини эшитдик. У кўк шим, енги калта оқ кўйлакда чиқиб келди. Сомон канотъе-шляпа кийиб олган экан, Мари ҳатто кулиб юборди; қалин қора жун босган қўли тирсаккача оппоқ эди. Сал жиркандим. Раймон хуштак чалар, кўринишидан жуда мамнун эди.

– Салом, отахон! – деди.

Марига «мадемуазель», деди.

Кеча иккаламиз миршабхонага бордик ва мен ҳалиги хотиннинг Раймонни «алдагани» ҳақида гувоҳликка ўтдим. Унга огоҳлантириш бериб, кўйиб юборишиди. Менинг гапимни эса ҳеч ким текшириб ўтирмади. Ҳозир, кўчага чиқаётib, Раймон билан яна шу ҳақда гаплашдик, кейин автобусда кетишга қарор қилдик. Кумлоқ унча узоқ эмас, лекин автобусда тезроқ борамиз. Раймон эртароқ етсак, ошнаси хурсанд бўлишини айтди. Энди бекатга юрмоқчи эдик, Раймон бирдан менга кўччанинг у томонига қара, деб ишора қилди. У ёқда бир нечта араб тамаки дўкони пештахтасига суюниб туришган эди. Улар бизга индамай, лекин шунаقا лоқайд қарашдики, гўё биз одам эмас, тош ё қуриб қолган дарахтмиз. Раймон менга, чапдан иккинчиси худди ўшанинг ўзи, деди ва юзи ташвишли тус олди. Ҳа, майли, энди ўтиб кетган иш, деб қўшиб кўйди. Мари тушунмай, нимани гаплашяпсиз, деб сўради. Мен, манави арабларнинг Раймондан қасди бор, дедим. У, шундай бўлса, тезроқ бу ердан кетайлик, деди. Раймон кўкрагини мағрур керди, лекин шу заҳоти кулиб юборди ва ростдан ҳам, шошилишимиз керак, деди.

Биз бекатга қараб юрдик – яқин эди, Раймон айтиб кўйди – араблар изимизга тушибди. Мен орқага қарадим. Улар ҳатто қимиirlаб ҳам кўйишмади, боягидай лоқайдлик билан ҳозиргина биз турган жойга бефарқ қараб турардилар. Автобусга ўтирдик. Раймоннинг кўнгли тинчиди шекилли ва Марини тинмай ҳазилга ила бошлади. Мари унга ёққанини англашим, лекин Мари унинг ҳазилларига қарийб жавоб қилмади. Фақат ҳар замон унга қараб, кулиб кўярди.

Шаҳардан чиқдик. Кумлоқ автобус бекатига жуда яқин эди. Фақат баланд қирғоқдаги очиқ, тептекис жойдан ўтилса, нариёғидаги қиялик түфри кумлоққа олиб тушарди. Оёқ остида сарғиш тошлар

сочилиб ётар ва аллақачон нилий рангга түйинган асфодел гуллар осмон тагида ўткир товланар эди. Марининг вакти чоқ – клёнка сумкасини ўйнатиб, асфоделларни уриб, баргини туширади. Оқ, зангори деворлар билан ўралган бөг-хөвлилар оралаб юрдик, баъзи уйлар юлғунга ўралиб олиб, кўзга ташланмас, баъзилари эса тошлар орасида яп-яланғоч туюларди. Ҳали қиялик охирига етмаёқ, ястаниб қотган денгизни кўрдик. Нарироқдаги мудроқ бурун тиник сувни ёриб турарди. Очик ҳавода моторнинг заиф гупиллаши эшитилди. Олис-олисда кичкина балиқчи кемаси кўринди, товланаётган денгизда унинг сузаётгани билинмасди. Мари тошлар орасидан бир нечта гулсафсар топиб олди. Қияликдан унда-бунда чўмилувчилар борлиги кўринди.

Раймоннинг ошнаси қумлоқнинг энг чеккасидаги ёғоч уйчада турар экан. Уйча қояга тиранган, олдини қозиқоёқлар тутиб турар, атрофида сув шапиллар эди. Раймон бизни таништирди. Унинг оти Масон экан. Ўзи дароз, елкадор, тўла, хотини эса кичкина, думалоққина, талаффузига қараганда, парижлик. Масон, ўз уйингиздагидай баҳузур ўтираверинг, ҳозир сизни қовурма балиқ билан меҳмон қиласман, деди. Мен, уйингиз чиройли экан, дедим. У шанба, якшанба кунлари, бутун таътил ойини шу ерда ўтказишини айтди.

– Хотиним билан албатта, – деб қўшиб қўйди.

Унинг хотини билан Мари бир нарса ҳақида гапириб, кулиб юборишиди. Мен назаримда биринчи марта жиддий уйлаб қолдим: чиндан ҳам уйланиш керакка ўхшайди.

Масон чўмилмоқчи бўлди, лекин унинг хотини билан Раймоннинг боргиси келмади. Учовимиз кетдик ва Мари шу заҳоти сувга отилди. Масон икковимиз қум устида бир оз ўтирдик. У салмоқ билан, ошиқмай гапирава ҳар жумладан кейин,

қүшадиган гали бўлмаса ҳам, «бундан ташқари» деб қўядиган одати бор экан. Мари ҳақида:

– Жуда сулув, бундан ташқари – ёқимтой, – деди.

Кейин унинг ёқимсиз қушимчаларига эътибор қилмай қўйдим, ҳузур қилиб чўзилдим – офтобда исиниб ётиш роҳат эди. Оёғим тагидаги кум қизиб кетди. Сувга тушгим келаётган бўлса-да, турмай ётавердим ва охири Масонга:

– Кетдикми? – дедим.

Ва сувга отилдим. У эҳтиёт билан сувга кирди; фақат оёғи ерга тегмай қолгандан кейингина суза бошлади. Брасс усулида, жуда ёмон сузар экан, уни ортда қолдириб, Мариға етишга ошиқдим. Сув совуқ, лекин сузиш маза эди.

Мари икковимиз узоқча кетдик, бирга, ҳамоҳанг, шундайин иккаламизга ҳам ёқаётганини ҳис қилиб сузиш жуда ҳузурбахш эди.

Олисроқҷача сузиб бориб, чалқанча ётдик, осмонга қарадим, лабимдаги, юзимдаги шур томчилар қуёшда дарров қуриди. Масоннинг сувдан чиқиб, қумлоқча чўзилгани қуринди. Узоқдан у жуда баҳайбат қуринди. Марининг икковлашиб сузгиси келди. Унинг орқасига ўтиб, белидан кучоқладим ва у қўлларига таяниб суза бошлади, мен эса оёқ чайқаб мадад бериб турдим. Эрталабки сукунатда сув вазмин шалопларди. Кейин мен чарчадим ва Марини қўйиб, қўлларимни бир текис силтаб, чукур-чукур нафас олганча қирғоқча қараб суздим. Сувдан чиқдим, Масоннинг ёнига, қорнимни ерга бериб ётдим ва юзимни қумга қўйдим. Яхши, дедим унга, у ҳам гапимга қўшилди. Салдан кейин Мари ҳам қайтди. Мен ўгирилиб, унинг сувдан чиқишига қарадим. У шўр сувдан худди локлангандай товланиб қуринди, соchlарини орқага ташлаган эди. Мари қаватимга ётди, унинг қайноқ бадани ва офтоб тафтидан мени мудроқ босди.

Мари кифтимга туртди-да, Масон кетди, овқат вақти ҳам бўлди, деди. Шу заҳоти ўрнимдан турдим, чунки қорним очган эди, аммо Мари уни эрталабдан бери бирон марта ҳам ўпмаганимни айтиб қолди. Ростдан, бир марта ҳам ўпмабман, лекин жуда ўпгим келаётган эди.

– Юр, биттадан шўнғиб оламиз, – деди Мари.

Югуриб сувга тушдик, қирғоқбўйи тўлқинларда чайқалиб ётдик. Озроқ суздик ва Мари менга тармашди. Оёғи билан оёғимни чирмаб олди ва мен уни истаб қолдим.

Уйчага қайтаётганимизда Масон бўсағадан туриб бизни чақираётган эди. Қорним жуда очлигини айтган эдим, у шу заҳоти хотинига ирод қилди: мен унга ёқиб қолибман. Нон жуда мазали экан, ўзимга қўйилган балиқни бир зумда пакқос туширдим. Кейингиси гўшт билан картошка қовурма эди. Овқатни индамай едик. Масон шаробдан ҳўплаб, менга ҳам тинмай қуйиб турди. Қаҳва келгунча, бошим оғирлашиб, устма-уст сигарет чекишга тушдим. Масон, Раймон учовимиз августда шу ерда ҳалфана яшашга келишдик. Бирдан Мари:

– Соат нечалигини биласизларми? Энди ўн бир ярим, – деди.

Ҳаммамиз ажабландик, лекин Масон – эртароқ овқатланган бўлсак нима қипти, ҳеч ёмон жойи йўқ – қачон қорин очса, ўшандা овқатланавериш керак, деди. Негалигини билмадим, Мари бу гапга роса кулди. Сал кўпроқ ичдим шекилли. Масон, икковимиз кўмлоқда айланиб келмаймизми, деб сўради.

– Хотиним доим овқатдан кейин дам олади. Мен эса ёқтирумайман. Менга сайр қилиш керак. Доим унга: сайр қилиш соғлиққа фойдали, дейман. Э, охири қўл силтадим, билганини қилмайдими.

Мари, мен ҳам қоламан, Масон хонимга идиш ювишга қарашай, деди. Парижлик кичкина аёл эса,

бу учун эркакларни ҳайдаш керак, деди. Ва уч эркак ташқарига чиқдик.

Күёш нурлари құмлоққа типпа-тиқ тушаётган ва деңгиз ҳам нурлар остида чидаб бўлмайдиган даражада ялтирас эди. Қумлоқда жон асари йўқ. Баланд қирғоқ лабига қапишган уйчалардан идиштовоқнинг жаранглаши, пичоқ ва санчқиларнинг тақиляши эшитиларди. Оёқ тагидаги қизиган тошлардан шунаقا ҳарорат келардики, одамнинг дами қайтиб кетарди. Масон билан Раймон иш ҳақида, мен билмайдиган одамлар тўғрисида гаплашиши. Мен уларнинг бир-бирларини аввалдан билишини ва ҳатто бир вақтлар битта уйда туришганини англадим. Шундай сув буийдан, қумлоқнинг лабидан юрдик. Тўлқинлардан дадилроқлари шалоплаб чиқиб, парусин бошмоқларимизни хуллаб кетарди. Ҳеч нарсани ўйламай, офтоб яланг бошимни куйдираверганидан мудраб бораётган эдим.

Раймон бирдан Масонга алланияма деди, ни-малигини эшитмадим. Лекин шу дақиқада узокда, қумлоқнинг энг чеккасида иккита кўк кийган арабни кўрдим. Улар бизга қараб келаётган эди. Мен Раймонга ўтирилдим ва Раймон:

– Худди ўша, – деди.

Биз тўхтамай боравердик. Масон, бу ёққа келишни қайдан билишди, деб сўради. Мен, ҳойнаҳой, автобусга чўмилиш халтаси билан чиққанимизни кўришгандир, деб ўйладим; лекин индамадим.

Араблар шошилмай тобора яқин келаверишди. Биз юришимизни секинлатмадик, лекин Раймон:

– Агар жаңжал чиқса, Масон, иккинчиси сенга, менга тегишли нусхани ўзимга қўйиб бераверинг. Агар учинчиси келиб қолса, Мерсо, сен қарайсан, – деди.

– Майли, – дедим.

Масон қўлини чұнтағига тиқди. Қизиб ётган күм энди менга қип-қизил кўринди. Бир маромда, шошилмай арабларга қарши боравердик. Масофа қисқарди. Орамизда бор-йўғи бир неча одим қолганда, араблар тўхтади. Масон икковимиз ҳам секинладик. Раймон тўғри рақибиға юрди. Унинг арабга нима деганини эшитмадим, аммо униси худди ҳаммага отилмоқчидай олдинга эгилди. Раймон шунда унга бир мушт туширди ва шу заҳоти Масонни чақирди. Масон иккинчи арабга яқинлашди ва бор кучи билан уни икки марта урди. Араб ўзтубан сувга йиқиљди ва бир неча дақиқа шундай ётиб қолди, бошининг атрофида сув билқиллаб турди. Бу пайтда Раймон рақибини яна урди ва юзини қонга белади. Менга қараб:

– Ҳозир бунга расм соламан! – деди.

Мен қичқириб юбордим.

– Эҳтиёт бўл. Пичоқ!

Лекин араб пичоқни силтаб, унинг тирсагидан юқорирорини, лабларини тилиб юборди.

Масон олдинга сакради. Лекин иккинчи араб ҳам қўзғалди, пичоқ туттан шеригининг орқасида туриб олди. Биз қимирлашга ҳам журъат қилолмадик. Улар пичоқни ўқталганча, биздан кўз узмай, секин-секин орқага чекиндилар. Узоқлашиб олгач, бурилиб, қочишиди, биз эса худди ерга ёпишиб қолгандай, офтоб тагида қотиб туравердик. Раймон қўлининг тилимланган жойини сикўмлади, жарожатдан тизиллаб қон оқаётган эди.

Масон шу яқин-ўртада ҳаким борлигини эслади. Якшанба кунлари ҳамиша дала-ҳовлига келар эди. Раймон шу заҳоти унга учрашмоқчи бўлди. Лекин сал гапириши билан тилинган лабларидан қон пуфак-пуфак бўлиб чиқарди. Унинг қўлтиғидан тутиб, тезроқ Масоннинг уйига етказишга ошиқдик.

Бу ерда Раймон, ҳеч қанақа жароҗат эмас, шунчаки шилинган, деди, ҳакимга ўзи ҳам бораверишини айтиб, хурозлик қилди. Масон иккови чиқиб кетишиди, мен эса аёлларга нима бўлганини тушунтириб бердим. Масон хоним йиглади, Мари бўздан оқариб кетди. Охирида улар билан гаплашиш баъдимга урди. Гапни бас қилиб, денгизга термилганча чекишга тушдим.

Бир яримларда Масон билан Раймон қайтишиди. Раймоннинг кўли бойланган, лабига малҳам ёпиширилган эди. Ҳаким, арзимаган нарса, деди, аммо Раймоннинг қовоғидан қор ёғиларди. Масон уни кулдиришга уринди. Лекин у миқ этмади. Кейин у, яна қумлоққа бораман, деди, мен қаёққа, дедим. У, шунчаки ҳаво олишга, деди. Масон икковимиз, биз ҳам борамиз, дедик. У эса бирдан тутақди ва бизни сўкиб берди. Масон, бунга гап қайтариш керак эмас, деди. Мен бари бир Раймоннинг изидан чиқдим.

Кумлоқда анча юрдик. Қуёш аямай куйдиради. Кумда, сувда ўткир-ўткир парчаларга бўлакланар эди. Раймон ўзининг қаёққа бораётганини билади, деб ўйлаган эдим, аммо янгишганга ўхшайман. Кумлоқнинг энг чеккасига борганимизда, чашмага дуч келдик, катта қоянинг тагидан чиқиб, кумда сизилиб, денгизга оқаётган эди. Шу ерда ҳалиги икки арабни учратдик. Улар яғири чиққан кўк кийимда, ястаниб ётишган экан. Сиртдан улар тинч, ҳатто мўмин-қобил кўринар эдилар. Бизни кўриб ҳам ўзларини жуда осойишта тутишиди, Раймонга пичоқ ургани ҳам унга индамай қараб тураверди. Иккинчиси эса қамиш найини чалиб, бизга кўз тагидан қараб қўяр ва яна-яна ўша уч пардали куйни такрорларди.

Фақат қуёш ва сокинлик, жилға шивирлайди, қамиш най эса яккаю ягона оҳангни қайтаради.

Кейин Раймон тўппончани олиш учун кўлинин чўнтағига тиқди, лекин рақиби қилт этмади, иккаласи бир-бирига тикилиб тураверди. Мен най чалиб ётганинг оёғидаги катта бармоғи бошқа бармоқларидан ораси очикроқ жойлашганини пайқадим. Лекин шу пайти ҳали ҳам рақибидан кўз узмаётган Раймон мендан сўраб қолди:

– Гумдон қилсамми?

Ўйланиб қолдим – «йўқ» десам, баттар тутақиб, отиб ташлаши ҳеч гап эмас. Бошқа гап тополмай:

– Ҳали бир оғиз ҳам гапиргани йўқ, – дедим, – ҳеч нарсадан ҳеч нарса, отиб ташлаш тўнғизлиқ бўлади.

Яна шу сукут, жазирамада қотиб турибмиз, чашманинг шилдираши, най ноласини тинглаяпмиз.

– Уни яхшилаб сўкаман, жавоб қайтаргани заҳоти – тинчитаман.

– Унда бошқа гап, – деб жавоб беряпман. – Агар шунда ҳам пичоини чиқармаса – отиш яхши эмас.

Раймон сал-салдан кўтарилди. Нариги араб эса тинмай най пуфларди, иккови ҳам Раймоннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турар эди.

– Гап бундай, – дедим. – Бирга бир чиқамиз, де, тўппончани менга бер. Агар униси қўшилса ё пичоқ чиқарса, ўзим отаман.

Раймон тўппончани менга берди, металл қуёшда ялтиллаб кетди. Лекин илгаригидай қилт этмай туравердик, гўё атроф-жавониб қотиб қолган, бизни ҳам қотириб кўйгандай. Биз – арабларга, араблар бизга тикилган, денгиз, қуёш, қум, базўр эшитилаётган най билан чашма тош қотган.

Шунда мен отиб ташласа ҳам, аксинча, отмаса ҳам бўлаверади, нима фарқи бор, деб ўйладим. Лекин бирдан араблар тисланиб, қоя орқасига ўтиб олдилар. Раймон икковимиз орқага қайтдик. У сал енгил тортганга ўжшади ва автобусга чиқиб, уйга жунасак ҳам бўлар, деди.

Мен уни Масоннинг кулбасигача кузатиб қўйдим ва у зинапоядан кўтарила бошлади, мен пастда тўхтаб қолдим: йигирматача пиллапоядан чиқиб, яна аёллар билан гаплашишга чофим етмади. Лекин қуёш ҳам аямай қовураг, осмондан кузни қамаштириб нур куйилар, унинг тагида тураверишга ҳам чидам йўқ эди. Шу ерда туришнинг ҳам, юришнинг ҳам фарқи йўқ, охир-оқибат бир хил эди. Бир дақиқа шундай турдим, кейин ўтирилиб қумлоққа йўл олдим.

Қирмизи кум боягидай кузни қамаштираётган эди. Денгиз оғир ҳансираф, кум устига майда тўлқинларни иткитиб ташларди. Секингина қояларга қараб юрдим ва бошим қуёшдан шишиб бораётганини ҳис қўлдим. Ҳарорат босиб тушаётган, йўлимда девордай тикланиб, қайноқ нафасни юзимга уфураётган эди. Қуёшни, мени чулғаб олиб, йиқиттудай бўлаётган лойқа мастликни енгишга уриниб, тишимни тишимга қайта-қайта босдим, чўнтақка тиқилган қўлларимни маҳкам сикимладим. Ҳар бир кум зарраси, қуёшда оқарган чифаноқ, шиша парчалари менга ҳовуч-ҳовуч нур отарди ва мен яна тишимни тишимга босардим. Шу кўйи узоқ юрдим.

Олисдаги қоянинг қорамтири гавдаси қамаштираётган нур ва учайтган денгиз кўпиклари оғушида товланиб кўринди. Шу қоянинг орқасида чашма борлигини эсладим. Яна шу чашма шивирини эшитишни, қуёшдан бекинишни, аёлларнинг кўз ёшлигини кўрмай, ниҳоят сояда ва сокинликда ҳордиқ олишни истаб қолдим. Лекин яқин бориб, кўрсам – ҳалиги араб, Раймоннинг рақиби қайтиб келган экан.

У ёлғиз эди. Қўлларини бошининг тагига қўйиб ётибди, юзи сояда, бутун гавдаси офтобда ястанган эди. Қайноқ нурларда кўк кийимидан ҳовур кўтарилади. Мен бир оз ҳайрон туриб қолдим. Фалва тамом бўлди, деб ҳисоблаб, бу ёққа келаётганимни мутлақо унутиб юборган эдим.

Араб мени қўргандан кейин, ўрнидан турди ва қулини чўнтағига солди. Турган гап, камзулим чўнтағидаги Раймоннинг тўппончасини пайпасладим, лекин қўлимни чўнтақдан олмадим. Ундан анча узоқда, ўн қадамлар берида эдим. Гоҳо ярим юмуқ қовоқларим орасидан унинг қараб қўйганини сезардим. Лекин жазирама ҳовурда унинг келбати эриб кетаётган эди. Тўлқинлар янада сийракроқ, тушдагига қараганда эринчоқроқ шопилларди. Уша қуёш, ўша ялтиллаган, кўзни қамаштираётгай қум ва буларнинг сира поёни йўқдай туюларди. Мана, икки соат бўлди, кун қотиб қолган, эриган металдан иборат уммонга лангар ташлаган кўйи, жойидан кўзғалмайди. Уфқда кема сузаётган эди, мен кўз қиримда қорамтири нуқтани зўрга илгадим, чунки кўз узмай арабга тикилаётган эдим.

Ўйладим: ҳозир орқага бурилиб, жўнаб қолиш керак – шу билан ҳаммасига барҳам берилади. Лекин бутун қоврилаётган қирғоқ мени олдинга итараёттандай эди. Бари бир, ҳали унгача узоқ эди. Балки юзига соя тушиб тургани учундир, у кулаёттанга ўхшаб кетди. Мен секинладим. Қуёш юзимни куйдирарди, қошимга томчи-томчи тер оқиб тушарди. Қуёш онамни кўмган кундагидай куйдирап, ўша кунгидай пешонамда азобли оғриқ кўзғалиб, чаккам лўқилларди. Бошқа бардош қилолмадим ва олдинга юрдим. Мен билардим: бу аҳмоқлик, бир қадам олдинга юрганим билан қуёшдан кутулолмайман. Ва, бари бир, шуни қилдим – яккаш-ягона одим босдим. Шунда араб, жойидан турмай, пичоини чиқарди-да, қуёшга тутди. Қуёш пўлатнинг юзида ўтқир нурни чақмоқлади, худди узун, чақноқ тиф нақ пешонамга санчилгандай бўлди. Худди шу дақиқада қошимда йигилиб қолган тер томчилари қовогимга оқиб, кўз олдимни хўл чойшаб қоплаб олди. Шўр-намакоб кўз ёшлар пардаси ортида ҳеч нарсанинг фарқига бормай қолдим. Ҳеч нарсанни сезмасдим,

фақат қүёш пешонамга чилдирмадай урилар ва пұлат тигидан чиққан оловли шамшир күз олдымда силкиниб турарди. Жазиллаган тиғ миңжаларимни ёриб ўтиб, азобланган, куйиб бораёттан күзларимга санчилар эди. Денгиз оғир, қайноқ нафас уфурди. Шунда ҳамма ёқ тебраниб кетди. Менга осмон тұласича ёрилиб, олов ёмғир қуишиб тушғандай туолды. Ҳамма ёғим таранглашды, бармоқтарим тұппончани қаттиқ сиқимлади. Дастаннинг бүртиқдари силиқланган, текис эди ва шунда тепки жуда енгил құзғалди – куруқ, лекин қулоқни батант қылгудай гумбурлаб кетди – ҳаммаси бошланды. Мен үзимдан тер томчилари ва қүёшни қоқиб туширдим. Бундан сал олдин шундай яхши турған куннинг мувозанатини, құмлоқ қырғоқнинг ғайриоддий сокинлигини бузиб юборганимни англадим. Үшанда ястаниб ёттан гавдага қарата яна түрт марта ўқ уздим, ўқлар унга из қолдирмай кириб кетди. Ва бу түртта кескин зарб шундай товуш бердики, мен мисоли фалокат әшигини қоқиб турғандек бўлиб қолдим.

ИККИНЧИ БОБ

I

Ҳибсга тушишимдан кейиноқ мени бир неча марта сўроқ қилдилар. Лекин сўроқлар күп чўзилмади. Шунчаки – кимлигимни аниқлашди. Биринчи сўрокда менинг ишим билан, назаримда, мирабхонадагилардан биронтаси ҳатто қизиқмагандай эди. Лекин ҳафта ўтгач, адリア терговчиси менга қизиқсиниб тикилди. Аммо бошлашда у фақат исмим, турар жойим, касбим, қачон ва қаерда туғилганимни сўради, холос. Кейин у менинг адвокат ёллаганим ё йўқлигимни билмоқчи бўлди. Мен, йўқ, шунча зарилми, дедим.

– Бу нима деганингиз? – деб ҳайрон бўлди у.

Менингча, ишим жуда оддий, дедим.

У жилмайди ва:

– Шунаقا деб ҳисобласа ҳам бўлади, – деди. – Лекин қонун бор. Агар сиз ўзингизга оқловчи танлаб олмасангиз, унда ўзимиз биронтани тайинлашимизга тўғри келади.

Жуда ўнгай экан – ҳамма майдага адлия-нинг ўзи ғамхўрлик қиласи, деб ўйладим. Терговчига ҳам шуни айтдим. У гапимни маъқуллади, кейин қонунлар чуқур ўйлаб тузилган, деб кўшиб қўйди.

Аввалига унга унча жиддий эътибор қилмадим. У мени деразаларига парда тортилган кабинетида кутарди, стол устида ёнаётган биттаю битта чироқ фақат мен ўтирган курсини ёритар, терговчининг ўзи доим қоронфида турар эди. Китоблардан бунаقا усулларни аллақачонлар ўқиганман ва ҳаммаси эрмак бўлиб туюлган эди. Лекин гаплашганимиздан кейин унга жиддийроқ қарадим – дароз, юз бичими нозик; чуқур-чуқур кўзлари мовий, мўйловига оқ оралаган, узун, ёлга ўхшаган сочи қарийб оппоқ одам экан. У менга жуда ақлли, оғзи асабдан қанақадир ғалати учиб турса ҳам, умуман ёқимли одамдай туюлди. Чиқиб кетаётуб, сал бўлмаса, унга кўл узатай дедим, лекин одам ўлдирганимни ўз вақтида эслаб қолдим.

Кейинги куни қамоқча, мен ётган бўлмага адвокат кирди. У кичкина, бақалоқ, ҳали ёш, соchlари ҳафсала билан силлиқланган одам эди. Иссиқча қарамай (мен камзулсиз ўтирган эдим), у қора костюм кийган, крахмал ёқа ва кенг-кенг оқ-қора йўл-йўл жуда алламбало ғалстук тақиб олган эди. У портфелини каравотимга ўрнатди, ўзини таништирди ва ишимни дикқат билан ўрганганини маълум қилди. Масала анча нозик, лекин у, агар унга тўла ишонсан, ютиб чиқишишимизга шубҳа қилмас экан. Мен унга раҳмат айтдим ва у:

– Тұғри ишнинг моҳиятига ўтсак, – деди.

У каравотта ўтириб олди ва менинг шахсий ҳаётимни ўрганишга киришилганини айтди. Онам яқында ғарифхонада ўлгани аниқланибди. Шунда Маренгога суров юборибдилар. У ёқдан терговчиларга онамнинг жанозасида «бағритошлиқ қилганим»ни хабар қилишибди.

– Тушуняпсизми, – деди ҳимоячим, – буни сўраш менга ноқулай. Лекин ниҳоятда муҳим. Айловда ҳам, агар мен ҳеч нарса деб рад қилолмасам, бу далилни усталик билан ишлатишлари мумкин.

У ёрдам беришмни хоҳади. Ўша куни изтироб чекдингизми, йўқми, деб сўради. Жуда ҳайрон бўлдим, ўзимга қолса, мен бирорвга бунақа савол беришга истиҳола қиласдим. Туйгуларни таҳлил қилишдан ўтганман ва бу ҳақда бир нарса дейишга қийналаман, деб жавоб қиласдим. Албатта, онамни яхши курардим, лекин бунинг нима аҳамияти бор. Эси жойида бўлган ҳар қандай одам бир кун келиб ўзи севган кишига ўлим тилаб қолади. Шунда адвокат гапимни шарт кесди, назаримда, жуда ҳаяжонланиб кетгандай бўлди. Бунақа гапни судда ҳам, терговчи олдида ҳам айтмасликка мендан сўз олди. Мен унга табиатим шунақалигини – жисмонан ўзимни ёмон сезсан, туйгуларим, фикрларим ҳаммаси чалкашиб кетишини бари бир тушунтирдим. Ўша, онамни **кўмган** кунимиз мен уйкуга тўймаган, жуда чарчаган эдим. Шунинг учун ҳам нима бўлаётганини тузукроқ англамадим ҳам. Лекин, ҳар ҳолда, бир нарсани – менга онамнинг тирик юргани маъқул эканини айтишим мумкин. Лекин ҳимоячининг кўнгли тўлмагани билиниб турарди. У:

– Бунинг ўзи кам, – деди.

У ўйланиб турди. Кейин судда ўша куни ўзимни кўлга олиб, табиий изтиробимни ошкор қиласликка ҳаракат қиласдим, деб айта оласизми, йўқми, деб сўради.

– Йўқ, бу ёлғон-ку, ахир, – дедим.

У менга ғалати, худди мен унда оз-моз нафрат уйғотаётгандай қаради. Ва қарийб зарда билан, «Нима бўлмасин, ишқилиб, гарифхона мудири, хизматчилари ҳали гувоҳ сифатида чақирилади, шунда иш сиз учун жуда хавфли тус олади», деди. Мен унга бунинг нима алоқаси бор, мени, ахир тамом бошқа нарса учун суд қилишади-ку, дедим, лекин у, бирон марта ҳам аддияга рўпара бўлмаганингиз куриниб турибди, деб жавоб қилди, холос. У аччиқданиб чиқиб кетди. Уни тўхтатишни, менга яхши муносабат билдирса, судда ҳам мени ҳимоя қилишга кўпроқ жон куйдиришини ўйлаб эмас, йўқ, шунчаки хурсанд бўлишимни тушунтиришни хоҳладим. Муҳими, мен учун ташвишга тушганини кўриб турибман. У мени тушунмаяпти, шунинг учун ҳам бир оз жаҳди чиқяпти. Унга ўзимнинг ҳамма одамларга ўхшаган, бошқалардан сира фарқим йўқдигини тушунтиришни истадим. Лекин, бу гапларнинг ҳаммаси, моҳиятан олганда, бефойда, дедим, эриндим ва қўл силтаб қўя қолдим.

Салдан кейин мени яна терговчига олиб боришди. Соат икки, бу гал кабинет нурга тўлган, юпқа пардалар ёруғликни қарийб тўсолмаётган эди. Жуда иссиқ. Терговчи мени ўтиришга чорлади ва ўта хушмуомала билан, ҳимоячим келолмагани – «шароит йўл қўймаганини» маълум қилди. Лекин суроққа жавоб беришдан бош тортишга – адвокат кутишга ҳаққим бор экан. Мен, бир ўзим жавоб берсам ҳам бўлаверади, дедим. У столдаги қўнғироқ тутмасини босди. Ёш котиб кирди ва орқада, менга жуда яқин жойда ўтирди.

Терговчи икковимиз курсига қулайроқ ўрнашиб олдик. Суроқ бошлианди. Олдин у, кўпчиликинг фикрича, сиз индамас, дамдўз одамсиз – ўзингиз бунга қандай қарайсиз, деб сўради.

Мен:

– Айтадиган гапим йўқ. Мана, шунинг учун ҳам индамайман, – дедим.

У, адашмасам, биринчи марта илжайди, бундан зурроқ сабаб кўрсатиб бўлмайди, деб гапимни маъқуллади ва қўшимча қилди:

– Майли, бунинг аҳамияти йўқ. – Индамай менга тикилди, бирдан қаддини кўтарди-да, тез гапирди:
– Мени ўзингиз қизиктирасиз.

Мен унинг нима демоқчилигини унча тушунмадим, жим туравердим.

Мен, ҳаммаси жуда оддий, дедим. У ўша кунни яна бир марта батафсил айтиб беришимни сўради. Мен унга олдин айтган гапларимни: Раймонни, қумлоқни, чумилганимизни, араблар билан жаңжални, яна қумлоқни, чашмани, қуёшни ва тўппончадан беш марта ўқ узганимни такрорладим. У қайта ва қайта:

– Шундай, шундай, – деб турди.

Гапим қумда қилт этмай ётган гавдага келганда у яна маъқуллади:

– Яхши.

Бир нарсани ҳадеб такрорлайвериш жонимга тегиб кетди, умримда бунча кўп гапирмагандай эдим.

Бир оз жим ўтиридик, кейин у ўрнидан турди ва менга жуда қизиқиб қолганини, имкон бўлса, мен учун у-бу қилишга уриниб кўришини айтди. Лекин бундан олдин у мендан яна бир нечта нарсани сўрамоқчи экан. Ва пайсалга солмай сўради: онамни яхши кўрармидим?

– Ҳа, ҳаммага ўхшаб, – дедим.

Шу пайтгача узлуксиз чиқиллатиб ўтирган котиб адашиб бошқа ҳарфни босиб қўйди шекилли, машинкани бирдан тўхтатиб, орқага қайтарди. Ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай, терговчи ҳам кетма-кет, тўхтамай беш марта отдингизми,

деб савол берди. Ўланиб турдим ва олдин бир отиб, сал ўтгандан кейин яна тұрт марта ўқ узганимни эсладим.

– Нега биринчисидан кейин кутиб турдингиз? – деб сүради у.

Күз олдимга яна ўша қып-қызыл құмлоқ келди ва қүеш пешанамни қандай күйдирганини эсладим. Бу гал ҳеч қандай жавоб қылмадим. Анча вакт индамай ўтирик, терговчи худди ҳаяжонланаёттандай эди. У яна ўтириди, сочини чангллади, столга таянди ва қанақадир ғалати бир тусда менга томон әгилиб олди.

– Нега, нега ўлыб ётган одамни яна отдингиз?

Яна нима деб жавоб қилишни билмай қолдим. Терговчи кафтини пешанасига сурди ва товуши ўзгариб, саволни қайтарди:

– Нега? Айтинг менга, бу жуда муҳим: нега?

Индамай ўтиравердим.

У отилиб турди, катта-катта одимлаб, кабинетни кесиб ўтди-да, картотека ёнига борди ва қутини очди. Қутидан бир кумуш хоч олди ва уни силкиб ёнимга қайтди. Ва мутлақо бошқача, сал хирқирок товуш билан:

– Сиз уни биласизми? – деб хитоб қылди.

– Ҳа, албатта, – дедим.

Шунда у куйиб-ёниб, қайнаб гапиришга түшди: у Худога ишонади, Худо гуноҳидан ўтмайдиган биронта гумроҳ банда йүқдигига ишонади, лекин бу учун гуноҳкор банда тавба қилиб, күнглини лант очиши, худди боладай – очиқкүнгил ва ишонувчан бўлиши керак. Терговчи столга әгилиб олди. Хочни нақ бошимнинг устида силкиди. Очифини айтсам, унинг гапидаги маънени яхши үқмадим, чунки жуда иссик, бу ҳам етмагандай, кабинетда катта-катта пашшалар учуб юрар, юзимга кунар, бундан ташқари, терговчи күнглимга бир оз кўркув ҳам солаёттан эди. Лекин, айни пайтда, қўрқиши кулгили эканини ҳам англааб

туардим, ахир, охир-оқибат, жиноятчи ўзим-ку. Тушунганим шу бўлди: айбимни тан олишимда унга бир вазият – бир марта отганимдан сўнг бир оз кутганим, кейин яна тўхтамай ўқ узавермаганим ноаниқ экан. Бошқа жиҳатлари унда шубҳа туғдирмайди, факат шунисини тушунолмаяпти.

Менга унинг беҳуда ёпишиб олганини айтмоқчи бўлдим: тўхтаб отдимми, тўхтамай отдимми – нима фарқи бор. Лекин у гапимни бўлиб кўйди, қаддини азот кўтариб, охирги марта жавоб талаб қилди: Худога ишонасизми? Мен, ишонмайман, деб айтдим. Унинг жаҳди чикди ва ўтириб олди. Бунаقا бўлиши мумкин эмас, ҳамма Худога ишонади, ҳатто ундан қайтганлар ҳам, деди.

– Наҳотки сиз менинг умрим чиппакка чиқишини истайсиз? – деб хитоб қилди у.

Менга бунисининг алоқаси йўқ, деб уйладим ва унга ҳам шундай дедим. Лекин у хочни бурнимга ишқагудай чўзди ва бамисоли телбадай қичқириб юборди:

– Насронийман! Мен ундан сенинг гуноҳларингни кечиришни ўтиняпман! Унинг сен учун изтироб чекканига қандай қилиб ишонмайсан?

Албатта, унинг менга хулди яқин одамидай «сен» деб гапиришга ўтганига зътибор қилдим, лекин жонимдан тўйдирашиб юборди. Иссиққа чидаб бўлмай қолди. Ҳамиша ўзимни зўрлаб гапини тинглаётган биронта одамдан қутулмоқчи бўлганимдай, терговчининг ҳамма гапига қўшилаётган тусга кирдим. Унинг қувониб кетгани мени ажаблантирди.

– Мана, кўряпсанми, кўряпсанми! – деб тантана қилди у. – Ахир, унга ишонишинг, ўзингни унга топширишинг ҳақиқат-ку!

Турган гап, мен унга яна, йўқ, деб айтдим. У курсига беҳол ўтириб қолди. Юзи жуда ҳоргин тусга кирди. Бир оз индамай ўтирди, сухбатимиз

давомида чиқиллашдан тинмаган машинка эса сүнгти сўзларимизни ёзаётган эди. Кейин терговчи менга дикқат билан, ва ҳатто, маъюсона термилди. Ва тўнфиллади:

– Сизникидай тош қотган юракни шу пайтгача учратмаган эдим. Кўлимдан қанчадан-қанча жиноятчи ўтди, лекин ҳаммаси ҳам бу мушфиқ сиймо олдида йиғлашга тушган.

Мен улар жиноятчи бўлган, шунинг учун ҳам йиғлаган, демоқчи эдим. Лекин шу заҳоти ўзим ҳам шунақалардан эканимни ўйлаб қолдим. Ана шу фикрга сира кўниколмадим. Шу аснода терговчи худди сўроқ тугаганини билдиргандай, урнидан турди. Фақат ўша-ўша ҳоргин тусда, қилган ишингизга пушаймонмисиз, деб сўради. Мен ўйлаб туриб, нафақат пушаймонман, ўзимга ҳам жуда ёқимсиз, деб жавоб бердим. У тушунмагандай туюлди. Лекин ўша куни ҳаммаси шу билан тугади.

Кейин тез-тез терговчининг олдига борадиган бўлдим. Лекин ҳар гал адвокатим бирга бўларди. Мендан фақат олдин берган кўрсатмаларимни ойдинлаштириш талаб қилинарди. Ёки терговчи адвокат билан айблов моддаларини муҳокама этишар эди. Ҳарқалай, тергов оҳангги аста-секин ўзгариб қолди. Менингча, қилмиш имкониятни терговчига жуда аниқ бўлган ва энди у менга қизиқмай қўйган эди. У менга Худо тўғрисида бошқа гапирмади, биринчи марта учрашувимиздагидай ҳаяжонга тушганини бошқа кўрмадим. Шунинг учун сухбатларимиз анча эркин бўла бошлади. Бир неча савол, адвокат билан қисқача сухбат – вассалом. Ишим, терговчининг айтишича, ўз расамади билан илгарилашга тушди. Баъзан, агар сухбат умумий мавзуларга кўчса, мени ҳам сухбатга тортар эдилар. Бунаقا соатларда менга ҳеч ким жаҳл қилмасди. Энди эркинроқ нафас олаётган эдим. Худди олдиндан ёзиб қўйилгандай,

ҳаммаси ўз маромида, осойишта, табиий күчаётган ва менда ҳам гўё ўзим шу оиланинг бир аъзосидай аломат бир таассурот пайдо бўлган эди.

Тергов ўн бир ойга чўзилди ва охирида терговчининг эшиккача кузатиб қўйиб, елкамга қоққанча:

– Хўш, бугунча етар, жаноб Дажжол, – деб дўстона хушлашганидай ноёб дақиқалардан бошқа мароқли дамлар умримда бўлганига ҳам қарийб ишонмай қолдим.

Кейин мени жандармлар қўлига топширдилар.

II

Баъзи хил нарсалар тўғрисида гапиришни ҳамиша ёқтирамайман. Қамоқдаги биринчи кунларимдаёқ умримнинг бу бўлаги ҳақида сўйлаш жуда ёқимсиз бўлишини тушуниб қолдим.

Кейин бу туйғунинг ҳам сариқ чақага қиммат эканини ўйлай бошладим. Моҳиятан олганда, биринчи пайтлар ҳали ҳақиқий маҳбус ҳам эмас, бир ожиз илинж билан, мана, мана, нимадир ўзгариб кетади, деб кутардим. Ҳаммаси Марининг биринчи ва охирги учрашувга келиши билан бошланди. Ундан хат олган кунимдан (Мари, турмуш қурмаганимиз учун бизга бошқа учрашувни рухсат беришмас экан, деб ёзган эди), айни шу кундан бошлаб мен шу ҳибсхона энди уйимга айланганини, ҳаётим ҳам шу ерда якун топганини англадим. Қамоқча олинганимдан кейин бошида мени бир нечта маҳбуслар ётган ҳибсхонага қўшишди, уларнинг қарийб ҳаммаси араб эди. Дастреб улар мени кўриб, устимдан кула бошладилар. Кейин нима гуноҳ қилганимни сўрашди. Мен бир арабни ўлдирганимни айтдим ва улар жим бўлиб қолишли. Лекин тезда қоронфи тушди ва менга улар тўшанчи бўладиган

бордонни қандай ёйишни ўргатиши. Бош қўйиш учун бир учи лўлаболишдай юмалоқданар экан. Туни билан юзимда тахтаканалар ўрмалаб чиқди. Бир неча кундан кейин мени бир кишилик ҳибсхонага кўчириши. бу ерда ёроч сўрида ётадиган бўлдим. Ҳибсхонада ахлат чеълак билан юванишга тунука тоғора қўйилган эди. Қамоқхона шаҳардан баландда, тор туйнукдан денгиз кўриниб туради. Бир куни панжара га осилиб, ёруғликка талпинаётган эдим, турмабон кирди ва мени кўргани келишганини айтди. Мен, ҳойнаҳой, Мари бўлса керак, деб ўйладим. Ростдан ҳам, Мари экан.

Учрашув хонасига мени аввал узун долондан, кейин зинапоядан, кейин яна долондан олиб бориши. Деразалари катта-катта қилиб фақат бир томонга қурилган кенг хонага кирдим. Икки қатор панжара тўсиқ бутун хонани узунасига бўлиб қўйган эди. Панжаралар орасидаги саккиз-ўн метр чамаси бўшлиқ маҳбусларни уларни кўришга келганлардан ажратиб турарди. Рўпарамда Мари, унинг йўл-йўл рўмолини, офтобда қорайган юзини кўрдим. Бу томонда, менинг қаторимда ўнтача, чамаси, бари араб маҳбуслар. Кўргани келган аёллар ҳам, Маридан бошқа, ҳаммаси кўпроқ араб; Марининг ўнг ёғида қора кийинган, лабларини қимтиб олган жиккак кампир, чап ёғида соchlари унниқиб кетган семиз аёл, у қўлларини силтаб, товушининг борича қичқирап эди. Дарвоҷе, панжараларнинг ораси жуда узоқ бўлганидан, маҳбуслар ҳам, кўргани келганлар ҳам бақириб гапиришга мажбур эди. Бақир-чақир ва деразадан қўйилиб, кўзни олаётган нурлар яланғоч деворларга урилиб қайтиб яна кучаярди, кирган пайтимда ҳатто бошим айланиб кетди. Мен ётган ҳибсхона бундан тинч ва қоронфироқ эди. Кўникишим қийин бўлди. Кейин

ўткир ёғуда одамларнинг юзини аниқ фарқлай бошладим. Икки панжара оралигининг охирида турмабон ўтирган экан. Кўп араб-маҳбуслар ва уларга келган қариндошлари бир-бирларига қараб чўкка тушган эдилар. Улар бақирмаётган эди. Улар жуда секин гаплашар ва шунчачуввосга қарамай бир-бирларини эшитишни ҳам уддалар эдилар. Улар пастидан бўғиқ ғулдирап, худди бошларининг устида уёқ-бу ёққа учаетган савол-жавобларга бас торидай ғўнфиллаб йўлдошлиқ қиласар эдилар. Буларнинг ҳаммасини бир зумда кўриб олдим ва Марига қараб юрдим. У аллақачон панжарага тармашиб олган ва кучининг борича жилмаяётган эди. У менга жуда чиройли бўлиб кўринди, лекин буни унинг ўзига айтишга чоғим келмасди.

- Хўш, қалай? – деди у жуда баланд овозда.
- Бир нави.
- Соғлифинг қандай, керакли ҳамма нарсанг борми?
- Ҳа, бор.

Гапимиз тўхтаб қолди. Мари ҳали ҳам жилмайиб турган эди. Семиз хотин менинг ёнимдаги, эри бўлса керак, оқ-сариқ сочли, кўзлари тиник, дароз давангирга бир нима деб бақирди.

Бу сухбат, афтидан, мен келгунча бошланган кўринади.

- Жанна уни олишга кўнмади! – деб жонининг борича бақирди бақалоқ хотин.
- Ҳа, ҳа, – деб такрорлади эри.
- Мен унга чиққанингдан кейин қайтариб олишингни айтсам ҳам, бари бир, олиб туришга кўнмади!

Шу пайт Мари, Раймон сенга салом айтди, деб қичқирди, мен:

- Раҳмат, – дедим.

Лекин ёнимдаги хотинига бақириб, гапимни эшиттирмади:

– Ўзи қандай, зурми?

Хотини илжайиб жавоб берди:

– Ҳаммадан зўр!

Чап ёнимдаги кўшним – қилтириқ, қуллари ингичка йигит ҳали ҳам миқ этмай турган эди. Мен унинг жиккак кампирнинг рўпарасида ўтиргани, икковининг бир-бирига кўз узмай тикилишаётганини пайқадим. Уларни бошқа кузатишга имкон бўлмади, чунки Мари қичқириб қолди: яхши нарсаларни ўйлаш керак!

– Ҳа, – дедим мен.

Марига термилдим ва унинг енгил кўйлак яширган елкаларини қучоқлагим келди. Мен бирдан бу мўъжаз қоматни қўмсадим, очифи, бундан бошқа яна нимани орзу қилиш мумкинлигини ҳам билмайман. Лекин, албатта, мудом жилмайиб туришига қараганда Мари ҳам худди шу нарсани ўйлаётган эди. Энди менга фақат тишларининг чақнаши, кўзлари атрофидаги кулгич ажинларигина кўриниб турарди.

– Чиқишинг билан тўйимизни қиласиз!

– Шундай бўлади деб ўйлайсанми? – дедим, нимадир айтиш керак эди-да, ахир.

У жуда тез ва жуда баланд овозда жавоб қайтарди: бўлади, бўлади. Сен оқданасан ва ҳали икковимиз кўп чўмиламиз. Лекин ёнидаги семиз хотин яна ҳам қаттироқ бақирди: қамоқхона маъмуриятига сават топширган экан, унга нималар солинганини бир-бир санашга тушди. Ишқилиб, олаётганда текширсин, ахир, ҳаммаси озмунча пул турмайди! Иккинчи кўшним билан онаси бояги-боягидай сукут билан бир-бирига термилиб турган эди. Араблар пастдан ўшандай пичир-пичир гаплашаётган эдилар. Кўчадаги чароғон ёғду гўё шишиб кетган, ойнани босиб-

итариб келаётгандай эди. У одамларнинг юзидан баайни ёрилиб кетган мева ширасидай оқиб тушарди.

Мазам қочиб қолди, жон деб кетгим келди. Шовқиндан чаккам лўқиллаб берди. Лекин, бари бир, ҳозирча иложи бор экан, Марини кўриб тургим келаётган эди. Мари ўз ишлари ҳақида гапиришга тушди, ҳануз жилмайишини кўймаётган эди. Фулдираш, бақир-чақир, гап-сўз томонлар отишмасига айланди. Фақат бир орол омон – ёнимдаги жиккак йигит ва унинг онаси индамай бир-бирларига термилар эдилар. Бирин-сирин арабларни олиб кета бошладилар. Биринчиси кетиши билан хонада қолганларнинг қарийб бариси жимиб қолди. Кампир панжарарага яқинроқ сурилди ва айни шу дақиқада турмабон унинг ўғлига имоқилди. Ўғил:

– Яхши боринг, она, – деди.

Кампир эса панжара симлари орасидан чўзган қўлларини секин-секин, узоқ вақт силкиб турди.

Йигит чиқиб кетди, шу заҳоти кампирнинг ўрнини шляпасини қўлига олган бир эркак эгаллади. Бошқа бир маҳбусни олиб келишиб ва иккаласи шошапиша, лекин пастроқ овозда гаплашиб кетдилар, чунки залдагиларнинг қарийб ҳаммаси жимиб қолган эди. Турмабон бу ёнимдаги шеригимга келди ва бунинг хотини энди бақиришга ҳожат йўқлигини билмагандай қичқирди:

– Boehabar bўl! Ўзингга қара!

Кейин навбат менга келди. Мари ҳаводан ўпич юборди. Эшикка етганда орқамга қарадим: у панжарарага юзини босиб, қылт этмай, ҳануз ўша қийноқли, суратдай қотган табассуми билан жилмайиб турар эди.

Кўп ўтмай у менга хат ёзди. Ана шундан кейин айтиб бериш менга сира ёқмайдиган кўп нарсалар

бошланди. Ҳар ҳолда, кўпиртиришга ҳожат йўқ: мен бошқаларга қараганда енгилроқ ўтказдим. Лекин қамоқдаги биринчи кунларимда энг ёмони шу бўлдики, калламда эркин одамнинг хаёллари туфилла бошлади. Масалан, бирданига қумлоқда ястаниб ётгим, денгизга тушгим келиб қолади. Мана, оёғимга илк тўлқинлар шалоплаб урилади, сувга шўнгийман, шундай аниқ ҳис қиласманки, қушдай енгил тортаман, ўзимни эркин ҳисоблайман, – шунда бирдан теграмни қамоқнинг тўрт девори қуршаб олади. Аммо бир неча ой ўтиб, бунақа хаёллардан кутулдим. Энди маҳбусга муносиб ўй суришга ўтдим. Ҳовлига – ҳар кунги сайрга олиб чиқишиларини ё бўлмаса, адвокат келишини кутиб ётаман. Бошқа вақтлари ҳам овунчоқ топадиган бўлдим. Ва доим ўйлардим: агар мени бирон қуриган дараҳт танасига тиқиб, шунинг ичидагашга мажбур этишса, майли, ҳеч бир нарса қилишга илож бўлмасин, фақат бошим устида осмон ёришиб келаётгани кўриниб турса, шунга ҳам аста-секин кўникаман. Биронта қуш учиб ўтишини, булутларнинг сузишини кутиб тураверардим, бари бир, бу ерда ҳам бутун адвокатим яна қандай алламбало галстук тақиб келар экан деб кутиб ётавераман, қамоқقا тушмасимдан олдинлари ҳам шанбани – Марини кучоқласа бўладиган кунни сабр-тоқат билан шундай кутардим. Лекин, бундай ўйлаб кўрилса, мен қуриган дараҳт ичидагашга ўтирганим йўқ. Мендан баҳтсизроқ одамлар ҳам бор-ку. Тўғри, бу менинг фикрим эмас, онамга тегишли, у, охир оқибат одам боласи ҳамма нарсага кўникади, деган гапни тез-тез айтиб юради.

Кейин ўзим ҳам ўй ўйлаганда, одатда, жуда чукур киравермас эдим. Бир-икки ойни ўтказиш жуда оғир кўчди. Бир амаллаб ўзимни енгишим керак эди, лекин худди шу нарса ҳам вақтни ўтказишга ёрдам берди. Мана, масалан, аёлни жуда соғиниб

қоламан. Бу табиий, чунки ёшман. Мен ҳеч қачон фақат Марининг ўзинигина ўйлаганим йўқ. Шунчаки бир аёл, умуман аёллар, кўрганларимнинг ҳаммаси ҳақида ва қайсиси билан қачон, қаерда қандай кушилганимни ўйлайман, шу қадар кўп ўйлаганимдан, ҳибсхона уларнинг юзларига тўлиб кетиб, истакларимга торлик қилиб қолади. Қай бир маънода, бу нарса мени нотайин ахволга солади. Лекин шу йўл билан кун ўтказиш осонроқ кўчади. Охирроғига келиб, катта турмабон, у ошхонадан овқат ташийдиган одамни кузатиб келарди, менга ачина бошлади. Шу катта турмабон менга аёллар тўғрисида гап очди. Ҳамма маҳбусларга ҳам энг етишмайдигани шу-да ўзи, деди у. Менга ҳам етишмаяпти, дедим, одамларни бунақа ахволга солиш адолатдан эмас.

– Ахир, худди шунинг учун ҳам сизларни қамоққа солишибди-да, – деди у.

– Нега бунақа?

– Ҳа энди, эркинлик ҳам шунинг ўзи-да. Сизларни эркинликдан маҳрум қилишибди-ку.

Бу гап илгари калламга келмаган экан.

– Ҳа, тўғри айтасиз, бўлмаса бунинг жазолиги қоладими?

– Ҳа, мана, сиз фарқига борасиз. Бошқалар тушунмайди. Лекин, бориб-бориб улар ҳам ўзларига таскин топади.

У шундай деб чиқиб кетди.

Кейин – сигаретлар. Қамоқда бошидаёқ қайишим, бошмоғимнинг иплари, галстук ва чўнтағимдаги ҳамма нарсамни, энг ёмони – сигаретларимни олиб қўйган эдилар. Ҳибсхонага тушганимдан кейин қайтариб беринглар, деб сурадим. Лекин қайтариш тақиқланганини айтишди. Биринчи кунлари ниҳоятда оғир бўлди. Ҳаммасидан ҳам чекиш мумкин эмаслиги мени эзиб юборди. Сўридан пайраха

синдириб олиб сўрадиган бўлдим. Кун бўйи кўнглим айниб юрарди. Мендан ҳеч кимга халал бермайдиган, зиёни тегмайдиган нарсамни нега тортиб олишганига сира ақдим етмасди. Кейин тушундим – бу ҳам жазога кирар экан. Аммо бу вақтга келиб чекиш хуморидан қутулган эдим ва бу менга энди жазо ҳам эмас эди. Агар шу кўнгилсизликларни ҳисобга олмаса, мен жуда унча бахтсиз эмасдим. Яна қайтараман, энг муҳими – вақт ўтказиш. Мен турли нарсаларни ўйлашга одатланиб олдим ва шундан кейин бошқа зерикмай кўйдим. Гоҳо ўзим яшаган хонани эслайман, мана, бир кезиб чиқаман, манави бурчакдан бошлиб, кўзим тушган майда-чуйдаларгача эътибор қиласман – ҳаммаси ёдимда аниқ тикланади. Бошида бу ҳам кўпга чўзилмас эди. Лекин галдан галга эслашим узайиб бораверди. Чунки ҳар бир курсини, қаерда, қайси ғаладонда қанақа ашё ётибди, арзимас нарсани, безаги, қирилган, дарз кеттан жойларини, рангининг қанақалигини, пайпаслагандага қўлга қандай тегишини – барча тафсилотларини аниқ эсга туширадим. Айни пайтда чалкаштирамай, тартибини бузмай, ҳеч бир нарсани унутмай хотирлашга тиришар эдим. Бир неча ҳафтадан кейин хонамда бор нарсаларнинг ҳаммасини бир-бир хаёлдан ўтказишмга соатлаб вақт кетказадиган бўлдим. Қанча эсласам, хотирамда шунча кўп арзимас майда-чуйдалар тикланаверди. Шунда бир нарсани тушундим: агар одам бир кунгина яшаса бас, кейин у қамоқда юз йил ҳам бемалол ётавериши мумкин экан. Зерикиб қолмаслиги учун унда истаганча хотира топилади. Керак бўлса, бу ҳам таскин беради.

Яна уйку ҳам бор. Бошда кечалари ёмон ухлар, кундузлари эса мижжа қоқмас эдим. Аста-секин кечаларига ишим ўнгланди ва ҳатто кундузлари ухлашга ҳам ургандим. Кейинги ойлари эса кунига ўн олти, ўн саккиз соатлаб ухлайдиган бўлдим.

Қолган олти соатни бир амаллаб ўтказиш керак эди, бунинг учун эса ихтиёrimда нонушта, тушлик, кечки овқат, табиий зарурат, хотиралар ва яна бир чехнинг саргузаштлари бор эди.

Бир куни мен сўридан, сомон түшак тагидан унга ёпишиб қолган бир рўзнома парчасини топиб олдим, сарғайиб, қарийб шаффоф тусга кирган эди. Бир жиноят тафсилоти экан, боши йўқ, лекин мазмунидан воқеа Чехословакияда бўлганга ўжшайди.

Бир одам бахтини синааб куриш учун туғилган қишлоғини ташлаб, олис ўлкаларга улоқиб кетибди. У йигирма йилдан кейин бой-бадавлат бўлиб, хотини ва боласини эргаштириб юртига қайтибди. Қишлоқда унинг онаси билан синглиси кичкина меҳмонхона очиб олишган экан. У уйидагиларни ҳайратга соламан деб, хотини билан боласини бошқа бир жойга кўйиб, ўзи онасининг олдига борибди – онаси уни танимабди. У азбаройи ҳазилга гўё ўзига хона зарурлигини айтибди. Онаси билан синглиси кўрсаки, унда пул жуда кўп. Тунда уни болға билан уриб ўлдириб, жасадини дарёга ташлаб юборишибди. Эрталаб унинг хотини келибди, ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, кечаги меҳмоннинг кимлигини айтибди. Она ўзини осиб кўйибди. Синглиси ўзини қудукқа ташлабди. Мен бу воқеани минг марта ўқидим шекилли. Бир томондан, ҳеч ҳақиқатга тўғри келмайди. Иккинчи томондан – жуда табиий. Менингча, бу одам қай бир маънода ўзига тегишилисини олган. Ҳеч қачон муғомбирлик қилиш керак эмас.

Мен шу тарзда соатлаб ухлардим, хотирага берилардим, шу воқеа парчасини қайта-қайта ўқирдим, ҳибсхона дам ёришар, дам қоронfilaшар – вақт ўтиб бораверар эди. Бир пайлар қаердадир қамоқдаги одам бориб-бориб вақт ҳақида тасаввур

қилишни ҳам унугади, деб ўқиб қолган эдим. Лекин ўшанда бу гапга эътибор ҳам бермаган эдим. Мен куннинг бир вактнинг ўзида ҳам жуда узун ва ҳам жуда қисқа бўлишини тушунмасдим. Албатта, бунақа кунлар – жуда узун, яна шунақа чўзилишадики, охироқибат, қўшилишиб, бири иккинчисига уйқашиб кетади. Белгисиз, қиёфасиз тус олади. Фақат «кеча» билан «бугун» деган сўзларнинг маъносигина йўқолмай туради.

Бир куни турмабон қамоқда ётганимга ҳам беш ой бўлганини айтиб қолди – ишондиму, унча тубига етмадим. Мен учун ҳибсхонада ётган куним – сира охири йук, чўзилгандан чўзилиб келаётган бир кун ва ташвишим ҳам доимгидай битта ташвиш эди. Турмабон чиқиб кетди, мен декчани юзимга кўзгу қилиб тутдим. Юзим, ҳатто унга қараб жилмайишга уринганимда ҳам хўмрайганича қолаётгандай туолди. Декчани ҳар ёқдан тутиб кўрдим. Яна жилмайдим, аксим бадқовоқ ва маъюслигича қолаверди. Кеч кираётган, қамоқхонанинг барча қаватларидан бўғиқ шом шовқинлари дилгир оҳангда баландлаб, яна шу кўйи секин пасаядиган, мен айтиб беришни сира ёқтирмайдиган бир кез эди. Тўйнук олдига бориб, сўнаётган шом шуълалири ёғудусида яна бир марта аксимга термилдим. Юзим боягида жуда жиддий эди, начора, ўзим энди жиддийлашиб қолганимдан кейин, бунинг нимаси ажабланарли? Лекин айни шу пайти, бир неча ойдан бери илк марта, ўз овозимни аниқ эшитиб қолдим. Кўп кунлардан бери қулогимга эшитилиб юрган товуш шу экан: шундагина мен якка бўлмага тушганимдан бери доим ўзимга ўзим гапириб юрганимни англаш қолдим. Ҳамширанинг онамни кўмган кунимизда айтган гапи эсимга тушди. Ҳа, шундок, қамоқхонадаги шомлар қанақа бўлишини ҳеч ким тасаввур қилолмайди, бошқа нажот йўли ҳам йўқ.

III

Моҳияттан олганда, ёз фасли бошқа ёз билан тез ўрин алмашди. Иссик кунлар бошланиши билан ҳаётим янги босқичга ўтишини олдиндан билар эдим. Ишим суд маслаҳатчиларининг охирги сессиясида қурилиши керак, сессия июнда якунланади. Жараён бошланганда эркинликдаги ҳамма нарса қуёшга чулғанган эди. Ҳимоячим мени ажрим уч-тўрт кундан кўпга чўзилмайди, деб ишонтирди.

– Суд имиллаб ўтирмайди, – деб қўшиб қўйди у.
– Ишингиз бу сессиядаги энг асосий иш эмас. Бир падаркушлик бор, сиздан кейин тўғри шу ишни қўришга ўтишади.

Эргалаб етти яrimда келиб, қамоқхона машинасида мени суд биносига олиб боришиди. Иккита миршаб мени зах тортган бир ҳужрага олиб кирди, бу ерда қоронфилик ҳиди анқирди. Эшик олдида кутиб ўтирдик, эшик нарёғидагилар эса гаплашади, бир-бирини чақиради, курсиларни суради, хуллас, ғала-ғовур, талотўп, гўё концерт ўтиб, энди жуфтжуфт ракс тушишга хона ўртаси бўшатилаётган хайрия оқшомига ўхшайди. Миршаблар, ҳали мажлис бошлангани йўқ, деб айтишди, бирори менга сигарет тутди, мен рад қилдим. Салдан кейин менга, қўрқмаяпсизми, деди, мен йўқ, дедим. Қай бир маънода менга ҳатто қизиқ эди, кўрай-чи, қанақа бўлар экан. Ҳали бирон марта судга тушиб курмаганман.

– Ҳа, – деди униси, – лекин охирига бориб жонингга тегиб қолади.

Бир оздан кейин хонадаги қўнғироқ жиринг этди. Шунда қўлимни кишандан бўшатишди. Эшикни очиб, мени айборлар курсисига етаклашди. Кенг хона одамга тўла. Пардалар очилмаган. Лекин у-бу ердан қуёш сизиб киради, ҳалитдан ҳаво етишмайди.

Деразалар ҳали ёпиқ. Ўтирдим, икки томонимдан миршаблар жой олди. Шу пайти рўпарамда турган саф-саф юзларни кўрдим. Ҳаммаси менга тикилиб олган эди, маслаҳатчилар шу эканини англадим. Лекин бирорини бироридан ажратса олмадим, ҳаммаси қандайдир бир хил туюлди. Гўё трамвайда кетяпману, рўпарамда қатор бўлиб йўловчилар – қиёфасиз нотанишлар ўтирибди, ҳаммаси менга тикилиб, устимдан кулишга баҳона қидираётгандай. Албатта, бу ўйнинг бемаъни эканини тушунаман: улар мендан бирон кулгили нарсани эмас, жиноятни қидиришаёттир. Лекин унча ҳам фарқи йўқ, ҳар қалай, ўшанда шу хаёлга борган эдим.

Одамнинг бунча кўплигидан ҳам танг қолдим – худди бочкага тузлаб қўйилган балиқда ўхшайди. Яна кенг хонага кўз югуртирдим, лекин биронта қиёфани ажратолмадим. Бошда шу оломоннинг ҳаммаси мени томоша қилишга келган деб янгилишдим шекилли. Ўзи одатда одамлар менга эътибор бермайдилар. Шу талотўпнинг бари мен учун бўлаётганини англашим жуда қийин бўлди.

Миршабга:

– Бунча одам! – дедим.

У ҳаммаси рўзномаларнинг иши, деди ва маслаҳатчилардан пастдаги стол атрофида уймалашган одамларни кўрсатди.

– Ана улар, – деди.

– Кимлар? – деб сўрадим.

У яна қайтарди:

– Рўзномалар.

Таниш бир мухбирни кўриб қолдим, у айни бизга қараб келаётган эди. Хийла ёши ўтган, юзи ўта жонсарак кўринса ҳам, истараси иссиқ эди. У миршаб билан самимий кўришди. Шунда мен бу ердаги одамларнинг бемалол, гўё ҳаммалари қадрдон, бир-бирларини кўришдан бахтиёр бўладиган дўстона

даврага йиғилгандай, саломлашиб, сўрашиб, гаплашиб ўтиришганини англадим. Ҳа, мана шунинг учун ҳам ўзимни ғалати, бу ерда худди чақирилмаган меҳмондай, ортиқча деб ҳис қилаётган эканман. Лекин мұхбир менга жилмайиб гап қотди. Ишончим комил, деди у, ҳаммаси яхши бўлади. Мен раҳмат айтдим ва у:

— Биласизми, биз ишиңгизни оз-моз кўпиртиридик, — деб қўшиб қўйди. — Газеталар учун ҳозир ўлик мавсум. Ҳеч бир тузукроқ воқеа топилмади, фақат сизу мана шу падаркушлик.

Кейин боя ўзи гаплашган, ҳозир мұхбирлар галасида бурнига қора гардишли кўзойнак кўндириган, семириб кетган сассиқкўзангага ўхшаб турган бир одамга ишора қилди ва Парижда чиқадиган рўзноманинг махсус мұхбири, деди.

— Аслида сиз учун келгани йўқ. Падаркушликнинг қандай суд қилишларини ёритади, лекин ундан биратўла сизнинг ишиңгизни ёзиб келишни ҳам сурашган.

Сал бўлмаса, унга раҳмат деб юбораёздим, лекин бунинг кулгили бўлишини ўз вақтида англаб қолдим. У менга самимий қўл силкиб қўиди ва нари кетди. Шундан кейин яна бир оз кутиб ўтиридик. Ҳамкаслари куршовида, адвокат ҳирқасини кийиб олган ҳимоячим пайдо бўлди. Мұхбирлар олдига бориб, ҳаммаси билан қўл олиб кўришиб чиқди. То кенгхонада қўнфироқ чалингунча, улар мисоли ўз уйларида ўтиргандай, ҳазил-хузул қилиб, кулишиб турдилар. Кейин ҳамма ўз жойини эгаллади. Ҳимоячи олдимга келди, қўлимни сиқиб қўйди. Саволларга лўнда жавоб қайтаришим, ўзим ҳеч нарса ҳакида олдин гап бошламасим, қолган нарсаларни унинг ўзига қўйиб беришимни уқтириди.

Чап ёнимга тарақлатиб курси суришди, ўтирилиб қарадим — баланд бўйли, пенсне таққан қотма бир

одам қизил ҳирқасини ҳафсала билан түгрилаб энди ўтираётган экан. Бу – прокурор эди. Суд ижрочиси суд келаётганини зълон қилди. Айни шу пайти иккита баҳайбат вентилятор гувиллашга тушди. Уч киши – суд кирди – иккитаси қора, биттаси қизил ҳирқа кийган, ҳар бирининг кўлтиғида қоғоз солинган биттадан жуздан, тез супага йўл олдилар. Қизил кийгани ўргадаги курсига ўтирди, қалпоғини рўпарасидаги столга кўйди, тепакалини рўмолча билан артиб, суд мажлиси очиқ, деб зълон қилди.

Мухбирлар аллақачон қаламларини шайлаган эдилар. Уларнинг юзи беғам ва жиндайгина истехзоли кўринарди. Айтгандай, юпқа кулранг костюм кийган, ҳаворанг галстукли, уларнинг ичида энг ёш биттаси ҳали рўпарасидаги столда ётган ёзгичини кўлига олмай, фақат менга тикилиб ўтирган эди. Унинг юзида қанақадир номутаносиблик бор эди, лекин мен фақат унинг кўзларини кўрдим, жуда тиник, менга дикқат билан термилаётган эди, бироқ нигоҳидаги ифодани унча илғамадим. Жуда ғалати – гўё ўзимни ўзим кузатиб тургандай бир ахволга тушдим. Эҳтимол, ҳали суд тартибини билмаганим учундир, кейин нима бўлганини унча тушунмадим: куръя ташлаб маслаҳатчиликка номзодлар танлаб олдилар, раис ҳимоячи, прокурор ва маслаҳатчилардан алланарсаларни сўради (ҳар гал уларнинг боши раисга томон баравар ўтирилди), тез-тез айбномани ўқидилар (кулогимга таниш исмлар, бегона жойларнинг номи чалинди), яна ҳимоячига саволлар бердилар.

Кейин раис ҳозир гувоҳлар чақирилишини айтди. Ижрочи баланд овозда исм-шарифларни ўқиди, мен уларга эътибор қилдим. Шу пайтгача менга қиёфасиз ва қўйма бўлиб туюлган оломон ичидан ғарибхона мудири, қоровули, Тома Перез чол, Раймон, Масон, Саламано, Мари навбат билан ўринларидан туриб,

ёнбошдаги эшикка кирдилар. Мари мен томонга бекитиқча, ташвишли бош ирғади. Шу пайтгача уларнинг биронтасини кўрмаганимга ҳайрон бўлиб турган эдим, бирдан яна бир исм-шариф ўқилди ва Селест ўрнидан турди. Унинг ёнида ху бир марта ресторанда олдимга келиб ўтирган ўша савдои хотинни кўриб қолдим, нимчаси, қатъиятли юзи ва кўғирчоқ ҳаракатларидан танидим. У менга кўз узмай тикилаётган эди. Лекин ўйлаб ўтиришимга имкон бўлмади, раис гапни бошлаб қолди. У суднинг ишни эшитишга ўтишини айтди ва тўпланганларни тартибга, жимликка чақиришга зарурат бўлмаслигига умид билдириди. Унинг, яъни раиснинг бурчи ишнинг ҳар томонлама холис ва беғараз курилишини таъминлаш. Маслаҳатчилар зиммасида ҳақиқий адолат руҳида ҳукм чиқариш экан, буларнинг ҳаммасидан ташқари, агар биронта одам тартибни бузгудай бўлса, раис унга кенг хонани бўшатиб қўйишни буюради.

Яна ҳам исиб кетди, жамоатдан баъзилари газета билан елпинишга тушди. Раис ижрочига имо қилди, у сомондан тўқилган учта елпигич олиб келди ва судьялар шу заҳоти уларни ишга содилар.

Ва шу заҳоти мени сўроқ қилиш ҳам бошланди. Раис менга жуда хотиржам ва ҳатто хайриҳоҳ бўлиб, саволлар берди. Жуда баъдимга урган бўлса ҳам, яна исмим, шарифим, ёшим ва шунга ўхшаган нарсаларни айтиш талаб этилди, ўйлаб қолдим: моҳиятан олганда, бу табиий, ахир, айбдорнинг ўрнига бошқа бир одами суд қилиб юборсалар нима бўлади. Кейин раис менинг қилмишларимни қайта бошдан ҳикоя қилди ва мендан ҳар икки гапнинг бирида:

– Шундайми? Тўғрими? – деб сўраб турди.

Мен ҳар гал, худди ҳимоячим ўргатгандай:

– Ҳа, жаноб раис, – деб жавоб бердим.

Жуда чўзилди, чунки раис батафсил, ҳамма майдачуидагача айтиб берди. Мухбирлар ҳам ёзишдан тинмади. Уларнинг орасидаги энг ёш мухбир билан автомат хотиннинг мендан кўз узмаёттаниларини ҳисқилиб турдим. Трамвай ўриндиқларидағи ҳамма йўловчининг кўзи раисда. У йўталди, қоғозларни титкилади, сомон елтириб билан елпингган кўии менга ўтирилди.

У энди менинг ишимга, сиртдан қараганда, унча алоқаси йўқ, лекин, эҳтимол, моҳиятан жуда боғлиқ саволларга тўхташини айтди. Ҳозир унинг онам тўғрисида гапиришини англадим ва кўнглим ёмон бўлиб кетди. У онами нима учун фарибхонага берганимни сўради. Унга қарашга ва ҳамширага беришга пулим етмас эди, деб жавоб бердим. Бу қарорга келишингиз қийин бўлдими, деб сўради у. Мен бир-биримиздан ҳам, умуман бошқалардан ҳам умид қиласиган ҳеч нарса қолмади, икковимиз ҳам янги турмуш тарзига кўниккан эдик, дедим. Шунда раис бу мавзуга янада чукур киришга ҳожат йўқдигини айтди ва прокурордан менга саволи борёки йўқдигини сўради.

Прокурор менга қарамай, елкасидан, менинг яна чашма олдига ёлғиз қайтиб келганимдан мақсад арабни ўлдириш бўлмаганимикан, раиснинг ижозати билан шуни билмоқчилигини айтди.

– Йўқ, – дедим.

– Унда нега айбланувчида курол бўлган ва у нима сабабдан айни шу жойга қайтиб борган?

Мен, тасодиф бўлди, деб жавоб бердим. Прокурор тишини гириҳ қилиб:

– Ҳозирча етарли, – деди.

Кейин қанақадир чалкашлиқ келиб чиқди, ҳар ҳолда, менга шунақа туюлди. Ундан кейин судъялар пичирлашиб олдилар ва раис танаффус эълон қилди; эндиги мажлисда гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланади, деди.

Үйлаб олишга вақтим бўлмади. Мени кенгхонадан олиб чиқиб, машинага ўтиргиздилар, қамоқхонага етказдилар, у ерда овқатимни едим. Сал ҳам ўтмай, жуда чарчаганимни энди сезган вақтим мени яна олиб кетиши: ҳаммаси қайтадан бошланди: яна кенг хонага кирдим, ўша юзлар яна менга тикилди. Фақат баттарроқ исиб кетган, ҳудди мұъжиза билан пайдо бўлғандай маслаҳатчилар, прокурор, ҳимоячи ва баъзи мухбирларнинг кўлида биттадан сомон елпифич. Ёш мухбир, жиккак аёл ўша жойларида ўтирибдилар. Лекин улар елпингани йўқ ва илгаригидай менга тикилиб олишган.

Пешанамдан куйилаётган терни артаман, қаердаман, менга нима бўляпти, тушунмай ўтирган эдим, тўсатдан ғарибхона мудирини чақираётганларини эшитиб қолдим. Ундан онамнинг мендан шикоят қилганми-йўқлигини сўрашди, у, ҳа, лекин бу одатдаги иш, ҳамма истиқоматчилар қариндошларидан нолийди, деди. Раис аниқроқ айтишни сўради: онам ғарибхонага топширганим учун мендан нолиганми, йўқми, мудир яна, ҳа, деди. Энди бошқа ҳеч қандай гап қўшмади. Кейинги саволга у жаноза куни менинг бамайлихотирлигимга ҳайрон бўлганини айтди. Ундан «бамайлихотирлик» деганда нимани назарда туваётганини сўрашди. Мудир ерга боқди ва тобутда ётган онамни кўришни истамаганим, бир томчи ҳам ёш тўкмаганим, қабр устида сукут сақлаб турмаганим, марҳумни қабрга қўйгандан кейиноқ, жўнаб кетганимни айтди. У яна бир нарсага ҳайрон бўлди: дафн маҳкамаси ходимининг унга айтишича, мен онам неча ёшга кирганини аниқ билмаганман. Ҳамма бир дақиқа жимиб қолди, кейин раис мудирдан у айтган гапларнинг ҳаммаси мен тўғримдами-йўқлигини сўради. У саволни тушунмади, раис: «қонун таомили шундай», деб изоҳ берди. Сўнгра у, гувоҳга саволингиз йўқми, деб прокурорга ўгирилди, прокурор хитоб қилди:

– Э йүқ, шу ҳам етиб-ортади.

У мен томонга шундай ёниб, шундай голибона қарадики, бирдан бу одамлар мени шу даражада ёмон куришларини ҳис этиб, кўп йилдан бери биринчи марта, худди тентакка ўшаб йифлаб юборишимга сал қолди.

Раис маслаҳатчилар ва ҳимоячидан менга саволлари бор-йуқлигини сўради, кейин эшикбонни қайтарди. У билан ҳам, бошқаларга ўшаб, бояги таомил қайтарилиди. Гувоҳ жойга чиққандан кейин у менга бир қаради-да, кўзини олиб қочди. Онамни кўришни истамаганим, чекканим, ухлаганим, сутли қаҳва ичганимни айтди. Шу аснода мен кенг хонада ҳаяжон кучайиб келаётганини ҳис қилдим ва биринчи марта ўзимнинг гуноҳкорлигимни англадим. Эшикбонни яна қайтадан сутли қаҳва ва сигарет тўғрисида гапириб беришга мажбур қилишди. Прокурор менга мазах қилиб қаради. Шу пайт ҳимоячим мудирдан, сиз ҳам унга қўшилиб чекмадингизми, деб сўраб қолди. Лекин прокурор қаҳрли тусда норозилик билдириди.

– Судланувчи ким ўзи бу ерда ва ҳимоя усуллари қанаقا ўзи! Ҳимоянинг айблов гувоҳларини қора-лашга уриниши чиппакка чиқади, қақшатқич кўрсатмаларнинг залворини енгиш унинг кўлидан келмайди!

Шунда ҳам раис эшикбондан бари бир саволга жавоб беришни талаб қилди. Чол довдираб қолди.

– Тўғри, менда ҳам айб бор, – деди, – лекин фақат бу жанобнинг ўзи менга сигарет тутди, кўлинни қайтариш нокулай эди.

Охирида мендан, қандай кўшимча қилишни истайсиз, деб сўрашди.

– Ҳеч қандай, – дедим, – гувоҳ тўғри гапирияпти. Унга сигарет тутганим ҳам рост.

Эшикбон менга ҳайрон бўлиб ва ҳатто миннатдорлик билан қараб қўйди. Сал чайналиб турди-да ва

ўзи ҳам мени қаҳвага чорлаганини айтди. Ҳимоячи қувонч билан шовқинлади ва маслаҳатчиларнинг буни эътиборга олишлари зарурлитини айтди. Лекин жавобига прокурор момақалдироқдай гумбурлади:

– Шундай, жаноб маслаҳатчилар эътиборга олиб қўйишади. Чет бир одамнинг қаҳва таклиф этиши мумкинлиги, лекин ўзига ҳаёт бахш этган жасаднинг олдида ўтирган ўғил ана шу қаҳвани рад этиши кераклигидан хулоса ҳам чиқарадилар.

Эшикбон ўз жойига қайтди.

Перез чолга навбат келганда, суд ижрочиси уни минбарга қўлтигидан суюб олиб чиқиб қўйди. Тома Перез онамни яхши билиши, мени эса фақат бир марта, жаноза куни курганини айтди. Ундан ўша куни менинг нима қылганимни сўрадилар ва у жавоб берди:

– Тушунинг, мен қайғудан адо бўлган эдим. Қайғу билан бўлиб ҳеч нарсани кўрмабман. Мен учун бу энг оғир қайғу эди. Ҳатто хушимдан кетиб қолдим. Демак, жаноб Мерсони кўрмаганман ҳам.

Прокурор, ҳеч бўлмаса, унинг кўз ёш тўkkанини кўргандирсиз, деб суради. Перез, йўқ, кўрмадим, деди. Прокурор ҳам керакли гапни айтди:

– Жаноб маслаҳатчиларнинг буни эътиборга олиб қўйишларига тўғри келади.

Бироқ шу пайт ҳимоячимнинг қони қайнаб кетди. Перездан, менингча, ҳаддан ортиқ жаҳл билан, унда унинг йифламай турганини кўргандирсиз, деб сўради. Перез:

– Йўқ, – деб жавоб берди.

Кенг хонада кулги кўтарилиди. Ҳимоячи ҳирқасининг кенг енгларини ҳилпиллатиб, баралла хитоб қилди:

– Мана, қанақа экан бу жараён! Ҳаммаси тўппатўғри ва ҳаммаси тескарига бурилган!

Прокурор бўзариб кетди, қаламини қофозларига нуқиганча ўтираверди.

Беш дақиқага танаффус зълон қилдилар, ҳимоячи менга ҳаммаси яхши кетаётганини айтиб улгурди, ундан кейин эса Селестни – ҳимоя томони, яъни мен томонимдан бўлган гувоҳни чақиришди. У гоҳо якшанба кунлари, икковимиз бирга пойга томоша қилгани борадиган кунларимизда киядиган янги костюмида эди. Лекин ёқасини қадашни эплолмаган шекилли, мис туқача бўлмаса, кўйлагининг сурилиб кетишига бир баҳя қолгани кўриниб турарди. Селестдан уницида овқатлангани борганим түғрисида сўрадилар, у тасдиқлади ва қолаверса, унга дўст эканимни ҳам айтди. Ундан мен тўғримда нима фикрда эканини сўрадилар, у мени одам деб айтди. Бу нима деганингиз? Нима деяётганимни ҳамма тушунади, деди Селест. У менинг ҳамдус, одамови эканимга эътибор қилганми? Жавоб ўрнига Селест менинг ҳуда-бехуда валақдайвермаслигимни айтди. Прокурор у овқатта доим ўз вақтида тўлармиди, деб савол берди. Селест кулди.

– Э, бу гапга ҳам арзимайди, икковимиз доим суришиб кетаверамиз.

Ундан мен қилган жиноят ҳақида нима деб ўйлашини сўрадилар. Шунда унинг икки қўллаб тўсикқа таяниб олишидан бу савол жавобига олдиндан тайёрланиб тургани маълум бўлди. У шундай деди:

– Мен шундай ҳисоблайман, бу бахтсизлик. Бахтсизлик нима, буни ҳамма билади. Бахтсизлик қаршисида ожизсан одам. Мана, шунинг учун ҳам буни бахтсизлик, деб ҳисоблайман.

У яна давом этмоқчи эди, аммо раис, жуда яхши, раҳмат, деди. Лекин, бари бир, у яна баъзи нарсаларни айтмоқчиман, деб туриб одди. Ундан қисқароқ қилишни сўрадилар. У яна менинг бахтсизликка учраганимни қайтарди. Шунда раис:

– Ҳа, тушунарли, – деди. – Лекин биз ҳам сиз айтиётгандака бахтсизликни суд қилиш учун бу ерда турибмиз. Раҳмат сизга.

Селест шунда энди нима қилишни, яна қандай ёрдам беришни билмаётгандай, менга ўтирилди. Кўзлари фильтлаб, лаблари қалтираётгандай туюлди. Айт, яна нима қилса бўлади, деб сўраётгандай эди. Мен унга ҳеч нима демадим, ҳеч қандай ишора ҳам қилмадим, лекин умримда биринчи марта эркак кишини бағримга босгим келиб қолди. Раис яна унга гувоҳжойни бўшатишни буюрди. Селест жойига тушди. Мажлис охиригача оддинга эгилиб, икки тирсагини тиззаларига тираб, панамасини фижимлаган кўйи дикқат билан эшишиб ўтирди.

Мари кирди. Унинг бошида шляпа, бари бир, янада чиройли эди. Лекин менга унинг бошяланг юргани купроқ ёқади. Мен ҳатто узоқдан туриб ҳам унинг сийналари қандай диркиллаётганини туйдим, доим салгина тутиб турадиган таниш лабларини кўрдим. Мари жуда ҳаяжонланаётганга ўхшади. Шу заҳотиёқ ундан мени қанчадан бери билишини сўрадилар. У, маҳкамада бирга ишлаганимиздан, деб айтди. Раис муносабатимиз қандай бўлганини билгиси келди. Мари мен билан дўст эканини айтди. Кейинги саволга эса, ҳа, тўғри, унга турмушга чиқмоқчи эдим, деди. Прокурор қофозларини вараклаб туриб, тўсатдан қачон алоқамиз бошланганини сўраб қолди. Мари ой билан кунини айтди. Прокурор юзига лоқайд тус берив ва янгишмасам, шундан бир кун олдин унинг онасини кўмиштан, деб эскартиш берди. Кейин аччиқ илжайиб, Марига нокулай эканини тушунаётгани, унга қолса, бу мавзуда бошқа гапиришни истамаслиги (шу ўринда унинг товуши кескин жаранглади), лекин зиммасидаги бурч – ҳамма нарсадан юқори эканини кўшимча қилди. Ва Маридан биз бирга ётган ўша кунни батафсил айтиб беришни талаб қилди. Мари гапиришни истамади, аммо прокурор айтганида туриб олди, кейин Мари икковимиз қандай бирга чўмилганимиз, кинога

түшганимиз ва сунгра ўзининг меникига борганини айтиб берди. Прокурор Марининг терговда берган кўрсатмаларидан кейиноқ ўша куни қандай картина қўйилганини аниқлаб олганини айтди. Лекин ўшанда қандай фильм қўйилганини Марининг ўзидан эшитмоқчи экан. Мари эшитилар-эшитилмас Фернандель ўйнаган фильмнинг номини тилга олди. У айтиб бўлгач, кенг хонага ўлик сукунат чўкди. Шунда прокурор ўрнидан турди, унинг юзи жуда ҳам жиддий, товушида самимий титроқ бордай туюлди менга, у мен томонга бармоғини нуқиб, секин хитоб қиљди:

– Мұхтарам маслаҳатчилар, бу одам бир кун олдин онасини кўмиб, эртаси куни кумлоққа чўмилишга борган, у ерда ўйнаш орттирган ва шодхуррам томошага тушган. Сизга бундан ортиқча гап айттолмайман.

У ўтириди, кенг хона ҳали ҳам сукутда эди. Бирдан Мари ўқраб йифлаб юборди ва бу ерда мени мажбурлаб, ўйлаганимдан бошқа гапларни айтиришди, уни жуда яхши биламан, ҳеч қанақа ёмонлик қилгани йўқ, дея гапириб кетди. Лекин раис ижрочига имо қиљди, у Марини олиб кетди ва мажлис давом этаверди.

Шундан кейин Масонни, унинг мени ҳалол, «бундан ташқари, виждонли» одам, деб далолат этишини ҳеч ким тузукроқ эшитмади. Итига қандай ғамхўрлик қилганимни айта бошлаган, онасиға қандай муносабатда эди, деган саволга, икковининг гаплашадиган гаплари ҳам тугаган эди, шунинг учун ҳам онасини фарибхонага берди, деб жавоб қилган Саламано чолни ҳеч ким яхшироқ эшитмади.

– Тушуниш керак, – деб туриб олди Саламано, – тушуниш керак.

Лекин ҳеч ким тушунмагани кўриниб турарди. Уни ҳам олиб чиқишидди. Кейин охирги гувоҳ – Раймоннинг

навбати келди. У менга сал белгили бош иргаб қўйдида ва шу заҳоти гуноҳим йўқлигини далолат қилди. Лекин раис гувоҳнинг бурчи – хулоса чиқариш эмас, воқеани айтиб бериш, унинг иши – саволларга жавоб бериш, деди. У ўлдирилган араб билан қандай муносабатда бўлган? Раймон бу саводдан фойда чиқаришга уринди, ўлдирилган одамнинг душмани аслида мана, ўзи эканини, чунки унинг синглисига шапалоқ ургани, шундан кейин акаси уни ёмон кўриб қолганини айтди. Лекин раис ўлдирилган арабнинг мени ёмон кўришта ҳам сабаб бор-йўқлигини сўради. Раймон менинг қумлоққа бориб қолганимни фирт тасодиф, деди. Шунда прокурор ҳамма фожиага сабаб бўлган хат нима қилиб мен томонимдан ёзилиб қолганини сўради. Раймон буни ҳам тасодиф, деди. Прокурор эътиroz қилди: бу воқеадаги ҳамма айб негадир тасодифнинг бошига тушяпти. У яна бир нарсани билишга қизиқди: Раймон ўйнашита шапалоқ тортганда менинг ажратиб қўймаганим – бу ҳам тасодифми? Миршабхонага тасодифдан гувоҳ бўлиб борганмиканман? Кўрсатмаларим билан Раймонни ҳар жиҳатдан қўллаганим – бу ҳам тасодифми? Охирида у Раймоннинг нима ҳисобига тирикчилик қилишини сўради. Раймон «Омборчиман», деб жавоб қилди ва прокурор шунда маслаҳатчиларга ўтирилди: бу гувоҳнинг жуда бошқача касби борлиги ҳаммага маълум, у – қушмачи. Мен эса унинг дўсти ва ҳамтовориман. Демак, бу ўринда қабоҳатта йўғрилган тубан бир фожиа келиб чиқкан ва суд рўпарасидаги одам росмана жиноятчи эмас, балки виждони ва номусини йўқотган разил бир кимса. Раймон ўзини оқлашга уринди, ҳимоячим ҳам норозилик билдириди, лекин уларга прокурорнинг гапи тутагунча жим туриш буорилди.

– Бошқа айтадиган гапим қолмади ҳисоб, – деди прокурор ва Раймондан сўради:

– Судланувчи сизга оғайнимиди?

– Ҳа, – деди Раймон, – менинг дўстим у. Прокурор менга ҳам шу савонни берди, мен Раймонга қарадим, у кўзини олиб қочмади.

– Ҳа, – дедим.

Шунда прокурор маслаҳатчиларга ўтирилиб, хитоб қилди:

– Мана, онаси ўлганининг эртаси куни шармандаларча бузуклик қилган ҳам шу одам, ифлос, ахлоқсиз бир жанжалга чек қўйиш учун, арзимаган бир сабаб билан одам ўлдирган ҳам шунинг ўзи.

Прокурор ўтирди. Лекин ҳимоячим чидаб туролмади, қўлларини ҳаяжон билан тепага кўтарган эди, ҳирқасининг кенг енглари пастга тушиб, ҳатто крахмалланган кўйлагининг қатларигача очилиб қолди.

– Ахир, уни нимада айблашяпти ўзи, – деб қичқириб юборди у, – одам ўлдирганидами ё онасини кўмганидами?!

Кенг хонада кулги кўтарилди. Лекин прокурор яна қад ростлади ва ҳирқасига бурканиб, бу икки хил ҳодиса орасидаги чукур, ақлни лол қолдирадиган чамбарчас боғланишни кўрмаслик учун муҳтарам ҳимоячидек анои бўлиш керак, деди.

– Ҳа, – деб у тантанавор хитоб қилди, – мен бу одамни онасини кўмган куни кўнглида жиноятчи бўлганида айблайман!

Унинг сўzlари одамларга жуда катта таъсир қилганга ўхшади. Ҳимоячи кифтини қисиб қўйди, пеша насида кўпчиган терларини артди. Унинг ўзи ҳам довдираб қолганга ўхшади ва ўзим ҳам шунда иш мен учун чаппасига кетаёттанини англадим.

Шундан кейин ҳаммаси тезлашди. Мажлис ёпилди. Мени суд биносидан олиб чиқиб, машинага ўтқазишаётган пайтда ёз оқшомининг илиқ ҳавосидан тўйиб нафас олдим, унинг ифори, бўёқларини туй-

дим. Кейин, ғидиракли зимистон ҳибсхона ичида бораётиб, ҳорғинлик аралаш қадрдан шаҳарнинг ўзим доим яхши курадиган ғала-ғовурини, кўнглим очиқ ва хотиржам пайтларимда жуда ёқтирадиган товушларни эшитдим. Кундузги сурон анча босилган, газетфурушларнинг қичқириғи, хиёбонларда уйкуга кетаётган қушларнинг ўчаёзган чийиллашлари, сандвич сатаётганларнинг харидор чорлаши, кескин муюлишда трамвайларнинг шикоятомуз фийқиллаши, тун қопланиши арафасида бандаргоҳга худди осмондан қуилиб тушаётгандек туюладиган нотинч гулдирашни аниқ-аниқ эшитдим – озод пайтларимда бунаقا белгилар билан кузимни юмиб ҳам йўлни топиб бораверар эдим. Ҳа, айни шу соатларда ўзимни жуда яхши ва хотиржам ҳис қиласдим. Ҳозир мени беташвиш, тушимга ҳеч нарса кирмайдиган уйқу кутаётир. Лекин энди нималардир ўзгариб кетди ва мени фақат эртанги кунни қаршилаш истаги эмас, яна яккахона ҳам кутаётган эди. Гўё ёз осмонига белги қилиб қуилган бу таниш йўллар мени фақат осойишта уйқуга эмас, балки қамоқхона панжараларига ҳам етаклаб боради.

IV

Ҳатто қора курсида ўтирганда ҳам одамлар ўзинг ҳақингда нима дейтганларини эшитиш қизиқ бўлади. Прокурор билан ҳимоячи ўз нутқларида мен тўгримда, ҳа, қилган жиноятимдан кўра, кўпроқ ўзим ҳақимда бисёр мулоҳаза юритдилар. Икковининг нутқи ўртасида деярли фарқ ҳам йўқ эди. Ҳимоячи кўлларини кўкка чўэди, мени айбдор, лекин шафқатга арзийди, деб ишонч билдириди. Прокурор қўлларини пахса қилди, мени айбдор ва тариқча ҳам шафқатга арзимайди, деб айюҳаннос солди. Менга фақат бир нарса сал-пал ноқулай бўлди.

Ҳар қанча ўйга чұммай, бари бир, ҳар замонда гап қүшгим келди, лекин ҳар гал ҳимоячы:

– Жим туриң! Ўзингизга яхши бўлади, – деб изн бермади.

Шундай бўлиб чиқдикি, менинг ишимни мени аралаштирумай қуришди. Ҳамма нарса менинг иштирокимсиз бўлди. Тақдирим ҳал қилиньяпти, лекин мендан ҳеч ким ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, деб сўрамади. Баъзан уларнинг гапини бўлиб: «Айтинглар-чи, айбор, охир-оқибат, ким ўзи? Ўзингни айблашса, қараб турасанми», демоқчи ҳам бўлдим. Лекин чуқурроқ ўйласам, айтадиган гапим йўқ экан. Қолаверса, одамларнинг сен билан шуғуллангани қизиқарли машғулот бўлса ҳам, тезда кўнгилга уриб қолар экан. Дейлик, прокурорни тинглашдан чарчаб кетдим. Ҳар замонда унинг узук-юлуқ бирон гапи ё ўзимни ҳайрон қолдирган, дикқатимни тортган бирон-бир хитоби, ишорасини айтмаса, эшитмадим ҳисоб.

Тушунишимча, унинг фикрларидан мени илгаридан атайлаб ўйланган режа билан одам ўлдирган, деган маъно келиб чиқади. Ҳар ҳолда, у шундай деб исботлашга уринди. Унинг ўзи шундай деб айтди:

Мен буни исботлайман, жаноб суд маслаҳатчилари, икки восита билан: аввал фактларнинг чароғон ёритилиши билан, сўнгра бу жинояткор кўнгилнинг сирли пучмоқларини таҳдил қилганда пайдо бўладиган мудҳиш нурлари билан исботлаб бераман.

У онам ўлгандан кейин нима ўтган бўлса – ҳамма фактларни яна санаб чиқди. Ўзимни бегам тутганим, онамнинг неча ёшдалигини айттолмаганим, эртаси куни эса аёл билан бирга чўмилганим, кинода комедия кўрганим, Марини уйга олиб борганимни такрор эслатди. У ҳадеб «ўйнаши», «ўйнаши» деяверди, мен бошда тушумадим, Мари эса мен учун фақат Мари эди. Кейин у Раймон билан бўл-

ган тарихга кучди. Унинг тасвирилашида ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ бир тус олганини айтиб ўтиш керак. У нимани гапирган бўлса, ҳаммаси тўғридай кўринарди. Мен Раймон билан режа тузиб, ўйнашини мазкур «ахлоқи шубҳали» субъект чанталига тушириш учун хат ёзид берганман. Мен қумлоқда Раймоннинг ҳарифи билан жаңжал чиқарганман. Раймонни ярадор қилишган. Мен унинг тўппончасини олганман. Қурол ишлатиш учун қайтиб борганман. Ўша арабни ўлдириш мақсадида борганман. Бир марта отганимдан кейин кутиб турганман. Кейин эса «ишнинг пухта қилинганидан» кўнглимни тинчтиш учун, қанақадир ўйлаб қўйилган режа бўйича - шошилмай, ишонч билан унга яна тўртта ўқ узганман.

- Мана шундай, жаноблар, - деб давом эттирди прокурор. - Мен бу одамни атайлаб, совуққонлик билан қилинган қотилликка бошлаб келган воқеалар тарихини айтиб бердим. Қайтараман ва ўз фикримда қатъий турман: бу ўринда режа бўлган. Бу - жаҳл устида амалга оширилган оддий қотиллик эмас, айбини юмшатса бўладиган, кутилмаганда қилинган жиноят эмас. Қаршингизда, жаноблар, керагича ақлли одам ўтирибди. Унинг гапларини эшитдингиз, тўғрими? Саволларга жавоб беришни қотирди. У ҳар бир сўзининг баҳосини билади. Ва ўзини идора қилолмай иш туттан деб айттолмаймиз.

Хуллас, мени ақллига чиқаришди. Лекин мен оддий одамларга фазилат ҳисобланадиган хислатнинг ниша учун жиноятчига келганда қақшатқич далил бўлишини сира тушунолмадим. Шундан ҳайратга тушдим ва унинг:

- Жилла курмаса, у афсус қиляптими? Гўё ҳеч нарса бўлмагандай! Тергов давом этган шунча вакт ичида бирон марта бу одамнинг ўз қилмишига салпал бўлса ҳам пушаймон бўлганини эшитмадик, -

деган гапи қулогимга етиб келгунча, уни эшитмай қўйдим.

Шу аснода у мен томонга ўтирилиб, бармоини бигиз қилди-да, қайтадан хужумга ўтди, нега бунақа қилаётганини, очиғи, тушуниш қийин эди. Албатта, унинг қисман ҳақ эканини тан олмай иложим йўқ. Ҳа, мен қилмишимга унча ҳам афсус қилмадим. Лекин, бари бир, унинг менга бу қадар ғазаб билан ёпишиб олиши ғалати туюларди. Мен унга ўзимнинг бирон нарса хусусида ҳеч қачон ҳақиқий пушаймон бўлмаганимни жон-жон деб, жуда самимий ва дўстона қилиб тушунтиришга тайёр эдим. Мени доим олдинда турган, бутун ва эртага бўладиган нарсалар ўйлантиради. Лекин, албатта сени қора курсига ўтқазганларидан кейин ҳеч ким билан бунақа оҳангда гаплашиб бўлмайди. Мен дўстона, самимий гаплашиш ҳуқуқидан маҳрумман. Яна тинглашга уриндим, чунки прокурор менинг қалбим ҳақида мулоҳаза юритишга ўтди.

У, мен унинг кўнглига жуда диққат билан тикилдим, лекин ҳеч вақо топмадим, муҳтарам суд маслаҳатчилари, деди. Чиндан ҳам, унинг айтишича, менда ҳеч қанақа қалб йўқ, инсоний ҳеч нарса йўқ, инсон қалбини гуноҳдан асрайдиган ахлоқий ақидалардан тамомила маҳрумман.

– Ҳеч шубҳасиз, – деб қўшимча қилди у, – биз буни унга айб сифатида қўйишимиз керак эмас. Ўзи эгаллай олмаган нарсанинг йўқлиги учун уни айблаш мумкин эмас. Лекин бу ерда, судда, кечиримлик, раҳмдиллик – суст олижаноблик ўз ўрнини қийинроқ, бироқ юксак олижанобликка – айни адолатпарварликка бўшатиб бериши лозим. Чунки бу одамнинг қалбидаги саҳро тубсиз ўтиқон бўлиб ёрилиб, жамиятимизни тутиб турган ҳамма нарсани ютиб юбориш хавфини солаётир.

Шу аснода у менинг онамга муносабатим ҳақида гапирди. Олдин айтган гапларини қайтарди. Лекин бу гал, жиноятимни гапирганидан кўра сўзамолроқ бўлиб кетди – шу қадар гапни эздики, охири иссиқдан бошқа ҳеч нарсани сезмай қолдим. Ишқилиб, то прокурор гапдан тұхтаб, бир оз сукут қылгач, яна қайта, энди жуда секин, чин юракдан:

– Жаноб маслаҳатчилар, эртага худди шу суд ёвузликнинг энг разили – падаркушликни кўриб чиқади, – деган гапни айтгунча шу алпозда ўтиредим.

– Бунақа ёвузлик, – деди у, – сира ақлга сифмайди. У инсоний суд жиноятчига шафқатсиз жазо беришига умид қилишга журъат этади. Лекин у ҳатто бундай мудҳиш жиноятдан ҳам менинг тошбағирилигини кўрганчалик даҳшатга тушмаганини кўрқмай айтади. У шундай ёндашади: тошбағирилиги билан ўз онасини ўлдирган одам отасига жинояткорона қўл кўтартган одам билан баб-баравар инсониятдан юз ўтиради. Ҳар ҳолда, биринчиси иккинчисининг қилмишларига йўл очиб беради ва маълум маънода, бу қилмишларга бошланғич бўлиб, уларни муқаррар қилиб қўяди.

– Жаноблар, – деди прокурор овозини бир парда кўтариб, – агар мен ҳозир қора курсида ўтирган одам, эртага сиз кўриб чиқадиган қотилликда ҳам айбдор деб айтсам, бу фикрни ҳаддан ошиқ деб топмаслигинизга ишончим комил. Ва уни шу қилмишига муносиб тарзда жазолаш лозим бўлади.

Прокурор терга ботган юзини артди. Хулосасида у зиммамдаги бурч жуда машаққатли, лекин бу бурчни қатъият билан адo этаман, деди. Мен энг муҳим ақидаларини тан олмайдиган бу жамиятда менга ўрин йўқ, инсон кўнглиниң энг оддий қўзралишлари ҳам менга ёт эканми, демак, раҳм-шафқат кутишдан ҳам маҳрум эканман.

– Мен сиздан унинг бошини талаб қиласман, – деди у, – бу талабни тоза виждан билан қиласман.

Шу соҳада талай вақт тер тўқдим, бир неча марта ўлим жазоси талаб этишимга түгри келди, лекин ҳеч қачон бурч машаққати бунчалар қасосли бўлмаган, мувозанатга келмаган, ҳокимона ва муқаддас зарурат нурида ёришмаган ва мен қиёфасидан биронта инсонийлик белгиси тополмаган маҳлукни кўрганда даҳшатта тушганимчалик ойдинлашмаган эди.

Прокурор жойига ўтиргандан сўнг узоқ дақиқа жимлик чўқди. Ўзимни айтсам, иссиқдан, ҳайронликдан гаранг бўлиб қолган эдим. Раис йўталиб олгач, жуда секин овозда мендан бирон қўшимча қилишни истамайсизми, деб сўради. Ўрнимдан турдим – гапиргим келаётган эди (тўғри, сал узук-юлуқ бўлди), сира ўша арабни ўлдириш ниятим йўқ эди, дедим. Раис, бу далилсиз изоҳ, деди. Менинг ҳимоям шу пайтгача нимага асосланганига ақли етмаётгани ва адвокатимни тинглашдан олдин, қанақа ниятда иш кўрганимни ўзимдан эшитмоқчилигини айтди. Гапим тутуриқсиз чиқишини тушуниб турсам ҳам, шошапиша, тутулинқираб: ҳаммаси қуёшдан бўлди, дедим. Кенг хонада кулги эшитилди. Адвокатим кифгини қисди ва шу заҳоти унга сўз беришди. Лекин у энди кеч бўлгани, нутқи бир неча соатни олишини айтиб, сўзини тушдан кейинги мажлисга ўтказишларини сўради. Суд розилик билдириди.

Танаффусдан кейин баҳайбат вентиляторлар суд кенг хонасида димиқиб қолган ҳавони яна ўшандай шопиришга тушди, суд маслаҳатчиларининг кичкина, чипор елпигичлари яна ўшандай ҳилпирай бошлади. Назаримда, ҳимоячининг гапи сира тугамайдигандай эди. Ора-сира эшитган бўлсам керак, ҳар ҳолда: «Ҳа, бу ҳақиқат, мен ўлдирдим», дегани қулогимга чалинди.

Ва у худди шу оҳангда давом эттирди – нутқи мен ҳақимда кетяпти-ю, у эса ҳар гал «мен» дейди. Жуда ҳайрон қолдим. Миршабга эгилиб, нега бундай

деётганини сурадим. У менга жим ўтириңг, деб буюрди-да, салдан кейин:

– Адвокатлар доим шунаقا гапиради, – деб қўшиб қўйди.

Шу йўл билан мени ишдан четлаштириб, йўқقا чиқаришаётир ва, маълум маънода, бошка одам билан алмаштиришяпти, деб ўйладим. Лекин, бу кенгхонада бўлаётган ҳамма нарсадан жуда узоқда юрганга ўжшайман. Ҳатто ҳимоячи ҳам кулгили туюлди. У менинг йўлдан озиш, васваса билан ҳаракат қилганимни шоша-пиша эслатди-да, кейин қалбим ҳақида фикр юритишга ўтди. Лекин, менингча, прокурор унга қарагандыа истеъдодлироқ гапирган эди.

– Мен ҳам бу қалбга синчилаб назар солдим, – деди ҳимоячи, – лекин прокуратуранинг кўп ҳурматли вакилидан фарқли ўлароқ, мен у ердан у-бу нарсаларни топдим ва худди очиқ китобни ўқигандай, бу қалбда нималарни кўрганимни айтиб беришим мумкин.

У қалбимдан менинг ҳалол инсон, тоғлас, тиришқоқ меҳнаткаш, ўзим хизмат қилган фирма манфаатларига содик, бегоналарнинг дардигашерик ва атрофдагиларнинг муҳаббатини қозонган одам эканимни ўқибди. Унинг фикрича, мен ибратли ўғил ва сўнгти имконгача онамнинг суянчиғи бўлганман, онамни озгина маош билан яратиб беролмаган қулайлик ва хотиржамликни у ерда топар, деган умидда ғарифхонага берганман.

– Шу қариялар ғарифхонаси атрофида шунча айюҳаннос солинаётганига мен жуда ҳайронман, жаноб суд маслаҳатчилари, – деб қўшимча қилди ҳимоячим, – зотан, агар шундай муассасаларнинг фойдалиги ва олиҳимматлигини исботлаш лозим кўрилса, уларга давлатнинг ўзи рафбат бераётганини эслатиб қўймоқчиман.

У фақат жаноза түгрисида гапирмади ва мен унинг нутқида шу жой бўш эканини тушундим. Лекин бу узундан-узоқ жумлалар, қалбим ҳақида мулоҳаза юритганларида сира тугамайдигандай туюлган соатларнинг ҳаммасидан, гўё барини лойқа сув босгандай бўлиб, бошим айланана бошлади.

Фақат охирида, ҳимоячим ҳали ҳам ниманидир уқтираётган пайтда, қандайдир кўчадан, суд биносининг барча деворларию кенг хонасидан сизиб кириб, қулогимгача етиб келган бурғи товушини – музқаймоқфурушнинг аравачаси ўтиб қолганини эслайман. Ва шунда энди мен маҳрум бўлган, илгариги ёз ифорлари, суюкли кўчалар, шом осмонининг бўёқлари, Марининг кулгиси, унинг кўйлаги каби энг майда ва энг аниқ қувончларни ҳадя қилган ҳаётнинг хотиралари ёпирилиб келди. Бу ерда, кенг хонада маънисиз, бефойда кўққайиб ўтириш жонимдан тўйдириб юборди ва бир нарсани – ҳаммаси тезроқ тутаб, тезроқ ҳибсxonага қайтиб, ухлаб олишни истаб қолдим. Ҳимоячи охирида, албатта, маслаҳатчилар қисқа муддатга ақлинни йўқотганидан шу кулфатга учраган ҳалол бир меҳнаткашни ўлимга йўллашни истамайдилар, деб хитоб қилгани ҳам зўрга қулогимга кирди. Айбни юмшатадиган ҳолатлар зътиборга олиниши керак, чунки мен учун энг оғир жазо – мангувиждан азоби бўлиб қолади. Суд маслаҳатлашиб олгани кетди, ҳимоячим эса мажоли қуригандай, жойига ўтириб олди. Лекин шу аснода уни ҳамкаслари ўраб, кўлинини қисиб, табриклай бошладилар.

– Жуда зўр чиқди, азизим, – деб айтишди унга.

Ҳатто биттаси мени шоҳидликка ҳам тортди.

– Қандай? – деди у менга.

Мен, нутқ зўр бўлди, деб унга қўшилдим, лекин унча кўнгилдан чиқариб айтмадим, чунки жуда чарчаган эдим.

Бу орада кўчада кун ўчаётган, кенг хона ҳам илгаригидай иссиқ эмас эди. Онда-сонда ташқа-

ридан эшитилган товушларга қараб, майин, салқин оқшом кираётганини туйдим. Ҳаммамиз кутиб ўтирадик. Лекин бирга кутаётган нарсамиз фақат менга тегишли эди. Мен яна кенг хонага қарадим. Сурранг пиджакли мұхбир билан автоматхотиннинг нигоҳига дуч келдим. Ва шунча вактдан бери Марига қарамаганимни эсладим. Уни унугтанимдан эмас, балки жуда баңд эдим. Уни Раймон билан Селестнинг ўртасида күрдим. У менга худди, «мана, нихоят», дегандай, секингина бош иргади ва жуда ташвишга тушганига қарамай, жилмайиб қўиди. Лекин ичимдаги ҳамма нарса тош қотгандай эди, ҳатто унга жавобан жилмайишга ҳам чоғим келмади.

Суд қайтиб кирди. Маслаҳатчиларга тез-тез бир нечта савол ўқиб берилди. Узук-юлуқ эшитдим: «қотилликда айбланади...», «васваса...», «айбни енгиллаштирадиган ҳолатлар...» Маслаҳатчилар чиқиб кетишиди, мени бошда мажлисни кутиб ўтирган жойимга, ўша ҳужрага олиб кирдилар. Ҳимоячи ҳам шу ерга келди. Унинг оғзи тинмас, менга ўзини илгаригидан ҳам яқин тутиб, дўстона гапирди. У ҳаммаси яхши бўлишига, менинг бир неча йиллик қамоқ ёки каторга билан қутулишимга ҳисоб қилаётган экан. Мен ундан, агар ҳукм жуда ёмон чиқса, ишни қайта кўришларига умид борми, деб сўрадим. У, йўқ, деди. Унинг усули олдиндан холоса чиқармасликка қурилган, чунки бундай қилса, маслаҳатчилар баттар тўнини тескари кияди. Бунақа иш устидан чиқарилган ҳукмни жиддий асос бўлмаса, ҳеч ким қайта кўрмайди, деб тушунтирди у. Бу менга жуда равshan эди, унинг фикрига қўшилдим. Чуқур ўйлаб қўрилса, ақлли йўл тутилган. Бўлмаса, жуда-бехудага қоғозбозлик урчиб кетади.

— Ҳар ҳолда, — деди ҳимоячи, — афв сўраб ариза бериб қўйган маъқул. Лекин ишонаман: охири яхши бўлади.

Биз жуда узоқ, тахминан чоракам бир соатча кутиб қолдик. Кейин құнғироқ чалинди. Ҳимоячи эшикка йүл олды.

— Ҳозир маслаҳатчилар оқсоқоли саволларга берилған жавобларни ўқыйди, — деди у чиқаётіб. — Сизни ҳукм ўқыладиган пайт келса, шунда олиб чиқишиади.

Қайдадир эшик очилиб ёпилди. Зинапояда — билмадим, яқындами, узокдами — одамлар югурди. Кейин кенг хонадан бўғиқ товуш эшитилди, бу товуш ниманидир ўқиди. Яна қўнғироқ жиринглади, мени қора курсига олиб ўтишди ва кенг хонадан мента томон сукунат — ғалати, мисли йўқ бир сукунат ёпирилиб келди ва мен баттарроқ ҳайратга тушдим — ёш мухбир мендан кўзини олиб қочди. Мари томонга қараганим йўқ. Улгурмадим, чунки раис менга қанақадир баландпарвоз иборалар билан француз халқи номидан очиқ майдонда бошимни танимдан жудо қилинишини айтди. Мен гўё ҳамманинг юзидан биттаю битта туйфуни уқаётгандек эдим. Шундай, албатта, энди ҳамма менга ҳурмат билан қараётган эди. Миршаблар жуда шириңсухан бўлиб қолди. Адвокат қўлтиғимдан тутди. Мен бошқа ҳеч нарсани ўйламадим. Лекин суд раиси бирон-бир қўшимча гап айтишни истамайсизми, деб сўради. Мен бир оз ўйлаб турдим. Ва:

— Йўқ, — дедим.

Шунда мени олиб кетдилар.

V

Қамоқхона кашиши билан гаплашишдан учинчи марта бош тортишим. Менинг унга айтадиган гапим йўқ, у билан гаплашишни истамайман, шусиз ҳам кўп ўтмай унинг ўзини кураман. Ҳозир мен фақат бир нарса билан бандман: бу машинадан қутулиб қолса

бўладими, муқаррар қисматга чап бериш иложи борми. Мени бошқа бўлмага ўтказишди. Бу ердан, ётиб қарасанг, осмон – фақат осмон кўринади, бошқа нарса – йўқ. Куни билан осмон юзида кунни тунга айлантираётган бўёқларнинг унниқишини томоша қилиб ётаман. Ўлимга ҳукм этилган одамларнинг биронтаси бешафқат механизмга чап берганмикан, деб ўзимдан ўзим неча марталар сўраганимни аниқ билмайман. Илгарилари қатл ҳақидаги ҳикояларни тузукроқ эшитмай бекор қилган эканман. Бунаقا нарсаларни билиб қўйиш керак. Нима бўлишини олдиндан билмайсан, ахир мен ҳам бошқаларга ўжшаб рўзнома хабарларини ўқиб юраверганман. Лекин, шунаقا нарсаларни босадиган маҳсус нашрлар ҳам бордир, мен эса уларга бирон марта қизиқмабман. Ким билади, уларда қамоқдан қочиш ҳақидаги ҳикоялар ҳам учраб қолармиди. Балки мен, жилла курса, бир мартағина фиддирак ярим йўлда тўхтаб қолганини, бирон мартағина тасодиф ва омад ёр бўлиб, воқеаларнинг муқаррар йўналишини ўзгартириб юборганини билиб олармидим. Ҳеч бўлмаса, бир марта! Қай бир маънода, ўйлайманки, менга шунинг ўзи кифоя эди. Қолганининг ҳаммасини юракнинг ўзи қиласди. Рўзномалар, жамият жиноятчига ҳисоб очади, деб тез-тез ёзib туради. Шу ҳисоб бўйича жавоб бериш керак бўлармиш. Лекин бу гап ҳеч нарсани англатмайди. Фойиб бўлиш, шафқатсиз маросим чангалидан қутулиш имконияти, шунча умидларга етаклайдиган қочишга илож – энг мужими ҳам шу. Аслини олганда, сени бир муюлишда қўлга туширишлари, ўласи қилиб калтаклашлари ёки қочаётганингда отиб ташлашларигагина умид қилиш мумкин, холос. Лекин, ҳаммасини ақл тарозисига солиб кўрса, мен бунаقا эмин-эркинликдан бенасибман, ҳаммаси менга қарши қаратилган, бу машинадан қутулиш йўли йўқ.

Ҳар қанча ўйламай, бу яланғоч ҳақиқатга бўйин эгишни истамасдим. Чунки ҳукмни келтириб чиқарган шароит билан ҳукм зълон қилинган дақиқадан бошлаб муқаррар яқинлашиб келаётган муддат ўртасида қанақадир бемаъни узилиш бор эди. Ҳукмни кечкурун соат саккизда зълон қилдилар, лекин уни соат бешда ўқишлари, у бошқача бўлиши ҳам мумкин эди, уни дунёдаги ҳамма қатори ичкийимларини ўзгартирадиган одамлар чиқарди ва қанақадир жуда мужмал нарсанинг номидан – француз (а, нега немис ё хитой эмас) ҳалқининг номидан маълум қилинди – буларнинг ҳаммаси менда бунақа қарор қанақадир юзаки деган тасаввур ўйғотади. Ва лекин, шу қарор чиқарилган дақиқадан бошлаб унинг кучга кириши худди мен ҳозир бутун вужудим билан суяниб турган девордай сезимли ва аниқ-равshan бўлиб қолганини тан олмай ҳам иложим йўқ.

Шунаقا дамларда мен онамнинг отам тўғрисида айтган бир ҳикоясини эсладим. Отамни билмаганман. Бу одам ҳақида, очири, онамнинг ўшанда айтган гапларидан бошқа нарсани билмайман: у бир куни қатлни томоша қилишга борибди. Ҳатто ўша ёқقا боришини ўйлаганда ҳам қўнгли озиб кетган экан. Лекин, бари бир, борибди, қайтгандан кейин эса, эрталаби билан қайт қилибди. Шу ҳикоядан кейин отам ҳақида ўйлаш ҳам ёқимсиз бўлиб қолган эди. Энди тушунсам, бу жуда табиий экан. Илгари қандай қилиб ақдимга сифдиролмаган эканман – ахир, бу дунёда қатлдан ҳам муҳимроқ нарса йўқ-ку, маълум маънода, фақат угина зътиборга лойиқ. Агар вақти соати етиб, бирон куни қамоқдан чиқсан, ҳамиша қандай қатл этишларини томоша қилишга бораман. Қолаверса, бу ҳақда ўилашнинг фойдаси ҳам йўқ. Чунки биргина ўзимни, мана, эрта тонгда соқчилар сафининг у ёфида, нариги томонда, томошага келиб,

күргандан кейин ичи ағдарилиб қайт қиласынан оддий томошабин ўрнига күйиб күришим биланоқ юрагимга заҳарланган тұлқындаш шодлық гупуриб киради. Йўқ, ҳеч ақла түғри келмайди. Бунақа ўйга боришим беҳуда, чунки шу заҳоти менга муздай қаҳратон уфуриб, күрпанинг тагида гужанак бўлиб олар эдим.

Лекин, тушунарли, одам доим бирдай мулоҳазакор бўлолмайди. Баъзан, масалан, янги қонуналарни ўйлаб чиқарап эдим. Жазо тартибини ўзгартирадим. Менингча, энг муҳими – ҳукм этилган одамга жиндайгина умидга имкон бериш. Майли, мингдан биттанинг омади чопсин – шу ҳам кифоя. Дейлик, мижозни (ўзимча шунақа деб атадим: мижоз) ўндан тўқиз имконда ўлдирадиган кимёвий дори қилинса. Битта шарти бор – мижоз буни билсин. Чунки мен жиддий мулоҳаза юритиб, ҳаммасини хотиржам ўйлаб, тарозига солиб, гильотинанинг нимаси ёмонлигини тушундим – у ҳеч қандай умидга учкун ҳам қолдирмайди. Биринчи дақиқада ёқ мижознинг ўлими тамомила ва узил-кесил ҳал бўлади. Бунда ҳаммаси қатъий, мустаҳкам, бир карра ва мангута белгилаб қўйилган. Орқага қайтиш мумкин ҳам эмас. Агарда бирор мұъжиза юз бериб, пичоқ тўхтаб қолса, ҳаммаси қайтадан бошланади. Шунинг учун ҳам – алам қиласы одамга – ҳукм қилинганинг ўзи машинанинг шахт ишишини тилашга мажбур. Мен буни камчилик дедим. Қай бир маънода худди шундай. Лекин, бошқа бир маънода олсанг, аъло бажариладиган ишнинг сир-асори ҳам шунда. Маҳкум одам ўзини қатл қиласынанларнинг шеригига айланади. Ишнинг силлиқ, бехалал кетиши унинг фойдасига бўлиб қолади. Яна мен олдинлари булар ҳақида нотўғри тасаввурда бўлганимни ҳам тан олмай иложим йўқ. Ўзим ҳам билмайман, кўп вақтгача гильотина маҳсус супада

туради, унга зинадан чиқиб бориш керак бўлади, деб юрган эканман. Бу тасаввур 1889 йилги инқилобдан қолган бўлса керак, чунки мактабда менга шундай деб ўргатишган, расмларда ҳам шунаقا чизилган. Лекин бир куни эрталаб газетада шов-шув қилинган қатлга таалуқди бир сурат кўрганимни эслаб қолдим. Ҳеч қанақа супа йўқ, машина шундоққина ерда турган эди. У мен ўйлагандан кенг ҳам эмас. Буни олдин билмаганим нашъя қилди. Суратдаги механизм ўзининг мукаммаллиги билан ҳайратомуз, ҳар жиҳатдан аниқ-пухта ишланган бир ялтироқ асбобнинг ўзгинаси эди. Энди эса, аксинча, ҳаммаси жудда оддий: машинанинг унга қараб бораётган одам билан бир текисликда ўрнатилганига ишонч ҳосил қилдим. Унга худди қадрдон кўчадан ўтиб бораётгандай яқинлашасан. Қай бир маънода, шуниси алам қиласди. Супага кўтариласан, осмонга баландлайсан – хаёлга эрк берса бўлади. Аммо бунисида қанақадир механизм сени хўрлайди – у тинчгина, камтарлик билан, салхижолатта тушгандай ва бехато ўлдиради.

Яна мен иккита хира фикрдан – тонг билан афв сўрашдан сира кутуломайман. Лекин ўзимни ушлатига, шуларни ўйламасликка тиришаман. Каравотга чўзиламан, осмонга қарайман ва фикрими ни бир жойга жамлаб олишга уринаман. Осмон зангори тусга кирди – демак, кеч тушяпти. Бошка нарсаларни ўйлаш керак – яна ўзимни мажбурлашга уринаман. Юрагимнинг дукиллашига қулоқ тутаман. Алмисокдан бери менга ҳамроҳ бўлиб келган шу товушнинг бирдан узилишини ҳеч ақлимга сифдиролмайман. Мен бирор нарсани аниқ тасаввур қилишим билан ажralиб турмаганман. Лекин, бари бир, шунга қарамай, юрагимнинг чаккамда товуш бериши тўхтайдиган дақиқани хаёлимга келтиришга уринаман. Аммо, бари бир, фойда чиқмайди. Тонг билан афв иккови яна-яна

хаёлимни қуршаб олаверади. Охири бир қарорга келаман: ўзимни мажбурулашдан наф йўқ.

Биламан, улар тонгда келади. Туни билан бир машғулот – тонгни кутиш билан банд бўламан. Кутимаганда кириб ангда қолдиришларини истамайман. Нимадир бир нарса юз берса, тайёр турганим маъкул. Бора-бора, фақат кундузлари ора-сира мизғиб, тунлари осмонда, худди ойнада кўрингандай, нурларнинг илишини кутадиган бўлиб қолдим. Ўзим билишимча, одатда улар ишга киришадиган вақтни ўтказиб олиш ҳаммасидан оғир эди. Қоқ тундан кейин чоғланаман, кутиб тураман. Қулоғим ҳеч қачон шунч – энг заиф, базўр эшитиладиган товушларни илғаб ололмаган эди. Ҳар ҳолда, омадим юришиб туради, деб айтсам ҳам бўлади – шу пайтгача бирон марта қадам товушини эшиitmади. Онам, одам ҳеч қачон буткул бебаҳт бўлмайди, деб тез-тез айтиб турарди. Қамоқда, осмон ранг олиб, бандихонага нурлар сизиб кира бошлаган пайтда онам ҳақ эканини англайман. Ахир, қадам товуши келиши ҳам мумкин эди, унда, очиги, юрагим дош беролмасди. Лекин ҳатто салгина шитир ҳам мени эшикка улоқтиради ва қулоғимни ёғочга босиб, жуда узоқ, жазавам тутиб шунч узоқ кутардимки, охири ўзимнинг нафас олишимдан қўрқиб кетардим, нафасим худди таъқиб қилинаётган итникидай баланд, хириллаб чиқарди, – а, бари бир, мана, юрагим ёрилмай қолади ва мен яна йигирма турт соатни қўлга киритаман.

А, куни билан хаёлимни афв сўраганим банд қилиб туради. Бу фикрдан оларимнинг ҳаммасини олиб, энди ҳеч нарса қолмаган ҳам бўлса керак. Ҳеч нарсани унутмадим, ҳаммасини ҳисобда тутдим ва мулоҳазаларим аъло самаралар берди. Бошида энг ёмонини танлайман – афв сўраганим инобатга олинмайди. Нима қилиш керак? Демак, ўлар экан-

ман. Башқалардан олдинроқ албатта. Ҳар бир одам ҳам билади – яшашдан осони йўқ. Моҳиятган олганда, ўттиз ёшингда ўласанми, етмиш ёшингдами – кўп ҳам фарқи йўқлигини, бари бир, сендан кейин бошқа эркаклар, аёллар яшайверишини, бу аҳвол минг-минг йиллар шундай қолаверишини яхши тушунаман. Аниқ, равshan гап йўқ. Бугунми, йигирма йилдан кейинми – бари бир ўлар эканман. Энди шуни ўйлаётганимда бир нарсадан хижолатга тушаман: яна йигирма йил яшаш мумкинлигини хаёлимга келтирганим заҳоти ичимдаги ҳамма нарса ирғиб туради. Бу қувончни ўлдириш, йигирма йилдан кейин, борди-ю, яна шу аҳволга тушсам, хаёлимга яна шундай фикрлар келади, деб ўзимни овунтиришдан бўлак чора тополмайман. Ахир, аниқ, шундай равshan – ўлимга чап бериб бўлмайди, қачон ўламан, қандай ўламан – шу ҳам гапми. Демак (энг қийини – шу “демак”ка етаклайдиган ўйлар чилвирини қўлдан чиқармаслик), демак, илтимосим рад этилиши мумкинлигига кўнишиш керак.

Мана шунда, фақат шунда мен бошқа бир имконият – мени афв этишади, деган фикрларни ўйлаш ҳуқуқини қай бир маънода кўлга киритаман. Фақат бир нарса қон ва тананинг асов галаёни, ақлдан оздираётган телба қувончни босиш кераклиги алам қиласди. Ана шу ички ҳайқириқни босиқ-вазмин фикрлар билан ўчиришга түгри келади. Олдинги, биринчи имкониятга кўнишиш учун бу имкониятни ҳам бўйинга олиш керак бўлади. Шунга эришолган пайтларимда яна бир соатлик осойишта вақтни қўлга киритаман. Бу эса, ҳар ҳолда, майда нарса эмас.

Худди шундай дақиқада мен кашишни қабул қилишдан яна бош тортдим. Каравотда чўзилиб ётибман, ёз осмонининг унниқишидан кеч тушаётганини тахмин қиласман. Ҳозиргина афв сўрашга

ариза беришдан воз кечиб, энди томирларимда қандай қон юришишини ҳис қилаётган эдим. Кашишга кўзим учib тургани йўқ эди. Кўп кунлардан бери биринчи марта Марини ўйладим. У, анча бўлди, менга хат ёзгани йўқ. Шу куни кечқурун, ўйлаб-ўйлаб ўзимча: балки ўлимга буюрилган одамнинг ўйнаши бўлиш жонига теккандир, дедим. Нима бўлганини қаёқдан билай, ахир энди бизнинг танамиз айро тушган, ҳеч нарса энди бир-биrimizga боғламайди, биrimizni биrimizга эслатиб турадиган ҳеч нарса қолмаган. Лекин, Мари ўлган бўлса, у ҳақда анча осойишта ўйлар эдим. Мени унинг ўлиги ҳеч ҳам қизиқтирмайди. Бу жуда табиий, турган гап, ўлганим заҳоти одамлар мени ҳам унутиб юбо-ришади. Одамларнинг мен билан ҳеч қанақа ишлари бўлмайди. Ҳатто шуни уйлаб қийналяпман, деб ҳам айттолмайман. Моҳияттан олганда, одамлар кўниколмайдиган ўйнинг ўзи йўқ.

Худди ана шундай пайти кашиш кириб келди. Унга кўзим тушгач, жиндай қалтираб кетдим. Кашиш буни сезди ва қўрқиши керак эмас, деди. Мен унга одатда бошқа вақтлари келишини айтдим. У шунчаки дўстона қўрмоқчи бўлгани, афв сўраб ёзган аризамнинг бунга алоқаси йўқлигини, ўзининг бундан ҳатто хабари ҳам йўқлигини айтди. У каравотимга ўтирди ва мени ҳам ёнига чорлади. Мен бош тортдим. Айтганча, унинг юзи жуда марҳаматли эди. У бир муддат тиззаларига тиralганча эгилиб ўтираверди, кўлларига тикилди. Чайир, сернай кўллари иккита югурик жониворга ўхшаб кетади. Кашиш кўлларини бир-бирига секин-секин ишқади. Ва бошини куйи туширган кўйи қимир этмай қотди, шу қадар узоқ қотиб ўтирдики, мен ҳатто унинг шу ердалигини эсимдан чиқараёздим.

Лекин у бирдан бошини кўтарди ва кўзларини тўғри менга қадади.

– Нега доим мени куришдан бош тортасиз?

Мен, негаки, Худога ишонмайман, деб жавоб қилдим. У шунга ишончингиз комилми, деди, мен ўзимни тафтиш қилишим шарт эмас, чунки бунинг мутлақо аҳамияти йўқ, дедим. У худди ўзига ўзи гапиргандай, одам баъзан ўзини бир нарсада жуда ҳақман, деб ўйлайди, лекин аслида бошқача бўлиб чиқади, деди. Индамай қўя қолдим. У менга қаради ва:

– Сизнингча қандай? – деб сўради.

Бўлиши мумкин, дедим. Балки мен ўзимни нима қизиқтиришини ҳам билмасман. Лекин мени нима нарса мутлақо қизиқтирмайди – буни аниқ айтишим мумкин. Мана, у гапираётган нарса мени тариқча ҳам қизиқтирмайди.

У кўзини олиб қочди ва синини ўзгартирмай, балки сиз тамом умидингизни узганингиз учун шундай деётгандирсиз, деб сўради. Мен умуман умид узганим йўқ, деб тушунтирудим. Фақат қўрқяпман, бу эса, турган гап, табиий.

– Оллоҳ сизни кўмлади, – деди у. – Сизнинг ахволингизга тушганлардан мен билганларимнинг ҳаммаси Оллоҳга ёлворган.

Мен, нима бўпти, ҳар кимнинг ихтиёри, дедим. Қолаверса; бунга уларнинг вақти етган кўринади. Мен эса ёрдамга муҳтож эмасман, ўзим қизиқмайдиган нарсаларга сарфлашга вақтим ҳам йўқ.

Шу ерда у аламидан чапак чалиб юбора ёзди, лекин ўзини босди, ридосининг қатларини текислай бошлади. Кейин яна, менга «дўстим» деб гапга тушди. У, эмишки, мен билан ўлимга хукм қилинганим учун шундай гаплашмаяпти, чунки, моҳиятан олганда ҳаммамиз ҳам ўлимга маҳкуммиз. Мен унинг галини кесдим ва бу икки хил нарса, ҳар қалай, таскин бўлолмайди, дедим.

– Ҳа, албатта, – деб маъкуллади у. – Лекин сиз тез кунда ўлмасангиз ҳам, бари бир, кейинроқ ўласиз.

Ва ўшанда ҳам шу савол кўндаланг бўлади. Бу оғир синовга қандай дош бераман, дейсиз?

– Ҳозир қандай бўлсан, ўшанда ҳам шундай дош бераман.

У ўрнидан турди ва тўғри кўзларимга қаради. Бу ўйин менга таниш эди. Тез-тез Эмманюэл ва Селест билан эрмакка шундай баҳс бойлардик, одатда доим улар бой берарди. Мен кашишнинг ҳам бу ўйинни яхши билишини дарров англадим: унинг нигоҳи титрамади. Гапираётганда овози ҳам қалтирамади:

– Наҳотки тамомила умид узган бўлсангиз? Наҳотки мутлақ ўламан, мендан ҳеч бир нарса қолмайди, деган фикр билан яшасангиз?

– Ҳа, – дедим.

У бошини куйи солди, яна ўтирди. Менга раҳми келаётганини айтди. Одам боласининг бунақага бардош бериши мумкин эмасдай туқолар экан унга. Мен бир нарсани – унинг жонимга тега бошлаганини сездим. Мен ҳам унга орқамни ўтиридим, туйнук олдига бордим. Ва елкамни деворга бердим. Яна унинг савол бераётгани қулогимга кирди. Товуши ташвиш ва саботга йўғрилган эди. Мен унинг ҳаяжонланаётганини англаб, эътиборлироқ тинглай бошладим.

Ишонаман, деб айтди у, афв ҳақидаги илтимосингиз қондирилади. Лекин мени гуноҳ эзиб туради – шу оғир юқдан халос бўдишим керак. Унинг гапидан, одамлар қилган ҳукм ҳеч нарса эмас, Оллоҳнинг ҳукми муҳим, деган хуласа чиқди. Лекин мени одамлар ҳукм қилди-ку, дедим. Лекин бу билан гуноҳдан фориғ бўлмадингиз, деб у эътиroz билдириди. Гуноҳ нималигини билмайман, менга фақат гуноҳкорсан, деб маълум қилдилар, дедим. Айборман, шунга яраша тўлов тулайман, бошқалари учун жавоб бермайман. У яна ўрнидан турди ва мен қимирлагинг келса, фақат ё турасан, ё ўтирасан, бу ҳибсхонада шундан бошқа имкон йўқ, деб ўйладим.

Мен ерга тикилдим. У менга томон қадам ташлади ва гүё яқин келишгә чүчигандай тұхтаб қолди.

– Гумроҳлик қиляпсиз, бұтам, – деди. – Сиздан бундан ҳам күпроқ сұрашлари мумкин эди. А, балки, сұраб ҳам қоларлар.

– Нимани сұрайдилар?

– Кўришингиз кераклигини.

– Нимани кўриш керак?

Кашиш атрофга аланглади, назаримда, товуши бирдан ҳорғин тус олди:

– Биламан, бу ердаги ҳар бир тошга укубат сингиб кеттган. Бу деворларга азобланмай, изтироб чекмай қарай олмайман. Аммо кўнглимнинг туб-тубидан биламан: энг бебахтларингиз ҳам гоҳо мудҳиш деворлар орасидан илоҳнинг сиймоси ўтиб келганини кўрган. Кўришингиз керак бўлгани ҳам – у эди.

Менга сал жон кирди. Мана, кўп ойлардан бери шу деворларга қарайман, дедим. Дунёдаги бирорта деворни, бирорта одамни ҳам шунча ўрганмаган эдим, буларни ўргандим лекин. Балки бир вақтлар уларда юзини кўраман, деб урингандирман ҳам. Лекин қуёшнинг ранглари ва истак ёлқини ловуллаб турган битта юз бор – у ҳам бўлса, Марининг юзи. Мен бу юзни бехуда изладим. Энди бунга ҳам чек кўйганман. Ҳар ҳолда, мен ҳеч нарса кўрмадим, бу тошлар орасидан ҳеч нарса кўринмайди.

У менга жуда маъюс тикилиб қолғандай туюлди. Энди мен деворга кифтимни бергандим, чироқ нури манглайимга тушаётган эди. Кашиш бир-икки оғиз гап айтди, мен эшифтадим, кейин у шоша-пиша, сизни қучоқласам майлим, деб сўради.

– Йўқ, – дедим.

У ортига ўтирилди, деворга ёндашиб, уни кафтлари билан сийпалади.

– Наҳотки бу дунёни шунча қадрлассангиз? – деб сўради.

Мен ҳеч қандай жавоб қайтартмадим.

У менга ўғирилган күйи анча узок турив қолди. Бунга жаҳлим чиқаётган эди, у мени жуда эзид юборди. Энди унга, кетинг, мени ўз ҳолимга қўйинг, демокқа чорланган эдим, у бирдан менга бурилди ва ҳаяжон билан қичқириб юборди:

– Йўқ, мен сизга ишонолмайман! Имоним комил, сиз ҳам тоҳида у ҳаётни қўмсагансиз!

Ҳа, албатта, лекин энди фойдаси йўқ – бу бойиб кетиши, ё ҳаммадан чаққонроқ сузиши, ё оғзинг бошқаларникига қараганда чиройлироқ бўлишини исташдай бир гап, деб жавоб бердим. Ҳаммаси бир гўр – беҳуда хомхаёл. Шу ерда у галимни бўлди ва менинг ўша, у ҳаётни қандай тасаввур қилишимни сўради. Энди мен қичқириб юбордим:

– Мана, шу ердаги ҳаётни қандай тасаввур қилсан, шундай!

Шу заҳоти қўшиб қўйдим – бўлди, бас, жонимга тегди!

У яна Оллоҳ тўғрисида галирмоқчи эди, лекин мен унга яқинроқ бордим ва охирги марта менинг вақтим жуда оз қолганини тушунтиришга уриндим. Бу вақтни мен худога исроф қилишини истамайман. У гап мавзунини ўзгартиришга уринди ва нима учун уни «падар» деб эмас, «жаноб кашиш» деб атаётганимни сўради. Мен қайнаб кетдим ва у менга ота эмас, менга қарши турганлар билан бирга эканини айтдим.

– Йўқ, бўтам, – деди у ва кўлинини елкамга қўйди.

– Мен сиз томондаман. Лекин сиз буни тушунишга қодир эмассиз, чунки кўнглингиз кўр. Мен сиз учун ибодат қиласман.

Шу ерда, нимагалигини ўзим ҳам билмайман, ичимда нимадир тошиб кетди. Томоғимни йиртгудай бақирдим, уни сўқдим ва ибодат қилишингизга зор эмасман, дедим. Ридосининг ёқасидан ушлаб олдим.

Газабдан, шодликдан дир-дир титраб, кунглимда йиғилиб қолган ҳамма нарсани охиригача түкиб солдим. У кўринишидан шундай ўзига ишонган туюлади, ҳеч нарсага шубҳа қилмайдими? Бўлмаса, мана, унинг ўзига ишониши аёл сочининг биттагина толасига арзимайди. У яшаяпман, деб бехуда ишонади, ахир, ўликка ўхшаб яшайди-ку. Мана, мен кўринишимидан бенаво ҳақирман. Лекин ўзимга ва ҳамма нарсага ишонаман, унга қараганда чукурроқ ишонаман, тириклигимга ва яқинда ўлишимга ишонаман. Ҳа, шу ишончдан бошқа менда ҳеч вако йўқ. Лекин, нима бўлганда ҳам, бу ишончдан мени ҳеч ким маҳрум қиломайди. Худди шундай ишончдан мени ҳам ажратиб ололмайди. Мен ҳозир ҳам, илгарилари ҳам ҳақ эдим, мен доим ҳақ бўлганман. Мен мана шундай яшадим, лекин бошқача яшашим ҳам мумкин эди. Шу ишни қиладим ва бошқасини қилмадим. Шундай йўл тутдим, бошқачасини эмас. Ҳўш, нима бўпти? Нима бўлиб ўтган бўлса-да, охири – мен шу дақиқани, шу тонгни ҳамиша кутиб келдим, худди шунда менинг ҳақдигим исботланади. Ҳаммаси – ҳаммаси бари бир, ҳаммасининг аҳамияти йўқ ва мен нега шундайлигини жуда яхши биламан. У ҳам билади. Бор бемаъни умрим давомида, кириб келган йиллар бадалида истиқболнинг қаъридан йўлидаги ҳамма нарсани текислаб ташлаб, менга пешвоз хафақон-хира шабадалар эсиб турди ва шундан менга ваъда қилинган, зўрлаб беришмоқчи бўлган ҳамма нарса, мен чиндан ҳам яшаган йилларга ўхшаб, хира тортиб қолди. Бошқа одамларнинг ўлеми, она муҳаббати, унинг эътиқоди, ҳаётда маъқул тушадиган бошқа йўллар, сайлаш мумкин бўлган бошқа қисматлар менга чикора – ахир, менга, яна миллиардлаб танланганларга, у сизнинг биродарларингиз деб атаётган барчага яккаю ягона қисмат белгиланган-ку. Ниҳоят, энди унга тушунарли бўлгандир? Дунёдаги ҳамма одам –

танланганлар. Бошқалари мавжуд эмас. Эргами ёки кечми, ҳаммани судлайдилар ва ҳукм қиладилар. Ва уни ҳам. Қотилликда айбланувчини унинг онасини кумицда йифламагани учун қатла қилишадими, иўқми, нима фарқи бор. Саламоно чол итининг нархи унинг хотинининг қийматидан кам ҳам, кўп ҳам эмас. Жиккак автоматхотин, Масон уйланган парижлик аёл, менинг хотиним бўлишни истаган Мари қанча бўлса, шунча айбдор. Оғайним фақат Раймон, ундан минг марта яхши Селест бўлса, нима фарқи бор? Агар Мари бугун қанақадир бошқа бир Мерсога лабини тутса ҳам – нима фарқи бор? Хўш, тушуняптими у, ҳукм қилинган, истиқболимнинг қаърларидан... Мен буларнинг ҳаммасини бақириб ташладим ва бақириғимдан бўғилдим. Лекин соқчилар аллақачон кашишни чанталимдан тортиб олишган ва менга таҳдид билан ташланаётган эдилар. Аммо кашиш уларни тингчлантириди ва менга бир муддат индамай қараб қолди. Унинг кўзлари ёшли эди. У ортига ўтирилди ва қораси ўчди.

У чиқиб кетгани ҳамоно ўзимни босиб олдим. Жуда чарчаганимни ҳис қилиб каравотга ташландим. Ухлаб қолибман шекилли, чунки уйғонсам, юзимга юлдузлар тикилиб турган экан. Даладаги товушлар менгача етиб келди. Тун, ер ва денгизнинг салқин нафаси чаккамни равшан тортириди. Ухлаётган ёзнинг мўъжаз осойишталиги менга худди тўлқиндай қуйиларди. Тўсатдан туннинг қай бир бурчида кемалар товуш берди. Улар энди мен учун мангутга бефарқ бўлиб қолган дунёнинг хайрлашуви ва айрилиғидан мужда олиб келди. Жуда кўп вақтлардан бери, мана, биринчи марта онамни ўйладим. Унинг нега умрининг охирида ўзига «куёв» топгани, худди ҳаёти янгидан бошланадигандай, нега бу ўйинга тушганини англагандай бўлдим. Ўша ёқда, одамларнинг ҳаёти сўнаётган ғарихона теграсида

ҳам оқшом ўйга толдирадиган сукунатдан иборат эди. Онам шундоқ ўлими арафасида ўзини қайта бошдан яшайдигандай, озодликка чиққандай ҳис қылган бўлса керак. Ҳеч кимнинг, ҳеч кимнинг унга марсия ўқишига ҳаққи йўқ, эди. Мана, мен, мен ҳам қайта бошдан яшашга тайёр турибман. Асов ғалаёнли ғазаб мени худди оғриқдан, умидлардан тозалаб ўтгандай бўлди ва сирли белгилар, юлдузлар тўла шу тун олдида мен биринчи марта дунёning сокин хотиржамлигига бағримни очяпман. У менга шунчалар ўжшаш, у худди биродаримдай ва мен ўзимнинг шундай бахтли бўлганимни, ҳозир ҳам бахтли эканимни ҳис қиляпман. Ҳаммасининг охирига етишини, фақат бунчалар ёлғиз қолмаслигим учун қатл кунимда қўпроқ одам тўпланишини истайман, холос – майли, улар мени нафрат ҳайкириги билан қарши олсинлар.

ВАБО¹

(Роман)

«Агар қамоқда ётишини бошқа бир қамоқда ётиш орқали тасвирлаш мүмкін бўлса, унда воқеликда ҳақиқатан бор нарсани қанақадир умуман йўқ нарса орқали тасвирлаш ҳам мүмкін бўлади».

Даниел ДЕФО.

Биринчи қисм

Мазкур воқеанома тагида ётган ғалатироқ ҳодисалар 194... иили Оранда бўлиб ўтган. Кўпларнинг фикрича, бунақа воқеалар мазкур шаҳарга сира мос келмайди, чунки маълум маънода ғалатироқ, қуюшқонга сигмайди. Ва чиндан ҳам, Оран, бир қараганда, – росмана шаҳар, Жазоир қирғозларидағи фаранг префектурасининг бир нусхаси, холос.

Тан олиш керак, шаҳар ҳолида у керагича афтода. Бу тинч қобиқ ичида Ораннинг барча кенгликларидағи юзлаб савдо шаҳарларидан нимаси билан фарқ қилишини бирдан эмас, маълум вақт ўтгандан кейингина англаб оласан. Хуш, ўзингиз айтинг, мана, капитарсиз, дараҳтсиз, барглар шитирламайдиган, қушлар қанот қоқмайдиган, боғлари йўқ, хуллас, айтарли белгисиз бир шаҳарни қандай таърифлаш мүмкин. Фаслларнинг ўрин алмашинишини фақат осмонга қараб биласиз. Кўклам ўзининг кириб келишини фақат ҳавонинг янги сифати ва чаканафурушларнинг шаҳар

¹ Альбер Камю. Бегона: Қисса ва роман / Аҳмад Аъзам таржимаси. – Т.: Ёзувчи, 1995. 5-бет.

чеккаларидан олиб келадиган гуллари сони билан белги беради, қисқаси, чакана сотиладиган күклам. Ёзда күёш шусиз ҳам қоврилиб ётадиган уйларни тоблайди ва деворларни бўз чангта қоради; шунда фақат тақа-тақ ёпилган қопқалар панасидагина жон сақлаш мумкин. Лекин куз – балчиқ тошқини. Очиқ кунларга фақат қищда етасиз.

Шаҳар билан танишишнинг энг мақбул йули – бу ердагиларнинг қандай ишлаб, қандай севиши ва қандай ўлишини билишга уринишдир. Шаҳримизда, эҳтимол, иқлим таъсиридир, буларнинг ҳаммаси бир-бирига маҳкам боғланиб кетган ва ҳаммаси ўша-ўша ошоғич – лоқайд тусда воқе бўлади. Яъни бу ердагилар зерикадилар ва кўнилмаларга ўрганишга тиришадилар. Бизнинг ҳамтабааларимиз кўп ишлайдилар, лекин фақат бойлик орттириш учун, ҳамма манфаатлари асосан тижкорат теграсида айланишади ва улар ҳаммадан кўра, биринчи галда, ўз иборалари билан айтганда, «иш ишлайдилар». Турган гап, айни пайтда улар одмигина қувончдан ҳам бебаҳра қолмайдилар – аёлларни, кинони ва дengизда чўмилишни яхши кўрадилар. Лекин бамаъни одамлар сифатида бу кўнгилхушликларни шанба оқшоми ва якшанбага асраб кўядилар, қолган олти кунда тобора кўпроқ пул ишлашга интиладилар. Кечқурун, маҳкамалаларни тарк этгач, аниқ русум бўлган соатда улар қаҳвахоналарда уймалашадилар, ўша-ўша доимги хиёбонда кезиб юрадилар ёки ўз айвонларида танда қуриб ўтирадилар. Ёшликларида уларнинг эҳтирослари асов ва қисқа бўлади, ўрта ёшликлида эса гуноҳлари зўлдир ўйнайдиганлар жамияти, ҳалфана зиёфатлар, катта қимор ўйналадиган клублар даврасидан нарига ўтолмайди.

Менга, албатта, буларнинг ҳаммаси фақат бизнинг шаҳаргагина хосми, охир-оқибат, ҳамма замондошлиларимиз ҳам шунаقا-ку, деб эътиroz қилишлари мумкин. Албатта, одамларнинг тонгдан

шомгача ишлаши, кейин қолган вақтларини ҳар бирлари ўз дидларига муносиб тарзда қартага, қаҳвахонада ўтиришга ва валақлашга сарфлашлари ҳеч кимни таажжубга солмайди. Лекин одамлари ҳар замон-ҳар замонда қанақадир бошқа нарсалар ҳам борлиги түғрисида шубҳа қилиб қоладиган шаҳарлар, мамлакатлар ҳам бор-ку. Умуман олганда, уларнинг ҳаёти шу билан ўзгариб қолмайди, лекин, бари бир, шукр қилиш керак, шубҳа туғилади-ку. Аммо Оран бунинг акси, у кўринишидан, ҳеч қачон ҳеч нарсадан шубҳа қилмайдиган, яъни бориб турган замонавий шаҳарга ўхшайди. Шунинг учун бизда қандай севишларини аниқлашга ҳам ҳожат қолмайди. Эркаклар билан аёллар севги тўшаги деб аталадиган нарсада ё тезда бир-бирларини еб битирадилар, ё аста-секин бирга яшаш кўник-масини эгаллаб оладилар. Бунинг ҳам ҳеч бир ажralиб турадиган жойи йўқ. Ҳамма ердагидек, Оранда, фикрлашга вақт ва иқтидор йўқлигидан, одамлар бир-бирларини севсалар ҳам, буни ўzlари англамайдилар.

Лекин бошқа бир нарса бор – ўлим бу ерда кўп машаққат келтиради. Дарвоқе, машаққат деганимиз ҳам унча тўғри эмас, буни нокулайлик деб айтиш маъқулроқ кўринади. Касал бўлиш ҳеч кимга ёқмайди, лекин ётиб қолсангиз, сизга ҳамдардлик қиладиган шаҳарлар, мамлакатлар бор, у ерларда bemорликни маълум маънода ўзингизга фароғат ҳам деб биласиз. Бемор одам папалашга муҳтоҷ бўлади, у нимагадир суюнишни истайди, бу жуда табиий. Лекин Орандаги инжиқ иқдим, корафта тирикликнинг суръати, калта шомлар, кўнгилочишнинг равишлари – ҳаммаси одамдан отдай соғлом бўлишни талаб қиласди. Бу ерларда bemор чин маънода ёлғиз... Бутун шаҳар телефон орқали ё қаҳвахоналардаги столлар теграсида

тижорат шартномалари, коносаментлар, векселлар ҳисоби ҳақида гаплашиб турган бир пайтда чатнаётган юзлаб деворлар билан куршалган ўлим түшагида, зулмат исканжасида ётган bemornинг аҳволини тасаввур қилиб куринг. Шунда ҳам сиз иқлими куруқ жойларда, борингки, замонавий бўлса ҳам, ўлимнинг нақадар нокулай келишини тушуниб оласиз.

Гап орасида айтган шу таърифларимиз шахримиз ҳақида керагича аниқ тасаввур беради, деб умид қиласиз. Қолаверса, ҳеч бир нарсада ошириб юбормаслик керак. Фақат бир жиҳатини – шаҳар қиёфасини сийқалигини ва бу ерда ҳаёт ҳам сийқалашиб кетганини алоҳида таъкидлаб қўйишга тўғри келади. Лекин кўнишка ҳосил қилсангиз бас – кунлар жуда осон ўтади. Агар шаҳримизни кўникамлар ҳосил қилишга ёрдам берар экан, демак, ҳаммаси яхшиликка бўлади, деб айтишга ҳам ҳаққимиз бор. Албатта, шу жиҳатдан қаралса, бу ердаги ҳаёт унча мароқли ҳам эмас. Лекин биз тартибсизлик нима, билмаймиз. Ва шу жиҳатдан бизнинг очиқкўнги, хушёқим ва ишбилармон ҳамтабақаларимиз мусофири одамнинг кўнглида қонуний бир ҳурмат уйғотади. Кўклиқ, кайфиятдан бебаҳра, туссиз бу шаҳар оромгоҳ бир гушадай туюлади ва бориб-бориб ўз оғушида мудратиб қўяди. Лекин, инсоф юзасидан айтиб қўйишимиз керак, шаҳар ҳеч нарсага қиёсланмайдиган бир манзарага пайванд, у тарҳи аниқ чизилган кўрфазнинг шундоқ тегасида, нурафшон дўнгликлар билан ўралган ясси тошлоқда қўним топган. Фақат унинг кўрфазга орқа қилиб тушгани, денгизни пана қилиб қўйтгани, уни қўриш учун доим аланглашга тўғри келишига ачинамиз, холос.

Юқорида айтганларимиздан кейин китобхон ўтган йили баҳорда юз берган воқеаларнинг ҳамтабааларимизни онгда қолдирганига ва, кейин

билганимиздай, мазкур воқеаномада баён этиладиган талай фавқулодда ҳодисалар силсиласининг бошланғичи бўлганига сира шубҳа қилмаса керак. Баъзилар бу ҳодисаларни ғайритабий деб ўйлаши, бошқа бирорлар эса уларга муаллиф тўқиган уйдирмалар деб қарashi ҳам мумкин. Лекин, охирокибат, воқеанависсинг бунақа зид фикрлар билан ҳисоблашмасликка ҳаққи бор. Унинг вазифаси – агар у чиндан ҳам шундай бўлганини билса, агар бу ҳодисалар бутун бир халқ ҳаётига боғлиқ бўлса, демакки, унинг ҳикоясидаги ҳақиқатни қадрлайдиган минглаб гувоҳлар топилса, «шундай бўлган», деб айтиш, холос.

Қолаверса, ҳикоячи, унинг исми шарифи мавриди билан маълум бўлар, тақдир тақозоси билан, керагича гувоҳлик кўрсатмалари тўпламаганда ва воқеалар равиши билан ўзи баён этишни мақсад қилган ҳамма нарсага аралашиб қолмаганида бу вазифани ўз зиммасига олмас эди. Айни шу нарса унинг муаррих сифатида иш куришига имкон беради. Турган гап, тарихчи, ҳатто у ҳаваскор бўлса ҳам, доим ҳужжатларга таянади. Мазкур тарихни баён этувчи ҳам, табиийки, ҳужжатларга эга: авваламбор, унинг шахсан гувоҳдиги, чунки у эгаллаган мавқеига кўра мазкур воқеаномадаги барча иштирокчиларнинг дил изҳорини эшитган ва ниҳоят, унинг кўлига тушган қофозлар бор. Мазкур қофозларни у қачон мақбул топса ва ўзига қулай билган жойда ишга солиш ниятида. Унинг яна бир нияти бор... Лекин энди мулоҳаза ва дудмол гапларни йиғишириб, ҳикоянинг ўзига ўтиш вақти етди. Биринчи кунларни баён этиш алоҳида ҳафсала талаб қиласди.

Ўн олтинчى апрел куни эрталиб Бернар Риэ ҳаким ўз уйидан чиқаётib зина долончасида каламуш

ўлигига қокылди. Негадир у бу воқеага унча ҳам аҳамият қилмай, бошмоининг тумшуғи билан каламушни төпид юборди-да, зинадан тушди. Лекин кучага чиққандан кейин эшигим тагида каламуш қаёқдан пайдо бўлди, деб ўзига савол берди ва эшикбонни бу воқеадан огоҳ қилиб қўйиш учун ортига қайтди. Кекса эшикбон Мишел жанобнинг кайфияти бу ҳодисанинг нақадар ғалати эканини таъкидларди, холос. Уйларидан каламуш ўлиги чиқиши ҳакимга фақат ғалати туюлган бўлса, эшикбоннинг назарида бориб турган шармандалик эди. Шунда ҳам Мишел жаноб уйимизда каламуш йўқ, деб қатъий туриб олди. Ҳаким каламушни иккинчи қават долончасида ўз кўзим билан кўрдим, ўлиб ётганга ўхшайди, деб ишонтиришга қанча уринмасин, Мишел жаноб айтганидан қайтмади. Уйда каламуш йўқми, демак, кимдир уни атайлаб ташлаб кетган. Қисқаси, кимдир шунчаки ҳазил қилган.

Шу куни кечқурун Бернар Риэ уйига кириш олдидан долончада тўхтади, калит излаб чўнтагини кавлаштираётганда бирдан нариги, қоронғи бурчакда ёнбоши билан ғалати сурилаётган, жиққа ҳўл каттакон каламушни кўриб қолди. Кемирувчи гўё гавдасини тутмоқчидек тўхтади, кейин ҳакимга талгинди, яна тўхтади. Ўз меҳвари теграсида буралди-да, заиф чийиллаб полга ағнади, ва унинг тумшуқчасидан тизиллаб қон сачради. Ҳаким каламушга бир дақиқача индамай қараб турди-да, кейин уйига кирди.

У каламуш тўғрисида ўйламаётган эди, яна ўз ташвишларига берилади. Хотини бир йилдан бери касал, эртага тоғдаги шифохонага жўнаши керак. Ҳаким кетаётганида тайинлагандай, хотини хобхонада ётган эди. Хотини эртанги ҳорғин сафарга шундай тайёрлананаётган эди. У жилмайди.

— А, мен жуда яхши бўлиб қолдим, — деди у.

Ҳаким ўзига ўтирилган, тунчироқ нурларида ёришган юзга термилди. Балким ҳаммасидан, ҳатто оғир хасталик аломатларидан ҳам устун келган мана шу жилмайиши учундир, Риэга ўттиз ёшли аёлнинг юзи илк балоғат пайтларидагидек куринди.

— Иложини қилиб, ухлаб олсанг бўларди, — деди у. — Ҳамшира ўн бирда келади, икковларингни вокзалга, ўн иккилик поездга чиқариб қўяман.

У лабларини намиқ пешанага тегизди. Хотини уни эшиккача ўша-ўша жилмайиши билан кузатиб қолди.

Ўн етtingчи апрел куни эрталаб, соат саккизда эшикбон ўтиб кетаётган ҳакимни тўхтатди ва қанақадир тошбагир ҳазилкашлар долонга учта каламуш ташлаб кетишганидан шикоят қилди. Жуда ҳам бақувват қопқонга тушганми, каламушларнинг ҳаммаси қонга беланганди эди. Эшикбон, безорилар яна бирон бўлмагур ҳазили билан ўзларини фош қиласидигандай, каламушларнинг панжачаларидан тутган кўйи эшик олдида анча пойлаб турди. Лекин ҳеч нарса юз бермади.

— Майли, шошмай туриңг, — деб ваъда қилди Мишел жаноб, — уларни албатта тутаман.

Бу воқеаага қизиқиб қолган Риэ ташрифини энг қашшоқ мижозлари турадиган чекка маҳаллалардан бошлишга қарор қилди. Бу ерларнинг чиқиндиси шаҳар марказига қараганда кечроқ олиб кетилар, чанг-тўзон, тўппа-тўгри кўчалардан ўтган автомобилнинг қанотлари супуринди қутиласига тегай-тегай дер эди. Ҳаким йўл-йўлакай факат бир кўчанинг ўзида пўчоғу ифлос латта-путта уюмлари устида ётган ўнлаб каламуш ўлигини курди.

У кўрган биринчи bemор деразаси кўчага қараган, ҳам хобхона, ҳам емакхона бўлмиш уйида тўшакда ётган эди. Бемор юzlари бужмайган кекса испан

чол эди. Унинг олдидаги күрпада нўхат солинган иккита кастрюл турарди. Ҳаким кирганда суюниб ўтирган бемор эски дамқисма асорати – нафаси хириллашини ростлашга уриниб, бошини ёстиқقا ташлади. Хотини тогора олиб кирди.

– Бостириб чиқишини кўрдингизми, а, ҳаким? – деди чол Риз уни эмлаётганда.

– Рост, – деб тасдиқлади чолнинг хотини, – қўшнимиз учтасини териб ташлади.

Чол кафтларини бир-бирига ишқалади.

– Чиқаверади, ҳамма ўраларда фиж-биж бўлиб ётиби! Очарчиликка бу!

Риз энди бутун маҳалланинг тилида шу гап эканини англали. У ташрифларини тамомлаб уйига қайтди.

– Телеграмма келди сизга, – деди Мишел жаноб.

Ҳаким ундан яна каламуш кўрмадингизми, деб сўради.

– Э-э, йўқ, – деб жавоб қилди эшикбон. – Кўзкулоқ бўлиб турибман, ўзингиз биласиз. Биронта ҳам абраҳ тумшуғини суколмайди.

Телеграммада Риэнинг онаси эртага келиши айтилган эди. Хотини йўқлигида уйга онаси қараб туради. Ҳаким ичкари кирди, ҳамшира анчадан бери кутиб ўтирган экан. Хотини ўрнидан турган, одми инглизча костюмини кийиб, жиндай бўянган эди. Ҳаким унга қараб жилмайди.

– Мана, яхши бўлди, – деди, – жуда яхши.

Вокзалда у хотинини ухлаб кетиладиган вагонга жойлаштирди. Хотини вагонга аланглади.

– Бизга қимматлик қилмайдими, а?

– Шунақаси керак-да, – деди Риз.

– Бу каламушлар ғалваси нима ўзи?

– Ҳали ўзим ҳам билмайман. Умуман олганда, ғалати, лекин ҳаммаси жой-жойига тушади.

Шу аснода у фулдираб, хотинидан унга керагича ғамхўрлик қилолмагани, қўпинча эътиборсиз

қолдиргани учун узр суради. Хотини бас қил, деб ялингандай бошини чайқади, лекин бари бир, ҳаким гапини охирiga етказди:

– Келганингдан кейин ҳаммаси бошқача бўлади. Барини қайтадан бошлаймиз.

– Ҳа, – деди хотини кўзлари ёшланиб. – Бошлаймиз.

У ҳакимга орқа ўгириб, деразага термилди. Йўловчилар перронда тудалалиб, жонсарак изғишиб юрган эдилар. Паровознинг бўтиқ пишиллаши ҳатто куппеда ҳам эшитилди. Ҳаким хотинини чорлади, хотини қараганда, ҳаким унинг юзи кўз ёшдан ҳул бўлганини кўрди.

– Кўй, кераги йўқ, – деди у меҳри товланиб.

Хотинининг кўзлари ҳали ҳам ёшли эди, лекин яна жилмайди, тўғрироғи лабларини салгина қийшайтирди. Кейин тез-тез нафас олди.

– Майли, боравер энди, ҳаммаси яхши бўлади.

У хотинини қучоқлади ва энди вагон деразасининг бу томонида турар, унга хотинининг фақат жилмайгани кўринар эди.

– Илтимос, – деди у. – Ўзингни эҳтиёт қил.

Лекин хотини энди унинг гапини эшитмаётган эди.

Вокзал майдонига чиқаверишда Риэ терговчи Отонни кўриб қолди, у ўғилчасининг қўлидан етаклаб келаётган эди. Ҳаким ундан, бирон ёққа кетяпсизми, деб сўради. Баланд бўйли, қоп-қора, ҳам бир вақтлар айтилганидай, кибор кишига, ҳам айни пайтда жаноза маҳкамасининг машъалачисига ўжшаб кетадиган Отон жаноб илтифот билан, лекин калтагина жавоб қилди:

– Отон хонимни кутишга чиқдим, қариндошларимни кўргани кетган эди.

Паровоз ҳуштаги эшитилди.

– Каламушлар... – деб гап бошлади терговчи.

Риэ поездга қараб юрмоқчи бўлди-ю, лекин яна ташқарига бурилди.

– Ҳа, лекин айтишга арзимайди, – деб гапни қисқа қилди.

Шу дақиқадан ҳаммасидан ҳам ҳакимнинг эсида қолгани – каламуш ўлигига тўла қутини қўлтиқлаб ўтаётган темирийўлчи бўлди.

Шу куни, тушдан кейин, ҳали кечки қабул бошланмай, ҳакимнинг олдига бир ёш йигит кирди, ҳакимга унинг мухбир эканини, эрталаб ҳам келиб кетганини айтишган эди. Унинг оти Раймон Рамбер экан. Ўрта бўйли, ўмизлари кенг, кўринишидан танти, одамга тиник, ақлли кўзлари билан тикиладиган Рамбер, спортча костюм кийгани учунми, турмушда омади чопган кишидай тасаввур уйғотар эди. Рамбер шу заҳоти ишга кўчди. У Париждаги катта бир рўзномадан, арабларнинг турмуш шароити ҳақида ҳакимдан интервью олгани келибди, маҳаллий аҳоли турмушининг санитария аҳволи тўғрисида ҳам маълумотлар тўпламоқчи экан. Риэ, аҳвол жуда айтарли эмас, деди. Лекин у сұхбатни давом эттиришдан олдин, мухбир бор ҳақиқатни ёза олармикан, деб сўраб олди.

– Бошқа гап бўлиши мумкин эмас, – деди мухбир.

– Айбномангиз қатъий бўладими, мен шуни назарда тутяпман.

– Очифини айтсам, йўқ, қатъий бўлмайди. Аммо ўзим ҳам бунақа айбнома учун керагича далил чиқмаса керак, деган умиддаман.

Риэ жуда илтифот билан, ҳа, чиндан ҳам, бунақа айбномага унча далил ҳам йўқ, деди; у савол беришида бир мақсадни – Рамбер шоҳидликка ўтаётганда ҳеч бир нарсани юмшатмай ёзиши мумкинми ё йўқлигини кўзда тутган эди.

– Мен ҳеч нарсани юмшатмайдиган шоҳидликнигина тан оламан. Шунинг учун сизнинг шоҳидлигинизни қўлимдаги маълумотлар билан қувватлаш шарт эмас, деб ҳисоблайман.

– Сен-Жюст қаламига арзигулик тил, – деб жилмайди мухбир.

Риэ овозини баландлатмай, бу борада ҳеч нарсаны тушунмаслиги, яшашдан безган, лекин айни пайтда ўзига ўшаганларга талпинган, ўзича ҳар хил адолатсизлик ва муросасозликларга бўйин эгмасликка сўз берган бир одам тилида гапираёттанини айтди. Рамбер бўйини қисиб, унга қараб қолди.

– Сизни тушундим, деб ўйлайман, – деди у анчадан кейин ва ўрнидан қўзғалди.

Ҳаким уни эшиккача кузатиб қўйди.

– Шундай фикрда бўлганингизга раҳмат.

Рамбер сабрсиз кифтини учирди.

– Тушунаман, – деди у. – Безовта қилганим учун узр.

Ҳаким унинг кўлинин қисди ва шаҳарда ўнлаб каламуш ўлиги ётгани, бу тўғрида қизиққина репортаж қиласа бўлишини айтди.

– Оҳ-ҳо, – деб хитоб қилди Рамбер. – Чиндан ҳам қизик.

Ҳаким соат ўн еттида яна касал кўргани кетаётиб, зинада ҳали ўзи анча ёш, бўлали, лекин қотма юзли, қалин қошлиари алоҳида кўзга ташланиб турадиган йигитга дуч келди. Ҳаким уни шу уйининг энг юқори қаватида турадиган испан ракқослариникида бир-икки бор кўрган эди. Жан Тарру ҳафсала билан сигарет сўрганча шундоқ оёғи тагида жон талваса қилиб буралаётган каламушга тикилиб қолган эди. Тарру ҳакимга кулранг кўзларидаги хотиржам, синчков нигоҳини қадади, саломлашди ва каламуш босқини, ҳар қалай, жуда қизиқ бўляпти, деб қўшиб қўйди.

– Ҳа, – деб маъқуллади ҳаким, – лекин, охирокибат, кўнгилга уради.

– Фақат бир қараашда шундай, ҳаким, бир қараашда. Шу вақтгача бунақа нарсаларни курмаганмиз,

вассалом. Лекин мен бу воқеани жуда қизиқ бўляпти, дейман, ҳа-ҳа, жуда қизик.

Тарру кафти билан сочини силаб, орқага ташлади, энди буралмай қўйган каламушга яна қараб қўйдида, Риэга жилмайди.

– Умуман айтганда, ҳаким, бу ёғини эшикбонга қўйиб берайлик.

Ҳаким эшикбонни кираверишда учратди, у деворга суюниб олган, доимги қип-қизил юзи ҳоргин тусга кирган эди.

– Ҳа, биламан, – деди Мишел чол, ҳаким унга янги топилдиқни айтгандан сўнг. – Энди иккита, учтадан топиб олишяпти. Бошқа уйларда ҳам шундай.

Куринишидан у ғамга ботган, адойи тамом бўлган эди. У ихтиёrsиз бўйини қашлади. Риэ ундан аҳвол сўради. Тамом руҳи чўкиб кетди, деб айтиб бўлмайди. Лекин, бари бир, ўзини сал ғалатироқ ҳис қиляпти. Каламуш ғалвасидан бош айланди шекилли, аммо шулар гумдон бўлса, дарров ўзига келади.

Лекин Риз эртаси куни, ўн саккизинчи апрелда вокзалга, онасини кутиб олгани чиқаётib Мишел жанобнинг баттар чўкиб кетганини кўрди: энди зинадан ўнлаб каламушлар ўрмалаб чиқар, афтидан, ертўладан чордоқча қараб йўл тортаётганга ўхшаб кўринар эди. Қўшни уйлар олдидаги супуринди челаклар каламуш ўлигига тўла. Ҳакимнинг онаси бу хабарни эшитганда сира таажжубга тушмади.

– Бўлиб туради бунақа воқеалар.

У жиккак, чаккасидаги соchlари кумушдай оқарган, мўмингина, қоракўз аёл эди.

– Сени кўрганимдан баҳтлиман, Бернар, – деб таъкидлади у. – Бизга ҳеч қанақа каламушлар халал бермайди.

Ўғил бош иргади, онаси ёнида бўлса, ҳамма нарса чиндан ҳам осон кўчади.

Шунда ҳам Риэ шаҳар дератизация бюросига сим қоқди, у мудир билан шахсан таниш эди. Кўп миқдордаги каламушлар инини ташлаб чиқиб, очиқда ўлаётганини мудир эшилдими? Мерсье, мудир, бу ҳақда эшитибди, ҳатто уларнинг қирғоқ бўйида жойлашган маҳкамасидан ҳам элликтача кемирувчи топилибди. У аҳволнинг нечоғли жиддий эканини билмоқчи. Риэ бу масалани ўзи ҳал қилолмайди, лекин маҳкаманинг бунга чора кўришини шарт деб ҳисоблади.

— Албатта, — деди Мерсье, — лекин фақат кўрсатма олганимиздан кейин. Агар сен шу иш бош оғритишга арзиди, десанг, керакли курсатма олишга уриниб кураман.

— Ҳаммаси ҳамма вақтда арзиди.

Ҳозиргина уларнинг оқсочи эри ишлаётган йирик заводда юзлаб каламуш ўлиги териб олинганини айтган эди.

Ҳар ҳолда, тахминан шу соатлардан бошлаб ҳамтабааларимизда ташвишланишнинг ilk аломатлари пайдо бўлди. Зеро, шу ўн саккизинчи санада, чиндан ҳам барча заводлардан, омборлардан юзлаб каламуш ўликлари чиқа бошлиди. Кемирувчиларнинг жон таслим қилиши чўзилган пайтлари ўлдиришга тўғри келади. Шаҳар чеккаларидан марказга-ча, хуллас, Риэ ҳаким қаерда бўлмасин, ҳамтабаалар тўпланган ҳамма ерда каламушлар худди одамларни кутиб ётгандай, супуринди паллаларини тўлдириб ёки мағзава ариқчаларда узун-узун қаторга тизилишиб турар эди. Шу кунданоқ оқшомги рўзномалар ишга киришди, муниципалитет олдига ўз фуқароларини мазкур ирганч босқиндан ҳимоя қилиш учун ҳаракатга тушадими, йўқми, бўлса, қанақа ошоғич тадбирлар кўрилади, деган қатъий талаб кўндаланг кўйилди. Муниципалитет эса ҳеч қандай ҳаракат ҳам қилмоқчи эмас эди, фақат

аҳволни ўрганиш учун йифин чақириш билан кифояланди. Дератизация хизматига ҳар куни тонгда каламуш ўлиги йигиштириб олинсин, деган буйруқ берилди. Кейин маҳкаманинг иккала юк мөшини ҳам жониворларнинг жасадини ахлат ёқиши бекатига етказиши керак эди. Лекин кейинги кунлари аҳвол ёмоналашди. Кемирувчилар ўлигининг микдори борган сари кўпайди ва маҳкама хизматчилиари олдинги кунга қараганда тобора мўлроқ ҳосил йифиб олавердилар. Тўртинчи куни каламушлар галалаб чиқиб, тўда-тўда ўлишга тушди. Сон-саноғи йўқ каламушлар ўз меҳвари теграсида буралиб, одамларнинг ёнгинасида жон таслим этиш учун ертўлалар, қазноқлар, мағзава ариқчаларидан гандираклаганча сийрак сафга тизилиб чиқиб келаверишди. Кечаси муюлишларда, зина долончаларидан каламушларнинг жон бериси олдидан қисқагина чийиллашлари аниқ эшитилиб турарди. Эрталаблари шаҳар чеккаларидағи мағзава ариқларда учли тумшуғи қонга беланган, айримлари шишиб кетган, айримлари аллақачон қотган бўлсада, мўйлови ҳамон жанговар диккайган кўйи уймалашиб ётар эди. Ҳатто шаҳар марказида ҳам зина долончалари, ҳовлиларда гала-гала ўлиб ётган кемирувчиларни учратиш мумкин эди. Айрим нусхалари ҳатто ҳукумат бинолари кираверишларига, мактаб ҳовлиларига, гоҳо қаҳвахоналарга судралиб чиқиб жон берарди. Ҳамтабааларимиз уларни энг гавжум жойларда учратгандаридан ҳайратга тушар эдилар. Ирганч маҳлуклар гоҳо Аслаҳа майдонида, хиёбонларда, Денгизбўйи сайилгоҳида ҳам учраб қоларди. Тонгда шаҳар ўлаксадан тозаланаар, аммо кундузи яна каламуш ўлиги тўпланиб, борган сари кўпайиб бораверар эди. Кечаси кетаётган одам оёқ тагида ётган янги жасадчани шап этиб босиб олган ҳоллар ҳам кўп бўларди. Худди устига уйларимиз

курилган замин ўз қаърида ётган ифлосдан ўзини тозалаб, ер бағрини кемириб ётган жами жароҳату маддалар ташқарига ситилаб чиқаётганга ўхшарди. Шу пайтгача тинчгина яшаб келаётган шаҳримизнинг қандай эсанкираб қолгани, бу кунлар уни қандай довдиратиб кўйганини тасаввур қилинг; шу пайтгача томирларида тинчгина оқаётган қони бирдан жунбишга келган одам шунақа аҳволга тушади. Ҳатто шу даражага етдики, Инфдок (ахборот, ҳужжатлар, барча масалаларга оид маълумотнома берадиган агентлик) ҳам бепул ахборотта ажратилган соатларда радио тингловчиларга фақат йигирма бешинчи апрелнинг ўзида 6231 дона каламуш ўлиги йифилиб, қуидирилганини маълум қилди. Бу рақам энди кундалик воқеага айланган ҳодисани умумлаштириб, моҳиятини очди ва оммавий эсанкирашни кучайтириб юборди. Одамлар шу эшиттиришгача кемирувчиларнинг босқинига ёқимсиз бир ҳодисадай қараётган эдилар. Энди улар, ҳали ҳеч ким ҳалокат кўламини аниқлаб, уни юзага келтирган сабабларни тушунтириб бермаган бўлсада, бу ҳодиса замирида катта хавф ётганини англаб етдилар. Фақат бир одам – дамқисмадан хириллаб ётган испан чолгина кафтларини бир-бирига ишқалаганча: «Чиқаверади! Чиқаверади!», деб жазавага тушар эди, холос.

Йигирма саккизинчидаги Инфдок агентлиги 8000 каламуш ўлиги йифиштирилганини маълум қилди ва шаҳарни ваҳима босди. Аҳоли кескин чора кўришни талаб қилиб, ҳамма гуноҳни ҳукуматга тўнкади, денгизбўйига чорбог солган айримлар эса шаҳардан кетиш вақти келди, деган гапларни айта бошлидилар. Лекин агентлик эртаси куни босқин тўсатдан тухтагани ва саришталик хизмати арзимас миқдорда каламуш ўлиги йифиштирганини маълум қилди. Шаҳар енгил тин олди.

Бироқ, худди шу куни Риэ ҳаким уйи олдида машинасини тұхтатаётіб, күчанинг у бошида құллари, оёқдарини галати керганча, бошини осилтириб, худди ёғоч күғирчоқдай ликонглаб келаётган эшикбонни күриб қолди. Кекса эшикбоннинг құлтиғидан саяган одам кашиш эди, ҳаким уни бирдан таниди. У Панлю ҳазрат, ҳийла олим ва ашаддий иезуит эди, ҳаким у билан тез-тез күришиб турар, ҳазратнинг шаҳар аҳли, ҳаттоқи динга бефарқ одамлар орасыда ҳам обрўии борлигини билар эди. Ҳаким уларнинг етиб келишларини күтди. Мишел чолнинг күзлари галати йилтирар, нафас олганида күкраги ҳуштак чалар эди. Негадир бирдан мазам қочди, ҳаво олай деб чиққан эдим, деб тушунтириди Мишел. Лекин сайд қилаёттанды бўйни, құлтиғи ва қовуғида қаттиқ оғриқ туриб, орқага қайтишга тўғри келибди, Панлю ҳазратдан уйгача етиб олишига кўмак беришни сурабди.

— Бу ёғим керкиб кеттан, — деб изоҳ берди у. — Уйга етишга мажолим йўқ.

Ҳаким автомобил ойнасидан қўл узатиб, чолнинг кемирчагини пайпаслади ва қўли худди ёғочдай қотган тугунга тегди.

— Бориб ётинг, ҳароратингизни ўлчанг, кечқурун уйингизга кириб ўтаман.

Эшикбон кетди, ҳаким эса Панлю ҳазратдан кеми्रувчилар босқини ҳақида нима дейсиз, деб сўради.

— Эпидемия бошланадиганга ўхшайди, — деди ҳазрат ота ва унинг думалоқ кўзойнаги ортига бекинган кўзларида табассум йилт этди.

Риэ нонуштадан кейин хотинидан шифохонага эсон-омон етиб келгани ҳақида телеграммани ўқиб ўтирган эди, бирдан телефон жириングлади. Унинг эски мижози, мэрия ходими экан. У кўпдан бери қон томирлари торайишидан қийналар, бечораҳол бўлгани учун ҳаким уни бепул даволар эди.

– Ҳа, мен, эсингизда бўлсан керак, – деди у. – Лекин ҳозир гап ўзим ҳақимда эмас. Тезроқ келсангиз, кўшнимнинг аҳволи чатоқ.

Унинг товуши узуқ-юлуқ эшитилди. Риэ эшик-бонни ўйлади ва уни кейинроқ кўришга қарор қилди. У ҳаял ўтмай чекка маҳаллага етиб борди, Федерб кўчасидаги пастаккина уй эшигини очди. Сассик, зах зинанинг белида уни кутиб турган Жозеф Гран – мэрия хизматчисини кўрди. Тор елкаси, дароз бўйи, ориқ оёқлари, узун қўллари, тамаки сарғайтган мўйлови бу одамни эллик ёшидан анча катта кўрсатар эди.

– Ҳозир сал тузук, – деди у Риэга пешвоз тушиб, – ўлиб қолмаса эди, деб қўрқдим.

У бурнини тозалаб олди. Риэ учинчи, аниқроғи, охирги қават эшигининг чап ёғида қизил бўр билан: «Киринг, мен ўзимни осдим», деб ёзилган сўзларни ўқиди.

Ичкари кирдилар. Ағнаб ётган курси тегасидаги қандиддан арқон осилиб тураг, стол бурчакка сурилган, лекин сиртмоқда ҳеч ким йўқ эди.

– Уз вақтида сиртмоқдан олибман, – деди Гран, сўз тополмай қийналиб, унинг сўз бойлиги шусиз ҳам камбағал эди. – Айни пайти чиққан эканман, бирдан шовқин эшитилди. Ёзувни кўриб, ҳазилми, деб ўйладим. Лекин у жуда ғалати, мен ҳатто мудҳиш деб айтардим, инграб юборди...

У гарданини қашлади.

– Менингча, бу жуда оғир қийноқ бўлса керак. Кейин, бу ёғи маълум, ичкари кирдим.

Эшикни очиб, ёруғ, фақирона хонага ўтдилар. Мис куббачали каравотда калтабўй, бақалоқ бир одам ётган эди. У қаттиқ қаттиқ нафас олиб, қизарган кўзлари билан кирганларга қаради. Ҳаким остоноада тўхтади. Унга беморнинг нафас олиб-чиқариши оралиғида каламушнинг ҳам заиф чийиллагани эшитилаёт-

гандек бўлди. Лекин уйининг бурчакларида ҳеч нарса фимирсиётгани йўқ. Мижоз, афтидан, пастроқ жойдан йиқилган, енгил тушган – умуртқалари бутун эди. Турган гап, салгина бўғилиб қолган. Рентген сурати олинса, зарар қиласди. Ҳаким bemорни озгина камфора билан эмлади ва бир-икки кун ўтиб ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деди.

– Раҳмат, ҳаким, – деб бўғиқ гулдиради bemор.

Риэ Грандан бўлган гапни мишибия комиссарига хабар қилдингизми, деб сўради, у хижолатга тушиб, ҳакимга қараб кўйди.

– Йўқ, – деди у, – йўқ. Ўйлабманки, энг муҳими...

– Тўғри қилибсиз, – деб маъқуллади Риэ, – майли, ўзим айтаман.

Лекин шу пайти bemор нотинч қимиirlаб, яхши бўлиб қолдим, шунинг учун ҳеч кимга ҳеч нарса хабар қилишнинг ҳожати йўқ, деди.

– Ўзингизни уринтирманг, – деди Риэ. – Менга ишонаверинг, арзимайдиган гап, лекин бунаقا ҳодисаларни хабар қилишга бурчлиман.

– Ўҳ, – деб ингради bemор.

У ўзини ёстиқда ташлаб, заифгина инқиллади. Гран мўйловини бураб тўшакка яқин келди.

– Олинг-а, Коттар жаноблари, – деб гап қотди.

– Ўзингиз тушунинг-да. Ахир, ҳаким, биласиззу, бунаقا нарсалар учун жавоб беради. Агар каллангизга яна шунаقا фикр келса, нима бўлади, ахир...

Лекин Коттар ҳиқиллаганча, йўқ, энди келмайди, шунчаки бир неча дақиқа ақд қочди, энди фақат бир нарсани – мени тинч қўйишларини истайман, деди. Риэ дори ёзиб берди.

– Майли, – деди у. – Бу ҳақда галирмайлик. Икки-уч кундан кейин кириб ўтаман. Лекин кўзингизга қаранг, тағин аҳмоқлик қилиб қўйманг.

Риэ долончадаёқ Гранга воқеани хабар қилишни, аммо комиссардан терговни камида икки кун кейин бошлишни сұраш кераклигини тайинлади.

– Кечаси ундан бохабар бўлиб туришга тўғри келади. Оиласи борми?

– Ҳар қалай, ҳеч кимини кўрмаганман, лекин ўзим қараб туришим мумкин. – У бош чайқади. – Очифи, ўзим ҳам уни тузукроқ билмайман. Лекин одам одамга қарашиб туриши керак-ку.

Риэ долончадан ўтаетганда беихтиёр бурчакка аланглади ва Грандан каламуш маҳалладан буткул йўқолдими, деб сўради. Хизматчи бу борада аниқ гап айта олмади. Тўғри, қўшнилари унга каламуш босқини ҳақида айтиб беришган, лекин у валақлашга парво ҳам қилмайди.

– Ўз ташвишim ҳам етади, – деди у.

Риэ шоша-пиша унинг қўлини қисди. Ҳали эшикбонни куришдан олдин хотинига хат ҳам ёзиши керак.

Кечки нашрни сотаётган рўзномафуруушлар каламуш босқини барҳам топганини айтиб бақираётган эдилар. Лекин ҳаким эшикбоннинг остонасидан ўтмаёқ, уни каравотидан ярим осилиб, бир қўли билан бўғзини, бир қўли билан қорнини чангллаганча, минг азобда кучаниб напармон сафро қусаётган аҳволда кўрди. Кучанавериб ҳолдан тойган эшикбон зурға нафасини ростлаб, жойига чўзилди. Унинг ҳарорати 39,5 даражага кўтарилган, бўйнидаги безлари, бўғимлари баттар керккан, бикинида иккита доғ пайдо бўлган эди. У энди бутун ичи зирқираётганидан нолиди.

– Ачитяпти, – деб такрорлади у. – Уҳ, абллаҳ, шундай ачитяптики!

У гайритабиий қорайган лабларини зўрға қимирлатиб, алланарса деб ғўлдирав, бошидаги мислсиз оғриқдан ёшга тўлган бақа кўзлари ҳакимга бақрайиб

тураг эди. Унинг хотини ҳануз садо чиқмаётган Риэга хавотир билан тикилди.

– Ҳаким, – деб сўради у, – нима қилган унга?

– Ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳозирча аниқ бир гап айтиш қийин. Кечгача парҳезда ушланг, сургидори беринг. Майли, кўпроқ суюқлик ичсин.

Чиндан ҳам, эшикбон тинмай ташналиқдан қийналаётган эди.

Риэ уйига қайтиб, ҳамкасби, шаҳарнинг энг обрўли ҳакимларидан бири Ришарга сим қоқди.

– Йўқ, – деб жавоб қилди Ришар, – кейинги пайтда бирон экстраординар ҳодисага дуч келмадим.

– Биронта баланд ҳарорат, чекланган керкишни кўрмадингизми?

– Э, ҳа, икки ҳолатда лимфа тугунлари қаттиқ керккан эди.

– Меъёрдан ортиқми?

– Э-э, – деб чўзди Ришар, – меъёр дегани, биласизми...

Нима бўлганда ҳам, кечга бориб эшикбоннинг ҳарорати 40га чиқди, у алаҳлаб, каламушлардан нолиётган эди. Риэ унга фиксирайдиган абсцесс қилишга киришди. Терпентиннинг куйдириши ўтган бемор: «Оҳ, абраҳлар!» деб бўкириб юборди.

Лимфа тугунлари баттар керкиб, пайпаслаганда ёғочдай қаттиқ туяларди. Беморнинг хотини ўзини йўқотиб қўйган эди.

– Ёнидан кетманг, – деб маслаҳат берди ҳаким. – Бир нарса бўлса, мени чақиринг.

Эртаси куни, ўттизинчи апрелда намиқ-мовий осмондан кўкламги илиқ шабада эсди. Шабада шаҳар чеккаларидан гуллар бўйини олиб келди. Эрталабки гала-ғовур одатдагидан жарангдор, ҳаётбахшроқ эшитилди. Бу кун бизни ҳафта давомида эзив келаётган дудмол ҳалокат таҳдидидан қутулган шаҳримиз учун чиндан ҳам баҳор пойқадамига айланди. Ҳатто хотинидан хайрли мактуб олган Риэ

ҳаким эшикбоннига алланечук хуш кайфиятда тушиб борди. Чиндан ҳам, беморнинг ҳарорати эрталабга келиб 38 даражага пасайибди. Бемор ёстиқдан бошини узмай, мажолсизгина жилмайди.

– Яхши бўляпти, а, ҳаким? – деб сўради унинг хотини.

– Яна озроқ кутайлик-чи.

Лекин чошгоҳга бориб bemorning ҳарорати 40 даражага чиқди, у тинмай алаҳларди, қайт қилиши ҳам кўпайди. Бўйин безлари ушлаганда баттарроқ оғриқ берар ва эшикбон, худди бошини танасидан узокроқда тутишга урингандай, тинмай бўйини чўзар эди. Хотини каравот пойида, адёл устидан bemorning оёқларини енгилгина босиб ўтиради.

– Гап бундай, – деди Риз, – уни алоҳида ажратиб, маҳсус жойда даволашга тўғри келади. Мен госпиталга сим қоқаман, икковимиз уни «тез ёрдам» машинасида олиб борамиз.

Икки соатлардан кейин, ҳали машинада бораётган ҳаким билан bemorning хотини унинг тепасига энгашдилар. Шишиб, учук босган лаблардан узук-юлук: «Каламуш! Каламуш!» деган сўзлар эшитилди. Унинг юзи кўкарди, қовоқлари гўё қурғошинга тўлди, калта-калта ҳансираб, керккан безлари бамисоли парчинлаб бораётгандек, худди каравотнинг устидан қопқоқдек ёпилишини кутгандек бурчакка тиқилар, гўё ер қаърида кўринмас бир юк остида эзилиб ётган қандайдир бир товуш уни тинмай чорлаётгандай туюлди. Хотини йиғлаб юборди.

– Ҳаким, энди умид йўқми?

– Жон таслим қилди, – деди ҳаким.

Эшикбоннинг ўлими, айтиш мумкинки, мудҳиши башоратларнинг биринчи босқичини якунлаб, иккинчи – илк ҳайронликлар аста-секин ваҳимага айланган, нисбатан оғирроқ босқични бошлаб берди.

Ҳамтабааларимиз айни шу – шаҳримизнинг куппакундузи каламушлар ўлиб берадиган, эшикбонлар ғалати бир қасалликдан жон таслим қиладиган жойга айланганини энди тушуниб етдилар, шунгача бунақа ўй ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Шу нуқтаи назардан қарасак, табиийки, биз янгишдик ва энди дунё ҳақидаги тасаввуримизни ошоғич равишда ўзгартиришга тўғри келди. Фақат шу билан чеклансак ҳам майли эди, унда яна кўникмалар устун келарди.

Ҳали фақат эшикбону қашшоқларгина эмас – кўпчилигимизнинг Мишел жаноб бошлаб берган йўлга отланишимиз муқаррар эди. Мана, айни шу вақтдан кўнглимида қўрқув уйғонди, унга ўй-фикр йўлдош бўлди.

Лекин ҳикоячи, кейинги воқеаларнинг батафсил баёнига ўтишдан олдин, шу босқичнинг бошқа бир шоҳидига тегишли мулоҳазаларни келтиришни лозим кўради. Жан Тарру – ҳикоямиз бошларида уни китобхонга таниширидик, – Оранга фавқулодда ҳодисалардан бир неча ҳафта олдин келиб қолган, шаҳарнинг энг катта меҳмонхоналаридан бирида қўнган эди. Кўринишидан, даромади етарли, тараллабедод яшайди. Унинг қаёқдан келгани, нега бу ерда туриб қолганини ҳеч ким билмайди. У доим одам гавжум жойларда юради. Баҳорнинг илк кунларида маза қилиб чўмилаётганини ҳам кўп одам қўрган. Қувноқ, доим кулиб юрадиган бу одам майшатга берилган бўлса-да, асло кўнгилхушликка боғланиб қолмаган. Чиндан ҳам шундай, фақат унинг бир одатини айтиб қўйиш керак – шаҳримизда кўп топиладиган испан раққослари, созандалариникига тинмай бориб туради.

Ҳар ҳолда, унинг кундалик дафтарларида шу машаққатли босқичнинг тарихи акс этган. Лекин бу ерда, моҳиятан олганда, бошқача, гўё муаллиф

олдиндан ҳамма нарсани майдалаштиришни мақсад қилиб қўйган тарихта дуч келамиз. Биринчи қараашда, гўё Тарру одамларга, нарсаларга дурбинни чаппа тутиб қараган, шу ишни жуда қойилмақом қилгандай туюлади. Умумий эсанкираш чорида у, аслини олганда, мутлақо тарихи йўқ нарсаларнинг тарихчиси бўлишга урингандай кўринади. Албатта, бунаقا бетайнликдан ранжиб, уни бағритошлиқда айблашдан ўзга чорамиз йўқ. Лекин бари бир, унинг ёзувлари бу босқич тарихини иккинчи даражали, бироқ жуда керакли тафсилотлар билан бойитади; бундан ташқари, кундалик ҳолнинг ўзига хослиги мазкур, шубҳасиз, қизиқарли қаҳрамон ҳақида шоша-пиша холоса қилишга изн бермайди.

Жан Таррунинг илк ёзувлари унинг Оранга келган пайтларига тегишли. Ёзувларнинг бошидаёқ муаллифнинг шунаقا бедаво шаҳарга келтирган тақдиридан алланечук бахтиёрги билиниб туради. Бунда биз мэриянинг кираверишига қўйилган иккита шер ҳайкалининг батафсил тасвири, биноларнинг кўримсизлиги, кўклиқдан бебаҳра шаҳарнинг бемаъни қурилгани тўғрисидаги хуш гапларни ўқиймиз. Тарру бу изоҳларни трамвайдা, кўчаларда қулоғига чалинган гап-сўзларни аралаш териб ёzáди, шунда ҳам муаллиф ҳар қандай тушунтиришдан ўзини олиб қочган, фақат биттаси – аммо бу кейинги кунларга тегишли – қанақадир Кан деган одам ҳақидаги гаплар бундан мустасно.

- Сен Канни биласанми? – деб сўради бирори.
- Қайси Кан? Қора мўйловли, дарозми?
- Ҳа, шу. Стрелкачи бўлиб ишларди.
- Ҳа, албатта, биламан.
- Хўш, шу ўлди.
- Э-ҳа, қачон?
- Ҳа шу, каламушлар воқеасидан кейин.
- Қара-я. Нима қилган экан?

– Билмайман, безгакдан дейишияпти. Ҳа энди, умуман ўзининг ҳам мазаси йўқроқ эди. Қўлтиғидан чипқон чиққан экан. Шуни кўтаролмабди.

– Кўринишидан ҳамма қатори эди-ку.

– Йўқ, ўпкаси заифроқ эди, яна у духовой оркестрда ҳам ўйнарди. Корнет-пистон пуфлаш қанақа зарарли эканини билмайсан-да.

– Ҳа, – деб якун қилди униси, – соғлиғи кетган одам корнет пуфлашдан ўзини тийиши керак эди.

Тарру бу гапларни чоғишириб кўриб, Каннинг нима сабабли духовой оркестрда ўйнагани, уни қанақа бўлмагур кўнгилжушлик жонини гаровга кўйиб, якшанбалик томошаларга етаклагани тўғрисида фикр юритади.

Ундан кейин Тарру деразаси рўпарасидаги уй айвонида қарийб ҳар куни қайтариладиган томошадан олган ёқимли таассуротини баён қиласди. У турадиган хона доим деворлар соясида мушуклар мудраб тинчгина ётадиган торкўчага қараган эди. Лекин ҳар куни тушликдан кейин, шаҳар мудроқقا тушган соатда Таррунинг деразаси қаршисидаги айвонда бир бобойча пайдо бўлади. Оппоқ соchlари ҳафсала билан тараалган, ҳарбий бичимли костюм кийган, қаддини аскарларга ўхшаб тўғри ва адл тутадиган бу бобойча мулоийм овозда «ниш-ниш»лаб мушукларни чақиради. Мушуклар, жойларидан кўзғалмай, уйку унниқтирган рангсиз кўзларини чолга қаратишади. Шунда бобойча бир варақ қофозни майда-майда йиртиб, пастга – кўчага, мушукларнинг устига сочади, қофозни капалак галаси деб алданган мушуклар кўчага ташланиб, қофоз парчаларига журъатсизгина панжа чўзишади. Шунда бобойча мушукларни аниқ нишонга олганча, келиштириб туфлайди. Агар бирорта туптуги тегиб қолса, қаҳ-қаҳ уриб кулади.

Ниҳоят, Тарру ғайрат-шижоат ва ҳатто майшати ҳам – ҳаммаси тижоратга бўйсундирилган шахри-

мизнинг савдогар қиёфасига жуда мафтун бўлиб қолади. Бу ўзига хослик (унинг ёзувларида айни шу иборани кўп учратамиз) муаллифга жуда маъқул тушади ва унинг мақтовга тўла ёзувларидан бири: «Ана бунга қойил!» деган сўзлар билан якунланади. Ёзувларнинг фақат шунаقا жойларида шахсий оҳанглар учрайди. Бу ёзувларнинг қиммати ва нечоғлик муҳимлигини муносиб баҳолаш қийин. Бир меҳмонхона пулчисининг ўлик каламушга кўзи тушиб, ҳисобдан қандай адашиб кетганини ҳикоя қилаётib, Тарру одатдагига қараганда ноаниқроқ дастхатда қўшимча қиласди: «Савол: қандай қилиб вақтни беҳуда кетказмасликка эришиш мумкин? Жавоб: вақтнинг бутун узунилигини ҳис қилиш керак. Воситалари: тиш ҳакими қабулида, қаттиқ курсида ўтириб кунни кеч қилиш; якшанба куни тушдан кейин айвонда ўтириш; ўзинг тушунмаган тилда маъруза тинглаш; темирйўл маршрутининг энг узун ва энг нокулайини танлаш, бинобарин, поездларда тик туриб кетиш; театр туйнуклари олдида навбатда сарғайиш ва томошага чипта олмаслик ва ҳ.к., ва ҳ.к. Лекин кундаликларда фикр ва услубнинг бунаقا сакрашларидан сўнг шаҳримиз трамвайлари, вагонларнинг шакли тўғрисида маълумот берилгач, уларнинг ноаниқ-қўнғир рангта бўялгани, доим ифлослиги таъкидланиб, мазкур мулоҳазалар «Булар эътиборга лойик!» деган қайдлар билан якунланадики, можиятан олганда, ҳеч нарсани билдирамайди.

Ҳар қалай, Таррунинг ёзувларида каламушлар воқеаси ҳақида ҳам эслатма бор, унинг сўзларини келтирамиз.

«Бугун рўпарада яшайдиган бобойчанинг кайфияти чиндан тушкун. Мушуклар кўринмай қолди. Улар кўчада ётган юзлаб каламуш ўлигидан кўрқиб, чиндан ҳам, ғойиб бўлди. Менингча, мушуклар умуман кала-

муш ўлигини емайди. Ҳар қалай, ўзимнинг мушукларим бунақа зиёфатдан қатъиян бош тортганини эслайман. Ишқилиб, балки мушуклар ертўлаларда санғиб юришгандир, бобойчанинг кайфияти бузуқлиги шундан. Ҳатто таранишга ҳафсала қилмабди, ўзини бирдан олдириб қўйгани билиниб турибди. У бир неча дақиқа кутди-да, уйига қайтиб кирди. Лекин хайрлашиш олдидан бари бир тупурди – бўшлиққа тупурди.

Шаҳарда бугун бир трамвай тўхтаб қолди, қай гурдандир кириб қолган каламуш ўлигини топиб олишди. Икки-учта аёл шу заҳоти тушиб кетишиди. Трамвай йўлида давом қилди.

Меҳмонхонамиизда тунги қоровул – жуда ишонса бўладиган одам – менга каламуш босқинидан ҳар хил фалокат кутаётганини айтди. «Каламушлар кемани тарқ этса...» Мен, бу гап кемалар борасида тўғри, лекин шаҳарлар масаласида уни исботлаш керак, деб эътиroz қилдим. Аммо уни гапидан қайтаролмадим. Ундан, сизнингча, бизни қанақа фалокат кутяпти, деб сўрадим. Ўзи ҳам билмас экан; айтишича, фалокатни олдиндан билиш мумкин эмас. Лекин ер қимиirlаса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Мен, бўлиши мумкин, деб қўшилдим, у мендан, бунақа истиқболдан кўрқмайсизми, деб сўради.

– Мен учун энг муҳими, – дедим мен, – ўз ички дунёмга эга бўлиш.

Ва қоровул мени жуда яхши тушунди.

Меҳмонхонамииз ресторанида дикқатга лойиқ бир оилани кўп кўраман. Ота – дароз, ориқ, қора кийимга мос қотириб крахмалланган қадама ёقا тақади. Боши тепакал, кулоқлари устида ўнг ва сўл ёғидан бир тутам оқ сочи диккайган. Кўзи кичкина, думалоқ, қаттиқ, файритабиий узайган оғзи уни баодоб бир укки қиёфасига солади. У ҳар гал ресторан эшигини

ланг очади-да, кесакига қисилиб, қора сичқончадай кичкинагина хотинини олдинга ўтказади, унинг ортидан цирк кучукчаларига ўхшаган ўғил билан қизалоқ йурғалайди. Стол олдида у хотинининг ўтириши, кейин иккита кучукчанинг курсига чиқиб олишини кутиб туради. Хотини, болаларига «сиз» деб гапиради, рафиқасига ҳар хил киноя ҳадя этади, болаларига амирона тусда гап уқтиради:

– Никол, сизга қарашиб ўта даражада ёқимсиз.

Қизча зўрга кўз ёшлирини тийиб туради. Отасига эса шу керак.

Бугун эрталаб ўғил сира жойида ўтиrolмади, каламушлар воқеаси уни шунча ҳовлиқтириб юборган экан. Сабри чидамай, ҳикоясини бошлашга уринди.

– Овқат устида каламушни гапирмайдилар, Филип. Сизга биринчи ва охирги марта «каламуш!» деган сўзни айтишни ман этаман.

– Отангиз мутлақо ҳақ, – деб қувватлади қора сичқон.

Иккала кучукча ҳам паштет солинган ликопчага бурнини тиқди, укки хотинига қандай хоҳласа, шундай тушунадиган маънода бош ирғаб, миннатдорлик билдириди.

Тақлидга арзийдиган ибрат, лекин бутун шаҳар каламушларни гапираёттир. Ҳатто рўзномалар ҳам бу ишга бош кўщди. Одатда ўта хилма-хил ҳодисалар баёнидан тузиладиган шаҳар ахбороти бўлими энди муниципалитетга қарши қатъий кураш олиб боряпти. «Шаҳар каттаконлари кемирувчилар ўлигининг кўчаларда сасиб ётиши қандай хавф түғдираётгани ҳақида ўзларига ҳисоб берадими?» Меҳмонхона мудири каламушдан бошқа нима ҳақида гапиришни ҳам билмай қолган. Бу гапга бунча ёпишиб олганига ажабланмаса ҳам бўлади. У шундай

муҳташам меҳмонхонанинг кираверишидан каламуш топилганини сира ақлига сифдиrolмайди. Унга таскин бериш учун, «ҳозир ҳамманикда каламуш бор», дедим.

– Гап шунда-да, – деб жавоб қилди, – энди биз ҳам ҳамма қаторига тушдик.

Шаҳарда хавотир түғдирган номаълум безгак ҳодисалари тўғрисида ҳам менга шу одам айтиб берди. Унинг оқсоchlаридан бири ҳам шу касалга чалинибди.

– Лекин аниқ, юқумли касал эмас, – деб у шоша-пиша ишонтириди.

Менга фарқи йўқ, дедим.

– Ў, тушунаман. Жаноб ҳам менга ўхшаб тақдирга ишонади.

Мен ҳечам бунаقا деганим йўқ, қолаверса, мутлақо тақдирга ишонувчи эмасман. Ўзига ҳам шундай деб айтдим...»

Шу кундан бошлиб Таррунинг кундаликларида аҳолини аллақачон ваҳимага солган сирли безгак тўғрисида ундоқ ёки бундоқ маълумотлар пайдо бўлади. Ҳалиги, шаҳарда каламушлар йўқолгандан кейин яна мушуклар пайдо бўлгани боис ўзининг тупуриш борасидаги мерғанилик маҳоратини оширишда давом қилаётган бобойча тўғрисидаги ёзувдан сўнг Тарру бу безгакка охири одатда ўлим билан тугаган ўнлаб мисолларни келтириш мумкин, деб қўшимча қиласди.

Бернар Риэ ҳакимнинг Тарру бир нечта сатрда тавсифлаган қиёфаси қимматли ҳужжат ўрнини босади: ҳикоячининг ўзи тан олгандай, мазкур портрет жуда аслига мос.

«Кўринишидан ўттиз бешларда. Ўрта буй. Елкадор. Юзи қарийб чорбурчак. Кўзлари қора, нигоҳи тиник, ёноқлари туртиб чиққан. Бурни гўштдор, тўғри бичимда. Сочи қора, жуда калта олинган.

Оғзи аниқ чизгили, лаблари дүрдөк, доим қатый қимтилган. Сал-пал Сицилия деҳқонига ўшшаб кетади – ўшалардай офтобда куйган, даҳани қопқора, устига устак, доим қора кийиниб юради, айтиш керак, ўзига ярашади.

Тез юради. Кўчаларни секинламай кесиб ўтади, ҳар гал олдидағи йўлакка шундай ўта қолмайди, балки чаққон сакрайди. Машинани фаромуш ҳайдайди, ҳатто керакли томонга қайрилиб олгандан кейин ҳам, бурилиш чироғини ўчиришни тез-тез унтиб юради. Доим бошланг. Кўринишидан кўп нарсани биладиган одамга ўхшайди».

Тарру келтирган рақамлар ҳам ҳақиқатга тўла мос тушади. Бошқаларни кўяверинг, лекин Риэ ҳаким буни билади. У эшикбоннинг жасади изоляторга ўтказилгандан кейин, қовуқдаги ўсмалар хусусида маслаҳатлашиш учун Ришарга сим қоқди.

– Ўзим ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деб тан олди Ришар. – Менда ҳам иккитаси ўлди, бирори икки суткада, бирори учинчи куни. Лекин эрталиб кўрувдим, аҳволи анча тузук бўлган эди.

– Агар шунаقا ҳодиса бўлса, менга айтсангиз, – деб илтимос қилди Риэ.

У яна бошқа ҳакимларга ҳам сим қоқди. Суриштиришидан билдики, кейинги бир неча кунда шунаقا касалликдан йигирматача бўлган. Қарийб ҳаммаси ўлим билан тугаган. Шунда Риэ яна Ришарга, Оран ҳакимлари жамияти котибига сим қоқди ва янги тушган касалларни алоҳида ажратишни талаб қилди.

– Менинг қўлимдан нима ҳам келади, – деди Ришар. – Шаҳар ҳукумати чора кўриши керак. Бу касаллик юқумли деган фикрни қаёқдан олдингиз?

– Ҳеч қаёқдан. Шунчаки аломатлари ўта хавфли.

Лекин Ришар, бу масалада «етарлича мутахассис» эмасман, деди. Унинг қўлидан фақат бир нарса – префект билан гаплашиш келади.

Музокаралар давомида ҳаво ҳам айнаб берди. Эшикбон ўлган куннинг эртаси бутун осмонни қалин туман қоплади. Шаҳарга шиддатли жала куйилди. Сершовқин жала, худди чақиндан далолат бергандай, жазирама билан ўрин алмашди. Ҳатто дengиз ҳам қорамтири-ложувард тусини ўзгартириб, кулранг осмон тагида кумуш, тўғрирофи, эриган пўлат рангидаги товланиб, кўзларга оғриқ берди. Бу йилги кўкламнинг намхуш жазирамаси олдида ҳатто ёзги саратон ҳам авло бўлиб қолди. Ясси тоғликда шиллиққуртдай ётган, дengизга салгина очилган шаҳар қовоқ солиб серрайганча қотиб қолди. Чолдеворларнинг поёнсиз қаторлари, чанг босган пештахталарнинг берккўчалари, ифлос-сарғиши трамвайлар орасида қисилиб қолган одамлар ўзларини бу осмонга банди қилингандай ҳис этдилар. Фақат бир чол, Риэ ҳакимнинг мижози шод-хуррам эди – бунаقا ҳавода у дамқисмадан кутуларди.

– Куйдиряпти! – деб қайта қайта айтарди у. – Нафас йўлларига фойдаси катта.

Чиндан ҳам куйдира, лекин шунчаки куйдираётгани йўқ, балки худди безгакдагидай ҳам куйдирив, ҳам ёндираётган эди. Бутун шаҳар безгак иситмасида эди, ҳар ҳолда, Риэ ҳаким Федерб кўчасига, Коттарнинг ўз жонига қасд қилиши хусусида терговда қатнашишга бораётиб, шундай таассуротда эди. Лекин шу заҳоти у бунаقا таассуротни бўлмагур деб топди. Риэ бу ўйларни асаблари толикқанига, ташвиши бошдан ошганига йўйди ва ўзимни кўлга олиб, фикрларимни тартибга солишим керак, деган қарорга келди.

У Федерб кўчасига миршабхона комиссаридан олдин борди. Гран уни зинада пойлаётган экан,

иккаласи уницида кутиб туришга, эшикни эса очиқ күйишга келишицди. Мэрия хизматчиси жуда күримсиз жиҳозланган икки хонали уйда яшар экан. Фақат устида икки-учта лугат ёттан, бўялмаган ёюч раф ва девордаги чала артилган «қийроҳ хиёбонлар» деган ёзув кўзга ташланиб турган грифел тахта бор эди, холос. Граннинг айтишича, Коттар кечаси тинч ухлабди. Аммо эрталаб боши оғриётганидан нолибди ва умуман у Гранга қанақадир ланж аҳволда кўринибди. Граннинг ўзи ҳам толикқан, асабий эди: хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, столдаги қоғозга лиқ тўла жилдни очиб ўтиб, қайтаётганида ёниб келар эди.

Юришдан тўхтамай у ҳакимга, моҳияттан олганда, Коттарни қариб билмаслиги, лекин ўзига яраша жамғармаси бор деб, тахмин қилишини айтди. Умуман, Коттар – ғалати одам. Иккаласи кўпдан бери ёнма-ён туришади, лекин эшикда учрашганда бош иргашдан нарига ўтмайдилар.

– Аниқ айтсан, у билан бор-йўғи икки марта гаплашганман. Тўрт-беш кун олдин долончада бўр солинган кутини қўлимдан тушириб юбордим. Қизил, кўк бўр эди. Шу пайти Коттар чиқиб қолди, йиғиширишга ёрдам берди. Ҳар хил бўрни нима қиласиз, деб сўради.

Гран шунда лотин тилидан хотирасини тикламоқчи эканини айтди. У лотинчани мактабда ўқиган, лекин анча унутиб кўйган эди.

– Айтгандай, – деди у ҳакимга, – лотинчани ўрганиш французча сўзларнинг маънисини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, дейишади.

У тахтага бир нечта лотинча сўзларни ёзади. Кўк бўр билан сўзларнинг тусланиш ва турланиш қоидалари бўйича ўзгарган бўлакларини, қизили билан эса ўзгармайдиган бўлагини ёзади.

– Коттар гапимни тушундими, йўқми, билолмадим, ишқилиб, қизиққандай бўлди-да, мендан қизил бўр

сүраб олди. Мен, албатта, ҳайрон бўлдим, лекин охир-оқибат... Мен унинг бўрни шу ўйлаб қўйган ниятига ишлатишини олдиндан билолмайман-ку.

Риэ иккинчи сұхбат нима ҳақда бўлганини сўради. Лекин шу пайти котиби ҳамроҳлигида миршабхона комиссари келиб қолди ва олдин Граннинг кўрсатмаларини эшитмоқчи эканини айтди. Ҳаким Гран Коттар ҳақида гапираётганда, уни «умидсизликка тушган одам» деб атаётганига диққат қилди. У ҳатто «муқаррар қарор» деган иборани ҳам тилга олди. Гап ўз жонига қасд қилишнинг сабаблари тўғрисида кетаётган эди, Гран сўзларни танлашда ўта эҳтиёткорлик кўрсатди. Нихоят кўплашиб «Интим табиатдаги тушкунлик», деган иборани танлашди. Комиссар Грандан у «қарор» деб айтаётган нарса Коттарнинг шунгача қилган хатти-ҳаракатларида сезилганмиди, деб сўради.

– Кеча у менинг эшигимни тақиллатди, – деди Гран, – гутурт сўради. Қутиси билан бердим. У бозовта қилгани учун узр сўради. Майли энди, ҳар ҳолда, қўшнимиз... Кейин ҳозир гутуртингизни қайтариб бераман, деди. Мен, олаверинг, дедим.

Комиссар Грандан, бу хатти-ҳаракати фалати кўринмадими, деб сўради.

– Бир нарса – гўё мен билан ҳангомалашишни хоҳлагандай бўлгани фалати кўринди. Лекин худди шу пайти ишим қисталанг эди.

Гран ҳакимга ўтирилди ва хижолат билан изоҳ берди:

– Ўзимнинг ишим.

Комиссар касални кўрмоқчи бўлди, лекин Риэ аввал Коттарни огоҳлантириш зарур, деган фикрга келди. Риэ уйга кирганда, фланел пижамада ётган Коттар қаддини кўтарди ва эшикка ҳадиксираб қаради:

– Ҳа, миршабми?

— Ҳа, — деди Риэ, — лекин ҳаяжонга тушиш керак эмас. Бор-йўғи бир-икки расмиятчилик — кейин сизни безовта қилишмайди.

Лекин Коттар, сира керак эмас, энг ёмони, миришабларни кўргани кўзим йўқ, деб эътиroz қилди. Риэ сабрсиз қўл силтади.

— Менинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ. Лекин бу ишни тезроқ тамомлаш керак, шунинг учун сўраганларга лўнда қилиб, тез-тез жавоб беринг.

Коттар индамай қолди ва ҳаким эшикка бурилди. Лекин бемор шу заҳоти уни ёнига чақириб, кўлидан ушлаб олди:

— Ҳаким, айтинг-чи, ўзини осмоқчи бўлган беморни олиб кетиш мумкин эмас, а, тўғрими?

Риэ унга бир дақиқача тикилиб турди, сунгра бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, мен ҳам бу ерга ўз мижозимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун келдим, деб ишонтириди. Бемор тинчлангандай бўлди, Риэ комиссарни чорлади.

Коттарга Граннинг кўрсатмаларини ўқиб бердилар, кейин шу қилган ишининг сабабларини аникроқ айтишни сўрашди. У комиссарга қарамай, «интим табиатдаги тушкунлик — жуда яхши айтилган», деб тасдиқлаб турди, холос. Шунда комиссар, Коттар яна шу ишни қилмасмикан, деб сўради. Коттар кўтаринки руҳда энди хаёлига ҳам келтирмаслигини, фақат бир нарсани — тинчини бузмасликларини истаётганини айтди.

— Рухсат берсангиз, эслатиб қўйсам, — деб зарда қилди комиссар, — бу вазиятда айни сиз бошқаларнинг тинчини бузяпсиз.

Риэ унга секин имо қилди, комиссар гапдан тўхтади.

— Йўқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, — деди комиссар долончага чиққанларидан кейин, — ўзи ташвиш бошдан ошиб ётибди, айниқса ҳозир, хусусан шу

безгак билан...

У ҳакимдан шунча жиддийми ўзи, деб сўради. Риэ, ўзим ҳам билмайман, деди.

— Барига об-ҳаво сабаб, ҳамма фалокат шунда, — деб хулоса қилди комиссар.

Албатта, ҳаммасига об-ҳаво айбдор. Кун исигандан исиди, нарсалар худди кўлга чиппа ёпишиб қоладигандай эди ва Риэ ҳар галги ташрифидан сўнг шубҳасига кўпроқ ишона бошлади. Шу куни кечкурун у эски дамқисма мижозининг қўшни-синикига кирди ва уни алаҳлаб, қовугини чангллаганча, зўр бериб қусиб ётганини кўрди. Лимфа тугулари эшикбонникига қарагандан ҳам каттароқ, керккан эди. Битта чипқони пишган экан, ҳакимнинг кўз ўнгida худди чириган мевадай ёрилди. Риэ уйига қайтгач, департаментнинг дори омборига сим қоқди. Унинг ҳакимлик ёзувларида шу сана тагига: «Жавоб салбий» деган изоҳ берилган эди, холос. Ўзини худди шунаقا касалга чалинган янги мижозларига чақиртириб қолган эдилар. Бир нарса — фасод яраларни кесиш кераклиги аниқ эди. Ланцет билан икки марта хочга ўхшатиб тилинса — шишдан қон аралаш патос оқади. Беморлар қонга беланиб, худди парчинлангандай ётар эдилар. Қоринларига, оёқларига доф тошади, ярадан патос оқиши тўхтайди, кейин яна керкиб кетаверади. Кўп ҳолларда bemор даҳшатли сассиқ ичида ўлиб кетади.

Каламуш машмашасини ҳар мақомга солиб юрган рўзномалар энди оғзига талқон согандай жим эди. Бу ҳам тушунарли: каламушлар кўчада ўлган, одамлар эса уйларида ўлаётган эди. Рўзномалар эса фақат кўча билан иш кўради. Лекин волийлик билан муниципалитет ўйга тушиб колди. Ҳар бир ҳаким ўз амалиётида икки-учтадан номаълум касаллик ҳодисасига дуч келмагунча, ҳеч ким қўлинни совуқ сувга урмади. Лекин кимдир қилган оддий

ҳисоб-китоб етарли бўлди – хуроса ҳамманинг ақлини шошириб қўйди. Бир неча кун ичида ўлим ҳолатлари кўпайди ва бу сирли хасталикка рўпара келган одамларга энди гап ҳақиқий эпидемия тўғрисида кетаётгани аён бўлди. Худди шундай вақтда Кастел, ёши ўтиб қолган ҳаким, ҳамкасби Риэ билан гаплашиб олгани келди.

– Риэ, бунинг нима эканини билсангиз керак? – деб сўради.

– Текширишлар натижасини кутмоқчиман.

– Мен шусиз ҳам биламан. Энди ҳеч қандай текширишга ҳожат йўқ. Куп йил Хитойда ишладим, қолаверса, йигирма йил олдин Парижда ҳам шунаقا бир нечта воқеани кузатганман. Ўшанда касалликни ўз номи билан аташга чўчишган эди. Жамоат фикри – энг муқаддас нарса, ваҳима чиқмасин, энг муҳими – ваҳима. Яна бир ҳаким менга шундай деган: «Ақлга сифмайди, бу касаллик гарбда тамом йўқолиб кетган-ку». Нима касаллик эканини шундан ўлиб кетганлардан бошқа ҳамма билар эди. Мана, сиз ҳам, Риэ, мендан кам билмайсиз.

Риэ ўйчил сукутда эди. Кабинет деразасидан олис кўрфазга бориб туташган қирғоқбўйи қоялари тизмаси кўриниб турарди. Осмон кўм-кўк бўлса ҳам, унинг ложувард бағрида кеч киришига ҳамоҳанг унниқаётган, қанақадир хира товланиш кўзга чалинарди.

– Ҳа, Кастел, – деб гап қотди у, – бари бир, ишониш қийин-да. Лекин, аломатларига қараганда, бу – вабо.

Кастел ўрнидан турди ва эшикка қараб юрди.

– Нима деб жавоб қайтаришлари ўзингизга маълум, – деди кекса ҳаким. – «Иқдими мўътадил мамлакатларда аллақачонлар йўқолиб кетган».

– «Йўқолиб кетган» дегандан, моҳиятан олганда, нима маъно чиқади, – деб кифтини қисди Риэ.

– Ҳа, тасаввур қилинг, йүқөлган. Лекин унутманг: йигирма йилча олдин Парижнинг ўзида...

– Майли, ўша ерда бўлгандай, бизда ҳам осон ўтиб кетар, деб ният қилайлик. Лекин ишониш қийин-да.

«Вабо» деган сўз биринчи марта тилга олинди. Энди Риэ ҳакимни кабинети деразаси ёнида қолдириб, унинг иккиланишлари ва ҳайронлигини оқлаш мақсадида бир чекиниш қиласак, қолаверса, унинг дастлабки фикри ҳам, агар баъзигина фарқларини истисно демасак, бошқа ҳамтабааларимиз фикридан айтарли ажралиб турмас эди. Табиий офат ўзи асли одатий нарса, ҳатто бошимизга тушган кезда ҳам унга ишонишингиз қийин. Дунёда уруш, вабо деганлари доим бўлиб туради. Лекин, одатда уруш ҳам, вабо ҳам одамларни фафлатда қолдиради. Вабо бошқа ҳамтабааларимиздай, Риэ ҳакимни ҳам фафлатда қолдирди, шунинг учун, келинг, унинг иккиланганини ҳам тушунишга ҳаракат қилайлик. Яна унинг нега сукут сақлагани, иккиланишларининг умидворликка айланганини ҳам тушунишга уриниб кўрайлик. Уруш бошланиб қолса, одамлар: «Э-э, унча чўзилмайди, чунки бу ўтакетган нодонлик», дейишади. Чиндан ҳам, аслида уруш – ўтакетган нодонлик, лекин, бари бир, нодонлиги унинг чўзилишига тўсиқ бўлолмайди. Умуман олганда, нодонлик – ҳаддан ортиқ событ нарса, агар фақат ўзингизни ўйлаб қолмасангиз, буни тушуниш унча қийин эмас. Бу жиҳатдан ҳамтабааларимиз ҳамма одамлардай иш тутдилар – фақат ўзларини ўйладилар, бинобарин, бу жиҳатдан инсонпарварлик қилдилар: Оллоҳ ғазабига ишонмадилар, қандайдир ақлга зид, бошқа дунё, бир ёмон туш-да бу, ҳадемай бу офат ўтиб кетади дейишди. Лекин туш ўтиб кетмайди, бир ёмонидан иккинчисига уланади, орада одамлар, биринчи галда эҳтиёт чораларини

менсимаган инсонпарварлар ўлиб кетади. Бу борада ҳамтабааларимиз бошқалардан айбдорроқ эмас, шунчаки улар камтарликни унутиб, бизга ҳамма нарса мумкин, бинобарин, табиий оғатлар бўлиши мумкин эмас, деб ишонган эдилар. Улар илгариgidек иш ишлаб, саёҳатларга шайланиб ва ҳар бир нарса ҳақида ўз фикрларига эга бўлиб юрган эдилар. Вабо келажакни, саёҳатларни, мулоқотларни бирдан тақиқлаб қўйса, бунга ишониб бўладими, ахир! Ҳамтабааларимиз ўзларини эркинмиз деб ҳисобладилар, лекин оғат бўлиб турган пайтда ким ҳам эркин юра олади.

Риэ ҳатто дўсти Кастелга шаҳарнинг тури бурчакларида ўнларча касаллар ҳеч кимга ҳеч нарса демай, таппа ўлиб бораётганинни тан олган кезда ҳам хавф-хатар илгариgidай ақлдан ташқари туолар эди. Шунчаки, сен ҳаким бўлсанг, азобланиш нималигини оз-моз билсанг, шунинг ўзиёқ хаёлинга кўп нарсаларни олиб келади. Деразадан сира ҳам ўзгармаган шаҳарга термилиб турган ҳаким таҳлика деб аталмиш келажакка нисбатан ўзида жиддий нафрат уйғонаётганини сезмаган ҳам бўлса керак. Ҳаким хаёлан бу касаллик ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммасини битта қилиб жамлашга уринди. Ҳакимнинг хотирасида рақамлар айқаш-уйқаш қўзғалди ва у тарихда юз миллион жонни нобуд қилган таҳминан ўттизгача катта вабо эпидемияси бўлган, деб ўзига ўзи уқтириди. Лекин юз миллион ўлик нимани билдиради? Урушни бошингдан ўтказсанг, битта ўлик нималигини тасаввур этишинг қийин бўлади. Агар уни ўлик ҳолда кўрсанг, ўлган одам ҳам кўз олдингда бир салмоқقا эга бўлади, лекин башар тарихида сочилиб ётган юз миллион ўлик, моҳиятан олганда, хаёлни пардалаб қўядиган бир туман, холос. Ҳаким Қустантаниядаги вабо, Прокопийнинг шоҳидлигича, ҳар куни ўн минг одамни олиб кетганини эслади. Ўн минг ўлик дегани, айтайлик, йирик

кинотеатр томошабинларидан беш карра кўп. Мана, қандай қиласа бўлади. Бешта кинотеатрдан чиқаётган томошабинларни бир жойга тўплаб, шашар майдонига олиб бориш керак-да, ҳаммасини бирдан ўлдириш керак. Бу лойиҳани амалга ошириб бўлмайди, кейин уларнинг ўн минг эканини қандай биласиз? Бундан ташқари, Прокопийга ўхшаган одамлар санашни билмаган. Кантонда етмиш йил олдин ҳалокат одамларнинг бошига тушгунча қирқ минг каламуш ўлган. Лекин 1871 йили каламушлар сонини аниқ ҳисоблаш имкони йўқ эди. Тахминан, тўда-тўда қилиб ҳисоблаганлар, албатта, ҳисобда хатога йўл қўйганлар. Шунда ҳам бир каламушнинг узунлиги ўттиз сантиметргача чиқса, қирқ минг каламушни бир сафга тизсак, сафнинг узунлиги...

Аммо шу ерда ҳакимнинг бардоши етмади. Ҳаёлига ҳаддан ортиқ эрк бериб юборди, бундай қилмаслик керак. Бир-икки ҳодиса – ҳали эпидемия эмас, зарур чоралар кўрилса – бас. Масалан, ступор, рухий тушкунлик, кўз қизариши, лаб кўкариши, бош оғриғи, без керкиши, қаттиқ ташналик, алаҳлаш, танадаги доғлар, ичини парчинлангандай сезиш каби аломатларга қаралса, охир-оқибатда...

Охир-оқибат Риэ ҳаким дарсликда ёзилган аломатларни хаёлига келтирди: «Юрак уриши ипсимон бўлиб қолади ва ҳар қандай, ҳатто арзимас ҳаракат ҳам ўлимга олиб боради». Ҳа, охир-оқибат ҳаммамиз ҳам ипга илиниб қолганмиз ва бирдан одамларнинг уч чораги ўзларини ҳадемай уларни нобуд этадиган ўша арзимас ҳаракатни қилмоқча тайёр турибди.

Ҳаким ҳали ҳам деразага қараб турган эди. Ойнанинг нариги томонида – очиқ кўклам осмони, бу томонида эса ҳануз акс-садо бераётган сўз – «вабо». Бу сўз фан унга жо этган маънодан ташқари, агар бир пайтнинг ўзида ҳам бадқовок, ҳам баҳ-

тиёр бўлиш мумкин бўлса, моҳиятан, баҳтли, шу кезда жонланган, гала-ғовурдан кўра кўпроқ возилаб ётганга ўхшайдиган бўз-сариқ шаҳримиз қиёфасига сира ёпишмайдиган, чеки-поёни йўқ ғайриоддий манзараларни ҳам ўзига яшираётган эди. Вабога чалинган, кушлари тарк этган Афина, унсиз ўлаётган одамларга тўла Хитой шаҳарлари, ҳали қони оқаётган ўликларни ҳандақларга улоқтираётган марселлик каторгачилар, вабонинг қаҳрли ҳамласини қайтариш учун тикланаётган улуғ Привансал девори, Яффадаги ирганч қашшоқлар, Кустантания касалхоналарида тўғри ерга тўшалган намиқ, чириётган бўйралар, чангак билан судраб кетилаётган вабога чалингандар, қора ўлат кунлари никоб кийган ҳакимлар карнавали, Милан гўристонларида зино қилаётган тириклар, даҳшатга тушган Лондон кучаларидаги ўлик ташийдиган аравалар ва одамларнинг оҳ-фарёдидан зириллаб кетган барча кундуз, барча кечалар – кўпдан маълум оғатлар манзараси бу хотиржамликни, ҳамма нарсага бефарқ осойишталиқни бир ҳаракат билан йўққа чиқарар эди. Йўқ, бугунги бамайлихотирликни ҳатто буларнинг ҳаммаси бузолмас экан. Бирдан ойнанинг у томонида бу ёқдан кўринмаётган бир трамвай тинфирилади ва шу заҳоти тошбагирлик ва укубатни бекор қилиб юборди. Фақат шатранж тахтасига терилгандай кўринаётган уйларнинг нарё fidаги денгизгина эҳтимол дунёда ҳали ҳаловат нималигини билмайдиган, доим таҳдид соладиган нимадир борлигидан шаҳодат берарди. Ва Риэ кўрфазга қараб туриб, Лукрсий айтиб ўтган гулханларни эслади – касалдан қўрқсан афиналиклар денгиз бўйига гулханлар ёқишиган. Кечалари бу ерга ўликлар чиқарилар, лекин қирғоқда ҳам жой етмай, тириклар ўз яқинлари учун оловдан жой олиб бериш, уларни кўчада қолдирмаслик учун ҳар қандай қонли

олишувлардан тап тортмас, кўлларидағи машъалалар билан жанг қилишар экан... Сувларнинг қоп-қора ойнаси ёнида ловулаётган гулханлар, машъалалар жанги, сукунатда чарсиллаётган учқунлар, қаҳрли эниб турган осмонга тикка ўрлаётган заҳарли қуюқ тутунларни тасаввур этиш унча қийин эмас. Қалтироқ босмай илож йўқ...

Лекин бу ақддан озиш оқиллик далиллари қаршисида ожиз қолади. «Вабо» деган сўз тилга олинди – бу ҳақиқат, айни шу дақиқада қамчин шувиллаб, бир-иккита курбонни йикитди. Лекин нима бўпти – ҳали уни тўхтатишга кеч эмас. Энг асосийси – англаш керак бўлган нарсани аниқ-равшан англаш, беҳуда хаёлларни нари қувиб, зарурий чораларни куришдир. Шундагина вабонинг йўли кесилади – ахир, одам вабо нималигини тасаввур қиломайди ёки нотўғри тасаввур қиласди. Агар вабонинг йўли кесилса, шундайлиги эҳтимолга яқинроқ, қолгани из-изига тушиб кетади. Акс ҳолда, одамлар вабо нималигига, кейин уни енгиш учун аввал унга кўниши воситалари бор-йўқлигига үрганиб қоладилар.

Ҳаким деразани очди, уйга шаҳар шовқини ёпириади. Ёнбошдаги устахона олдидан арамошиннинг қисқа – бир текис чийиллаши эшитилди. Риэ ўзини тутиб олди. Ҳа, бир нарсагина ишонч туғдиради – ҳар кунги иш. Қолган – 8042 ҳаммаси ипга илинган, ҳаммаси ўша арзимас ҳаракатга тобе. Бунга ёпишиб ололмайсан. Мухими – ўз ишингни яхшилаб ишлаш.

Риэ ҳаким Жозеф Гран келганини айтишган пайти худди шу ҳақда ўйлаётган эди. Гран мэриядада ишлаб, у ердаги хилма-хил ишларни бажариб юрса-да, унга вақти-вақти билан, энди хусусий хизматчи сифатида, статистик жадваллар тузиш ҳам топширилар эди. Ҳозир ҳам шундай, ўлим ҳодисалари ҳисобини

олиб бораёттган эди. Сўзида турадиган одам бўлгани учун ҳам у ҳисоблари нусхасини ҳакимга ўзи олиб келди.

Гран билан қўшниси Коттар ҳам келди. Гран остоңадаёқ бир варақ қофозни силкитди.

– Рақамлар ўсяпти, ҳаким, – деб маълум қилди, – кейинги қирқ саккиз соат ичидага ўн битта ўлим.

Риэ Коттар билан саломлашиб, соғлигини сўради. Гран Коттарнинг ўзи қўшилгани, ҳакимга миннатдорлик билдириб, ортиқча ташвишга қўйганига узр сўрамоқчи эканини айтди. Лекин Риэ аллақачон рўйхатга мук тушган эди.

– Хў-ўш, – деди у чўзиб, – касалликни ҳақиқий номи билан атайдиган вақт келди шекилли. Шунча пайсалга солдик. Юринг мен билан, лабораторияга кириб ўтишим керак.

– Тўғри, тўғри, – деб уқтириди Гран, зинада докторнинг ортидан тушиб келаётиб. – Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ керак. А, бу касалликка қандай ном бермоқчисиз?

– Ҳозирча сизга номини айтольмайман, кейин сизга кераги ҳам ийк.

– Кўряпсизми, – деб жилмайди Гран. – Айтиш унча ҳам осон эмас.

Улар Аслача майдонига боришли. Коттар ҳануз сукутда эди. Кўчада одамлар пайдо бўла бошлади. Қисқа умрли фира-шира, – бизда бошқачаси бўлмайди ҳам, – тун қароси билан алмашган, ҳали ҳам ёруғ осмонда илк юлдузлар чиққан эди. Бир неча сониядан кейин кўча чироқлари чараклади, шу заҳоти осмонни қора парда қоплаб, гала-ғовур баландлаб кетди.

– Кечирасиз, лекин мен трамвайдага кетаман, – деди. Гран, иккови Аслача майдони бурчагига боргандаридан кейин. – Кечкурун – мен учун муқаддас. Бизнинг ватандагилар шундай дейишади: «бугунги ишни эртага қўйма...»

Риэ асли монтелимарлик Гранинг гагираётганда жойи келса ҳам, келмаса ҳам, гап орасида маҳаллий ибораларни ишлатиши ва яна албатта «сехрли ҳаво» ёки «фусункор ёруғлик»ка ўжшаган доим айтиладиган бачкана сўзларни қўшиб ўтишига биринчи марта эътибор бераётгани йўқ.

— Туғри,— деб гапни илди Коттар. — Уни тушдан кейин уйидан қувиб ҳам чиқариб бўлмайди.

Риэ Грандан, кечқурунлари мэриянинг ишини қиласизми, деб сўради.

Гран, йўқ, деди, ўз ишини қилади.

— Э-э, — деди Риэ чўзиб, шунчаки бир гап айтиш учун, — хўш, қалай, иш силжияптими?

— Кўп йилдан бери ишлайман, демак, силжиётган чиқар... Лекин, бундай қаралса, алоҳида муваффақият кўринмайди.

— Ўзи нима билан шуғулланасиз, — деб тўхтамай сўради Риэ.

Гран мубҳам ғулдиради-да, диккайган қулоқлари устига думалоқ шляпасини бостириди... Риэ гап қанақадир шахсий, ўз маҳоратини ошириш ҳақида кетаётганини сал-пал англади. Лекин Гран аллақачон хўшлашиб, Марни хиёбони журмолари тагида пилдираб бораётган эди. Лаборатория эшиги олдида Коттар ҳакимга яна бир марта кўришиб, маслаҳат сўрамоқчи эканини айтди. Риэ чўнтаgidаги жадвални асабий ғижимлаб, Коттарга эртага кечқурун қабул тайинлади-ю, лекин шу заҳоти имкони йўқлигини эслаб, индинига ўзи уларнинг маҳалласига бориши, уникига ҳам кириб ўтишини айтди.

Ҳаким Коттар билан хайрлашгач, ўзининг шунча вақтдан бери Гранни ўйлаётганини пайқади. У Гранни вабо эпидемиясининг қоқ ўртасида — ҳозиргидаи бехавфроғида эмас, балки тарихда қолган бирон-бир катта ўлатнинг қоқ жаҳаннамида тасаввур қилди. «У вабо аядиганлар тоифасидан».

Риэ шу ернинг ўзида қай бир вақтлари: вабо нимжон одамларга шафқат қиласи ва биринчи галда паҳлавон келбатли одамларга ташланади, деб ўқиганини эслади. Ҳаким шуни ўйлаб туриб, Граннинг кичкинагина бир сири борга ўхшайди, деган фикрга келди.

Биринчи қараашда Жозеф Гран энг оддий хизматчи эди. Дароз, қотма, гавдасидан кенгрөқ костюмда юради. Атайлаб, шунақаси күпроқ чидайди, деган ниятда бир ўлчов каттарогидан олса керак. Пастки тишлари яккам-дуккам қолган, лекин юқоригилари битта қолмай тушиб кетган. Кулса, устки лаби бурнига сирилиб, оғзи қоп-қора туйнукдек очилиб кетади. Агар бу қиёфага семинаристга ўхшаб юриш, деворлар ёқалаб санъаткорона сирғалиб ўтиш, эшикларга билдиrmай кириб бориш ва яна ертўлаларнинг туриб қолган иси, тамаки ҳиди, камсуқум шахсларнинг барча хатти-ҳаракатини ҳам қўшсак, бунақа одамни столда ўтириб, ҳаммом-душхона муассасалари баҳономаларини текшираётгани ёки ёш иш юритувчи учун супуринди ва уй сарқитларини ташиш борасида янги ҳақлар хусусида маъруза тайёрлаётганидан бошқача тасаввур этиб бўлмаслигига сиз ҳам рози бўласиз. Энг содда кузатувчи ҳам, у бу дунёга мэриянинг кунига олтмиш икки франку ўтгиз сантим маошлиқ штатдан ташқари хизматчиси сифатида камтарона, аммо анча фойдали ишини бажариш учун келган деган фикрга боради.

Чиндан ҳам, Граннинг ўзи айтишича, унинг шахсий ҳужжатидаги «касби» деган катакка худди шундай белгилаб қўйилган. Йигирма икки йил олдин маблағ танқислигидан ўқув юртини диплом ҳам олмай тарк этиб, шу лавозимга ўтишга рози бўлганда, унга аттестацияга жуда яқин, деб шама қилган эдилар.

Фақат маълум вақт мобайнида шаҳар маъмурияти олдида кўндаланг бўладиган нозик масалаларда уддабуронлик қилишга тўғри келар экан. Кейин албатта иш юритувчи мавқеига кўтариласиз, деб ишонтирдилар, бу эса бемалол яшашга имкон берарди. Лекин Гран унча амалга интилмайди, буни ўзи ҳам синиқ илжайиб тан олади. Аммо тўкин-сочин, ҳалол яшаш истиқболи уни мафтун қилас, чунки шундагина ўзини хотиржам кўнгилда севимли машғулотига бағишилаши мумкин бўлар эди. У янги лавозимга фақат олижаноб мақсадда, таъбир жоиз бўлса, қандайдир ўз аъмолига азбаройи садоқат учун розилик берган бўлур эди.

Бу мужмал аҳвол кўп йилдан бери чўзилиб келаётган эди, бу орада ҳаёт ҳаддан ортиқ қимматлади, маошлилар бир неча марта оширилди, аммо Граннинг ойлиги ўша-ўша арзимаслигича қолаверди. У Риэга шуларни айтиб нолиди, ахир унинг аҳволини ҳакимдан бошқа ҳеч ким суриштирумайди. Худди шу борада Граннинг ўзига хослиги ёки, ҳеч бўлмаса, айрим хизматлари ойдинлашади. Аслини олганда, ўзи ҳам унча ишонмайдигаи ҳуқуқларини талаб этмаса ҳам, ҳар ҳолда, бошда берилган ваъдаларни пеш қилиши мумкин. Лекин, биринчидан, уни ишга чақирган канцелярия бошлиғи ўлиб кетган ва унинг амалини кўтаришни қанақа иборалар билан айтгани Граннинг ҳам эсида қолмаган. Муҳими, тўғрироғи, энг муҳими шундаки, Гран сўзларни қандай топиб ишлатишни билмайди.

Ана шу характерли белги, Риэнинг фаҳмлашича, Граннимизни яққол тасвирлаб беради. Айни шу жиҳати унинг кўпдан бери ўйлаб қўйган талабномасини ёзишга ёки шароитга қараб бошқа тадбирларга киришишига доим тўсқинлик қиласди. Агар ўзининг гапига ишонсак, у «ҳуқуқ» деган сўзни ишлатишга тўла қобил деб ҳисоблай олмайди, чунки бу тушун-

чанинг аҳамиятига ўзи ҳам ишонмайди, худди шундай, «ваъда» унинг учун тӯғридан-тӯғри ҳақини талаб қилишдек, бинобарин, шундоқ камсуқум лавозимдаги одамга мос тушмайдиган бир кўрсликка яқин сўздай эштилади. Бошқа бир жиҳатдан, «илтифот», «илтимоснома», «миннатдорлик» каби сўзларни ҳам Гран одамнинг ориятини камситади, деб ҳисоблайди. Мана, азбаройи аниқ ибораларни топишга ноқобиллигидан сочи оқарибди ҳамки, энг камтарона вазифаларни бажариб келаётир. Лекин, Граннинг ўзи Риэга айтганига кўра, асосан ўз талабларини топишига мослаштиргани учун ҳам, турмуши моддий жиҳатдан озми-кўпми, ҳар қалай, таъмин этилган. Шу билан у шаҳар мэри – Ораннинг йирик корчалони доим қатъяян, охир-оқибат (мэр шу «охир-оқибат» деган сўзга алоҳида ургу беради, чунки унинг мулоҳазалари ҳам қарийб шу сўзларнинг ўзидан ташкил топади), хўш, охир-оқибат, биронта одамнинг очидан ўлганини ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган, деб уқтирадиган ҳикматидаги ҳакиқатни тан олади. Ҳар ҳолда, Жозеф Граннинг қарийб зоҳидона турмуш тарзи, охир-оқибат, шунга ўхшаш талай ташвишлардан холи қиласди. У сўз ахтаришда давом этди.

Очиғини айтамиз, маълум маънода унинг ҳаёти ибратли бўлиши мумкин. У шаҳримизда ҳам, жавонибларда ҳам сийрак топиладиган, ўз туйгуларига жасорат билан бошини тикадиган одамлар тоифасига киради. Ҳакимга айтиб берган озгина нарсалари ҳам, унинг бугун ҳамма ҳам очиқ тан олавермайдиган яхшилик ва кўнгил боглашлардан бебаҳра эмаслигини кўрсатади. У жиянларини, биттаю битта синглисини яхши кўришини, ҳар икки йилда Францияга бориб, ундан хабар олишини тортинимай айтиб берди. Ёшлигидаёқ етим қолдирган ота-онасининг хотираси унинг дилида ҳали-ҳануз

оғриқ уйғотишини ҳам яширмади. Маҳалласида, ҳар куни роппа-роса соат бешда ниҳоятда ёқимли жааранглайдиган бир күнгироқни жуда эъзозлашини ҳам тан олди. Лекин у шу содда туйғуларни айтишга керак сўзларни топишда ҳам бисёр қийналди. Шу тариқа, охир-оқибат, сўз излаш машаққати унга асосий ташвиш бўлиб қолди. «Эх, ҳаким, – деди у, – фикримни ифода этишга ўрганишни шунчалар истайманки!» Ва у ҳаким билан учрашганда шу иборани такрорлар эди.

Риэ шу куни шомда, олислаб бораётган Гранга қараб туриб, бирдан унинг нимани назарда тутаётганини англади: бу хизматчи ё китоб ёзади, ё шунга ўжшаган бир иш савдосига тушган. Лабораторияга етиб боргунча, йўл бўйи нима учундир шу фикр Риэга мадад бўлди. У бунинг бемаънилигини биларди, лекин у камсукум хизматчилари билан бирон-бир журмат уйғотадиган савдо кўйига тушган шундай шаҳарда вабо танда қуриб олишига ишонадиган аҳволда эмасди. Аниқроқ айтсак, у вабо шароитида бунақа савдога қандай ўрин ажратишни билмади ва вабо ҳамтабааларимиз орасида унча ҳам ёйилмайди, деб хулоса чиқарди.

Риэ эртаси куни кўпларга жуда ўринсиз туюлган ўта қайсарлик билан, санитария комиссияси йифинини чақиришга волийликдан розилик олишга эришди.

– Бўлар иш бўлди, аҳоли ташвишга тушгани рост, – деб тан олди Ришар, – энг асосийси, буларнинг ҳаммаси қуруқ гап, ҳаммаси кўпиртириш. Префект менга шахсан: «Лозим топсангиз, тез ҳаракат бошланг, фақат исини чиқарманг», деб айтди. Дарвоқе, у ҳам бунинг бемаъни сожта ваҳима эканига ишонади.

Бернар Риэ Кастелни волийликкача машинасида олиб бориб қўйди.

– Департаментда эмдори йўқлигини биласизми? – деб сўради чол.

– Биламан. Омборга сим қоқдим. Мудир худди осмондан тушганга ўжшайди. Париждан эмдори чакиртиришга тўғри келади.

– Ишқилиб, энди пайсалга солинмас, ахир.

– Мен телеграф қилдим, – деди Риэ.

Волий комиссия аъзоларини хуш кутиб олса-да, асаби чатоқдигини яшиrolмади.

– Бошлаймиз, жаноблар, – деди у. – Вужудга келган аҳволни қисқа шарҳлашим керакми?

Ришар бу ортиқча, деб ҳисоблади. Шусиз ҳам ҳакимлар шаҳардаги аҳволни биладилар. Энг асосийси – қандай чоралар кўллашни аниқлаш.

– Энг асосийси, – деб Кастел Ришарнинг гапини кўполлик билан бўлди, – энг асосийси – бунинг вабо ёки вабо эмаслигини аниқлаш.

Ҳакимлардан бировлари ҳайратомуз оҳ тортиб юборди. Қолганлари иккиланаётгандай туюлди. Волий эса ўтирган жойидан сагчиб тушиб, бу ақлага тўғри келмайдиган хабар долонга чиқиб кетмаётганига ишонч ҳосил қиммоқчидай, эшикка қараб олди. Ришар, менингча, вахимага берилмаслик керак, гап ланг ҳақида, тўғри, қовуқ безларининг шамоллашидан мураккаблашган ланг ҳақида кетяпти, ҳозирча фақат шуни айта оламан, илмда эса ҳаётдагидай ҳар хил тахминга боравериш хатарли, деди. Тамакидан сарғайган мўйловлари учини тишлаб ўтирган Кастел чол тиник кўзларини Риэга қадади. Кейин хушфеъл нигоҳ билан ўтирганларга бир кўз юргутириб чиқди-да, менинг қатъий ишонишимча, бу – вабонинг фирмт ўзи, деди. Лекин бу ҳодиса расман тан олишса, жуда қаттиқ чораларни кўллашга тўғри келади. Моҳиятан олганда, унинг ишончи комил, муҳтарам ҳамкасларни кўрқитаётган нарса ҳам шу, бинобарин, у уларнинг хотиржамлигини ўйлаб,

буни вабо эмас, деган фикрни ҳам кўллаши мумкин. Волий асабий қимиirlаб, ҳар қанча асос бўлмасин, бунақа мулоҳаза юритиш нотўғри, деди.

— Тўғрими, йўқми, бу энг муҳими эмас, балки шуни ўйлашга мажбур қилаётгани муҳим.

Риэ индамай ўтиргани учун ундан фикрини айтишни сўрашди.

— Гап лимфа безларининг шишиб кетиши, қайт қилиш билан оғирлашган ланг ҳақида кетяпти. Мен лимфа безларини кесиб кўрдим. Шу тариқа текшириш имконига эга эдим ва лаборатория ўзи топган микробни, кўринишидан, вабога таалуқли, деб тахминлаяпти. Лекин,adolat юзасидан очиқ айтиш керак, топилган микробнинг классик микроб тавсифидан маълум фарқлари бор.

Ришар айни шу ҳолат ҳакимларни ҳушёрикка чақириши, бутун бир туркум текширишлар на-тижасини кутиш кераклиги, шукрки, бир неча кундан бери текширишлар ўтказилаётганини таъ-килади.

— Агар микроб уч кеча-кундуз ичидаги талоқни тўрт марта каттартиришга қодир бўлса, — деди Риэ бир оз жимлиқдан кейин, — қатқориннинг лимфа безларини яллиғлантириб, аплисундек шишириб, бўтқасимон нарсага тўлдириб қўйса, менингча, иккиланишга ўрин ҳам қолмайди. Юқиц манбалари узлуксиз кўпаймоқда. Тўхтатилмаса, касаллик шу кўлами билан икки ой, ҳатто бир ойга ҳам бормай шаҳарнинг ярмини нобуд этиши ҳеч гап эмас. Шунга асослансанак, бу касални вабо дейсизми, ланги-ми, демак, аҳамияти ҳам йўқ. Энг асосийси — ша-ҳарнинг ярми ўлиб кетишининг одини олиш.

Ришар бунча кўпиртириш керак эмас, ҳали касал-нинг юқумлилиги аниқ белгиланмаган, касалларнинг қариндош-уруглари соппа-sof, деб эътиroz қилди.

— Лекин касалларнинг ўзи ўляпти-ку, — деди Риэ
— Албатта, юқиши хавфи — мутлақ тушунча эмас, акс
ҳолда, касаллик хатарли суръатда ёйилиб, аҳолини
бир зумда қириб ташлаши мумкин бўларди. Тўғри,
кўпиртириш керак эмас, аммо зарур чораларни
қўлаш шарт, дейман.

Ришар, маъқул топилса, мунозарани якунла-
моқчи бўлди: агар эпидемия ўзи тўхтамаса, профи-
лактиканинг қонун белгилаган қатъий чораларини
қўллаб, унинг тарқалишини тўхтатишга тўғри ке-
лади, бунинг учун эса гап вабо ҳақида кетаётганини
расман тан олиш керак, лекин ҳали тўла ишонч
ҳосил қилинмаган, шу боисдан ҳаммасини яна ва
яна ўйлаб олиш лозим, деди.

— Гап қонун белгилаган чораларнинг қанақалиги,
қатъий ёки бошқачалигига эмас, — деб эътиroz қилди
Риэ, — гап шаҳарнинг ярмини нобуд қилмаслик учун
уларни қўллаймизми, йўқми — шунда. Қолган ишлар
— маъмурият зиммасида, ахир, қонунчилигимизда
айни шу ишларни ҳал этиш учун волийлар белги-
ланиши бекорга бўлмаса керак.

— Шубҳасиз, — деб тасдиқлади волий, — аммо бунинг
учун сиз гап вабо эпидемияси ҳақида бораётганини
расман тан олишингиз керак бўлади.

— Агар тан олмасак ҳам, — деди Риэ, — у бари бир,
шаҳарнинг ярмини нобуд қилади.

Шу ерда Ришар ошкора асабийлашиб гап қўшди:

— Ҳамма бало шундаки, ҳамкасбимиз бу — вабо,
деб олдиндан ишониб қўйган. Унинг касаллик
синдромини тавсифлашидан ҳам кўриниб турибди.

Риэ касаллик синдромини эмас, ўз кўзим билан
кўрганларимни тавсифладим, деб эътиroz билдириди.
Кўрганлари эса лимфа безлари, танадаги доғлар,
баланд ҳарорат, алаҳлаш, икки кечакундузда ўлим
 билан якун топишдан иборат эди. Ришар жаноблари
бор масъулиятлари билан қатъий профилактика

чоралари қўлланмаса ҳам, эпидемия ўз-ўзидан тўхтайди, деб кафолат бера оладими?

Ришар чайналиб қолди ва Ризга қараб кўйди.

– Чин юракдан айтинг, сиз ростдан ҳам вабо деб ҳисоблайсизми?

– Сиз масалани бошқача қўйяпсиз. Гап атамада эмас, муддатларда.

– Демак, сизнингча, буни вабо деймизми, йўқми, лекин, бари бир, вабо эпидемиясида қилинадиган чораларни қўллашимиз керак экан, – деди волий.

– Агар сизга фикримни билиш зарур бўлса, мен худди шундай деб ҳисоблайман.

Ҳакимлар маслаҳатлашиб олдилар, охир-оқибат Ришар маълум қилди:

– Демак, мастьулиятни бўйнимизга олишга, буни гўё вабо деб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатишимиизга тўғри келади.

Ўтирганларнинг ҳаммаси бу ифодани қизғин маъқуллади.

– Сиз нима дейсиз, муҳтарам ҳамкасб? – деди Ришар.

– Менга қандай ифодалашнинг фарқи йўқ, – деб жавоб қилди Риз. – Соддароқ айтсан, биз гўё шаҳримизнинг ярим аҳолисига ўлим таҳдид қилмаяптими, деб ўтиришга ҳаққимиз йўқ, акс ҳолда, улар чиндан ҳам ўлиб кетишлари мумкин.

Риз ҳамкасларининг асабини ўйнатган аҳволда қолдириб, ўзи жўнади. Ва ҳадемай қаердадир шаҳар чеккасида қовуғидаги безларидан қон сирқиётган бир аёл касаллик ямлаган юзларини унга буради.

Мажлиснинг эртаси куни касаллик яна бир кичикроқ сакраш қилди. Бу ҳақдаги маълумот, тўғри, беозорроқ имо-ишора тарзида, рўзномаларга ҳам ўтди. Бир кундан кейин эса Риз волийликнинг шаҳарнинг энг кўздан пана жойларига шоша-пиша ёпиширилган эълонларидан бирини ўқиди.

Бу эълондан шаҳар ҳукумати вужудга келган аҳвол хусусида тузукроқ тасаввурга эга деб хulosса қилиш қийин эди. Кўрилмоқчи бўлаётган чоралар айтарли қатъий эмас, гўё шаҳар ҳукумати азбаройи жамоат фикрини безовта қилмаслик учун, кўп одамларни қурбон беришга ҳам рози, деган тасаввур туғилар эди. Курсатманинг кириш қисмида Оран коммунасида бир нечта хатарли яра чиқиш ҳоллари қайд этилгани, бироқ ҳали уни юкумли дейишга эрга экани хабар қилинган. Касаллик аломатлари жиддий ташвишга асос бўлолмайди, шунинг учун ҳам аҳолининг хотиржамликни йўқотмаслигига умид қилинади. Лекин, шунга қарамай, волий маълум эҳтиёткорлик юзасидан айрим огоҳлантирувчи чораларни қўллашга қарор қиласди. Кўрилган чоралар, агар аҳоли тўғри тушуниб, уларга қатъиян амал қиласа, эпидемияни илдизидан қирқишишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам волий унга ишонган аҳоли ўртасидан унинг шахсий интилишларини бажонидил қўллайдиган кўмакчилар топилишига бир дақиқа ҳам шубҳа қилмайди.

Кейин эълонда кўриладиган чоралар рўйхати келтирилади, булар орасида сув йўлларидағи каламушларни заҳарли газлар ёрдамида қириш ва ичимлик суви сифатини доимий назорат остига олиш – кемирувчиларга қарши курашнинг илмий асосга қурилган кўрсатмаси ҳам бор экан. Кейин табааларга ҳар томонлама тозаликка риоя этиш, охирида эса барча оранликларга – бурга ташувчиларга шаҳар диспансерларида курикдан ўтиш тавсия этилган эди. Эълоннинг бу томонида эса касалнинг қариндошлари ҳаким белгилаган ҳар қандай ҳодиса тўғрисида бетўхтов хабар беришга, касални шифохоналардаги маҳсус бўлмаларда холилатилишига тўсқин бўлмасликка мажбурлиги айтилган эди. Бўлмаларнинг жиҳозланиши касал-

ларнинг минимал муддатда максимал имкониятлар билан тўла согайишига шароит яратади. Қўшимча боблар касал ётган хона, уни олиб юрган воситаларни мажбурий дезинфекцияси ҳақида эди. Қолган ишларда ҳукумат касалларнинг қариндошуруглигига санитария кўригидан ўтишга маслаҳат бериш билан чегараланган эди.

Риэ ҳаким шартта эълондан юз ўтирди ва уйига жўнади; бу ерда уни Жозеф Гран кутиб турган эди, ҳакимни куриб, қўл силкитди.

— Биламан, биламан, — деди Риэ, — рақамлар ўсияпти.

Шу арафада шаҳарда ўн киши ўлган экан. Риэ Гранга эҳтимол кечқурун учрашишларини, чунки Коттарни кўргани бормоқчи эканини айтди.

— Ажойиб фикр, — деб қувватлади Гран. — Таширифларингиздан фойда тегаётгани аниқ, у айрим жиҳатлардан ўзгаряпти.

— Қанақа жиҳатлари?

— Боадаб бўлиб қолди.

— Илгари бунақа эмасмиди?

Гран чайналди. Тўғридан-тўғри, Коттар кўпол эди, деб айтолмади — ифода унга ноаниқ туюлди. Шунчаки у дамдўз, индамас, қанақадир тўнғизга ўхшайди. Э, умуман Коттарнинг ҳаёти ҳам ўз хонасига қамалиб олиш, фақирона ресторанда тамадди қилиш ва яна қанақадир сирли юришлари билан чекланиб қолган. Расман у вино ва ликёр сотадиган комиссирнер ҳисобланади. Ҳар замонда уникига, мижозлари бўлса керак, икки-учта меҳмон келиб туради. Гоҳида уйлари олдидаги кинотеатрга тушади. Гран ҳатто унинг босқинчилик ҳақида фильмларни ёқтиришини ҳам сезиб қолган. Комиссирнер ҳамма шароитда ўзини дамдўз ва шубҳагўй қилиб тутади.

Энди, Граннинг гапига қараганда, бутунлай ўзгарибди.

— Аниқ ифода қилолмайман деб қўрқаман, лекин менда, кўряпсизми, у одамлар билан ярашмоқчи, гўё уларнинг меҳрини қозонмоқчи деган тасаввур туғилди.

Мен билан ҳангома қиласиган бўлди, ҳатто бир гал айланиб келишга таклиф қилди, мен ҳам рад қилишга ботинмадим. Айтмоқчи, мен унга қизиқаман, чунки, моҳиятан олганда, мен унинг ҳаётини сақлаб қолдим.

Коттарникига, у жонига қасд қилишга урингандан бери ҳеч ким келганича йўқ. У асосан қўшилари, баққолларнинг ишончини қозонишга уриняпти. Унгача ҳеч ким ҳеч маҳал баққоллар билан ундей мулойим гаплашмаган, тамаки дўкони бекасининг ҳикояларини бундай қизиқиш билан тингламаган эди.

— Айтгандай, шу бека заҳарли илоннинг ўзи, — деб қушимча қилди Гран. — Мен Коттарга шуни айтган эдим, адашяпсиз, унинг ҳам яхши томонлари бор, фақат тузукроқ қарай билиш керак, деди.

Ниҳоят, Коттар икки-уч марта Гранни энг мухташам ресторан ва қаҳвахоналарга олиб борибди. У ўша жойларнинг доимий мижози бўлиб қолган. «У ерда ўтириш ёқимли, дейди, — давра ҳам боадаб». Гран барча хизматчи ходимларнинг Коттарга меъёрдан ортиқ зътибор қилишларини пайқаб, сабабини ҳам аниқлади — комиссионер уларни ҳаддан ошиқ чойчақа билан сийлар экан. Афтидан, Коттар ўзи эркалатган дастёрларнинг миннатдорчиллик билдиришини жуда хуш кўради. Бир гал уларни ҳатто метрдотелнинг ўзи эшиккача кузатиб, ҳатто пальтосини ҳам кийдириб кўйибди, шунда Коттар Гранга:

— Ажойиб йигит, керак пайтида шоҳидликка ўтиши мумкин, — дебди.

— Қанақа шоҳидликка, нимани?..

Коттар чайналибди.

– Ҳа энди, дейлик, мени яхши одам, деб айтади. Дарвоқе, у баъзан илгариgidай портлаб туради. Яқинда, баққол унга ҳамишагидан сал қўрсроқ муомала қилган экан, уйга жаҳл билан келди.

– Вой абраҳ-эй! Бошқалар билан искашиб қопти, – деб ёзғирди.

– Қанақа бошқалар билан?

– Э, ҳаммаси билан.

Тамаки дўконида бўлган ўта бемаъни галвада Гранинг ўзи ҳам бор эди. Коттар бева билан қизғин суҳбат қурган эди, негадир бева бирдан яқинда бутун Жазоирда шов-шув кўтарган воқеа, бир одамнинг қамоқقا олингани тўғрисида гапириб қолди. Гап арабни ўлдирган ёш бир савдо маҳкамаси ходими ҳақида эди.

– Бу исқиртларнинг ҳаммасини қамоқقا тиқиш керак, – деди бека, – шунда ҳалол одамлар сал эркинроқ нафас олади.

Лекин бека гапини тутатишга улгурмай, Коттар худди эси оғиб қолгандай, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, дўкондан отилиб чиқди. Гран билан бека донг қотиб қолишиди.

Кейин Гран Риэга Коттардаги бўлаётган яна бир-иккита ўзгаришларни айтишни лозим кўрди. Коттар доимо муросасиз мулоҳазаларни маъқул куради. Масалан, «Катталар ҳамиша кичикларни истеъмол қиласди», деган ҳикматни севиб ишлатади. Яқиндан бери у фақат фикри расо рўзномаларни олади ва беихтиёр одамда, у рўзнома ўқишга атайлаб жамоат жойларини танлайди, деган тасаввур туғилади. Ё мана, бир неча кун олдинги воқеани олайлик, у Гранинг почтага бораётганини эшишиб, синглисига ҳам юз франк жўнатишини сўрабди, ҳар ойда унга шунча юбориб турар эди. Гран пулинни олиб энди кетаётганда, Коттар уни чақириб:

– Яххиси, икки юз франк юбора қолинг, – деди, – аввал бир ҳайрон бўлиб, кейин роса қувонади.

Буткул унуган мени, деб юргандир. Лекин аслида доим уни ўйлаб юраман.

Ниҳоят Гран иккови қизиқ сұхбат қуриб қолиши. Коттар күпдан бери Граннинг кечки машғулотларига қизиқиб юрар эди, суроққа зүр берди, бунисининг жавоб беришдан бўлак чораси йўқ эди.

– Демак, сиз китоб ёзасиз? – деди Коттар.

– Жоиз кўрилса, шундай, лекин бу, түгриси, янада мураккаброқ.

– Ўҳ, – деб хитоб қилди Коттар, – мен ҳам ёзиш билан шуғуланишни шундай орзу қиласманки!

Гран ҳайронлигини яшиrolмади, Коттар эса ўнгайсизланиб, ижодкорнинг доим пичоги мой устида, деб гўлдиради.

– Нега энди? – сўради Гран.

– Шунаقا-да, ижодкорга бошқаларга қараганда кўпроқ ҳукуқ берилган. Ҳамма билади буни. Хоҳлаганини қиласверади.

– Ажабланмаса ҳам бўлади, – деди Риэ Гранга, ўша, зълонни ўқиган куни, – каламушлар ғалваси бошқаларга ўхшаб унинг ҳам бошини айлантириб қўйгандир. Балки шунчаки юқтиришдан кўрқиб кетгандир.

– Унақа эмас, – деди Гран, – агар, ҳаким, менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз...

Дераза тагидан қулоқни батанг қилиб дератизация хизматининг машинаси ўтиб қолди. Риэ индамади, шовқин олислаб тингандан кейин Грандан фаромуш сўради: Коттар ким деб ўйлайсиз. Гран ҳакимга маъноли қараб қўйди.

– Бу одамнинг, – деди салмоқлаб, – виждони унча тоза эмас.

Ҳаким кифтини қисди. Миршабхона комиссари ўшанда ҳақ гапни айтган эди – ташвиш шусиз ҳам бошдан ошиб ётиби.

Кечқурун Риэ Кастел билан гаплашди. Эмдори ҳали етиб келмабди.

– Ўзи шу ёрдам берармикан? – деб сўради Риэ. – Бацилла жуда ўзгача.

– Э, биласизми, мен бошқа фикрдаман, – деб эътиroz билдириди Кастел. – Бу махлуқдар ҳамма вақт ўзгача турда бўлади. Лекин, моҳиятган, ҳаммаси бир гўр.

– Тўғрироғи, бу сизнинг тажминингиз. Аслини олганда, биз ҳали тузукроқ ҳам билмаймиз.

– Тўғри, ҳали тажмин. Лекин бошқаларники ҳам фақат тажмин.

Ҳаким куни бўйи боши сал-пал айланадиганда бўлиб юрди, қачон вабони ўйласа, шу аҳволга тушади. Охир-оқибат, у қўрқаётганини тан олишдан бошқа илож тополмади. Икки марта одам лиқ тўлган қаҳвахонага кирди. У ҳам, Коттарга ўжшаб, инсонларнинг ҳароратига муҳгож эди. Риэ бу нодонлик, деб ўйлади, лекин айни шу боис бутун Коттарникига боришга ваъда берганини эслаб қолди.

Риэ Коттарникига кирган пайти у ошхонасида, дераза олдида турган эди. Стол устида очиқ ётган саргузашт китоб. Бу орада шом кирган, тобора қуюқлашаётган қоронфиликда китоб ўқишининг иложи йўқ эди. Тўғрироғи, Коттар бундан бир дақиқа олдин стол ёнида, шом қоронфисида ўйлаб ўтирганга ўжшайди. Риэ ундан соғлигини суриштириди, Коттар ўтираётиб, мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса, бундан ҳам яхшироқ бўларди, деб тўнфиллади. Риэ, одам ёлғизликда абадий юравермайди-ку, деб эслатиб қўйди.

– Э, йўқ, бунақа демаяпман. Доим бир нарса билан – иложини топиб, ҳамманинг кўнглини оғритиш билан шуғулланадиган одамларни айтяпман.

Риэ индамади.

– Ўзи ҳақида гапиряпти, деб ўйламанг. Мен, мана роман ўқиб ўтирибман. Бир кун эрталаб, ҳе йўқ-бе

йўқ, бир бечорани қамоққа олишади. Унинг изидан тушган бўлишади, ўзи эса билмайди ҳам. У ҳақда аллақандай бюрга айтишади, исми-шарифини рўйхатга олиб қўйишади. Нима, сизнингча, адолатданми шу? Демак, сизнингча, бирони шу кўйга солишга одамларнинг ҳаққи бор экан-да.

– Бу қандай вазият эканига боғлиқ, – деди Риэ.
– Фикрингиз, маълум маънода, тўғри, ҳақдари йўқ. Лекин бу иккинчи даражали масала. Доим қамалиб ўтириш яхши эмас. Тез-тез ҳавога чиқиб туриш ҳам керак.

Коттар асабини босолмай, ҳар куни кўчага чиқишини, лозим топилса, бутун маҳалла буни тасдиқлаши мумкинлигини айтди. Унинг ҳатто маҳалладан ташқарида ҳам танишлари бор экан.

– Меъмор Риго жанобни биласизми? Оғайним бўлади.

Хона аста-секин қоронfilaшиб борарди. Кўчага жон кирди, бирдан чақнаган фонарларни енгил тортишнинг бўғиқ хитоби билан олқишлиди. Риэ айвонга чиқди, Коттар ҳам унга эргашиб судралди. Шаҳримизнинг ҳамма кечқурунларидаи енгил шабада эсиб, атроф-жавонибдаги барча маҳаллалардан ҳар хил шитир, қовурдок гўшт иси, шодон қийқираётган ёшларга тўла кўчалардан озодликнинг муаттар бўйларини олиб келаётган эди. Риэ яқин-яқинларгача шу азиз дақиқаларни – тун қоронfilaигини, бу ёқдан кўринмаётган кемаларнинг бўғиқ хирқирашини, денгиздан эшитилаётган, кўчаларни тўлдирган оломондан тараалаётган гувиллашни жуда севарди. Лекин уни бугун, ҳаммасини билгандан кейин, оғир таҳлика ззиб турарди.

– Балки чироқни ёқармиз, – деб таклиф қилди у Коттарга.

Электр нурлари чақнаб кетди ва Коттар қамашган кўзларини пирпиратиб қараб қўйди.

– Ҳаким, айтинг-чи, агар касал бўлиб қолсам, мени ўз касалхонангизга оласизми?

– Нега энди олмайман...

Шунда Коттар клиника ёки касалхонада даволанаётган одамни қамоқقا олиш ҳам бўладими, деб сўради. Риз баъзан шунаقا бўлиб қолади, лекин бунда касалнинг ахволи инобатга олинади, деди.

– Мен сизга ишонаман, – деди Коттар.

Кейин у ҳакимдан шаҳар марказигача олиб бориб кўйишни сўради.

Марказда одам унча кўп эмас, чироқлар ҳам хира тортган эди.

Лекин уйларнинг олдида болакайлар ҳали ҳамчуввос солаётган эди. Ҳаким Коттарнинг илтимоси билан машинасини болалар ёнида тўхтатди. Болалар шовқин солиб чертак ўйнаётган эдилар. Сочи силлиқ тараалган, аммо башарасини кир босган биттаси уялинқираган, қайсар, тиниқ кўзларини Риэдан узмай тикилиб қолди. Риз кўзларини яширди. Коттар машинадан чиқиб, йўлак четида турганча, Риэнинг қўлини қисди. Бўғиқ, паст овозда галирди. Сўзлаётганда ора-сира атрофга аланглади.

– Мана, одамлар эпидемияни гапиришяпти. Шуростми, ҳаким?

– Одамлар нималар демайди, – деди ҳаким.

– Тўғри айтасиз. Нари борса, ўнтача, ундан кўпроқ ўлар, шунга ота гўри қозихонами! Йўқ, бизга бунақаси керак эмас.

Мотор босиқ гувиллаб турарди. Риз кафтини тезлик алмаштиргич дастакка кўиди. Ўзи эса ҳали-ҳануз мағрур ва жиддий тикилаётган болакайга қаради. Кутимагандга болакай оғзи қулоғига етгудай илжайди.

– Хўш, сизнингча, бизга нима керак? – деди ҳаким, болакайга жавобан жилмайиб.

Коттар бирдан машина эшигини чангллади ва кетишидан олдин, кўзидағи ёшларигача қалтираб, беражм овозда қичқириб юборди.

— Зилзила — шу керак! Зур бир зилзила бўлса!

Лекин эртаси куни ҳеч қанақа зилзила бўлмади ва Риэ бутун кунни шаҳарда тинимсиз изғиш, мижозларнинг қариндошларини кўндириш ва уларнинг ўзи билан тортишишда ўтказди. Риэга ҳакимлик касби ҳеч қачон бунчалар уқубатли ту-юлмаган эди. Шу пайтгача касаллар ишини енгиллатар, унга тўлиқ суюнишар эди. Энди эса ҳаким амалиётида бирингчи марта мижозларининг тушунарсиз дамдўзлигига, гўё ўз азобининг тубига тушиб олиб, ўша ёқдан шубҳа ва ҳайронлик билан қараб туришгандай, тушунарсиз бир ишончсизлигига рўпара келди. У ҳалигача кўниколмаган бир кураш палласи бошланди. Соат ўнларда машина дамқисма чолнинг уйи олдида тўхтади, — Риэ уни куришни энг охирга сурган эди, — ўриндиқдан зўрға қўзгалди. У қоронфи кўчага, юлдузлари гоҳ учиб, гоҳ чақнаб ётган қора осмонга термилиб, ичкари киришга ошиқмади. Дамқисма чол уни кутиб тўшакда ўтирган экан. Нафас олиши енгиллашган, одатдагидай, бир кострюолдан нўхатни санаб, иккинчисига ташлаётган эди. У ҳакимни ҳатто шодон қарши олди.

— Ҳаким, демак, ўлат бошланибди-да.

— Бу гапни қайдан олдингиз?

— Рўзномадан ўқидим, кейин, радиодан ҳам айтишди.

— Йўқ, бу ўлат эмас.

— Ақлдонларимиз яна кўпиртиришибди-да, — деб ҳаяжонга тушди чол.

Риэ аллақачон касални кўриб бўлиб, энди шу ғарифона жиҳозланган ошхона ўртасида ўтирган эди. Ҳа, унга чиидан ҳам қўрқинчли эди. У эртага шу атрофда, шаҳар чеккасида чипқонларига

тикилиб олган ўнларча касалнинг муштоқ бўлиб ўтиришини билади. Бийни кесиш фақат тўртбеш ҳолда фойда қилди. Лекин кўпчилик касаллар учун ягона истиқбол – касалхона, аммо қашшоқлар назарида касалхона нималиги маълум. «Унинг устида тажриба қилишларини хоҳдамайман», деди бир касалнинг хотини. Унинг устида ҳеч қанақа тажриба ўtkазилмайди, у ўлади, вассалом. Кўрилаётган чоралар камлик қилади, бу шундоқ ҳам маълум. «Махсус жиҳозланган бўлмалар» нималигини, бошқалар бехабар бўлса ҳам, Риэ яхши билади: иккита корпусни шоша-пиша бошқа касаллардан бўшатиб, деразаларнинг тешик-ёроғи беркитилади, атрофига санитария иҳотаси қўйилади. Агар эпидемиянинг ўзи тўхтаб қолмаса, уни маъмурӣ чоралар билан енгид бўлмайди.

Лекин кечки хабарларнинг ҳаммаси ҳали ишончга тўла эди. Эртаси куни Инфдок волийлик кўрсатмаларини аҳоли томонидан жуда яхши кутиб олингани ва ҳозиргача ўттизта касал тўғрисида хабар келганини маълум қилди.

Кастел Риэга сим қоқди:

- Корпусда нечта жой бор?
- Саксонта.
- Ҳозир шаҳарда қанча касал бўлса, ўттизтами ё кўпроқмикан?
- Кўплари кўрқаяпти, бошқалари тўғрисида, улар анча кўп, ҳали хабар қилиб улгуришмади.
- Кўмиш назоратга олинмадими?
- Йўқ. Мен Ришарга сим қоқдим, гал ўргатишни тўхтатиб, энг қатъий чоралар лозим, ё эпидемияга ҳақиқий тўсиқ қўйиш, ё ҳамма ишни йифиштириш керак, дедим.
 - Хўш, кейин нима бўлди?
 - Унда етарлича ваколат йўқ. Лекин, менингча, касаллик кўпайиб боради.

Чиндан ҳам уч кундан кейиноқ иккала корпус-

да ҳам касаллар тиқилиб кетди. Ришарнинг маълумотларича, бир мактабни ёпиб, ёрдамчи лазаретта айлантироқчи эканлар. Риэ эмдори келишини кутар ва айни пайтда чипқонларни ёришда давом этар эди. Кастел барча эски китобларини ёруғ дунёга чиқариб, уларнинг устида соатлаб ўтиради.

– Каламушлар вабодан ёки шунга ўхшайдиган бошқа бир касалдан ўлган, – деб хуроса қилди у. – Улар бурга, ўн минглаб бурга тарқатган, агар вақтида чораси кўрилмаса, булар касалликни геометрик ўсишда кўпайтириб юборади.

Риэ индамади.

Афтидан, шу кунлари об-ҳаво бир маромда турадиганга ўхшайди. Яқинда ёғиб ўтган жалалардан қолган кўлмакларни қуёш симириб олди. Осмоннинг сариқ ёфду сочаётган ажойиб мовийлиги, энди кўтарилаётган ҳароратда учқичларнинг гувлаши – ҳаммаси осойишталика чорлар эди. Айни пайтда кейинги тўрт кун ичида касаллик тўрт карра маҳобатли сакраш қилди: ўн олти, йигирма тўрт, йигирма саккиз, ўттиз икки ўлим... Тўртинчи куни болалар боғчаси биносида ёрдамчи лазарет очилгани эълон қилинди. Йлгари хавотирларини кувноқ кулги тагига яширмоқчи бўлган ҳамтабааларимиз энди ўзларини олдириб қўйган, бирдан жимиб қолган эдилар.

Риэ волийликка сим қоқишига қарор қилди.

– Кўрилган чоралар озлик қиласди.

– Менга рақамларни беришди, – деди волий, – улар чиндан ҳам ташвишли.

– Ташвишидан ҳам ёмон, улар энди шубҳага ўрин қолмаганини кўрсатади.

– Генерал губернатордан буйруқ беришни сўрайман.

Риэ шу заҳоти Кастелга сим қоқди.

– Буйруқлар! Бу ерда буйруқлар эмас, фаросат керак!

– Эмдоридан хабар борми?

– Янаги ҳафтада келади.

Волийлик курсатма сўраш учун мустамлака пойтахтига юборишни мұлжаллаган маъruzani Риэга ёздеришни Ришардан илтимос қилди. Риэ маърузада рақамлар ва касалликнинг клиник таърифини келтирди. Шу куни қирққа яқин ўлим ҳодисаси рўйхатга олинди. Волий, ўзи айтгандай, жавобгарликни бўйнига олиб, эртаси куниёқ, кескинроқ чоралар қўллашга буюрди. Шаҳарликлар зиммасига илгариgidай барча касаллик ҳодисалари ҳақида хабар бериш юкланди, касални мажбурий суратда холилатиш белгиланди. Касал чиққан уйлар тозаланиб, дезинфекция қилинади; касал билан алоқада бўлган одамлар мажбурий карантиндан ўтадилар, ўликни кўмиш волийнинг маҳсус буйруғига кўра шаҳар ҳукумати зиммасига юкланди.

Бир кундан кейин эмдори ҳам самолётда етиб келди. Касалларни даволашга шу кифоя қиласди. Лекин эпидемиянинг кенгайиши муқаррар бўлса, етмаслиги аниқ эди. Риэнинг телеграф орқали қилган сўровига эмдори захиралари тутагани, янги партиясини тайёрлашга киришилгани ҳақида жавоб келди.

Бу орада бозорларга атроф-жавонибдан кўкламнинг пойқадами келди. Йўлкалар ёқасида саватларда турган минглаб атиргуллар сўлиб, шаҳар узра хўрозда ҳидига ўхшаган гул иси тараалди. Сиртдан гўё ҳеч нарса ўзгармагандай эди. Трамвайлар гавжум пайтлари илгариgidек тиқилинч, кундузлари эса ўшандай бўм-бўш ва ифлос бўлиб юрарди. Тарру ҳамишагидай бобойчани кузатар, бобойча эса ҳамишагидай мушукларга тупуран эди. Гран ҳам илгариgidай, кечқурунлари уйига – сирли машғу-

лотига шошилар эди. Коттар шаҳарда тентийди, Отон жаноб эса оила ҳайвонотини ўргатиш билан банд. Дамқисма чол нұхатни санаб у кастрюлдан бу кастрюлга ўтказади, вақти-вақти билан күчада ҳар ёққа аланглаб тентиётган Рамбер күриниб қолади. Кечқурунлари ўша-ўша оломон күчага тошиб чиқади, кинотеатрлар олдида навбатта тизилади. Қолаверса, эпидемия ҳам чекингандек эди, кейинги кунларда бор-йуги ўнтача ўлим ҳодисалари учради. Кейин бирдан ўлим рақамлари юқорилиб кетди.

Бернар Риэ расмий хабарномада ўттизта ўлим ҳодисаси рўйхатга олинган куни унга волийнинг шахсан ўзи: «Ўтакалари ёрилибди», деган гал билан топширган расмий мактубни қайта-қайта ўқиди. Кўрсатмада шундай ёзилган эди: «Вабо эпидемияси расмий маълум қилинсин. Шаҳар ёпиқ деб ҳисоблансин».

Иккинчи қисм

Шу дақиқадан вабо энди ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланди, деб дадил айтиш мумкин. Шунгача ҳамтабааларимиз ақл бовар қилмайдиган воқеалардан таажжуб ва хавотирда қолганларига қарамай, илгариги жойларида туриб, баҳоли кудрат ўз ишлари билан банд эдилар. Ва албатта, кейин ҳам шундай давом этавериши керак эди. Лекин одамлар, жумладан, ҳикоячи ҳам, шаҳар дарвозалари бекилгани ҳамоно ҳаммалари битта зиндонга қамалганларини, энди унга кўникишдан ўзга чора йўқлигини англаб қолдилар. Тасаввур қилинг, дастлабки ҳафталардаёқ, масалан, ўз маъшуқасидан айрилишдай энг шахсий туйғу ҳам энди ҳамманинг, умумхалқнинг туйғусига айланди ва қўрқув туйғуси билан биргаликда бу узоқ муддатли сургуннинг асосий уқубатларидан бири бўлди.

Чиндан ҳам, шаҳримиз қатағон этилишининг энг диққатта лойиқ оқибати – айриликқа тайёрлик кўрмаган вужудларнинг тусатдан жудоликка учраши бўлди. Оналар ва болалар, эру хотинлар, ўйнашлар – яқиндагина вокзалимиз перронида бир-бирлари билан ўпишиб хайрлашган, бир-бирларига йулга тегишли маслаҳатлар уқтиришган, айрилик кўпга чўзилмайди, нари борса, бир неча кун ёки ҳафталардан кейин кўришамиз, деб ўйлаган, инсонга хос ўта аҳмоқона лақмаликка ботиб, одатий сафарда кундалик ташвишларга парво қиласлик керак деб ҳисоблаган одамларнинг ҳаммаси тўсатдан муқаррар жудоликка учраганларини, энди фақат симлар билангина боғланишлари мумкинligини тушуниб қолдилар. Чунки шаҳар ҳали волийнинг буйруғи чиқмасдан бир неча соат олдин ёпилган, табиийки, бу буйруқда ҳар бир аҳволни инобатга олиш имкони ҳам йўқ эди. Ҳатто, айтиш мумкинки, эпидемиянинг туйкус ҳамласидаги биринчي зарбадан ҳамтабааларимиз, гўё ўзларининг барча шахсий туйгуларидан маҳрум бўлгандай ҳаракат қилишлари лозим эди. Буйруқ кучга кирган биринчи соатлардаёқ бутун бошли илтимосчилар оломони волийликни босди, бирор телефон, бирор таниш хизматчилар орқали бирдай асосли, лекин бари бир инобатга ўтмайдиган сабабларни рўкач қилди. Очифини айтганда, эндиgi аҳволимизда ҳар қандай келишув чиппакка чиққани, «шартлашиш», «истисно тариқасида», «қўллаб юбориш» каби иборалар сариқ чақага айланганини кўп кунлар ўтгандан кейин тушундик.

Бизга ҳатто ҳат ёзишдек бир беозор овунчоқ ҳам қатағон эди. Бир томондан, шаҳримиз мамлакатнинг бошқа бўлаклари билан оддий алоқа воситалари орқали боғланишни чиндан тўхтатган эди, иккинчи томондан, ҳатлар инфекция ташиши мумкин деган эҳтимолдан чиққан бу буйруқ ёзиш-

манинг барча турини тақиқлаб қўйди. Бошда посбондаги аскарларни қўлга олиб, улар орқали хат ўтказиш йўлини қилган баъзи омадёrlар то-пилди. Қолаверса, бу фақат эпидемиянинг энг бошида, ҳали соқчиларда ачиниш деган инсоний туйғу йўқолмаган пайтлари мумкин эди. Лекин сал вақт ўтиб, уларга аҳволнинг нақадар жиддийлиги тушунтирилди ва улар кўнгилбўшликлари нима оқибатларни келтиришини билмаганларидан, бундай масъулиятни зиммаларига олишдан қатъян бош тортишди. Аввалига шаҳарлар билан гаплашишга ружсат бор эди, лекин телефон тармоқлари дош беромай, кабиналар ур-йиқит бўлиб кетгач, сал кун ичида бу ҳам тақиқланди, фақат, масалан, ўлим, фарзанд кўриш, тўй сингари хабарларга «истисно ҳолатда» ружсат тегадиган бўлди. Шу тариқа телеграф биз учун ягона бошпанага айланди. Кўнгил, муҳаббат, қариндошлик ришталари билан боғланган одамлар энди қуруқ хабардан, телеграф матнининг йирик-йирик ҳарфлари орасидан илгариги яқинлик белгиларини излашга мажбур бўлдилар. Телеграмма ёзишда кўманадиган сийқа ибораларнинг ҳар қандай ҳам меъдага тегмай иложи йўқ, кўп ўтмай, бирга кечирилган узоқ умрни ҳам, қийноқди эҳтиросларни ҳам – ҳаммасини вақти-вақти билан юбориладиган «Ишлар жойида. Сени ўйлаяпман. Үпаман», деган тайёр қолипга жойладиган бўлдик.

Лекин орамизда айримлар тиз чўкмади, қайсалик билан ёзаверишди, кечаю кундуз тинмай ташқи дунёга бир амаллаб боғлайдиган минг турли ҳийланайрангларни излайверишди, аммо уларнинг барча усталиклари натижаси ҳеч бўлиб чиқди. Борди-ю, режа қилган биронта устомонлигимиз тасодифан ўнгидан келса ҳам, бари бир, унинг натижасини билолмас, чунки у ёқдан ҳеч қандай жавоб ололмас эдик. Шунинг учун кўп ҳафталар бир хат устида

үтириб, ўша бир хил хабарларни ёзиб, яна ўшандай жавоб қайтаришни ёлвориб сўрайверганимиздан, сал вакт ўтиб бошда қалб кўри билан йўғрилган сўзларда ҳам ҳеч қандай маъно қолмади. Энди хатларни ихтиёrsиз суратда шу ўлик иборалар орқали оғир турмушимиз ҳақида бирон-бир ишора бериш учун қайта кўчирадиган бўлдик. Охири бу қайсарлик ва ўз-ўзига бефойда гапиришдан, девор билан беҳуда сухбатдан телеграф чорловидаги шартли белгиларни афзал кўриб қолдик.

Қолаверса, бир неча кундан кейин, шаҳар остонаси ни ҳатлаш ҳеч кимга насиб этмаслиги аён бўлгач, кимдир ҳукуматга Орандан эпидемия бошланишигача кетгандар қайтиб келиши мумкинми, деган савол билан мурожаат қилишни таклиф қилди. Волийлик бир неча кун мулоҳаза юритгач, ижобий жавоб берди. Лекин аниқлик киритди: келиш ихтиёри уларнинг ўзларида, бинобарин, келгандаридан сўнг кетишга ҳукуқлари йўқ. Ҳатто шунда ҳам ҳамтабааларимиздан айримлари, бунақалари кўп эмас эди, мавжуд аҳволга енгилтак қараб, қариндошларини кўриш истагида ақддан озганларидан, уларни бу имкониятдан фойдаланиб қолишга чақирдилар. Лекин кўп ўтмай вабо асирлари ўз яқинларини қандай хавф-хатарга кўяётгандарини билиб қолиб, айрилиқ укубатига бўйсундилар. Биз ваҳшатли ўлат энг авжига кўтарилган пайти инсонга хос туйгулар машакқатли ўлим қаршисидаги қўрқувдан ҳам кучлироқ чиққан фақат бигта ҳодисага шоҳид бўлдик. Булар, одамлар ўйлагандай, муҳаббат кўйига тушган, энг даҳшатли қийинокларни писанд қilmай, бир-бирларига интиладиган ошиқ-маъшуқлар эмас, балки кўп йиллардан бери никоҳда яшा�ётган эр-хотин Кастеллар эди. Кастел хоним эпидемиядан бир неча кун олдин қўшни шаҳарга кетган эди. Қолаверса, уларнинг никоҳи ҳам дунёга кўз-куз қилгулик эру хотинлик баҳти ҳам эмас эди ва ҳикоячи ҳам комил

ишонч билан, бирга турмуш қуриб бахт топғанларига уларнинг ўзи ишомас эди, деб далолат бериши мумкин. Лекин бу чўзилиб кетган айрилиқ уларнинг бир-бирларисиз туролмасликларини ва шу боисдан ҳам вабонинг туйкусдан аён бўлган ҳақиқати жуда майда нарса эканини кўрсатди.

Лекин бу ҳодиса истисно эди. Кўпчилик учун, афтидан, айрилиқ фақат эпидемия билан бирга тугаши керак эди. Биз учун бутун ҳаётимиз магзи бўлган ва мисоли қадрдонимизга айланган туйбу (ҳамтабааларимизнинг туйгулари жуда жўн эканини эслатиб ўтганмиз) энди янги қиёфада юз кўрсатди. Эрлар, ўз маъшуқалари садоқатига имон келтирадиган маҳбублар бирдан раشك қилишга ҳам қодир эканларини билдилар. Севги савдосида ўзларини суюқ ҳисоблаган эркаклар бирдан қуилиб қолдилар. Шу пайтгача бирга яшаган онасига парво қиммаган ўғил энди волидасининг хотирадан чуқур жой олаётган ҳар бир ажинига хавотир ва ҳамдардлик билан термилишга тушди. Бу кўрс айрилиқ, биронта ҳам нажот туйнути қолдирмаган, келажакни тасаввур этишга изн бермайдиган бу жудолик бизни тамом эсанкиратиб қўйди, яқиндагина бўлиб ўтган, лекин аллақачон узоқлаб кетган хотираларга дош бериш иқтидоримизни сўндириди, энди барча кунларимиз шу хотиралар билан банд бўлиб қолди. Моҳияттан олганда, биз икки баробар азоб чекардик: бири – ўз азобимиз, бири – ўзлари бу ерда йўқ ўғлимиз, хотинимиз, маъшуқамизнинг азоб чекаётганини тасаввур қилиш азоби эди.

Қолаверса, бошқа шароит бўлганда ҳамтабааларимиз бирон-бир чора топар, айтайлик, бундан файратлироқ ва очикроқ яшашлари мумкин бўларди. Лекин, фожиа шундаки, вабо уларни бекорхўжаликка маҳкум этди ва уларнинг кун бўйи хотиранинг ҳафсалани пир қиласидиган ўйинларига маҳв ўлиб,

тумшайган шаҳарда санғишидан бошқа юмушлари қолмаган эди. Зеро, бу бемақсад тентирашимизда яна ўша таниш кўчалардан юришга тўғри келар, шахримиз кичиклигидан, аксарият ҳолларда ўша яхши замонларда ҳозир ўзи йўқ яқинларимиз билан бирга айланган кўчаларнинг худди ўзи бўлиб чиқар эди.

Хуллас, вабо ҳамтабааларимизга олиб келган биринчи нарса – бандилик эди. Ва ҳикоячи бу ерда ўшанда ҳамтабааларнинг кўпчилиги билан биргаликда кўрганларини ўз номидан айтиб беришга ҳақли деб ҳисоблади. Зеро сургундаги одамга хос туйфу деб, бизни доим ўз оғушида тутган ўша бўм-бўшлиқ кайфиятини, вақтни орқага қайтариш ва, ё аксинча, одинга илдамлатишга ўхшаган савдои истакни, хотира пайконларининг беаёв куйдиришинигина айтиш мумкин. Агар баъзан хаёлимизга эрк бериб, эшик олдида қайтиб келаётган яқинимизнинг қўнфироқ чалишига ё зинапоядан унинг таниш қадамлари эшитилишига муштоқ туриб қолсак, агар шундай дақиқаларда поездлар аллақачондан бери қатнамаётганини унутишга тайёр бўлиб, ишимизни ошиғич саранжомлаб, одатда оқшомги тез юрардан тушган йўловчи маҳалламизга етиб қоладиган соатда уйда бўлишга ошиқсак – буларнинг ҳаммаси ўйин ва бу ўйин кўпга чўзилмас ҳам эди. Ва албатта, поезд келмаслигини англаб қоладиган дақиқа келади. Ва шунда биз айрилигимиз чўзилгандан-чўзилишини, энди бугунги кунга кунишибга ҳаракат қилишимиз кераклигини тушунамиз. Тушунгандан кейин эса, ўзимизнинг, моҳияттан олганда, энди жуда оддий банди эканимизга, ихтиёrimизда фақат бир нарса – хотиралар қолганига, агар орамизда келажакда яшашга жазм қилган одам топилса, унда бундай жасоратли кишининг ўз интилишларидан, албатта, имкон қадар воз кечишига тўғри келишига, чунки

тасаввур, унга ишониб яшайдиган ҳар қандай одамга жароҳат етказгандай, уни ҳам оғир яралашига батамом ишонамиз.

Дарвоқе, барча ҳамтабааларимиз ҳатто одамлар орасида ҳам айрилиқ яна қанчага чўзилишини ҳисоблашдай янги одатдан тез кунда воз кечдилар. Нима учун? Агар энг умидсиз кўнгиллар ҳам бу муддатни, дейлик, ярим йил ҳисобласалар, агар улар келажак ойларнинг аччиқ заҳрини аллақачон тотиб қўйган, агар жасоратларини жуда оғир бардош эвазига бошларига тушган уқубат даражасига кўтарган, кўп ойларга чўзилган машаққатларига тент мавқеда тўзим бериш учун жон-жаҳдлари билан интилган бўлсалар, унда бир танишни учратиш, рўзномадаги бир лавҳа, йилт этган шубҳа ёки бир сониягина ёришган шуур ҳам уларни эпидемия ярим йилдан сўнг – нега энди бир йилда ёки ундан ҳам кейинроқ эмас – тўхташига, моҳияттан олганда, ҳеч қандай асос йўқ, деган фикрга муқаррар олиб келар эди.

Бундай дақиқаларда уларнинг жасорат, иродава бардошларининг тўла инқирозга учраши шундай ногаҳоний ва шундай тез кечар эдики, энди ўzlари қулаган чоҳдан чиқишиларига ҳеч қандай умид қолмагандай туюларди. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай кўргуликда ҳам озодликка чиқадиган муддатни ўйламасликка, келажакка кўз тутмасликка, бошларини, таъбир жоиз бўлса, хам қилиб яшашга мажбуран бўйсунар эдилар. Лекин, табиий, бу жўяли ҳаракат, курашдан воз кечиши учун қилични қинга қайтариб солишга интилиш – дардга чал беришга уриниш – ҳаммаси жуда-жуда оз мукофот билан тақдирланарди. Лекин улар тўла инқироздан қутулиб қолсалар – улар нима қилиб бўлса-да, бунга йўл бермасликка тиришадилар, – шу йўлда ўzlарининг севгандарни билан дийдор топишиб,

вабони унутишдай ноёб лаҳзалардан бебаҳра қолар эдилар. Улар шу тубсиз ўпқон ва сарбаланд чўққилар орасида исканжадагина яшаётгандари ҳам йўқ, тизгиндан чиқиб кетган бу кунлар фақат ўз қайфулари заминида ихтиёрий макон курсагина вужуд ва қонга эга бўладиган нотингч, дайди соялар – бу хотиралар тўлқинида улоқиб кетаётгандар эдилар.

Шундай қилиб, улар барча бандилар ва сургундагиларнинг азалий азобини тортдилар, фақат хотира кўмагида, энди ҳеч нарсага ярамай қолган хотира билан яшаш – мана, бу қандай азобли. Ҳатто улар тинимсиз ўйладиган ўтмиш ҳам пушаймон тахирига тўлди. Улар бу ўтмишда, энди минг афсус ила, бажаришга улгуролмаганларининг ҳаммасини жам қилишни, ўтган кунларни соғинтирган эркак ё аёл билан бирга яна қайтадан, бошдан яшашни истар ва ҳатто барча шароитга, ҳатто ҳозирги сургун ҳаётларидаги нисбатан яхшироқ пайтларига ҳам доим бу ерда йўқларни аралаштирадар ва буларнинг ҳаммасидан кўнгли тўлмас эди. Биз ҳозирни чидамсиз нари ҳайдаётган, ўтмишга ёзфириб қараётган, келажакдан маҳрум этилган ҳолда, одамларнинг адолати ёки адовати билан қамоққа тушганларга ўхшар эдик. Қисқаси, ҳаддан ортиқ эзгин чўзилган таътиллардан кутулишнинг ягона йўли поездларни ёлғиз хаёлнинг кучи билан яна жилдириш ва ҳувиллаган бекорчи дақиқаларни, эшикдаги, дарвоҷе, мутлақ овози ўчган кўнғироқларнинг жиринглашига муштоқлик билан тулдириш бўлиб қолди.

Лекин буни агар сургун дейдиган бўлсак, унда кўп ҳолларда ўз уйимизда сургун эдик. Ҳикоячи фақат битта – ҳамма учун умумий сургунни билсада, у баъзи, айтайлик, Рамберга ўшшаган, дунёнинг бошқа қисмидан жудолик укубати уларнинг саёҳатга келиб, тўсатдан вабога тўқнашиб, шаҳардан чиқиш

хуқуқини йўқотган, қовушишлари мумкин бўлган яқинларидан, мамлакатлари, она Ватанларидан йироқда қолишлари билан чигаллашган одамларни унутишга ҳам ҳаққи йўқ. Улар биз сургундагилар орасида икки баробар сургунда эдилар, зеро, вақт югуриги уларда ҳамма қатори дилтанг кўркув уйғотгани устига, яна уларнинг аҳволи муайян жойга қамалганларини ҳис этиш, вабо теккан қутоннинг она Ватандан ажратиб кўйган деворларига тинмай бефойда бош уришдан иборат эди. Кун бўйи қўчаларда сандироқлаб, Ватанларининг фақат ўзларига билгили шому саҳарларини товушсиз чорлаб юрадиганлар ҳам, табиийки, шулар эди. Учраган нарсадан: қалдирғоч парвозими, майсалардаги кечки шудрингми, ҳувиллаган кўчада нурлардан тушган гаройиб доғми – ҳаммаси уларга нариги ёқдан келган пинҳоний ишоратдай туюлиб, кўнгилларидаги оғриқни баттар қўзғар эди. Жами дардлар табиби бўлмиш ташқи дунёдан ўзини олиб қочган, ҳаётий рўёбларга ҳаддан ортиқ ружу қўйган бу қайсарлар таниш манзараларга ёпишиб олган эдилар – алоҳида нурга чўмилган замин, икки-учта дўнглик, суюкли дарахт ва аёл сиймоси уларнинг кўз олдиларида мисли йўқ маҳсус бир муҳитни тиклаш учун кифоя эди.

Ва ниҳоят, сургундагиларнинг энг ажойиб тоифаси – севишганларга тўхталсак, ҳикоячи янада асослироқ қилиб, уларни яна бошқа бир дард, энг асосийси – виждон қийноғидан иборат оғриқдан азоб чекканларини айтиб бериши мумкин. Ҳозирги аҳволимизда уларнинг ўз туйгуларини бирдай холис ва жонсарак нигоҳда куришларига тўла имконлари бор эди. Бу вазиятда улар кўпинча ожизликлари ни қип-яланғоч ҳолда очилишига дуч келдилар. Биринчи галда севгандарининг ишлари ва кунларини ниҳоятда аниқ тасаввур этишни ўз камчиликлари ҳисобига қўшганлари учун ҳам шундай бўлиб чи-

қарди. Улар севгандари нима билан бандлигидан бехабарликлари учун қайғуга чўмар, илгарилари шуни суриштирмай енгилтаклик қилганлари, ўзларини гўё ошиқ одам учун ўз маъшуқасининг нималар қилаёттанидан хабардорликдан каттароқ, улканроқ қувонч манбай йўқлигини билмагандай тутганлари учун афсус чекар эдилар. Шу тариқа уларнинг ўз муҳаббатлари манбаига осонгина қайтишлари, унинг номукамалигини қадам-бақадам таҳдил этишлари осон бўлиб қолди. Бошқа, оддий кунларда биз, англабми, англамайми, поёнсиз муҳаббат борлигини тан оламиз-у, айни пайтда, ҳатто анчайин хотиржамлик билан, ўз муҳаббатимизни шунчаки, иккинчи нав, деб ҳисоблаймиз. Лекин одамнинг хотираси талабчанроқ бўлади. Сиртдан кириб келиб, бутун шаҳарга ёпирилган бахтсизликнинг қақшатқич мантиғи бизга ҳали ёзфиришга ҳам имкон қолдирган ноҳақ жазонинг ўзинигина бермади. У бизни ўз-ўзимизни азоблашга, шу билан оғриққа бош эгиб чидашга ҳам мажбур қилди. Бу эпидемиянинг ўзидан чалғитиб, ҳамма қарталарни чалкаштириб юборган воситалардан биттаси эди.

Хуллас, ҳар биримиз ҳам кун-кундан ёғизланиб, шу осмонга юзма-юз яшашга мажбур эдик. Бу мутлақ умумий эгасизлик вақт ўтиши билан феълимизни тоблаши мумкин эди, лекин бошқача чиқди, одамлар алланечук жонсарак бўлиб қолдилар. Кўп ҳамтабааларимиз бошқа бир қуллик бўйинтуруғини илиб, таъбир жоиз бўлса, ёмғири ёки авзойи бузуқ кунларга тўғридан-тўғри тобе бўлиб қолдилар. Шунақа пайлари уларга гўё об-ҳавони биринчи марта бевосита пайқаётгандай туюла бошлиарди. Улар йўлакда қуёш шайтончасининг лишиллашидан ҳам оғизлари қулоқларигача етиб илжайишар, ёмғири кунларда уларнинг юзларини, ҳатто фикрларини ҳам қалин туман қоплаб олар эди. А, лекин

улар бир неча ҳафта илгари бунақа ожизлик, бундай ахмоқона асоратга буйин эгмас, чунки коинот олдида ёлғиз эмас, ўз дунёларини бузуқ об-ҳаводан у ёки бу маънода панараб турадиган ҳамроҳлари билан бирга бўлган эдилар. Энди улар, афтидан, самовий инжиқликлар ҳукмида қолган, бошқача айтганда, ҳаммамизга ўхшаб, ҳаммамиз қатори бемаъни орзуладар билан яшаётган эдилар.

Ва ниҳоят, тоб-тобигача кучайган бу ёлғизликда ҳеч биримиз қўшнимиздан кўмак кутолмас, барча ташвишларимиз ўзимизга бўлиб, сўққабош қолган эдик. Агар биронтамиз тасодифан бошқа бировга кўнгил ёрсак, айтилган жавоб, ҳар қандай гап одатда ҳақоратдай туюларди. Шунда ўша одам ўзининг ҳам, сұхбатдошининг ҳам тамомила бошқа-бошқа нарсалар ҳақида гапираётганини тушуниб қоларди. Чунки унинг ўзи чеки-чегараси йўқ ўйлари қаъридан чиқариб, шу биттаю битта дардини, қачонлардан бери муштоқлик ва эҳтирос алантасида қоврилиб ётган сиймони айтиётган бўларди. Униси эса, аксинча, хаёлида ўта бачкана кечинмаларни, жуда жўн бир дард, сийқа тушкунликни тасаввур қиласарди. Жавоб қанақа чиқмасин – ғайирликми ёки хайриҳоҳликми, одатда мўлжалга тегмаганидан, самимий гурунглашиш иштиёқидан воз кечишга тўғри келарди. Ёки ҳар ҳолда, сукут сақлаш азобига дош беролмаганлар, ҳоҳласа-ҳоҳламаса, урф бўлган шевани ишлатишга ўтар, улар ҳам қолипга тушган, лугатдан, ҳодисалар баённомаси лугатидан, хуллас, газета лавҳасига ўжаш гаплардан фойдаланиш йўлинни тутар, чунки ён-атрофдаги ҳеч ким тўғри юракдан айтиладиган шевани билмас эди. Вабо бандилари фақат шу йўл билантина эшикбоннинг ачиниб уҳ тортиши ва тингловчилар диққатини ўзларига қаратишга умид қилишлари мумкин эди.

Лекин, энг асосийси ҳам, эҳтимол, шудир, қўрқувимиз қанчалар қийноқли, кўкрагимизда ётган

бўм-бўш юрагимиз нечоғлиқ оғир тош бўлмасин, бари бир, ўлатнинг биринчи босқичида сургундаги бу тоифанинг аллақандай имтиёzlари ҳам бор эди, деб бемалол айтиш мумкин. Чиндан ҳам, ҳамشاҳарларимиз эсанкираб қолганда, бу тоифа сургунларнинг ўй-хаёллари тамомила ўзлари кутаётган одамлар билан банд эди. Уларни умумий тушкунликда худбинлик асраб қолди ва улар агар вабони эслаган бўлсалар, бу ҳам уларнинг вақтингчалик жудоликларини мангу айрилиққа айлантириш учун қандай хавф солиши маъносида эди. Уларни эпидемиянинг нақ дўзахи ичидаги халоскор андармонлик, совуққонлик деб атаса бўладиган фазилат омон сақлади. Умидсизлик уларни ваҳимадан қутқарди, қайгунинг ўзи уларга фойда қилди. Агар, дейлик, шунақа одамни касал олиб кетса, бу касал ҳатто ўйлаб куришга ҳам вақт топомас эди. Уни ички, суюкли шарпа билан қилаётган сўнгсиз суҳбатидан қўпол айриб, ҳеч бир ерда тўхтатмай, заминнинг мангу сукунатига ўтказиб қўйишар эди. Ўзи эса ҳатто буни пайқашга ҳам улгурмасди.

Ҳали ҳамтабааларимиз кутилмагандаги бостириб келган сургунга кўникишга ҳам улгурмай, вабо шаҳар дарвозаларигача посбон қуриб, Оранга келаётган кемаларнинг йўлини буриб юборди. Оран ёпиқ деб эълон этилган кундан бошлаб ичкарига биронта ҳам машина ўтолмади. Ва энди шаҳардаги автомобиллар ўша бир хил кўчаларнинг ўзида бемақсад дайдиб қолгандай туюларди. Бандаргоҳ ҳам бошқача, тепадан, хиёбондан қарасангиз, унинг ғалати манзарага айланганини кўрасиз. Унинг қирғоқ бўйидаги биринчи бандаргоҳ деб аталишига сабаб бўлган одатдаги гавжумлиги бирдан тиниб қолди. Остонада қатағон туфайли ушлаб қолинган

беш-олтитагина кема бор, холос. Лекин причалдаги баҳайбат, энди кераксиз бўлиб қолган кўтарма минорлар, ёнбошлаб ётган вагонеткалар, қанақадир ажабтовур ёлғиз туюладиган бочкалар уюми ёки қоплар – ҳаммаси тижоратга ҳам вабо текканидан жуда равshan шоҳидлик берарди.

Шундай ғалати манзараларга қарамай, ҳамтабааларимиз ўзларига нима бўлаётганини тушунолмай турардилар. Албатта, ҳамма учун умумий, дейлик, айрилиқ ва қўрқувга ўшаган туйгулар ҳам йўқ эмас, аммо кўпчилик учун шахсий ташвишлари амирона тусда олдинги мэррага тушиб олди. Эпидемияни, можиятан айтганда, ҳали ҳеч ким англаб етмаган эди. Кўпчилик ўз кўнилмалари бузилгани ёки ишга тааллукли манфаатлари камситилганидан қийналарди. Бу ҳол уларнинг зардасини қайнатар ёки ғазабини қўзғатар, зарда ёки ғазабланиш каби туйгуларни эса вабога қарши тўсиқ қилиб бўлмайди. Масалан, ҳамтабааларимизнинг ilk муносабати – шаҳар ҳукуматини айблашдан иборат бўлди. Волийнинг мазкур танқидчиларга, кейин уларга қўшилган матбуотга («Наҳотки кўрилаётган чораларни юмшатишга умид йўқ?») жавоби жуда ҳам кутимаган бўлди. Шу пайтгача рўзномалар ҳам, Инфдок агентлиги ҳам касалликнинг кетиши ҳақидаги расмий маълумотлардан бехабар эди. Энди префект ҳар куни бу хабарларни агентликка етказадиган бўлди, лекин буларни ҳафталик маълумотнома сифатида чиқаришни ҳам шарт қилиб кўйди.

Лекин шунда ҳам жамоат дарров ўзига келомади. Чунки, учинчи ҳафтада уч юзу икки одам ўлгани ҳақида босилган хабардаги рақамлар ҳам тасаввуримизга ҳеч нарса бермади. Шаҳарда яшаётганлар икки юз мингтacha. Эҳтимол, бундай ўлим нисбати табиий меъёрдир? Бунақа маълумотлар доим қизиқиши уйғотса-да, ҳеч кимнинг юрагига

етиб бормаган, жамоатга, маълум маънода, қиёслаб кўрадиган материаллар керак эди. Фақат кўп вақт ўтиб, ўлим сони ошиб бораётганига ишонганидан кейингина жамоат фикри ҳақиқий аҳволни англай бошлади. Чиндан ҳам, биринчи ҳафтада эпидемия уч юзу йигирма бир, олтинчи ҳафтада уч юзу қирқ беш ўлим ҳодисасини рўбару қилди. Ана шу сакраш жуда кўп нарсани билдириди. Лекин ҳали бу сакраш унча кескин эмас, ва ҳамтабааларимиз ҳам, таҳликага тушган бўлсалар-да, гап анча хавотирли, лекин, охир-оқибат, бари бир ўткинчи бир аҳвол тўғрисида кетяпти, деб ҳисобладилар.

Улар илгариgidай кўчаларни кезар, илгариgidай қаҳвахона айвонларида соатлаб гап сотар эдилар. Улар эл орасида қўрқоқ ҳолига тушмас, дийдиё қилмас, балки ҳазил-хузулга мойиллик кўрсатиб, ўзларини бу нокулайликка яхши кайфиятни бузмайдиган ўткинчи бир ҳодиса деб қараётгандай тутар эдилар. Шу тариқа боадабликка ҳам пугур етказилмас эди. Лекин ой охирига бориб, тахминан ибодат ҳафтасида (бу ҳақда кейинроқ айтамиз) шаҳримизнинг ташқи қиёфаси жиддийроқ ўзгаришларга учради. Авваламбор, волий нақлиёт ва таъминотга тааллуқли чораларни кўллади. Таъминот меъёрга солинди, бензин савдоси қатъий чекланди. Ҳатто электр қувватини тежаш ҳақида ҳам кўрсатма берилди. Оранга нақлиёт ва ҳаво йўллари орқали фақат энг зарурий нарсалар келарди. Шу тариқа нақлиёт ҳаракати кундан-кунга сийраклашиб, охири қарийб тўхтади, муҳташам дўконлар бирин-кетин ёпилди, бундайроқларининг ойналарида фалон-фалон молларнинг савдода йўқлиги айтилган эълонлар пайдо бўлди, бу орада эса эшик олдида навбатда турган харидорлар қатори узайиб кетаверди.

Умуман, Оран жуда ғалати тус олди. Пиёдалар миқдори, ҳатто кўчалари илгари ҳувиллаб ётадиган

пайтлари ҳам хийла күпайди, дўконлар, ишхоналар бекилиши туфайли, бекорчиликка мажбур бўлган тўп-тўп одам хиёбон ва қаҳвахоналарни тўлдириб ташлади. Ҳозирча улар ишсиз эмас, балки баайнин таътилда юргандай эдилар. Шундай қилиб, соат учларда Оран қанакадир байрам бошланиб, дўконлари атайлаб бекитилган, автомобил қатнови халқ намойишига халал бермасин деб тўхтатилган, аҳоли эса умумий шодиёнадан четда қолмаслик учун кўчаларга тошиб чиққан бир шаҳар экан, деган ёлон тасаввур уйғотар эди.

Турган гап, кинотеатрлар бу оммавий таътиллардан кенг фойдаландилар ва улар катта иш қилиб олдилар. Лекин департаментимизда фильмлар тарқатиш тўхтатиб қўйилди. Икки ҳафтадан кейин кинотеатрлар бир-бирлари билан фильм алмашишга мажбур бўлдилар ва кўп ўтмай экранларда ўша бир хил фильмлар узлуксиз кўрсатилаверди. Лекин йигин сира камаймади.

Худди шундай, шаҳримиз асосан шароб билан савдо қилиб, каттагина ичимлик захирасига эга бўлгани учун, қаҳвахоналар ҳам мижозларнинг талабини истаганча қондира олар эди. Очигини айтсак, ётиб ичилди. Кир қаҳвахона жамоатга «қанча кўп ичсанг, микробларни шунча тез ўлдирасан», деб маълум қилди ва спиртли ичимликнинг юқумли касалликдан асрashingа ишонч – ҳар қалай, анча табиий фикр, миямизга мустаҳкам ўрнашиб олди. Тунги соат иккidan кейин қаҳвахоналардан ҳайдалган кўплаб пиёнисталар тонгга қадар сандироқлаб, анча умидбахш тахминларини айтиб юрар эдилар.

Лекин бу ўзгаришларнинг барчаси шундай ажабтовор ва шундай яшин тезлигида бўлдики, уларни табиий ва барқарор деб айтиш қийин эди. Оқибатда биз учун шахсий туйғуларимиз илгаригидай олдинги маррада тураверди.

Шаҳар ёпиқ деб эълон этилгандан икки кун кейин лазаретдан чиқаётган Риэ ҳаким табассумдан юзлари ёришиб турган Коттарга рўбарў келди. Риэ уни, албатта, кўриниши шуни тасдиқласа, батамом согайиши билан кутлади.

– Тўгри, тўгри, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, – деб қувватлади Коттар. – Ҳаким, нима дейсиз, бу абллаҳ вабо дегани жуда жиддийлашиб боряптими, а?

Ҳаким буни тан олди. Коттар эса мамнунлигини яширмай:

– Эпидемия тўхташига сабаб ҳам йўқ-да ўзи, – деди. – Ҳаммаси телба-тескари бўлиб кетади.

Иккови йўлнинг анча жойигача ҳамроҳ юрдилар. Коттар маҳаллаларидағи катта озиқ-овқат дўкони соҳибининг кейин икки баравар ошириб пуллайман деб, маҳсулотларни орқа-олдига қарамай сотиб олавергани, санитарлар уни лазаретга обкетгани келишганда, каравоти тагидан нақ консерва омбори чиққанини айтиб берди. «Турган гап, ўлди. Йўқ, вабодан бойимайсан». Умуман, Коттарнинг вабо ҳақида тўғрию уйдирма бир дунё ҳикоялари бор экан. Масалан, бир одам вабо юқтирганининг биринчи аломатларини сезгани заҳоти алаҳлаганча кўчага чопиб чиқиб, ўтиб бораётган бир аёлни тутибди-да, маҳкам қучоқлаб, жонининг борича, ўзига вабо текканини бақиргани ҳақида бир афсона тарқалибди.

– Ажойиб! – деди Коттар кейинги сўзларига қовушмайдиган тавозе билан. – Тез кунда ҳаммамиз ақддан озамиз, ишонаверинг!

Шу куни кечга яқин Жозеф Гран ниҳоят журъят тўплаб, Риэга кўнгил ёришга шайланди. Бу воқеа ҳакимнинг ёзув столи устида Риэ хонимнинг суратини кўриб, ҳамсухбатига савол назари билан қарашидан бошланди. Риэ хотинининг шаҳарда йўқлиги, даволанаётганини айтди. «Қай бир маъно-

да, – деди Гран, – тўғрироғи, бу омад». Ҳаким, бу, шубҳасиз, омад, фақат энди унинг батамом соғайишига умид қилиш қолди, деб жавоб берди.

– Э-э, – деб чўзди Гран, – тушунаман, тушунаман.

Ва Гран танишганларидан бери биринчи марта бутун бошли маъруза ўқишга тушди. Тўғри, у ҳали ҳам керакли сўзларни излар, лекин ҳозир, уларни олдиндан ўйлаб қўйгандай, шу заҳоти топиб олар эди.

У жуда ёш пайтида қўшниси – ёшгина бечораҳол бир қизга уйланди. Шу боис ўқиши ташлаб, ишга киришига тўғри келди. Ўзи ҳам, Жанна ҳам бирон марта маҳалла остонасидан нари ҳатламаган эди. У Жанналарникига танда қуриб олди ва Жаннанинг ота-онаси бунақа найнов, лапашанг, жуда сийрак топиладиган жазманнинг устидан кулиб юришди. Жаннанинг отаси темирийўлчи эди. Бўш пайтлари дераза олдидаги бурчакда, баҳайбат қўлларини тиззасига қўйган кўйи, кўчада изғиётган одамларга маъюс термилиб ўтиради. Онаси эса эртадан кечгача рўзғорга андармон. У шунақа кичкина, қамишдай эдики, ҳар гал кўчани кесиб ўтаётганда қўркувдан Граннинг юраги орқага тортиб кетарди. У пайтлари Гранга барча машиналар ўта хавфли мастодонтга ўхшаб қўринарди. Бир куни, Рождество арафасида Жанна бир дўконнинг байрамга безатилган ойнаси олдида ҳайратда тўхтаб қолди-да, ҳамроҳига нигоҳини ташлаб: «Қанчалар чиройли, а!» деб шивирлади. Гран унинг билагини қисиб қўйди. Шу билан турмуш қуришга қарор қилинди.

Тарихнинг якуни, Граннинг сўзи билан айтганда, жуда жўн. Ҳамманикига ўшаган: турмуш қурадилар, бир-бирларини яна жиндай севиб юрадилар, ишлайдилар. Шунча кўп ишлайдиларки, севгини унутадилар. Жанна ҳам ишга киришга мажбур бўлди, чунки Граннинг бошлиги ваъдасининг устидан чиқмади. Шу ўринда ҳаким Граннинг ҳикояси

давомини тушуниш учун хаёлини ишга солишга мажбур бўлди. Гран доимий чарчоқдан қандайдир бўшашиб, хотини билан борган сари кам гаплашадиган бўлиб қолди ва хотинининг ҳали ҳам суюмли эканига ишончини кўллай олмади. Ишга кўмилган эр, камбағаллик, истиқболнинг аста-аста бекилаётган йўллари, шомларда дастурхон узра муаллақ турадиган оғир сукунат – бунақа дунёда ҳиссиётга ўрин топилмайди. Жанна ҳам қийналган бўлса керак. Лекин у кетиб қолмади. Күпинча шунақа бўлади – одам қийналади, қийналади, лекин буни ўзи билмайди. Йиллар ўтди. Кейин Жанна кетиб қолди. Албатта, ёлғиз ўзи эмас. «Мен сени жуда севардим, лекин жуда чарчадим... Мен кетишга тўғри келадиган даражада бахтсиз эмасман, лекин ҳаётни янгидан бошлиш учун баҳтиёр бўлиш шарт эмас». Мана, тахминан, мана шунақа деб ёзиб кетди.

Жозеф Гран ҳам кам қийналмади. Ҳаким ҳақ гапни айтди, у ҳам ҳаётини янгидан бошлиши мумкин эди. Лекин энди бунга ишонмай қўйди.

Шунчаки Гран доим Жаннани ўйлайди. Ҳаммасидан кура, Жаннага хат ёзиб, унинг олдида ўзини бир қадар оқлагиси келади. «Фақат жуда қийин, – деб қўшимча қилди у. – Купдан бери шу ҳақда ўйлайман. Ҳали бир-биrimizni севган пайтларимиз, гаплашишга ҳам ҳожат йўқ эди, шусиз ҳам бир-биrimizни тушинардик. Аммо севги ўтиб кетади. Ўшанда уни кеткизмаслик учун керакли сўзларни топишим керак эди, мен эса ўшаларни тополмадим». Гран чўнтағидан кўл сочиққа ўхшайдиган даструмolini олди-да, бурнини қаттиқ қоқди, кейин мўйловини артди. Риэ унга индамай тикилди.

– Афу этасиз, ҳаким, – деди қария – лекин қандай яхшироқ айтсан... Сизга нисбатан ишонч туйфуси бор менда. Мана, сиз билан гаплаша оламан. Ҳўш, энди, албатта, ҳаяжонланяпман..

Граннинг фикрлари вабодан минг чақирим олисда юргани шундай аён эди.

Кечқурун Риэ хотинига телеграмма юборди ва шаҳарнинг ёпиқ деб эълон қилингани, ўзи соғ-саломат юргани, унинг ўзига тузукроқ қарashi кераклигини ва доим уни ўйлаётганини айтди.

Шаҳар ёпилганидан уч кун ўтиб, лазаретдан чиқаётган Риэ уни кутиб ўтирган йигитга тўқнаш келди.

– Мени танияпсиз, деган умиддаман, – деди йигит.

Риэга уни қайдадир кўргандай бўлдию, аммо қаердалигини аниқ эслолмади.

– Мен ҳали воқеаларнинг ҳаммасидан оддин сизга учрашгани борган эдим, – деди нотаниш йигит, – сиздан арабларнинг турмуш шароити ҳақида маълумот сўраган эдим. Исми шарифим Раймон Рамбер.

– Э, ҳа, – деб эслади Риэ. – Хўш, нима қилдик, энди қўлингизда репортажга маълумот мўл.

Рамбернинг безовталиги кўриниб турарди, у гап репортажда эмас, балки ҳакимдан ёрдам истаб келганини айтди.

– Сиздан узриман, – деб қўшиб қўйди у, – лекин мен шаҳарда ҳеч кимни танимайман, рўзномамиз мухбири эса бахтга қарши, фирт тўнка.

Риэ Рамберни марказгача бирга юришга чорлади, ҳакимнинг диспансерга кириб ўтадиган иши бор эди. Кеч тушаётган, аммо илгари шу пайтлари гавжум бўладиган шаҳарнинг ҳувиллаб ётгани ҳайрон қолдирап эди. Фақат осмондаги тилларанг шафакни кўзлаб кутарилаётган карнай овози ҳарбийларнинг ҳали ҳам ўз бурчларини бажараётгани ёки ҳудди ўзларини шундай кўрсатишга уринаётганидан далолат берарди. Улар икки томони кўм-кўк, сарик ва бинафшага бўялган уйлар билан қуршалган урум-бурумдан ўтиб боришгунча, Рамбер тинмай,

ёниб-қайнаб, гапдан тұхтамаган эди. Унинг хотини Парижда қолган. У шағар ёпік деб эълон қилингач, хотинига телеграмма юборди. Очигини айтганда, жа хотини ҳам әмас, аммо бунинг аҳамияти йўқ. Бошда бу аҳвол қупга чўзилмайди, деб ўйлаб, унга доим хат юбориб туриш йўлларини ахтариб кўрди. Ҳамкаслари, оранлик мухбирлар ҳеч нарса қилолмаймиз, деб очиқ айтишди. Почтадан эса қувиб юборишди, волийнинг котибаси бўлса, тўғри унинг бетига қараб сурбетларча хаҳолади. Охир-окибат, телеграфда икки соат навбатда туриб, «Ҳаммаси яхши. Кўришгунча», деган мазмунда хабар юборди.

Лекин эртаси куни ўрнидан туриб, бирдан бу қанчага чўзилишини ҳеч ким билмайди-ку, деб ўйланиб қолди. Шунинг учун у кетишга қарор қилди. Қўлидаги тавсиянома хат туфайли волийлик канцелярияси бошлигининг қабулига киришга муяссар бўлди (мухбирлар, ишқилиб ул-бул имтиёз-ларга эга). Рамбер шахсан ўзи бориб, Оранга сира алоқаси йўқлиги, бу ерда бекорга сандироқлаб юргани, бу ерга гирт тасодифан келиб қолгани, шунинг учун унга кетишга рухсат берилса, майли, один мажбурий карантиндан ҳам ўтсин, адолатдан бўлишини айтди. Канцелярия бошлифи уни жуда яхши тушуниши, лекин ҳеч ким учун истисно қилолмаслиги, аммо уриниб кўриши, бироқ аҳвол жуда жиддий экани ва бир ўзи ҳеч нарсани ҳал этолмаслигини айтди.

– Мен ахир шаҳрингизга бегонаман, – деб қўшимча қилди Рамбер.

– Жуда тўғри, лекин, бари бир, эпидемия чўзилмас деган умид қиласлилек.

Риэ Рамберга далда бериш ниятида, ҳозир Оранда қизиқарли репортаж учун бир дунё материал бор, ақл билан қаралса, яхши томони топилмайдиган биронта ҳам қайгули воқеа йўқлигини айтди. Рамбер

кифтини қисди. Улар марказга яқынлаб қолган әдилар.

— Лекин, ҳаким, тушунинг-да, бу аҳмоқлик, ахир. Мен фақат репортаж ёзиш учун дунёга келганим йўқ-ку... Балки аёлни севиш учун туғиландирман. Ё бу гап тўғри келмайдими?

Риэ, бу фикр, афтидан, тўғри келади, деб жавоб берди.

Марказий хиёбонларда доимги оломон йўқ әди. Улар бир нечта, шаҳар чеккасидаги уйларига ошиқаётган йўловчини учратиши. Бирорта ҳам кулган чехра кўринмади. Риэ бу Инфдок агентлигининг худди шу бугун эълон қиласан маъдумотномасининг таъсиридан бўлса керак, деб ўйлади. Ҳамтабааларимиз бир кун ўтиб, яна умид билан яшайдилар. Лекин ҳали хотирада бугун кундузи хабар қилинган рақамлар янгилигича турибди.

— Гап шундаки, — деди тўхтамай мақсадга кучиб Рамбер, — гап шундаки, биз яқиндагина учрашдик. Тасаввур қилинг, жуда топишиб қолдик.

Риэ индамади.

— Ҳа-я, сизни ҳам безор қилдим шекилли, — деб давом этди Рамбер. — Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим: менга шу лаънати вабо юқмаганини расмий тасдиқлайдиган ҳужжат беролмайсизми? Шунаقا қоғоз жуда иш берармиди, дейман.

Риэ индамай бош иргади ва айни шу паллада бор залвори билан учиб келиб, нақ бўлмаса тиззасига калла ураёзган болакайни ушлаб қолди, уни секин ерга қўйди. Улар яна бирга-бирга юриб, Аслаҳа майдонига чиқдилар. Гўё шалпайган кўйи қотиб қолган хурмо ва фикуслар худди шундай чанг босган, кир ўтирган Жумҳурият ҳайкалини кулранг ҳалқа бўлиб ўраб турар эди. Улар ҳайкал тагида

тұхташди. Риэ чангини тушираман деган умидда аввал ўнг оёғи, кейин чап оёғи билан ер тепинди. Рамберга ўтринча қараб қўйди. Унинг шляпаси орқага сурилган, соқоли олинмаган, ҳатто ёқасида галстуғи тагидаги тутмачасини ўтқазишга ҳам ҳафсала қилмаган, лабини араз билан қимтиб турар, кўзларида қайсар бир нарса қотган эди.

– Ишонинг, сизни жуда яхши тушуняпман, – деди ниҳоят Риэ, – аммо мулоҳазаларингиз нотўғри асосга қурилган. Мен сизга ҳужжат беролмайман, чунки шу касал билан оғриганмисиз, йўқми, ростдан ҳам билмайман, ҳатто соппа-соғ бўлсангиз ҳам, кабинетимдан чиқаётганингизда, бирон лаҳзада ё волийликка кираётган пайтингизда инфекция юқ-тирмаслигингизга кафил бўлолмайман. Ҳа, майли, ҳатто агар...

– Нима агар? – деб қайта сўради Рамбер.

– Агар ҳатто шу маълумотномани берсам ҳам, бари бир, фойдаси тегмайди.

– Нега тегмайди?

– Чунки шаҳримизда сиздай шу аҳволга тушган одамлар минглаб, аммо шунга қарамай, уларни бу ердан чиқариб юборишга ҳаққимиз йўқ.

– Ахир, улар вабо билан оғримаган-ку!

– Бу керагича далил бўлолмайди. Тўғри аҳмоқона аҳвол, лекин ҳаммамиз қопқонга тушганмиз. Ва шунга кўнишишимиз ҳам керак.

– Ахир, мен бу ерлик эмасман.

– Маълум вақтдан бери, сиз ҳам, афсуски шу ерлик бўлиб қолдингиз.

Рамбер қизишиб кетди:

– Лекин қасам ичиб айтаман, бу одамийлик масаласи, ахир! Бир-бири билан топишган жуфтлар учун айрилиқ қандай бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганга ўхшайсиз.

Риэ бирдан жавоб қилмади. Кейин, бари бир, тушунсам керак, деди. Фақат шугина эмас, у Рам-

бернинг хотини билан дийдор кўришишини, умуман ҳамма севишганларнинг тезроқ бирга бўлишини чин юракдан истайди, лекин афсуски, аниқ белгиланган буйруқлар, қонунлар мавжуд, энг асосийси, вабо бор, ҳакимнинг шахсий вазифаси эса ўз ишини қилиш билан чекланган.

— Йўқ, — деб алам билан эътиroz билдириди Рамбер, — сиз буни тушунмайсиз. Фақат ақл билан гапирасиз, сиз фақат хаёлот оламида яшайсиз...

Ҳаким Жумхурият ҳайкалига нигоҳ ташладида, гапимда фақат ақл эмас, бунга ўзим ҳам амин бўлолмайман, тўғрироғи, яланғоч воқелик бор, иккаласи бир хил эмас, деб жавоб берди. Мухбир галстугини тўғрилади.

— Демак, энди бир амаллаб бошқа иложини топиши керак, сизни тўғри тушундимми? — деди Рамбер хезланиб, — бари бир, мен шаҳардан чиқиб кетаман.

Ҳаким яна Рамберни тушунмаётганини, лекин бу ишларнинг ўзига алоқаси йўқлигини айтди.

— Йўқ, алоқангиз бор, — деб кутилмагандага портланди Рамбер, — олдингизга келганимнинг сабаби шуки, айтишларича, айни сиз энг қаттиқ чораларни кўллашга туриб олгансиз. Аммо ўзингиз киритган қарорни, жилла курса, бир мартағина истисно қиласиз, деб умид қилган эдим. Лекин кўриниб туриди, ҳеч нарса билан ишингиз йўқ. Сиз ҳеч кимни ўйламагансиз. Айрилиқقا учрайдиганларга кўл силтагансиз.

Риэ Рамбернинг ҳақ эканини тан олди, у чиидан ҳам кўл силтаган эди.

— Биламан, биламан, — деб хитоб қилди Рамбер, — ҳозир жамоат фойдаси ҳақида гапирасиз! Лекин жамоатнинг баҳтиёрлиги ундаги ҳар бир одамнинг баҳтидан иборат-ку.

— Э, биласизми, — деб жавоб қилди Риэ олдинги паришонлигидан сал жонланиб, — баҳт ўз йўлига,

лекин яна бошқа бир нарса ҳам бор. Сиртига қараб хулоса чиқармаслик керак. Бекорга жаҳл қиляпсиз. Агар шу кўргуликдан қутулиб кетсангиз, чин кўнглимдан қувонаман. Аммо шундай нарсалар борки, менга ишимнинг табиатидан келиб чиқиб тақиқлаб қўйилган.

Мухбир бесабр бош чайқади:

– Сиз ҳақсиз, бекорга жаҳл қиляпман. Яна бекорга шунча вақтингизни олдим.

Риэ Рамбердан ишларидан хабардор қилиб туришни, кек сақдаб юрмаслигини илтимос қилди. Балки Рамбер бирон нарсани ўйлаб қўйгандир, эҳтимол, ҳали иккови биргалашар. Рамбер довдиран-қираб ҳакимга қаради.

– Мен ҳам бунга ишонаман, – деди у бир оз жимликтан кейин, – ўзимга қарши бўлишим, ҳозир айтганингизга қарши ҳам туришимга қарамай, бари бир ишонаман. – У тутилиб қолди. – Лекин, қилаётганингизни бари бир маъкул кўрмайман.

У шляпасини пешонасига бостирди ва шартта туриб жўнади. Риэ орқасидан қараб қолди ва унинг Жан Тарру яшаётган меҳмонхонага кирганини кўрди.

Ҳаким ўйчан бош чайқади. Мухбир ўзининг баҳтга сабрсиз ошиқишида ҳақ эди. Лекин Рамбер уни, Риэни айبلاغанд, ҳақмиди? «Сиз хаёлот дунёсида яшайсиз». Вабо энди икки карра очофатланиб, қурбонларни шиддат билан домига тортаётган, ҳафтасига ўрта ҳисобда беш юз одамни ўлдираётган лазаретларда ўтказган кунлари ҳам хаёлот дунёсидамиди? Ҳа, шубҳасиз, фожианинг ўз хаёлоти, ҳаётга тўғри келмайдиган нималари дир бор. Лекин хаёлот сизни ўлдиришга қасд қиласа, бундай хаёлот билан шугулланишга тўғри келади. Ва Риэ бир нарсани билади – бу унча ҳам осон эмас. Жуда ҳам осон эмас. Масалан, бутун масъулияти бўйнингта

юкланган ёрдамчи лазаретни бошқариш (энди улар учтага етди). Ҳакимнинг кабинетига туташ хонада қабул бўлмаси очилди. Ерга чукур ўйилиб, бутун бошли креозол кули ясалди, ўртасида эса фиштдан оролчага ўхшаган супа тикланди. Касални аввал шу супага қўйиб, дарров қўп-ялангоч ечинтиришади, кийимлари креозол кулига тушади. Ана шундан кейин сочидан товонигача ювиб, қўп-куруқ қилиб артишади, сўнгра касалхонанинг дағал кийимини кийдириб, Риэнинг олдига олиб келишади, охирида уни касал бўлмаларнинг бирига ўтказишиади.

Энди мактабларнинг усти ёпиқ ҳовличаларидан фойдаланишга тўғри келди, чунки лазаретдаги каравотлар беш юзга кўпайган бўлса ҳам, ҳаммаси банд эди. Риэнинг ўзи ўтказадиган эрталабки кўрикдан кейин, барча касаллар эмдори билан эмланиб, чипқонлари тилингач, ҳаким статистик маълумотлар ёзилган қофозларга мук тушади, тушдан кейин эса яна кўрик бошланади. Ба ниҳоят, кечқурунлари мижозларини кўргани боради, фақат ярим кечаси уйига қайтади... Кечагина онаси хотинидан келган телеграммани тутқазаётib, унинг кўллари қалтираётганини пайқади.

— Ҳа, — деб тан олди у, — қалтираяпти. Лекин бу асабдан, ўзимга қараб юраман.

Унинг табиати матонатли, событ эди. У ҳали, чиндан ҳам, чарчаганича йўқ. Лекин мижозларига қатнаш ҳолдан тойдиряпти. «Юкумли безгак» деган ташхис қўйиш касални бетўхтов холилатиши кераклигини англатади. Машаққат ана шу дақиқадан бошланади, мавҳумот олами ана шу дақиқадан бошланади, чунки касалнинг уйидагилар энди унинг ё соғайганини, ё тобутда ётганини кўришларини яхши биладилар. «Ҳаким, бизга раҳмингиз келсин», деб ёлворди Тарру яшаётган меҳмонхонада оқсочлик қиласидиган қизнинг онаси, Лоре

хоним. Раҳм нима дегани ўзи? Албатта, ҳакимнинг раҳми келади. Лекин бу ҳеч нарсани ўзgartирмайди. Сим қоқищдан бошқа илож йўқ. Бир неча дақиқадан кейин «тез ёрдам» машинасининг чинқироги эшитилади. Кўшнилар аввал бошда деразаларни очиб, кўчага қарар эдилар, вақт ўтиши билан, аксинча, ҳаммалари шоша-пиша барча қопқаларни беклаб оладиган бўлдилар. Ана шу пайти, моҳияттан олганда, кураш, кўз ёшлар, кўндиришга уринишлар, хуллас, хаёлот олами бошланади. Уйларда, ҳавонинг ўзиёқ безгак ва қурқувга тўйинган жойда телбаликка айла-наёзган томоша кўрсатилади, лекин касални, бари бир, олиб кетишади. Риэ ҳам уйига қайтса бўлади.

У эпидемиянинг биринчи кунлари сим қоқиши билан кифояланиб, «тез ёрдам» етиб келишигача кутмай, навбатдаги касалникига югурап эди. Лекин у кетиши билан касалнинг қариндошлиари эшикларни тақа-тақ бекитиб олишарди, улар касални бермаслик учун вабо билан юзма-юз қолишга ҳам тайёр эдилар, чунки ҳаммаси охири нима билан туташини биларди. Дод-вой, буйруқлар, аввал мишлоблар, кейин ҳарбийларнинг аралашуви, хуллас, муҳораба билан касал кўлга олинарди. Биринчи ҳафталарда «тез ёрдам» келишини кутиб ўтиришга тўғри келарди. Лекин кейин, Риэга кўнгиллилардан ажратилган санитария назоратчиси ҳам ҳамроҳ қилингач, у касални кўргани заҳоти бошқасиникига бориш имконига эга бўлди. Лекин ўшандада, бошланишида «тез ёрдам»ни кутиб ўтирган барча шомлари қофоз безаклар, сунъий гуллар билан хўп зийнатланган Лоре хонимнинг уйига келганда, онанинг машаққатли жилмайиш билан:

– Ишқилиб, буники ҳамма гапираётган анави безгақдан эмасмикан? – деб кутиб олган кечқурунга ўхшаб кетади.

У эса чойшабни, тунқўйлак этагини очди ва қорин, қовуқни қоплаган қизғиши доғларга, керккан

безларга индамай тикилди. Она ҳам қизининг яланғоч қовуғига қарадио бор товуши билан дод солди. Ҳар шомда оналар болаларининг қизғиши дөг тошган очиқ қорнига бақрайиб қараган күйи шундай дод солади; ҳар шомда кимнингдир құли бефойда илтижо ва қасамлар билан қалтираб Риэга тармашади; ҳар шомда «тез ёрдам» чинқироги оғриқнинг ўзидай бефойда, жон аччиғидаги хұнграшга айланади. Томчи сувдай бир-бирига ўхшаш сира охири күринмайдыган шомлар силсиласининг поёнига бориб, Риэ ўзини яна шунақа такрор ва такрор қайтарыладыган шомлар навбати кутаёттанини тушуниб, ҳеч нарсага умид қылмай құяди. Ҳа, вабо хаёлот сифатида бир хилдан ҳам баттарроқ чиқиб қолди. Фақат бир нарса, эхтимолки, Риэнинг ўзи ўзгарғандыр. Риэ буни Жумхурият ҳайкали пойида, Рамберни комига юттан меҳмонхона эшигига термилиб қолған шомда тушуниб қолди, фақат бир нарсаны англағади – уни аста-секин күрғошиндай бир лоқайдлық қоплаб олаётганды.

Бутун шаҳар доимгидай ташга тошиб, күчаларда бемақсад дайдың юрган бу машаққатли ҳафталараппанинг охирида Риэ бирдан энди ўзини раҳмдилликдан асрашға сира ҳожат йўқлигини тушуниб етди. Раҳмдиллик, энди ундан наф қолмагач, одамни ҳоритиб юборади. Ва ҳаким юрагининг аста-секин ўзига бурканиб олаёттанини анлагач, шу ҳафталарап залвори остида эзилиб юргандан бери биринчи марта енгил тортганини түйди. Энди у бундан кейин иши осон күчишини билиб қолди. Мана, у нима учун қувонди. Онаси кечаси соат иккида кутиб олаёттиб, ҳакимнинг маъносиз нигоҳига тўқнаш келди-да, изтиробга тушди, у ўғлининг ўзига берилған ягона таскин имконидан маҳрум бўлганига ҳам афсус чекаётганды.

Хаёлотта қарши курашиш учун лоақал унга яқин бўлиш керак. Лекин Рамбер буни

қаёқдан түйган эди? Хаёлот Рамбернинг кўз ўнгидаги – неки бахтга тусиқ бўлса, ҳаммаси. Риз қўлини кўксига қўйиб, мухбирнинг қай бир маънода ҳақ эканини тан олади. Лекин у яна хаёлотнинг инсон бахтидан ҳам устун келадиган пайтларини ва шундай пайтлари инсон ўз-ўзига ҳисоб бериши керак-лигини ҳам билади. Фақат шундай пайтлари. Эҳтимол Рамбер ҳам шундай аҳволга тушгандир ва ҳаким буни анча вақт ўтгач, мухбирнинг айрим из-ҳорларидан тушуниб қолди. Шу тариқа, ҳаким вабо хаёлоти билан ҳар алоҳида одамнинг бахти ўргасидаги мудҳиш курашнинг янги марраси – узоқ вақт мобайнида шаҳримиз ҳаётининг мазмунига айланган олишувни кузатиш имконини кўлга киритди.

Лекин бирорлар хаёлотни кўрган жойда бирорлар ҳақиқатни кўрдилар. Вабо келган биринчи ойнинг охири эпидемиянинг янгидан аниқ ўсиши ва Панлю ҳазратнинг, ҳалиги, оғриб қолган Мишел чоннинг уйига етишига кўмаклашган иезуитнинг ҳаяжонли ваъзи билан чиндан мотамсаро бўлди. Панлю ҳазрат «Оран жуғрофий хабарномаси» билан доимий ҳамкорлиги боис керагича таниқди, бу ерда у қадимий ёзувлар шарҳига оид ишлари билан каттагина обрў қозонган эди. Лекин бундан ҳам баландроқ шуҳратни мутахассис олим сифатида эмас, кўпроқ замонавий индивидуализм тўғрисида ўқиган туркум маъruzalari билан топган эди. У маъruzalariда ножўяликларга янгича бепарвоникдан ҳам, ўтган асрлар обскурантизмидан ҳам бирдай узоқ, муросасиз насронийликнинг толмас ҳимоячиси сифатида фикр юритар эди. Бу борада у тингловчиларга бориб турган қақшатқич ҳақиқатларни айтиб юборишга ҳам хасислик қилмасди. Унинг довруғи ҳам шундан бошланди.

Биринчи ойнинг охирида шаҳар черков ҳукумати вабога қарши ўз усуллари билан курашишга қарор

бериб, келаётган ҳафтани умумий ибодат ҳафтаси деб эълон қилди. Бу оммавий тақво маросимлари якшанба куни, вабога йўлиққанларнинг ҳомийси, ўзи ҳам вабодан ҳалок бўлган Роҳа авлиё шарафига тантанали ибодат билан якунланиши лозим эди. Шу муносабат билан Панлю ҳазратдан ваъз ўқишни сурдилар. У ўзини иезуит сулукотида шундай мўътабар ўринга етказган, Августин авлиё, Африка бутхоналарига оид ишларини бутунлай йиғиштириди. Табиатан сергайрат, қизиққон бўлгани учун ҳам у таклиф этилган амални бажонидил қабул қилди. Ваъз ҳақида ҳали у ўқилгунча кўп гап-сўз бўлди ва бу ҳам маълум маънода мазкур босқич тарихида эътиборли бир ишоратга айланди.

Ибодат ҳафтасига кўп одам йиғиди. Ва бу оранликларимизнинг бошқа пайтлари ҳам диндорликлари билан алоҳида ажралиб туришиларидан эмас эди. Якшанба куни эрталаблар, масалан, дengiz қўмлоқлари черков хизматига жиҳдий ракобат қиласади. Ва бу ҳамшаҳарларимизнинг кутилмаганда имонга қайтиб, Худога сажда қилиб қолишиларидан ҳам эмас. Лекин, бир томондан, шаҳар ёпилиди, бандаргоҳга кириш тақиқланди, дengизда чўмилиш ҳам, табиий, ман этилди, иккинчи томондан, оранликлар бирмунча ғалатироқ кайфиятда, кутилмаганда ёпирилиб келган воқеаларга кўниколмай турган бўлсалар-да, бари бир, кўп нарсалар ўзгариб кетаёттанини сал-пал англаётган эдилар. Тўғри, айримлар ҳали ҳам эпидемиянинг чекинишига, ўзлари ва яқинларига шафқат қилишига умид боғлардилар. Демакки, улар ҳали ўзларини ҳеч кимдан, ҳеч нарса қарздор ҳам эмас, деб ҳисоблардилар. Уларнинг қарашича, вабо чақирилмаган бир меҳмон, зеро, қандай келган бўлса, шундай ўзи кетади. Улар қўрқувга тушган, аммо вабо то уларнинг турмуш тарзига айланиб,

эпидемиягача яшаган ҳаётларини унутмагунларича умисизликка берилмадилар. Хуллас, улар кутиш ҳолатида эди. Бари бир, вабо уларнинг динга, худди шундай бошқа кўплаб муаммоларга қарашларини гаройиб тарзда ўзгартириб юборди ва бу ўй-кайфиятлари лоқайдликдан ҳам, ҳиссиётлардан ҳам бирдай йироқ бўлиб, «ўртада» деган сўзда яхши ифода топар эди.

Ибодат ҳафтасида қатнашганларнинг аксари Риэ ҳакимга бир диндор айтган, «Ишқилиб бундан зарар келмайди», деган гапнинг тагига тўла ҳукуқ билан имзо кўйишлари мумкин эди. Тарру ўз кундалигига хитойларнинг бунақа пайтлари вабо ружини карам қилдириш умидида ноғора чалишини ёзиб, аммо унинг профилактика чораларидан таъсирироқ эканини мутлақо исботлаб бўлмайди, деб изоҳлаган ҳам эди. Яна бу масалани фақат вабо рухи мавжудлиги борасида маълумотлар түплангандан кейингина ҳал этиш мумкин ва нодонлигимиз бу борадаги борҳамма қарашларимизни йўққа чиқариб юборади, деб қўшимча қилган эди.

Ишқилиб, ҳафта давомида жоме ибодатхонамиз қарийб намозхоналарга тўлиб турди. Кўп ҳамтабааларимиз биринчи кунлари берироқда, ибодатхона дарвозаси олдида, черков хонишлари тўлқин-тўлқин бўлиб оқиб келаётган, акс-садоси ҳатто кўчада ҳам эшитилаётган хурмо ва анор дараҳтлари кўланкасида тўдаланишни маъқул кўрдилар. Лекин қовун қовундан ранг олади, улар ҳам аста-аста ибодатхонага кирадиган, журъатсизгина товушда умумий хонишга қўшиладиган бўлдилар. Якшанба куни эса оломон саҳнни бутунлай тўлдирди, айвонни тўла эгамлади, одамлар ҳатто зинанояларда ҳам туриб қолдилар. Арафада, шанбадан ҳавонинг авзойи бузилган эди, жала қуйиб берди. Ибодатхонага киролмаганлар бошларига соябон тутишди. Панлю

ҳазрат минбарга чиққан пайтда эҳромни муаттар бухўр ва намхуш ипак иси тутиб кетган эди.

Панлю ҳазрат бўйдор эмас, лекин ғўлабир эди. Пайдор қўллари билан минбар қиррасини тутамлаган пайти ибодатчиларга фақат аллақандай кенг, қопқора бир нарса, унинг тепасида иккита ёнок қизили, буларнинг устида темиргардиш кўзойнак кўринди. Унинг ўқтам, ҳаяжонли овози олис-олисга таради; ҳазрат ота: «Биродарларим, сизни қулфат босди ва ўзингиз ҳам шунга ярашасиз» деб, қайноқ ва лўнда гап билан тўпланганларнинг бошига туширганда эҳром ҳаракатга келиб, эшиккача қалқиб кетди.

Унинг кейинги гаплари мантиқ жиҳатидан бу киришга унча қовушмади. Ҳамтабааларимиз фақат ваъз ўрталарига боргандагина, ҳазрат маърузанинг асосий руҳини биринчи жумлага чапдаст нотиқлик усули билан худди қамчинлагандай ёпишириб ўтганига фахмлари етди. Панлю ҳазрат киришдан кейиноқ Оқибатдан Миср вабоси ҳақидаги сурани келтириб, қўшимча қилди: «Мана, тарихда илк дафъя мазкур дарра парвардигорнинг ғанимларини маҳв этиш учун юз кўрсатганда, Фиръавн Ибтидонинг ниятларига қарши борди ва вабо уни тиз чўкишга мажбур қилди. Башар тарихининг бошланишиданоқ Парвардигор дарраси тошбагирлар ва сўқирларни тобе қилди. Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг ва тиз чўкинг».

Ёмғир яна қўйди ва ҳазратнинг нақшин деразаларда томчиларнинг дилгир чакидашда алоҳида таъкидланган охирги сўzlари умумжамоат сукунати узра шундай кучли янградики, ибодатдагиларнинг айримлари оний иккиланишдан сўнг секин ўриндиқдан сирғалиб, курсичага чўк тушдилар. Қолганлар ҳам шу ибратга эргашиб керак деган фикрга келдилар ва бутун жамоат фақат ўриндиқлар фижирлашидан бузилаётган мутлақ жимлиқда тиз

чүкди. Панлю ҳазрат шу аснода қоматини кутарди, қалтираб нафас ростлади-да, ҳар бир сүзини алохіда таъкидлаб гапта тушиди: «Вабо агар сизларга энди теккан экан, бинобарин, үйлаб қўришга ҳам вақт келди. Мўминлар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар, лекин имонсизлар ҳаққоний қўрқувда дағ-дағ қалтирайдилар. Бешафқат дарра бехудуд олам рўзгорида одам галласини то мастаклари ажралиб чиққунча янчаверади. Ва галладан кўпроқ мастак суйилгандан кўпроқ суйилмаганлари чиққанини кўрамиз ва бу зулмни Оллоҳ юбормаган эди. Узок, жуда узок вақт ёмонлик билан муроса қилдик, жуда узок вақт Парвардигор карамидан боумид яшадик. Гуноҳларимиз учун тавба қылсак бас, ҳаммасига изн олардик. Ҳар бир одам ҳам ўз нопоклиги учун қўрқмай тавба қилаверди. Лекин шундай вақт келадики, ҳаммасига жавоб бериш керак. Лекин ҳозирча Парвардигор карами соясида, ҳаммаси жойида бўлади, деб қандай бўлса, шундай яшайвериш ўнгай. Хўш, мана, энди бундай давом этиши мумкин эмас. Мукаррам сиймосини шаҳар аҳлидан дариф тутмаган Парвардигор энди азалий орзуларида алданган, бесамар кутишдан чарчаган нигоҳидан уларни маҳрум этди. Ва бу Парвардигор ҳидоятидан айрилиб, вабо зулумотига ва жуда узок муддатга тушиб кетди».

Тингловчилардан аллаким от пишқирганига ўхшаган ғалати овоз чиқарди. Бир оз тин олган ҳазрат, яна, энди бир парда пастроқ оҳангда давом эттириди: «Олтин асотир»дан биз қирол Умберто Ломбардий замонида Итолиёning шундай қутурган, ҳатто тириклар ўликларни кўмишга улгурмаган вабодан ҳувиллаб қолгани ва айниқса ўлат Рум билан Павияда ваҳшатли бўлганини ўқиганмиз. Ва ҳамманинг кўз ўнгига раҳмон фаришта чиқиб келиб, ўнг қўлида ов найзасини тутган қахҳор фариштага уйларни

нишонга уришни амр этди ва ҳар гал найза қайси уйга санчилса, шу уйдан чиққан банда ўша заҳоти ўлиб тушаверди».

Шу ўринда Панлю ҳазрат калтагина құлларини, гүё ўша ёқда, титроқ ёмғир пардаси ортида нимадир бикиниб турғандай, эшикка қараб чўзди: «Биродарларим! – деб ҳайқирди. – Бу ажал келтирган шикор ҳозир кўчаларимизда бўляпти. Қаранг, қаранг, ана у, худди Исрофилдай хушсурат, худди зулмдай товланаётган ажал фариштаси, ана у, томларингиз тепасида таҳдид билан шайланиб турибди, мана у ўнг қулида қонга белантган найзасини тўғрилаб, чап кўли билан уйларингизни нишон қилиб курсатяпти. Балки у ҳозир сизнинг эшигингизга қарсилаб санчилгандир ва найза эшигингизга қарсилаб санчилгандир, лаҳза ўтмай вабо сизникига кириб, уйингизга танда қуриб, сизнинг кириб боришингизни кутиб ўтиргандир. У ўша ерда – сабрли, кўзлари ўткир, жумла олам тартиботидай муқаррар. Ва унинг сизга чўзадиган қўлидан қутқаришга ер юзидағи бирон куч ва ҳатто, буни яхшилаб эслаб қолинг – инсоннинг жонсарак илми ҳам қодир эмас. Ва сиз, қизил қонга қоришган уқубат хирмонига йиқилгандар, мастаклар қаторида совурилиб кетасиз».

Шу ерда ҳазрат Парвардигор даррасининг ҳаммани даҳшатга солган кўринишини бўёқни аямай тасвирлашга тушди. Унинг айтганича, каттакон бир ёроч найза шаҳар тепасида учиб юради, кўзламай мўлжалга уради ва яна одам қони ва касалликларни сачратиб, юқори кўтарилади ва «ундан томган уруғлардан ҳақиқат ҳосили униб чиқади».

Шу узун бўлимни тамомлаб, Панлю ҳазрат сукутга чўмди, ҳўл соchlари пешанасига тушди, бутун вужуди қалтираб кетди, титроқ ҳатто у қўшқўллаб чангалаған минбарга ҳам ўтди; кейин у бўғиқроқ, лекин олдингидаф ғош қиласиган оҳангда гапга тушди:

«Ха, ўйлаб оладиган вақт келди. Сиз ҳафтада бир марта, қолган олти кун эркимиз ўзимизда бўлиши учун якшанба куни Оллоҳнинг уйига кириб кўйсак бас, деб ўйладингиз. Сиз ўн мартача тиз чўкиш кифоя, шу билан жинояткорона бегамлигимиз ке-чирилади, деб юрдингиз. Лекин Оллоҳ, у сиз ўй-лагандай эмас. Ҳар замонда самога ёлворишингиз унинг ташна муҳаббатини қондиролмайди. У сизни доим кўриб туришга муштоқ, унинг сизга муҳаббати шундай ифода топади, ҳақиқатни айтганда, ягона ифодаси ҳам шу. Мана, нима учун у келишингизни кутиб чарчаган, башарият тарихи бино бўлгандан буён гуноҳга ботган барча шаҳарларни жазолаган даррасини сизнинг бошингизга туширишга ҳам изн берди, Энди сиз гуноҳ нималигини билиб олдингиз, буни Каин ва унинг ўғиллари шундай билган эдилар, буни тўфон арафасида шундай билган эдилар, буни Содом ва Гоморра аҳолиси шундай билган эдилар, фиръавн ва Иов шундай билган эди, буни барча Оллоҳ лаънатлаган одамлар шундай билган эдилар. Ва, мана, уларга ўхшаб сиз ҳам, шаҳар ўз исканжасига сизни ҳам, Оллоҳнинг даррасини ҳам қўшиб ўраб олган кундан бери, барча жонзот ва борлиққа бошқача кўз билан қарайпиз. Энди сиз энг асосийсини ўйлашга вақт келганини биласиз».

Намхуш ҳаво ибодатхона гумбазлари остига ёпирилиб кирди ва чирсилаётган шамлар тилини қайирди. Йўталаётган, аксираётган одамларнинг нафасига аралашган ёпишқоқ мух ҳиди минбаргача етиб келди, яна тингловчилар томонидан юқори баҳоланганд мөҳирлик билан бошлаган ибтидосига қайтган Панлю ҳазрат хотиржам овозда гапиришга ўтди: «Биламан, кўпларингиз менинг гапни қаёққа бураётганимни ўйлаб турибсиз. Мен сизни ҳақиқатга бурмоқчиман ва бу ерда айтганларимга қарши ўлароқ, сизни қувонишга ўргатмоқчиман. Ҳозир

одамларни яхши маслаҳат, биродарлик қўли билан эзгуликка етаклайдиган замон эмас. Ҳозир сизни ҳақиқат етаклайди. Ва нажотга йўлни сизга қонга бўялган наиза курсатади ва унинг ўзи сизни Оллоҳга томон ундайди. Мана, худди шу ерда, биродарларим, барча борлиқни, яхшилик ва ёмонликни, фазаб ва шафқатни, вабо ва нажотни ўзига жо қилган самовий мурувват ўз сиймосини курсатади. Сизни шафқатсиз маҳв этаётган ўша дарра ҳар бир одамни улуғлайди ва унга йўл курсатади... Қадим замонлардаёқ насроний динига кирган абиссинияликлар вабони самовий салтанатга киришнинг ишончли йўли деб билиб, уни илоҳийлаштирганлар. Касаллик шафқат қилган одам худди шундай ўлим топиш иштиёқида вабо текканларга ёпилган чойшабларга ўраниб юрган. Албатта, сизга имонни қутқаришнинг бунақа йўлини тавсия қилолмаймиз. Бунда такаббурликкача борадиган аянчли бир шошқалоқлик бор. Оллоҳингдан олдинга ўтиш, яратувчининг ўзи агадул-абадга белгилаб қўйган мустаҳкам тартибот равишини тезлатишга чираниш керак эмас. Бу тўғридан-тўғри шаккокликка олиб боради. Аммо, нима бўлганда ҳам, мазкур мисол ибратлидир. У энг доно ақлларга ҳар қандай уқубат гирдобида ҳам абадиятнинг порлоқ нурини курсатиб туради. У, ўшал нур, нажотга элтадиган қоронғи йўлларни ёритади... У, ўшал нур, тинмай яхшилик ва ёмонликни қарор топтираётган илоҳий ироданинг арзи жамолидир. Ҳатто ҳозир ҳам у, ўшал нур, бизни ўлим, қўрқув, даҳшат исказжалари йўли билан сўнгги сукунаттага ва бутун ҳаётимизнинг олий ақидасига етаклайди. Мана, биродарларим, сизларга айтишга чоғланганим бебаҳо таскин шу эди ва бу ерда эшитганларингиз фақат жазоловчи сўзлар эмас, фарофат келтирувчи калима ҳам бўлсин».

Панлю ҳазратнинг ваъзи яқунланаётгани ҳамма нарсадан сезилиб турарди. Ёмғир тўхтади. Осмондан

майдонга намкуш губорни сизиб ўтиб янги туғилган нур қуйилди. Күчадан гала-ғовур, автомобил ғилдиракларининг шифиллаши – уйғонаётган шаҳар лаҳжаси эшитилди. Тингловчилар шовқин чиқармасликка интилиб, секин-аста тарқалишга чоғландилар, эхромда жим-жит бир жонсараклик бошланди. Лекин ҳазрат ота яна сўз бошлади, у вабо ва Оллоҳнинг жазоловчи даррасининг келиб чиқиши илоҳий эканини исботлаб, энди бу мавзуга бошқа қайтмаслигини, сўзини якунлаётиб, шундай фожиали воқеалар ҳақида сўз кетаётганда чиройли гапиришдан ўзини асранини айтди. Унинг фикрича, шусиз ҳам барчага ҳаммаси равшан. У фақат тингловчиларга солномачи Матье Марэнинг Марслега ёпирилган буюк вабони тасвирлаётиб, ўзининг кўмак ва најотсиз бир дўзахга тушиб қолганидан шикоят қилганини эслатиб ўтади. Нима ҳам деймиз, Матье Марэ аянчли бир сўқир бўлган. Панлю ҳазрат эса, аксинча, айни ҳозир ҳар бир одамга илоҳий кўмак ва насронийнинг азалий умиди берилган, деб имон келтиришга журъат қиласди. У умид қиласди, ҳамтабааларимиз барча умидларга қарши ўлароқ, бу кунларнинг даҳшати ва ўлаётганларнинг фарёдига қарши ўлароқ, самовотга ўша ягона каломни, насроний муҳаббатининг ўзи бўлмиш ўша каломни йўллайди. Қолганини Оллоҳнинг ўзи якун қиласди.

Бу ваъз ҳамтабааларимизга таъсир ўтказдими, йўқми, айтиш қийин. Масалан, Отон жаноб, терговчи, Риэ ҳакимга, унинг фикрича, Панлю отанинг асосий фикри «мутлақ асосли» эканини айтди. Лекин оранликларнинг ҳаммаси ҳам шундай кескин фикрда эмас эди. Содда қилиб айтганда, ваъздан сўнг улар шу пайтгача фирғашира англаб юрган нарсаларини – қандайдир номаълум жиноятлари учун жазоланиб, қанақалигини сира тасаввур этиб

бўлмайдиган зинданга тушганларини аччиқроқ туйдилар, холос. Бирвлари ҳибсга кўнишишга уриниб, камтарона тирикликларини давом эттираверсалар, бошқа бирвлари, аксинча, фақат бир нарсани, бу қамоқдан қандай қутулиб чиқишни ўйлашга тушдилар.

Бошда одамлар, фақат айрим кўникмаларигагина таҳдид қиласидиган ҳар қандай кўнгилсизликка ён берганларидай, ташқи дунёдан узилиб қолганларига ҳам итоат билан кўникдилар. Лекин улар бирданига зинданга тушиб, бошлари устида жазирамадан тоб ташлаган қопқоқдай, ёзги осмон гардиши ёпилиб қолганини англаганларидан сўнг, энди бу ҳибс бутун умрларига, эниб тушаётган салқини қувватларини оширадиган оқшомларига таҳдид солаётганини салпал тушуниб қолдилар, гоҳо улар энг ақдсиз хатти-ҳаракатлар қилишгача бордилар.

Бошда, бу шунчаки тасодифмиди, айтиш қийин, лекин худди шу юқорида тилга олинган якшанбадан сўнг, шаҳримизда кўркув танда қурди, қуркувнинг теранлиги ва қамровидан ҳамтабааларимизнинг ўз аҳволларини чиндан ҳам ўйлаб кўраётганлари аён бўлди. Шу тариқа, маълум маънода шаҳримиздаги кайфият бирмунча ўзгариб қолди. Лекин бу ўзгаришлар фақат шаҳримиз кайфиятида бўлдими ё одамларнинг кўнглидами – гап шунда.

Якшанбалик ваъздан бир неча кун кейин, Риэ ҳаким ва Гран иккови ўша мўътабар воқеани муҳокама қилиб кетаётган эдилар, йўлларини тўсатдан аллақандай бир одам тўсиб чиқди: у бесўнақай депсиниб, жойидан жилмай туриб олган эди. Орқадаги баланд симёғочдаги чироқ нури бирдан юзига тушганда, нотаниш одамнинг кўзларини чирт юмиб, товуш чиқармай хаҳолаб кулаётгани кўринди. Унинг оқ, унсиз шодон тиржайишдан қийшайиб кетган юзидан йирик-йирик тер томчилари оқаётган эди.

– Жинни, – деди Гран.

Бу томошадан тезроқ олиб кетиш учун ҳамрохининг қўлтиғидан тутган Риэ Граннинг гавдаси асабий титраётганини сезди.

– Ҳадемай шаҳардаги ҳамма жинни бўлади, – деб қўйди Риэ.

Унинг томоғи қуруқшаб кетди, кўп кундан бери толиқиб юргани билинаётганга ўҳшайди.

– Кириб бирон нарса ичib олайлик.

Пештахта тепасида қуюқ аргувон нур тўкаётган яккаю ягона чироқ ёритган қаҳвахонадаги мижозлар, қўринишидан биронта сабаб сезилмаса-да, нима учундир овозларини паст қилиб гаплашаётган эдилар. Гран, ҳакимни жуда ҳайратда қолдириб, ўзига ром буюрди, бир кўтаришда ичib юборди ва жуда қойилмақом иш бўлди бу, деди. Кейин эшикка қараб юрди. Кўчага чиққанларидан кейин Риэнинг назарида тун қоронилигидан фарёд сирқиб чиқаётгандай бўлди. Қаро осмондан келаётган, қаердадир чироклар устида кезинган бўғиқ вишиллаш Риэга беихтиёр илиқ ҳавони тинмай қамчинлаётган Оллоҳнинг даррасини эслатди.

– Бу қандай бахт, бу қандай бахт, – деб қайтарди Гран.

Риэ унинг асли ўзи нима демоқчилигини тушунишга уринди.

– Бу қандай бахт, – деди Гран, – уйимда қиладиган ишим бор.

– Ҳа, – деб уни қувватлади Риэ, – бу чиндан ҳам катта қулайлик.

Ва у бояги вишиллашни босишга уриниб, Грандан ўз ишингиздан кўнглингиз тўлса керак, деб сўради.

– Сизга қандай айтсан, ўйлашимча, тўғри йўлдан боряпман.

– Ҳали кўп ишлайсизми?

Граннинг рухи кўтарилиди, худди ичкилиқдан ҳарорат олгандай, товуши ҳам баландроқ чиқди:

– Билмадим, лекин масала бошқа ёқда, ҳаким, ҳаҳа, тамом бошқа ёқда.

Ҳатто қоронғида ҳам Риэ ҳамсуҳбатининг кўлларини силкитаётганини пайқади. У ичида нутқ айтишга чоғланаётган туюлди, бу нутқ чиндан ҳам тишишга чиқди ва ҳеч тутилмай оқа кетди:

– Ҳаким, кўряпсизми, мен нимани истайман – қўлёзмам ноширнинг қўлига тушган куни у ёзганларимни ўқиса, ўқигандан кейин ўрнидан туриб ўз ходимларига: «Жаноблар, дўппилар осмонга» деса – мен шунни истайман.

Бу кутилмаган баёнот Риэни донг қолдирди. Унга ҳатто Гран шляпасини ечаётган одамнинг ҳаракати билан қўлини бошига узатиб, кейин олдинга силтагандай туюлди. Тепада, осмонда ғалати ҳуштак янгича куч билан чийиллаб кетди.

– Ҳа, – деди Гран, – мен камолотга эришишим керак.

Адабий ишлардан мутлақо бехабарлигига қарамай, Риэ буларнинг ҳаммаси шундай бўлмаса керак, мана, масалан, нашриёт ходимлари ўз хоналарида шляпа кийиб ўтиришармикан, деб ўйлади. Лекин яна ким билади дейсиз, – Риэ сукут сақлашни маъқул курди. Ўз ихтиёрига қарши ўлароқ вабонинг сирли гулдирашига қулоқ солди. Улар Гран турадиган маҳаллага етиб келдилар, йўл сал-пал тепага ўрлагани учун юзларига шаҳарнинг бутун шовқинини ўзига илаштириб кетаётган салқин шабада урилди. Гран ҳали гапини давом эттиради, лекин Риэ унинг айтганларидан фақат ярим-ёrtисини илгади. У Гран айтаётган асарнинг бир неча юз сахифа бўлиб қолгани ва муаллифни энг қўйинаётгани – камолотга эришиш эканини тушунди, холос...

– Бутун оқшом, бутун оқшомлар биттаю битта сўз устида... Ҳатто оддий бир келишик устида бош қотиришга кетади.

Шу ерда Гран тұхтади ва ҳакимнинг пальтоси тутмасини ушлаб олди. Сүзлар унинг қарийб тищиз оғзидан машаққат билан чиқар эди.

— Ҳаким, мени тушунинг. Охир-оқибат «ва» билан «лекин»дан биттасини таңлаш унча қийин эмас. Бундан ҳам қийинроғи «ва» билан «лекин»дан қайси бирига устунлик бериш. Гап «кейин» билан «сұнгра»ға тақаладиган бўлса, баттар қийинлашади. Лекин, албатта, умуман «ва»ни қўйиш керакми, керак эмасми, ҳаммасидан қийини шунда.

— Ҳа, — деди Риэ. — Тушунаман.

У яна олдинга юрди. Гран аниқ хижолатта тушди ва ҳакимга етиб олишга шошилди.

— Мени афву этинг, — деб ғулдиради у.— Бу оқшом менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман.

Риэ унинг кифтига беозор уриб қўйди ва унга жуда ёрдам бергиси келаётганини, умуман, унинг гапларига ниҳоятда қизиқиб қолганини айтди. Гран афтидан, енгил тортди шекилли, уйининг олдига келганларида иккиланиб-иккиланиб ҳакимни бир дақиқага кириб ўтишга таклиф қилди. Риэ рози бўлди.

Гран меҳмонни ошхонадаги ҳаммаси майдамайда ёзув билан тўлган, ўчириб-тузатишдан қорайиб кетган қофозлар сочилиб ётган стол ёнига ўтқазди.

— Ҳа, худди ўзи, — деди Гран, ҳакимнинг саволомуз қарашига жавобан. — Балки бирон нима ичарсиз? Менда озгина шароб бор эди.

Риэ йўқ, деди. У қўлёзма қофозларга кўз солди.

— Бунақа қилиб қараманг-да, — деб илтимос қилди Гран. — Бу фақат биринчи жумла, холос. Э, буни шунча ишладим, шунча ишладимки.

У ҳам столда сочилиб ётган қофозларига термилди, унинг қўли бас келиб бўлмайдиган ҳаяжонга тушгандай, ихтиёrsиз варакқа чўзилди, уни олиб

парпашаси йўқ электр чироги ёруғига тутди. Кўлидаги варақ қалтираётган эди. Риз Граннинг пешанасига тер томчилари кўлтчиганини кўрди.

— Ўтириңг, — деди у, — ўқиб беринг.

Гран ҳакимга ялт этиб қаради ва миннатдор жилмайди.

— Тўғри, — деди у, — ўзим ҳам сизга ўқиб беришни истаяпман.

У бир дақиқача қоғозга термилиб қолди, кейин ўтириди. Риз эса шаҳарнинг мисоли дарранинг вишиллашига жўровоз эшлилаётган бўғиқ гулдирашига қулоқ тутди. У айни шу дамда тун қоронфисига ютинган даҳшатли фарёдда эзилиб, ҳамма томони тақа-тақ ёпишган бир дунёчадай пастда чўкиб ётган шаҳарни бутун вужуди билан ҳис қилди. Ёнида эса Гран бўғиқ гулдирарди: «Майнинг ажойиб тонгида Булон ўрмонининг гуллаган хиёбонларидан зебо амазонка қойилмақом туриқни чоптириб кетаётган эди...» Кейин яна жимлик бўлди ва бу жимлик ўзига жафокаш шаҳарнинг ноаниқ гулдирашини эргаштириб кирди. Гран қўлидаги варақни қўйди, лекин ундан кўзини узмай тураверди. Бир дақиқадан сўнг у Ризга қаради:

— Хўш, қандай?

Риз бошлама уни қизиқтириб қўйгани ва давоми нима бўлишини билмоқчилигини айтди. Лекин Гран қизишиб эътиroz қилди, бунақа нуктаи назардан ёндашиш нотўғрилигини билдириди. Ва ҳатто варақни кафти билан уриб ҳам қўйди.

— Ҳали буларнинг ҳаммаси анча тахминий. Қачонки, жумлаларда хаёлимда яшаётган манзарани бекаму кўст акс эттирсам, қачонки жумлаларим шу йўргалашга монанд — бир-икки-уч, бир-икки-уч — аниқ ҳамоҳанг бўлиб жарангласа, шунда қолганлари осон кўчади, энг асосийси, биринчи жумланинг таъсири шундай зўр чиқадики, кейин «Дўппи осмонга!» деб бемалол айтиш мумкин.

Лекин унинг ҳамма иши ҳали олдинда. У бундай жумлани дунёниг ҳеч қандай роҳат-фароғати эвазига ҳам ноширниг қўлига бермайди. Гран ҳатто вақти-вақти билан бу жумла муаллифлик иштиёқини қондирса ҳам, ҳали у мавжуд манзарани тўлалигича гавдалантиrolмаётгани, енгироқ ёзилгани, салпал бўлса-да, сийقا қолипларга яқинлигини яхши тушунади. Бирдан дераза ортида югуриб қолган одамларнинг тапир-тупури эшитилгунча Гран айтган гапларнинг мазмуни тахминан шундай эди. Риэ ўрнидан турди.

— Ҳали курасиз, уни қандай созлайман, — деди Гран ва деразага қараб қушимча қилди: — Ҳаммасини тутатгандан кейин...

Шу дамда яна пайдарпай қадам товушлари эштилди. Риэ шоша-пиша кўчага тушди, унинг ёнидан икки киши ўтиб кетди. Афтидан, улар шаҳар дарвозасига бораётганга ўхшайди. Чиндан ҳам, ҳамтабааларимизнинг иссиқдан ва вабодан калласи айниган айримлари куч ишлатишга қарор қилган, посбондагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, шаҳардан чиқиб олишни кўзлаб юрган эдилар.

Бошқалари, дейлик, Рамберга ўхшаганлар ҳам кучайиб бораётган ваҳима мұхитидан қутулишга интилар, аммо муваффакиятлироқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, бўш келмай, айёрлик билан иш кўрап эдилар. Бошда Рамбер ҳамма расмий жойларга қатнаб кўрди. Ўзининг айтишича, бўш келмаслик эртами кечми, бари бир, ғалабага олиб боради, кейин, муайян нуқтаи назардан, ҳар қандай шароитда ҳам йўл топиш қобилияти унинг касбига хос. Шунинг учун у ваколати ҳеч шубҳа уйғотмайдиган жуда кўп маҳкамаси ва одамларга қатнади. Лекин бу вазиятда уларнинг ваколати ҳеч нарсага арзимайдиган бўлиб чиқди. Қоида тариқасида, улар банк операциялари, экспорт, цитрус мевалари ёки шароб савдосига оид

ҳамма нарса ҳақида бир йуриққа солинган аниқ тасаввурга эга, суд ва суғурта ажримларини пухта биладиган кишилар эди, уларнинг мўътабар дипломлари ва керагича бардошлари борлигини айтиш ҳам шарт эмас. Уларнинг айни шу бардошлари одамни ҳайратга солар эди. Лекин вабога таалукли ҳамма нарсада уларнинг билими уч пул бўлиб чиқди.

Шунга қарамай, Рамбер уларнинг ҳар бирiga ўз ишини баён қилди. Рамбер рўкач қилган далиллар асосан унинг шаҳримизда, дейлик, бегона экани, бинобарин, иши алоҳида кўрилиши кераклигига курилган эди. Ҳамсуҳбатлари, қоида тариқасида, бу далилларни тан олардилар. Лекин деярли ҳаммаси жуда кўп одам шу аҳволга тушгани, бинобарин, у ўйлаётгандай, у тушган вазият унга ҳам истисно бўлолмаслигига шама қиласдилар. Бунга Рамбер эътиroz билдирап, ҳатто шундай бўлса ҳам, далиллари моҳияти шу билан ўзгармаслигини уқтирап эди, унга эса, ҳар ҳолда, ўзгаришини, чунки ҳукуматнинг бундай вазиятда йўл бермаслиги, шунга ўхшаш намуна яратиб қўйишдан чучиб, имтиёз беришдан ўзини олиб қочишини айтар, яна кейинги гапни ошкора нафрат билан тилга олар эдилар. Рамбер гап орасида Риэга ўзи тузган тасниф бўйича бунаقا кимсаларни «бюрократ» деган бандга тиркашини айтган эди. Бюрократдан ташқари буларнинг бариси узоққа бормаслигини айтадиган, аниқ чора талаб қилинганда эса оқилона маслаҳатини аямаган, ҳатто Рамберни ўткинчи кўнгилсизликларга қўл силтанг, деб уни овунтиришга уринган сўзамоллар ҳам бўлди. Яна арзчи илтимосини тамғали қофзда бергандан кейингина фикр билдиришни айтадиган амалдорлар ҳам учради; яна Рамберга уйга ордер таклиф қиласдан ёки арzon меҳмонхонанинг қаердалигини кўрсатган куруқ гапдонлар учради; барча қоидаси бўйича хужжат тўлдириб, кейин уни ҳафсала билан ишга

тикиб қўйган тартибсеварлар учради; икки қўлини тепага кўтарган асабийлар учради, ва ниҳоят, эски одат бўйича Рамберни ҳамишагидай қўшни маҳкамага йўллаган ёки қандайдир янги йўлларни ўргатмоқчи бўлган расмиятчилар ҳам учради.

Бу қатна-қатнадан мухбирнинг ийиги чиқди, лекин мэрия ё волийлик нима экани ҳақида керагича аниқ тасаввурга эга бўлди, чунки рупарасида бири солиқсиз давлат заёмига, бошқаси мустамлака қўшинига ёзилишга чорлаётган каттакон плакатлар осилган молескин ўриндиқларда соатлаб кутди; кейин яна ходимларнинг турқи жавонларда тахланган тезтикличлардан кўра кўпроқ нарсани уқтирадиган маҳкамаларнинг ўзида сарсон юрди.

Тўгри, Рамбернинг ўзи Риэга хуноб бўлиб айтганидай, битта ютуқча эришди ҳам: бу ташвишларнинг ҳаммаси ундан ҳақиқий аҳволни панараб қўйди. У ҳатто эпидемия кучаяётганини пайқамади ҳисоб. Бу бефойда югур-югурдан кунлар қандай ўтгани билинмагани, бинобарин, бутун шаҳар маҳкум этилган аҳволда ҳар бир ўтган куни одамни, агар у албатта ўша кунгача ўлмай турса, синовлар якунига яқинлаштиришини айтмаса ҳам бўлади. Риэ бундай нуқтаи назарда мантиқ йўқ эмаслиги, лекин унинг замиридаги ҳақиқат ўта умумий эканини тан олишга мажбур бўлди.

Ниҳоят, Рамберда умид уйғонган дақиқа ҳам етиб келди. У волийликдан имкон қадар аниқроқ тўлдириш сўралган анкета олди. Анкетани юборганиларни Рамбернинг аниқ исми шарифи, оилавий аҳволи, даромадлари – илгари ва бугунгиси, хуллас, *Lum vitae* – ҳаёт тафсилотлари деб аталмиш маълумотлар қизиқтираётган эди. Дастлабки дақиқаларда Рамбер бундай анкеталар илгариги турар жойига жўнатилиши мумкин бўлган одамларга маҳсус юборилган деб ўйлади. Бу тасаввурни маҳкамадан

олинган, тўғри, анчайин нотайинроқ маълумотлар тасдиқларди. Лекин Рамбер ишга қатъий киришиб, анкета йўллаётган маҳкамани излаб топди ва бу ерда унга маълумотлар «тасодиф» учун тўпланаётганини айтдилар.

– Қанақа тасодиф? – деб сўради Рамбер.

Шунда унга тушунтиришди: агар у тасодифан касал юқтирса ва ўлса, бўлим, бир томондан, бу қайгухабарни қариндош-урувларига етказиши мумкин бўлади, иккинчи томондан – унинг, яъни Рамбернинг лазаретда ётгани шаҳар бюджетидан қопланадими ёки бу харажатни унинг қариндошлари кўтаришига умид қилинадими, шу аниқланади. Албатта, бу ҳам, унинг, жамиятки уларнинг тақдирини ўйлаётган экан, демак, ўзини кутаётган маҳбубасидан тамом айрилмаганини исботлайди. Лекин бу таскин урвоқ ҳам бўломмайди. Бундан ҳам қизикроғи шундаки – Рамбер айтишни унутмади – фожианинг энг авж пайтида ҳам аллақандай маҳкамама ўз ишини хотиржам қилиб ётгани, вабогача бўлган усуlda ташаббус кўрсатиб, бундан ҳатто раҳбариятни огоҳлантирмай, шу иш учун маҳсус яратилгандай бемалол фаолият олиб бораётгани эди.

Рамберга навбатдаги босқич ҳам осон ва ҳам ўта машаққатли туюлди. Бу карахтлик босқичи эди. Мухбир барча маҳкамаларга учраб чиқди, барча чораларни ишга солди ва бу жиҳатдан чиқиш йўллари, ҳеч бўлмаса, шу кунлари мустаҳкам бекилганини англади. Шунда у қаҳвахонама-қаҳвахона изфий бошлади. У эрталаблари қаҳвахона айвонида бир финжон илиқ пивони олдига кўйиб, эпидемиянинг яқинда тугашига, жилла курса, бирон ишора топиш умидида рўзномаларни варақлар, ўткинчиларни томоша қилиб, шодон қиёфаларга кўзи тушса, юзини нафрат билан бурав, рўпарадаги дўконларнинг ёзувлари ва энди сотил-

маётган машхур аперитивлар рекламаларини ўн, юз қайта ўқир, ўрнидан туриб, шаҳарнинг сарғиши кўчаларидан боши оққан томонга улоқиб кетар эди. Вақт кечгача, эрталаб қаҳвахонада ёлғиз ўтиришдан то ресторанда оқшомги овқатга қадар шундай ўтарди. Риэ айни кечқурун Рамберни қаҳвахона эшиги олдида ўйланиб турган аҳволда учратди. У ниҳоят, афтидан иккиланишни енгиги, ичкари кирди ва кенг хона кунжагига ўтиради. Юқорининг кўрсатмаси билан кун-кундан кечроққа сур伊拉ётган соат - қаҳвахона ва ресторанларда чироқ ёқиладиган пайт келаётган эди. Ичкарини лойқа-кулранг, суюқ бир кўланка тўлдирган, кечки напармон шафақлар дераза ойналарида аксланган, тобора қуюқлашаётган қоронгиликда мармар столлар жонсиз йилтираётган эди. Рамбер бу ерда, ҳувиллаган кенг хонада саргардон бир сояга ўшаб кўринарди, Риэ мужбирнинг карахтлик соати бошланибди, деб ўйлади. Лекин вабо теккан шаҳарнинг бошқа ҳамма бандилари ҳам унга ўшаб, карахтлик соатларини ўтайдилар ва, зеро, озодлик дамларини шошилтириш учун нимадир қилиш керак эди. Риэ тескари ўтирилди.

Рамбер вокзалда ҳам соатлаб вақт ўтказарди. Перронга чиқиш тақиқланган. Лекин майдондан кирса бўладиган кутиш кенг хонасининг эшиклари ёпилмас, худди соядагидай баҳаво турадиган бу ерда баъзан жазирама кунлари гадолар бошпана топар эди. Рамбер вокзалга эски поездлар қатнови жадвали, полга тупуриш тақиқланган кўрсатмалар, темирйўл миршаблигининг иш тартибини ўқиш учун келарди. Кейин у бурчакка ўтириб оларди. Кенг хона нимқоронги эди. Дезинфекция қорищмаси қуйилавериб, кўп ойлардан бери ёқилмаган чўян печнинг биқинларига йўл-йўл оқиш из тушган. Девордаги ўнлаб плакатлар қаердадир Вандола ёки Каннdagими эркин ва баҳтиёр ҳаётни кўз-кўз

қиласарди. Рамберни бу ерда одамнинг тоқати адо бўлганда туғиладиган кўрқинчли озодлик туйғулари эгаллаб оларди. Унинг кўз олдида тикланадиган хотиралар орасида энг оғири Париж манзаралари эди, ҳарқалай, у Риэни шундай деб ишонтиришга уринди. Париж у учун босинқирашга айланди. Шимолий вокзал, Пантеон атрофидаги ҳувимлаган маҳаллалар, Парижнинг аллақандай пучмоқлари ҳар қандай ҳаракат истагини ўлдирад, илгари Рамбер уларни шу қадар дард билан севишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Риэ фақат муҳбир шунчаки ўз муҳаббатига бу манзарани аралаشتриб юборяпти, деб ўйлади. Бир вақтлар Рамбер унга эрталаб соат тўртда туриб, қадрдон шаҳрини ўйлаб ўтиришни севишини айтганда, ҳаким бу гапни ўзининг ардоқли тажрибаларига осонгина қиёслади – у ҳам жўнаб кетган хотинини худди шу соатларда эслашни яхши кўрарди. Айни шу соатда у хотинини ҳақиқатан ҳам яқиндан туяр эди.

Ҳа, соат тўртгача одамнинг, моҳиятан олганда, қиладиган иши йўқ ва ҳатто бу хиёнат кечаси бўлса ҳам, қотиб ухлайди. Ҳа, одам бу соатда ухлайди ва ухлагани ҳам яхши, чунки хавотирлар қийнаган кўнгилнинг ягона истаги – кимни севсанг, ўшани батамом эгаллаш ёки агар айрилиқ они келса, уни то учрашув кунига етгунча тушларингнинг тубига яшириб қўйищдан иборат бўлади.

Ваъздан кейин кўп ўтмай саратон кирди. Июнь охирлаб қолди. Эртаси куни, довруқли ваъзга нишона бўлиб кеч ёқсан жалалардан кейин бирданига осмонда ва уйлар томида ёз фасли яшнаб кетди. Унинг пойқадами фақат кечга бориб тинган, лекин шаҳарнинг ҳамма деворларини қуритишга улгурган қайноқ бўронга ўхшаш шамол билан бошланди. Осмоннинг ўртасига қуёш худди ёпишиб қолганга

ўхшарди. Кун бўйи шаҳарга қайноқ ҳаво, ярқироқ нурлар қўйилиб турди. Одам уйдан ё кўчалар равоқлари панасидан чиқиши биланоқ шаҳарда қуёш қовурмаётган бирорта пучмоқ қолмагандай туюлар эди. Куёш ҳамтабааларимизни энг овлоқ бурчакларда ҳам таъқиб қилас, сал тўхталса бас, ёпирилиб ташланарди. Жазираманинг илк кунлари ўлим курсаткичларининг шиддатли қўтирилишига тўғри келгани учун – энди эпидемия ҳафтасига тахминан етти юзтacha одамни қурбон қиласди – шаҳарни мотамсаролик қоплаб олди. Шаҳарнинг айвонли уйлари равон кўчаларда тизилишган чеккаларида доимги гавжумлик йўқолди, ҳаёт шундоқ остоналарда гуркираб турадиган маҳалла ўлди, қопқалар тақа-тақ ёпилди. Лекин одамларни уйларига вабо қамадими ёки қуёшли – ҳеч ким билмасди. Бари бир, айрим уйлардан ингроқ эшитилар эди. Илгари, шунга ўхшашиб ҳодисалар юз берганда, ҳангоматалаблар кўчани тўлдириб қулоқ тутар, муҳокама қилас эдилар. Лекин энди, хавотир чўзилиб кетгач, одамларнинг юраги тош қотганга ўхшар, ҳамма оҳ-воҳ чиқаётган уйдан олисда турар ёки бу оҳ-воҳ одамнинг табиий гапларига айланиб қолгандай, четлаб ўтиб кетар эди.

Шаҳар дарвозаси олдида миршаблар курол ишлатишга мажбур бўлган олишув бўғиқ бир ғалаён уйғотди. Албатта, яралангандар бўлди, лекин ҳамма-ҳаммаси ваҳима ва иссиқ таъсирида ошириб-тоширилаётган шаҳарда ўлганлар ҳам бор эди, деган гап тарқалди. Ҳар ҳолда, ғалаённинг кучайиши тўхтамади, бундан ёмонроғини кутган шаҳар ҳукумати дарра остида итоатда турган аҳоли кутилмагандা бош кўтарса, қандай чоралар қўллаш ҳақида жиддий ўйлаб қолди. Рўзномалар шаҳар чегарасидан ўтиш мутлақ тақиқлангани қайта-қайта уқтирилган буйруқларни зълон қилди,

тартиббузарларни қамоқ кутаётган эди. Соқчилар шаҳарни тит-пит қилди. Жазирамада қоврилган кимсасиз кўчаларда, тақатак бекилган қопқалар оралаб, ҳар замонда келаётганини тош тўшалган йўлларда қарсиллаётган туёқ товуши билан огоҳ қилиб, отлиқ соқчилар пайдо бўлади. Соқчилар муюлишда йўқолгандан кейин кулфатхона шаҳарни яна бўғик, хатарли сукунат чулғаб олади. Вақти-вақти билан ўқ товуши чиқади – яқинда берилган буйруққа кўра маҳсус даста бурга ташувчи гумон этилган дайди ит ва мушукларни отарди. Бу пақиллашлар шаҳарни бутунлай ҳарбий хатарга солиб қўйди.

Ҳамма нарса ваҳима босган ҳамтабааларимиз кўнглида беўхшов бир катта аҳамият топди ва бунинг сабабчилари ҳам жазирама билан сукунат эди. Ҳамтабааларимиз йил фасллари ўзгаришидан хабар берган осмон ранги, ер ҳидини пайқай бошлидилар. Ҳар бир одам қўрқинч билан жазирама ҳавонинг эпидемия кучайишига сабаб бўлаётганини тушунар, айни пайтда ҳар бири ёз кирганини кўриб турар эди. Айниқса, қалдирғочларнинг шаҳар устидаги осмонда товушлари синиқ эшитилади. Лекин июннинг ўлкамиз уфқларини нари сурган оқшомлари бу товушлардан ниҳоятда кенг эди. Бозорга баҳорнинг илк гулдасталари эмас, қийғос очилган гуллар олиб чиқилди, эрталабки савдодан кейин чанг босган йўлкаларда турфа гулбарглар сочилиб қоладиган бўлди. Ҳамма кўклам тугагани, унинг бир-бирига ўрин берган ана шу минг-минг гулларга сарф бўлгани ва зимдан икки баробар юк – вабо ва жазирама залвори тагида сўлиб бораётганини аён кўриб турар эди. Буни очиқ осмон, бу чанг ва дилтангликдан оқиш тус олган кўчалар барча ҳамтабааларимиз кўз ўнгига шаҳримиз кифтига баттар юк бўлиб босилган юзлаб ўлимлар сингари хатарли бир маъно касб

этган эди. Бераҳм қүёш, мудроқ таъми инган чўзиқ соатлар ва ёзги таътиллар энди аввалгидай бадан ва сув маросимларигача чорламас эди. Аксинча, жимиб қолган ёпиқ шаҳримизда бу чорловлар зиндан эшитилаётгандай бўғиқ чиқарди. Бу соатлар бахтиёр ёз ойларининг мисранг тобланишидан маҳрум бўлди. Вабо қүёши барча бўёқларни ўчириб қўйди, барча кувончларни қувғин қилди.

Худди мана шунда вабо амалга оширган улуғ тўнтаришларнинг бири аён бўлди. Ҳамтабааларимиз одатда ёз келишини шодон қаршилар эдилар. Ўшанда бутун шаҳар денгизга қараб очилар, ўзида неки навқиронлик бўлса, барини қумлоқларга сочар эди. Бу ёзда эса шундоқ ёнгинамиизда ётган денгиз қатагон қилинган, бадан ўзининг кувончга етиш хукуқидан маҳрум этилган. Бунақа шароитда яшаб бўладими? Ҳарқалай, Тарру ўша мотамсаро кунлардаги ҳаётимиз манзарасини аниқроқ тасвирлаган эди. Турган гап, у вабо ривожининг умумий белгиларини кузатган, ўз кундалигига радио ҳафта бўйи неча юз одам ўлганини айтмай қўйгани, фақат кунлик маълумотларни – тўқсон икки, бир юз етти, бир юз йигирма ўлим воқеасини – маълум қилишга ўтишидан иборат эпидемиянинг навбатдаги босқичини қайд этган. «Матбуот ва шаҳар хукумати вабони ҳийла билан енгишга уриняпти. Ўзларича, бир юз ўттиз, албатта, тўққиз юзу ўндан кам бўлгани учун, ютиб чиқяпмиз деб хаёл қиласилар». Яна у эпидемиянинг қизиқарли ёки шунчаки таъсирчан жиҳатларини ҳам тасвирлайди – масалан, бир куни ҳувиллаган маҳаллада бекилган қопқалар орасидан кетаётгандан, нақ боши устида деразанинг икки қаноти ҳам очилибди ва қанақадир аёл жон аччиғида икки марта қичқирибди ва яна уйнинг куюқ зулматини кундузнинг ёруғидан кесиб, иккала қанотни ҳам ёйиб олибди. Бошқа бир жойда у дори-

хоналарда ялпиз хабдори тугагани, чунки кўплар касал юқтиришдан кўрқиб тинмай шу хабдорини оғзидан кўймай сўриб юришини ёзади.

У ўзининг севимли қаҳрамонларини кузатишни ҳам давом қилган. Жумладан, у мушукбоз бобойча ҳам фожиадан қийналаётганига ишонади. Бир куни эрталаб уларнинг кўчасида милтиқлар пақиллаб, мушукларнинг талайи кўроғшин тупукдан ер тишлаган, қолганлари ўтакаси ёрилиб қочган. Шу куни бобойча доимги пайтда айвонга чиқсан, ажабланиб кифтини қисган ва панжарадан эгилиб, кучани бутуничা кузатгандан сўнг тақдирга тан беришга ва кутишга қарор қилган. Унинг бармоқлари панжара темирини асабий чертган. У яна бир оз кутган, йўлкага қоғоз йиртиб ташлаган ва уйига кириб кетган, яна чиқсан, кейин бирдан эшикни қаҳр билан уриб, гумдон бўлган. Кейинги пайлари ҳам бу томоша айнан шундай қайтариленган, лекин энди бобойчанинг қиёфасида кун сайин теранлашаётган ҳасрат ва гарангсиш аниқ кўриниб турарди. Бир ҳафтадан кейин эса Тарру ҳар кунги томошани бехуда кутадиган бўлди, қайсар деразалар қайта очилмаган, улардан ичкарида эса, афтидан, маъниси тушунарли мотам ҳукм суроётган эди. «Вабо пайтида мушукларга тупуриш ман этилади», – бу ёзувлар шундай ҳикмат билан якунланган эди.

Лекин Тарру кечкурунлари қайтаётib, уйи олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турган тунқоровулнинг тунд қиёфасини кўришга ҳеч шубҳа қимаса бўлади. Қоровул ҳаммага ва ҳар битта одамга бу воқеаларни олдиндан башорат қилганини уқтиришдан тинмасди. Тарру унинг башоратини эшитганини тасдиқлаб, лекин у ер қимирлашини айтганини эслатган эди, чол ён бермади: «Эҳ, агар зилзила бўлса! Боплаб силкитади – шу ҳолда... Ўладиганлару қоладиган аниқ бўларди – вассалом. Бу манжалаки вабони айт-

майсизми! Ҳатто соппа-соғ одам ҳам касалликни юрагидан чиқариб ташлолмайди».

Меҳмонхона мудирининг кайфияти бундан ҳам баттар эди. Дастребки пайтлари шаҳар қатағон қилингани учун қўноқлар меҳмонхонада туришга мажбур эди. Лекин эпидемия чўзилди, қўноқларнинг кўпчилиги дўстларинида яшаши маъқул кўрди. Илгари меҳмонхоналар қайси сабаб билан гавжум бўлса, худди шу сабабдан бўшаб қолди, – шаҳарга янги сайёҳлар келиши тўхтатиб қўйилди. Тарру бир нечта охирги қўноқлар билан қолди ва мудир уни ҳар кўрганда меҳмонхонани аллақачонлар ёпиши кераклиги, фақат сўнгги мижозларини деб шундай қилмаётганини эслатиб қўяди. У Таррудан тез-тез эпидемия чўзилиш эҳтимоли ҳақидаги фикрини сўраб туради. «Совуқ ҳаво бактерия тарқалишига тўскىнлик қилади деб айтишади», деб жавоб қилади Тарру. Шунда мудир тамом ҳушини йўқотади: «Мсье, ахир бу ерга ҳеч қачон чинакам совуқ тушмасди. Нима бўлганда ҳам, унга кўп ой бор!» Устига устак, эпидемия тўхтагандан кейин ҳам узоқ вақт шаҳримизни сайёҳлар четлаб ўтишига ишонади. Бу вабо – туризм учун ўлимдир.

Ресторанда кўп кунлардан бери кўриниш бермай қолган укки одам – Отон жаноб пайдо бўлди, лекин ёнида фақат икки ўргатилган кучукласи бор эди. Қўлга кирган маълумотларга кура, хотини касал онасига қарабди, энди уни кўмганларидан кейин карантин ўтаётган экан.

– Шуниси менга ёқмайди, – деб мудир Тарруга кўнгил ёрди. – Карантин карантин-да, бари бир, хотини гумонда бўлгандан кейин, булари ҳам...

Тарру бу нуқтаи назардан барча одамлар шубҳали эканини айтди. Лекин мудир айтганида туриб олди, бу борада у аниқ бир фикрга эга.

– Йўқ, мсье, икковимиз, масалан, шубҳа остида эмасмиз, булар эса – шундай.

Лекин Отон жаноб вабо деган арзимас нарсани деб кўнилмаларини ўзгартиromoқчи эмас экан, шу ўринда вабо доғда қолди. Отон жаноб ресторонинг кенг хонасига аввалгидай кириб келар, курсига биринчи ўтирап, ўз меросхўрлари билан олдингидай ёқимсиз – нозик сұхбат қурага ўранган, алланечук жунжаяверганидан отасининг мўъжаз соясига ўшаб қолган эди. Отон жанобни иқи сўймаган тунқоровул вайсар эди:

– Шу кийимида ўлади бу. Уни кийинтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Шу туришда тўппа-тўғри у дунёга равона бўлади.

Кундаликда Панлю ҳазратнинг ваъзига ҳам жой ажратилган, қуидагича изоҳ берилган: «Менга бу жўшқинлик тушунарли ва ҳатто ёқимли ҳам. Фожианинг боши ҳам, худди шундай охири ҳам жиндай сўзамоллик билан ҳамроҳ қилинади. Биринчи ҳолатда ҳали кўнирма йўқотилмаган, иккинчисида эса аллақачон қайтган бўлади. Фожианинг энг авжика ҳақиқатга, яъни сукунатга кўникасан. Кутамиз».

Тарру Риэ ҳаким билан узоқ гаплашишга тўғри келганини ёзади, лекин баёнини келтирмайди, фақат бу сұхбат ижобий натижга берганини таъкидлайди, буни ҳам ҳакимнинг кўзлари жигарранг эканини тилга олиш баҳонасида келтириб, бундай олижаноб нигоҳлар ҳар қандай вабодан кучлироқ, деган ғалати хулоса чиқаради ва ниҳоят қарийб икки саҳифани Риэ ҳакимнинг мижози – кекса дамқисма чолга багишлайди.

Сұхбатдан кейин у касал кўргани бораётган ҳакимга эргащди. Чол меҳмонларни доимги заҳаролуд ҳиринглаши ва кафтларини бир-бирига ишқалаш билан қарши одди. У тўшакда, елкасини ёстиққа бериб ётган, нўхат солинган икки кастрюлни икки биқинига қўйиб олган эди.

— Аҳ-ҳа, яна биттаси келди, — деди у Тарруни куриб. — Бу дунёда ҳамма нарса тескари, касалдан ҳам ҳаким кўпайди. Ҳўш, қалай, иш тезлашиб кетди, а? Кюре ҳақ экан, ҳаммаси қилмишига яраша.

Эртаси куни Тарру яна уникига огоҳлантирмай кириб борди. Агар унинг ёзувларига ишонсак, дамқисма чол, асли касби атторлик бўлиб, элликка чиққандан кейин шунча ишлаганим бас, деган қарорга келган. Тўшакка ётган ва шу билан қайтиб турмаган. Лекин тикка турса, дамқисмаси билан қарийб қийналмайди. Шу тариқа етмиш ёшигача жиндайгина рента даромади билан умр суреб, осонгина вакт ўтказибди. Соатнинг ҳар қанақасини жини сўймас, уйида ҳатто қўнфироқсоат йўқ экан. «Соат, — дейди у, — қимматбаҳо ва бориб турган аҳмоқлик». Вақтни, айниқса ўзи қадрлайдиган овқат вақтини уйғонгани заҳоти ёнига қуилиладиган, бири лим тўла икки кастрюлдаги нўхатга қараб белгилайди. У нўхатни битта-битталаб, бир маромда ташлаб кастрюлнинг бўшини тўлғазади. «Мана, ўн бешта кастрюл тўлдирсан, — дер эди у, — овқат вақти маълум бўлади. Шундан кулайи йўқ».

Хотинининг айттанига ишонсак, у ёшлигида ҳам фалати қиликлар кўрсатар экан. Чиндан ҳам, уни ҳеч қачон на иш, на дўстлари, на қаҳвахона, на мусиқа, на аёл ва на сайдлар қизиқтирган. У бирон марта шаҳардан ҳам чиқмаган; фақат бир гал, оиласи иш юзасидан Жазоирга жўнади, лекин Орандан кейинги бекатдаёқ тушиб, биринчи поезд биланоқ қайтиб келди — саёҳатни давом эттиришга бардоши етмади.

Чол бу ихтиёрий таркидунёдан ҳайратга тушганини яшиrolмаган Тарруга тушунтириди: диний таълимотга кўра, инсон ҳаётининг биринчи ярми — кўтарилиш, иккинчи ярми — эниш экани ва шу бошлангандан сўнг инсон ўз кунларига эга эмас, бу кунлар хоҳлаган дақиқада тортиб олиниши

мумкин. Бунда ҳеч нарса қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳеч нарса қилмаслик яхшироқ. Лекин, дарвоқе, бу нисбатдаги очиқ мантиқсизлик чолни сира хижолат қилмади, шу заҳотиёқ Тарруга Худо йўқ, Худо бор бўлса, нонларнинг нима кераги бор, деган баёнот берди. Лекин чолнинг фалсафий қарашлари суҳбат давомида Тарруга уларнинг черковида йифиладиган хайрия туфайли туғилгани ойдинлашди. Чол портретига охириги чизги қилиб, унинг ҳамсуҳбатига қайта-қайта уқтиргани – роса қарип-чурив, кейин ўлишни истаётганини ҳам кўшиб қўйишга тўғри келади.

«Ким бу ўзи, авлиёми? – деб ўйлади ўзича Тарру. Ва жавоб берди: – Ҳа, агар авлиёлик кўникумалар йифиндиси бўлса, бу авлиё».

Лекин Тарру айни пайтда вабо теккан шаҳарнинг бир кундаги барча тафсилотларини тасвирлашга, ҳамтабааларимизнинг шу ёздаги машғулотлари тўғрисида тасаввур уйғотишга интилади. «Бу ерда пиёнисталардан бошقا ҳеч ким табассум қилмайди, – деб ёзади Тарру, – улар эса тез-тез ва меъёрдан ортиқ куладилар».

Тонгда шаҳарда енгил шабада эсади. Вабо бу соатда, кечаси ўлганлар билан кундузи ўладиганлар оралиғидаги соатда гўё бир лаҳза тин олиб, куч йигаётганга ўхшайди. Ҳали барча дўконлар ёпиқ. Лекин у ер-бу ердаги дўконлар ойналарига осигли «Вабо муносабати билан ёпиқ» деган эълонлар уларнинг белгиланган вақтда очилмаслигини билдириб туради. Ҳали уйқуси тўла ўчмаган рўзномафурушлар сўнгги хабарларни айтиб қичқирмайдилар, балки деворга суюнганча, ўз молларини ойпарастларга ўхшаб унсиз чўзиб турадилар. Бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас трамвайларнинг илк жиринглашидан уйғонган рўзномафурушлар фақат битта «Вабо» деган сўз

босилган рўзномани қўлларида чўзиб, бутун шаҳарга сочилиб кетадилар. «Вабо кузгача давом этадими? Профессор Б. жавоб беради: «Йўқ!» «Юз йигирма ўлим воқеаси – эпидемиянинг тўқсон тўртинчи куни якунлари шундай».

Борган сари билинаётган, шу учун кўп нашрларнинг ҳажми қисқарган қоғоз танқислигига қарамай, «Вабо хабарномаси» деган янги рўзнома чиқа бошлади, унинг вазифаси: «Фуқароларимизга касалликнинг кучайиши ёки сусайиши ҳақида мумкин қадар холис ахборот етказиш, эпидемиянинг давоми борасида мўътабар маълумот бериш, вабога қарши курашадиган таниқли ёки нотаниш кишиларга ўз саҳифаларидан жой ажратиш, аҳолининг кайфијитини кўтариш, ҳукумат курсатмаларини босиш – хуллас, бошимизга тушган кулфатга қарши курашда барчанинг иродасини тўплаш, ягона муштга айлантириш»дан иборат эди. Аслида эса рўзнома бир неча кундан кейин оқ ўз вазифасини вабога қарши қўлланадиган янги ва ишончли профилактик воситалар ҳақида ахборот бериб бориш билан чеклаб кўйди.

Барча рўзномалар эрталаб соат олтиларда, дўконлар очилишидан бир соат олдин тизилган тез наўбатларда, кейин эса шаҳар чеккасидан тикилинч келадиган трамвайларда сотилиб бўлади. Трамвай бизга ягона нақдиёт бўлиб қолди ва улар жуда-жуда имиллаб юради, чунки ичию таши, зинапояларигача одамга тўлади. Қизиқ бир ҳолат – йўловчилар касал юқтиришдан қочиб, шу тикилинчда ҳам бир-бирларига иложи борича орқа ўтиришга тиришар эдилар. Бекатларга етган трамвайлар ичидаги эркаклар ва аёллар галасини тўкиб кетади, улар эса тезроқ ёлғизликка етиб олиш учун ҳар томонга сочиладилар. Трамвайларда кўпинча шунчаки бузук кайфиятдан чиқадиган жанжаллар бўларди ва охири сурункали тус олади.

Биринчи трамвайлар ўтгач, шаҳар секин-аста уйғонади, пештахталарига «қаҳва йүк», «қандни ўзингиз билан олиб келинг» деган эълонлар турган дастлабки пивохоналар очилади. Кейин дўкончалар ишга тушади, кўчаларда ғала-ғовур бошланади. Бир пайтнинг ўзида бутун шаҳарни қоплаб, куёш нурлари қўйилади ва жазира маҳавири ёндан юль осмонини кўрғошин губор билан ўраб олади. Бу пайтлари қиласиган иши йўқ одамлар юрак ютиб хиёбонда кезгани чиқадилар. Уларнинг кўпчилиги намойишга қўйилган ҳашамат ёрдамида вабони қандай бўлмасин, афсун қилишга уринаётгандай бир тасаввур уйғонади. Ҳар куни, соат ўн бирларда шаҳарнинг марказий кўчаларида гўё ёш йигитлар ва ёш хонимларнинг кўриги ўтаётгандай бўлади ва уларга қараб улуғ фожиалар оғушида қизғин ҳаёт иштиёқи етилиб келаётганини тушунасан. Агар эпидемия кенг тус олса, унда ахлоқ чегаралари кенгайиб кетадиганга ўжшайди. Шунда биз оғзи очик гўрлар тепасида Милан шахватбозликларини кўрадиган бўламиз.

Туш пайти, барча ресторанлар гўё сеҳргар афсуни билан бўлгандаи, лиқ тўлади. Бир неча дақиқадан сўнг эшик олдида жой етмаганларнинг кичикроқ гурухи кутиб қолади. Жазирамада астасекин осмон унниқади. Куёш, ана-мана баҳайбат маркиз дараҳтларининг соясида овқатга навбат пойлаётгандарни эритиб юборадигандай туюлади. Ресторанлар овқат муаммосини осонгина ҳал этади ва шунинг учун доим гавжум. Лекин улар юқтириш хавфидан холос қилмайди. Тушлик қиласиганлар анжом ва ликопчаларни ҳафсала билан узоқ артадилар. Яқиндан бери ресторанларнинг ойнасида «Бизда идишлар қайнатилади» деган эълонлар пайдо бўлди. Лекин сал ўтмай, ресторан эгалари ҳар қанақа эълонномага қўл силташди, чунки жамоат

шусиз ҳам оқиб келарди. Қолаверса, мижозлар хасислик ҳам қилмай қўйишиди.

Энг ноёб ёки шундай ҳисобланадиган шароблар, энг қиммат газаклар – ишратпарастларнинг оташин мусобақаси шулардан бошланар эди. Бир ресторанда ваҳима кўтариғанини ҳам айтишади – тушлиқ қилаётганлардан бири ўзини ёмон сезибди, дастурхондан турибди-да, ранги оппоқ оқариб, гандираклаб эшикка ошиқибди.

Соат иккига бориб шаҳар секин-аста бўшайди, кўчаларда бу пайти чанг, қуёш, вабо ва сукунат юз кўришади. Жазирама кулранг иморатларнинг баланд деворлари бўйлаб узлуксиз қўйилади. Бу узоқ қамоқ соатлари кейин чулдираётган гавжум шаҳарга, одамлар оқимига ёпириладиган алангали оқшомларга уланади. Жазираманинг ilk кунлари, негалигини ҳеч ким билмайди, ҳатто кечқурун ҳам кўчада зор учрамас эди. Лекин энди тунги салқин эпкини умид бермаса ҳам, ҳар қалай, енгиллик келтиради. Шунда ҳамма уйдан кўчага сочилади. Ўзларини валақлаш, бақир-чақир баҳслар билан гаранг қилишга интиладилар, ҳирсланадилар ва июлнинг қип-қизил осмони остидаги шаҳар маҳбуб жуфтлари, одамлар ғовури билан зикнафас осмон йўлида шамол кутаётган кемадек турар эди. Ҳар оқшом мовут шляпа кийган, капалакнусха галстук таққан аллақандай чолнинг: «Оллоҳ улуғ, унга қараб йўл олинг», деб одамларни ёриб ўтиши ҳам беҳуда эди, аксинча, ҳамма, моҳиятан олганда, кимлигини ўзлари ҳам билмайдиган кимгадир ёки худодан ҳам муҳимроқ туюладиган нимагадир шошгани шошган эди. Аввалига, эпидемия бошланганда, уни шунчаки одатдаги эпидемия деб ҳисоблаб юрилган пайлари диннинг анча ўрни бор эди. Лекин одамлар ишлар чатоқлигини англағанларидан кейин бирдан ҳаёт қувончлари

борлигини эслаб қолдилар. Кундузи ҳамма юзларни хунуклаштирадиган қўрқинч ҳозир, бу чангга қоришган, алангаланган оқшомларда аллақандай ноаниқ эҳтирос, шаҳарни қиздираётган қандайдир бесўнақай озодликка ўрнини бўшатиб беради.

Ва мен, мен ҳам шулар қатори. Нимасини айтай! Улим мен қатори одамлар учун – ҳеч нарса. Ҳақ эканизмизни исботлайдиган оддий ҳодиса!»

Кундаликада эскартиш қилинган учрашувни Риэдан Таррунинг ўзи илтимос қилди. Риэ учрашишга келишилган оқшом меҳмонни кутар ва ошхона бурчагидаги курсида қунишиб ўтирган онасига термилар эди. Шу ерда, худди шу жойда онаси рўзгордан қўли бўшаган ҳамма вақтларини ўтказар эди. Кўлларини тиззасига қўйиб кутиб ўтиради. Риэ ҳатто онаси ўзини кутаётганига ҳам унча ишончи комил эмасди. Лекин уйига кириб келганда онасининг юзида ўзгариш бўлади. Меҳнатда ўтган узоқ умр тилдан қолдирган неки бўлса, барига бирдан жон киради. Лекин кейин у яна сукунатга чўмади. Бу оқшом у алмақачон ҳувиллаган кўчага қараб турган эди. Кўча чироқлари энди учдан иккига камайтирилган, фақат хирагина яккам-дуккам чироқлар тун зулматини тилимлаб турарди.

– Наҳотки бутун эпидемия бўйи электр чироқлар шундай ярим қувватда ёнса, – деб суради Риэхоним.

– Эҳтимол.

– Ҳеч бўлмаса, қишигача тугаса эди. Йўқса, қишида жуда зерикарли бўлади.

– Ҳа, – деб қувватлади Риэ.

Риэ онасининг нигоҳи пешанасидан сирғалиб ўтганини туди. Унинг ўзи ҳам кейинги кунлардаги толиқиши ва хавотирлар чиройига чирой қўшмаганини биларди.

– Қалай, бугун юришмадими? – деб суради Риэхоним.

– Э йўқ, ҳамишагидай.

Ҳамишагидай! Бу Париждан келган эмдори, афтидан, биринчисига қараганда кучсизроқ чиққани ва ўлим рақамлари ўсаётганини англатади. Лекин профилактик вакцинацияни илгаригидай фақат вабо танда қуриб чиққан оиласардагина қилишга тўғри келаётир. Чипқон куп ҳолда ўжарлик билан ёрилишни хоҳламаяпти, негадир улар олдингидан бошқача қаттиқ, касаллар икки баробар оғир азобда. Шаҳарда кечаги кундан касалликнинг янги иккита тури рўйхатга олинди. Энди чипқонли вабога ўпка вабоси ҳам қўшилди. Ва шундагина бутқул ҳолдан тойган ҳакимлар эсанкираб қолган волий ҳузуридаги мажлисда ўпка вабоси одамнинг нафасидан тарқаладиган бўлгани учун, юқтириш хавфининг олдини оладиган янги чоралар қўллашни талаб қылдилар ва талабларига эришдилар. Ва ҳамишагидек ҳеч ким нима бўлишини билмас эди.

Риэ онасига термилди. Қўйкўзларнинг азиз нигоҳи унинг кўнглида фарзандлик меҳрини, бутун-бутун йиллар меҳрини тўлқинлатди.

- Ишқилиб, қўрқиб қолмадингми, она!
- Менинг ёшимда қўрқитадиган ҳеч нарса йўқ.
- Кунлар узун, мен уйда ҳеч бўлолмайман.
- Келишингни билганимдан кейин, сени қанча бўлса, шунча кутавераман. Уйда йўқ пайтларинг нима қилаётганингни ўйлаб ўтираман. Хабар борми?
- Ҳа, агар кейинги телеграммага ишонсак, ҳаммаси жойида. Лекин ишонаман, мени хавотирга қўймай деб, шундай ёзади.

Эшикда қўнфироқ тинфирилади. Ҳаким онасига жилмайиб қўйди ва эшикка юрди. Зинапоя долончаси қоронғи эди ва кулранг костюмдаги Tappу баҳайбат айиқقا ўхшаб кўринди. Риэ меҳмонни иш кабинетига, ёзув столининг ёнига ўтири-

ғизди. Ўзи эса юмшоқкурсинг суюнчиғидан ушлаб тик қолди. Столдаги чироқ икковии ажратиб турар, хонада фақат шу чироқ ёнаётган эди.

– Биламан, – бетакаллуф гап бошлади Тарру, – фақат сиз билан очиқ гаплашиш мумкин.

Риэ Таррунинг гапларини тасдиқлаётгандай сукут қилди.

– Икки ҳафта ёки бирон ойдан кейин керагингиз бўлмай қолади, воқеалар сиздан ўзиб кетди.

– Сиз ҳақсиз, – деб унга қушилди Риэ.

– Санитария хизмати жуда уқувсиз ташкил қилинган. Сизга одамлар ҳам, вақт ҳам етишмаяпти.

Риэ буни тасдиқлади.

– Билишимча, волийлик ишга яроқли барча эркакларни вабога қарши курашга тортиш ниятида аҳоли орасидан маҳсус хизмат ташкил қилмоқчи экан.

– Маълумотларингиз тўғри. Лекин шусиз ҳам норозилик кучли бўлганидан волий иккиланиб турибди.

– Бундай пайтлари хоҳловчиларга мурожаат қилинса бўлмайдими?

– Қилиб кўрдик, лекин натижаси арзимайди.

– Расмий тарзда, натижа беришига ўзлари ҳам ишонмай қилишган. Уларга битта нарса – топқирилик етишмайди. Шунинг учун фожиа ўсишидан орқада қояптилар. Ўзларича вабо билан олишаяпмиз, деб ўйлашади, кураш воситалари эса тумовга қарши курашдан юқорироққа кўтарилмайди. Агар биз аралашмасак, улар нобуд бўлишади, улар билан ўзимиз ҳам.

– Эҳтимол, – деб уни қувватлади Риэ. – Сизга айтиб қўяй, улар бандиларни ҳам қора ишларга қўймоқчи бўлиб юришибди.

– Мен ишни эркин одамлар бажаришини маъқул топардим.

– Мен ҳам. Аммо нима учун?

– Ўлим ҳукмини ёмон кўраман.

Риэ Тарруга қараб қўиди.

– Хўш, нима бўпти?

– Негаки, менда ихтиёрий дасталар ташкил қилиш режаси бор. Шу ишни менга қўйиб беринглар, раҳбарият фақат қўлласин. Уларнинг ташвиши шусиз ҳам етиб ортади. Менинг ҳамма ерда дўстларим бор, улар шу ташкилотнинг асосини тузадилар. Табиийки, дастага ўзим ҳам кираман.

– Шахсан ўзим қувонч билан рози бўлишимга шубҳа қилмасангиз керак, – деди Риэ. – Одам ҳамма вақт, айниқса бизнинг касбдошлар ҳамиша ёрдамга муҳтож. Таклифингизни волийликдан ўтказишни зиммамга оламан. Қолаверса, уларнинг бошқа иложи йўқ. Лекин...

Риэ индамай қолди.

– Лекин бу иш, ўзингиз биласиз, ажал билан ўйнашиш. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сизга айтиб қўйишга мажбурман. Ўзингиз яхшилаб ўйлаб олганмисиз?

Тарру тиник кўзларини ҳакимга қадади.

– Ҳаким, Панлю отанинг ваъзини нима дейсиз?

Бу савол қанча табиий чиқса, Риэ ҳакимнинг жавоби ҳам шундай табиий бўлди:

– Мен шунча умримни касалхоналарда ўтказдим, шунинг учун жамоа қасосига ишонмайман. Лекин, билсангиз, баъзан насронийлар, ўзлари чин маънода ишонмасалар ҳам, бу мавзуда гапиришни хуш кўришади. Улар сиртдан кўринишларидан беҳроқ.

– Демак, сиз ҳам, Панлю ҳазратга ўхшаб, вабонинг ижобий томонлари ҳам бор, одамларнинг

кўзини очади, ўйлашга мажбур қилади, деб ҳисоблайсиз?

Ҳаким бесабр бош чайқади:

– Дунёнинг ҳамма касаллиги қандай бўлса, шундай. Бу дунёнинг хасталиклариға нима мос тушса, шу вабога ҳам тўғри келади. Эҳтимол, кимгадир яхшироқ ҳам бўлар. Лекин вабонинг шунча қайфу ва кулфат келтираётганини кўриб туриб, у билан муроса қилиш учун телба, сўқир ё шунчаки аblaҳ бўлиш керак.

Риэ овозини қарийб кўтармай гапирди. Лекин Тарру гўё уни тинчлантиргандай қўлини силкиди. У табассум қилди.

– Ҳа, – деди Риэ кифтини қисиб. – Лекин ҳали сиз менга жавоб бермадингиз. Яхшилаб ўйлаб олдингизми?

Тарру юмшоқкурсига қулайроқ жойлашди ва чироққа интилди.

– Ҳаким, сиз Худога ишонасизми?

Бу савол ҳам табиий чиқди. Лекин бу гал Риэ бирданига жавоб бермади.

– Йўқ, лекин бунинг нима аҳамияти бор? Мен зулматда турибман ва, жилла қурса, ниманидир кўришга уриняпман. Купдан бери буни бошқача ҳисобламай қўйганман.

– Худди шу билан Панлю ҳазратдан ажралиб турибсизми?

– Қўшилмайман. Панлю – хонанишин олим. У керагича ўлим кўрмаган, шунинг учун ҳақиқат номидан гапираверади. Лекин қавмларнинг тавбасини қабул қилган, ўлаётган одамнинг сўнгги нафасигача тепасида бўлган ҳар қандай қишлоқ кашишчаси худди мендай ўйлади. У аввал кулфатда ёрдам қилишга интилади, унинг хайрли сифатлари тўғрисида кейин гапиради.

Риэ ўрнидан турди, чироқ ёруғи юзидан кукрагига сирғалиб тушди.

– Майли, саволимга жавоб беришни истамасангиз, қўйиб турамиз.

Тарру жилмайди, юмшоқкурсида қимирамай, аввалгидай жой бўлиб ўтирган эди.

– Жавоб ўрнига битта савол берсам бўладими?

Ҳаким ҳам жилмайди.

– Сир-асорни севадиган чиқиб қолдингиз, – деди у. – Ҳайданг.

– Бундай, – деди Тарру, – агар Худога ишонмасангиз, ўз ишингизда бунча фидойилик қиласиз? Балки жавобингизни билганимдан кейин мен ҳам жавоб айтарман.

Риэ боягидай нимсоядада турганича, бу саволга жавоб бергани ва агар қодир Худога ишонганида, касалларни даволашни аллақачон йиғишириб, ҳаммасини Худонинг иродасига топширган бўлишини айтди. Лекин, гап шундахи, дунёда биронта одам, ҳа-ҳа, Панлю ҳазрат ҳам бунақа Худога ишонмаслигига ишончи комил, ҳеч ким унинг иродасига ўзини топшириб қўймайди. У, Риэ, ҳар қалай, дунё тартиботига қарши курашда тўғри йўл тутганман, деб ҳисоблайди.

– А-а, – деб чўзди Тарру, – бундан чиқди, сиз касбингизни шунақа тасаввур қиласиз?

– Тахминан шундай! – деди ҳаким ва чироқдан тушаётган нур айланаси ичига қадам қўйди.

Тарру секингина ҳуштак чалиб юборди, ҳаким унга диққат билан қаради.

– Ҳа, – деди Риэ, – сиз, бу ерда мағрурлик керак, демоқчига ўхшайсиз. Лекин менда, ишонинг, мағрурлик қанча зарур бўлса, худди шунча бор. Мени нима кутаётганини ҳам, ундан кейин нима бўлишини ҳам билмайман. Ҳозир касаллар бор

ва уларни даволаш керак. Ўйлашни улар кейин қилади ва мен ҳам улар орасидаман. Лекин энг зарури – уларни даволаш. Уларни қандай ҳимоя қиласман – гап шунда.

– Кимга қарши?

Риэ деразага ўтирилди. Олисда осмоннинг тобора қалинроқ ва сиёҳ қоралигида денгиз мавжудлиги сезилиб турарди. У фақат бир нарсани – кўпкунлик толикиши түйди ва айни пайтда манави ғалати, лекин кўнглидаги биродарлик туйфулари сезилиб турган одам ҳузурида ўтилмаганда ва телбанамо ўйғонган кўнгил ёриш истагига бас келишга уринди.

– Ўзим билмайман, Тарру, Худо ҳаққи, билмайман... Энди бошлаган пайларим маълум маънода ўйламай ҳаракат қиласдим, чунки менга шундай керак эди, чунки ҳакимлик касби бошқаларидан ёмон эмас, шунинг учун ҳам кўп ёшлиар интилар эди. Эҳтимол, кейин, менга, ишчи боласига бу касб жуда қийинчилик билан насиб этгани учундир. Кейин одамлар қандай ўлганини кўришга тўғри келади. Сиз ўлишни сира истамайдиган ҳам одамлар дунёда борлигини биласизми? Сизга ўлаётган аёлнинг: «Йўқ, йўқ, ҳеч ҳам!» деган қичқиригини эшишишни сира тиламасдим. Мен эса эшидим. Ва шунда ҳеч қачон бунга кўниколмаслигимни англадим. Ҳали ёш эдим ва нафратимни нарсаларнинг бунаقا тартиботига кўчирдим. Замони келиб камтарлашдим. Фақат шунда ҳам ўлим томошасига кўниколмадим. Бундан бошқасини ўзим ҳам билмайман. Лекин ишқилиб...

Риэ ўзини тутди ва сукутга чўмди. У оғзи қуриб қолганини бирдан түйди.

– Нима ишқилиб?.. – деб секин сўради Тарру.

– Ишқилиб, – деб такрорлади ҳаким ва Тарруга дикқат билан тикилганича яна жимиб қолди. – Ҳарқалай, сизга ўхшаган одам буни тушунса

керак, тўғрими? Шундай, нарсалар тартиботини ўлим белгилар эканми, демак, Худога, унга ишонмай ва доим сукунат ҳукм сурадиган са-мога ялинмай, бор кучлар билан ўлимга қарши курашиш маъқул келади.

– Ҳа, – деб тасдиқлади Тарру, – тушунаман. Лекин сизнинг ҳар қандай галабангиз доим ўткинчи ва шундай бўлиб қолади, ҳамма гап ана шунда.

Риэ ҳасратга чўмди.

– Биламан, ҳамиша шундай бўлади. Аммо бу курашни йиғиширишга далил бўлмайди.

– Тўғри, далил эмас. Лекин бундай аҳволда сиз учун вабо нималигини тасаввур қиляпман.

– Ҳа, – деди Риэ. – Чеки йўқ мағлубият.

Тарру бир дақиқача ҳакимга тикилиб қолди, кейин ўрнидан турди ва оғир-оғир одимлаб эшикка йуналди. Риэ унга эргашди. Ҳаким ёнига етишганда Тарру оёғи тагига тикилиб турган эди, бирдан сўраб қолди:

– Ҳаким, буарнинг ҳаммасига сизни ким ўр-гатган?

Жавоб куттирмай чиқди.

– Башарий кулфат.

Риэ кабинет эшигини тортди ва долонда Таррутга бирга кетишини, шаҳар чеккасидаги бир касални куришини айтди. Долон охирида Риэ хоним учради, ҳаким унга меҳмонни таништирди.

– Танишиб қўй, дўстим бўлади.

– Сиз билан танишгандан жуда хурсандман, – деди Риэ хоним.

Риэ хоним нари кетганда Тарру унга ўгирилиб қаради. Майдончада ҳакимнинг электр чироқни ёқишига уриниши бефойда чиқди. Пиллапоялар зулматга фарқ эди. Электр қувватни тежаш ҳақида яна бир буйруқ кучга кирибди, деб ўйлади ҳаким. Лекин яна ҳам ким билади. Анчадан бери

шашардан ҳам, уйлардан ҳам файз кетди. Эҳтимол, эшикбонларнинг бепарволигидандир. Лекин кўпчилик ҳамтабааларимизнинг ўzlари ҳам ҳамма нарсани ташлаб қўйишиди. Лекин ҳаким бу фикрини охиригача ўйлаб улгурмади, чунки ортидан Таррунинг овози эшитилди:

– Яна бир эскартиш, ҳаким, майли, у сизга кулгили туюлар: сиз мутлақ ҳақсиз.

Риэ, ҳаракати қоронғида Тарруга кўринмаса ҳам, кифтини қисиб қўйди.

– Очигини айтганда, ўзим ҳам билмайман. Лекин сиз-чи, сиз биласизми?

– Олинг-а, – деб лоқайд чўзди Тарру, – мен туллак одамман.

Риэ тўхтади, қоронғида унинг ортидан келаётган Тарру пиллапояга қоқилади. Лекин ҳакимнинг елкасидан тутиб, ўзини ушлаб қолди.

– Бундан чиқди, ҳаёт ҳақида ҳаммасини биламан, деб ўйлайсиз? – деб сўради ҳаким.

Қоронғидан бояги-бояги хотиржамлик билан айтилган жавоб эшитилди:

– Ҳа, биламан.

Улар фақат кўчага чиққанларидан кейингина энди кеч бўлиб қолганини, соат ўн бирлар атрофига эканини англадилар. Шаҳар жим-жит, шитир-шитирни айтмаса, ҳамма нарса тинган эди. Аллақаер, жуда олисдан «тез ёрдам» чинқирифи эшитилди. Улар машинага ўтирилдилар, ҳаким моторни ўт олдирди.

– Эртага лазаретга бир кириб ўтинг, – деди у, – сизни эҳтиётдан эмлаш лозим. Ҳали бошламасдан олдин тўхтатишингиз учун эсингиизда тутинг, сизга қутулиш учун уч имкониятдан фақат биттаси берилади. Бунақа ҳисобдонликдаи маъни чиқмайди, ҳаким, буни ўзингиз ҳам биласиз. Эпидемия Эронда юз йил олдин шаҳарда яшай-

диганларнинг ҳаммасини ўлдирган. Фақат битта одам, ўлик ювган, бир лаҳза ҳам ишини тўхтатмагаи фассол қолган.

– Демак, унга учинчи имконият чиққан, вассалом, – деди Риэ ва унинг овози кутилмагандага бўғиқ эшитилди. – Лекин сиз ҳақсиз, ҳали биз вабо тўғрисида керагича билмаймиз.

Энди улар шаҳар чеккасида кетаётган эдилар. Автомобил чироқлари кимсасиз кўчаларда равшан порларди. Ҳаким машинани тўхтатди. Эшикни ёпаётиб Таррудан касалникига киргингиз йўқми, деб сўради. Тарру кираман, деб жавоб берди. Уларнинг юзини фақат тунги осмонда аксланганди шуъла ёритиб турарди. Риэ туйқусдан дўстона кулиб юборди.

– Тарру, айтсангиз-чи, – деб сўради, – сизни бу галвани сотиб олишга нима мажбур қиласади?

– Билмайман. Эҳтимол, ахлоқий қараашлардир.

– Улар нимага асосланган?

– Тушунишга.

Тарру уйга қараб бурилди, Риэ унинг юзини фақат дамқисма чолнинг уйига кирганиларидан сўнг кўрди.

Тарру эртаси куниёқ ишга киришди ва тез кунда шу тартибда ташкил бўладиган биринчи кўнгиллилар дастасини тузди.

Ҳикоячининг бу шўйбаларга жуда катта аҳамият бериш нияти йўқ. Албатта, кўп ҳамтабааларимиз агар унинг ўрнида бўлсалар, буларнинг хизматини ошириб-тоширишдан ўзларини тия олмай қолардилар. Лекин ҳикоячи кўпроқ бошқа тартиботдаги муболагага мойил, у хайрли ишларга меъёрдан ортиқ аҳамият берсак, охир-оқибат, зулмнинг – ўзига ҳам билвосита, ноўрин мадҳия ўқиган бўлиб қоламиз, деб ҳисоблади. Чунки бу тақдирда хайрли ишлар, улар фақат камёб бўлгани учунгина қадрли, ғанимлик ва

лоқайдлик эса уларга қараганда кенгроқ тарқалган инсоний хатти-ҳаракатлардир, деган осонгина хулоса чиқиб қолади. Ҳикоячи ҳудди ана шу нұқтаи назарга мутлақо құшилмайды. Дунёдаги бор ёмонлик қарийб ҳамиша нодонликдан келиб чиқади ва ҳар қандай яхшилик, агар у керагича маърифатли бўлмаса, ёмонликдан кам кулфат келтирмайди. Одамлар – ёмондан кўра яхшироқлар ва, моҳиятан олганда, гап бунда эмас. Лекин улар у ёки бу даражада бехабарликда юрадилар, устига устак, ҳамма нарсани билишни даъво қиласидиган ва шу билан ўзини ўзи адo этишга йўл қўядиган авомликдан даҳшатлироқ иллат йўқ. Қотилнинг кўнгли сўқир бўлади ва мутлақ аниқ кўришсиз ҳақиқий яхшилик ҳам, гўзал муҳаббат ҳам учрамайди.

Мана, шунинг учун ҳам Таррунинг ташаббуси билан тузилган санитария дасталарини маъкуллаган ҳолда, холисликни ҳам қўлдан бой бермасликка тўғри келади. Мана, шунинг учун ҳам ҳикоячи ўта сўзамол маддоҳнинг ишини қиласмоқчи эмас, хайрли иш ва қаҳрамонликни тан олган ҳолда, уларни кўкка кўтармоқчи эмас.

Ва бундан кейин у ҳамтабааларимизнинг бурда-бурда бўлган ва муросасизлигича қолган қалларининг тарихчиси бўлади, бинобарин, вабо бизни шунаقا одамларга айлантириди.

Санитария дасталари тузиш ишига фидойилик билан киришган одамларнинг хизмати унча катта эмас, улар бошига ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини яхши билардилар, аксинча, улар шу ишга бел боғламасалар, бу – ақлга тўғри келмасди. Бу дасталар ҳамтабааларимизнинг вабони чуқурроқ англашларига қўмаклашди ва қисман, энди касаллик шу ерда эканми, демак, унга қарши туриш учун зарур бўлса, шуни қилиш кераклигига ишонтириди.

Зеро, бир неча одамнинг бурчига айланган вабо, ҳақиқатда қандай бўлса, шундай кўринди ва ҳамманинг ишига айланди.

Ва жуда яхши бўлди. Ахир, икки карра икки – тўрт, деб ургатгани учун ўқитувчини мақташ ҳеч кимнинг хаёлига келмайди-ку. Эҳтимол, уни шундай ажойиб касб танлагани учун мақташар. Тарру ва унга ўхшаганларнинг икки карра икки – турт, аксинча эмаслигини исботлашга бел боғлаганлари жуда мақтовга лойиқ ҳам дейлик. Лекин эзгу ниятлари уларни ўша ўқитувчига, шу ўқитувчи-никидай юракли, бунақалар ўйлагандан кўп, ҳар ҳолда ҳикоячи шунга ишонади, бошқа одамларга ҳам тенглаштиради. Албатта, ҳикоячи қанақа эътиrozлар ҳам билдиришларини тушунади, бу одамлар, энг асосийси, ҳаётларини хавф остига кўйганлар, дейишлари мумкин. Лекин тарихда икки карра икки – тўрт, деб айтишга журъат қилган одам ўлимга мустаҳиқ этиладиган дақиқа муқаррар келади. Ўқитувчи буни яхши билади. Гап бу мулоҳазанинг қандай мукофот ёки қандай жазо олишини билишда ҳам эмас. Гап икки карра иккенинг тўрт ёки тўрт эмаслигида. Ҳамтабааларимиздан ҳаётларини хавф остига қуиганларга биринчи – бу вабоми ё вабо эмасми, ва иккинчи унга қарши курашиш керакми ё керак эмасми деган масалани ечишга тўғри келди.

Янги чиқсан оранлик ахлоқ муҳибларининг кўпи ҳеч нарса қилиб бўлмайди, энг ақдли йўл – тиз чўкиш, деб ҳам уқтиридилар. Тарру ҳам, Риз ҳам, уларнинг дўстлари ҳам уларга у ёки бу тарзда эътиroz билдиришлари мумкин, лекин хulosса улар билан бўлган нарсадан келиб чиқади: қайси восита билан бўлмасин қарши курашиш ва ҳеч қачон тиз чўқмаслик керак. Ҳамма гап иложи борича кўпроқ одамларни ўлимдан сақлаш, уларнинг муқаррар айрилиқ укубатини тортишига йўл қўймасликда.

Бунинг бир йўли – вабони енгиш эди. Бу ҳақиқат шу ҳолида ҳайратга солмайди, шунчаки купроқ мантиққа тўғри келади.

Мана шунинг учун ҳам Кастел чолнинг эмдорини шу ерда, бор материаллардан тайёрлашга бутун имони ва ғайратини бергани жуда табий. Риэ иккаласи шаҳарда тарқалган микробдан тайёрланган эмдори четдан олинган эмдорига қараганда кучлироқ чиқишига негаки, маҳалмий микроб вабо бацилласи, тўғрироғи, унииг классик таърифидан бир оз фарқданишига умид қилган эдилар. Кастел эмдорининг биринчи партиясини яқин кунда оламиз, деб ҳисобларди.

Шунинг учун Граннинг – сира ҳам қаҳрамон ҳисобланмайдиган одамнинг – айни кунлари дасталарнинг маъмурий марказига айланиб қолгани табий. Тарру тузган дасталарнинг бир қисми аҳолиси тиқин маҳаллаларда олдини оладиган чоралар кўришни ўз зиммасига олди. Даста аъзолари бу ерларда зарурӣ гигиена ўрнатишга киришди, ҳали дезинфекциядан ўтмаган чордок ва ертўлалар рўйхатини тузиб чиқишиди. Қолган дасталар бевосита ҳакимларга ёрдамлашди – чақириқ бўйича уйларга бордилар, касалларни ташишни йўлга кўйдилар ва ҳатто маҳсус хизматчилар етмаган пайтлари тез ёрдам ёки ўлик ташийдиган фургонларни ҳайдадилар. Бу ишларнинг ҳаммаси доимий ҳисоб-китобга муҳтож эди, шу вазифани Гран ўз зиммасига олди.

Ҳикоячи Гранни маълум нуқтаи назардан, Риэ ёки, дейлик, Таррутга таққослагандага, кўпроқ даражада уларнинг дасталарида ишга илҳомлантирган ўша сокин жасорат эгаларидан деб ҳисоблашга мойилроқ. У хайрли фазилатига мос ҳеч иккимай «лаббай» деган. Фақат мураккаброқ ишга қариб қолгинини, шунинг учун соддарогидан беришларини илтимос қилган. Соат ўн саккиздан

йигирмагача у ҳакимнинг ихтиёрида. Риэ қизғин миннатдорлик билдирганда, у ҳатто ҳайрон ҳам бўлди: «Бу энг қийини эмас-ку. Ҳозир вабо, ҳа энди, унга қарши курашишга тўғри келади. Эҳ, дунёдаги ҳамма нарса шундай осон бўлганда эди!» Ва у ёзиб тамомланмаган жумласига қайтади. Баъзан, статик ҳисоб-китоб якунланган оқшомлари Риэ Гран билан гурунг қуради. Оқшомги сұхбатларига аста-секин Тарруни ҳам тортадиган бўлдилар ва Гран икки улфатта ошкора мамнуният билан кўнгил ёради. Улар эса Граннинг ҳатто вабо авжига минган пайтлари ҳам ташламаган серҳафсала машғулотини қизиқиб кузатар эдилар. Охир-оқибат, иккови учун бу ўзига хос ҳордиқча айланиб қолди.

Тарру тез-тез: «Хўш, қалай амазонка?» деб сўрайди. Ва Гран синиқ илжайиб, ҳар гал: «Чоптириб кетяпти», деб биртусаджавоб беради. Бир куни оқшом Гран ўз амазонкасига тегишли «сулув» сифатини ташлагани, бундан кейин у «келишган» сифатида кўринишини айтди. Яна бир гал у тингловчиларга тўла қайта ишланган биринчи жумлани ўқиб берди: «Бир куни ажойиб май тонгида, келишган амазонка ажойиб тўриқ отда Булон ўрмонининг гуллаётган хиёбонлари бўйлаб елиб бораради».

– Шунда яхшироқ гавдаланади, тўғрими? – деб сўради у. – Кейин мен «майнинг тонги» ўрнига «май тонги» деб ёзишни маъқул топдим, чунки «майнинг тонги» от югуригини жиндай секинлаштириб қўяди.

Кейин у «ажойиб» сифати билан машғул бўлди. Унинг айтишича бу сўз жарангламайди, унга эса хаёлидаги муҳташам тулпорни суратдагидай аниқ ифодалайдиган сўз керак. «Боқилган» тўғри келмайди, аниқ бўлса ҳам, сал айбситади. Бир гал у «қарабалган»ни қўйиб кўрди, лекин бу сифат оҳанг жиҳатидан жумлага қовушмайди. Бир куни кечқурун у тантана билан «саман тўриқ»ни

топганини маълум қилди. Унинг фикрича, бу сифат жониворнинг келишимини ортиқча бўрттирмай, аниқ гавдалантиради.

— Лекин бунақа бўлмайди-ку, — деб эътиroz қилди Риэ.

— Нега энди?

— Негаки, саман — бу от зоти, аммо тўриқ эмас.

— Қанақа зот?

— Қанақалигининг фарқи йўқ, ишқилиб, саман — тўриқ эмас.

Гран кўнглиниң туб-тубигача ҳайратга тушди.

— Раҳмат, раҳмат, — деди, — яхши ҳам сизга ўқиб берганим. Мана, ўзингиз ҳам бунинг қандай қийинлигини кўрдингиз.

— Агар «хушбичим» деб ёзсангиз-чи, — деб таклиф қилди Риэ.

Гран унга бир қараб қўйди. У ўйлаётган эди.

— Ҳа, — деди у ниҳоят, — худди шунақа!

Ва аста-секин унинг лаблари табассумга жуфтлашди.

Бир неча кундан кейин у дўстларига «гуллаётган» деган сўз жуда халал бераётганини тан олди. У Оран ва Монтелимардан нариёққа чиқиб кўрмагани учун ҳам дўстларини сўроққа тутди ва улардан Булон ўрмони хиёбонлари гуллайдими, йўқми, шунга жавоб талаб қилди. Очифини айтганда, хиёбонлар Риэда ҳам, Тарруда ҳам жуда гуллаётган тасаввур уйғотмаган эди, лекин Граннинг ишончли далиллари уларни шубҳага солди. Гран эса уларнинг иккиланишига ажабланди. «Фақат рассомларгина кўра олади!» Бир гал ҳаким Гранни меъёrsиз ҳаяжонда кўрди. У ҳозиргина «гуллаётган»ни «гулга тўла»га алмаштирган эди. У қувонч билан кафтларини бир-бирига ишқади. Энди ҳам ҳис қилмай кўришсин-чи. «Хўш, қани, дўппини отинг, жаноблар!» Ва у тантана билан жумлани ўқиди: «Бир куни гузал май тонгигда

келишган амазонка хушбичим тўриқ отни гулга тўла Булон ўрмонлари хиёбонлари бўйлаб чоптириб борар эди». Лекин овоз чиқариб ўқиганда, учта келишик фализроқ жаранглади-да, Гран тўхтаб қолди. Кўнгли чукиб курсига ўтирди. Кейин ҳакимдан кетишга изн сўради. Хилватда бир ўйлаб олиши керак эди. У худли шу пайлари – тўғри, буни кейинроқ билишди, – ишда мумкин бўлмаган паришонхотирликка тушди, бу эса, мэриянинг, хизматчилари кам бўлишига қарамай, кўп оғир ишларни қилаётган кунларига тўғри келди ва ўта ноxуш ҳодиса сифатида баҳоланди. Иш юришмаётгани аниқ эди ва канцелярия бошлиғи Гранга, маош унга иш қилаётгани учун берилаётгани, у эса ишни қилмай қўйганини уқтириб, қаттиқ дашном берди. «Мен эшитдим, – деб қўшиб қўйди бошлиқ, – хизматдан бўш пайтингизда санитария дасталарида кўнгилли бўлиб ишлаётган экансиз. Бунинг менга алоқаси йўқ. Менга алоқадор нарса фақат битта – бу ҳам бўлса, сизнинг бу ердаги, мэриядаги ишингиз. Агар одам шу даҳшатли кунларда чиндан ҳам фойдам тегсин, деб ўйласа, у биринчи галда ўз ишини намунали қилиб бажармоғи даркор. Акс ҳолда қолган ҳоказолар уч пул».

– У ҳақ, – деди Гран ҳакимга.

– Ҳа, у ҳақ, – деб тасдиқлади Риэ.

– Мен ростдан ҳам паришонхотир бўлиб қолдим, энди жумланинг охирини қандай чиқаришни ҳам биломаяпман.

У шусиз ҳам ҳаммаси равшан, деб «Булон» сўзини умуман ўчириб ташлашга қарор қилди. Лекин бунда нима «гул»га тегишлию, нима «хиёбонлар»га тегишли, ноаниқ қолар экан. У «Гулга тўла ўрмон хиёбонлари», деб ёзишга ҳам чорланди. Лекин унда ўрмон эга билан сифатнинг оралиғига тушиб, ташбиҳ эгадан ажралиб, гўё зирапчадай тикрайиб қолар экан.

Лекин, бор гапни айтиш керак, айрим кунлари Гран Риэдан ҳам күпроқ толиққан күринарди.

Ха, Граннинг керакли сўз излашга шўнғиб кетиши уни жуда ҳоритган, аммо у шунда ҳам санитария дасталарига зарур маълумотларни ҳисоб-китоб қилиш ва туплашни тўхтатмаган эди. У ҳар куни оқшом ўз қофозларини сабот билан ёйиб, ўсишни белгилар, бор кучи билан манзарани нисбатан аниқ тасвирлашга тиришар эди. У Риэнинг олдига бот-бот кирди ва ўзига бирон-бир хужра ё қабулхонадан стол тайин қилишни сўради. Кейин гўё мэриядаги иш жойида ўтиргандай, қофозларига мук тушади ва сиёҳини тезроқ қуритиш учун бамайлихотир қофозини елпийди, теграсидаги ҳаво дезинфекция воситаларидан касалликнинг ўзидек гўё қуюқлашиб кетганини сезмай ўтиради. Бундай пайтлари ўз амazonкасини калласидан чиқариб ташлашга, нима иш юклатилган бўлса, шуни вижданан бажаришга уринар эди.

Агар одамлар одатда қаҳрамонлик деб атала-диган аллақандай юксак намуна ва ибратларни ўқиши чиндан ҳам истасалар, агар тарихимизга ўз қаҳрамонлари шунчалар керак бўлса, ҳикоячи бор нарсаси фақат самимий кўнгил ва биринчи қарашда кулгили туюладиган аъмолдан иборат бўлган, жуда аҳамиятсиз ва ушоқ бир қаҳрамонни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди. Шундай қилиб, ҳар ким ўзиникига эга чиқади: ҳақиқат ўзига буюрилган икки каррага кўпайган икки – азалий туртни, қаҳрамонлик эса – иккинчи дара-жали, асрлар бўйи ўзига белгиланган, умумий баҳтиёрлик талабида айни шу «кейин», ҳеч қачон «олидан» бўлмайдиган ўрнини олади. Қолаверса, шу боис воқеаномамиз ҳам аниқ тус олади, хайр-ли ният билан киришилган, воқеаларни томо-шасеварликдай бачканаликка, ҳаддан ортиқ

ёмон туйгуларга берилмай тасвирилаган ҳар қандай ҳақиқий ҳикоя шундай бўлади.

Ишқилиб, Риэнинг рўзнома ўқиб ёки радиодан, ташқаридаги дунёнинг вабога учраган шаҳарга йўллаган даъват ва таскин сўзларини эшишиб ўтирган пайтларидағи фикри шундай эди. Айни бир пайтда бугун шундай ёлғиз қолган шаҳарга Худонинг бермиш куни қуруқлик ёки ҳаво орқали, радиотўлқин ёки босма сўзлар билан таъсирили ёки ҳайратга тўла шархлар жаласи қуилади. Ва ҳар гал уларнинг эпик ёки риторик услуг ва оҳангларидан ҳаким ўзини тутолмай қолади. Албатта, у, бу ҳамдардлик белгилари соҳта эмаслигини тушунади. Лекин улар одамларнинг узларини умуминсониятга боғлайдиган нарсаларни ифода этишга уринадиган шартли тилида айтилар эди. Ва бу тилни қундалик майда куринган майда меҳнаттага, дейлик, шу Граннинг меҳнатига қўллаб бўлмас, зеро, эпидемия авжида Граннинг қандай эътиборли ўрин тутгани ҳақида тасаввур беролмас эди.

Гоҳо ҳаким кечалари хувиллаган шаҳарнинг бузрук сукунати оғушида мудраб олиш учун тўшакка чўзилиб, радиоприёмник қулогини бурайди. Дунёнинг олис бурчакларидан, минглаб чакирим масофадан келган нотаниш биродарона овозлар қовушмайдиганроқ тарзда қардошлиқ изҳор қиласи, шу ҳақда гапиради, лекин айни пайтда улардан фожеий чорасизлик сезилиб туради, чунки одам бошқанинг фожиасини ўз кўзи билан кўрмаса, самимий ҳамдардлик билдиrolмайди. «Оран! Оран!» Бу чақириқнинг денигизлар оша етиб келгани бехуда эди. Риэ бехуда хавотирга тушади, сал ўтмай сўзамоллик тўлқини баландлайди ва Гран билан нотиқни бир-бирига бегона икки нотанишга айлантирган асосий тафовутни янада аниқроқ таъкидлайди. «Оран! Ҳа, Оран!» «Э иўқ, – деб ўйлайди ҳаким. – Фақат бир имкон – биргаликда севишиш ёки ўлиш бор. Улар эса ҳаддан ортиқ олисда».

Вабонинг авж палласи, фожианинг бутун кучини бир мушт қилиб шаҳарга зарба бергани ва уни батамом ишғол қилгани ҳақидаги ҳикояга ўтмасдан олдин, Рамберга ўхшаган одамларнинг, жилла курмаса, яна баҳтиёрликларини кўлга киритиш, ўзларининг ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиб келган бўлакларини вабодан асраш учун таваккалига, тинимсиз, такрор-такрор қилган уринишларини гапириб беришимиз қолди. Уларнинг ўзларига тажовуз қилаётган зулмта қарши кураш усуллари, гарчи бу усуллар бошқа чораларга нисбатан таъсирсиз бўлса-да, шундай эди, лекин ҳикоячи бунда ўзига хос бир маъно борлигига, самарасизлик ва зиддиятларга қарамай, ҳар биримизда ҳали гурур ҳам яшаётганини далиллашига ишонади.

Рамбер вабога бошигача чулганиб қолмаслик умидида жон-жаҳди билан олишар эди. Шаҳардан шундайича чиқолмаслигига ишонгандан кейин, у бошқа йўлларни кўришга қарор қилди, бу ниятини Ризга ҳам айтди. Мухбир қаҳвахоналардаги дастёrlардан бошлади. Қаҳвахона дастёри ҳамиша, ҳамма ишдан боҳабар эди. Лекин мухбир мурожаат қилган биринчсиёқ айни шунақа қінғир ишларга қандай жазо белгилантанидан боҳабар экан. Уни яна бир қаҳвахонада ҳеч гап-сўэсиз извогар сифатида қарши олишди. Рамбернинг ишлари факат Риэнкида Коттар билан тасодифий кўришувдан кейин жойидан силжиди. Рамбер билан Риз унинг маъмурий идораларда қилган бефойда уринишлари ҳақида гаплашган эдилар. Бир неча кун ўтиб, Коттар кўчада Рамберга тўқнаш келди ва у билан мулоим саломлашди, у яқиндан бери танишларига алоҳида хуш муомала кўрсатаётган эди.

– Хўш, қалай, аввалгидай ҳеч гап йўқми? – деб суриштириди Коттар.

– Ҳеч гап.

- Шу амалдорларга ишониб бўладими, ахир? Улар одамларни тушуниш учун идораларда ўтиришгани йўқ.

- Жуда тўғри. Лекин мен бошқа бирон йўлини топишга уриниб кўраман. Бу эса осон эмас.

- Секин айтасизми, – деб қувватлади Коттар.

Лекин, маълум бўлдики, убаъзиайланма йўллардан хабардор экан, Рамбер ажабланиб берган саволга у аллақачон Орандаги кўплаб қаҳвахоналарнинг доимий мижози бўлиб қолгани, ҳамма ерда дўст орттирганини ва худди шунаقا ишлар билан шуғулланадиган бир ташкилотни билишини айтди. Гап шундаки, харажати топишидан каттароқ бўлган Коттар таъминоти чекланган моллар контрабандасига боғланган эди. У нархи кундан-кун кўтарилаётган сигарет ва бўлмағур шаробларни олиб сотар экан, шу тариқа тузуккина жамғарма ҳам тўплабди.

- Ўзингиз шунга ишонасизми? – деб сўради Рамбер.

- Ҳа, ўзимга ҳам таклиф қилишган.

- Сиз нега бундан фойдаланиб қолмадингиз?

- Яқин одамга ишонмаслик – гуноҳ, – деди Коттар хушфеъл оҳангда, – шахсан ўзим бу ердан кетгим келмагани учун фойдаланмадим. Бунинг маълум сабаблари бор.

Қисқа сукутдан сўнг қўшиб қўйди:

- Сизни қандай сабаблар бўлгани қизиқтиримайдими?

- Ўлашимча, менга алоқаси йўқ.

- Қай бир маънода, тўғри, алоқаси йўқ. Бошқа томондан қарасак... Э, хуллас, менга бир нарса аниқ; бу ерга вабо келганидан бери, мен негадир эмин-эркин бўлиб қолдим.

Рамбер Коттарнинг гапини эшитиб туриб сўради:

- Ўша ташкилотга қандай боғланиш мумкин?
- Чигал иш, - деб уҳ тортди Коттар, - мен билан юринг-чи.

Соат тўрт бўлиб қолган эди. Вазмин қопланиб олган, чўғдай қизиган осмон остидаги шаҳар, мисоли милдираётган олов устида тургандай, қайнаб ётар эди. Дўконлар ойнасига парда тортилган. Кўчалар кимсасиз. Коттар билан Рамбер томлар панасиға ўтиб, узоқ вақт индамай кетдилар. Вабо куринмас шарпага айланадиган бир пайт эди. Бу сукунат, ранглар ва ҳаракатнинг бу ўликлиги бир вақтда ҳам Оран баҳорининг, ҳам вабонинг белгилари бўлиши мумкин эди. Ҳаракатсиз турган ҳавонинг таҳдидгами ёки чанг-тўзон, ё ҳароратта тўйинганини билишга уриниб кўринг-чи. Вабони англаш учун кузатиш, тафаккур қилиш керак бўлади. Зеро, у фақат ўзининг, шундай айтилса, нуқул салбий аломатлари билан кўринади. Коттар вабо билан алоҳида муносабатда эди, Рамбернинг эътиборини итлар йўқлигига қаратди – одатда улар бу пайтлари остоналарда йўқ салқинни тутиш умидида оғизларини каппа-каппа очиб, қайноқ ҳавони ютумлаб қалт-қалт қилиб ётишар эди.

Улар Хурмозор хиёбонидан ўтдилар, Аслаҳа майдонини кесиб, Денгизчилар маҳалласидан чиқдилар. Чап томонда яшилга бўялган қаҳвахона қалин сариқ матодан қийшиқ тортилган пардалар тагида биқинишга уринар эди. Ичкари киргач, икковлари ҳам жиққа ҳўл пешаналарини бир хил ҳаракат билан артишди. Кейин устига қопланган тунукаси ҳам яшилга бўялган – стол ёнидаги иккита кичкина ёғоч ўриндиққа ўтирдилар. Кенг хонада жон асари йўқ. Шифтда пашша гувиллайди. Қийшиқоёқ пештахтадаги сариқ қафасда пати туллаган бир тўтиқуш шумшайиб, қўналғани чанглаб олган. Деворларга уруш акс этган ман-

заралар осилган, ҳамма ёқ кир-чир, қалин ўргим-чак босган эди. Ҳамма столларда, ҳатто Рамбернинг бурни тагида ҳам товук тезаги ётар, мухбир бу қаёқдан тушганини билолмай турган эди, бирдан қоронғи бурчакда нимадир ғимирсилаб құзғалди-да, бужур панжаларини алпанг-талпанг қилиб, ўртага басавлат бир хүрөз чиқди.

Хүрөз чиқиши билан гүё ҳарорат баттар ошиб кетгандай туюлди. Коттар пиджагини ечиб қўйди-да, столни тақи́ллатди. Орқа эшикдан бўйига мос тушмайдиган узун пешбандига ўралашиб, аллақандай бир калтабақай одам чиқди, Коттарни кўриб, узоқдан таъзим қилди, бу ёққа келаётисб, йўл-йўлакай хўрөзни тепиб юборди ва хўрөзнинг разабнок қоқоғлаши остида жаноблардан қандай хизмат буюришларини сўради. Коттар ўзига бир финжон оқ шароб айттириб, Гарсиа деган аллақандай кимсани суриштириди. Қўқил дастёрнинг айтишича, Гарсиа уларнинг қаҳважонасида бир неча кундан буён куриниш бермабди.

– Кечқурун келармиカン, нима дейсиз?

– Билиб бўладими, – деди дастёр. – Қайси пайтда бўлишидан хабарингиз бор-ку.

– Ҳа, лекин, очифи, иш қисталанг. Мен фақат унга оғайнимни таништирмоқчи эдим.

Дастёр ҳўл кўлини пешбандига артди.

– Жаноб ҳам иш қиладиларми?

– Албатта, – деб жавоб берди Коттар.

Қўқил пишиллади.

– Унда, кечқурун келинг. Мен унга бир болани юбораман.

Кўчада кетаётганларида Рамбер қанақа ишни гапиришганини сўради.

– Нима бўларди, контрабанда-да. Молларни шаҳар дарвозасидан ўtkазиб олишади. Кейин жуда қиммат нархда пуллашади.

- Фаройиб, – деди Рамбер. – Бундан чиқди, ҳамтовоқлари ҳам бор?
– Бўлмаса-чи!

Кечкурун қаҳвахона пардалари кутарилган, тўтиқуш ўз қафасида алланарсалар деб тинмай чулдираётган, темир столларда эса пиджакларини ечиб, мижозлар ўтирган эди. Улардан биттаси – сомон шляпаси гарданига сурилган, оқ кўйлаги ёқаси кўкрагигача очилган, ўттизларга чиқсан бир одам Коттарни кўрибок ўрнидан турди. Унинг тўғри бичимли юзи офтобда қорайган, кўзлари қоп-қора, кичкина, ҳар бармоғига қўша-қўша узук тақилган, оппоқ тишлари ялтилаётган эди.

- Салом, – деди у. – Пештахтага ўтдик, ичиб олайлик.

Индамай ичдилар, учови ҳам навбат билан меҳмон қилди.

– Ташқари чиқсак-чи? – деб таклиф қилди Гарсиа.
Бандаргоҳга қараб юрдилар, Гарсиа мендан нима илтимос бор, деб сўради. Коттар Рамберни унга уларнинг иши юзасидан эмас, балки бошқа масалада таништираётганини айтди, лутф билан «писиб ўтиш» деб атади. Гарсиа сигаретни оғзидан кўймай, ҳамроҳларига бепарво одимлади. У савол берар, Рамберни «у» деб тилга олар, гўё унинг шу ердалигини умуман сезмаётгандай эди.

- Хўш, нима учун? – деб сўради у.
– Унинг Францияда хотини бор.
– Э-э!

Салдан кейин:

- Нима иш қилади?
– Мухбир.
– Бу касбдаги одамлар тилини тийишни билмайди.

Рамбер сукут сақлади.

- У дўстимиз, – деди Коттар.

Яна индамай йўлга тушишди. Ниҳоят улар қирғоқбўйига етдилар, у ёқقا ўтиш жойи баланд дарвозалар билан тўсилган эди. Лекин улар тўппатўғри, ҳиди иштаҳа уйғотиб, олис-олисларгача тараลาётган қовурма сардинка савдоси қизиган дўқонгача юрдилар.

– Умуман, – деб хулоса қилди Гарсиа, – бу ишга менинг алоқам йўқ, бу билан Раул шугулланади. Уни эса излаб топиш керак, қийин иш.

– Бундан чиқди, қочиб юрган экан-да? – деб Коттар ҳаяжон билан сўради.

Гарсиа жавоб бермади. У дўқонча ёнида тўхтаб, биринчи марта Рамбернинг юзига қаради.

– Эртадан кейин соат ўн бирда шаҳарнинг юқори томонидаги бурчакда, божхона казармаси олдида.

У гўё кетаётгандай бўлди-да, лекин бирдан ҳам-суҳбатларига ўгирилди.

– Харажати бўлади, – деди.

Бу гап худди шундай бўлиши керакдай чиқди.

– Тушунарли, – деб Рамбер шоша-пиша розилик берди.

Мухбир бир неча дақиқа ўтиб, Коттарга раҳмат айтган эди, униси хурсанд бўлиб жавоб қилди:

– Э, арзимайди. Сизга ёрдамим текканидан хурсандман. Кейин, мухбирсиз ахир, пайти келганда, қайтарасиз.

Яна бир кундан кейин Рамбер билан Коттар на кўклиқ, на сояни биладиган кенг кучадан шаҳарнинг юқори томонига йўл олдилар. Казарманинг бир қаноти лазаретга айлантирилган, дарвоза олдида оломон: бирорлари кириш қатъий тақиқланганига қарамай, ўтказиб юборишлирага умид қилар, бошқалари эса маълумотлар ҳамиша кечикишини унутиб, касалнинг аҳволини эшитиш умидида уймалашиб турар эди. Ишқилиб, Рамбер бу оломон, у ёқдан-бу ёқقا тинмай юришларни куриб, Гарсиа

учрашувни белгилашда шу бесаранжомликни ҳисобга олганини англади.

– Бари бир ғалати, – деб бошлади Коттар, – бунча кетиш күйига тушмасангиз. Ҳозир шаҳарда жуда қизиқ нарсалар бўляпти-ку.

– Фақат мен учун эмас, – деб жавоб қилди Рамбер.

– Анча-мунча хавф борлиги-ку тушунарли. Лекин бу хавф вабогача ҳам бор эди, гавжум чорраҳани кесиб ўтишни олайлик.

Худди шу пайти ёнгиналарида Риэнинг машинаси тўхтади. Машинани Тарру ҳайдаётган экан, ҳаким эса ухлаётганга ўхшади. Лекин у уйғонди ва Тарруга мухбирни таништирди.

– Танишмиз, – деди Тарру, – битта меҳмонхонада турамиз.

У Рамберга уни марказгача олиб бориб қўйишни таклиф қилди.

– Йўқ, раҳмат, шу ерда учрашмоқчи эдик.

Риэ Рамберга қараб қўйди.

– Шундай, – деб тасдиқлади униси.

– Оҳ-ҳо, – деб Коттар ажабланди, – демак, бу ишдан ҳаким ҳам хабардорми?

– А, ана, терговчи ҳам келяпти, – деб Тарру гап қўшди ва Коттарга тикилди

Коттар ҳатто бўзариб кетди. Ростдан ҳам, кўчада Отон жаноб ўтаётган, шиддатли, аммо бир ма-ромда одимлаб бораётган эди. У машина билан баравар келганда щляпасини кўтариб қўйди.

– Салом, Отон жаноблари! – деди Тарру.

Терговчи ўз навбатида машинадагиларга хайрли кун тилади ва нарироқда турган Коттар билан Рамберга кўз ташлаб, викор билан бош эгди. Тарру унга тижоратчи билан мухбирни таништирди. Терговчи нигоҳини бир лаҳза осмонга қаратди ва уҳ тортиб, қайгули кунлар келганини маълум қилди.

– Тарру жаноблари, менга профилактик чоралар күллаш ишига қүшилганингизни айтишди. Сизга қойил қолганимни яширомайман. Ҳаким, қандай, сизнингча, эпидемия яна тарқалаверадими?

Риэ тарқалмаслигига умид билдири, терговчи ҳеч қачон умидсизланмаслик лозимлиги, чунки Оллоҳ нинг ишларини олдиндан билиб бўлмаслигини айтди. Тарру кейинги кунлардаги воқеалар, ишқилиб, унинг ишлари куламига таъсир қилмадими, деб сўради.

– Аксинча, бизда жиноий деб аталадиган ишлар камайди. Асосан кейинги буйруқларни бажаришдаги жиддий хатоларни кўришга тўғри келади. Ҳеч қачон эски қонунлар бунча эъзозланмаган эди.

– Бундан чиқди, – деб жилмайди Тарру, – янги-ларига таққослаганда улар яхшироқ экан-да.

Терговчининг орзуманд чеҳраси бирдан ўзгарди, ҳатто хаёлчан нигоҳини осмон томошасидан маҳрум қилди. Ба у Тарруга тумтайиб қаради:

– Хўш, нима бупти шунга? – деди у. – Муҳими қонун эмас, жазо. Бунда терговнинг аҳамияти йўқ.

– Мана сизга биринчи рақамли душман, – деб гап қотди Коттар, терговчи оломонга ютилиб кетгандан кейин.

Машина йўлакдан узоқлашди. Бир неча дақиқадан сўнг Рамбер билан Коттар ўзларига қараб йўл тортган Гарсиани кўрдилар. У бақамти келди ва саломлашиш ўрнига «Кутишга тўғри келади», деди.

Уларнинг атрофида, асосан аёллардан иборат оломон тўлиқ сукунатда кутаётган эди. Қарийб ҳаммаси бир амаллаб беморларга берамиз деган ақлсиз илинж ва уларга шу нарса керак деган бундан ҳам телбароқ умидда, ўзлари билан саватчалар олиб келишган эди. Кираверишни қуролли соқчилар кўрикларди; ҳар замон-ҳар замонда казарма биносини кўчадан ажратиб турадиган ҳовлидан фалати бир бақириқ эшитилади. Ва шу заҳоти бутун оломон хавотирга тула юзларини ўша ёқقا буради.

Уч эркак бу томошага индамай қараб туришган эди, орқадан туйқус «салом» деган кескин ва салобатли сүз эшитилиб, худди буйруқ олгандай баравар ўгирилдилар. Раул иссиққа қарамай, худди қабулга бораётгандай кийинган эди. Кўшёқали қора костюм унинг дароз, кучли қаддига ярашиб тушган, бошида эса гардиши юқорига қайрилган шляпла кўз-кўз бўлиб тураг эди. Юзи оқаринқираган, кўзлари қора, лаблари маҳкам қимтилган, у тез ва лўнда қилиб гап қотди.

– Марказни мўлжал олиб юринг, – деб фармон берди. – Сен, Гарсиа, кетсанг ҳам бўлаверади.

Гарсиа сигарет тутатди ва жойида қолди. Учловон тез кетишди, Рамбер билан Коттар ўртада бораётган Раулга мос қадам олишга ҳаракат қиласар эдилар.

– Гарсиа менга айтди, – деб гап бошлиди Раул.
– Қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам ўн минг франкка тортади.

Рамбер розилигини айтди.

– Эртага Денгизчидаги испан ресторанида нонушта қиласиз.

Рамбер яна розилигини айтди ва Раул қўлинни қисиб биринчи марта жилмайди. У кетгандан кейин Коттар эртага бандлиги, Рамбер унинг ёрдамисиз ҳам эплашини айтди.

Эртасига мухбир испан ресторанига кирганда ҳамма камлалар унга ўгирилди. Жазира маҳалла сарфиш кўчада бир нечта зинадан тушиб кириладиган бу салқин ертўлада асосан испанбашара эркаклар бўлар экан. Лекин кунжакдаги бир столда ўтирган Раул мухбирга қўй силкитди ва Рамбер унга қараб юра бошлагани заҳоти ўтирганларнинг ҳаммаси қизиқсиниши бас қилиб, ликопчаларига эгилдилар. Раулнинг ёнида ориқ гавдасига номуносиб кенг елкали, соқоли ўсган, соchlари сийрак тортган алла-

қандай от жағли нұсха қүр түкиб ўтирган эди. Раул унга мұхбирни таништируди, бегона одам уч марта бошини силтади. Рамберга унинг исми айтилмади, Раул унга гапирганда, соддагина қилиб «дүстимиз», деб атади.

– Дүстимиз сизга ёрдам берә олишига умид қиляпты. У сизни...

Раул тұхтаб қолди, дастёр қызы буюртма олиш учун келди.

– У ҳозир сизни икки дүстимиз билан учраштиради, улар үз навбатида биз билан боғлиқ соқчиларга таништиришади. Ҳали ҳаммаси эмас. Қайси вакт қурай – буни соқчиларнинг ўзи белгилаши керак. Энг осони, менингча, икки-уч күн уйи дарвозага яқын соқчилардан биронтасиникида яшаб туриш. Лекин дүстимиз сизни олдиндан бир нечта кераклы алоқа билан таъминлады. Ҳаммаси ҳал бўлса, кейин пулни унга берасиз.

«Дүстимиз» айниқса помидор ва ширин гармдори газагига калла ташлаган эди, кавшанишини тұхтатмай, яна бошини силкитди. У Рамберга эртадан кейин соат саккизда ибодатхона пештоқи олдида учрашишни тавсия қылди.

– Яна икки күн, – деб чўзди Рамбер.

– Осон иш эмас, – деди Раул. – Ахир одамларни излаб топиш керак.

«Дүстимиз», От бу гапни шиддатли бош иргаб тасдиқлади, Рамбер бўшашиб рози бўлди. Нонушта тинмай суҳбатга мавзу танлашда ўтди. Лекин Рамбер Отнинг футболчи эканини ҳам аниқлашга мұяссар бўлгач, иш силлиқ кетди. Унинг ўзи ҳам бир вактлар футболга иштиёқ билан берилган эди. Суҳбат табиий равишда Франция чемпионатига, инглиз профессионал жамоа фазилатларига ва «дубль ве» тактикасига кўчди. Нонушта охирида От буткул эшилиб кетди, Рамберга сенлаб гапиришга

үтди ва уни «энг қулайи ярим ҳимояда ўйнаш» эканига ишонтиришга тушди. «Тушунсанг-чи, – деб уқтириди у, – ўйинни айни шу ярим ҳимоя ҳал қиласи. Футболда энг асосийси ҳам шу». Ўзи доим ҳужумда ўйнаган бўлса-да, Рамбер бу гапга қўшилди. Лекин шу аснода бир неча марта сурнай оҳанги – қанақадир чучмал куйни такрорлаган радио уларнинг суҳбатини бўлиб қўйди, шундан кейин вабо кеча бир юз ўттиз етти қурбонни олиб кетгани ҳақида хабар берилди. Ўтирганларнинг биронтаси ҳатто ўтирилиб ҳам қўйишмади. От кифтини қисиб ўрнидан турди. Раул билан Рамбер ундан ибрат олдилар.

Хайрлашаётганларида ярим ҳимоячи Рамбернинг қўлини қаттиқ-қаттиқ силтади ва:

– Менинг отим Гонсалес, – деди.

Рамберга кейинги икки кун поёнсиз узун туюлди. У Риэникига борди ва нима қилмоқчиалигини батафсил айтиб берди. Кейин ҳакимга қўшилиб олди ва вабо деб шубҳа қилинган касалнинг эшиги ёнида хайрлашди. Долонда тапир-тупур оёқ товуши ва овозлар эшитилди: бу касалнинг оиласига ҳаким келганини айтишга тушган қўшнилар эди.

– Ишқилиб, Тарру кечикмасин-да, – деб фуладиради Риэ.

Унинг кўриниши ҳорғин эди.

– Эпидемия авжига чиқаётганга ўхшайди, – деди Рамбер.

Риэ энг асосийси бунда эмас, касаллик курсаткичларининг ўсиши ҳатто олдингита нисбатан сеқинроқ эканини айтди. Шунчаки ҳали бу вабога қарши курашда керагича таъсирчан воситалар йўқ.

– Бизга материаллар етишмайди, – деб тушунтириди у. – Ҳар қандай армияда материал қисмининг танқислиги доим одам ҳисобига тўлдирилади. Бизда эса одамлар ҳам етишмаяпти.

– Лекин шаҳарга ҳакимлар, санитарлар келди-ку.

– Келишга-ку келишди, – деб унинг гапига қүшилди Риэ. – Ўнта ҳаким, тахминан юзтагача санитар. Биринчи қарашда кўпга ўхшайди. Лекин, бу эпидемиянинг ҳозирги босқичида ҳам зўрға етади. Агар эпидемия кучайса, унда жуда-жуда камлик қиласди.

Риэ уйдаги туплонга қулоқ солди ва кейин Рамберга қараб жилмайди.

– Ҳа, – деб гап қотди, – омад йўлида пайсалла-масликни маслаҳат бераман.

Рамбернинг юзига соя қалқиди.

– Ўзингиз биласиз-ку, – деди у бўғилиб, – бу ердан фақат шу учун кетмоқчи эмасман-ку.

Риэ билишини тан олди, лекин Рамбер уни охиригача гапиргани қўимади.

– Ўзимни қўрқоқ деб ўйламайман, ҳар ҳолда камдан-кам қўрқаман, буни синаш учун бошимдан кўп нарсани ўтказдим. Аммо шундай бир фикрлар ҳам борки, уларга дош беролмайман.

Ҳаким тўғри унинг юзига тикилди.

– Сиз у билан куришасиз, – деди.

– Эҳтимол, лекин мен ҳаммаси чўзилиб кетиши, бу орада унинг қариб қолиши ҳақидаги фикрга дош беролмайман. Ўттиздан кейиноқ одам қаришни бошлайди, шунинг учун ҳар дақиқадан фойдаланиб қолиш керак... Билмадим, мени тушунасизми, йўқми.

Риэ, тушунаман, деб гулдиради, аммо шу пайт ҳаяжонланган Тарру келиб қолди.

– Ҳозиргина Панлю ҳазрат билан гаплашдим, уни дастага киришга таклиф қилдим.

– Хўш, у-чи? – деб сўради ҳаким.

– Бошида ўйланди, кейин кўнди.

– Жуда хурсандман, – деди ҳаким, – ваъзларидан ўзи яхшироқ эканига хурсандман.

— Ҳамма одам ҳам шу, — деди Тарру. — Фақат уларга қулай вазият бериш керак. — У жилмайди ва Риэга кўз қисди: — Ихтисосим одамларга қулай вазият қилиб беришми дейман.

— Мени афу этсангиз, — деди Рамбер, — боришим керак.

Рамбер келишилган пайшанба куни, бешта кам саккизда эҳром эшиги олдига келди. Ҳали анча салқин эди. Осмонга оқ тўғарак булувлар ёйилган, аммо кутарилиб келаётган кун қизиги кўп ўтмай уларни ямлаб юбориши тайин эди. Иссиқ хийла тоблаб улгурган ўтлоқлардан ҳануз намхуш ислар тўлқини юзиб келмоқда. Шаҳар шарқидаги уйлар ортига бекинган қуёш Жанна д’Аркнинг фақат дубулғасига тегиб улгурган, бошидан товонигача тилла ҳал берилган бу ҳайкал майдоннинг асосий кўрки эди. Соат саккизга жом чалди. Рамбер ҳувиллаган дарвоза гумбазлари тагида у ёқдан-бу ёққа юриб турди. Ибодатхона ичидан туриб қолган бухур ҳиди ва ертўла могори аралаш узуқ-юлуқ хониш отилиб чиқарди. Бирдан хониш узилди. Эҳромда қора кийинган ўн чоғли дуварак одам тирқираб чиқди-да, кучага йурғалади. Рамбернинг диққати ошди. Шу пайти қора кийганларнинг янги гуруҳи баланд зиналардан чиқиб, эшикка йўл олди. У сигарет тутатмоқчи бўлди, аммо дарров фикридан қайтди: чекиш учун мақбул эмас эди бу жой.

Саккизу ўн бешда аста-секин, паст пардада ибодатхона органи куй бошлади. Рамбер қоронги гумбазлар остига кирди. Аввал у фақат боя ёнидан пештоққа қараб ўтиб кетган қора жуссачаларни илгади. Улар бурчакда авлиё Роханинг яқиндагина шаҳримиз ҳайкалтарошлиқ устахоналаридан бирида ошоғиҷ буюртма билан қилинган ҳайкали ўрнатилган ясама меҳроб олдида тўдалашган эдилар. Жуссачалар тиз чўккан ҳолида энди бу

азалий бўзликда баттар кичрайган ва баайни лойдай қуюлган соя лахталарию, уларни ютиб юборган губорга қараганда жиндайгина қалин ва ҳаракатлироқ туюларди. Уларнинг боши узра эса орган тинимсиз битта мавзунинг ўзини ҳар хил мақомда чалар эди.

Рамбер чиққан пайтда Гонсалес зинадан тушиб, марказга йул олаётган эди.

– Сени аллақачон кетган дебман, – деди у мухбирга, – шундай қилсанг тұғри ҳам бўларди.

У гапини изоҳлаб, бу ерга учрашувга келишган дўстларини пойлаганини айтди. Фақат роса йигирма дақиқа бефойда кутибди.

– Нимадир ҳалал берган уларга, турган гап. Бизнинг ишимизда ҳаммаси силлиқ кўчавермайди.

У эртага ҳудди шу вақтда шаҳидлар ёдгорлиги ёнида кўришишни таклиф қилди. Рамбер уҳ тортиб, фетр шляпасини гарданига сурди.

– Майли, майли, – дея қулиб гапирди Гонсалес.

– Ўзинг биласан, гол уришдан олдин қанча тўп узатиш, ўйин қилиш, алдаб ўтишга тўғри келади.

– Шундай, – деб қўшилди Рамбер. – Аммо матч бор-йўғи бир ярим соат бўлди-да.

Шаҳидларга ёдгорлик бандаргоҳ узра тоғ тизмалари этагидаги сайргоҳда, Орандан денгиз кўриниб турадиган яккаю ягона жойда эди. Бу куниси Рамбер – учрашувга у яна биринчи келди – жанг майдонида қурбон бўлганларнинг рўйхатини ҳафсала қилиб ўқиди. Бир неча дақиқадан кейин аллақандай икки одам пайдо бўлди, улар Рамберга бепарво қараб қўйишли, нарироқ бориб, сайргоҳни ўраган панжарага суюнганча, афтидан, хувиллаган, бўм-бўш соҳилбўйи томошасига чўмдилар. Икковининг бўй-басти бир хил, иккаласи ҳам бир хил кўк шим, калта енгли денгизчи кўйлагида. Мухбир ёдгорликдан нари бориб, ўрин-

дикъча чўкди-да, бошқа қилар иши йўқлигидан уларни кузатишга тушди. Шунда у уларнинг ёши йигирмага ҳам бормаслигини фаҳмлади. Аммо шу пайт йўл-йўлакай узрини айтиб келаётган Гонсалесга кўзи тушди.

– Ана-ку улар, бизнинг дўстлар, – деб у Рамберни йигитлар ёнига бошлади ва уларни таништирди. Бунинг исми Марсел, унисиники Луи экан. Юзлари ҳам ўхшаш, Рамбер уларни ака-ука деб топди.

– Хўш, мана, – деди Гонсалес. – Танишиб ҳам олдингиз. Энди ишни келишсак бас.

Марселми, балки Луими, уларнинг қоровулдаги навбати икки кундан кейин бошланиб, ҳафта давом этишини ва ҳамма гап энг ўнрай кунни танлашда қолганини айтди. Уларнинг тўрт кишилик навбати ғарбий дарвозани қоровуллайди, посбонлиқдан иккитаси – хизматдаги ҳарбийлар. Уларни операцияга тортиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, булар – туруми йўқ тоифа, иккичидан эса, бу тақдирда чиқум ортиб кетади. Лекин бу шерилар баъзан кечалари синашта бир шаробхонанинг орқа ҳужрасида бўлади. Марселми ё балки Луими, Рамберга уларницида туриб, – уй дарвозага яқин жойда экан, – қачон келиб айтишларини кутиб ётишни таклиф қилди. Шунда шаҳардан чиқиб олиш осон кўчади. Лекин вақт жуда ғанимат, чунки шу яқин кунда ташқи томондан ҳам кучайтирилган посбонлик қўйилади, деган гап юрибди.

Рамбер ҳаракат режасини маъқул топди, ака-укани охирги сигаретлари билан сийлади. Икковидан бири, шу пайтгача миқ этмагани Гонсалесдан, музд¹ масаласи келишилдими, чашна олиш мумкинми, деб туйкус сўраб қолди.

¹ Музд – мукофот, ҳақ.

— Кўйсанг-чи, — деб жавоб берди Гонсалес. — Бу — ўзимизнинг одам. Ҳаммаси ҳал бўлсин, тўлов қочмайди.

Янаги учрашувини аҳдлашиб олишди. Гонсалес индинига испан ресторанида тушлик қилишни таклиф этди. У ердан тўғри ака-ука посбонларнинг уйига жўнаса бўлади.

— Биринчи куни, хоҳласанг, мен ҳам сен билан ётиб қоламан, — деб таклиф қилди у Рамберга.

Эртаси куни Рамбер ўз хонасига чиқаётib, зинада Тарруга тўқнаш келди.

— Риэнникига кетяпман, — деб тушунтириди Тарру.

— Бирга бормайсизми?

— Биласизми, негадир доим унга ҳалал бераман, деган фикр ҳеч хаёлимдан кетмайди, — деб бекарор бўлди Рамбер.

— Бўлмаган гап, доим сизни яхшилаб юради менга.

Мухбир ўйлаб қолди.

— Менга қаранг, — деди кейин. — Агар кечкурун, жуда алламаҳал бўлса ҳам майли, жиндей вақт топсангиз, икковингиз шаробхонага, шу ерга, меҳмонхонага келсангиз, зап иш бўларди.

— Хўш, энди бу унинг ўзигаю ва яна вабога боғлиқ, — деб жавоб берди Тарру.

Аммо соат ўн бирда иккови — Риэ ҳам, Тарру ҳам — меҳмонхонанинг тор, тиқилинч шаробхонасига кириб келди. Кичиккина хонага ўттиз чоғли шинаванда қамалган, гала-ғовур авжига минган эди. Икковлон беихтиёр остонаяда таққа тўхташди — вабо босган шаҳарнинг гўристон сукунатидан кейин бу шовқин уларни тонг қотириб қўйган эди. Лекин улар бу кунгилхушлик боисини дарров фахмладилар — бу ерда ҳали ҳам алкогол ичкиликлар тортилар экан. Пештахта адогида, баланд курсида ўтирган Рамбер уларга қўл силкиди. Унинг ёнига

бордилар, Тарру ҳаддан ортиқ шовқинлаётган аллақандай шинавандани бамайлихотир нари сурди.

– Алкогол сизни чүчитмайдими?

– Йўқ, тескариси, – деб жавоб қилди Тарру.

Риэ финжондан тараалаётган аччиқ гиёҳ исидан бурнини тўлдириб нафас олди. Бушовқинда гап галга қовушмас, Рамбер ҳам суҳбатдан кура алкоголга оворага ўхшар эди. Ҳаким қанча уринмасин, мухбирнинг хушёр ё мастилиги ҳақида бир тўхтамга келомади. Торгина шаробхонанинг бор-йўқ очик жойини эгаллаган икки столнинг бирида чал ва ўнг ёнида икки хонимни олиб ўтирган денгизчи зобит давранинг тўртинчи шериги – аллақандай қизил юз бақалоққа Қоҳирада бўлган терлама эпидемиясини айтиётган эди.

– Лагерлар! – деб уқтириарди у. – У ерда тубжойлар учун махсус лагер қилишди, чодирларни қуришдида, касалларга бекитиқча туркона дори ўтказишга уринган қариндошларини отиб ташлашга буйруқ олган ҳарбий кордон билан ўраб олишди. Тўғри, бу чора балки тошбафирилик, аммоadolатли эди.

Бошқа столда ўтирган ўта пўрим ёшлар нимани гапиришди, англаш қийин – шусиз ҳам тушунарсиз узук-юлук, сўзлар мижозларнинг боши устидаги карнай оҳангига ютилиб кетаётган эди.

– Хўш, қалай, хурсандмисиз? – деб Риэ овозини кўтариб сўради.

– Яқин қолди энди, – деб жавоб берди Рамбер. – Балки шу ҳафтада бўлар.

– Аттанг! – деб қичқирди Тарру.

– Нимага аттанг?

Тарру Риэга қараб кўйди.

– Э, биласизми, – деди ҳаким. – Тарру бу ерда фойдангиз тегиб қоларди, деб ўйлади, шунинг учун айтяпти, аммо шахсан ўзим кетгингиз келаётганини тушунаман.

Тарру яна бир финжондан буютирди. Рамбер курсидан иргиб тушиб, шу оқшом бадали күзига тик бокди.

– Нимада фойдам тегади?

– Нимада? – деди Тарру финжонни шошилмай қўлига олиб. – Ҳеч бўлмаса санитария дасталаримизни олайлик.

Рамбер ўйланиб қолди, индамай курсига чиқди, юзи унинг ўзига одат бўлган қайсар, бадқовоқ тусга кирди.

– Бундан чиқди, сизнингча, дасталаримиздан наф йўқ, – деб сўради Тарру, бўш финжонни қўйиб, Рамберга тикилиб турди.

– Албатта, нафи бор, бўлганда қандай, – деб жавоб қилди мухбир ва ичиб юборди.

Риэ унинг қўллари титраётганини кўрди. Ўзича хулоса қилди: чиндан ҳам, Рамбернинг жуда кайфи баланд.

Эртаси куни, испан ресторанига яна келган Рамбер кундузги жазирани хийла бостирган тилларанг-зангор шафақни томоша қилаётган ишқибозлар ичкаридан олиб чиқиб, тўғри кўчага кўйган курсиларни оралаб ўтишга анча овора бўлди. Улар қанақадир бир бошқача аччиқ тамаки чекаётган эдилар. Рестораннинг ўзи бўшроқ. Рамбер Гонсалес билан биринчи учрашган ҳу ўша кунжакдаги столни танлади. Дастёр қизга бир танишини кутаётганини айтди. Еттидан ўттизта ўтиб кетибди. Аста-секин ташқаридагилар қайтиб кириб, столларни тўлдиришди. Дастёр қизлар овқат тортди ва рестораннинг пастак шифти тагида идиш-оёқ товуши ва босик ғовур гувуллаб акс-садо берди. Саккиз бўлди ҳамки, Рамбер пойлаб ўтираверди. Ниҳоят, чироқлар ҳам ёқилди. Рамбернинг ёнига янги мижозлар ўтирди. Рамбер ҳам ўзига овқат буютирди. Гонсалесни ҳам, ака-укаларни ҳам кўролмай, овқатни еб бўлди.

Тамаки тутатди. Ресторанда аста-секин одам сийраклади. У ёқда, деворлар ортида қоронгилик шиддат билан қуюқлашиб бораётган эди. Денгиз ёқдан эсаётган илиқ эпкин дераза пардаларини елпиди. Соат тўққизга бориб, Рамбер кенг хона тамом бўлгани ва дастёр қизларнинг ўзига ажабсиниб қараётганини фаҳмлади.

Рамбер айни шу пайтда, санитария машиналари чироқларидан тилимланаётган зулумотда – кейинроқ буни ўзи ҳам Риэнинг олдида тан олди – бирдан хотини икковини айириб ташлаган шаҳар деворларидан туйнук ахтариш савдосига тушгандан бери унинг ўзини бирон марта ҳам эсламаганини англаб қолди. Лекин шу заҳотиёқ, ҳаммасини қайтадан бошлишга тўғри келаётган паллада, у жами истак-интилишлари, мақсади ҳам хотинига қаратилганини тушунди ва тўсатдан шундай оғриқ туйдики, чаккаларини сиқиб юборган, ҳеч омонлик бермаётган бешафқат азобдан нажот топиш илинжида меҳмонхонага қараб чопди.

Лекин у шу куни эрталабоқ Коттарни қандай топишни сўрамоқчи бўлиб, Риэннига борди.

– Энди менга биттагина иш қолди, – деб тан олди у, – бу ҳам бўлса – ҳаммасини қайтадан бошлиш.

– Эртага кечқурун келсангиз, – деб маслаҳат берди Риэ. – Тарру мендан негадир Коттарни чақиришни илтимос қилувди. У соат ўнларда келади. Сиз ўн яримларда хабар олинг.

Эртасига Коттар ҳакимниги келди, бу пайтда Тарру билан Риэ уларнинг лазаретидаги кутимаган соғайиш воқеасини галириб ўтирган эдилар.

– Ўнтадан битта. Омади бор одам экан, – деди Тарру.

– Демак, касали вабо бўлмаган, – деди Коттар.

Уни вабонинг фирт ўзи бўлганига ишонтиришга тушдилар.

– Тузалган бўлса, унда вабо эмас. Мендан ҳам яхши биласизки, вабо аяб ўтирмайди.

– Умуман-ку сиз ҳақ, – деб ён берди Риэ. – Лекин зўр берсангиз, кутилмаган нарсалар ҳам бўлади.

Коттар ҳиринглади:

– Э, қанақалигига боғлиқ. Охирги оқшом хабарини эшитдингизми?

Тарру Коттарга мулоим нигоҳ ташлаб, эшитдим, деди, ҳа, чиндан ҳам, вазият қалтис, лекин, бу, аслини олганда, нимани кўрсатади? Ўта қаттиқ чоралар қўллаш кераклигини исботлайди, холос.

– Э-э, қўллаяпсиз-ку уларни!

– Қўллашга-ку қўллаяпмиз, лекин ҳар бир одам ҳам қўллаши керак-да.

Коттар Тарруга тўрсайиб қаради. Тарру эса кўп одамлар қўл қовуштириб тургани, эпидемия барчага тегишли экани ва ҳар бир одам ўз бурчини бажариши кераклигини айтди. Мана, санитария дасталарига хоҳлаган одам кириши мумкин.

– Майли, буниси тўғри, – деб ён берди Коттар, – фақат бари бефойда. Вабо зўрлик қиласди.

– Ҳаммасини синаб кўрайлик, кейин билинади, – деди Тарру тоқат билан.

Риэ гурунг бадалида столда карточкаларни оқча кўчириб ўтирди. Тарру эса курсида бояги-боягидек қимираётган Коттарга қаттиқ тикилиб қолди.

– Коттар жаноблари, биз билан бирга ишлашга нима дейсиз?

Коттар ҳақоратланиб ўтирган жойида ирғиб тушди-да, шляпасини қўлга олди:

– Мен қиласдиган иш эмас бу.

Ва иддао билан қўшиб қўйди:

– Айтгандай, вабо менга жуда фором тушди. Нега энди унга қарши курашаётганларга ёрдам қилишим керак.

Тарру бирдан гап тагига етгандай, шап пешасига урди:

— Ах, эсим қурсин: вабо бўлмагандан, сизни қамашарди-я.

Коттар худди ағдарилиб кетишдан қўрққандай курси суюнчиғини чангallади. Риз ёзғични қўйди ва Тарруга жиддий, зеҳн солиб қаради.

— Ким айтди сизга буни? — деб қичқириб юборди Коттар.

Тарру ажабсиниб қош керди ва:

— Ўзингиз-да, — деб жавоб берди. — Ёки, тўғрироғи, ҳаким икковимиз сизни шундай тушундик.

Ва у, Коттар алам-аччикда бўғилиб, бир нарсаларни гулдирагунча, қўшимча қилди:

— Э бунча асабланманг. Ҳарқалай, ҳаким икковимиз сизни бориб чақмаймиз. Шусиз ҳам миришабхонага тобимиз йўқ. Ишиңгиз ҳам бизга қизиқ эмас. Қани, мундай ўтилинг-чи.

Коттар курсига хавфсираб қаради, ўтиришга тайсаллаб турди, миқ этмади, кейин оғир сўлиш олди.

— Ҳаммаси эскида қолган ишлар, — деб бўйнига олди у, — лекин булар қайта кавлашляпти. Бари эсдан чиқди, деб юрган эдим, кимдир кунчковлик қилганга ўжшайди. Мени чақиртириб олишди-да, тергов тутагунча ҳеч қаёқча кетманг, деб буоришиди. Шунда фаҳмладимки, мени эртами кечми, бари бир, илинтиришади.

— Иш шунча жиддийми? — деб суради Тарру.

— Ҳаммаси шу «жиддий» деган сўзни қандай тушунишга боғлиқ. Ҳар ҳолда, қотиллик эмас...

— Қамоқми ё каторга ишларими?

Коттарнинг руҳи тушиб кетди:

— Омад келиб қолса — қамоқ...

Лекин қисқа тинликдан кейин куйиб-пишиб қўшимча қилди:

— Бир хато ўтди-да. Ҳамма ҳам адашади-ку. Фақат бир нарсани — мени қўлга олиб, ҳамма нарсадан — уйдан, кўниқмалардан, ўзим билган

ҳаммасидан маҳрум қилишларини ҳеч ақлимга сиғдиролмайман.

— А-а, — деб чўзди Таррү, — ўзингизни осишга уринганда гап бор экан-да.

— Ҳа, шундай. Аҳмоқлик албатта ҳаммаси.

Шу пайтгача жим ўтирган Риэ гапга аралашди — у Коттарнинг хавфсирашини тушуниши, лекин, ҳали, эҳтимол ҳаммаси жойига тушиши мумкинлигини айтди.

— Биламан, биламан, ҳозир ҳеч нарсадан ҳам кўрқмасам бўлади.

— Хуллас, фаҳмимча, дастага киришга тобингиз йўқ, — деди Таррү.

Коттар шляпасини бетоқат фижимлаб, Тарруга хавотир билан қаради.

— Мендан аччиғингиз чиқмасин...

— Худо ёрлақасин сизни, — деб жилмайди Таррү.

— Лекин ҳеч бўлмаса, ўз фойдангиз учун микроб тарқатмай юринг...

Коттар эътиroz қилди: у ҳеч ҳам вабони тиламаган, вабо ўзича келган ва унга вабо фором тушган бўлса, бунда унинг сира айби йўқ. Остонада Рамбер кўринганда, Коттар шоша-пиша қўшимча қилди:

— Айтганча, ишончим комил, бари бир, ҳеч нарсага эришолмайсиз.

Рамбер билдики, Гонсалеснинг қаерда туришидан Коттар ҳам бехабар, лекин яна ўша кичкина қаҳвахонага бориб суриштирса бўлади. Эртага учрашишга келишдилар. Риэ ҳам бу гапнинг натижасини билишга қизиқаёттанини айтган эди, Таррү ҳафта охирида, хоҳлаган пайтда кечаси ўз хонасида учрашишга таклиф қилди.

Эртаси куни Коттар билан Рамбер кичкина қаҳвахонага бориб, Гарсиага уни бутун оқшом, башарти ишқалчиқса, эртага кутишларини етказишни тайинладилар. Кечқуруни билан беҳуда пойладилар.

Лекин бу куниси Гарсиа пайдо бўлди. У Рамбернинг кўргуликларини индамай эшитди. Шахсан ўзи нима бўлаётганидан бехабар экан, лекин яқинда бир неча маҳалла ўровга олиниб, у ердаги ҳамма уйлар бир кеча-кундуз тинтуб қилинганини эшитибди. Гонсалес билан ака-укалар қуршовдан чиқолмаган бўлишлари мумкин. У фақат бир ишни – буларни яна Раулга рўпара қилишни уддалайди. Турган гап, бу учрашувни яна икки-уч кунсиз орзу қилмаса ҳам бўлади.

– Куриниб турибди, ҳаммасини яна қайта бошлишга тўғри келади, – деди Рамбер.

Рамбер шартлашилган чорраҳада Раул билан учрашганда, униси Гарсианинг тахмини тўғри чиққани – ростдан ҳамма пастки маҳаллалар ўраб олинганини айтди. Гонсалес билан алоқани тиклашга уриниб кўриш керак. Икки кундан кейин эса Рамбер футболчи билан бирга нонушта қилди.

– Фирт бемаънилик-ку бу, – деб қайтарди Гонсалес. – Бир-биrimизни қандай топиш учун аввал келишиб олиш керак, а.

Рамбер ҳам бу гапни қўллаб-қувватлади.

– Эртага эрталаб болаларнинг олдига борамиз, бирон чора топиб қолармиз.

Эртаси куни болалар уйида йўқ экан. Улар билан эртага қиёмда лицей майдонида учрашув тайин қилдилар. Тарру тушдан кейин Рамберни сўлғин аҳволда кўриб ҳайрон бўлди.

– Юришмаяптими? – деб суради у.

– Ҳа. Мана, қайтадан бошлиангани ҳам шу-да, – деб жавоб берди Рамбер.

У ўз таклифини яна қайтарди:

– Бугун кечқурун кириб ўтинг.

Меҳмонлар кечқурун Рамбернинг хонасига кирганда, уй эгасининг ўзи тўшакда ётган эди. У жойидан турди ва олдиндан шайлаб қўйилган финжонларни тўлдирди. Риэ ўз финжонини олиб, иш қандай кетаётганини суриштирди. Мухбир бир

қур давра айланиб, яна бошлаган жойига қайтгани ва яқинда яна битта, энди охирги учрашув бўлишини айтди. Ичди-да, кейин қўшимча қилди:

- Фақат улар яна келмайди.
 - Умумлаштириш керак эмас, – деди Тарру.
 - Сиз бу азобни тортиб кўрмагансиз-да, – деди Рамбер елкасини қисиб.
 - Қайсини?
 - Вабони.
 - А-а, – деб чўзди.
 - Йўқ, тушунмадингиз, вабо – бу ҳаммасини қайтадан бошлаш дегани.
- Рамбер хона бурчагига ўтиб, ихчамгина патефонни айлантирди.
- Қанақа гардиш бу? – деб сўради Тарру. – Нимасидир жуда таниш.

Рамбер: «Saint James Infirmary», – деди.

Олисдан икки марта ўқ овози эшишилган пайтда ҳали гардиш айланаётган эди.

– Ё ит, ё қочқинга отишяпти, – деб изоҳлади Тарру.
Бирон дақиқадан кейин патефон ўчида ва санитария машинаси сигнали библилади, товуш кучайди, хона деразаси тагидан ўтди, пасайди ва ниҳоят олислаб бориб тинчиди.

– Бадга урган гардиш, – деди Рамбер. – Бугун яна ўн мартача эшиздим.

- Шунча ёқадими сизга?
- Қаёқда, шундан бошқаси йўқ-да.

У бир оз жим туриб, қўшиб кўйди:

- Сизга айтияпманки, бу ҳаммасини қайтадан бошлап дегани...

У Риэдан санитария дасталари қандай ишлаетганини суриштирди. Ҳозир дасталар бештага етибди. Яна бир нечтасини тузишга умид бор. Мухбир каравот четига ўтириб, тирноқларини ошкор ҳафсала билан кўриб чиқишига тушди. Риэ

Рамбернинг пайдор, бақувват қаддига кўз югуртириди ва бирдан унинг ҳам ўзига қараётганини пайқаб қолди.

– Ҳаким, биласизми, – деб гап қотди мухбир, – сизнинг дасталарингиз ҳақида кўп ўйладим. Сизга қўшилолмаяпман, бунга алоҳида сабабларим бор. Шулар бўлмаса, ўйлайманки, мен ҳам жонимни тикардим, ахир Испанияда жанг қилганман.

– Ким томонида? – деб сўради Тарру.

– Мағлублар томонида. Лекин ўшандан бери кўп нарсани ўйлаб кўрдим.

– Нима тўғрисида? – деб суриштириди Тарру.

– Жасорат ҳақида. Энди биламанки, одам улуғ ишларга қодир экан. Лекин у шу билан бирга улуғ туйғуларга ҳам қодир бўлмаса, мен уни йўқ деб ҳисоблайман.

– Одам ҳаммасига қодирга ўхшайди, – деди Тарру.

– Йўқ, йўқ, одам узоқ вақт азобланишта ё узоқ вақт бахтли бўлишга қодир эмас. Демак, у арзигулик ҳеч нарсага қодир эмас.

Рамбер меҳмонларига бир-бир қараб чиқди ва сўради:

– Тарру, мана, сизни олайлик, севги учун ўлишга қодирмисиз?

– Билмадим, лекин ўйлайманки, ҳозир йўқ, қодир эмасман...

– Ана, кўрдингизми. Лекин сиз фоя учун ўлишга қодирсиз-ку, буни шундай қараб билиш мумкин. Менга келсак, фоя деб ўладиган одамлардан тўйдим. Мен қаҳрамонликка ишонмайман, қаҳрамон бўлиш осонлигини биламан ва ҳозир қаҳрамонлик ўлимга олиб боришини ҳам биламан. Мен учун фақат битта нарса қадрли – севганинг учун ё ҳаёт, ё мамот.

Риэ мухбирни зеҳн қўйиб тинглади. Ундан кўзини узмай, мулоимгина гап қотди:

– Рамбер, одам – фоя эмас.

Рамбер ўтирган жойида сапчиб тушди ва ҳатто ҳаяжондан қизариб кетди.

– Йўқ, ғоя ва севгидан юз ўгиргани заҳоти одам ҳатто жуда арзимас ғоя бўлиб қолади. Биз эса айнан шундай севишга ноқобилмиз. Шуни тан олайлик, ҳаким. Шунга қодир бўлмагунимизча кутайлик ва башарти бунга қурбимиз етмаса, ўзимизни қаҳрамон кўрсатмай, умумий озодликкача чидаб берайлик. Бундан нарёғига мен ўтмоқчи эмасман.

Риэ ўрнидан турди, унинг юзи бирдан ҳорғин тус олди.

– Сиз ҳақсиз, Рамбер, тамом ҳақсиз, ўзим ҳам шуни адолатли ва яхши деб ҳисоблайманми, дунёдаги энг зўр нарса эвазига ҳам сизни қилаётган ишингиздан қайтармайман. Лекин сизга шу нарсани айтиб қўйишига бурчлиман: бу ерда, можиятини олсак, гап қаҳрамонликда эмас. Буни қаҳрамонлик деб бўлмайди, оддий ҳалоллик. Балки бу гап сизга эриш туюлар, лекин вабога қарши битта қурол бор – бу ҳалоллик.

– Ҳалолликнинг ўзи нима? – деди Рамбер тамомила бошқача, жиддий оҳангда.

– Умуман унинг ўзи нима, буни мен ҳам билмайман. Лекин ўзимга келсак, биламан: ҳалол бўлиш – ўз ишини бажариш дегани.

– Мен эса ишим нималигини ҳам билолмайман, – деб қаҳрли шивирлади Рамбер. – Эҳтимол, севгини танлашимда ноҳақдирман.

Риэ унга ўгирилди.

– Бунақа ўйга борманг, – деди у куч билан, – сиз ҳақсиз!

Рамбер уларга ўйчан нигоҳ ташлади:

– Менимча, иккалангиз ҳам ҳозирги шароитда ҳеч нарсангизни йўқотмайсиз. Хайрли ишлар томонида бўлиш осон.

Риэ шаробни қолдирмай сипқарди.

– Кетдик, – деди у Тарруга, – ҳали ишимиз куп.

У хонадан биринчи чиқди.

Тарру унга остоナгача эргашиб борди-да, лекин эслаб қолди шекилли, мұхбирға қайрилди ва:

– Сиз унинг хотини бу ердан юзларча чақирим узоқда, санаторийда ётганини биласизми? – деди.

Рамбер ҳайрон бўлиб қўлларини керди, лекин Тарру хонадан чиқиб кетган эди.

Эрталаб саҳарда Рамбер ҳакимга сим қоқди:

– Шаҳардан чиқиш имкони келгунча сиз билан бирга ишласам, йўқ демайсизми?

Симларнинг у томони жим турди, кейин шундай сўзлар жаранглади:

– Албатта, Рамбер. Раҳмат сизга.

Учинчи бўлим

Шу тариқа вабо тутқунлари узоқ-узоқ, ҳафталар бадалида ўз билганларича ва бақадриҳол олишиб келдилар. Улар орасида айримлар, масалан, Рамберга ўжшаганлари, ўзларини эркин одамдай тутиб, бизга танлаш ҳукуқи берилган, деб юрганига юқорида ишонч ҳосил қилган эдик. Бироқ айни шу пайтга келиб, август ўрталарида вабо ҳаммани, ҳаммасини маҳв қилди, деб баралла айтса бўларди. Энди алоҳида, шахсий бир тақдир йўқ, факат умумжамоа тарихимиз, аниқроғи, вабонинг ўзи ва у ҳаммага сингдириб юборган туйғуларгина қолган эди. Ҳозирги пайтда энг муҳими айрилиқ, қатағон ва ундан келиб чиқадиган оқибатларгина – қўрқинч ва алам түғёни бўлиб қолди. Мана, шунинг учун ҳам ҳикоячи айни шу пайт, жазира ва эпидемия авжга чиққан паллада, жилла қурса, умум нарсаларни баён этиш ва мисол тариқасида тирик қолган ҳамтабааларнинг қаҳр-ғазабини, ўликларни кўмиш ва айро тушган ошиқ-маъшуқларнинг азоб-уқубатларини келтириб ўтишни мақбул топади.

Худди шу йили, ёз ўрталарида шамол туриб берди ва вабо теккан шаҳарда бир неча кун тинимсиз изғиди. Оранликларда шамолни сўймасликка барча асослар бор: шаҳар қад тиклаган супатоғда шамол ҳеч қандай тусиққа учрамайди, бир ташланган кўйи худди телбадай ёпирилиб, шаҳар сарҳадидан ўтиб кетаверади. Оранга бир томчи ҳам ёғин тушмади, ойлар бадалида курғоқчиликдан кейин шамолда тарс-тарс кўчадиган кулранг пўстлоқ билан қопланди шаҳар. Шамол тобора сийраклаб бораётган ўткинчилар оёғига учиб келиб ёпишадиган парча-пурча қофозу тўзонни осмонга тўзғитади. Муҳтожлик уйларидан кўчага ҳайдаган ўша озчилик ҳам оғизларини қўл ёки дастрўмол билан панараб, салкам икки букилганча илдам югуради. Энди кечқурунлари кўчаларда, эҳтимол, умрининг охирги кунини чўзиб қолишга интилиб, ўзини тўдага урган оломон йўқ, энди фақат уйини кўзлаётган ё қаҳвахонага бирров кириб ўтишга ошиқаётган кичик-кичик гурухларгина учрас, ҳафта давомида қоронилик эрта тушадиган оқшомлардан шаҳар буткул ҳувиллаб қолар, фақат шамолгини деворларга сўйкалиб, чўзиқ ва шикоятомуз увиллаб ётар эди. Бу ёқдан кўринмайдиган нотинч денгиздан шўр ва сувўтлар ҳиди келади. Бизнинг денгиз нафасига тўйинган, чангда унниқиб, шамол чинқириқларидан гувиллаб ётган саҳройи шаҳримиз Худо қарғаган оролдек инграр эди.

Шу пайтгача вабо марказга тегмай, балки аҳолиси кўп, турмуши ночорроқ маҳаллаларга қирғин солар эди. Лекин у туйқус бир сакраб, кибор маҳаллаларга бақамти келди ва бу ерларда танда қуриб олди. Бунда яшаётгандар инфекция уруғини шамол олиб келяпти, деб ишондилар. «Ҳамма қартани чийлаб ташлади», – деб нолиди меҳмонхона мудири. Лекин нима бўлмасин, марказий маҳаллалардагилар нав-

бат ўзларига ҳам келганини тан олдилар, чунки энди кечалари «тез ёрдам» машиналарининг узук-юлуқ овози вабонинг мунгли ва лоқайд чорловини шундоқ деразалари тагига бот-бот итқитиб ўтар эди.

Кимdir ҳатто вабо айниқса кучайган бир нечта маҳаллани ўров қилиш, одамларни фақат хизмат юзасидангина четга чиқариш фикригача борди. Ўровга тушганлар, табиийки, бу чорани айнан ўзларига қарши қилинган, деб ҳисобладилар; ҳарқалай, улар зиддият таъсирида бошқа маҳаллалар аҳдини эркин деб ўйлардилар. Эркиnlари эса, ўз навбатида, оғир дақиқаларда бизга қараганда бошқаларнинг эркинлиги чекланган деган хаёлдан таскин топдилар. «Улар қамалиб ўтирибди-ку» – мана, айни шу жумлада биз етишимиз мумкин бўлган ягона умид ўз ифодасини топган эди.

Тахминан шу пайтларга келиб ёнгин силсиласи бошланди, айниқса, Ораннинг гарбий дарвозаси томондаги исловот маҳаллаларда авжга чиқди. Тергов кўп ҳолларда бу ишни карантиндан чиқиб келган, йўқотиш ва фожиалар ақду ҳушидан айирган одамлар қилганини аниқлади, улар олов билан вабо ҳам куйиб кетади деган хаёлда, ўз уйларини ёқиб юборар эдилар. Хусусан, шамол забтига олган мавсумда бутун бошли маҳаллаларга жиддий хавф солиб, тобора авжта чиқаётган ўт қўйиш телбалигига қарши машаққатли кураш олиб боришга тўғри келди. Шаҳар ҳокимияти буйруги билан ўтказилаётган дезинфекция касал юқтириш хавфини батамом йўқотади, деган кўплаб, афсуски, бефойда тушунтиришлардан кейин айбсиз айбдор ўт қўювчиларга нисбатан янада қаттиқроқ чора қўмлашга тўғри келди. Шубҳа йўқки, бу савдойиларни турмага тушиш фикри эмас, балки бутун шаҳар аҳли учун умумий бир тушунча – қамоқча ҳукм қилинган одам шу билан ўлимга ҳам ҳукм бўлади,

чунки шаҳар турмасида ўлим миқдори ақл бовар қилмайдиган даражага чиқиб кеттган, деган тасаввур қўрқитар эди. Албатта, бу ишончга ул-бул асослар ҳам бор. Тушунарли сабабларга кўра, вабо айниқса кўникумалар кучи ёки зарурат юзасидан тўда-тўда бўлиб яшайдиганлар, яъни аскарлар, роҳиблар ва маҳбуслар орасида қутураётган эди. Зеро, айрим маҳбуслар озод этилган бўлсалар-да, қамоқ, бари бир, ўзига хос жамоа, буни исботлаш қийин эмас – шаҳримиз турмалиридаги эпидемияга товонни маҳбуслар билан баб-баравар тўлар эди. Вабонинг ўз нуқтаи назарича, унинг музaffer нуқтаи назарича, қамоқхона бошлиғидан охирги маҳбусгача баравар ўлимга маҳкум ва эҳтимол, бандихонада узоқ-узоқ йиллардан бери биринчи марта ҳақиқий адолат қарор топган эди.

Шаҳар ҳокимиютигининг хизмат бурчини бажараётганда ҳалок бўлган соқчиларни тақдирлаш орқали бу ялпи тенгликка мансаб поғонасига оид тафовут киритишга уринишидан ҳам наф бўлмади. Шаҳар қамал ҳолатида деб эълон этилгани учун, маълум нуқтаи назардан, мазкур соқчилар ҳарбий хизматда ҳисобланар, бинобарин, ўлимдан сўнг ҳарбий нишон билан тақдирланар эди. Маҳбуслар бу аҳволга индамай кўнган бўлсалар-да, ҳарбий ҳокимият бошқача қаради ва етарлича асослаш билан бу тадбир оранликлар тасаввурида номакбул чалкашлиқ туғдиришини баён қилди. Ҳарбий ҳокимиютининг илтимоси инобатга олинди ва вабодан ўлган соқчиларни эпидемияга қарши куаш учун нишони билан тақдирлаш маъкулроқ, деган фикрга келинди. Лекин бўлар иш бўлган – биринчи бўлиб ўлиб кетган соқчилардан ҳарбий нишонларни тортиб олишга энди имкон қолмаган, аммо ҳарбийлар ўз нуқтаи назарларидан возкечмаган эдилар. Бошқа томондан, эпидемияга

қарши кураш учун нишонида жиддий нүқсон бор: у ҳарбий нишон билан тақдирланишдек чукур маънавий таъсир кўрсатмайди, вабо мавсумида унга қарши курашгани учун нишон олиш – шунчаки жўн бир иш. Хуллас, ҳамма норози эди.

Устига-устак, қамоқхона бошлиқлари диний арбоблар, айниқса, ҳарбий ҳокимиятдек иш кўролмайдилар. Шаҳардаги икки монастир роҳиблари ҳакиқатан ҳам художўй оиласаларга вақтинча кўчирилди. Худди шундай, имкон туғилиши биланоқ аскарларни кичик-кичик бўлинмаларга тизиб, казармалардан чиқардилар ва мактаблар ёки бошқа жамоат биноларига жойлаштирилар. Аслини олганда, эпидемия шаҳримиз аҳолисини худди қамал пайтларида гидек жигслаштириши лозим эди, аммо амалда анъанавий ҳамжиҳатликни парчалаб, одамларни яна ёлғизлика дучор қилди. Буларнинг ҳаммаси саросарликка олиб келди.

Биз агар, бу аҳвол ва унга кўшимча бўлган қаттиқ шамол айрим каллаларда ёнгин ўтини алангалатиб юборди десак, хато қилмаймиз. Шаҳар дарвозалари яна бир неча бор босқинга учради, бу гал ҳатто ҳужумчиларнинг чоғроққина тўдаларида қурол ҳам бор эди. Икки ёқдан ҳам ўт очилди, яралангандар бўлди ва бир неча киши озодликка қочиб ўтди. Бироқ посбонлик кучайтирилди ва кўп ўтмай ёриб ўтишга уриниш барҳам топди. Лекин шунинг ўзи ҳам шаҳарда исён бурони қупишига туртки берди, оқибатда гоҳ у ер-гоҳ бу ерда ғалаёни томошалар кўрсатилди. Одамлар ёнфинга учраган ёки санитария мулоҳазалари билан беркланган уйларни талон қилишга тушдилар. Очигини айтганда, бу олдиндан ўйланган режа билан қилинди, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда одамлар, хусусан, кўлгчиллик ўргасида баобрў одамлар кутилмаган вазиятда шу замонга таассуб туғдирадиган номақбул ҳаракатлар қилас-

дилар. Масалан, кулфатда эс-хүшидан айрилган уй соҳибининг кўзи ўнгида ўзини туппа-тўғри алангага урган савдоилар ҳам учради. Соҳиби хонадоннинг айни шундай қотиб туриши бекорчи томошабинларнинг бошловчилар ибратига эргашишига сабаб бўлар ва шунда фақат ёнғин акси товланаётган қоронғи кўчада ҳар томонга изғиётган, елкасидаги курси ёки кийим-кечак бўғчалари залвори остида буқчайган, ёнғиннинг охирги яллоғида таниб бўлмас даражада бузук иршайган аллақандай шарпаларни кўриш мумкин эди. Худди шунақа можаролар сабаб, шаҳар ҳокимиятини ва бо ҳолатини қамал ҳолатига тенглаштириш ва шунга мувофиқ чоралар қўллашга мажбур қилди. Икки талончи отилди, аммо бу жазо бошқаларга қанча таъсир кўрсатгани даргумон, чунки шунча ўлим ичида бу билингани ҳам йўқ – денгиздан бир томчи, холос. Ҳамтабааларимизни беистисно ҳушёр торттирган ягона чора, афтидан, комендантлик соати ўрнатилиши бўлди. Соат ўн бирдан кейин зулмат босган шаҳrimiz баайни тошдек қотганга ўхшаб қолди.

Ойдин осмон остида у ўзининг оқиш деворлари ва ҳеч бир жойда дарахтларнинг гунгурт соялари кесмаган равон кўчаларини кўз-кўз қилар, сукунатга на ўткинчиларнинг қадам товуши, на итлар вовуллаши ракна солар эди. Бундай кечаларда тилсиз шаҳар салобатли, ўлик кубларнинг оддий йифиндисига айланар, булар орасида инсон авлоди раҳнамоларининг унсиз, аллақачон унутилган ҳайкаллари ёки бу дунёning тунчга муҳрланган собиқ улуғлари ўзларининг металл ёки тошдан ясалган сиймо-ниқоблари билан бир вақтлар одам бўлганнинг қиёфасини тиклашга уринар эди. Бу ўртамиёна маъбуллар августнинг қуюқ осмони тагида, кимсасиз чорраҳаларда кўркли бўлиб турар, бу ҳиссиз

түнкалар биз ҳаммамиз галалашиб банди тушган турғунык салтанатини, кам деганда, унинг сўнгги қиёфаси – вабо, тош ва зулумот, ва ниҳоят, мана, инсоннинг тириклик овозини ўчирган мақбара тимсолини ўзида мужассам қиласа эди.

Аммо зулумот яна кўнгилларни ҳам босган, ҳам табааларимизга амалга киритилган дафн маросими ҳақидаги уйдирма ҳам, ҳақиқат ҳам айтарли бир далда бўлиши даргумон эди. Модомики, ҳикоячи хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, жанозалар ҳақида гапиришга мажбурми, бинобарин, одиндан кечирим сўраб қўйишга тайёргани билдиради, лекин унинг ўзини оқлаши шундаки, бу давр бадалида жанозалар бўлиб турди, у ҳам бошқа ҳамтабааларимиз қатори дафн маросимларида қатнашишга мажбур эди. Нима бўлганда ҳам, у бунақа маросимларга сира ишқибоз эмас, аксинча, тириклар жамоасини, мисол учун, кумлокни, денгизда чўмилишни устун қўяди. Аммо денгизда чўмилиш қатағон, тириклар жамоаси эса эртаю кеч ўзларини ўликлар жамоаси суриб чиқаришидан кўркувда. Воқелик шундай. Албатта, кўзни чирт юмиб, уни нари ҳайдашга уриниб кўриш мумкин, аммо воқелик ақл бовар қилмайдиган куч-қудратга эга ва у охир-оқибат тантана қиласи. Мана, ўзингиз айтинг, дафн маросимини, агар худди шу куни сиз севган одамлар кўмиладиган бўлса, нари суриб бўлмайди-ку.

Мана, шундай қилиб, дафн маросимининг энг муҳим аломати аввалбошда тезлик эди. Барча расмиятчиликлар соддалаштирилди, азадорлик урфлари бор ҳолича бекор қилинди. Беморлар уйида, яқинларининг кўзи олдида жон таслим қилмайди, анъана бўйича майитнинг бошида бедор тонг оттиришлар тақиқланди, дейлик, кечга борибузилган ўлик тунда буткул ёлғиз ётади, эрталаб ўлганларини эса тезроқ тупроқча беришга ошиқадилар. Оиласига, табиийки, хабар етказилади, аммо кўп ҳол-

ларда марҳумга хеш-яқинларнинг шаҳарда юриши чекланган, чунки касал билан алоқада бўлғанлари боис карантинда ётган чиқади. Марҳум қариндошларидан бўлак яшаган тақдирда, улар кўрсатилган вақтда, яъни жасад ювилиб, айни қабристонга жўнатилаётганда келадилар.

Фараз қиласайликки, бундай маросим Риз ҳакимга қарашли ёрдамчи лазаретда бўлаётир. Мактабга кирадиган эшик асосий бинонинг орқасида. Эшиги долонга қараган катта хўжалик иморатида тобут сақданади. Марҳумнинг оиласи долондаёқ қопқоғи аллақачон қоқилган тобутни кўради. Шу заҳотиёқ маросимнинг асосий қисмига кучилади, яъни оила бошлиғига қўл қўйиш учун керакли қофозлар тутқазилади. Кейин тобут ёниқ автомобилга ё бўлмаса маҳсус жиҳозланган «тез ёрдам» машинасига олинади. Қариндошлар ҳозирча бекор қилинмай турган таксига ўтирадилар ва бор издиҳом чекка кўчалар бўйлаб қабристонга ўт қўяди. Шаҳар дарвозасида издиҳомни миршаб тўхтатади, ҳамтабааларимиз айтгандай, «охирги осойишта маскан»га шусиз йўл бекилган расмий рухсатномага шипиллатиб муҳр босилади, машиналар ўтказилади, улар кўпсонли ўралар қазилган ва юк келишини кутаётган чорбурчак майдон ёнига келиб тұхтайди. Кашиш марҳумга пешвозди чиқади, чунки черковда жаноза ўқиши ман этилган. Оят ўқиши баробарида тобут машинадан тортиб олинади, арқон билан боғланади, суриб келинади, ўрага сирфалиб тушаётсиб ерга гурс урилади; кашиш бухурдонни елпийди ва, мана, илк тушган кесаклар тобутни дўмбира қила бошлайди. Ёпиқмошин ўша заҳоти жўнайди, чунки дезинфекциядан ўтиши керак; белкураклардан тушаётган тупроқ уюмлари тобора бўғикроқ товуш беради, қариндошлар эса бу пайти машиналарга жойлашган, чорак соатдан кейин эса уйларига етган бўладилар.

Ҳаммаси шу тариқа катта тезлик ва озгина таваккал билан содир бўлади. Ҳа, албатта, эпидемиянинг бошларида, ҳарқалай, қариндош-уруг, табиий туйғудан келиб чиқиб, ҳақоратланган бўлдилар. Аммо вабо пайти бунақа туйғу-мулоҳазалар инобатга ўтмайди: ҳаммаси ишнинг фойдасига қурбон қилинади. Дарвоҷе, бу тахлит амалиёт аввалига аҳли шаҳарнинг кўнглига оғир ботди, зеро, обрў-эътибор билан дағн этилиш истаги биз ўйлагандан кўра чукурроқ томир отган, кўп ўтмай, бахтимизга, озиқ-овқат танқислиги бошланиб, одамлар бошқа муҳимроқ ташвишларга ўралашиб қолдилар... Соатлаб навбат пойлаш, ейишни хоҳласанг бажарининг шарт бўлган хилма-хил юмушу турли-туман расмиятчиликлар бизни шундай ютиб юбордики, ён-веримиздаги одамлар қандай ўляпти, қазо етса, ўзимиз қандай ўламиз – буларни ўйлашга вақт қолмади. Шу тариқа, асли ёмонлик санаалган моддий қийинчиликлар, нечоғлик ғалати бўлмасин, яхшиликка айланди. Агар, кўрганимиздай, эпидемия бу қадар қулоч отмаганда, ҳаммаси яхшиликка олиб келар эди.

Зеро, тобут камёб, кафаникка мато топилмайди, қабристонда жой қолмаган. Нимадир қилмаса бўлмай қолди. Осон йўли – яна ишнинг фойдасини кўзлаб – алоҳида-алоҳида дағнларни қўшиб битта қилиш, шундай зарурат турилган эканми, гўристон билан лазарет ўртасида қатновни кўпайтириш эди. Мисол учун, Риз ҳаким бошқарадиган лазаретнинг ихтиёрида бу пайти тобутдан бор-йўғи бешта қолган. Улар тўлгандан кейин битта машинага ортилади. Қабристонда тобутлар бўшатилади, занглаган темир тусига кирган мурдалар замбилга олинади ва маҳсус жиҳозланган саройга қўйилади. Кейин тобутлар дезинфекция қоришимасида ювилиб яна лазаретга қайтарилади; бутун операция қанча лозим бўлса, шунча

такрорланади. Иш шу қадар намунали йўлга қўйилган эдикси, ҳатто волий ҳам бир неча марта бундан қониқиши изҳор этди. У ҳатто Риэга вабо ҳақида ёзилган қадимий солномаларда тўда-тўда ўликларни оддий араваларга солиб кетаётган занжиларнинг суратларини кургани, бизда дафн ташкилотчилиги ундан мукаммалроқ эканини айтди.

– Тўғри, – деб уни кувватлади Риэ, – дафн ўшандай, аммо биз яна ҳужжат ҳам тўлдирамиз. Таракқиёт аён кўриниб турибди.

Маъмуриятнинг бу соҳадаги муваффақиятларига қарамай, волийлик жанозада қариндош-уруғлар қатнашишини тақиқлашга мажбур бўлди, чунки вақт ўтиши билан дафн маросими ярашмаган расмиятчиликка айланиб қолди. Қариндошларга фақат қабристон дарвозасигача кузатишга, шунда ҳам норасмий рухсат берилди. Бу ҳам ўзгартиришлар дафн маросимининг асосан якуний қисмига тегишли бўлганидан эди. Қабристоннинг у чеккасида бутазор бўлиб, ҳалигача бўш ётган майдонда иккита чукур зовур кавланган. Уларнинг бири эркакларга, иккинчisi хотинларга мўлжалланган эди. Маъмурият мазкур масалада ҳали ахлоқ-одоб қоидаларини ушлашга интилаётган эди, фақат вақт ўтиши билан, вазият тақозосига бўйсуниб, одоб сақлашнинг сўнгти уринишидан воз кечишига тўғри келди ва майитларни эркагу аёлига қарамай, бокиралик ташвишини чекиб ўтирмай, аралашига тўда-тўда кўмишга ўтдилар. Баҳтимизга, бу маҳшар талотўпи фожианинг охирги босқичларигагина хос манзара эди. Сўз бораётган бу босқичда ҳали алоҳида зовурлар сақланган ва волийлик бу вазиятдан жуда фахр ҳам қиласиди. Ҳар бир зовур тубида қалин тўшалган оҳак вақирлаб-пишилаб ётади. Ҳар бир зовур лабида тоза ҳаво таъсирида сирти пуфак-пуфак шишган худди шундай оҳак уюмлаб

қўйилган. Қатнов тўхтагандан кейин, замбиллар саройдан олиб чиқилиб, ёнма-ён терилади, сўнгра шир яланғоч, қарийб чангак қотган мурдалар бирбирига манжаштирилиб зовурга тахланади ва шу заҳоти уларнинг устига янги оҳак қўйилиб, сўнгра бўлажак меҳмонларга жой қолдириш учун, хийла юпқа тупроқ тўшалади. Эртаси куни қавм-қариндошлари чақирилиб, рўйхат дафтарига имзо чекиши тавсия этиладики, бу одамлар билан, айтайлик, итлар ўртасидаги доим текширса бўладиган мавжуд тафовутларни бўрттириб туради.

Бу операцияларнинг ҳаммасига ходимлар керак ва ҳар куни уларда етишмовчилик хавфи пайдо бўлар эди. Санитар ва гўрковларнинг аксарияти, аввалбошда мутахассислари, кейинроқ четдан олингандари ҳам вабодан ўлди. Ҳар қанча эҳтиёт чораси курилмасин, мараз ўз улушкини олмай қўймасди. Лекин яхшилаб ўйлаб курилса, ҳайрон қоларли жойи шуки, эпидемия пайтида бу ишга талабгорлар топилиб турди. Оғир буҳрон даври касаллик кўрсаткичлари авжга кўтарилишдан сал олдин бошлианди ва бунда Риэ ҳакимнинг хавотири жуда ўринли эди. Малакали ишларда ҳам, ҳакимнинг ўзи айтгандай, қора ишларда ҳам одам етишмас эди. Лекин вабо шаҳарга худди ўз уйидек жойлашиб олгандан кейин, унинг қуюшқондан чиқиши ҳам, охир-оқибат, фойда бўлди – эпидемия оқибатида Ораннинг иқтисоди патарот топди, бу эса, табиийки, ишсизлар сонини кўпайтирди. Кўп ҳолларда мутахассислар сафини бутунлаш иложи топилмас, аммо булари қора ишга ярайверар эди. Ва чиндан ҳам, айни шу кунлари қашшоқлик қўркувдан устун чиқди, бунинг устига маош ҳам меҳнатнинг нечоғлик хавфли эканига қараб тўланар эди. Санитария хизматчисининг қўлида иш кутаётганилар ёзилган рўй-

хат бор, жой бўшаши билан навбатнинг бошида турғанларга хабар қилинар, улар агар бу пайти тириклар рўйхатидан ўчмаган бўлсалар, лаббай деб етиб келадилар. Шунинг учун маълум муддатга ё бир умрга кесилган маҳбусларни қора ишга қўйиш масаласида узоқ иккиланган волий бу сўнгги чорани кўлламасликнинг уддасидан чиқди. У ишсизлар ҳали ҳам бор ва яна бўлар эканми, бемалол кутиш мумкин деб ҳисоблади.

Ёмонми, яхшими, лекин август ойи охирларигача ҳамтабааларимиз сўнгти масканларига жуда ҳамма расм-русуми билан бўлмаса-да, ҳарқалай, намунали тартиб муҳитида йўл олдилар, ҳокимиётнинг, шутариқа, ўз бурчини бажараётганидан кўнгли тўқ эди. Лекин шу ўринда воқеалардан илгарилаб, дафнга бош-қош хизматнинг қанақа бекитиқча тадбирлар кўлашга мажбур бўлганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Августдан бошлиб, эпидемиянинг ўша қулоч ёйишида қурбонлар миқдори ери чоғроқ қабристонимизнинг имкониятидан ошиб кетди. Анча жойдаги панжара олиниб, ёндош ерлар ҳам ўликлар ихтиёрига ўтган бўлса-да, зудлик билан бошқа чоралар қидиришга тўғри келди. Бошида кўмишни кечалари ўтказишга қарор қилинди, бу ходимларни ортиқча кўнгилчанликдан халос қилди – машиналарни лиқ тўлгунча юклаш мумкин эди. Ҳамشاҳларимиздан тақиқча қарамай шаҳар канорасида ушланиб қолган (ё хизмат юзасидан шаҳарда юрган) айримлари оқقا бўялган узун-узун машиналарнинг учиб ўтаётгани ва уларнинг бўғиқ чинқироғи зимистон-қора лаҳм кўчаларда акс-садо бераётганига бот-бот гувоҳ бўлиб турардилар. Ҳали ерга тушган зарбидан силкинаётган мурдаларнинг юзига сачраган оҳак қуйқалари ёйилиб боради; тупроқ бу барча исм-шарифсизларни ёради ва энди имкон қадар чукурроқ қазилаётган зовурлар мангугта ютиб юборади.

Бироқ, сал вақт ўтгач, янги йуллар ахтариш ва янги марраларни забт этишга түғри келди. Волийлик буйруғи билан күхна қабрлар безовта қилинди, буларнинг олдинги эгалари суюги печга солинди. Вақти етиб, вабодан ўлганлар мурдалари ҳам күйдирила бошланди. Шаҳар шарқидаги дарвоза тишидаги ахлат ёқиладиган печ ҳам шунга мослаштирилди. Посбонлик нарироққа сурилди, мэриянинг қандайдир ходими илгари денгиз тепасида, тоғ йўлидан қатнаган, ҳозир эса бекор турган трамвайларни ўлик ташишга ишлатишни маслаҳат берib, маъмурият юмушини анча енгиллаштирилди. Шу мақсадда моторли ва тиркама вагонларнинг ўриндиқлари ечиб олинди ва трамвайлар ахлат ёкиш бекатигача қўйилди, шу билан бу ер сўнгги бекат ҳам бўлиб қолди.

Ёз охирлари, кузги жалалар айни заптига олган кезларда денгиз юқорисида йўловчисиз, ўз-ўзича жингирлаб, қалдираб кетаётган трамвайларнинг даҳшатли карвонини қарийб ҳар куни қўриш мумкин эди. Аҳли шаҳар, охир-оқибат нима гаплигини билиб қолди. Посбонлар карнизга яқинлашишни тақиқлашига қарамай, бари бир, айрим-айрим тўдалар пойини тўлқин юваётган газаларга бот-бот тирмасиб, ўтиб кетаётган вагон тиркамаларига гуллар отишга улгуриб қолар эди. Ўша ёз кечалари ўлик ва гул юкланган трамвайларнинг жингирлаши бизгача эшитилиб турарди.

Эрталблари эса, хусусан, дастлабки пайтлари шаҳар шарқидаги маҳаллаларни кўнгилни айнитадиган қуюқ тутун босади. Ҳакимларнинг яқдил таъкидлашларича, бу ис, майли, нечоғлик беҳузур қилмасин, мутлақо заарсиз эди. Аммо мазкур маҳаллалар аҳли яшаб турган жойидан кўчамиз деб туриб олди, зеро, улар вабо устимизга осмондан тушяпти, деб ишонардилар; шу боис мураккаб ту-

тунқайтаргич тизими니 тиклашга тұғри келди ва одамлар шундан кейингина тинчландилар. Фақат қаттиқ шамол турған күнлари шарқдан келаётган бадбүй түлкін әнди янги тартибда яшаёттанимизни ва вабо алангаси ўз улушкини ямлаб турганини эслатар әди.

Вабонинг авж пайтидаги оқибатлари шундай әди. Бахтимизга эпидемия барқарорлашды, бўлмаса, шаҳримиз казоларининг топқирлиги, волийликнинг буйруқ чиқариш борасида иктирочилиги ва печларнинг күйдириш имконияти ҳам, ўйлаймизки, адо бўлаёзган әди. Риэ чорасизлик исканжасида янги-янги лойиҳалар ўйлаб топилаётгани, масалан, кимдир ўликларни денгизга ташлашни таклиф этганини эшилди ва ҳакимнинг шундоқ кўз ўнгидаги ўликларни кўм-кўк сувда қайнатаётган ваҳшатли кўпик гавдаланди. У яна агар ўликлар сони шу миқдор ортиб борса, ҳар қандай бекаму кўст ташкилот ожизлик қилиб қолишини, одамлар галалаб ўлиши, волийликнинг ҳар қанча уддабуронлигига қарамай, ўликлар кўчаларда ириб ётишини, майдон ва хиёбонларда ўлаётган одамлар ўз-ўзича тушунарли баҳиллик ва маънисиз умид илинжида тирикларга осилиб олишини ҳали бутун шаҳар кўришини ҳам яхши билар әди.

Нима бўлмасин, айни шу воқелик ёки таҳдика ҳамтабааларимиз кўнглидаги қувфиналик ва жудолик ҳиссини қувватлаб турарди. Шу нуқтаи назардан, ҳикоячининг ўз солномасини керагича жозибадор саҳифалар билан зийнатламагани, масалан, бардамлик-ғайрат уфуриб турадиган қаҳрамон образи ёки қадимий солномалардагидек фавқулодда хатти-ҳаракатларни тасвиrlамагани ўқинчлидир – буни унинг ўзи ҳам яхши тушунади. Зоро, фожиадан ҳам жозибасизроқ манзаранинг ўзи йўқ, энг буюк ҳалокатлар ҳам ўзининг чўзилиши билан зерикарли. Даҳшатли вабо күнларидан тирик чиқсан одамлар

хотирасида бу кунлар баҳайбат ва мудҳиш ёнгин тимсолида эмас, қўпроқ бир жойда туриб олиб, ҳаммани тагида топтаб-янчаётган ниҳоясиз бир депсиниш бўлиб гавдаланади.

Йўқ, аввалбошда Риз ҳакимнинг хаёлидан кетмаган таъсирчан манзараларга вабонинг сира алоқаси йук. Илгари вабо аллақандай эҳтиёткор, жуда батартиб ишлайдиган маъмурий механизм эди. Ҳикоячи, қавсга олиб айтсак, ҳакиқатга қарши бориш, муҳими – ўзига қарши боришдан қочиб, энг аввало холисликка интилди. Агар баён қилишдаги ибтидоий боғланиш талабларига буйсунганини айтмасак, ҳикоячи услубий гўзаллик учун ҳеч қурбон қилмади. Ва айни шу холислик ҳозир унга мазкур даврда ҳамманинг бошига тушган энг буюк ва энг чўнг укубат – айрилиқ бўлганини айтишни буюрса, агар вабонинг бу босқичини чин юракдан тўла тасвирлаш зарур бўлса, унда бу укубатларнинг бошдаги жўшқинлиги йўқолганини ҳам бари бир яширмасликка тўғри келади.

Ҳамтабааларимизнинг, ишқилиб, бу фожиадан ҳаммадан ортиқ азоб чекканларини оладиган бўлсак, улар ўз аҳволларига кўнишиб қолмадиларми? Бор ишонч билан шундай деб тасдиқлашadolатдан бўлмас. Улар энг аввало ўз тасаввурларининг вужудсизлигидан нафақат жисмонан, балки маънан ҳам азобландилар, деб айтсак, янада аниқроқ чиқади. Эпидемиянинг бошларида улар яқиндагина айро тушган ва энди соғинтираётган вужуд тасаввурларида аниқ-тиниқ гавдаланар эди. Аммо улар суюкли қиёфа, таниш кулги, кейинчалик баҳтли кун деб саналган у ёки бу санани аниқ хотирласалар-да, суюклиларининг олис ўлкаларда айни шу дақиқаларда нима қилаётганликларини тасаввурларига келтиришлари душвор эди. Умуман олганда, бу даврда уларнинг фақат хотираларигина

ишлади, кучдан қолди. Вабонинг иккинчи босқичида эса хотиралари ҳам хиралашиб кетди. Улар азизларининг юзини унутмадилар, асло, аммо бу юзнинг жисми, вужуди йўқ бўлиб қолди, бу эса, мөҳиятан олганда, бари бир нарса ва улар бу чехрани кўнгилларининг тубидан ахтариб тополмай қолдилар. Эпидемиянинг биринчи ҳафталарида улар ўз муҳаббатларининг бутун турфа хиллиги билан кўланкага қаратилганидан нолиб юрдилар, кейин эса кўланканинг баттарроқ вужудсизланишига, бунда хотираада авайлаб сақланган ҳамма нарса, ҳатто энг майда-чуйда товланишларигача учиб кетишига амин бўлдилар. Шундай қилиб, бу поёнсиз айрилик охирларига келганда, улар илгариги яқинликни ҳам, хоҳлаган дақиқада қўл тегизиб кўриш мумкин бўлган азиз вужуднинг ёнида илгари қандай яшаганларини ҳам кўз олдиларига келтиролмай қолдилар.

Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, улар вабонинг жуда оддий ва шунинг учун жуда ҳаракатчан тартиботига қўшилиб кетдилар. Ҳеч биримизда улуғвор туйгулар сақланиб қолмади. Лекин ҳаммамиз бирдай туссиз туйгуларга чулғандик. «Ҳаммаси тезроқ охирига етса эди», – деб айтардилар ҳамтабааларимиз, чунки фожиа давридан умумий уқубатнинг охирини тилаш жуда табиий ва яна шунинг учунки, улар чиндан ҳам унинг тугашини истар эдилар. Аммо бу истакда илгариги ҳаяжон, илгариги фусса йўқ, унча ишонтиrmайдиган, ҳали тушунилмаган асослар билан айтилар эди.

Ҳамтабааларимиз буйсундилар ёки доим айтиладиганидек, мослашдилар, чунки бошқа чора йўқ эди. Албатта, сиртдан қараганда, улар қайғу ва укубатдан чўкиб қолган одамларга ўхшайдилар, аммо энди улар бу азобларнинг аввалбошдаги ўткирлигини сезмай қўйдилар. Дарвоқе, Риэ ҳаким, масалан, асосий фожиа ҳам худди шу, умидсизликнинг ўзи-

дан кұра, унга күникиш минг карра ёмонроқ, деб ҳисоблайди. Илгари айрилиқда яшаганлар тамом бахтсиз әмас, улар тортган изтиробда, қозирға келиб үчган бұлса-да, қанақадир бир шүъла бор эди. Энди эса уларни қаерда учратманг: чорраңалардами, дўстлариникидами, қаҳвахоналардами – бари бир, лоқайд, хийла паришон, қарашлари шундай юракни сиқардики, гүё бутун шаҳар ялти кутиш залига айланиб қолғандек. У ёки бу юмушга андармон юрганлар, ишни вабо маромида – батафсил ва ҳиссиз бажаардилар. Ҳамма камсуқум бўлиб қолган. Айрилиққа учраганлар жудо бўлган кишилари тўғрисида биринчи марта танишлари билан ҳеч қандай ўқинчсиз сұхбат қурадиган, ўз айрилиқларини худди ўлим рақамларидек жўнгина баҳолайдиган бўлдилар. Ҳатто шу пайтгача ўз уқубатини умумий кулфатдан жаҳд билан алоҳида кўришга интиладиганлар ҳам энди ўзларини ҳамма қатори тутишга интиладиган бўлдилар. Хотира ва умиддан бенасиб бўлган улар ҳозирги замонга, бугунги кунга чуқур ботиб кетдилар. Очифини айтганда, уларнинг кўзига ҳамма нарса фақат бугунги бўлиб кўринарди. Шуни айтиш керакки, вабо ҳеч истисносиз ҳаммани севиш ва ҳатто дўстлашиб қобилиятидан ҳам маҳрум қылди. Зоро, муҳаббат бир қатра бўлса-да, келажакни талаб қиласи, биз учун эса фақат айни ҳозирги дақиқаларгина мавжуд эди, холос.

Турган гап, буларнинг ҳаммаси бир қадар бўртирилган. Агар тўғри чиқса, жудоликка учраганларнинг ҳаммаси, гарчи янги аҳволларига буткул кўниккан бўлсалар-да, бу даражага ҳаммаси бирдей ва бир вақтнинг ўзида етиб келмаганларини айтиб қўяйлик, гоҳ-гоҳида кўнгилнинг ногаҳоний ёришиши, кутилмаган дақиқалар, руҳнинг очилишлари туйгуларни яна янгилаб, жонлантириб юборар эди. Уларга кундалик ташвишлардан чалғиб, худди

вабо йүкдек режалар тузиб олишлари учун шундай дақықалар сув билан ҳаводай зарур. Уларга сабаб-бесабаб ҳижрон ханжари бот-бот санчилиши зарур ва фароғатли ҳам эди. Ҳа, бошқалар ҳам айни кутилмаган қайта туғилиш палласини бошдан кечирар, жилла курса, ҳафтанинг маълум кунлари, албатта, биринчи галда шанба оқшоми ва якшанбада серрайиб ўтиришдан воз кечар, чунки бу кунлар орадан кетган одам билан бўлган даврдаги ул-бул оиласий маросимларга боғлиқ эди. Гоҳида кечқурунлари кўнгилни чулғаган фусса хотираларнинг қайтишига умид түғдириб қолар, дарвоҷе, бу умид доим ҳам ўзини оқдайвермас эди. Диндор католиклар ўз виждонини айбситиб сўроққа тутадиган ўша оқшом соатлари бўшлиқдан бошқа ҳеч нарсани сўроққа тутолмайдиган маҳбус ёки қувфинди учун бениҳоя оғир соатлардир. Улар қай бир дақиқаларда жонланиб қоладилар, бироқ кейин яна ва яна ҳиссизлик ҳолатига қайтаверадилар, буткул вабога биқиниб оладилар.

Энг шахсий нарсадан воз кечиш нималигини китобхон англаб олгандир. Ўшанда эпидемиянинг ilk кунлари бошқалар заррача аҳамият бермайдиган майда-чуйда уларнинг нафсониятига тегар ва айни шу, улар учун шу қадар муҳим майда-чуйдалар йифинди туфайли ҳаётий тажриба тўплардилар ва энди, аксинча, уларни фақат бошқаларни қизиқтирган нарсаларгина банд қилган эди, улар энди умумий роялар даврасида айланишади ва ҳатто муҳаббатнинг ўзи ҳам мавҳум бир қиёфа касб этади. Улар ўзларини вабо қўлига шундай топшириб қўйдиларки, кўпинча, фақат у ҳадя этадиган уйкудан умидвор бўлиб, «қора ўлатга ҳам майли, ишқилиб ҳаммаси тезроқ тугаса бас», деган фикрга бораётганларини билиб қолар эдилар. Аммо улар шусиз ҳам уйқуда, шу бутун узоқ бир давр амалда

узоқ бир уйқу эди. Шаҳарни ярим мудроқ, тақдир кишанларидан ҳар замон-ҳар замонда, кўпинча тунлари, сиртдан битган кўринган яралари туйкус очилиб қолгандагина озод бўладиган уйқучилар эгаллаб олган. Зўрлаб уйғотилганлари ҳам ялли-ланган лабларга аллақандай паришон лаб босар, худди чақмоқ шуъласидагидек, ёшарган таналари, у билан бирга ўз севгиларининг безовта сиймосини таниб қолардилар. Эрталаб эса яна улар фожиага, яъни мустарликка бўйинларини мўмингина эгиб берар эдилар.

Аммо китобхон бу айрилиқ жафокашларининг кўриниши қандай эди, деб сўрайди. Э, жуда оддий, яъни – ҳеч қандай. Агар маъқул топсангиз, ҳаммага ўҳшаган, ҳамма учун умумий бир тусда. Улар, бутун шаҳар сингари, болаларча беғамликда, фимири-фимири яшайдилар. Улар хўжакўрсинг танқидий қарашни йўқотиб, шу билан хўжакўрсинг со-вукъонликни эгаллаб олганлар. Масалан, калласи энг ўткир деб айтса бўладиганлари ўзларини гўё бошқаларга таассуб қиласан кўрсатиб, рўзнома ё радиоэшилтиришлардан эпидемиянинг тугаётганига умидбахш ишоралар излаётгандай тутиш, аллақандай бекорчи мухбирнинг эснаб ўтириб эрмакка ёзган лавҳасини ўқиб, кўкнорихаёл умидларга берилиши ёки, аксинча, ҳеч бир асоси йўқ қўрқинчда қолишини тез-тез кузатиш мумкин. Бошқа пайтлари улар ўз пиволарини ичадилар, статистика жадвалларини тузишга ё эринадилар, ё унга жон-жаҳдлари билан ёпишадилар ёки гардиш тинглайдилар ва фақат шу билангина бошқаларидан ажралиб турадилар. Бошқача айтганда, улар аллақачон фарқламай қўйганлар. Вабо уларни баҳолаш фикр-мулоҳазаларидан маҳрум қиласан. Буни уларнинг кийим ва овқат сифатига жилла парво қилмай танлашларидан ҳам билса бўлади. Уларга бари бир бўлиб қолган эди.

Бу масалани якунлаш учун айрилиқ жафокашларининг аввал бошда ўзларига ҳимоя вазифасини ўтаган ғалати имтиёздан маҳрум бўлганларини қўшиб қўйиш лозим. Улар севги худбинилиги ва у берадиган устунликдан айрилдилар. Лекин энди аҳвол ойдинлашди, фожиа ҳаммага бирдай тегишли бўлди. Биз ҳаммамиз шаҳар дарвозаларида бўлаётган отишма тагида, ҳаётимиз мароми ва жанозамизни белгилаётган муҳрларнинг шипиллаб урилиши остида, ёнгин ва рўйхат қоғозлари, даҳшат ва расмиятчиликлар, иснодли, аммо барча қоидалари билан рўйхатга олинган ўлимлар орасида, ту туннинг мудҳиши ӯрлаши ва «тез ёрдам»нинг лоқайд чинқириқлари ичиди – биз ҳаммамиз ўзимиз англолмаган, кўнгилни зир титратадиган қайта топишиш ва фароғатни кутган ҳолда қувфинликнинг аччиқ нонини баравар еб кўрдик. Албатта, севгимиз биз билан бирга эди, фақат уни ҳеч нарсага ишилатиб бўлмасди, у барчамизни оғир жабр-жафоси билан эзиз, мисоли жиноят ёки ҳукмикушдек, самарсиз, ялпайиб кўнглимиизда ётарди. Севгимиз узундан-узоқ, келажаксиз тўзим ва қайсарона кутиш эди. Шу нуқтаи назардан, ҳамтабааларимиздан айримларининг хатти-ҳаракати шаҳримизнинг ҳамма томонидан келганларнинг озиқ-овқат дўконларида узундан-узоқ навбатга туришини эсга солади. Уларда ҳам, бу ерда ҳам поёни йўқ ва айни пайтда хаёлдан маҳрум мутелик ва чидам. Фақат бу туйфуни минг карра орттириш лозим, зеро, бу ерда гап айрилиқ, ҳамма нарсани ғажишдан тап тортмайдиган бошқача бир очлик ҳақида бораёттир.

Ҳарқалай, бирон киши бизнинг айрилиқ жафокашларимиз ўй-кайфиятларининг аниқ манзарасини кўрмоқчи бўлса, кўклиқдан маҳрум шаҳримизга қўнган тилларанг-ғубор намозшомни ва шу пайти кўчаларда оқиб ўтаётган эркагу аёллар-

ни осонгина кўз олдига келтириши мумкин. Зеро, нечоғлик ғалати бўлмасин, лекин шаҳар нақлиёти ва автомобиллар йўқлиги боис, шом пайтлари ҳали қуёш ялтиратайтган пешайвонларга илгаригидек фиддиракларнинг шифиллаши, темирнинг жингирлаши – шаҳарнинг одатий мусиқаси эмас, балки қадамларнинг бир текис ва адоксиз шипиллаши, овозларнинг бўғиқ гувлаши, мингларча пошналарнинг самода шувимлаётган дарра маромида мотамсаро тўқиллаши, гирибонга хиппа ёпишадиган узлуксиз депсиниш аста-секин бутун Оранни босган, ҳар оқшом-ҳар оқшомдан юрагимиздаги севгининг ўрнини эгаллаган сўқир қайсаликнинг аниқ ва маҳзун овозига айланиб кетган доимий товуш кўтарилиб туради.

Тўртинчи қисм

Вабо сентябрь бадали ва октябрда шаҳарни илгаригидек тагида эзид турди. Биз ҳали депсинишни тилга олганимиз учун, кўп юз мингларча одам бениҳоя чўзилган ҳафталар бўйи депсиниб турганини ҳам айтиб қўйиш жоиздир. Само гоҳо туман, гоҳо жазира, гоҳида ёмғирли булатларини юбориб турди. Жанубдан учайтган қораялоқ ва чугурчукларнинг унсиз галалари қаэрларданцdir жуда-жуда баландлаб, аммо жон-жаҳди билан шаҳримизни четлаб ўтар эди, мисоли, Панлю ҳазрат айтган ўша дарра, томлар устида шувиллаб айланайтган ўша ёғоч найза уларни Орандан узоқроқ учишга мажбур қилаёттанга ўхшарди. Октябрь бошлирида қўйган жала кўчалар чангини топ-тоза қилиб ювди. Бўғиқ, сира тинмайдиган депсинишни айтмаса, шу бутун давр бадалида айтарли ҳеч нарса содир бўлмади.

Фақат шу вақтга келиб Риэ ва унинг дўстларининг нечоғлик толикқанлари билинди. Чиндан ҳам, сани-

тария дастаси аъзоларининг бу толиқишини енгишга чоғлари келмасди. Риэ ҳаким буни кузатиб, ўзи ва дўстларида аллақандай ғалати бефарқлик кучайиб бораётганини фаҳмлади. Шундай, мисол учун, илгари вабога таалуқли барча янгиликларни жон қулоги билан тинглаган бу одамлар энди унга мутлақо қизиқмай қўйдилар. Рамбер – унга ўз меҳмонхоналаридағи карантинлардан бири вақтингча топширилган – ўз ихтиёридагилар санофини кузини юмиб айтади. У яна қутимагандан касаллик аломатлари топилганларни олиб кетиш учун ташкил этилган ошиғич ташиш тизимишинг майда-чуйда тафсилотларигача айта олиши мумкин. Карантинда ушланаётган одамларга эмдори таъсири ҳақидаги статистик маълумотлар унинг хотирасига мангу ўрнашиб қолгандек. Аммо у вабо олиб кетган қурбонларинг кундалик рақамларини билишга ноқоби, у яна касаллик камайдими ё кўпайдими, бу ҳақда тасаввурга ҳам эга эмас. Яна ҳаммасига қарама-қарши ўлароқ, у шу яқин кунларда шаҳардан қочиш орзусида юради.

Бошқаларга, ўзини кечаю кундуз ишга бағишлиаганларга келсак, улар газета ўқимайдилар, радио тингламайдилар. Агар уларга навбатдаги статистика маълумотларини айтишса, ўзларини жуда қизиқиб тинглаётгандек тутар, аслида эса бу маълумотларга паришон бефарқлик билан қарап эдилар – бу ҳолни биз жанговар заҳматдан ўта толиқсан, факат кундалик бурчни бажаришдагина рухни чўқтирмасликка тиришадиган, энди ҳал қилувчи ҳужумга ҳам, тез орада сулҳ тузилишига ҳам ишонмай қўйган улуғ урушлар қатнашчиларида кузатишимиз мумкин.

Вабо даврида ниҳоятда мухим ҳисоб-китобларни давом эттираётган Гран умум натижаларни айтиб беришга қодир эмас эди. Ҳали толиқишига тамом

бўйин эгмаган Тарру, Рамбер ва Риэдан фарқли ўлароқ, Гран соғлиги билан мақтанолмас эди. У ахир мэриядаги вазифаси билан Риэга котиб лавозимини бирга бажарап ва яна кечалари ўзи учун тер тўкар эди. Шундан у батамом ҳолдан тойган, унга фақат икки-уч қарийб савдойи орзу қувват берар, жумладан, эпидемия тугаши билан, кам деганда, бир ҳафта таътил олиб, ўзи айтгандай, «дўппини осмонга отишга» бағишлиашга – бу борада ишлари олға силжиётган экан – мўлжал қилиб юарди. Вақти-вақти билан меҳри товланиб, ўз Жаннаси тўғрисида Риэга узундан-узоқ гап сотар, ҳозир Жаннанинг қаердалиги ва рўзнома ўқиётган бўлса, уни ўйлаяптими, йўқми, тахминлашга тиришар эди. Айни шу Гран билан сұхбатлашаётган пайтлари Риэ ҳаким ўзи ҳам хотини ҳақида ажабтовур сийқа сўзларни тилга олаётганини сезиб қолди, илгарилари сира бунақа қилмасди. У хотинининг тинчлантирадиган телеграммаларига унча ишонмай, бевосита шифохонанинг бош ҳакимига телеграф йўллашга қарор қилди. Бош ҳакимдан касалнинг аҳволи ёмонлашгани ва айни чоғда касаллик ривожини тўхтатишга барча чоралар кўрилаётгани ҳақида жавоб хабар олди. Риэ бу хабарни ҳеч кимга билдираган, буни нега Гранга айтганини фақат жуда қаттиқ чарчагани билангина изоҳлаш мумкин эди. Бощда Гран ўз Жаннаси ҳақида эзмалик қилди, кейин Риэдан хотинини сўраб қолди, униси айтиб берди. «Биласизми, – деди Гран, – бизнинг замонда бунақа касалларни зўр даволашади». Риэ чиндан ҳам зўр даволашларига қўшилиб, фикрича, айрилиқ чўзилиб кетгани, агар хотинининг олдида бўлганда, у хасталикни тезроқ енгиши ва ҳозир хотини ўзини жуда ёлғиз ҳис қилаётган бўлиши мумкинлигини қўшиб кўйди. Кейин индамай қолди ва Граннинг саволларига мужмал жавоб қайтарди.

Қолганларнинг аҳволи ҳам қарийб шундай эди. Тарру бошқаларга қараганда ўзини маҳкам ушлаган, лекин унинг кундаликлари, қизиқишилари сўнмаган бўлса-да, ҳарқалай, кузатув доираси торайиб қолаётганидан гувоҳлик беради. Масалан, у бутун шу давр мобайнида фақат Коттарга қизиккан, холос. Оқшомлари у ҳакимницида – меҳмонхона карантинга берилгандан сўнг, у Риэникига кўчиб ўтган – Гран ё Риэнинг ўз ишлари натижалари ҳакидаги гапларини фақат одоб юзасидангина эшитади. Ва гапни тезроқ Оран ҳаётининг фақат унигина қизиқтирган майда-чуйдаларига буриб юборишга уринади.

Кастел Риэнинг олдига зардоб тайёр бўлганини айтишга келган куни, муҳокамадан сўнг, уни Отон терговчининг ҳозиргина лазаретта келтирилган ўғилчасида синаб кўришга – гарчи Риэ буни мутлақо бефойда деб билса-да – келишгандаридан сўнг, уй эгаси ўзининг қария дўстига охирги статистика маълумотларини айтиётиб, туйкусдан ҳамсұхбатининг чуқур ўриндиққа ястанганча, каттиқ уйқуга кетганини кўриб қолди. Ва доимий енгил истеҳзоси билан Кастелни ёшидан кичикроқ кўрсатадиган, бирдан ўзгаришга учраган юзнинг белгиларига тикилиб турди, ним очиқ оғиздан ингичка сўлак оқаётганини илгади, бирдан шалвилаган юзда вақт, қарилек изларини яққол куриб, Риэ томографига бир нарса қадалганини туди. Мажолсизликнинг айни шундай кўриниши Риэга унинг ҳам қандай чарчаганини англаатди. Ҳиссиётлар иродага бўйсунмай қўйган эди. Тарапнг тортилган, қурукшаган, қотиб кетган бу туғулар вақти-вақти билан дарз кетар ва у энди ўзи бошқаролмайдиган ҳиссиётлар ҳукми остида қолар эди. Бундан ҳимояланишнинг ягона воситаси тошбагирлик зирҳига ўраниш ва қаериладир ичини эзib юбораётган шу тутунни маҳкамроқ боғлаш эди.

У давом эттиришнинг ёлғиз имконияти шу эканини яхши билади. Қолганларига келсак, унда орзу-ҳавас қарийб битган, сақланиб турғанларини ҳам ҳорғинлик абор қылған эди. Зеро, у сарҳадларини ўзи ҳам белгилай олмайдиган мазкур босқичда даволовчи вазифасини бас қылғанини англайди. Энди унинг вазифаси касалликни белгилаш эди, холос. Белгилаш, күриш, тавсифлаш, рўйхатта олиш, кейин ўлимга буюриш – мана, унинг ҳозирги машғулоти. Аёллар унинг қулига тармасиб: «Ҳаким, қутқаринг уни!» – деб фарёд соладилар. Лекин у касалнинг оддига уни қутқариш учун эмас, балки холилатиш учун келган. Ва бу ердагиларнинг юзида у куриб турған ғанимлик ҳам ҳеч нарсани ўзгартиrolмайди. «Сизда юрак деган нарса йўқ», – деб юзига солицди бир куни. Э, иўқ, унинг юраги бор, ахир. Ва бу юрак кечаю кундуз йигирма тўрт соат давомида унга яшаш учун яралган одамларнинг қандай ўлаётганини кўриш ва эртасига қайтадан бошлишга ёрдам бериш учун уриб туради. Энди унинг юраги фақат шунгагина ярайди. Кимнингдир ҳаётини сақлаб қолишга қандай ҳам ярасин?

Йўқ, кун бўйи у ёрдам эмас, маъдумотнома беради. Албатта, бундай машғулотни инсоннинг хунари деб айтиш қийин. Аммо, охир-оқибат, таҳликаға тушган, сийраклаб қолган бу оломон ичидан қайси бирига инсоний хунар билан шуғуланиш ҳашамати берилган? Ҳали ҳорғинликнинг борлиги ҳам бахт. Агар Риэ шунгчалар ҳолдан тоймаганда, ҳамма ёққа тараалган ўлим ҳиди, эҳтимол, унда кўнгилчанликни ошириб юборармиди. Аммо бир кеча-кундузда атиги тўрт соат ухлаганингдан кейин ҳис-ҳаяжонга ўрин қолмайди. Шунақа пайлари нарсаларни ҳақиқий, бошқача айтганда,adolat нурида, бу жирканч ва бемаъниadolat нурида кўрасан. Ва бошқа, маҳкум бўлғанлар ҳам буни яхши биладилар. Вабогача

одамлар уни халоскордек қарши олардилар. Мана, беш-олтита ҳабдори беради, эмлайди – ҳаммаси жойида бўлади ва ҳакимни эшиккача кузатаётib, миннатдорлик билан қўлини қисадилар. Бу ёқимли, аммо хавфли оқибатга олиб бориши мумкин эди. Энди эса, аксинча, у аскарлар кузатувида келади, касалнинг яқинлари ичкаридан тамбалаган эшикни милтиқ қўндоғи билан уриб очдиришдан бўлак чора қолмайди. Улар уни, нафақат уни, бутун инсониятни қабрга бирга тортиб кетишни қандоқ хождайдилар. Ох! Ҳаққаст рост, одам одамга муҳтож, Риэ ҳам худди шу бебахтлар каби иложсиз ва касални куриб қайтаётганда кўнглида тобора кучайиб келаётган титроқ – ачиништа у ҳам арзиди.

Ҳеч бўлмагандан, ҳадсиз чўзилган бу ҳафталар бадалида Риэ ҳакимнинг айрилиқ ҳолатида туғилган бошқа фикрлар билан галма-гал келадиган ўйлари шундай эди. Худди шундай ўйларнинг акс-садосини у дўстларининг юзидан ҳам уқади. Аммо фожиага қарши курашган ҳаммани аста-секин забт этган толиқишиш ва ҳоргинликнинг энг мудҳиши оқибати ҳатто ташқи дунё воқеаларига, бошқаларнинг ҳис-ҳаяжонига безътиборлик эмас, балки ҳамма учун умумий, барчани ўз домига тортаётган бефарқлик эди. Зеро, уларнинг бари жилла ортиқча уринмай, фақат энг лозим юмушларнигина қиссалар-да, шу ҳам ҳаддан ошиқ туюлар эди. Шунинг учун ҳам вабога қарши курашаётганлар ўзлари жорий қилган ҳифзи сиҳнат қоидаларини ўзлари бузиб, тез-тез ҳаётларини хавф остига қўядилар, алаҳсиб, дезинфекция воситаларини қўллашни эсдан чиқаридилар, касалнинг вабога чалингани ҳақидаги хабар охирги дақиқада келганда, инфекцияга қарши чоралар қўллашни унутиб, ўша заҳоти ўқдай отиладилар, йўлда яна зарур эмлаш олинадиган тиббиёт пунктига кириб ўтишни эп билмайдилар.

Хавфнинг ҳақиқийси ҳам шу ўринда, зеро, вабога қарши кураш айни курашчиларнинг ўзини нишонга айлантирган эди. Нафсилалини айтганда, улар ўзларини тасодиф ихтиёрига берган, тасодиф эса доим тасодифлигини қиласа эди.

Бирок, бари бир, шаҳарда на чарчаган, на тушкунликка тушган ва ҳатто турмушдан мамнунлик тимсолига айланган бир одам бор эди. Бу одам Коттар эди. У илгаригидай кавакда юрар, аммо одамлар билан алоқани узмаган эди. У, айниқса, Тарруга боғланиб қолган, имкон туғилиши билан, Тарру ишдан бўш пайлари, уницида пайдо бўларди, чунки бир томондан, Тарру унинг барча ишларидан боҳабар, бошқа томондан эса Тарру комиссionерни ошиб-тошган самимият билан қарши олар эди. Бу энди, турган ган, мўъжиза, сира тухтамайдиган мўъжиза, аммо Тарру ўзининг дузахий меҳнатига қарамай, сұхбатдошига ҳамишагидай одамохун ва жонкуяр эди. Ҳатто у баъзан кечқурунлари бурнидан тортса йикғилгудай ҳориб-толиб келса-да, эрталаблари янги куч олгандай тетик уйғонар эди. «У билан гаплашса бўлади, – деб Рамберга уқтиради Коттар, – чунки у ҳақиқий инсон. Ҳамма вақт ҳаммасини тушунади».

Мана, шунинг учун ҳам Тарру бу давр бадалида ўз кундаликларида Коттарни тобора кўп тилга олади. Тарру Коттарнинг кечинма ва фикр юритиш манзарасини у қандай айтиб берган ёки ўзи уни қандай тушунган бўлса, шундай тиклашга интилади. Кундалика «Коттар ва вабо ҳақида қайдлар» деган сарлавҳа билан бу тавсиф бир неча саҳифани эгаллаганки, ҳикоячи ундан айрим парчалар келтиришни фойдадан холи эмас, деб ҳисоблайди. Тарру Коттар ҳақида умумий фикрини шундай ифода этади: «Коттар – бу ўсаётган одам». Дарвоке, фақат унинг ўзи эмас, руҳан бардамлиги ҳам ўсиб боради. У ҳатто воқеаларнинг бундай тус олишидан хурсанд ҳам эди. У Тарру ҳузурида ўз эзгу ўйларини

шундай ифодалайди: «Ҳаммаси ҳам, албатта, силлиқ кетмаяпти. Аммо, ишқилиб, ҳаммамиз бир ўрада ўтирибмиз-ку».

«Албатта, – деб қўшимча қиласи Тарру, – бошқалар қатори у ҳам хавф остида, лекин таъкидлайман, – айни шу бошқалар қатори. Боз устига, у ўзига касал юқмаслигига қаттиқ ишонади. Афтидан, у агар одам бирон оғир касалга учраган ё қаттиқ ваҳима остида қолган бўлса, шу билан унга бошқа касаллик ё ваҳима дахл қилолмайди, деган фоя билан яшайди. «Эътибор берганмисиз, – деди у бир куни, – касалликлар сира бир-бири билан чиқишолмайди. Дейлик, сиз, масалан, сарамас, ё айтайлик, росмана сил бўлгансиз, ё бирон тузалмас дардга чалингансиз, унда ҳеч қаҷон сизга вабо ёки терлама юқмайди – юқиши мумкин ҳам эмас. Дарвоҷе, яна давом эттириш мумкин: умрингизда бирон марта сарамас касални автомобиль босиб кетганини кўрганмисиз!» Бу фоя ростми, ёлғонми, лекин доим Коттарнинг кўнглини бардам туттиради. Унинг ягона орзузи – одамлардан узилиб қолмаслик. У битта ўзи ҳибсда ўтиришдан ҳамма билан қамалда яшашни афзал кўради. Вабо пайти маҳфий тафтиш, жиноят ҳужжати, яширин кўрсатма ва муқаррар ҳибсга олиш каби ишларга қўл тегмайди. Бошқача айтганда, миршабхона энди йўқ, эски ёки янги жиноялар ҳам йўқ, фақат ўлимга маҳкум этилганларгина қолган, улар нечундир афв этилишларини кутадилар, миршаблар ҳам шулар орасида». Шу тариқа, Таррунинг айтишича, Коттар ҳамтабаалар тимсолида кўринган қўркув ёки саросима аломатларига аллақандай истеҳзоли тушуниш ва мамнунлик билан қарайди, буни тубандагича иддао билан изоҳлаш мумкин: «Нима десангиз динг-у, буларнинг ҳаммасини сиздан олдинроқ бошимдан ўтказганман».

«Мен унга одамлардан узилиб қолмасликнинг бирдан-бир чораси – энг аввало, виждонни тоза сақлаш, деб роса уқтиридим, аммо фойда бермади. У менга хўмрайиб: «Э, биласизми, ҳар бир одам ўзича яшайди», деди. Кейин қўшиб қўйди: «Нима десангиз денг, лекин менинг гапим шундай: одамларни бирлаштиришнинг бирдан-бир чораси – уларга вабо юбориш. Атрофга бир қараб қўйинг, ахир!» Очигини айтганда, унинг нима демоқчилиги ва бутунги туриш-турмушимиз унга қанчалар мос тушганини яхши биламан. У ҳар бир қадамда бошқаларнинг бўлаётган воқеаларга муносабати ўзининг кечинмаларига мос тушаётганини кўради, масалан, ҳар бир одам ўз ёнида ҳамманинг бўлишини истайди, адашган ўткинчига йўл кўрсатиб юборишдаги одамохуналик ва бошқа пайлари унга ғанимларча қарашиб, ҳашаматли ресторанларга гуррос-гуррос ёпирилиш, стол ёнида танда қуриб ўтиришроҳати, оломоннинг ўзини кинога бетартиб уриши, театр ва ҳатто рақсоналарнинг тикилинчлиги ҳам шундай. Бир сўз билан айтганда, барча кўнгилочар мусассасаларда тўққизинчи пўртана; ҳар қандай алоқадан қўрқиш ва одамларни бир-бирига, елкани елкага, бир жинсни иккинчисига тортадиган одам тафтига муҳтожлик. Коттар буларнинг ҳаммасини бошқалардан олдинроқ бошидан ўтказган. Фақат хотинлар бундан мустасно, инчунин унивидай чирой билан... Мен у ҳатто қизлар олдига боришини кўп орзулайди, аммо буни шаънига нолойик, кейин оқибати хунук чиқишини ўйлаб, ўзини тияди, деган хаёлга бораман.

Хуллас, вабо унга жуда фором келди. Сўққабош, бу етмагандек, ёлғизлигидан ториққан одамни вабо ўзига шерикчilikка ёллади. Зоро, у ошкора шерик, ўз аҳволидан мамнун шерик. У кўзи тушадиган ҳамма нарса: ирим-сиirim, сирли бир қўркув, тинчи

бузилган кунгилларнинг дардчил таъсирчанлиги, уларнинг вабо ҳақидағи гаплардан савдоидек қочиб, айни пайтда уни тиldан туширмасликлари, арзимаган бош оғриғидан, вабонинг бош оғриқдан бошланишини ҳамма билгани учун, қарийб даҳшатга тушишлари ва ниҳоят, тажанг, ўзгарувчан, фаромушхотирликни қаттиқ ҳақорат ўрнида кўрадиган орттирма ҳиссиётбозликка иштирокчи эди.

Энди Тарру оқшомлари тез-тез Коттар билан кўришиб туради. Кейин у тун қораси ё зулумот рангини ўчирган оломонга икковлон қандай шўнфиши, бегона елкалар сикувида чироқлар ёруғи у ер-бу ерини тилимлаган бу ола-була тўдага қандай ютилганлари ва одамлар подасига эргашиб, гўрнинг совуқ нафасидан ҳимоялайдиган ҳузурбахш томошаларга боришиларини ёзади. Ҳозир бутун шаҳар Коттарнинг бундан бир неча ой олдин кўнглига туккан, аммо эришолмаган орзуларига, айни шу ҳашам-харажат ва тараллабедодлик, тизгинсиз айш-ишратга чўмиш имконияти – айни шунга ошиқаётган эди. Энди қарийб барча нарсанинг нархи сакраб кетган бўлсада, бизда ҳеч қачон бу қадар кўп пул совурилмаган эди, кўтчиликнинг энг зарур нарсаларга ҳам қўли калталиқ қилса-да, ҳеч ким ҳар хил овунчоқ ва майда-чуйдага чўнтакни аяmas эди. Бекорчилик уяси бўлмиш қимор ўйини авж олди. Аммо бизнинг мисолдаbekorchiлик шунчаки ишсизликдан эди. Баъзи маҳаллари Тарру Коттар билан бирга бирон-бир жуфтнинг изидан тушарди, бу жуфт илгарилари ҳис-туйғусини яширас, энди эса ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам, бир-бирига чирмашганча, ён-атроф билан иши йўқ, буюк эҳтиросларга хос савдоий паришонлик билан бутун шаҳар бўйлаб ўтиб кетаверар эди. Коттарнинг завқи ошарди. «Оббо, устаси фаранглар эй!» – деб қўяди у. Унинг товуши чиқиб қолди, бу умумий алаҳсираш, теграда жаранглаётган шоҳона

чойчақалар барчанинг кўз ўнгида кечаётган ишқ савдолари орасида буткул очилиб-сочилиб юради.

Бу орада Тарру яна Коттарнинг равиш-рафторида алоҳида бир кунчилик, адоват сезилмаслигини ҳам таъкидлайди. Унинг: «Ҳаммасини булардан олдинроқ бошимдан ўтказганман», – деган гапи нашъу намодан кўра, бебахтиқдан шаҳодат беради. «Ҳатто у осмон ва қадрдон шаҳар деворлари орасида банди тушган бу одамларга аста-секин меҳр қўя бошлиди, деган хаёлга бораман, – ёзди Тарру. – Мисол учун, у, албатта, кўлидан келса, буларнинг ҳаммаси ўткинчи экани, ҳеч кўрқинчли жойи йўқлигини одамларга бажонидил тушунтириб қўярди. «Йўқ, сиз уларга бир қаранг, – дейди у менга, – вабо ўтса, кейин мен уни қиласман, буни қиласман эмиш... Турмушларига заҳар қўшмай, тингтина ўтиришса нима қилас экан, а. Ўз фойдаларини билмайдилар. Мана, мен: «Вабодан кейин уни қиласман, буни қиласман», – деяпманми? Ҳибсга тушиш – бу энди бошланиши, охири эмас. Аммо вабо... Нима ўйлаётганимни айтайми? Оқимга қараб сузишни билмайди булар, шунинг учун баҳтсиздирлар. Мен биласман, бўлмаса гапирамайман».

«Ростдан ҳам, билади, – деб қўшимча қиласди Тарру. – У одамларни бир-бирига тортиб турадиган инсоний меҳр-ҳароратга жуда-жуда муҳтоҷ ва айни чоғда одамларни бир-биридан итараётган ишончсизлик туфайли бу туйғуга шубҳа қиласидиган оранликларимизни шошириб қўйган зиддиятларга мутлақ аниқ баҳо беради. Ҳазир бўлиб турмасанг, вабо билан сийлайдиган, лақмалигингиздан фойдаланиб, касалини юқтирадиган қўшнингизга суюнавериш керак эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Агар сиз ҳам вақтингизни Коттарга ўжшаб ўтказсангиз, яъни ўзингиз интилган жамиятдаги ҳар бир одамда бўлажак айғоқчини кўриб юрсангиз, унда бу аҳволни тушунасиз. Вабо бугунми-эртами

елкангта кўлини кўяди, эҳтимол, айни шу дақиқада ҳамлага шайлангаётгандир, сен эса ҳозир соғ-омон, тўрт мучанг бутлигидан курсандсан, деган ўйда яшайдиган одамларга ачинмай бўлмайди. Коттар, ҳали имкон бор экан, умумий ваҳшат ичида кулайгина ўрнашиб олган. Аммо у илгари буларнинг ҳаммасини бошидан ўтказгани учун, ўйлайманки, бу ишончсизликнинг жабр-ситамини биз билан бирга тўла англаб етишга қодир эмас. Қисқаси, бизнинг, вабодан ўлмай қолганларнинг жамоасида у ўзининг эрки ва тириклиги ҳар куни ҳалокат ёқасида турганини яхши билади. Аммо ўзи бу қўрқинч ҳолатни бошидан кечирган эканми, инчунин, бошқаларнинг ҳам буни бир татиб куришини табиии деб ҳисоблайди. Ёки, аниқроғи, ёлғиз ўзи бу ахволга тушганида, қўрқинч ҳолатга дош бериши янада машаққатлироқ бўлур эди. Бу борада, албатта, у ноҳақ ва бошқаларга нисбатан уни тушуниш ҳам мушкуроқ. Аммо айни шу моддада у бошқаларга нисбатан кўпроқ тушунилишга арзийди ҳам.

Таррунинг ёзувлари Коттарнинг ҳам, айни пайтда вабога чалинганларнинг ҳам кўнгилларида кечадиган ўй-кайфиятга яққол илова бир ҳангома билан якунланади. Бу воқеани мазкур даврнинг оғир муҳитини муайян даражада ифода этади, деб ҳисоблаб ҳикоячи уни жиддий баҳолайди.

Иккови шаҳар опера театрига тушган эдилар. Тарруни Коттар таклиф қилди. Гап шундаки, бахорда, эпидемиядан салгина олдин шаҳримизга бир неча спектакл кўйиш учун опера дастаси келган эди. Вабо туфайли ташқи дунёдан узилиб қолган бу даста мудирлик билан келишувга кура, ҳар ҳафта бир марта спектакл кўйишга маҳкум эди. Шундай қилиб, шаҳримиз театрида бир неча ой давомида ҳар жума оқшомида Орфейнинг мусикий оҳлари ва Эвридиканинг ожизона чорловлари тараладиган

бўлди. Аммо томошабинлар бари бир спектаклга тўймас ва театрда тушум тўла бўлиб туар эди. Бенуардаги энг қиммат жойда ўтирган Тарру ва Коттар тепадан энг ҳамтабааларимизга лиқ тўла партерни баҳузур томоша қилдилар. Янги кираётганлар ўз ташрифларини мумкин қадар кўримли қилишга интилардилар. Мусиқачилар ўз чолгуларини аста-аста созлаёттир, лампанинг чароғон шуълалари қатор орабаб, таниш-билишларини хиромон таъзимда саломлашаётганларнинг қад-бастини яққол курсатади. Кибор давра суҳбатининг енгил гувиллаши паноҳида эркаклар атиги бир соат олдин зимистон шаҳар кўчаларида жуда йўқлиги билинган ўқтамликни бирдан кўлга киритадилар. Вабо фрак қархисида ортга чекинади.

Орфей биринчи парда бўйи меъёрдан чиқмай, равон товушда тақдирдан нолиш қилди, қадимиий ридо кийган қизлар назокатли ишоралар ила унинг бебахтигини шарҳлаб турдилар, томошабин буни илиқ, аммо босиққина кутиб олди. Иккинчи парда ариясида Орфейнинг композитор назарда тутмаган титроқ хониш киритганини ва ҳукмдор Аиданинг кўнглини юмшатиш учун жўшқинликни жиндай кучайтирганини тингловчилар пайқамаган ҳам чиқар. Алланечук титраб-қақшаб қилинган имоишораларни билимдонлар, ўз фикрларича, хонанда талқинларини бойитган услубиятга йўйдилар.

Фақат учинчи кўринишда, Орфей билан Эвридиканинг машҳур дуэти вақти (Эвридика ошиғидан ўзини олиб қочаётган пайт) залдагилар ҳайратдан енгил титроқча тушдилар. Ва ҳофиз ҳам томошабинларнинг хавотирли қўмирчиланишиними ё саҳнага партер томондан келган босинқи ғовурними атай куттандай, пастдагилар элас-элас фаҳмлаётган шубҳани туйкус тасдиқлади ва қалпини топди-да, рамлага қадам қўйди ва қадимиий ридога ўранган

күлу оёқларини кенг ёйиб, ҳамиша эскилик намунаси туюладиган қишлоқи безаклар ўртасига гуппа учеб түшди, безаклар ҳам томошабин кўзи ўнгидаги шу заҳоти ҳақиқий эскиликка айланди. Зоро, шу дақиқада оркестр тусатдан тинди, партердаги томошабинлар жойларидан туриб, черковда ибодатдан ё ўлик ётган уйдан сўнгти видо айтиб чиқаётгандек: хонимлар этакларини йигиб, бошларини қўйи солиб, хушторлари – қайтарма курсилардан озор етмаслиги учун уларнинг тирсакларидан тутиб, унсиз, аста-аста чиқа бошладилар. Аммо секин-секин ҳаракат жадаллади, шивир-шивир бақириқча айланди ва оломон эҳтиёт йўлкаларга ёпирилди. Эшикларда тиқин пайдо бўлиб, дод-вой кўтарилди. Коттар билан Тарру ҳозиргина жойларидан қўнган ва энди бугунги турмушимизнинг яна бир жиҳати: саҳнада жон талваса қилаётган томошачи тимсолидаги вабо ва залда эса энди кераги йўқ, унут қолдирилган елпифич, ўриндиқларнинг қирмизи духобасига илашиб ётган ҳошияли рўмоллар тимсолидаги ҳашамта қамти турар эдилар.

Рамбер сентябрнинг биринчи ҳафтаси бўии ишга қаттиқ киришиб, Риэга ёрдам берди. У ҳакимдан фақат Гонсалес ва ака-укалар билан ўғил болалар лицейи биноси олдида учрашишга келишган куни жавоб сўради, холос.

Қиём пайти мухбир билан Гонсалес олисда, нимагадир кулишиб келаётган ака-укани кўрдилар. Улар олдинги гал ишни уdda қиломаганлари ва бунинг кутилмаган ҳодиса эмаслигини айтишди. Нима бўлганда ҳам шу ҳафта навбатда турмайдилар. Кейингисигача чидашга тұғри келади. Шунда ҳам масини қайтадан бошлаймиз. Рамбер, шундай, яна қайта бошдан, деди. Гонсалес келаси душанбада учрашишни таклиф қилди. Ўшанда Рамберни Марсел билан Луиникига кўчирса бўлар. «Сен билан фақат

икковимиз учрашамиз. Агар бирон сабаб чиқиб келолмасам, түгри уларникiga жүнайвер. Қаерга боришни ҳозир тушунтиришади». Лекин Марселми, балки Луими, энг қулайи – оғайниларини ҳозирнинг ўзида уйга олиб бориш, деди. Агар Рамбер овқатта унча нозик бўлмаса, ўша ерда овқатланаверади, турт кишига етгулик овқат бор. Шу билан ишнинг боришидан ҳам бохабар бўлиб туради. Гонсалес маъкул топди: фикр чиндан ҳам зўр ва тўртовлон бандаргоҳга йўл олдилар.

Марсел билан Луи денгизчилар маҳалласи ичкариси, денгизбўйи йўлига чиқадиган дарвоза яқинида турар эдилар. Уйлари пачоққина, испанча усуlda қурилган, деворлари қалин, деразанинг тахта қопқалари ялтироқ бўялган экан. Болаларнинг онаси, ёппа ажин босган кулгич юзли испан кампир уларнинг олдига қайнатилган гуруч кўйди. Гонсалес ҳайратга тушди: шаҳарда гуруч анқога шафеъ. «Дарвоза ёнида ул-бул топилиб туради», деб тушунтириш берди Марсел. Рамбер еб-ичиб олди. Гонсалес, бу ўзимизнинг одам, деб уқтириди, ўзимизнинг одам эса эшитди ва нуқул бу ерда ҳали бир ҳафта пойлаб ётишини ўйлади.

Аслида эса бир эмас, икки ҳафта кутишга тўғри келди, негаки, посбонлик қисқартирилган, посбонлик энди ярим ойда бир алмашадиган бўлган эди. Шу икки ҳафта давомида Рамбер жонини жабборга бериб, эртадан кечгача ўзини аямай ишлади. Алла-маҳал ётиб, шу заҳоти донг қотиб ухлаб қоладиган бўлди. Бекорчиликдан бирдан толиқтирадиган ишга ўтишдан соғлиғига путур етиб, ҳатто туш ҳам кўрмас эди. Тез кунда етадиган озодлик ҳақида у ҳеч кимга оғиз очмади. Диққатга лойиқ ҳодиса: биринчи ҳафта охирида у ҳакимга шунча узоқ вақтдан бери ўтган кечаси тўйгунича ичганини тан олди. Шаробхонадан чиқаётганда унга бирдан човларидаги безлар шишиб

кетгандай, күлини қўлтиқлари тагидаги нимадир қаттиқ нарса қимирлаттани қўймаётгандай туулди. Ва бунинг таъсирида у бир ишни қилди: шаҳар тепасига чопиб чиқиб – Риз буни тентакларча ҳаракат деди, ўзи ҳам Ризнинг фикрига қўшилди – бу ердаги, фақат осмон кенгроқдай тууладиган, ҳатто денгиз ҳам кўринмайдиган кафтдек майдончадан, вабо урган шаҳар деворларидан товушини ошириб, хотинини чақирди. Уйга қайтиб, ўзида вабодан бирон бир асар тополмагач, кутимаганда қилган қилиғидан изза бўлди. Риз бундай хатти-ҳаракатни яхши тушунишини айтди. «Нима бўлмасин, – деб қўшимча қилди ҳаким, – бундай ҳаракат қилиш истагини бемалол изоҳлаш мумкин».

– Айтгандай, бугун эрталаб Отон жаноб сизни гапириб қолди, – деди илкисдан Риз, Рамбер билан хайрлашаётуб. – Яхши танийсизми ўзи, деб сўради. «Таниш бўлсангиз, унда маслаҳат беринг, контрабандачи оғайнилар орасида ўралашмасин. Хатта тушиб қолган», деди менга.

– Бу нима дегани?

– Бу – шошилишингиз керак, дегани.

– Раҳмат, – деди Рамбер ҳакимнинг қўлини қисиб.

Остона ҳатлаётуб, у тўсатдан ўтирилди ва Ризга қаради. Риз эпидемия бошлангандан бери Рамбернинг жилмайишини энди қураётганини пайқади.

– Кетишимга нима учун сиз халал бермаяпсиз, а? Шундай қилсангиз бўлади-ку.

Риз ўзига хос табиий ҳаракат билан бош чайқади ва бу унинг, Рамбернинг иши, у, Рамбер баҳтни танлабди, ўзи, Риз, сирасини айтганда, бу танловга қарши ҳеч бир асос кўрмайди. Бундай ишда нима яхшию нима ёмонлигини фарқлай олмайди.

– Унда нега шошилинг деб маслаҳат берасиз?

Энди Риз кулимсиради.

– Ким билади, балки баҳт учун мен ҳам бирор нарса қилишни хоҳлаётгандирман.

Бу куниси иккови бирга ишлади, лекин бу мавзуга бошқа қайтмадилар. Кейинги ҳафта Рамбер ниҳоят испанча уйга күчіб ўтди. Унга умумий хонадан жой қилиб берішди. Болалар тушлик қилишга келмасликлари ва Рамбердан жуда зарил бўлмаса, уйдан чиқмасликни тайинлаганлари учун у уззукун ёлғиз ўтирап ё Марсел билан Луининг онаси, кекса испан кампир билан гурунг қурав эди. Бошдан-оёқ қора кийган, ялтиллатиб ювилган соchlари қордай оппок, қорамтири юзини ажин тўри қоплаган бу кампир ниҳоятда куюнчак ва тиниб-тинчимас тоифадан эди. У одатда камгап ва фақат Рамберга қараган пайтлари кўзида табассум порларди.

Баъзан у Рамбердан, хотинингизга касал олиб боришдан қўрқмайсизми, деб сўраб қолади, Рамбер, албатта, жиндай хавф бор, лекин айтарли эмас, аммо у шаҳарда қолиб кетса, Худо кўрсатмасин, бир умрга кўришмасликлари ҳам мумкин-ку, деб жавоб беради.

– Ёқимтойми? – деб жилмайиб суради кампир.

– Жуда.

– Чиройлидир?

– Менга шундай.

– Э-ҳа, шунинг учун экан-да, – деди кампир.

Рамбер ўйга ботди. Албатта, шунинг учун, лекин фақат шунинг учунгина эмас-да.

– Худога ишонасизми? – деб сўради кампир, унинг ўзи ҳар тонг ибодатга боришини канда қилмайди.

Рамбер ишонмаслигини тан олди, кампир эса, яна шунинг учун ҳам, деб қўшиб қўйди.

– Унда, тўғри қиласиз, унинг олдига боринг. Бошқа нима ҳам қилардингиз.

Рамбер кун давомида деворлар ичида туртиниб юради. Кечқурун болалар ишдан қайтадилар. Улар гапдонликка йўқ, қулай вақт келмаяпти, деб қўйи-

шади, холос. Тушлиқдан кейин Марсел гитара чала-ди ва ҳаммалари анис ликёри ичадилар. Рамбер доим бир нарсаны ўйлаётгандек кўринади.

Чоршанба куни келганларида Марсел: «Эртага яrim кечаси, тайёр бўлиб туринг», – деди. Уларнинг навбатидаги посбонларидан бирига вабо юқибди, у билан бир хонада турғанларни карантинга ўтказиб-дилар. Хуллас, икки-уч кун фақат Марсел билан Луининг ўзлари навбатда турадилар. Бугун охирги тайёргарликни кўриб қўядилар. Эртага энг қулай вақт бўлса керак. Рамбер ташаккур билдири. «Хур-сандмисиз», – деб сўради кампир. У курсанд эканини айтди, аммо ўзининг хаёли бошқа ёқда эди.

Бу куни вазмин солқи осмондан димиқ намчил жазира қўйилди. Вабо ҳақидаги хабарларда тасалли йўқ. Фақат испан кампирнинг кўнгли бардам. «Гуноҳга ботғанмиз, – деди у. – Ҳайрон қоларли жойи йўқ». Рамбер Марсел билан Луига таассуб қилиб, кўйлагини ечиб ташлади. Аммо фойда бермади, кураклар ўртасидан, яланғоч кўкраклардан тер жиқ-жиқ оқарди. Қопқалари тақа-тақ ёпилган хона нимқоронғилигида яланғоч беллар худди лок-лангандай ялтирайди. Рамбер миқ этмай хона айланади. Тушдан кейин соат тўртда у бирдан кийинди-да, кетяпман, деб қолди.

– Эсингда бўлсин – роппа-роса яrim тунда, – деди Марсел, – ҳаммаси тахт.

Рамбер Риэнкиига борди. Ҳакимнинг онаси уни юқори шаҳарда, лазаретда эканини айтди. Лазарет олдидаги қоровулхона ёнида одам гавжум экан. «Қани, жўна-чи», – деб такрорлади бақакўз сержант. Одамлар жўнаб қоладилар, бир айланиб, яна қайтиб келадилар. «Кутишдан фойда йўқ!» – дейди курткаси ичиди терлаб-пишган сержант. Оломон ҳам шу фикрда, аммо ўтакеттан иссиққа қарамай, бари бир, тарқалмайди. Рамбер сержантга сукут кўрсатди ва сержант уни Риэнинг кабинетига

йўллади. Кабинетга тўғри ҳовлидан кирилади. Рамбер кабинетдан чиқаётган Панлю ҳазратга дуч келди.

Деворлари оқланган, дорихона ва намиқ түшак ҳиди босган торгина ивирсиқ хонадаги қора тахта столда Тарру ўтиради; у енгларини ҳимарганча букилган тирсакларининг ботиқларигача оқаётган терни артаётган эди.

- Ҳали ҳам шу ерда? – деб ҳайрон бўлди у.
- Ҳа. Мен Риз билан гаплашмоқчи эдим.
- Палатада у. Агар иш усиз ҳам битса, безовта қимлаганинг яхши.
- Нега?

– Зўрга оёқда турибди. Унга ортиқча ташвиш бўлмасин, дейман-да.

Рамбер Тарруга қараб қўйди. У ҳам ориқлаб кетибди. Кўзига, юзига чарчоқ тамғаси босилган. Эшик тақиллади, оқ ниқоб тутган санитар кирди. У ёзув столига, Таррунинг олдига бир даста карточка ташлади ва дока ниқобда бўғилган товушда «олтита», деди ва чиқиб кетди. Тарру мухбирга кўзларини кўтариб, қўлидаги карточкаларни елпигичдай ёйди.

- Чиройли карточкалар, а? Э, йўқ, ҳазиллашяпман – ўлганлар бу. Бир кечада ўлганлар.

Унинг пешанасига чуқур ажин ботди. Карточкаларни дасталади.

- Бизга фақат биттагина иш қолди, у ҳам бўлса – ҳисоб-китоб.

Тарру ўрнидан туриб, столга кафтларини тиради.

- Кетишингиз яқинлашдими?

– Бугун ярим тунда.

Тарру самимий хурсандлигини ва Рамберга эҳтиётроқ бўлиш кераклигини айтди.

- Самимий айтъапсизми?

Тарру кифтини қисди.

– Менинг ёшимда хоҳласангиз ҳам, хоҳдамасангиз ҳам самимий бўласиз. Алдаш тинкани қуритиб юборади.

– Тарру, – деди мухбир, – мен ҳакимни куришим керак. Кечирасиз мени, илтимос.

– Биламан, биламан. У мендан одамохунроқ. Қани, кетдик.

– Э йўқ, бу учун эмас, – деди Рамбер қийналиб. Кейин индамай қолди.

Тарру унга кўз тики ва бирдан жилмайди.

Иккиси кирган ингичка долоннинг деворлари оч-яшил бўёқда сирлангани учун худди аквариум тубидан кетаётгандек туюлар эди. Тарру ичидаги бесунақай ивирсиган аллақандай шарпалар куринаётган кўш табақали эшиклар ёнидан бурилиб, Рамберни ҳамма ёғи ойнаванд жавон бўлмиш мъжазгина хонага бошлаб кирди. У жавонни очиб, иккита гигроскопик стерилизатор олди, бирини Рамберга бериб, кийиб олинг, деди. Мухбир, ниқоб ўзи бирор нарсадан асрайдими, йўқми, деб сўради, Тарру, йўқ, аммо бошқаларга хотиржамлик беради, деб жавоб қилди.

Улар эшикни очиб, жуда катта палатага кириб қолдилар, иссиққа қарамай, ҳамма деразалар тақатак бекилган эди. Деворларда, шундоқ шифт тагида вентиляторлар ғувиллар ва уларнинг қайқи қанотлари қайноқ мойли ҳавони бурдалаб, икки қатор тизилган бўзранг каравотлар тепасига ҳайдар эди. Ҳамма томондан бўғиқ ингрок эшитилиб, вақти-вақти билан чиққан қаттиқ қичқириқ, бу ингрокнинг маромини бузар ва ҳамма товушлар охири йўқ бир хил нолишга айланиб кетар эди. Панжара тортилган баланд деразалардан қуйилаётган кўзга урар даражада чароғон ёруғлик остида оқ ҳалатли одамлар секин қимирлайдилар. Рамбер одамни беҳуд қиласидан димиқ палатада ёмонлаб қолаёзди ва каравотда алчайиб, инграб ётган гавда устига эгилган Риэни зўрга таниди. Ҳаким беморнинг човидаги бийларни очаётган, каравотнинг икки томонидаги санитарлар эса ҳалиги одамни худди тўрт бўлиб қатл қилмоқчидалар.

оёқ-кўлидан тортиб турган эдилар. Риэ қаддини тиклаб, асбобларини фельдшер тутган патнисга ташлади, бир дакиқа қимир этмай, яралари боғланаётган bemорга тикилиб турди.

– Нима янгилик? – деб сўради у ўзига ёндашган Таррудан.

– Панлю Рамбернинг ўрнига карантинда туришга рози бўлди. Шусиз ҳам у кўп иш қилди. Энди Рамбер кетса, фақат учинчи назорат дастасини ташкил қилиш керак.

Риэ индамай бош иргади.

– Кастел эмдорининг биринчиларини тайёр қилибди. Синаб курайлик, деяпти.

– Зўр иш бўпти! – деди Риэ.

– Ниҳоят охиргиси – Рамбер шу ерда.

Риэ бурилди. Мухбирга аланглади, ниқоб билан бекиммаган кўзлари қисилиб кетди.

– Нега бу ердасиз? – деб сўради. – Сиз бу ердан узокларда бўлишингиз керак эди-ку.

Тарру, Рамбер бугун кечаси ўша узокларда бўлади, деди, Рамбер эса «Назаран», деб гап кўшди.

Ниқоб ҳар гапирилганда пуфак бўлиб, оғизга теккан жойи хўлланади. Шундан сұхбат ғалати, худди ҳайкаллар гаплашаётгандек нотабий эшитилади.

– Сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим, – деди Рамбер.

– Хўп десангиз, бирга қайтамиз. Мени Таррунинг хонасида кутинг.

Рамбер билан Риэ бир неча дакиқадан кейин ҳакимнинг машинаси орқа ўриндиғида ўтирган, машинани эса Тарру бошқараётган эди.

– Ёқилғи тугаяпти, – деди Тарру тезликни алмаштираётиб. – Эртага ўзимизнинг икки оёқقا ўтамиз чоғи.

– Ҳаким, – деб тилга кирди Рамбер, – мен кетмайман, шу ерда, сиз билан қоламан.

Тарру ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Машинани боягидек ҳайдайверди. Риэнинг эса чарчоқ тубидан тепага сузиг чиқишга дармони ҳам қолмагандек эди.

– У нима бўлади энди? – деб сўради у бўғиқ товушда.

Рамбер ўша ишонганига ҳали-ҳануз ишонишини қайта-қайта ўйлаб кўргани, аммо кетса, уятга қолишини айтди. Лекин шунда Риэ бирдан қаддини тиклади ва қатъият билан, нодонлик бу, бахтни кўзлаб қилинадиган ишнинг сира уяти йўқ, деди.

Шу чоққача жим келаётган Тарру орқага қарамай, агар Рамбер шу ерда қолиб, одамлар қайғусига шерик бўлса, унда бахт учун тариқча ҳам вағт тополмайди, деди, ё унисини, ё бунисини танлаш керак.

– Бу ерда бошқа масала, – деб очилди Рамбер. – Мен аввалига бу шаҳарга бегонаман, бу ерда, сизнинг олдингизда қиласидиган ишим йўқ, деб ўйлардим. Лекин энди, шунча нарсани кўргач, энди хоҳлайманми, йўқми, шу ерлик бўлиб қолганимни туйдим. Бу кўргилик ҳаммамизга бирдай тегишли экан.

Унинг гапига ҳеч ким индамади ва Рамбер безовта қимиirlади.

– Ўзингиз ҳам яхши биласиз, ахир! Бўлмаса лазаретда нима қиласидингиз? Ёки сиз ҳам бирор йўл танлаб, бахтдан воз кечдингизми?

Бу саволга на Риэ, на Тарру жавоб қайтарди. Сукут чўзилди ва қарийб Риэнинг уйигача индамай кетдилар. Шунда Рамбер саволини яна, бу гал қатъийроқ такрорлади. Ва яна унга фақат Риэ қараб қўйди. У ҳатто шу ҳаракатни қилишга ҳам қийналаётгандек эди.

– Мени кечиринг, Рамбер, – деди у, – лекин ўзим ҳам билмайман. Биз билан қолгингиз келса, майли, қолинг, мен нима ҳам дейман.

У гапдан тўхтади, чунки машина кескин бурилган эди. Кейин олд ойнага тикилганча, яна тилга кирди.

– Бу дунёда севганингдан воз кечишга арзидиган бирор нарса бормикан ўзи? Лекин мен ҳам воз кечдим, негалигини ўзим ҳам билмайман.

У яна ўзини орқага ташлади.

– Мен шунчаки фактни қайд этяпман, бор-йўғи шу, холос, – деди ҳорғин товушда. – Буни эътиборга оламиз ва хulosса қиласиз.

– Қанақа хulosса? – деб суради Рамбер.

– Эҳ, бирданига ҳам даволаб, ҳам билиб олишнинг иложи йўқ, – деб жавоб қилди Риэ. – Шунинг учун иложи борича тезроқ даволашга уринамиз. Кечиктириб бўлмайдигани шу.

Қоқ ярим тунда Тарру билан Риэ Рамберга у назорат қилиши керак бўлган маҳалла режасини топширдилар, Тарру бирдан соатга қараб қўйди. Бошини кўтарган эди, Рамбернинг ўзига қараб турганини кўрди.

– Огоҳлантириб қўйганмисиз?

Мухбир кўзини олиб қочди.

– Хатча юборганман, – деди қийналиб, – бу ерга, сизларга келишдан олдин.

Кастелнинг зардобини фақат октябрь охирида синай олдилар. Амалда фақат шу зардобгина Риэнинг охирги умиди эди. Ҳаким яна омад келмаса, вабо яна узоқ ойлар хўжайинлик қиласими ё ҳечдан-ҳеч дами кесиладими, бари бир, шаҳар унинг инжиқдиклари хукмида қолишига қатъий ишонар эди. Отон жанобнинг ўғли Кастел Риэнкига келишидан бир кун олдин касалланган эди. Бутун оилани карантинга жўнатишга тўғри келди. Карантиндан яқинда чиққан онаси яна ўша ёқقا қайтишга мажбур эди. Ҳокимият буйруқларини муқаддас биладиган терговчи боланинг баданида касалликнинг ilk аломатларини кўргани заҳоти Риэ ҳакимни чақиртирди. Риэ келган пайтда ота-она икковлон боланинг бошида турган эдилар. Қизчани

уидан узоқлаштирган эканлар. Бола касалликнинг тамом ҳолсизланиш билан белгиланадиган биринчи босқичида эди – итоат билан ўзини кўришга кўйиб берди. Ҳаким бошини кўтартган эди, кўзи тўғри отанинг кўзига тўқнаш келди, сўнгра сал нарироқда ранги қув учиб турган онанинг юзига қаради; бояқиши дастрўмолни лабларига босган кўйи катта-катта очилган кўзларини ҳакимнинг қўл ҳаракатларидан узмас эди.

– Ўша, шундайми? – деб совукқина сўради терговчи.

– Ҳа, – деди Риэ боладан нигоҳини узмай.

Онанинг кўзлари даҳшатдан олайиб кетди, аммо ўзи миқ этмади. Терговчи ҳам жим қолди, кейин ним товушда гапирди:

– Иложимиз қангча, ҳаким, бунаقا пайтлари нима буюрилса, шуни бажаришга мажбурмиз.

Риэ боягидай сал нарироқда, оғзини дастрўмол билан маҳкам сикимлаб турган онага қарамасликка тиришди.

– Ҳозир мен сим қоқсам, тезда ҳаммаси бажарилади, – деди у иккиланиброқ.

Отон жаноб унга телефонни кўрсатишга ҳозирланди. Аммо ҳаким унинг хотинига ўгирилди:

– Қаттиқ ачиняпман. Ул-бул нарсаларингизни олишга тўғри келади. Нима қилишни ўзингиз ҳам биласиз-ку.

Унинг гапларини Отон хоним қилт этмай, алланечук ҳайкалдек қотиб тинглади. Кўзларини кўтартмади.

– Ҳа, биламан, – деди бош иргаб. – Ҳозир йирина-ман.

Кетишдан олдин Риэ ўзини тутолмай, уларга ҳеч нима керак эмасми, деб сўради. Она унга боягидек тикилиб олган эди. Лекин бу гал терговчи унинг кўзларига қарай олмади.

– Йүқ, раҳмат, – деди у зўрга ютиниб, – боламни кутқаринг, шунинг ўзи кифоя.

Илгари карантин шунчаки расмиятчилик эди, аммо Риэ билан Рамбер бу ишни қулга олганларидан кейин ҳолилатишнинг барча қоидалари ҳам камкўстсиз бажариладиган бўлди. Жумладан, улар bemor оила аъзоларининг бўлак-бўлак жойлаштирилишини талаб қилдилар. Агар улардан бирортаси ўзи билмаган ҳолда касалликни юқтирган бўлса, унда хавф кучаймаслиги керак. Риэ бу мулоҳазаларни терговчига тушунтириди, терговчи маъқул топди. Аммо эр-хотин бир-бири билан кўз уриштириб олдилар, буни пайқаган ҳаким иккаласининг қайғудан адо бўлганини фаҳмлади. Отон хонимни қизчаси билан меҳмонхонадаги, Рамберга қарашли карантинга жойлаштиришга келишдилар. Аммо бу ерда бошقا ўрин йўқ, ҳаммаси банд, терговчи ҳолилатиш лагери деб аталган жойга боришига мажбур, волийлик шаҳар стадионида, йўл қурилиш идорасидан чодир қарз олиб, бу лагерни ташкил этган эди. Риэ лагердаги етишмовчиликлар учун узрини айтди, аммо Отон жаноб, қоида ҳамма учун чиқарилган ва унга ҳамманинг бирдек бўйсунишиadolatdan bўлади, деди.

Болани эса ўнта каравот қўйиб ёрдамчи лазаретга айлантирилган собиқ синфхонага ётқиздилар. Риэ йигирма соат чўзилган олишувдан кейин, энди умид қолмаганини тушунди. Ушоққина гавда ҳеч бир қаршилик кўрсатмай, ўзини ражиётган микробларга тамом ихтиёрини берган эди. Нимжон бўғинларда кичкина-кичкина, лекин жуда қаттиқ оғриқ берадиган бийлар шишиб чиқди. Хасталик болани бошданоқ маҳв қилган эди. Риэ шунинг учун ҳам Кастелнинг зардобини унда синашга қарор қилди. Шу куниёқ унга томчилатма қувиш қилинди. Аммо унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Тонгда эса ҳал

қилювчи натижаларни билиш учун боланинг бошида ҳамма тупланди. Болада биринчи босқич карактлик ҳолати ўтиб, у қалт-қалт тўлғаниб ётар эди. Кастел билан Тарру саҳар соат тўртдан бери тўшак ёнидан жилмай, касалнинг зўрайиши ё енгиллашишини да-қиқама-дақиқа кузатиб турардилар. Риз ҳам тик турибди, лекин боланинг бош учиди, унинг ёнидаги Кастел аллақандай эски тиббий журнални жуда хотиржам кўринишда ўқиб ўтирган эди. Тонг ёриша бошлагач, собиқ мактаб синфонасига аста-секин бошқалар ҳам кириб келдилар. Биринчи Панлю ҳазрат кўринди, у Таррунинг рўпарасида тұхтаб, деворга елкасини берди. Унинг юзида укубат ифодаси қотиб қолган, доим касал юқтириш ваҳимаси билан боғлиқ кўпкунлик чарчоқ қип-қизил пешанаасига чуқур-чуқур ажиналар ётқизган эди. Жозеф Гран ҳам келди. Энди соат етти бўлган эди, Гран ҳали нафасини ҳам ростламагани учун узр сўради. У нима янгилик борлигини билишга бирор кирган экан. Риз индамай, мажоли етганча қовоғини ёпиб, кўзларини қисиб, оғриқдан юзини тириштирганча қимиirlамай ётган, фақат бошини жилдсиз ёстиқда нуқул ўнгдан чапга, ўнгдан чапга думалатаётган болага ишора қилди. Атроф тамом ёришиб, синфнинг ҳали ҳам жойида турган қора тахтасидаги ҳали ҳам ўчирилмаган кўпайтирув жадвалларини кўз илғаганда Рамбер кириб келди. У ёнбошдаги каравотнинг пойида деворга елкасини берди ва чўнтағидан сигарет қутисини олди. Аммо болага бир қаради-да, чўнтағига қайтариб солди.

Кастел ўтирган жойида кўзойнаги тепасидан Риэга қаради.

– Отасидан бирор хабар борми?

– Йўқ, – деди Риз, – у карантинда, лагерда.

Ҳаким жонининг борича бола инқиллаб ётган каравот темирини сиқимлади. У боладан кўзини

узмас эди, бола илкисдан қаттиқ кучанди ва яна тишини тишига босиб, белини алланечук букди-да, секин құл-оёқларини чўзди. Дағал аскарий кўрпа ёпилган миттигина, яп-яланғоч танадан ўткир тер ва жун иси келарди. Боланинг танаси секин-аста бўшашди, қўл-оёқларини йиғиштириди, бояги-бояги, ҳеч нарса кўрмагандек, ҳеч нарса билмагандек, гўё тез-тез нафас олаётгандек бўлди. Риэ Таррунинг нигоҳини тутди, лекин у ўша заҳоти кўзини олиб қочди.

Улар болалар ўлимини биринчи марта кўраётгандари йўқ, зеро, шаҳарда бир неча ойдан бери қутураётган ваҳшат ўз қурбонларини фарқлаб ўтиrmайди, аммо бутун эрталаб биринчи марта гўдак қийналишини дақиқама-дақиқа кузатиб турдилар. Ва албатта, бегуноҳ жонзотни йиқитган дардни, улар бу дардни шундай ҳис этдилар, дард ҳам аслида шундай эди, қандайdir бир шармсорлик сифатида ўзларига олдилар. Аммо шу пайтгача бу шармсорлик алланечук мавхум эди, улар шу пайтгача гўдакнинг жон таслим қилишини бунча узоқ кузатмаган ва ажалнинг юзига тик қарамаган эдилар.

Аммо шунда бола худди қорнидан бир нарса фарч тишлигандек, мажолсиз чийиллади-да, яна икки буқланди. Шу аҳволда, гужанак бўлиб бир неча узоқ лаҳза ётди, уни қалтироқ босди, жони талвасада тўлғанди, чўпдай суюкчалари вабонинг қаҳрли ҳамласида майишиб, безгак тўлқинлари хуржи остида қирсиллаб кетаётгандек туюлди. Бурон ўтгандан кейин унинг танаси бўшашди, безгак чекингандек, микроблар заҳарлаган, тердан жиққа ҳўл тўшакда бўғилиб ётган бу танани ташлаб кетгандек бўлди ва ҳатто шу калтагина нафас ростлаш ҳам ўлимга ўхшаб кўринди. Учинчи марта қайноқ, тўлқин ёпирилиб, тўшакдан кўтариб ташлаганда, бола ўзини куйдираётган ҳароратдан

қўрқиб, бир бурчакка ғужанак бўлиб тиқилиб олди ва кўрпани итқитиб, жон-жаҳди билан бошини силтади. Қизариб пишган қовоқдари тагидан дона-дона кўз ёш ситилиб чиқди, қўрошин тусидаги юзидан сидирилиб оқди, хуруж босилгандан кейин у мадорсизланниб, қоқсуяқ оёқчаларини, икки кечакундуздан бери ингичка чўпга айланган қўлчаларини ёйди ва алчайиб, хочга тортилган алпозда ётиб қолди.

Тарру эгилиб, оғир кафтлари билан митти юздаги тер ва кўз ёшларни артди. Кастел китобни ёпди ва бир дақиқа болага тикилиб турди. Гапирмоқчи эди, аммо дарров йуталишга мажбур бўлди, чунки овози бўғилиб, нотабийи бўлиб қолган эди.

– Эрталабки ремиссия бўлмади, а, Риэ?

Риэ, бўлмади, аммо бола касалликка одатдагидан узоқроқ қаршилик курсатяпти, деди. Деворга ҳорғин суюнган Панлю ҳазрат ҳирқироқ товушда:

– Агар қазоси етган бўлса, одатдагидан ҳам кўпроқ қийналади, – деди.

Ҳаким ҳазратга кескин ўтирилиб, оғзини очди-ю, аммо куч билан ўзини ушлади, бу унга қийин бўлди шекими, яна болага нигоҳини қадаб олди.

Палатага кундуз ёруғи тобора кенгроқ қуйилди. Одам таналари безовта тўлғанаётган қатор беш каравотдан келаётган оҳ-воҳлар қандайдир бир ўйлаб қилинаётган босиқликдан далолат беради. Фақат охирдаги бурчакдан тенг вақт оралифида, азобдан кўра ҳайронлик сезилаётган оҳ тортиш бўлиб-бўлиб турган чинқириқ эшитилар эди. Ҳатто касалларнинг ўзи ҳам чидашга ўргангандек, эпидемиянинг бошларида уни қанақадир қабул қилиб олишга ўҳшаган нарса сезиларди. Фақат ёлғиз боланинг ўзи иллатга қарши жон олиб-жон бериб курашаётган эди. Риэ вақти-вақти билан, шундай

қилиш кераклигидан кўра, ўзини енгиб келаётган караҳт ожизликдан кутулиш учун боланинг томир уришини ўлчаб кўрар ва кўзини юмган пайти ўзганинг титроғи ўзига ҳам ўтиб, томирларида ўз қони билан бирга тепаётганини ҳис қиласр эди. Бундай пайларда у ўзини гёё касаллик азоблаётган болага қўшилиб кетаётганини ҳис қиласр ва ҳали таслим бўлмаган, бор кучлари билан унга мадад беришга интилар эди. Аммо дақиқа ўтади ва бу икки юрак ҳамоҳанг урмай кўяди, бола Риэнинг ихтиёридан чиқиб кетади ва ҳакимнинг шунча уриниши бўшлиққа ютилади. Шунда у ингичка ориққина билакни қўйиб юборди ва жойига қайтди.

Деразадан тушаётган қизғиш ёруғлик аста-секин сарғиш тус олди. У ёқда, дераза ойналари ортида эрталабки жазира чирсилаётган эди. Тўшак атрофида тўпланганларнинг яна бир марта киришга ваъда берган Гранинг чиқиб кетганини пайқаганлари ҳам даргумон. Улар кутаётган эдилар. Кўзлари юмуқ ётган бола бир оз тинчлангандек кўринар эди. Унинг қуш панжасига ўхшаган бармоқлари каравотчетини оҳиста пайпаслади. Кейинбу қўлчалар юқорига жилиб, тизза тепасидаги кўрпани тирнади ва бола илкис оёқларини чангак қилиб, қорнига тортди-да, қимирламай қотиб қолди. Шунда у биринчи марта кўзини очиб, тўппа-тўғри тепасида турган Риэга қаради. Унинг касаллик ғажиган юзиға бўз тупроқдан ниқоб ёпилгандек бўлди, оғзи ним очилди ва шу заҳоти лабларидан яккаю ягона, чўзиқ, нафас олаётганда сал секинлашган, палатани бир текис, дарз кетган шикоят билан тўлдирган, шу қадар файриинсонийки, худди ҳамма одамлардан бараварига чиқаётгандек бир раддия отилиб чиқди. Риэ тишини тишига босди, Тарру тескари қараб олди, Рамбер олға талпиниб, тиззасидаги китобни шарт ёпган Кастелнинг ёнида туриб қолди. Панлю

ҳазрат бола чинқириғи әмас, ёшга алоқаси йўқ чинқириқ чиқаётган, касаллик кўклаган оғизга тикилиб қолди. У чўкка тушди ва аниқ, аммо эзилган товушда, қолганлар буткул табиий деб билган, ҳеч кимга таалуқли бўлмаган бу шикоят ўчиролмаган сўзларни ифода этди: «Худойим, шу болага кушойиш бер!»

Аммо боланинг чинқириғи тинмади ва палатадаги касалларда безовталик бошланди. Бояги, палата адогидаги ҳар замон-ҳар замонда қичқираётгани энди бошқачароқ, тезлашган оҳангга ўтди, салдан кейин бошқа касалларнинг дод-войи журлигига росмана бўкиришга айланди. Палатанинг ҳамма бурчакларидан Панлю ҳазратнинг ибодатини босиб, нола тўлқини уларнинг устига бостириб келди ва каравот тутқиҷларини титраб-қақшаб сиқимлаган Риэ кўзини юмиб олди, у чарчоқ ва нафратдан маст бўлиб қолганга ўхшарди.

У кўзини очганда, Тарру унинг ёнига келган эди.

– Кетмасам бўлмайди, – деди Риэ. – Мен буни кўтаролмайман.

Аммо касаллар буйруқ олгандек, бирдан жимиб қолдилар. Ҳаким фақат шунда боланинг чинқириғи дақиқа сайин ожизланиб-ожизланиб бориб, ниҳоят бирдан тўхтаганини англади. Атрофда яна, аммо энди ҳозиргина барҳам топган курашнинг олислаган аксадосидек бўғиқ ингроқ кўтарилиди. Зеро, у якун топган эди. Кастел каравотни айланиб ўтди ва ҳаммаси тамом, деди. Энди ун чиқмаётган оғзини ёполмай қолган бола тўдалашган кўрпалар орасида осойишта ётарди, у жуда кичкина бўлиб қолди, ёноқларидағи кўз ёшлари куришга ҳам улгурмаган эди.

Панлю ҳазрат тўшакка яқинлашиб, майитни чўқинтириди. Кейин ридоси этакларини йифиб, кўча эшигига қараб юрди.

– Демак, яна ҳаммасини қайтадан бошлаймиз? – деди Тарру Кастелга қараб.

Кекса ҳаким бош чайқади.

– Эҳтимол, – деб лабларини ирвайтирди у. – Охирокибат, бола узоқ олишди-ку.

Риэ бу орада палатадан чикқан эди; юзи ғалати тусга кириб, шундай шиддат билан одимлаётган эдикى, у қувиб ўтган Панлю ҳазрат тирсагидан тутиб түхтатди.

– Бунаقا эмас-да, ҳаким, – деди у.

Риэ ўшандай шиддат билан ўтирилди, Панлю ҳазратга қаҳрини сочди:

– Ўйлайманки, бунинг гуноҳи йўқ эди – буни сиз ҳам яхши биласиз!

Кейин у бурилиб, Панлю ҳазратдан ўзиб кетди ва мактаб ҳовлисига йўл олди. У чанг босган дарахтлар тагидаги ўриндиқقا чўкиб, пешанасидан ёноқларига оқаётган терларини кафти билан сидирди. Унинг қичқиргиси, бўкириб юборгиси келар, ишқилиб, юрагини ханжардек тилиб ўтаётган лаънати тутун очилиб кетса бас эди. Жазира фикус барглари орасидан секин сизилиб тушарди. Феруза осмонни худди кўзга тушган оқ хира парда қоплади ва ҳаво димиқиб кетди. Риэ эс-ҳушсиз ўтиради. У новдаларга, осмонга қаради ва аста-аста нафаси ростланди, чарчоги ёйилгандек бўлди.

– Нега менга бунча жаҳл қиладингиз? – деган овоз эшитилди орқасидан. – Мен ҳам бу манзарага зўрга чидадим-ку.

Риэ қайрилиб, Панлюга қаради.

– Мени кечиринг, сиз ҳақ эдингиз, – деди у. – Аммо чарчаш ҳам бир телбаликдай гап, лекин шундай вақтлар бўладики, бу шаҳарда менинг қаршилик кўрсатишмдан бошқа ҳеч нарса қолмайди.

– Тушунаман, – деб ғулдиради Панлю ҳазрат. – Бу чиндан ҳам қаршилик уйғотади, зеро, бизнинг инсоний ўлчовларимизга сифмайди. Лекин, эҳтимол биз ақл билан етолмайдиганин ҳам севишга мажбурдирмиз.

Риэ кескин қад ростлади. У Панлю ҳазратга табиат ато этган бор куч ва ҳаяжонини қўзига жамлаб тикилди ва бош чайқади.

– Йўқ, ҳазрат, – деди. – Севги ҳақида шахсан менинг тасаввурим бошқа. Мен Худонинг болаларга азоб берадиган дунёсини ҳатто ўлим тўшагида ҳам қабул қилолмайман.

Панлю ҳазратнинг юзи, ҳудди соя тушгандек, изтиробли ўзгарди.

– Энди, ҳаким, – деди у мустар бўлиб, – мен Худонинг марҳамати нималигини тушундим.

Риэ яна уриндиқقا чўкиб қолди. Яна энг теран чукурликлардан чарчоқ кўтарилиб келди ва у юмшоқроқ қилиб:

– Менда у йўқ, биламан. Аммо сиз билан тортишмоқчи эмасман. Биз ҳаммамизни бирлаштириб турган нарса учун биргаликда курашяпмиз, даҳрийлик ё ибодатнинг бунга алоқаси йўқ. Энг муҳими ҳам фақат шу.

Панлю ҳазрат Риэнинг ёнига ўтирди. У ҳаяжонга тушган эди.

– Ҳа, – деди у, – сиз ҳам инсонни кутқариш учун заҳмат чекяпсиз.

Риэ сўлғин илжайди:

– Энди, билсангиз, менга инсонни кутқариш сингари сўзлар жуда баландпарвоз туолади. Мен бунча узоқни қўзламайман. Мени одамнинг соғлифи, биринчи навбатда соғлифи қизиқтиради.

Панлю ҳазрат журъатсиз қолди.

– Ҳаким, – деди у ниҳоят тилга кириб.

Аммо шу заҳоти дами ичига тушди. Пешанасидан дона-дона тер қуйилди. У: «Яхши қолинг», деб ғудранди-да, ўрнидан турди, унинг қўзлари йилтилаётган эди. У энди кетишга чоғланган эди, лекин шу пайти ўйга чўмиб қолган Риэ ҳам туриб, унинг ёнига келди.

— Яна бир марта кечирасиз мени, — деди у. — Ишонаверинг, бу жаҳолат бошқа қайтарилемайди.

Панлю ҳазрат ҳакимга кўлини чўзди ва маъюс гапирди:

— Лекин, бари бир, сизни фикрингиздан қайтаромадим.

— Нима берарди бу? — деб эътиroz қилди Риэ. — Узингиз ҳам биласиз, мен зулмни, ўлимни ёмон кўраман. Сиз истайсизми, йўқми, шундан изтироб чекиш ва унга қарши курашиш учун бу ерда бирга турибмиз.

Риэ Панлю ҳазратнинг кўлини кўйвормай турарди.

— Мана, кўряпсизми, — деб қўшимча қилди у, Панлюга қарамасликка уриниб, — энди бир-бири миздан Худой таолонинг ўзи ҳам ажратолмайди.

Панлю ҳазрат санитария дасталарига кўшилган кундан лазаретлар ва вабо теккан маҳаллалардан чиқмай қолди. У даста аъзолари орасида, ўз назарида, мартабасига энг муносиб, яъни биринчи ўринни эгаллади. Ўлимни кўравериб пишиб кетди. У, назарий жиҳатдан қарасак, эҳтиёт эмлашлар воситасида касал юқтиришдан ҳимояланган бўлсада, ўз ажали ҳақидаги ўй унга ҳам бегона эмас эди. Зоҳиран у ҳамма вазиятларда хотиржамликни йўқотмасди. Бироқ ўлаётган боланинг тепасида бир неча соат термилиб ўтирган ўша кундан бошлиб ичиди нимадир узилгандек бўлди. Кўнглини азоблаётган түғёнлар шундоқ юзида ҳам аён кўринарди. Шунданми, у Риэ ҳакимга айни шу кунлари камтарона бир иш — «Руҳоний ҳакимга мурожаат этиши мумкинми?» деган мавзуда рисола тайёрлаётганини кулги аралаш айтганда, ҳакимга ҳазратнинг гаплари тагида қандайдир бошқа бир гап ётгандек туюлди. Риэ мазкур иш билан тани-

шишга истак билдириди, лекин Панлю тез кунда, ибодат пайти ваъзга чиқиши ва унда айрим-айрим мулоҳазаларни баён этишини билдириди.

– Агар сиз ҳам борсангиз, ҳаким, бошим осмонга етарди, аминман, сизни қизиқтиrmай қўймайди.

Панлю ҳазратнинг иккинчи бор ваъзга чиқиши шамол турган кунга тўғри келди. Очигини айтганда, издиҳомчилар сафлари биринчи галдагига нисбатан хийла сийрак тортиб қолган. Асосийси, бундай томошалар ҳамтабааларимиз учун янгилик жозибасини йўқотган. Кейин «янгилик» деган сўзнинг шаҳrimиз бошига тушган шўриш савдоларда илгариги маъноси қолмаган. Бунинг устига, ҳамтабааларимизнинг кўпи ҳозирча диний бурчларини бажаришдан буткул юз бурмаган ё ўзларининг шахсий, ўта бадаҳлоқ турмуш тарзларига аралаштириб юбормаган бўлсалар-да, ҳар қалай, жуда ҳам бўлмағур иримчилик майлида черковга бориб турадилар. Ибодатга бўйинлари ёр бермайди, аммо радди бало медальонлар ё авлиё Рожа сувратини тумор қилиб юрадилар.

Мисол учун, ҳамтабааларимизнинг ҳар хил фолу кароматларга муккасидан кетганини айтиш мумкин. Масалан, баҳорда ҳамма яқдиллик билан ана-мана деб, вабонинг тўхташини кутди, аммо эпидемия қанчага боришини қўшнисидан бўлса-да, сураб куриш ҳеч кимнинг калласига келмади, чунки ҳамма вабо ана тўхтайди, мана тўхтайди, деб ўзини ишонтириш билан овора эди. Лекин кун ўтаверди ва одамларни вабо сира тўхтамайди шекилли, деган ваҳм босди, ана шунда вабонинг тўхташи барчанинг эзгу орзусига айланди. Худди шу пайтлари католик авлиё ва кароматгўйларнинг айтганларидан кўчириб олинган ҳар хил башоратлар қўлма-қул бўла бошлади. Бунаقا ёппа қизиқишдан қандай фойда келишини илғаган шаҳар босмахоналари эгалари бутун шаҳарга етадиган даражада мазкур

матнларни кўпайтиришга киришдилар. Аммо кароматга оч оломон учун бу урвоқ бўлолмаслигини билган корчалонлар яна чора қидирдилар, маҳаллий йилномалардан шунга ўжаш гувоҳдикларни тўплаб, чоп этиб, бутун шаҳарга ёйдилар. Бироқ йилномаларда бунақа башоратлар танқисроқ бўлгани учун, уларни мухбирларга буюртма қилишга ўтдилар, мухбирлар, ҳеч бўлмаса, шу соҳада ўтган асрлардаги устозларидан қолишмайдиган билимдон чиқиб қолдилар.

Бу башоратларнинг айримлари рўзномаларда бетбет босилди. Одамлар сиҳат-саломатлик йиллари рўзноманинг охирги саҳифасида босиладиган кўз ёшли ишқий саргузаштларга қандай ташланган бўлсалар, буларга ҳам шундай ёпишар эдилар. Бубашоратлардан айримлари жуда ажабтовур: албатта минг рақами, қурбонлар сони ва вабо ҳукми остида ўтган ойлардан иборат аралаш-қуралаш ҳисоб-китобга асосланарди. Бошқа бирларида башоратларда констант деб аталган буњок қора ўлатларни бир-бирига қиёслаб ва у ёки бу даражада алламбало бу ҳисоб-китобларидан бизнинг ҳозирги кулфатимизга оид маълумотлар чиқариларди. Аммо рўзи Маҳшар кароматлари услубида тузилган ва воқеаларнинг ўрин алмашинуви ҳақида маълумот берадиганларининг жамоат назарида обрўйи баланд, бу воқеалар шу қадар чалкаш ва мубҳам эдики, уларнинг ҳар қандайини шаҳримизга бемалол нисбат қилиб, ҳар бир одам улардан ўзи хоҳлагандек хулоса чиқариб олиши мумкин эди. Худонинг бермиш куни Нострадамус билан Одилий авлиёнинг меросини титкилашар ва ҳар гал мўл ҳосил йигар эдилар. Бу кароматларнинг ҳаммасида бир хусусият – хуласаларида тасалли бор эди. Бу хусусият факат вабодагина йўқ эди, холос.

Хуллас, ҳамтабааларимиз учун дин ўрнини бидъат эгаллаган ва айни шу боис Панлю ҳазрат ваъз

айтган куни черковнинг бор-йўғи чораги банд бўлган эди. Риэ эҳромга кирган оқшом шамол эшик та-бакалари орасидан ҳуштак чалиб **ўтиб**, одамлар орасида bemalol кезиб юрган эди. Сукунатда қотган, рутубатли бу эҳромдагиларнинг бари эркаклар эди. Риз ўриндиққа жойлашди ва минбарга кўтарилаётган руҳоний ҳазратта кўзи туцди. У олдинги галдагига қараганда мулоим, ўйчил сўз очди ва ибодатдагилар унинг ишни бир қадар иккиланиброқ бошлиётганини фаҳмладилар. Ва яна бир зътиборли аломат – у энди «сиз» эмас, «биз» деб гапираётган эди.

Аммо унинг овози секин-аста ўқтам тус олди. Бошлама учун у вабонинг шаҳримизда, мана, бир неча ой ҳукм сураётгани ва биз уни яхшироқ билib олганимиз, чунки унинг дастурхонимиз тепасига ёки яқин одамимизнинг бош учига қандай ўтириб олгани, биз билан қандай ёнма-ён юргани, ишдан чиқишимизни қандай кутиб турганини кўп марта кўрганимизни эслатди, биз, хуллас, унинг нимани тинмай уқтираётгани ва ўзимизни йўқотиб қўйган илк дақиқаларда, афтидан, керагича қулоқ солмаганимизни энди англашга қодир бўлсак ажаб эмас. Панлю ҳазратнинг бу минбардан олдин ирод этгани ҳануз ҳақиқат – ёки ҳарқалай, ушанда у шунга амин эди. Аммо эҳтимолки, ҳаммамиз қатори у ҳам – шу ерда Панлю ҳазрат кўкрагига гурс этиб урди – эҳтимолки, бу ҳақда керагича ҳамдардлик билан ўйламаган ва гапиролмагандир. Аммо, барibir, унинг нутқида ҳақиқат муждалари ҳам бор эди: ҳамиша ҳамма нарсадан сабоқ чиқариш мумкин. Энг шафқатсиз синов – насроний учун фарофат. Насроний айни шу вазиятда мана шу фарофатга талпиниши, унинг нимадалигини ва уни қандай то-пишни тушуниши лозим.

Шу дақиқаларда Риэнинг теграсидагилар черков имконидаги барча қулайликлардан фойдаланиб,

ўриндиқлар суюнчигига ястаниб одилар. Эшикнинг кигиз қоқилган табақаларидан бири шамолда се-кингина қирсиллаб урилаётган эди. Ўтирганлардан бири бориб, эшикни ушлаб турди. Бу ҳаракатга алаҳсиган Риэ ҳазратнинг тинлиқдан сўнг нима деганини англамай қолди. У эса тахминан шундай деган эди: вабо деган манзарани тушунтиришга уриниш керак эмас, балки ўрганиб олиш зарур бўлган нарсани ўрганишга уриниш керак. Қисқаси, воизнинг айтишича, ҳарқалай, паришон эшитаётган Риэ ўзича шундай тахмин қилди, бу ерда тушунтирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Лекин у воизнинг туйқусдан овозини баландлатиб, кўп нарса фақат Худой таолонинг ҳузурида ўз маъносини очади, айримлари ҳатто ғайблигича қолади, деганидан сўнг жуда берилиб тинглашга тушди. Албатта, яхшилик билан ёмонлик мавжуд, одатда ҳар киши улар орасидаги фарқни куриб турди. Аммо ёмонликнинг ички моҳиятига етганимизда, худди шу ерда бизга машиққатлар рўпара чиқади. Мисол учун олсак, сиртдан зарурат бўлган ёмонлик ва сиртдан бефойда ёмонлик мавжуд. Дўзахга туширилган Дон Жуан ҳам, бегуноҳ боланинг ажали ҳам бор. Зеро, бадахлоқ фоҳишининг Худо дасти билан ерпарчин бўлиши адолатдан десак, норасиданинг азоб-уқубатга учрашини тушуниш душвор. Чиндан ҳам, ёруғ оламда норасиданинг азоб-уқубатидан ва азоб-уқубат түғдирадиган даҳшатдан каттароқ нарса йўқки, мазкурнинг сабабларини излашимиз лозим. Умуман олганда, Худо бизга ҳамма нарсани енгиллаштиради ва шу жиҳатдан қарасак, бизнинг динимиз мақтогвга нолойиқ – у табиий. Бу ерда эса, Худо, аксинча, гирибонимиздан олиб, деворга тирайпти. Шундай қилиб, биз вабонинг девори тагидамиз ва биз унинг мудҳиши кўланкасидан ўзимизга эзгулик чиқариб олишимиз лозим. Панлю ҳазрат ҳатто

бу девордан ошиб ўтишга йўл берадиган имтиёз ва эриинликларни ҳам рад этди. Ўша гўдакни кутаётган абадий фароғат унинг бу дунёда тортган азоблари учун минг карра мукофот бўлишини айтиш ҳеч гап эмас эди, аммо, очиғи, шундайми, йўқми, ўзи ҳам билмайди. Ва чиндан, асрий жаннат фароғатлари инсон азобининг, жилла қурса, бир лаҳзаси ўрнини қоплади, деб ким исботлай олади? Шундай деб исботлаган одам, албатта, насроний бўлмасди, зеро, муаллимимиз азобни ўз танаси ва руҳи билан таниган. Йўқ, Панлю ҳазрат девор тагида, рамзи хоч бўлмиш парчинлаш сувратига содик қолади ва гўдакнинг азобларига юзма-юз тураверади. Ва у қўрқмасдан бугунда ўзига қулоқ тутаётганиларга: «Биродарлар, вақт етди. Ёки ҳаммасига ишониш, ёки ҳаммасини рад этиш керак... Қани, орангиздан ким ҳаммасини рад этишга журъат қиласди?» – дейди.

Риэнинг хаёлидан ҳазрат ота тўппа-тўғри даҳрийликка бориб қолди-ю деган фикр лип этиб ўтди. Аммо воиз шу аснода бу кўқдан кўрсатилган, бу аниқ талаб насронийнинг фойдасига, деди. Бу унга фазилат қаторида инобатга ўтади. У, Панлю, қуйида зикр этиладиган фазилат кўнгилчанроқ ва мумтозроқ ахлоқча кўнинкан ақлларни шошириб қўядиган, нимадир поёнсиз нарсаларни ўзида жо қилишини яхши билади. Аммо вабо вақтининг дини бизнинг кундалик динимиз бўлиб қололмайди ва агар Худо баҳтиёрлик вақтларида руҳнинг таскин топиши, шодланишига йўл қўйиб беролса, ҳатто шуни хоҳласа, унда синоат дамларидаги диннинг исёнкор бўлишини ҳам истайди. Бугун Худо ўз яратганларининг Ҳаммаси ёки Ҳеч Нарса бўлмишни мўлжал олган олий фазилатта эришишлари учун уларга мислсиз фалокат йўллаш билан марҳамат кўрсатди.

Кўп асрлар олдин бир олим мутафаккир аъроф йўқлиги ҳақида бир сирни биламан, деб чиққан эди.

Унинг бу гали замирида яримчоралар бўлолмайди, фақат жаннат ва дўзахгина мавжуд, инсонга ўзининг хоҳишига қараб ё жаннат фароғати, ё мангу азоб ҳозирланган деган маъно ётади. Панлю ҳазрат фикрича, бу фирт даҳрийлик, фақат шаккок одам ўйлаб топиши мумкин. Зеро, аъроф мавжуд. Лекин шундай даврлар борки, майда гуноҳлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай гуноҳ ўлимга таалуқли, ҳар қандай бепарволик жиноят. Ё ҳаммаси, ё ҳеч нарса.

Панлю ҳазрат жим қолди, Риэ шамолнинг тобора кучайиб, эшик остидаги тирқищдан шувиллаб кираётган ингронини аникроқ эшитди. Аммо ҳазрат ота шу заҳоти яна гапга тушди ва юқорида у тилга олган, сўзсиз қабул этиладигаи фазилатни доимгидай тор маънода тушуниш мумкин эмас, гап жўнгина мўъмин-қобиллик ва ҳатто ётиш машакқатли бўлган хўрланиш ҳақида ҳам кетаётгани йўқ. Ҳа, у хўрланишни назарда тутади, аммо бу хўрланганинг ўз ихтиёри билан борадиган хўрланиш. Албатта, боланинг азоби ақл ва кунгил учун хўрланиш. Аммо худди шунинг учун бу азоблардан ўтиш керак. Худди шунинг учун Панлю ҳазрат айни дамда ушбу сўзларни айтиш ўзига осон эмаслигига тингловчиларни ишонтирди – шунинг учун, Худо шуни хоҳдаган эканми, уларга истак билан бориш керак. Насроний ҳеч нарсага шафқат қилимайдиганига фақат шундай боради ва унга ҳамма йўллар ҳозирланган эканми, у энг муҳимиға, бош манзилга шундай етиб келади. У сўзсиз рад этишга мубтало бўлмаслиги учун сўзсиз эътиқодни танлайди. Насроний шишиб чиққан бий тананинг ўзидағи маразларни табиий йўл билан чиқариб ташлашидан далолат беришини билиб, ҳозир черковларда: «Худойим, ўзинг бизга бий йўлла», – деб сўраётган ажойиб аёллар каби ўзини Худонинг иродасига, гарчи билишга ожиз бўлса-да, топшириши лозим. «Мен буни

тушунаман, буни мен қабул қилолмайман», деб айтиш мүмкин эмас; ана шу, бизга айнан танлаб олиш учун юборилган қабул қилинмайдиганинг қоқ юрагига ташланиш керак. Боланинг азоби – бизнинг атчиқ нонимиз, аммо шу нон бўлмаса, қалбимиз эътиқод очитидан сўниб қолади.

Шу пайт Панлю ҳазрат ваъзининг тинликларида ҳамроҳ бўладиган босиқ ғовур бирдан баландлади, аммо ҳазрат ота туйкус шиддат билан, худди ўзини тингловчилари ўрнига қўйиб кўраётгандек, қандай йўл тутишларини сўроқҳа олди. У ишонадики, каллага келган биринчи фикр ва биринчи сўз даҳшатли «тақдирият» сўзи олдига «фаол» деган сифат қўйишга имкон берилса, у мазкур сўз олдида чекинмайди. Албатта, у олдинги маърузасида тилга олган насроний динидаги абиссинияликлардан ибрат олмаслик кераклигини яна эслатади. Ва ҳатто фикран бўлса ҳам вабо пайтида ўз латта-путталарини насронийларнинг санитария пикетларига отиб, самовотдан Оллоҳ юборган жазога қарши чиқишига журъят эттан бу кофирларга вабо ёғдиришни бақириб сўраган форсларга ҳам таассуб қилиб бўлмайди. Яна бир томондан, ўтган асрда юз берган вабо эпидемияси пайти чўқинтириш маросимида мараз юқтириши мумкин бўлган ҳўл, қайноқ лабларни тегиздирмаслик ниятида чучук кулчаларни қисқич билан ушлаган қоҳиралик роҳибларни ҳам ибрат қилиб бўлмайди. Вабога учраган форслар ҳам, қоҳиралик роҳиблар ҳам бирдай гуноҳга ботганлар. Зеро, биринчилари учун боланинг азоби ҳеч нарса, кейингилиари учун, аксинча, азобдан инсоний қўркув бошқа туйгуларни босиб кетган. Иккала ҳолатда ҳам муаммонинг ўзи бузилган. Униси ҳам, буниси ҳам Оллоҳнинг даъватига кар қолган. Аммо Панлю ҳазратда тўпланганларнинг ёдига соладиган бошқа мисоллар ҳам бор. Агар буюк

Марсел вабосини таърифлаган қадимий йилномага ишонсак, Мери ибодатхонасидағи саксон бир роҳибдан факатгина түртгасига мудҳиш ўлат шафқат қилган эди. Бу түрттадан учтаси дуч келган ёққа жуфтак ростлаган. Йилнома шундай дейди, йилнома, биласизки, изоҳот беришни зиммасига олмайди. Аммо йилномани ўқиётиб, Панлю ҳазрат етмиш етти ўлимга қарши, учта омон қолган биродарлар ибратига қарши биттанинг туриш берганини ўйлади. Ҳазрат ота минбар қиррасига бир мушт урди-да: «Биродарларим, ўша қолган одам бўлиш керак!» – деб хитоб қилди.

Албатта, бу дегани жамоатимизнинг табиий балои оғат тартибсизлигига қарши курашда қўллаётган оқилона интизоми, эҳтиёткорлик чораларидан воз кечиши эмас. Тиз чўкиш керак, воқеаларни ўз ихтиёрига қўйиб берайлик деган ахлоқ мұжыбларига қулоқ солиш керак эмас. Аксинча, аста-секин ва ҳатто пайпаслаб бўлса-да, чиқиб олиш, яхшилик қилишга интилиш лозим. Аммо бошқа нарсаларга келганда, ўз жойимизда қолиш, ҳатто ёш гўдаклар ўлимида ҳам бўйин эгиб Худога суюниш ва ўзимиз учун пана жой изламаслигимиз лозим.

Шу ўринда Панлю ҳазрат тўпланғанларга Марсел вабоси пайтида бўлган епископ Бельзенснинг тарихини айтиб берди. Воиз тингловчиларга епископнинг эпидемия охирлаганда бурчи буюрган ҳамма вазифани адo этгач, энди ҳеч қандай ёрдамдан фойда йўқ деб ҳисоблаб, озиқ-овқатни ғамлаган уйига бекиниб, дарвозани уриб қўйишни буюрганини эслатди. Мана, марселиклар сабр ко-саси тўлган пайтда буткул қонуний бўлмиш бе-қарорлик ила кечагина бошларига кўтарган ки-шидан нафратланадилар, вабо юқтириш учун унинг уйини мурдалар билан ўрайдилар ва ҳатто вабо уни муқаррар ўлдирсинг деб, мурдаларни де-вордан ошириб, ичкарига ҳам ташлайдилар. Шун-

дай қилиб, епископ ажал қутурган макондан пана жой топмоқчи эди, ўликлар эса осмондан унинг бошига ёғилди. Биз ҳам бу мисолдан ўзимизга сабоқ олишимиз керак: вабо пайтида дахлсиз орол йўқ ва бўлмайди ҳам. Йўқ, ўрта йўл бўлмайди. Исподни қабул қилмоқ лозим.

«Биродарларим, – деб давом этди Панлю ва қавмлар унинг товушидаги оҳангларга қараб ваъз охирлаётганини фахмладилар, – Худога муҳаббат – мушкул муҳаббат. Унга муҳаббат ўзини батамом унутишни, ўз шахсиятига эътиборсизликни талаб этади. Аммо ёлғиз шу муҳаббатгина азобнинг даҳшати ва гўдаклар ўлимини ювиг кетади, нима бўлганда ҳам, факат муҳаббатгина уни заруратга айлантиради, зоро, инсон буни тушунмайди, у буни фақат истайди, холос. Мана, мен сизлар билан бирга ўзлаштирумокчи бўлган мушкул дарс ҳам шу. Мана, биз яқин боришимиз керак бўлмиш, инсоннинг қарашича бешафқат, Худонинг назарида ягона бебаҳо диёнат шу. Шунчалар қўрқинчли манзара олдида биз ҳаммамиз баравар бўлишимиз керак. Бу юксакликда ҳаммаси қушилади, ҳаммаси барварлашади ва зоҳирдаги адолатсизликдан адолат барқ уради. Мана, нима учун Франция жанубидаги кўп жойларда вабодан ўлганлар черков хори тоштакталари остига кўмилган, руҳонийлар ўз қавмларига шу қабрлар юксаклигидан туриб сўз айтадилар, улар тарғиб этаётган ҳақиқат, таассуфки, ёш гўдаклар ҳам улуш қўшган кул ичидан қайта барқ уради.

Риэ черковдан чикқан пайти шиддатли шамол ярим очиқ эшикка ёпирилди, уй-уйига тарқалаётган қавмлар юзига чанг солди. Шамол эҳромга ёмғир ҳиди ва ҳўл асфальт исини ҳайдаб кирди, ибодатчилар ҳали пештоқча етмаёқ шаҳар кўз олдиларида қандай кўриниш беришини билдилар. Ҳакимдан

олдин дуварак руҳоний чол билан ёш диакон бораётган эди, иккаласи ҳам шляпани юлқимоққа шайланган шамол билан овора. Дуварак чол ҳатто шу шамол билан кучлар тенг бўлмаган олишувда ҳам ваъз муҳокамасини тўхтатмас эди. У Панлю ҳазратнинг маҳоратига тан берди, аммо воиз айтган фикрлардаги жасорат унга тегиб кетибди. У ваъзда куч-кудратдан кўра, кўпроқ таҳликаға тушиш билинди, Панлю ҳазрат ёшига етган руҳонийнинг эса таҳликаға берилишга ҳақи йўқ, деб топди. Шамол ҳамласига чап бериб бошини эгиб олган диакон ўзининг Панлю ҳазратникуга тез-тез бориб туриши, унда бўлаётган ўзгаришлардан боҳабарлиги, рисоласи янада жасоратлироқ бўлиб, ҳатто «imprimatur»¹ ҳам ололмаслигини айтди.

– Нима бўлганда ҳам, бош ғояси нима ўзи? – деб тагини суриштириди руҳоний бобой.

Улар энди дарвозага чиққан, шамол уларга ўкириб ташланган эди, ёш диакон бу саволга жавоб қилмади. Лаҳза тинлиқдан фойдаланиб шундай деди, холос:

– Руҳонийки ёрдам сўраб ҳакимга мурожаат қилдими, бунда очиқ зиддият бор.

Риэ Тарруга Панлю ҳазратнинг ваъзини айтиб берган эди, у уруш пайтида кўзидан ажralган йигитни кўргач, эътиқодидан воз кечган руҳонийни шахсан билишини таъкидлади.

– Панлю ҳақ, – деб кўшимча қилди Тарру. – Бир гуноҳсиз кўзидан ажralган пайти насроний ё эътиқодини йўқотади, ё ўзи ҳам кўзини беришга рози бўлади. Панлю эътиқодини йўқотмоқчи эмас, у охиригача етмоқчи. Худди шуни айтмоқчи бўлган.

Эҳтимол, Таррунинг гали кейин бўлган шўриш савдоларга ва Панлю ҳазратнинг ҳатто унга яқин кишиларни ҳам ҳайрон қолдирган ғалати ишларига

¹Черков цензураси рухсати.

ойдинлик киритар. Бу ҳақда, майли, китобхоннинг ўзи мулоҳаза қилас.

Хўш, мана, ваъздан бир неча кун ўтгач, Панлю ҳазрат янги ижарага кўчиш ҳаракатига тушди. Худди шу вақтга келиб, эпидемия кучайиши муносабати билан, худди бутун шаҳар кўчишга шайланганга ўхшар эди. Тарру меҳмонхонани қандай ташлаб, Риэ ҳакимникига жойлашган бўлса, худди шундай Панлю ҳазрат ҳам орден томонидан ўзига берилган хонани тарк этиш ва ҳозирча вабо аяб турган ўта тақводор бир кампирникига кўчишга мажбур бўлди. Панлю ҳазрат янги истиқоматига тобора хуруж этаётган ҳорғинлик ва қўркув ҳисси билан келди. Шу боисдан ҳам ўз ижаракиси олдида бирдан ҳурматини тушириб юборди. Кампиршо авлиё Одилийнинг мӯйжизакор кароматларини оғиз тўлдириб мақтаганда руҳоний жиндай бесабрлик кўрсатиб қўйдик, буни, албатта, унинг ниҳоятда чарчагани билан изоҳлаш мумкин эди. Ва кейин кампиршонинг хайриҳоҳ бетарафлигини қозонишга қанча уринмасин, бари бефойда кетди. Чунки у ўшанда, бошда ўта ёмон тасаввур уйғотиб қўйган эди. Кейин ҳар оқшом меҳмонлик хонадан ўзига ажратилган, кампирнинг ўз кўли билан тўқилган ҳошияларга бурканган хонасига ўтаётуб, фақат унинг елкасинигина кўрди ва «Хайрли тун, ҳазрат ота», деган қуруққина сўзларини хотирига жойлади. Худди шундай оқшомлардан бирида тушакка кираётуб, у чаккалари, билаклари, бошида бир неча кундан бери қусиб ётган безгак тўлқинлари бирдан жунбишга келганини сезиб қолди.

Қолган ҳаммасини фақат ижараки кампирнинг айтганларидан билиб олишга тўғри келди. Кампир ҳар доимгидай эрталаб жуда барвақт турди. Мижозни хўп кутгач, ҳазрат отанинг шу вақтгача хобхонадан чиқмаганига ажабланиб, эшикни секин-

гина тақиљатишига ботинди. Кампир унинг тунни уйқусиз ўтказиб, ҳали ҳам жойидан турмаганини кўрди. У ҳансираф нафас олар, юзлари аввалгидан ҳам қизариб кетган эди. Кампирнинг ўзи айтишича, унинг ҳурматини жуда жойига қўйиб, ҳаким чақиришни таклиф қилди, лекин унинг таклифи, ўзи айтишича, жуда ачинарли қурслик билан рад этилди. Унга индамай чиқиб кетишдан бошқа чора қолмади. Сал вақт ўтгандан кейин эса Панлю ҳазрат қўнғироқни босиб, уни ичкари чорлади. Ихтиёrsиз қўрслиги учун узр сўраб, вабо ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, ўзимда унинг бирор бир аломатини сезмадим, афтидан, бу ҳаддан ортиқ чарчаганимдан, лекин ўтиб кетади, деди. Бироқ кекса хоним ҳаким чақиришни таклиф этганда мутлақо ўзидан хавотирланмагани, зеро, ҳаёти ҳам, қазоси ҳам Худой таолонинг кўлида экан, ҳеч нарсадан қўрқмаслиги, балки ҳазратнинг аҳволидан ташвишлангани, чунки ўзини бунда қай бир даражада бурчли ҳисоблашини айтиб, иззат обрўсини сақлаб эътиroz билдириди. У яна индамай қолгандан кейин кампир, ўз бурчига содик ҳолда, ҳаким чақиришни яна таклиф қилди. Ҳазрат яна рад жавобини берди, аммо бу гал раддиясига, кекса хонимнинг айтишича, қанақадир жуда дудмал, тушунарсиз бир изоҳни қўшимча қилди. Кампир тушунарсиз, баландпарвоз иборалардан, ўз фикрича, факат бир нарсани, ҳазрат ҳаким чақиришни гўё бу унинг принципларига тўғри келмаслиги учун рад этаётганини тушунган, холос. У, табийки, мижозни ҳарорати чиқиб кетганидан алаҳляяпти, деган фикрга бориб, унга бир финжон доривор дамлама берди.

Энди шундай бўлиб қолдики, кампир ўз бурчини иложи борича батартиб бажаришга қарор қилиб, мижоздан ҳар икки соатда хабар олиб турди. Ҳаммадан ҳам уни беморни кун бўйи ўз ҳолига

қўймаган талвасаланиши ҳайратга солди. Ҳазрат тоҳ кўрпани очиб ташлар, тоҳ яна унга ўранар, мудом кафтлари билан тер босган пешанасини ишқалар, йўталмоқчи бўлар, йўтали ҳам қанақадир фалати, худди ичидаги ҳамма нарса юлиниб кетаётгандек ҳирқироқ, бўғиқ ва ҳўл эди. Четдан қараган киши бунинг ҳалқумига увада туйилгану энди уни йўтал билан чиқариб юбормоқчи, деган хаёлга борарди. Бу хуружлардан кейин у, афтидан, мажоли қуриб, бошини ёстиққа ташларди. Кейин у яна бошини кўтариб, бир неча дақиқа аллақаёққа, деворнинг қаеригадир қараб олар ва бу қарашида ғайритабий бир тикилиш, олдинги безовталигидан ҳам кучлироқ талваса бор эди. Аммо кекса хоним касалнинг аччиғини чиқаришдан чўчиб, ҳали ҳам ҳаким чақиришга ботинмаётган эди. Қолаверса, кўринишдан чиндан-да қурқинчли бу хасталик оддий иситма хуружи бўлиши ҳам мумкин эди.

Аммо у кечга бориб Панлю ҳазрат билан яна бир бор гаплашиб олишга журъат топди ва жуда мужмал жавоб эшитди. У таклифини яна қайтарди, аммо шунда ҳазрат тўшакдан қаддини узди ва нафаси тиқилаётган бўлса-да, жуда дона-дона қилиб, ҳакимга кўриничини истамаслигини айтди. Шу сўзлардан кейин уй бекаси эрталабгача кутишга ва Панлю ҳазратнинг аҳволи тузук бўлмаса, Инфдок агентлигига кўнғироқ қилишга қарор берди, яхши ҳамки, керакли рақам радиодан кунига ўн марталаб айтиб турилади. Ўз бурчини бояги-боягидай бекаму кўст адо этаётган кампир кечаси бемор ёнига кириб, ундан боҳабар бўлиб туришга жазм қилди. Бироқ қечкурун унга бир финжон дамлама ичирди-ю, бир дақиқа мизғиб олай деб, шу билан тонгтacha фафлат уйқусида қолди. Уйғонгани заҳоти bemornинг қошига юурди.

Панлю ҳазрат ҳаракатсиз ётган эди. Терисининг кечаги қизиллиги мурда рангизлиги билан алмашган, юз тархининг думалоқлиги ўшандоқ қолгани

эса янада таъсири куринар эди. Бемор каравот тепасидаги турфа ранг билур шокилали чироқقا кўз узмай тикилиб ётарди. Уй бекаси кирганда bemor унга томон юзини бурди. Кампирнинг айтишича, унинг кўриниши шундай эдики, гўё кечаси билан калтак остида қолганидан, эрталабга келиб, азбаройи дармонсизлигидан атрофида нималар бўлаётганини билмайдиган аҳволга тушган. Уй бекаси ундан аҳволи қандайлигини сўради. Бемор ўша-ӯша ғалати, кекса хонимни ҳайратга солган паришонлик билан, ўзини ёмон ҳис қилаётгани, аммо ҳаким чақиришга эҳтиёж йўқлиги ва ўзини мавжуд тартибларга мувофиқ, майли, лазаретта олиб кетишлиари мумкинлигини айтди. Кекса хоним ваҳимага тушиб, телефонга ёпишди.

Риэ қиём пайти келди. Кампирнинг ҳикоясини тинглагач, Панлю ҳазрат мутлақо ҳақдиги, аммо ўзини кечроқ чақиришганини айтди. Панлю ҳазрат уни ўша-ӯша хаёли қочиб қарши олди. Риэ bemorни кўриб чиқди ва қўкракда сиқилиш, нафас қисишини айтмаса, вабо ёки ўпка тонусига хос бирорта аломат тополмаганидан ҳайратга тушди. Лекин, нима бўлмасин, томир уриши шунаقا заиф, умумий аҳвол шунаقا хатарли эдики, қарийб умид қолмаган эди.

– Сизда бу касалликнинг хос аломатлари йўқ, – деди Риэ Панлю ҳазратга. – Аммо тўла бир аниқлик ҳам йўқ эканми, мен сизни ҳолилатишга мажбурман.

Панлю ҳазрат қандайдир ғалати, баайни илтифот юзасидан жилмайди-да, жим қолди. Риэ сим қоқиши учун ёнбошдаги хонага кирди ва яна хобхонага қайтди. У Панлю ҳазратга тикилиб турди.

– Мен оддингизда бўлиб тураман, – деди у меҳр билан.

Бемор бу сўзларни эшитганда жонлангандек бўлди ва ҳакимга илиқ нигоҳ ташлади. Кейин у гапини шундай қийналиб айтдики, ҳаким унинг овозида қайфу бор ёки йўқлигини тушунолмай қолди.

— Раҳмат, — деди Панлю. — Аммо руҳонийларда дўст бўлмайди. Улар ҳамма туйғусини ўз эътиқодларига берадилар.

У каравот бошида осиглиқ хочни олиб беришни сўради ва илтимоси уринлатилгач, юзини буриб, хочга тикилиб олди.

Панлю ҳазрат лазаретда ҳеч гапирмади. Худди ҳиссиз бир нарсадек, барча белгиланган муолажаларга индамай бўйсунди, аммо энди хочни кўлидан кўймади. Ҳарқалай, унинг касали ноаниқ эди. Риз шубҳа ўтида қолди. Бу вабо эди ва бу вабо эмас ҳам эди. Дарвоқе, кейинги пайтлари вабо ташхис харитасини чалкаштиришни эрмак қилиб олганга ўхшарди. Аммо Панлю ҳазратнинг касалига келсак, кейин маълум бўлдики, бу ноаниқликнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ экан.

Ҳарорат баландлади. Йўтал янада бўғикроқ бўлди ва беморни кун бўйи азоблади. Ниҳоят кечга бориб Панлю ҳазрат ўзини бўғиб турган увадани туфлаб ташлади. Балғам қонга бўялган эди. Безгаги қанча хуруж қилмасин, Панлю ҳазрат атрофга илгаригидек бефарқ қарап ва бу куни эрталаб санитарлар унинг каравотдан ярим осилган, совиб қолган танасига дуч келган пайтда ҳам унинг нигоҳи ҳеч бир нарсани билдирмаётган эди. Карточкага «Ноаниқ ҳодиса» деб ёзиб қўйилди.

Бу йил Жами авлиёлар куни одатдагидан тамом бошқача ўтди. Албатта, бу ерда об-ҳавонинг таъсири ҳам бўлди. Ҳаво бирдан айниди ва чўзилиб кетган жазирама иссиқ кутилмаганда кузги салқин билан алмашди. Худди олдинги йиллардагидек совуқ шамоллар шувиллаб қолди. Паҳмоқ булувлар осмон бўйлаб юргилар, йўлида учраган уйларни сояга бостирар, аммо юзиб ўтгани заҳоти ноябр куёши яна ҳамма ёққа ўзининг тилларанг совуқ

ёғдуларини тўкар эди. Кўчаларда илк намўтмас ёмғирпўшлар кўриниб қолди. Қизифи шундаки, сал ўтмай бутун шаҳар ялтироқ елим матоҳнинг шитир-шитирига тўлиб кетди. Маълум бўлишича, рўзномаларда бундан икки юз йил олдинги қора ўлат пайти Франция жанубида ҳакимлар касал юқтирумаслик учун мой сингдирилган кийимда юрган деган хабар босилибди. Дўкон эгалари имкониятни кўлдан бермай, русумдан қолган, энди эса ҳамтабааларимизга бациллалардан сақданиш умидини бераётган ҳар бало ўтмас матоҳларини пештахтага чиқарган эканлар.

Кузнинг аломатлари қангча аён кўринмасин, қабристонлар шу куни ҳувиллаб ётгани ҳаммазининг эсимизда эди. Олдинги йиллари трамвайларни хризантеманинг чучмал ҳиди босар, хотин-халаж яқинлари ётган азиз қабрларни гулга буркаш учун, ўша ёқقا гала-гала бўлиб отланар эди. Бурунда тириклар шу куни марҳумни шунча ой қаторасига ёлғизлик ва унугда ётганига яраша тақдирлашга интилар эдилар. Аммо бу йил ҳеч ким ўликлар тўғрисида ўйлашни истамади. Ахир, шусиз ҳам улар ҳақида ҳаддан ортиқ кўп ўйлашди-ку. Азиз қабр бошига яна бориш, енгил ачиниш ва оғир қорахаёлнинг ҳурматини бажо келтириш ғалати туолди. Энди марҳумлар илгаригидек ҳар йили бир марта виждонни поклаш учун йўқланадиган шунчаки бир унут нарса эмас. Энди улар чақирилмаган сукмақошиқ, уларни тезроқ унтишни истар эдилар. Мана, шунинг учун Жами авлиёлар ҳайити бу йил аллақандай нотабиий ўтди. Таррунинг фикрича, тили тобора заҳарлашиб бораётган Коттар, энди ҳар кунимиз ўликлар байрами, деди.

Чиндан ҳам, крематорий печларида вабо мушакбозлиги тобора шодон гуркиради. *Тўғри*, ўлим миқдори бир жойда қимирламай тургандек. Аммо шундай

туюлардики, гёё вабо юқори нүктада үнғайгина жойлашгану энди кундалик қотиллигига тиришқоқ амалдорнинг саришталиги ва тартибсеварлигини ҳам қўшиб олгандек эди. Биладиган одамларнинг фикрича, бу, аслини олганда, яхши аломат. Мана, масалан, Ришар ҳаким ўлим чизифининг бирдан кўтарилиб, кейин бир текис кетишини ниҳоятда умидбахш воқеа деб баҳолади. «Гўзал, мұъжизакор чизик», деб уқтириди Ришар. У, ўз ибораси билан айтсак, эпидемия шифтга етди, деб ишонтирди. Шунинг учун энди унинг тушишдан бошқа чораси йўқ. Бунда у Кастел ҳакимнинг, тўғрироғи, чиндан ҳам айрим ҳолларда кутилмаган ажойиб натижалар берадётган янги зардобининг хизмати бор, деди. Кекса Кастел эътиroz билдиrmади-ю, аммо унинг фикрича, олдиндан бир нарса айтиб бўлмайди. Зоро, тарихдан маълумки, эпидемия кутилмаганда кескин сакраб қолиши мумкин. Кўтідан бери оранликларнинг ақлини тинчлантиришдек амалга ошиши foят мушкул орзуда юрган волийлик вабони эътиборда тутиб, керакли маъруза ўқиб беришлари учун ҳакимларни бир жойга тўплаш таклифини берган эди, шунда вабо бирдан Ришар ҳакимни ҳам, яна ўлим чизиги айни шифтта чиққан пайти, олиб кетиб қолди.

Бу шубҳасиз ҳайратомуз, дарвоҷе, ҳеч нарсани ҳам кўрсатмайдиган воқеадан хабар топган шаҳар ҳокимияти бундан бир ҳафтагина олдин ҳеч бир асоссиз кутаринкилика берилгандек, худди шундай тушкунликка тушди. Кастел эса ўз зардобини шунчаки илгаригига қараганда янада ҳафсала билан тайёрлайверди. Ишқилиб, касалхона ё лазаретга айлантирилмаган бирорта жамоат биноси қолмади, агар шу пайтгача волийликка тегмай турган бўлсалар, бу ҳам ҳар хил йиғинларни ўтказишга бирор жой керак, деган андишадан эди. Умуман олганда, эпидемиянинг нисбатан барқарорлашуви туфайли

Риз уюштирган санитария хизмати ўз вазифасини бемалол уддалади. Охирги мажоли билан ишлаётган ҳаким ва санитарлар бундан ортиқ уриниш талаб этилмаслигига умид қылсалар бўларди. Улар, агар шу уринда мазкур сўзни қўллаш жоиз бўлса, ўз файриинсоний бурчларини энди янада саришталироқ бажарсалар кифоя эди. Вабонинг ўпка шакли – илгари фақат бир нечта воқеа рўйхат қилинган эди, – энди шамол одамларнинг кўкрагига олов бериб, яна пуфлаб тургандек, шиддат билан бутун шаҳарга тарқалди. Беморларнинг қон қусганлари анча тез нобуд бўларди. Касалликнинг бу янги шаклида унинг тез тарқалишини кутишга тўғри келади. Аммо мутахассисларнинг бу борадаги фикрларида келишмовчилик бор эди. Катта эҳтиёткорлик мақсадида тиббиёт персонали дезинфекция аралашмаси сингдирилган никоб билан ишлайверди. Биринчи қараганда, эпидемиянинг тез ёйилишини кутиш керакдек эди. Аммо бий вабоси ҳолатларининг сийраклашиши туфайли, умумий натижга барқарор қолаверди.

Айтганча, шаҳар ҳокимиятининг шусиз ҳам ташвиши бошидан ошган – озиқ-овқат танқислиги кучайиб бораётган эди. Чайқовчилар, турган гап, қўл қовуштириб ўтирмаи, аллақачондан бозор юзини кўрмай қўйган энг зарур озиқ-овқатларнинг нархини осмонга чиқардилар. Қашшоқ оиласалар жуда мушкул аҳволда қолган бир пайтда, бойлар қариб ҳеч нарсадан камчилик сезаётгани йўқ эди. Бундай қараганда, вабо ўз маҳкамасида амал қилган холислиги билан ҳамтабааларимиз орасида тенглик ришталарини пухталashi лозим эди, тескариси бўлди – эпидемия одатий худбинлик ўйинлари оқибатида одамлар кўнглида адолатсизлик туйгуларини авж олдирди. Албатта, ҳали ўлим олдида мутлақ тенглик бизда қолган, аммо унинг ҳеч кимга кераги йўқ

эди. Очликдан қийналган қашшоқлар ҳасрат билан одамлари эркин, нонининг нархи бу ергагидек күтурмаган қўшни қишлоқ ва шаҳарларни орзулайдилар. Қорнимизни тўйдиришни уdda қилолмайдими, унда кетишига рухсат беришсин – унча ақлдан эмас-у, лекин кечинмалари шундай эди. Хуллас, шунга келдики, уйлар деворларида «Нон ёки озодлик» деган шиорлар пайдо бўлди, баъзан эса ўтиб кетаётган волийнинг орқасидан ҳам шу сузларни айтиб қолар эдилар. Бу киноя ибора намойишларга чорловчи вазифани ўтади, намойишлар тезда бостирилган бўлса-да, ишнинг нечоғлик чатоқ тус олгани ҳаммага тушунарли эди.

Табиийки, рўзномалар юқорининг буйруғи бўйича ўтакетган кўтаринкилик билан иш кўрарди. Уларга ишонсак, фожиа мавсуми учун энг характерли хусусият «аҳолининг фавқулодда хотиржамлик ва совуққонликнинг ҳаяжонли намунасини курсатганида эди». Аммо тақа-тақ беркитилган, ҳеч нарсани сир тутишнинг иложи йўқ бўлган шаҳарда юртдошлиаримиз кўрсатган «намуна» билан ҳеч кимни алаб бўлмасди. Юқорида айтилган хотиржамлик ва совуққонлик ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш учун ҳокимиятимиз ташкил этган карантин ёки «ҳолилатиш лагерлари»га назар ташлашнинг ўзи етади. Шундай чиқдики, ҳикоячи бошқа ишларга машғуллигидан ўзи у ерларда бўлолмади. Шу боис, у фақат Таррунинг гувоҳлигини келтиради, холос.

Тарру чиндан ҳам ўз кундалигида шаҳар стадионида шундай лагер ташкил этилгани ва уни Рамбер иккови бориб кўрганини ҳикоя қиласди. Стадион қарийб шаҳар дарвозаси ёнида бўлиб, бир томони трамвай ўтадиган кучага туташ, у ёғи эса шаҳар қад тиклаган супатоққа уланган умум ялангликка чиқади. У баланд бетон девор билан ўралганки, бор тўрт дарвозасига соқчи қўйилса, қочиб чиқишига имкон

қолмайди. Бундан ташқари, күчадан баланд девор билан ажратилган бу карантинга тушган бебахтлар ўткинчиларнинг томошаталаб нигоҳларидан ҳам пана эди. Лекин стадионда бу ердан куринмайдиган трамвайларнинг тарақ-туруғи кун бўйи эшитилар ва маълум соатларда ғала-ғовур кучайишига қараб дунёдан узиб қўйилган шўрпешоналар халқнинг ишга бораётгани ё қайтаётганини билиб турар эдилар. Шу тариқа улар ўзларига қатагон бўлган ҳаёт бир неча одим нарида давом этаётгани ва бетон деворлар бир-бирига ҳатто икки алоҳида сайёрада жойлашгандан ҳам бегонароқ, икки коинотни ажратиб туришини билар эдилар.

Таррү билан Рамбер стадионга якшанба куни тушдан кейин бормоқчи бўлдилар. Уларга Гонсалес – ўша футболчи қўшилди. Рамбер уни излаб топган ва уни стадион дарвозасидаги қоровул алмашинуви назоратини ўз зиммасига олишга кўндирган эди. Рамбер уни лагер бошлиғи билан таништиришга сўз берди. Йўлдошлари билан куришган пайти Гонсалес худди шу соатда, турган гап, вабогача, матчга ҳозирланиб кийинаётган бўлишини айтди. Энди барча стадионлар тасарруфга олинган, ўзини салкам ишсиз ҳисоблайди, ҳатто куриниши ҳам шу алпозда эди. Худди шу сабабли у лагерда навбатда туришга, аммо фақат ҳафтанинг охирги кунларидагина ишлаш шарти билан рози бўлди. Кўкни булат қоплади ва Гонсалес калласини қайриб, хомуш аҳволда, бундай ҳаво – сирғоқ ҳам эмас, қуёш ҳам йўқ – футболга жуда боп-да, деди. У табиат ато қилган сўзамоллиги билан ечиниш хонасидаги артиниш ҳиди, трибуналардаги ур-тўполон, қорамтири майдонда ялтироқ доғдек куринадиган майкалар, ўйин оралиғидаги лимон ва куриб қолган томоқларга минг игнадек санчиладиган шипучка шароби мазасини

таърифлашга тушди. Тарру ўнқир-чүнқир канора йули бўйи олдидан чиққан тошчаларни тепиб борганини таъкидлайди. Футболчи тошчани туппа-тўғри обраҳа панжарасига туширишга уринар ва бунга эришиб қолганда «Менинг фойдамга биру нол!» деб бақирар эди. Сигаретини чекиб бўлгач, тепага қойилмақом туфлаб, ҳаводалигидаёқ тепиб қолишга тиришади. Шундок юборган эдилар, Гонсалес эринмай кувлаб борди ва тўпни аниқ зарба билан қайтарди.

Ниҳоят улар стадионга етиб келдилар. Трибуналарнинг бари лиқ тўла. Аммо майдонда тифиз қатор қилиб бир неча юз чодир қурилган, уларнинг ичида, ҳамроҳлар узокдан илғагандек, замбиллару лашлуш боғланган бўғжомалар бор эди. Трибуналарни, ҳолилатирилганлар бу ерда ёмғирдан ё офтоб ялиғидан паналасинлар деб, тўсмасликка қарор қилгандар. Аммо кун ботиши билан улар ўз чодирларига тарқалишлари шарт эди. Трибуналарнинг ости душхоналар бўлган, улар таъмир қилинди, ечиниш хоналари маҳкама ва тиббиёт пунктларига айлантирилди. Ҳолилатирилганларнинг аксарияти трибуналарни хуш кўради. Айримлари йўлакларда кезиб юради. Баъзи бировлар эса ўз чодири олдида чўқ-қайиб, атрофга паришон аланглайди. Трибунада ўтирганларнинг кўриниши афтода, худди улар ниманидир кутаётганга ўхшардилар.

– Кун бўйи нима қиласи булар, а? – деб Тарру Рамберга қаради.

– Ҳеч нарса қилмайдилар.

Ва чиндан ҳам, қарийб ҳамма шалпайиб, қўлларини осилтириб, буш кафтларини очиб ўтирган эди. Файритабиий сукут сақлаётган бу улкан одам подаси кишида ғалати таассурот уйғотар эди.

– Биринчи кунлари бу ерда қулоқдан ажраш ҳеч гап эмас эди, – деб тушунтири Рамбер. Кейин, вақт ўтиб гаплашмай ҳам қўйдилар.

Таррунинг ёзувларига ишонсак, бу баҳтиқароларнинг аҳволини у тушунган, буларнинг биринчи келган кунлари чодирга қамалиб олиб, чивиниарнинг ғинифиллашини эшишиб ўтиришлари ёки ҳамдард қулоқ топилса, ўз газаб ё қуркувлари ҳақида додвой солишларини шундоқ тасаввур қиласди... Аммо лагер одамга тўлгандан бери бунаقا ҳамдардларни тогиши амримаҳол. Шу боисдан тилни тийиш, ён-атрофдагиларга шубҳали аланглашдан бошқа илож йўқ. Гўё чиндан ҳам рангпар, аммо бари бир нурли осмондан кимдир бу қирмизи лагерга шубҳа ва ишончсизлик ёғдириб турганга ўхшаб кетарди.

Ҳа, ҳаммасининг қиёфасида ишончсизлик борэди. Уларни ёруғ дунёдан ажратиб қўйишдими, демак, бекорга эмас. Уларнинг юzlари ҳам нимадандир ўзини оқлашга уринаётган ёки қўрқинчда қолган одамларнинг юзига ўхшаб бир хил тусга кирган. Тарру, кимга қарамасин, унинг, ҳаёти мазмуни бўлган мавхум нимадандир айрилганига изтиробда щекилли, атрофга маънисиз аланглаётганини кўради. Худди шундай, улар эртадан кечгача ўлим тўғрисида ҳам ўйламайдилар, улар умуман ҳеч нарса тўғрисида ўйламай қўйганлар. Улар гўё таътилга чиққандек. «Лекин энг даҳшатлиси шундаки, – деб ёзади Тарру, – улар ўзларининг унутилганликларини тушунадилар. Уларни биладиган киши унугтан, чунки у бошқа нарса тўғрисида ўйлайди ва бу мутлақ табиий ҳам. Униси ҳам, буларни севган ҳам буларни унугтан, чунки айни шуларнинг ўзини халос қилиш ҳақида ташвиш чекиб, турли чора излаб оёқдан қолган. У ўз яқинларини асирилқдан тезроқ озод қилиш ҳақида ўйлайвериб, энди кимни озод қилиш кераклигини ўйламай қўйган. Бу ҳам ҳаётнинг

йуриғидан. Охир-оқибат күрасанки, ҳеч ким ҳеч кимни чинакамига ўйлашга қодир эмас, ҳатто энг оғир синоат дамларида ҳам. Зеро, кимнидир чинакамига ўйлаш - у ҳақда ҳеч тұхтамай, дақықамадақиқа, бу фикрдан бошқа ҳеч нарсага: на рўзгор ташвишлари, на қулоғинг тагида учиб ўтган чивин, на овқатланиш, на қичима – ҳеч бирига чалғимай, мудом уни ўйлаш демак. Аммо чивин ҳам, қичима ҳам доим бўлган, бўлади ҳам. Мана, шунинг учун ҳам ҳаёт жуда мушкул нарса. Мана, улар ҳам буни жуда яхши тушунадилар».

Лагер бошлиғи келиб, уларни жаноб Отон деган бир киши кўрмоқчи эканини айтди. Бошлиқ Гонсалесни ўз хонасига ўтқазиб, бошқаларини минбарга бошлади. Жаноб Отон бир чеккада ўтирган экан, булар яқинлашганда ўрнидан турди. У худди эркинлик пайтидагидек кийимда, ҳатто қотириб оҳорланган ёқаси ҳам жойида. Тарру унда фақат бир ўзгаришни илгади: чеккасида бир тола сочи беўхшов ҳурпайған ва бир пой бошмоғининг ипи ечиқ эди. Терговчининг кўриниши ҳорғин, у бирор марта ҳам суҳбатдошнинг юзига қараб қўймади. Буларни кўрганидан мамнунлигини айтди ва Риз ҳакимга унинг барча ишлари учун миннатдорлигини етказишини суради.

Рамбер билан Тарру сукутда қолдилар.

– Умидим шуки, – деб қўшимча қилди терговчи қисқа сукутдан кейин, – Жак унча қийналмагандир.

Тарру биринчи марта жаноб Отоннинг ўғли исмини қандай айтишини эшилди ва тушундикি, демак, ҳали бошқа ўзгаришлар ҳам бор экан. Қуёш уфққа оғди, икки булат орасидаги ёриқдан ўтиб келаётган нурлари трибуналарни қия ёритди, гаплашаётганларнинг юзига тилларанг тус берди.

– Тўғри, тўғри, – деб жавоб берди Тарру, – у ҳеч қийналмади.

Улар кетаётган пайти терговчи қандай турған бўлса, шундай – ботаётган қуёш томонга қараганча қолди.

Улар Гонсалес билан хайрлашиш учун лагер бошлиғи хонасига кирдилар, Гонсалес навбатчилик жадвалини урганаётган экан. Футболчи уларнинг кўлини қисди ва кулиб юборди.

– Ҳеч бўлмаса, кийимхонага тушдим-ку, – деди у, – шунга ҳам шукр.

Бошлиқ меҳмонларни дарвозага кузатаётган эди, бирдан минбарлар устида алланарса қалдираб, қулоқни батанг қилди. Кейин ўша – дориломон пайлари томошибинларга ўйин натижаси ё жамоалар таркибини айтиб турадиган радиокарнайлар шанғиллаб, ҳаммадан ўз чодирига тарқалишни талаб қилди, кечки таом тарқатилар экан. Одамлар минбарлардан шошилмай тушиб, оёқларини зўрга судраганча чодирларга йўл олдилар. Ҳамма тарқалгач, катта-катта қозон ортилган иккита чоғроқ, бунақалари вокзалларда бўларди, электрокара кўринди ва чодирлар оралаб юра бошлади. Одамлар унга пешвуз чиқиб икки кўлини чўзди, икки чўмич икки қозонга шўнғиди, илиниб чиққанини узатилган икки ликопчага тўқди. Кейин электрокара олдинга силжиди. Кейинги чодир олдида томоша такрорланди.

– Иш илмий асосга қўйилган экан, – деди Тарру бошлиқقا.

Хайрлашишга қўл қисишаётган бошлиқ:

– Бўлмасам-чи, – деди талтайиб, – албатта, илмий асосда бўлади-да.

Кун қорайди, осмон тозарди. Лагерга майин, ойдин ёғду қуйилди. Осойишта оқшом ҳавосига ҳамма томондан қошигу ~~жарчалалаклар~~ жарангি ўрлади. Чодирлар устидан ~~жарчалалаклар~~ паст юзиб ўтди, қандай ногаҳон кўринган бўлса, шундай

йүқолди. Тўсик деворнинг у томонида қайрилаётган трамвайнинг фийқиллаши эшитилди.

– Шўрлик терговчи, – деб ғулдиради Тарру дарвозадан чиқаётib. – Бирор нарса қилиш керак эди унга. Лекин қонунчига нима ҳам ёрдам берасан?

Шаҳримизда яна бошқа лагерлар ҳам бор эди, бўлганда ҳам талайгина, аммо ҳикоячи виждон ҳалоллиги борасидаги маълум мулоҳазалардан, келиб чиқиб, кейин аниқ маълумотлар йўқлиги сабабли улар ҳақида гапирмайди. У айтиши мумкин бўлган ягона нарса шуки – лагерларнинг туриштурмуши, у ёқдан келадиган одам танаси ҳиди, радиокарнайларнинг ҳар шомда қулоқни қоматга келтириши, сирни пинқон ушлаган деворлар ва бу қарғиш урган жойдан келадиган ваҳм – буларнинг ҳаммаси ҳамтабааларимиз кўнглига зил юк бўлиб чўккан, мавжудияти билан ғулгула солиб, барчани эзib ташлаган эди. Шундай раҳбарият билан бот-бот тўқнашув чиқар, ҳар хил можаролар бўлиб турар эди.

Бу ўртада, ноябр оёқдаганда совуқ саҳарлар бошланди. Шаррос ёмғирлар сувни аямай тошкўчаларни ювди, ялтилатиб ювилган кўчалар узра топ-тоза булатгиз само ястанди. Ёзги қувватини бой берган куёш ҳар эрталаб шаҳримизга совуқ чароғон нурларини қуяди. Шомга бориб эса аксинча, ҳаво яна илийди. Иттифоқо, шундай шомларнинг бирида Тарру Риэ ҳакимга кўнгил ёришга жазм қилди.

Чўзилган, силлани қуритган кундуздан кейин, оқшом соат ўнлар чамаси Тарру қари дамқисма чонни кўришга отланган Риэ ҳакимга ҳамроҳликни тиланди. Кўхна маҳалла томлари узра осмон беозоргина йилтиллайди. Майин шабада қоронғи чорраҳаларни товушсиз ювиб ўтади. Дамқисма чол меҳмонларни осойишта кўча тинчлигидан сўнг қулоқка кар қилгудай урилган валақдаш билан қарши олди. Чол ўша заҳоти ёғлироқ бўлаклар доим бир хил

одамларга тегишига күплар норози экани, күза сувга қатнашни одат қилиб, шу аснода бўйни узилгани, демак, эҳтимол, – шу ерда роҳатланганидан кўлларини ишқалади, – катта фалва бўлишини санаб кетди. Ҳаким уни кўриб бўлгунча, охирги воқеаларни шарҳлашдан чакаги тинмади.

Уларнинг тепасида қадам товуши эшитилди. Таррунинг ҳайрон нигоҳини илғаган кампир, дам-қисманинг аёли, бу томда, тўғрироғи, том айвонида ҳамсоя хотинлар учрашган бўлса керак, деб тушунтириди. Шу заҳоти уларга у ёқдан, томдан жуда чиройли манзара кўринади, кўп айвонлар бир-бира га ёпиштириб қурилган, бу ерлик аёллар бир-бирлариникига меҳмонга ўтиш учун пастга тушиб юрмайдилар, деган изоҳ берилди.

– Тўғри, – деб гапни илиб олди чол. – Агар хоҳлассангиз, чиқинг. У ернинг ҳавоси тоза.

Учта курси қўйилган айвонда зоф ҳам йўқ эди. Ўнг ёқда, кўз илғаган қадар, олисдаги гунгурт бир нарсага – иккови ҳам уни биринчи қирғоқбўйи тепалиги деб топишди – бориб қадаладиган яхлит айвонлар кўринади. Сўлда, киши нигоҳи икки-уч жинкўча ва бу ёқдан кўринмайдиган бандаргоҳ устидан ўтиб, денгиз билан осмон элас-элас живирда қўшилган уфқقا бориб қадалади. Улар билган бўсқиёлар қатори тепасида эса аниқ вақт-вақтида бир нур порлаб кетади, нур манбаининг ўзи бу ердан кўринмайди: бу баҳордан бери энди бошқа бандаргоҳларни кузлаган кемаларга йўл курсатиб айланиб ётган маёқ чироқлари эди. Тўполон шамоллардан кейинги топ-тоза, сержило осмонда юлдузлар мисоли янги яратилгандек чараклар ва маёқнинг олис нури уларга вақти-вақти билан ўзининг кулранг ёғдуларини қоришлириб ўтар эди. Шамол тош ва зираворлар ҳидини олиб келарди. Атроф-жавонибда ҳеч ким, ҳеч нарса рахна солмаган бир жимлик ҳукмрон.

– Яхши, – деди Риэ курсига ўтириб, – шундай туюладики, гёё бу ерга ҳеч қачон вабо етиб келмаган.

Тарру унга орқа ўгириб, дентизга қараб турган эди.

– Ҳа, – у бирдан жавоб бермади. – Яхши.

Бир одим босиб, ҳакимнинг ёнига келиб ўтирдида, унинг юзига диққат билан қаради. Кучанинг чуқур ёриғидан идиш-оёқ тарақлаши кўтарилиб келди. Кўшни уй эшиги оҳиста фийқиллади.

– Риэ, – деб энгтабии оҳангда гапирди Тарру, – сиз менинг ким эканимни ҳеч билишга уринганмисиз? Умид қиласманки, сиз менга дўстсиз?

– Ҳа, – деди ҳаким, – сизга дўстман. Фақат шу вақтгача иккаламизга ҳам вақт етишмай турган эди.

– Ажойиб, энди хотиржамман. Шу соатни дўстликка бағишлиашга қарши бўлмассиз?

Риэ жавоб ўрнига жилмайиб кўйди.

– Хўш, энди эшитинг...

Қаердадир, бу кўчада эмас, машина ўтди, шундай туюлдики, у тош йўлда ниҳоятда узоқ юргандай. Охири фиддираклар шувиллаши учди, аммо энди ҳукм сураёттан сукунатни олис, ноаниқ бир чинқириқ бузди. Фақат шундан кейингина сукунат юлдузлару осмоннинг залвори билан икки эркакка ёпирилди. Тарру яна жойидан турди, айвон панжараси олдига ўтиб, курси суюнчиғига қаддини берган Риэнинг шундоқ рўпарасида панжарага суюнди.

«Соддалик учун, Риэ, гапни менга вабо анча олдин, шаҳрингизга эпидемия авжга чиққан пайтда келганимдан бурунроқ текканидан бошлаймиз. Менинг ҳам ҳамма қатори одам эканимни айтиш кифоя қилас. Аммо шундай тоифа одамлар борки, буни билмайдилар ёки вабо ҳолатига қунишиб қолганлар ва шундайлар ҳам борки, буни биладилар ва қутулиб чиқиши истайдилар. Хўш, мана, мен қутулишни истайман.

Ёшлигимда ўзимнинг гуноҳсизлигим ҳақидаги фикр билан, яъни ҳеч қандай фикрсиз яшар эдим.

Мен жонсараклар тоифасига кирмайман, аксинча, мен ҳаёт бўсағасига ҳамма ёшларга ўхшаб қадам қўйдим. Ҳамма нарсани осон қўлга киритдим, фанларни енгил ўзлаштирдим, аёллар билан тез тил топдим ва башарти кўнглимни нотинчлик чулғаб қолса ҳам, кўпга бормас эди. Аммо бир ажойиб оқшом ўйлашни бошладим. Ана шунда...

Сиздан фарқли ўлароқ камбағаллик нималигини билмаганимни айтай. Отам прокурор ёрдамчиси, яъни анча катта амал эгаси эди. Лекин куринишида амал нуқси йўқ, табиатан хушфеъл, яхши одам эди. Онам оддий аёл, ҳаммадан тортинарди, мен уни яхши кўрардим, ҳозир ҳам, аммо у ҳақда гапирмоқчи эмасман. Отам мен билан кўп бирга бўларди, яхши кўрарди мени, мени тушунишга интиларди, деб ўйлайман. Унинг бошқа хотинлар билан, – ҳозир бунга ишонаман, – алокалари бор эди ва тасаввур қилинг, бу менинг парвойимга ҳам келмасди. У ўзини одам бунақа вазиятларда ўзини қандай тутиши керак бўлса, шундай тутар, ҳеч кимни хижолатга қўймас эди. Қисқаси, у ўзига хослиги билан ажралиб турмас, мен, мана энди, отам вафот қилгандан кейин, унинг авлиёдек яшамагани ва айни пайтда ёмон одам ҳам бўлмаганини тушунаман. У шунчаки ўрта йўлни танлаган эди, бу тоифа одамларга таъмиэли бир боғланиш ҳис этадилар ва бу боғланиш узокқа кетади.

Аммо унинг бир ожиз томони бор: Шекснинг катта темирийўл курсаткичи эртаю кеч эрмаги эди. У ҳар замон Бретанда, у ерда чоғроқ мулки бор эди, таътил ўтказишини айтмаса, саёҳатга ҳам чиқмаган. Лекин Париж – Берлин қаторининг қачон келиб қачон кетиши соатларини тутилмай айтар, дейлик, Лиондан Варшавагача энг қисқа йўлни тавсия қила олар эди, сиз танлаган, хоҳлаган пойтахтлар оралиғидаги масофани ярим чақирим аниқликкача билишинику гапирмаса ҳам бўлади. Мана, сиз, масалан, Бри-

ансондан Шамониксга қандай боришини айта оласизми? Ҳатто вокзал бошлиғи ҳам бу саволга үйланиб туради. Отам эса кўзини юмиб айтиб берарди. У ҳар кечқурун бу соҳадаги билимини чукурлаштиришга уринар ва шу билан фархланар эди. Мен бундан бир дунё завқ олардим, кўпинча уни имтиҳон қилиб, жавобларини кўрсаткичдан текширас ва унинг сира адашмаслигидан қувонар эдим. Бу беозор машғулотлар бизни яқинлаштирган, чунки у мени миннатдор тингловчи сифатида қадрлар эди. Мен эса унинг темирийўл жадваллари соҳасидаги устуналигини ҳар қандай фазилатдан кам эмас деб ҳисоблардим.

Аммо берилиб кетибман, ҳалол бир одамнинг аҳамиятини ошириб юборишдан чўчийман. Бу масалани бас этиш учун, айтиб қўяй, менинг оёққа туриб олишимда отамнинг тўғридан-тўғри таъсири йўқ. Жуда нари борса – у менга охирги турткини бергандир. Ўн еттига тўлганимда отам мени судни эшитишига олиб борди. Маслаҳатчилар судида қандайдир мужим иш кўрилаётган эди, отам эҳтимол ўзини менга зур томондан кўрсатгиси келгандир. Яна ўйлаб кўрсам, отам ёш кўнгилга кучли таъсир бўладиган бу маросим мени бир вақтлар ўзи танлаган касбга бошлайди, деб умид ҳам қилган. Мен бажонидил рози бўлдим, биринчидан, унинг раъйига қарадим, бошқа ёқдан, унинг одатда уйда ўйнайдиган ролидан ўзгача родда кўриш, эшитиши менга қизиқ эди. Шу ва шундан бошқа ўйларга борганим ҳам йўқ. Гўдаклик пайтларимдан бери судда бўлаётган ҳамма нарсалар менга табиий ва дейлик, 14 июлдаги байрам ёки синфдан синфга ўтишдек муқаррар туюларди. Хуллас, ҳукуқ-юстиция борасидаги тасаввурим жуда хира бўлиб, яшашимга мутлақо ҳалал бермасди.

Аммо ўша кундан хотирамда битта қиёфа – айбланувчи қиёфаси маҳкам жойлашиб қолди. Ўйлайманки, у чиндан ҳам айбдор эди, аиби нималиги аҳамиятсиз. Лекин малла сочи сийрак, ёши ўттизлар чамаси бу одам ҳаммасини бўйнига олишга тайёр, ўзи қилган ишдан ва энди ўзига нима қилинишидан шундай самимий даҳшатга тушган кўринардики, бир неча дақиқадан кейин мен фақат уни, унинг ўзинигина кўриб турардим. У нима учундир бирдан ярқ этган ёруғликдан чўчиб кетган бойўғлини эслатарди. Галстутининг тугуни сурилиб, ёқасининг тагида йўқолган. У доим тирноғини чайнар, фақат биттасини, ўнг қўлидаги бир бармоғини... Қисқаси, гапничувалатмай, эҳтимол, сиз нима демоқчилигимни тушунгандирсиз – у тирик эди.

Мен бўлсам, мен бирдан шу чоққача у ҳакда фақат бир жуда ўнгай нуқтаи назарда – фақат «айбланувчи»га қарагандек ўйлаётганимни сезиб қолдим. Шу топда отамни батамом унутдим, деб айтолмайман, аммо нимадир ичимни эзиб юбордики, ҳар қанча истамай, кўзимни судланувчидан ололмай қолдим. Кулогимга қариyb ҳеч нарса кирмас, мен бу ерда тирик одамни ўлдирмокчи бўлаётгандарини ҳис қилас ва тўлқин каби қайтариб бўлмайдиган аллақандай инстинкт мени ўзига тортиб кетар эди. Отам қоралов нутқини бошлаганда ўзимга келдим.

Қизил прокурор ҳирқасида ўзига ўжшамаган, мен билган хушфеъл, очиккўнгил отамдан бошқа бир одам оғзидан худди илондай биланглаб чиқаётган бақироқ сўзларни уймалаб ташлаётган эди. Менунинг жамият номидан бу одамга ўлим жазоси сўраётгани, боз устига – бошини танасидан жудо этишни талаб қилаётганини тушуниб қолдим. Тўғри, у фақат: «Бу бош қулаши керак», – деди. Лекин уларнинг фарқи айтарли эмас. У ҳақиқатан ҳам шу бошни қўлга киритган эканми, униси ҳам, буниси ҳам бир бўлиб

чиқади. Энг охиридаги ишни ўзи қилмайди, холос. Қозибозликни сўнгги сўзигача тинглаб ўтирган мен эса ўзимнинг бу баҳтиқарога телбаларча кучли яқинлик билан боғланиб қолаётганимни ҳис қилдим, бундай яқинлик отам билан ўртамиизда ҳеч қачон бўлмаган эди. Отам эсамавжудтартибларга мувофиқ, одоб билан жиноятчининг «охирги дақиқалари» деб айтиладиган, аслида қотилликларнинг энг расвоси деган атоқقا лойиқ қатлда қатнашиши керак эди.

Шу кундан эътиборан Шекспирнинг кўрсаткичини кўрсам, нафратдан қалтираб кетадиган бўлдим. Шу кундан, айни пайтда даҳшатга тушиб, суд-адлияга қизиқдим, ҳукмикушлар, қатларга қизиқдим ва алланечук телбалик билан, отам шундай кунлари жуда эрта саҳар турган эканми, вазифасига мувофиқ, буларнинг кўпиди иштирок этган, деган фикрга ёпишиб олдим. Ҳа, ҳа, шундай вазиятларда у қўнфироқсоатни тўғрилаб қўярди. Мен бу ҳақда онам билан гаплашишга ботинмадим, аммо унга зидан қараб юриб тушундимки, ота-онам бир-бирига бегона ва онамнинг ҳаёти тамом ўзини қурбон этишдан иборат экан. Шунинг учун онамни, ўша пайлари айтганимдек, енгил тортиб кечирдим. Кейин билсан, унинг кечиришга ҳам арзийдиган ёзиги йўқ, чунки турмушга чиққунча бутун умри қашшоқликда ўтган, айни шу қашшоқлик уни мўмин-қобилликка кўниктирган экан.

Сиз, эҳтимол, ўша заҳотиёқ ота-онамницидан чиқиб кетдим, деган гапни эшитаман деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, мен уйда анча, яна бир йилча турдим. Аммо юрагим сиқиларди. Бир куни тунда отам онамдан қўнфироқсоатни сўради, чунки эртага жуда барваҳт туриши керак экан. Мен кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Эртаси куни, отам келгандан сўнг мен уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Қўшиб қўяй, отам мени излаб топди, мен у билан кўришдим, аммо очиқчасига гап-

лашиб олиш бўлмади: мен хотиржам туриб, агар мени куч билан уйга қайтаришга уринса, ўзимни ўлдиришимни айтдим. Охир-оқибат, у ён берди, чунки кўнгли юмшоқ эди, бутун бошли маъруза ўқиди, орада менинг ўз бошимча яшаши истагимни жиннилик, деди (у уйдан чиқиб кетишими шундай изоҳлади, мен ҳам, албатта, унинг фикрини ўзгартириб ўтирмадим), менга минг хил маслаҳат берди ва чин кўнгидан йиглаб юборишдан ўзини зўрга ушлади. Шу сухбатдан кейин узоқ вақт бадалида канда қилмай онамни кўришга борар ва отамни ўша ерда учратар эдим. Шундай ўзаро муносабат уни тўла қониқтирган деб ўйлайман. Шахсан унга қарши ёмонлигим йўқ, фақат кўнглим оғриб юрарди. У вафот этгандан сунг онамни ёнимга олдим, агар ўлмаганида шу пайтгача мен билан яшаётган бўларди.

Мен бошламани фақат шу учун чўздимки, бу чиндан ҳам ҳаммасининг бошланиши эди. Бу ёрини қисқароқ айтаман. Ўн саккиз ёшимда, шунгача йўқчиликда яшаб, қашшоқдикни билдим. Кун ўтказиши учун нима ишларни қилиб кўрмадим. Тасаввур қиласизми, омадим ҳам юришиб қолди. Бироқ мени битта нарса – ўлим ҳукмлари қизиқтиради. Мен ўша малла бойўғлининг қарзини узишни истардим. Табиийки, мен, ҳозир урф бўлгандек, ўзимни сиёсатга урдим. Шунчаки, мен вабо юқтиришни хоҳламасдим, шу, вассалом. Ўзим яшаётган жамият ҳукмикушларга асосланган, унга қарши чиқсан, бинобарин, шу йўл билан қотиликка қарши кураш очган бўламан, деб ўйлардим. Мен шундай ўйлардим, менга бошқалар ҳам шундай деб айтардилар ва бу, истасангиз, керагича ҳаққоний ҳам. Шу тариқа мен ўзим яхши кўрган, ҳозир ҳам яхши кўрадиганларим қаторига кирдим. Мен улар билан узоқ вақт бирга бўлдим ва Оврўпада мен курашларда иштирок этмаган бирорта мамлакат қолмади. Бунисига ҳам майли...

Турган гап, вазият тақозоси билан биз ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинишимизни билардим. Аммо менга ҳеч ким ўлдирилмайдиган дунё барпо этиш учун шу бир нечта ўлим зарурат, деб уқтирадар эдилар. Маълум даражада бу ҳақиқат, аммо мен бунақа ҳақиқатлар томонида туришга қобил эмасман шекилли. Фақат бир нарса шаксиз – бу ҳам менинг иккиланишим эди, холос. Аммо малла бойўғли эсимга тушарди ва мен шу тариқа яшайвердим. Қатл этишда шахсан ўзим қатнашган кунгача (бу Мажористонда бўлган) ўша бир вақтлар кўзимни ёшга тўлдирган телбалик катта эркак ёшимда ҳам изтиробга солиб турди.

Сиз одамни қандай отишларини ҳеч кўрганмисиз? Э, йўқ, у ерга маҳсус таклифномасиз кириб бўлмайди, томошибинлар ҳам аввалдан тайёрлаб қўйилади. Оқибатда сиз бу ҳақда сувратчалару китобий тасвирлар билан овunasиз. Кўзда ниқоб, устун ва олисроқда бир нечта аскар. Кошки шундай бўлса! Мутлақо бошқачалигини, аскарий даста отиладиган одамдан бир ярим метр берида саф тортишини биласизми ўзи? Биласизми, ҳукм этилган одам агар бир қадам кўйса, кўкраги билан милтиқнинг оғзига қадалишини? Биласизми, шу жуда яқин масофадан юракни нишонга олиб ўт очилади, ўқлар йирик бўлгани учун тешиб чиққан жойига одамнинг муштуми сиғади? Йўқ, сиз буларни билмайсиз, чунки бунақа тафсилотлар ҳақида гапириш мумки эмас. Одамнинг уйқуси вабога йўлиққанларнинг ҳаётидан муқаддасроқ. Ҳалол одамнинг уйқусини бузиш керак эмас. Бу тахир мазани билдиради, маза эса айни шу – ҳеч нарсадан изтироб чекмасликдан иборат, бу ҳаммага маълум. Аммо ўшандан кейин ёмон ухлайдиган бўлиб қолдим. Тахир маза оғзимда қолди, изтироб чекишни, бошқача айтганда, ўйлашни бас қиломадим.

Ана шунда мен йўқ деганда шу узоқ йиллар бадали қандай вабо теккан бўлса, шундай қолганим ва ўзим айни шунга қарши курашяпман, деб дилдан ишониб келганимни англадим. Билвосита бўлсада, минглаб одамларни ўлимга ҳукм этганим ва ўлимни муқаррар келтириб чиқарадиган ҳаракат ва тамойилларни маъқуллаб, ҳатто унга кўмаклашиб юрганимни билиб қолдим. Бошқаларни, афтидан, бу аҳвол ҳеч хижолатга солмайди ёки ҳарқалай, бу ҳақда ўз ихтиёрларича гап очмайдилар. Мен эса худди томоғимга тиқилиб қолгандай туйғу билан яшардим. Мен улар билан бирга ва айни пайтда ёлғиз эдим. Мен ўз изтиробларим ҳақида гап очиб қолсам, улар тубини кавлаш ярамайди деб, ўша заҳоти томоғимга тиқилиб қолган нарсани ютиб юборишга кўмак берадиган, керагича таъсирчан далилларни рўкач этишар эди. Аммо мен вабо текканларнинг энг каттаси – бу ўзларини қизил ҳирқага ўраб олганлар, бундай ҳолатларда улар ҳам жуда ишонарли далиллар келтирадилар, агар мен майда вабо текканларнинг шароит тақазо этган ва фавқулодда далилларини тан олсам, унда каттларининг далилларини ҳам қайтаришга ҳаққим йўқ, деб эътиroz билдираман. Бунга улар қизил ҳирқалилар далилларини тан олишнинг яхши йўли – ҳукмикуш чиқаришда алоҳида ҳуқуқни уларнинг ўзида қолдиришdir, деб айтадилар. Аммо мен ичимда, башарти бир марта ён берсам, умуман чеки қаерда ўзи, деб ўйлардим. Афтидан, инсоният тарихи менинг ҳақдигимни тасдиқлади, ҳозир ким ўзарга ўлдирадилар. Ҳамма қотиллик жунунига тутқун, бошқача йўл тута олмайди ҳам.

Билмадим, бошқалар қандай, лекин шахсан мен бу мулоҳазалардан келиб чиқмайман. Мен учун ҳамма гап ўшаmallа бойўғлида, ифлос, вабо теккан оғизлар кишан урилган одамга унинг ўлишини

маълум этишлари ва у ниҳоясиз узун тунлар ўзини ўлдиришларини кутгандан кейин, уни албатта саранжому саришта қилиб ўлдиришларида эди. Билмадим, бошқаларга қандай, аммо мен учун ҳамма гап кўкракда очилиб қолган ўша тешикда эди. Мен бу мудҳиш қассобликни ёқладиган далилларнинг ҳеч қандайига, эшитяпсизми, ҳеч қандайига қўшилмайман, деб ўзимга сўз бердим. Ҳа, мен то кўзим очиладиган кун келгунча бу қайсар кўрлика туравераман, деб ихтиёрий танладим.

Ўшандан бери ўзгарганим йўқ. Мен купдан бери, гарчи билвосита бўлса-да, гарчи яхши ниятларда бўлса-да, ўзимнинг ҳам қотил эканимдан номус қиласман, ўлгудек номус қиласман. Вақти келиб ҳатто энг яхши одамларнинг ҳам бутунги кунда ўз кўллари ё бошқаларнинг кўллари билан қилинадиган қотилликдан ўзларини тия олмасликларини, чунки уларнинг ҳаёт мантиfi шундай эканини ва бу дунёда ҳеч биримиз ўлим келтирадиган ишора қилиб кўйишдан сақлана олмаслигимизни анграб етдим. Ҳа, мен илгариgidек ўзимдан номус қиласар, биз ҳаммамиз вабо теккан маразиятда яшаётганимизни билар ва шу боис тинчимни йўқотган ҳам эдим. Ҳатто ҳозир ҳам ҳаловат ахтараман, уларни, ҳеч бирига ашаддий душман бўлмасликка интилиб, тушунишга уринаман. Мен вабо теккан бўлмаслик учун нима қилиш кераклигини биламан, фақат шу йўл билангина осойишталик ўрнатилишига, бунга-да илож топилмаса, имонли кетишга умид этиш мумкин. Мана, қайси йўл билан одамларнинг дардини енгиллатиш, уларга нажот бериш, бунингchorasi бўлмаса, жилла қурса, уларга мумкин қадар камроқ зулм кўрсатиш ва ҳатто баъзан жиндай яхшилик қилиш мумкин. Мана, нима учун, бевосита боғланмаса-да, яхши ёхуд ёмон далиллар билан ўлимга олиб борадиган ҳамма нарсани рад этишга қарор бердим.

Дарвоқе, мана, нима учун бу эпидемия менга ҳеч қандай янгилик очмади, агар сиз билан елкама-елка туриб, унга қарши курашиш кераклигини айтмаса. Менга ҳар бир одам уни, яъни вабони, олиб юриши миридан сиригача маълум (кўриб турибсизки, Риэ, мен ҳаётни унинг ҳамма куриницларигача яхши биламан), зеро, бу дунёда вабо тегиб ўтмаган бирорта одам йўқ, ҳа-ҳа, топилмайди. Шунинг учун ҳам тасодифан бировнинг юзига нафас тегизиб, унга мараз юқтириб қўймаслик учун одам мунтазам ўзига қараб юриши керак. Чунки микроб – нимадир табиий нарса. Қолган ҳаммаси: соғлик, виждон, истасангиз, ҳатто покизалик ҳам – буларнинг ҳаммаси ирода, тин олмайдиган ирода маҳсулидир. Ҳалол, ҳеч кимга мараз юқтирумайдиган одам – айни шу бир дақиқага ҳам бўшашишга йўл қўймайдиган одамдир. Алаҳсимаслик учун, Риэ, қанчалар ирода ва асаб керак бўлади! Ҳа, Риэ вабо теккан бўлиб юриш жуда толиқтиради. Аммо ундай бўлмасликка интилиш баттар толиқтирасли. Мана, нима учун ҳамма аён чарчаган, чунки бугунда ҳаммага вабо теккан. Лекин худди шунинг учун ҳам вабо теккан ҳолатда яшашни истамайдиган ўша озгина одамлар ўзларини тамом толиқтириб қўйганларки, уларни ушбудан фақат ўлимгина халос этиши мумкин.

Энди мен мана шу дунё учун ҳеч нарсага арзимаслигимни ва ўлдиришдан воз кечган пайтимдан бошлаб, ўзим ўзимни узил-кесил қувғинликка ҳукм қилганимни биламан. Тарихни энди бошқалар қиласди. Мен яна, афтидан, бу бошқаларни суд қилишга ярамаслигимни ҳам биламан. Соҳибтаъмиз қотил бўлиш учун менда шунчаки яна қанақадир сифатлар етишмайди. Бинобарин, бу фазилат эмас. Аммо энди мен қандай бўлсан, шундайлигимга кўндиним, камтарликни үргандим. Мен фақат сайёрамизда фалокатлар, қурбонлар мавжуд ва имкон

қадар фалокат тарафини олмасликка уриниш керак, деб ҳисоблайман. Фикрларим сизга жуда юзаки туюлар деб қўрқаман, юзакими йўқми, билолмадим, аммо уларнинг ҳақиқатлигини биламан. Мен ҳар хил мулоҳазаларни шунча кун эшитдимки, ўзимнинг ҳам бошим айланиб кетаёзди, охир-оқибат, битта нарсани – одамларнинг ҳамма баҳтсизлиги уларнинг аниқ қилиб гапиролмаслигидан келиб чиқишини англадим. Мана, айтаман: фожиа ва қурбонларгина мавжуд, бошқа ҳеч нарса. Агар шундай деб, ўзим ҳам фожиага айланадиган бўлсан, бунда, ҳеч деганда, мендан розилик сўралмайди. Мен бегуноҳ, қотил бўлишга ҳаракат қиласман. Кўриб турибсизки, даъволарим унча катта эмас.

Албатта, учинчи тоифа, ҳақиқий ҳакимлар тоифаси бўлиши керак, аммо бундайлари кам учрайди, афтидан, бу жуда ва жуда мушкул савдо. Мен мана шу боисдан ҳар қандай ҳолатда ҳам, фожианинг кўламини озгина бўлса-да чеклаш учун қурбонларнинг ёнини олишга қарор бердим. Қурбонлар қаторида турганимдан сўнг, учинчи тоифага йўлни пайпаслаб кўришим, бошқача айтганда, ярашувга келишим мумкин».

Тарру жумлани якунлаб, оёқдан-оёққа оғирлигини ташлади, пошнаси билан айвон полини секин тақиллатди. Орага жимлик чўқди, кейин ҳаким ўтирган жойида қаддини ростлади ва Таррудан ярашувга келиш учун қайси йўлни танлаш ҳакида тасаввурингиз борми, деб сўради.

– Ҳа, бор – ҳамдардлик.

Олис-олисдан санитария машинасининг икки марта чинқирган овози эшитилди. Бўлак-бўлак гурлаб турган товушлар шаҳар канорасининг қаерибадир, тошлок дўнглик тарафда яхлит бир гулдиросга айланди. Қарийб бир вақтда икки марта, ўқ товушига

үхшаган пақиллаш эшитилди. Риэ маёқнинг икки марта чақнаганини санади. Шамол кучланди ва шу лаҳзада денгиздан шур ис келди. Энди қояларга ўрлаётган тўлқинларнинг бўғиқ ингроби аниқравшан эшитила бошлади.

– Аслини олганда, – деб жўнгина айтди Тарру, – мени фақат бир нарса – қандай авлиё бўлиш қизиқтиради.

– Лекин сиз Худога ишонмайсиз-ку.

– Тўғри. Ҳозир мен учун битта аниқ масала бор – Худосиз авлиё бўлиш мумкинми, йўқми.

Бирдан қичқириқлар эшитилаётган ёқда ёруғ нур чақнади, шамол қанотида ноаниқ гулув шовқини етиб келди. Нур ногаҳонда ўчди, фақат ҳув ёқда, охирги айвон қояга қапишган жойда ингичка қизғиши тасмагина қолди. Шамол эпкини бу ёққа оломоннинг аниқ-тиник қичқириғи, кейин отишма шовқини ва ғазабнок ўкирикни олиб келди. Тарру чўзилиб қулоқ тутди. Яна ҳаммаси босилди.

– Яна дарвоза олдида ур-тўполон.

– Тамом ҳам бўлди.

Тарру, бунақалари ҳеч қачон тамом бўлмайди, яна қурбонлар берилади, чунки воқеаларнинг мантиғи шундай, деб гудранди.

– Эҳтимол, – деб унга қўшилди ҳаким, – аммо ўзингиз ҳам биласиз, мен ўзимни авлиёлар билан эмас, кўпроқ енгилганлар билан бирга деб биламан. Авлиёлик ва қаҳрамонлик мазасини билишдан бебаҳра бўлсан керак, деб ўйлайман. Менга битта нарса – одам бўлишдан муҳими йўқ.

– Ҳа, иккаламиз ҳам бир нарсани ахтаряпмиз, фақат менда баланд даъволар йўқ.

Риэ Тарру ҳазиллашяпти, деб ўйлади ва бошини кўтариб унга тикилди. Аммо осмондан қуйилаётган хира ёруғда унинг маъюс, жиддий юзини кўрди. Яна шамол турди, Риэ унинг илиқ нафасини бутун вужуди билан ҳис қилди. Тарру бошини силкитди.

– Биласизми, дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун нима қиласиз?

– Сизга нима маъқул бўлса, менга ҳам шу.

– Кетдик, денгизда чўмиламиз. Бундай роҳат ҳатто бўлғуси авлиёларга ҳам ярашади.

Риэ жилмайди.

– Суқутларимиз бор, тўғонга осонгина ўтамиз. Охир-оқибат, нуқул вабони ўйлаб яшаш ҳам аҳмоқлик. Албатта, одам қурбонлар тарафида туриб курашиши керак. Аммо унинг кураши фақат шу бўғовда қолаверса, унда курашиш чикора.

– Бўлти, кетдик, – деди Риэ.

Машина бир неча дақиқадан сўнг бандаргоҳ қопқалари олдида тўхтади. Ой чиққан эди. Осмон тоқини сут-оқиши губор қоплаган ва соялар ҳам оқиш, хира кўринади. Орқада шаҳар ястанган, унинг касалманд қайноқ нафаси уларни денгизга томон итараарди. Улар суқутларини посбонга тутдилар, у эса суқутларни кўлида узоқ айлантириди. Ниҳоят йўл бўшатди ва улар қандайдир бочкалар қалашган, шароб ва балиқ иси анқиётган майдончалар оралаб, тўғонга юрдилар. Бир неча қадамдан сўнг йод ва йўсин ҳиди дентиз яқин қолганини билдириди. Шундан кейингина унинг ўзи эшитилди.

У улкан тош камарлар пойида сокин шилдирар эди, улар яна озгина кўтариғанларидан кейин қаршида баҳмалдек қуюқ, йиртқичнинг елкасидек йилтироқ ва илдам денгиз юз очди. Улар юзаси денгизга қараган қоя тошни танладилар. Тўлқинлар сокин қабариб келади ва яна ортга чекинади. Бу осойишта нафасдан сув юзида мойли шуълалар чайқалиб, яна йўқолади. Қаршида эса бепоён фира-шира кенглик ястанган. Кафтлари тагида қоятошнинг чутир юзини ҳис қилган Риэ қанақадир гаройиб бир баҳт оғушига чўмаётганини туйди. Тарруга ўгирилиб, дўстининг жиддиятли босик

юзида ҳеч нарсани, ҳатто ўлимни ҳам унутмайдиган айни шу бахт ифодасини ўқиди.

Улар ечиндилар, сувга биринчи Риэ тушди. Сув аввалига жуда яхдек туюлди, лекин сузгандан сунг бадани қизиди. Бир неча қулоч сузгандан сўнг, у энди бугун кечкурун дengiz сувнинг ердан ёз бўйи олиб жамлаган бор ҳароратини тортиб олган ўша бошқача кузги иссиқлиги билан илиқ эканини билди. Сувга урилаётган товонларидан кўпик шудгори қайнаб чиқар, сув билакларидан сирғаниб, оёқларига жипс суйкалар эди. Ортидан вазмин шопиллаш эшилганда, Риэ Тарру ҳам ўзини сувга ташлаганини билди. Риэ чалқанча чўзиидида, тепасида ой ва юлдуз тўла осмон гумбазига қараганча, қимириламай ётди. Бақувват кўллар ҳаракатидан чиқсан шопиллаш янада яқинлашди, тун сукунати ва танҳолигида ажойиб бир аниқлик касб этди. Тарру яқинлаб келди ва сал ўтмай ҳаким унинг ҳаллослашини эшилди. Риэ қорнига айлантида, дўстининг ёнида бир маромда сузишга ўтди. Тарру илдамроқ сузар экан, ҳаким зўр беришга мажбур бўлди. Улар бир неча дақиқа бутун дунёдан узокда, ниҳоят шаҳар вабодан озод, икковлон ёлғиз, бояги бир маромда, бояги кенг қулочкашлаш билан сузиб кетишли. Биринчи Риэ чарчади, иккови ортга қайтиб, секин қирғоқча сузишли; фақат йўлларини совуқ оқим кесиб ўтгач, дengiz уларга ҳозирлаб турган кутилмаган совгадан таъсирланиб, ҳаракатни тезлаштирилар.

Улар индамай кийинишли ва индамай уйга қайтишли. Аммо уларнинг юраклари бир-бирига тутинган ва бу кечанинг хотираси азиз бир нарсага айланган эди. Ҳали узокда вабо посбони кўзга чалинганда Риэ ҳозир Таррунинг ҳам худди ўзидек – касаллик бизни эсдан чиқарди, бу қандай яхши, энди яна қайтадан ишга киришишга тўғри келади, деб ўйлаётганини англади.

Ҳа, яна ишга киришиш керак, вабо ҳам ҳеч кимни узоқ вақт унугиб қўймайди. У бутун декабр ойи ҳамтабааларимизнинг кўкрагида алангаланди, крематорий печларини ёқиб турди, лагерларни бекорчи кўланкаларга тўлдирди, хуллас, доим бир текис калта сакраб, бардош билан олға бораверди. Шаҳар ҳокимияти совуқ бу сакрашни тўсар, деб изғиринли кунларга умид боғлади, аммо вабо қишининг биринчи синоатидан ҳам безиён ўтиб кетаверди. Яна кутишга тўғри келди. Аммо қачонки узоқ кутсанг, умуман кутмай қўясан, бутун шаҳримиз келажакни кутмай яшаётган эди.

Риэ ҳакимнинг чекига тушиб қолган қисқагина дўстлик ва осойишталик лаҳзасининг эртаси йўқ эди. Яна бир лазарет очдилар, энди Риэ фақат у ёки бу касал билангина ёлғиз қола оларди. Аммо у ўлат тез-тез ўпка вабоси шаклида учраётганидан бери касалларнинг ҳакимга гўё ёрдам беришга интилаётганинни фахмлади. Агар биринчи кунлари касаллик сўлғинлик ҳолати ё жунбишга тушиш билан белгиланган бўлса, энди пациентлар ўзларига нима кор қилишини тушунган ҳолда, азобларини нима енгиллатса, шуни сўрашга ўтдилар. Масалан, улар тинмай сув сўрар ва беистисно ҳамма ўзини иссиқقا урар эди. Риэ ҳаким илгаригидек чарчоқдан оёқда зўрга юрса-да, ҳарқалай, бу янги вазиятда ўзини илгаригидек ёлғиз сезмай қолди.

Бир куни, декабр охирларида ҳаким ҳалигача лагерда ётган терговчи жаноб Отондан хат олди; хатда унинг карантин муддати аллақачон тутагани, аммо бошлиқ унинг карантинга тушган санасини ҳеч рўйхатдан тополмаётгани, бинобарин, бу ерда ўзининг ноқонуний тутиб турилгани айтилган эди. Унинг яқинда карантин муддатини тамомлаб чиқсан хотини волийликка арзга борган экан, у ерда ғазаб қилиб, бизда хато бўлмайди, деб қайтаришибди. Риэ

Рамбердан бу ишни тўғрилашни сўради ва бир-икки кундан кейин ҳакимнинг уйига жаноб Отоннинг ўзи кириб келди. Чиндан ҳам, хато ўтган экан, Риэ ҳатто бир оз аччиқданиб ҳам олди. Аммо олдингидан ҳам ориқдаб кетган жаноб Отон ланж кўл силтадида, ҳар сўзини дона-дона қилиб, ҳамма адашиши мумкин, деди. Ҳаким ўзича терговчининг нимадир томонга ўзгарганини сезди.

– Терговчи жаноблари, энди нима қилмоқчисиз? Сизни иш кутиб ётибди, – деди Риэ.

– Ҳеч нарса қилмоқчи эмасман, – деди терговчи. – Татьилга чиқсан деб турибман.

– Тўғри, тўғри, дам олсангиз, ёмон бўлмасди.

– Йўқ, бу учун эмас. Мен лагерга қайтсамми дейман.

Риэ ҳайронлигини яшиrolмади.

– Ҳозиргина ўша ёқдан чиқиб келяпсиз-ку!

– Мени унча тушунмадингиз. Менга бошлиқлар ўша лагерга кўнгиллilarни ёллашяпти, деб айтишди.

Терговчи думалоқ кўзларини ўнгдан чапга фидиратди-да, чаккасида тикрайган сочини текислаган бўлди.

– Мени тушунсангиз дейман. Биринчидан, ўзимга машғулот бўлади. Иккинчидан эса, эҳтимол, гапим сизга нодонлик бўлиб туюлар, аммо у ёқда ўғлимдан айрилганимнинг қийноғи бир оз енгиллашади.

Риэ терговчига бир қараб олди. Қаттиқ, ҳеч нарсани ифодаламайдиган бу кўзларда илкис меҳр чақнаган бўлса эҳтимол.

– Албатта, сиз шуни хоҳласангиз, мен ишингизга қарашаман.

Дарҳақиқат, ҳаким жаноб Отоннинг иши борасидаги ташвишларини ўз зиммасига олди ва вабо теккан шаҳарнинг турмуши Рождествогача ўз ма-ромида кетаверди. Тарру илгариғидек ҳамма жойда кўринар ва унинг ҳамишаги осойишталиги одамларга

малжамдек таъсир қиласыр эди. Рамбер ҳакимга акаука посбонлар ёрдамида хотини билан хуфия алоқа боғлаганини айтди. Ҳар замон-ҳар замонда хабар келиб тураган экан. У ҳакимга ҳам ўз танишларидан фойдаланишини таклиф қылды, Риэ рози бүлди. Үзоқ ойлардан бери биринчи марта құлиға қалам олди, аммо ёзиши жуда қийин кечди. Лугатидан нималардир йүқөлиб кетган эди. Хат жүнатилди. Аммо жавоби ҳаяллади. Бу орада Коттарнинг мишишти юришган, фирибкорларидан бойиб кетаётган эди. Лекин, мана, Гранга Рождество таътиллари омад келтирмади.

Бу йилги Рождество евангелие ҳайитидан күра, күпроқ дүзах байрамига ўхшаб қолди. Ҳеч бир нарса бурунги Рождество ҳайитларини эслатмас – дўконлар ёритилмаган, ойналарда ясама шоколадлар, трамвайларда бадқовоқ қиёфалар кўринарди, холос. Оддинлари бу ҳайит ҳаммани, бойни ҳам, гадони ҳам бирлаштиради, энди факат имтиёзли зотларгина энг зарурий нарсаларни ифлос дўкончаларнинг орқа эшигидан кутурган нархда топиб, байрам дастурхонининг уятли зиёфатини одамлардан бекитиқча тотиб кўрап эдилар. Ҳатто черковларда ҳам шукрони ибодат сўзлари йиги-сиги остида қолиб кетди. Факат тепаларида таҳдид қилаётган хавфни ҳали тушунмайдиган болаларгина қаҳратон қисган ҳасратзада шаҳар кўчаларида шўхлик қилардилар. Аммо ҳеч ким уларга Худони, вабогача бўлган чексиз саховатли, башар қайғусидек қадимий, навқирон умиддек мангу янги Худойимни эслатиб қўймади. Кўнгилларимизда факат жуда қадимий ҳасратзада умидга, одамларнинг ўлимни итоат илиа бўйнига олишига халал берадиган ўша умидга, энди умид ҳам эмас, балки ҳаётта қайсарлик билан ёпишиб олишгагина жой қолган эди, холос.

Кечаки Гран белгиланган вақтда келмади. Риэ хавотир олди ва эрталаб барвақт унинга кирди, уйидан тополмади. У ҳаммани оёққа турғизди. Соат ўн бирларда Рамбер лазаретга келди ва Риэга Гранни узоқдан куриб қолгани, аммо унинг ғамгин бир ахволда ўтиб кетганини айтди. Рамбер уни кўздан қочириб қўйибди. Ҳаким билан Тарру машинага ўтириб, уни қидириб кетдилар.

Тушда, совуқ бир маҳал Риэ машинадан тушаётуб, кўпол йўнилган ёғоч ўйинчоқлар турган дўкон ойнасига қарийб қапишган Гранни кўриб қолди. Кекса хизматчининг юзини кўз ёшлари юваётган эди. Бу қуйилаётган кўз ёшларни кўрган Риэнинг ичи ачишиб кетди, у кўз ёшлар сабабини фаҳмлади ва ўзининг ҳам томоғига йифи тикилди. У ҳам Граннинг худди шундай безатилган ойна олдиаги кичик тўйи ва бошини орқага ташлаб, баҳтлиман, деган Жаннани кўз олдига келтирди. У олис йиллар қаъридан бу ерга, умум телбалик қалъасига, Грангача Жаннанинг товуши етиб келаётганига шубҳа қилмади. Риэ йиглаётган бу чоннинг нимадан изтироб чекаётганини биларди ва унинг ўзи ҳам дунёмиз севгисиз – ўлик дунё, муқаррар шундай соат келадики, қамоқлар, ишлар ва жасоратлардан чарчаб, юракни меҳр ила юмшатиш учун хотирангда азиз сиймони тиклашга муштоқ бўласан, деб ўйлади.

Аммо Гран унинг ойнага тушган аксини кўриб қолди. У кўз ёшларини ҳам артмай ўтирилди, ойнага елкаси билан суюниб, яқинлашаётган Риэга мўлтиради.

– Ўҳ, ҳаким, ҳаким, – деб такрорлади у.

Риэ бир оғиз ҳам гапиролмади, чолга далда бермоқ ниятида мулоим бош иргаб қўйди. Бу умидсизлик унинг ҳам умидсизлиги эди, унинг кўнглини ҳамма одамлар учун умумий изтиробга дуч келган одамни қамраб оладиган жиловсиз бир ғазаб остин-устин қилиб юборди.

— Ҳа, Гран, — дея олди у.

— Мен унга хат ёзишга улгурсам дегандим. У билса... виждан қийноғини билмай, баҳтли яшаса бас эди.

Риэ ҳатто алланечук қаҳр билан Гранни ойнадан узуб олди. У қандайдир на боши, на охири бор жумлаларни фўлдирашдан тинмай, итоат билан ўзини судрашга қўйиб берди.

— Жуда чўзилди бу — бошқа қаршилик қилишга ҳол қолмади, энди нима бўлса бўлар! Менинг фақат сиртим хотиржам. Аммо фақат рисоладагидек куриниш учун ақлга сифмайдиган уринищда юраман. Аммо энди сабрим битди.

У тўхтади, аъзои бадани қалт-қалт титраб, Риэга телба қарааш қилди. Риэ унинг қўлидан тутди. Қўли ёнаётган эди.

— Қани, уйга кетдик.

Гран унинг қўлидан чиқиб кетиб, қочишга тушди, аммо бир неча одим югуриб, шарт тўхтади, қўллари ни хоҷдек кериб, орқа-олдига тебрана бошлади. Кейин бир буралиб, муз қоплаган йўлакка йиқилди, кир теккан юзида ҳали ҳам дув-дув кўз ёш оқаётган эди. Ўткинчилар уларга узокдан қараб, яқинроқ келишга ботинмай тўхтаб қолдилар. Риэ Гранни машинагача кутариб боришга мажбур бўлди.

Тўшакка ётқизганларидан кейин Граннинг нафаси сиқа бошлади: унинг ўпкасига зиён етган куринади. Риэ ўйга ботди. Граннинг қариндошлари йўқ. Уни лазаретга жўнатиш на ҳожат? Шу ерда, уйида ётаверсин, Тарру унга қараб туар...

Граннинг боши ёстиқقا чукур ботган, юзи кўкимтири тусга кирган, нигоҳлари сўник эди. У Тарру эски қутини бузиб ёқсан печкадаги нимжон алангага кўз узмай тикилиб олди. Нукул: «Иш чатоқ», — деб қайтарарди у. Айтилган ҳар бир сўз билан бирга ўт куйдираётган ўпкасидан қанақадир ғалати

ҳирқироқ отилиб чиқар эди. Риэ унга жим бўлишни буюрди ва ўзи кейинроқ кириб ўтишини айтди. Чолнинг лаблари ғалати табассумда қийшайган, айни пайтда юзи меҳр билан товланар эди. У ҳакимга базур кўз қисди: «Агар қутулиш насиб этса, дўппи осмонда, ҳаким!» Аммо шу заҳоти сўлгин аҳволга тушди.

Бир неча соатдан кейин Риэ билан Тарру яна Гранникига келдилар, у ёстиққа елкасини бериб чўзилган экан, ҳаким касалликнинг шунчагина қисқа вақтда нималар қилганини кўриб кўрқиб кетди. Аммо ақлу хуши жойига келибди шекилли, Гран аллатовур нотабиий товушда кутида ётган қўлёzmани олиб беришни сўради. Тарру унга қорозларни узатди. Гран қоғозларга қараб ҳам қўймай, бағрига босди, кейин ҳакимга узатди ва овоз чиқариб ўқишига имо қилди. Қўлёzма унча катта эмас, эллик саҳифача эди. Ҳаким уларни варақлади ва саҳифаларнинг ҳаммаси биттаю битта жумла, унинг ниҳоясиз, гоҳ ундей, гоҳ бундай, баъзан чўзиқ ва гўзал, баъзан қисқа ва гарибона намуналари билан тўлдирилганини кўрди. Сал ўзgartирилган, сал тузатиш берилган яккаш май ойи, Булон ўрмони хиёбонлари. Шу жойнинг ўзида баъзан ниҳоятда узун тушунтиришлар ва яна хилма-хил нусхалари келтирилган. Лекин охирги саҳифанинг энг пастида ҳафсала билан, сиёҳининг янгилигига қараганда, яқинидагина ёзилган атиги бир неча сўз кўзга ташланди: «Менинг азиз Жаннам, бугун Рождество...» Унинг юқорисида ҳалиги жумланинг охирги намунаси ҳусниҳатда битилган эди. «Ўқинг», – деб илтимос қилди Гран. Риэ ўқий бошлади: «Гўзал май тонгида сарвқомат амазонка ажойиб тўриқ аргумоқни Булон ўрмони хиёбонида гуллар оралаб учириб кетаётган эди...»

– Хўш, қандай чиқибди? – деб сўради Гран жонини ҳовучлаб.

Риэ унга қараңға жүръят қилолмади.

– Биламан, биламан, – деб гулдиради Гран, түшакда безовта тұлғанар экан, – үзим биламан. Гүзал, гүзал, йўқ, бари бир, бошқа сўз керак.

Риэ унинг кўрпа устида ётган кўлини ушлади.

– Кўйинг, ҳаким. Менинг вақтим етмайдики...

Кўкраги қийноқ билан кўтарилиб тушди ва у бирдан бор овозида қичқириб юборди:

– Ёқиб ташланг буни!

Ҳаким иккиланиб Гранга қаради, у буйруғини шундай ёмон оҳангда, шундай азобли товушда такрорладики, Риэ итоат қилиб, варақларни қарийб ўчаётган печка оғзига улоқтириди. Лип этган аланга бир лаҳза хонани ёриштириди, сал вақт уй ичи илиқроқ бўлиб турди. Ҳаким түшакка келганда, бемор ўгирилиб, пешанасини деворга қадаб олган эди. Тарру гўё бу саҳна ўзига алоқадор эмасдек, деразага хотиржам тикилди. Беморни зардоб билан эмлаб, Риэ ўз дўстига Граннинг эрталабгача етиши гумон эканини айтди. Тарру, шу ерда бўлиб тураман, деди. Ҳаким розилик берди.

Риэ, Граннинг паймонаси тўлган экан, деб тунни минг азобда ўтказди. Аммо бу куни bemор ёнига кирган Риэ түшакда ўтириб олиб, Тарру билан лақимлашаётган Гранни кўрди. Иссиғи тушибди, кечаги хуружлардан фақат бир нарса – умумий дармонсизлик қолган эди, холос.

– Эҳ, ҳаким, – деб бошлади Гран, – бекор қилибман. Майли, начора, ҳаммасини қайтадан қиласман. Ҳаммаси эсимда турибди-ку, ахир.

– Кутайлик-чи, – деди Риэ Тарруга қараб.

Аммо қиёмга бориб ҳам bemорнинг ахволи ўзгармади. Кечга бориб нажот тингани ойдинлашди. Риэ бу ўлиқдан тирилишнинг сабабини тушунолмай қолди.

Бу ўртада, тахминан шу вақт Риэ ҳузурига яна бир bemор келтирилди, у тузалишга умид йўқ, деб

топди ва бошқа касаллардан ҳолилатишни буюрди. Ёшгина қыз алахлар, унда ўпка вабосининг ҳамма аломатлари очиқ куриниб турад эди. Аммо эрталабга чиқиб, иситмаси тушди. Ҳаким, худди Гран мисолида кўрганидек, эрталабки оддий ремиссия деб ўйлади, бу эса, у тажрибадан биладики, машъум аломат. Аммо тушга бориб ҳам иситма кутарилмади. Кечга бориб бутунлай тушди. Қыз ҳолдан тойган бўлса-да, текис, эркин нафас оларди. Риэ Таррута бу қизнинг ҳамма қоидаларга зид ўлароқ, қутулиб кетганини айтди. Бироқ ҳафта давомида Риэ яна тўртта шундай ҳодисага дуч келди.

Ҳафта охирида дамқисма чолникига кирган Риэ ва Тарру уни ниҳоятда жўшган аҳволда кўрдилар.

– Бай-бай-бай! – деб қайтарди у. – Яна тирмасиб чиқяпти.

– Ким?

– Ким эмас, каламушлар!

Апреддан бери ҳеч ким шаҳарда бирорта ҳам каламуш ўлигини кўрмаган эди.

– Наҳотки ҳаммаси яна қайтадан бошланса? – деб сўради Тарру Риэдан.

Чол завқ билан қўлларини бир-бирига ишқалади.

– Сиз уларнинг ўйноқлашини бир кўринг! Томоша қилиб тўймайсиз.

Унинг ўзи кўчадан уйга бемалол кириб келаётган иккита тирик каламушни кўрибди. Қўшнилар уларнида ҳам каламуш пайдо бўлганини айтибдилар. У ер-бу ердаги қурилишларда ҳам одамлар аллақачон унугилган чий-чий ва тўполонни эшитибдилар. Риэ умумий якун қилингандай охирги маълумотни кутиб турди – у одатда ҳафта охирида чиқариларди. Уларга қараганда, касаллик чекинаётган эди...

Бешинчи бўлум

Эпидемиянинг кутилмаганда паст ташлашига қарамай, ҳамтабааларимиз шодиёнадан тийилиб турдилар. Уларнинг озодликка ташналиги узоқ ойлар кучайиб келди, аммо айни шу муддат бадалида эҳтиёткорлик илмини ҳам пухта ўрганиб, эпидемия яқинда тўхтайди, деб кун санацдан чиқиб қолган эдилар. Лекин бу орада ҳамманинг оғзида шу янгилик, ҳарбир кўнгилнинг туб-тубида буюк, махфий бир умид бош кўтараётган эди. Қолган ҳаммаси орқага сурилди. Вабонинг янги курбонлари ҳайратомуз воқеа – касалликнинг кўрсаткичи – чизиги пастга эниши олдида қандайдир майда кўриниб қолдилар. Сиҳат-саломатлик даврини кутишнинг – уни орзу қилолганлари йўқ, лекин зорланиб хуфиёна чорлар эдилар – хўш, мазкур муштоқликни кўрсатадиган хос белгиси шунда эдики, ҳамтабааларимиз сўнгги пайлари вабодан кейинги тириклик борасида, тўғри, сиртдан бепарво, аммо ичдан жониқиб режа туза бошлидилар.

Ўтган турмуш ҳамма қулайлиги билан бирдан тикланмайди, бузишга қараганда қуриш мушкулроқ деган фикрда ҳамма яқдил эди. Шунчаки, жилла курса, озиқ-овқат масаласи енгиллашади, оғир ташвишлар лоақал биттага камаяди-ку, деб ҳисоблар эдилар. Аммо, аслини олганда, сиртдан беозоргина туюладиган бу таъкидлар замирида ёввойи умидлар жўш урар ва яна шундай жунбиш қиласардики, баъзан ҳамтабааларимиз зўрга ўзларини босиб, кутулиш ҳар қандай шароитда ҳам бирданига амалга ошмайди, деб гапириб ташлайдиган бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам, вабо бир-икки кундаёқ тингчий қолмади, аммо у барча кўрсаткичлар бўйича кутганимиздан ҳам тезроқ заифлаша борди. Январнинг биринчи кунлари биз сира кўрмаган совук тушди, худди у шаҳарни билур

гумбаз бўлиб қоплаб олгандек эди. Эртадан кечгача унинг ҳаракатсиз қотган музлоқ ҳайбат-ҳашаматидан шаҳримизга сўнмас ёғдулар қуйилиб турди. Вабо уч ҳафта бадалида бу тозарган ҳавода бир нечта поюона пастлаб, энди жуда сийраклаган ўлик жасадлар қатори билан чекланди-да, афтидан, дармони қуриди. Вабо узоқ эпидемия ойларида йикқан бор куч-ғайратини қисқа вақт ичида қарийб йўқотди. Унинг, дейлик, Гран ёки Риэнинг ёшгина мижози каби аниқ ўлимга маҳкум қурбонларини панжасидан бир-бир тушириб юбориши, бир неча маҳаллада қутурган ҳолда, қўшни маҳаллаларни тамом тарк этиши, душанба куни ўз қурбонларига ҳамла қилиб, чоршанбада эса барча жаб-ҳалардан чекинишининг ўзига қарабоқ, нафаси тикилиб, типирчилаб қолишидан бемалол унинг ишдан чиққани, чарчагани, қаерларигадир путур еттанини, ўзини бошқаролмай қолиш билан бир вақтда, ўзининг собиқ куч манбай бўлмиш ҳокимона, математик муқаррар ҳаракатчанлигини ҳам йўқотганини ишонч билан айтиш мумкин эди. Агар илгари Кастелнинг зардоби қарийб муваффакият келтирмаган бўлса, энди муваффакият устига муваффакият қозонарди. Илгари таъсирсиз чиққан ҳар қандай тиббий чора энди бехато нажот келтиради. Худди ҳозир касалликнинг ўзи қадам-бақадам қуритилаётгандек, вабонинг кутилмаган ожизлиги илгари унга қарши қўлланган ўтмас қуролни қайта чархлаб юборгандек туюларди. Вабо фақат ҳар замонда нафас ростлаб, кўр-кўrona сакраб қолар, ҳакимлар тузалишита умид боғлаб турган уч-тўрт касални олиб кетар эди. Булар умид авжланган бир вақтда вабо ўлдирган, бошқача айтганда, вабо шурпешаналари эди. Шундай қисмат, масалан, жаноб Отоннинг чекига тушди, уни карантиндан олиб кетиши ва терговчи Таррунинг чиндан омади юришмади деди, бунда терговчининг ўлиминими ё ҳаётиними – қайсини назарда тутганини ҳеч ким тушунмади.

Умуман олганда, вабо барча йўналишлар бўйича ортга чекинди, волийликнинг бошда ҳамтабаларимиз кўнглида бекитиқча хуркаккина умид уйғотган ҳисоботлари энди ғалаба қўлга киргани ва вабонинг жанггоҳларни ташлаб кетаётганига тўла ишонч уйғотар эди. Очифини айтганда, бу ҳақиқий ғалабами ёки йўқми, тасдиқлаш мушкул. Фақат эпидемия қандай келган бўлса, шундай кетаётганини қайд этиш мумкин. Унга қарши курашда қўлланган стратегия ўзгаргани йўқ, кеча самарасиз бўлган бўлса, бугун аён муваффақият келтираётган эди. Ишқилиб, касаллик ўзини ўзи адо қилди, ё, эҳтимол, мўлжалга олган ҳамма жойларга зиён етказиб, кейин чекинди деган тасаввур туғилади. Қай бир маънода, у ўз ролини йўнаб бўлган эди.

Аммо бунга қарамай, шаҳар сиртдан гўё ўзгармагандек эди. Кундузлари илгаригидек тинч ва ҳувиллаган, шомлар кўчаларда ўша-ўша оломон, дарвоҷе, энди иссиқ пальто ва бўйинбоғлар кўпайиб қолган. Кинотеатр ва қаҳвахоналарда тушум олдингидек катта. Лекин зеҳн солиб қаралса, одамларнинг юзи илгаригидек асабий, тўрсайган эмас, бирда ярими ҳатто жилмайиб ҳам қўяди. Айни мазкур ҳолат шу пайтгача кўчада кулган одам кўринмаганини қайд этишга туртки беради... Чиндан ҳам, узоқ ойлардан бери шаҳримизни чулғаган лойқа туман пардасида биринчи ёриқ шуъла кўринди ва душанба куни радио эшитган ҳар бир одам бу ёриқнинг кун-бакун кенгаяётганига ишона бошлади. Бу ҳали, шундай айтсак, ҳеч нарсада аён билинмайдиган хомаки енгиллик эди. Лекин илгари биз поезднинг жўнаши ё кеманинг келиши, ё бўлмаса, шаҳарда яна автомобиль қатновига рухсат тегиши ҳақида хабарни ишончсиз қаршилаган бўлсак, бундай хабарлар январ ўртасида ҳеч кимни ажаблантирумай қўйди. Албатта, бу ҳали кам.

Аммо, аслида, бу ўзгаришча умид йўлида ҳамтабааларимизнинг нечоғлик олға кетганларидан далолат беради. Қолаверса, яна айтиш мумкинки, аҳоли кичкинагина бир умидни папалашни бошладими, ўша дақиқадан вабо истибоди барҳам топади.

Шунга қарамай, бутун январ бадалида ҳамтабааларимиз бўлаётган воқеаларни жуда зиддиятли қабул қилдилар. Аниқроғи, шодиёна кувончдан шу заҳоти тушкунликка ўтиб турдилар. Айни шу даврда, статистика маълумотлари янада умидбахш пайтда бир неча марта қочишга уриниш қайд этилди. Бу аҳвол фақат шаҳар ҳокимиятини эмас, қоровуллик хизмати ходимларини ҳам жуда ҳайратга солди, зеро, аксар қочқинлик амалга ошаётган эди. Лекин суриштириб аниқласак, худди шу куни шаҳардан қочаётганлар табиий туйфуга бўйсунган бўлиб чиқадилар. Баъзи бирорларнинг кўнглига вабо шундай чукур ишончсизлик солиб қўйдик, ундан қутулиш даргумон эди. Энди уларга умиднинг ҳукми ўтмайди. Улар ҳатто вабо мавсуми тугагандан кейин ҳам унинг қоидалари билан яшайвердилар. Улар шунчаки воқеалардан орқада қолдилар. Аксинча, бошқа бирорларнинг кўнглида, – бу тоифага биринчи навбатда севганидан айрилганлар киради, – узоқ чўзилган узлат ва умидсизликдан кейин эсган умид шабадаси бесабр талваса ўтини пуфлади, уларни ўзларини босиб олиш имкониятидан маҳрум қилди. Уларни мақсад – манзил яқин қолганда бениҳоя севганини кўриш насиб этмай, узоқ тортган изтироблари ҳам ҳисобга ўтмай, Худо кўрсатмасин, вабодан ўлиш фикридан қарийб ваҳм босар эди. Улар ойлар ва ойлар бадалида қамоқ ҳамда қувфинликка дош бериб, қайгу ва қайсарлик билан кутиб яшаган бўлсалар ҳам, умиднинг илк шуъалари қўркув ва умидсизлик қўзғатолмаган ҳамма нарсани туб-тубигача вайрон этишга кифоя бўлди. Энди паккага

келганды вабо йўргасига мослашолмай, нима қилиб бўлса-да, ундан ўзиб қолиш учун худди ақддан озгандек, тикка отилдилар.

Аммо худди шу вақтлари ўз-ўзича некбинлик аломатлари ҳам кўрина бошлади. Масалан, нархларнинг анча пасайиши қайд этилди. Соф иқтисод нуқтаи назаридан бу силжишни тушуниб бўлмади. Озиқ-овқат танқислиги илгаригидек, шаҳар дарвозаларида ҳали ҳам карантин посбонлиги, таъминот ҳам унча яхшилангани йўқ. Демак, биз соф ахлоқий феноменда иштирок этяпмиз, гўё вабонинг чекиниши йифноқ тасвир бўлиб, ҳамма нарсада акс этаётгандек. Некбинлик айни пайтда вабогача тўп яшаган, кейин мажбуран тарқатиб кўчирилганларга ҳам қайтди. Иккала монастиримиз ҳам секин-аста олдинги аҳволига келди, биродарлар яна жамоа бўлиб яшай бошлади. Ўз вақтида лазаретга айланмай қолган казармаларга яна қайтарилиган ҳарбийлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин, улар одатдаги гарнizon турмушини давом этиришга ўтдилар. Бу икки арзимас воқеа чукур маъноли нишонага айланди.

Ҳамтабааларимиз то йигирма бешинчи январгача шундай ички тўлқинланиш ҳолатида юрдилар. Охирги ҳафтада ўлим чизиги шундай кескин пастладики, волийлик тиббий комиссия билан маслаҳатлашиб, эпидемия тўхтатилди, деб ҳисоблаш мумкин, деган хабарнома чиқарди. Тўғри, эълонда эҳтиёткорлик юзасидан, буни, шубҳасиз, оранликлар тушунади ва қўллайди, шаҳар яна икки ҳафта ёпиқ туради, профилактика тадбирлари бутун бир ой давомида ўтказиб борилади, деган қўшимча ҳам тиркалган эди. Агар бу вақт ичидагина жатарли белгилар пайдо бўлса, «келиб чиқадиган барча оқибатлари билан мавжуд ҳолатда туришга тўғри келади». Аммо ҳамтабааларимиз бу

қўшимчага ҳақиқий услуббозлик ўйини деб қарашга мойил эдилар ва йигирма бешинчи январи оқшомида бутун шаҳарни шод-хуррамлик эгаллади. Умум шодиёнадан четда қолишни истамаган волий шаҳарни вабогача бўлгандек ёритишга фармойиш берди.

Ҳа, албатта, кўтгчилик уйларда дераза қопқалари қандай ёпик бўлса, шундайича қолди ва талай оиласлар оломон кийкіриғидан зириллаб кетаётган бу оқшом бедорлигини оғир сукутда ўтказдилар. Аммо ҳали ўлганларга аза тутаётганлар кўнглида ҳам вабо аяган яқинларининг ҳаёти учун кўрқишидан кутулганиданми ё ўз тириклиги учун таҳликаси босилганиданми, чукур бир хотиржамлик туйғуси бор эди. Лекин, албатта, шу палладан кимдир лазаретда вабо билан олишаётган ёки карантинда ушлаб турилган, ёки уйида Худонинг дарраси бошқа кўпларни қандай жазолаган бўлса, бизни ҳам шу кўйга солади, деб кутиб ётган оиласлар бу умум шодиёнадан четда эди. Тўғри, бу хонадонларда ҳам умид чўғланиб турар, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, бу умидни захирада асрашар, тўла ҳуқуқ билан кўлга киритмагунларича уни ўйлашни ҳам ўзларига қатағон қилган эдилар. Муштоқлик, жон талвасаси ва хурсандлик орасидаги ярим йўлда бу соқовлик умум шодиёна ичида янада шафқатсиз бўлиб туюлар эди.

Лекин бу истиснолар бошқаларнинг қувончига ҳалал бермади. Турган гап, вабо ҳали тугагани йўқ, ҳали у қылғилигини қиласди. Аммо энди ҳар бир одам бир неча ҳафта олдинни кўрар, поезднинг темирийўлда ҳуштак чалиб елаётгани, кемаларнинг ялат-юлт товланаётган денгиз бағрини тилимлаб келаётганини кўз олдига келтиради эди. Эртаси куниёқ бу ақллар тинчланади ва яна шубҳа-гумонлар ўз жойини эгаллайди. Аммо айни шу дақиқаларда шаҳар бир силтаниб олиб, тош томирларини ерга чукур ботирган музлоқ даҳмалардан кенгликка

чиққандек, ниҳоят, тирик қолганлар юкини ортмоклаб, жойидан жилгандек туулади. Шу оқшом Тарру, Риэ, Рамбер ва бошқалар оломон билан бирга одимлар, қолганлар қандай бўлса, шундай, оёқлари остида ернинг қандай сузиг үтаётганини хис этар эдилар. Тарру билан Риэ хиёбондан бурилиб, аллақачон бўм-бўш жинкўчага кирган, тақатак берк қопқалар оралаб кетаётган бўлсалар-да, орқаларидан келаётган шодиёна қийқириқни узок вақт эшишиб бордилар. Улар ўша лаънати ҳорғинлик боис бу қопқалар ичидаги изтиробни шаҳар марказидан салгина четда тўлиб тошайтган шодхуррамликтан фарқдай олмадилар. Яқинлашиб келаётган озодликнинг чехраси кўз ёш билан ювилган ва табассумда гул-гул очилган эди.

Шодиёна ғовур кўкка ўрлаган айни дақиқада Тарру тақقا тўхтаб қолди. Гунгурт тошкўча сатҳида бир соя енгил сирғалиб кетаётган эди. Мушук! Шаҳарда уни баҳордан бери кўрганлари йўқ. Мушук тошкўча ўртасида бир лаҳза тек қолди, панжасини ялади ва шу панжаси билан ўнг қулоғини силади-да, яна товуш чиқармай, қаршидаги йўлакка интилди ва қоронғилик кўйнига сингиб кетди.

Тарру кулимсиради. Ана, қаршида турадиган бобойча қувонадиган бўлди-да!..

Лекин ҳудди шу пайт, вабо, афтидан, тисланган, баҳорда ўрмалаб чиққан ўша номаълум уясига қайтиб кираётган бир вақтда, агар Таррунинг ёзувларига ишонсак, вабонинг кетишидан тушкунликка тушган бир одам топилиб қолди, бу одам Коттар эди.

Очиқчасига айтадиган бўлсак, касалмик кўрсаткичи пастга энган кундан бошлаб Таррунинг ёзувлари алланечук ғалати тус олди. Чарчоқдан шундайми – номаълум, аммо дастхати чаплашган, муаллифнинг ўзи ҳам мавзудан мавзуга сакрайверди. Устига устак, биринчи марта бу ёзувларда олдинги хо-

лислик йўқолади ва шахсий мулоҳазалар тез-тез кўзга ташланади. Коттар тўғрисидаги хийла узун ҳикояда мушуктупуар бобойча ҳақида бир-икки оғиз гап қистириб ўтилган экан. Таррунинг гапи бўйича, вабо унинг бу қаҳрамонга ҳурматини асло камайтирган, бобой уни эпидемиягача қандай бўлса, эпидемиядан кейин ҳам шундай қизиқтирган, аммо у чолга илгаригидек хайриҳоҳ бўлса-да, афсуски, энди унга қизиқиш имкони йўқ. У чолни кўришга ҳаракат қиласди. Йигирма бешинчи январдан бир неча кун кейин у торкўчанинг бир чеккасида кузатув постини эгаллаб, кутади. Қадрдон учрашув жойини унутмаган мушуклар офтоб кўлкаларида тинчгина тобланиб ётади. Аммо белгиланган вақтда дераза қопқалари қандай ёпиқ бўлса, шундай қолади. Тарру кейинги кунлари ҳам уларнинг очилганини кўролмайди. Шундан муаллиф чол ё аразлаган, ё ўлган деб хулоса чиқаради; агар у аразлаган бўлса, бинобарин, у ўзини ҳақ деб ҳисоблаган, вабо эса уни рад этган, агар ўлган бўлса, унда унинг дамқисма чол сингари авлиё бўлганми ё йўқлиги ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади. Таррунинг ўзи шундай деб ўйламайди, аммо бобойча воқеасини қандайдир бир «хабар» сифатида қараб чиқишига тўғри келади, деб ҳисоблади. «Эҳтимол, – дейилади кундаликда, – одам авлиёликнинг фақат бўсағасигача яқинлашишга қодирдир. Агар шундай бўлса, унда камтаргина ва раҳмдил шайтонга қаноат этишига тўғри келади».

Коттар ҳақидаги ёзувларга энди соғайиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек ишга тушиб кетган Гран ё Риэ ҳакимнинг онаси тўғрисида кўплаб тартибсиз сочилган мулоҳазалар аралашганини ҳам кўрамиз. Тарру Риэнинг онаси билан гурунгларини, бир уйда тургандан кейин табиий, энг майда-чуйда тафсилотларигача батафсил ёзади. Унинг юриш-

туриши, жилмайиши, вабо түгрисидаги галларини эринмай тасвирлайди. Тарру, айниқса, унинг ўзини ҳамманинг олдида паст тута олиш қобилияти, энг содда иборалар билан гапириш одати, тинчгина жинкўчага қараган даричани хуш кўриши, унинг олдида ҳар куни кечқурун кўлларини тиззасида хотиржам қовуштириб, қаддини тикроқ тутиб ўтириши, оқшом қораси уйни тўлдириб, ўзининг эса аста-секин қуюқлашиб, охири унинг қотиб турган тархини ютиб юборадиган, ҳозирча бўзранг губорда соядек кўринишини, гарчи у Таррунинг олдида бевосита ҳеч қандай алоҳида бир иш кўрсатмасада, унинг хонада беозор, енгил юриши, бутун борлигини ёритиб турган олижаноблиги, ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзини таъкидлаб ўтади ва ниҳоят у кампирнинг ҳамма нарсага ақл билан эмас, кўнгил билан етиши, ўзи қуида, сояда, сукунатда қолгани ҳолда ҳар қандай олиймақом давра, ҳатто вабо олиймақомларига ҳам бас кела олишини ёзади. Дарвоқе, шу жойда Таррунинг худди ёзаётган кўллари бўшашгандай, дастхати алланечук ғалати ўзгаради. Бундан кейинги қаторлар чаплашиб кетади ва кундаликнинг охиридаги ёзувлар ҳам бу ожизликни тасдиқлагандек, айни пайтда биринчи айтилаётган шахсий мулоҳазаларга айланади: «Ўзимнинг онам ҳам шундай эди, мен унинг худди шундай паст тутиш қобилиятини яхши кўрардим ва ҳаммадан кўра унинг ёнида бўлишни хоҳлардим. Мана, орадан саккиз йил ўтди, аммо уни ўлди, деб айтишга ҳеч тилим бормайди. У шунчаки ўзини одатдагидан сал кўпроқ паст тутган, мен ўгирилиб қараганимда эса, у кетиб бўлган эди».

Лекин Коттарга қайтамиз. Эпидемия камомадга учрагандан бери, у ҳар хил баҳона билан Риэннигига қатнаб қолди. Аммо аслида у ҳакимниги эпидемиянинг кейинги ривожи түгрисидаги тахминларни

билишга келарди. «Демак, у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирданита тўхтаб қолади, деб ўйлайсиз?» Бу жиҳатдан у ишончсиз бир кайфиятда кўринар, ҳар қалай, ўзини ишонмаёттандек курсатишга уринарди. Аммо унинг хиравлиги кўнглидаги ишончсизлик учча қатъий эмаслигини кўрсатар эди. Январнинг ўрталаридан Риэ унинг саволларига янада умидлироқ оҳангда жавоб қила бошлади. Ҳар гал уни ҳакимнинг жавоблари нафақат қувонтирмас, аксинча, ҳар хил аҳволга – баъзи кунлари тушкунлика, баъзида эса ўқинчга солиб қўяр эди. Кейин эса Риэ ҳаким унга умидбахшalomатлар ва статистик маълумотларга қарамай, ҳали хурсандчиликка эрта, деб айта бошлади.

– Бошқача айтганда, – деб изоҳлади Коттар, – ҳеч нарса маълум эмасми, демак, бугунми-эртами ҳаммаси қайтадан бошланиши мумкин экан-да?

– Ҳа, лекин худди шу тариқа эпидемиянинг пастлаши тезлашиб кетиши ҳам мумкин.

Ҳаммани таҳликага солган бу ишончсизлик Коттарни ошкора тинчлантириди ва у Таррунинг кўз олдида бошқа савдогарларни ҳам суҳбатга тортиб, Риэ ҳакимнинг фикрларини имкон қадар кўпроқ ёйишга тиришиб юрди. Дарвоқе, бу учун кўп уриниш ҳам шарт эмасди. Зеро, биринчи галаба хабарлари уйғотган жонсарак ҳаяжондан сўнг кўплар волийликнинг баёнотидан пайдо бўлган хурсандчиликка қараганда мустаҳкамроқ шубҳага тушиб қолган эди. Безовталанган шаҳар манзарасидан Коттарнинг кўнгли таскин топарди. Аммо бошқа кунлари яна ружи тушиб кетарди.

– Эртами-кечми, – деб қайтаради у Тарруга, – шаҳарни очиқ деб эълон қиласилар. Мана, кўрасиз, ўшанда ҳамма мендан юз ўтиради.

Ўша машҳур йигирма бешинчи январгача Коттарнинг ўзгарувчан феъл-атворини Оранда

ҳамма пайқаган эди. У бутун маҳалла, ҳар бир қўшнисининг кўнглини овлашга қанча овора бўлди, – кейин бирдан уйига қамалиб олиб, бир неча кун одамлар билан алоқани шартта узди. Ҳарқалай, сиртдан шундай туюлди, у одамлардан ўзини олиб қочди, ёввойилик тўнига ўраниб олди. Уни на ресторонда, на театрда ва ҳатто на ўзи яхши кўрадиган қаҳвахонада кўрдилар. Лекин, бари бир, унинг, эпидемиягача яшагандек, киши билмас бир текис ҳаётга қайта олмагани билиниб турар эди. Энди у уйдан бош чиқармас, ҳатто тушликни ҳам ёнбошдаги ресторондан келтириб беришар эди. У фақат кечқурунлари кўчада юргурилар, зарур харидларини дўкондан ола ўқдай чиқиб, энг кимсасиз кўчаларга зимзиё бўлар эди. Шундай ёлғиз пойга қўйиб юрган пайти уни тасодифан Тарру кўриб қолди, аммо ундан ноаниқ ғудурлашдан бўлак бирон гап ололмади. Кейин, ҳеч бир сабабсиз Коттар яна бирдан одамшавандаликка қайтди, вабо ҳақида жуда кўп, узоқ гап сотадиган бўлди, бу ҳақда бошқаларнинг фикрини ковлади ва кўчани тўлдириб оққан оломонга бажонидил қўшиладиган бўлди.

Волийликнинг баённомаси чиқсан куни Коттар батамом кўздан йўқолди. Икки кун ўтгач Тарру унинг кўчада ёлғиз тентираб кетаётганини курди. Коттар ундан канорага ҳамроҳ бўлишни сўради. Кун бўйи ишда роса толиқсан Тарру аввалига кўнмади. Лекин Коттар илтимосида туриб олди. У файритабии ҳаяжонга тушган, қулларини беўхшов силтар, тез-тез бақириб гапирап эди. Ҳамроҳидан волийликнинг баённомаси чиндан ҳам эпидемиянинг тугашини англатадими, йўқми, бу ҳақда нима дейишини сўради. Тарру, турган гап, фожиани маъмурий чоралар билан тўхтатиш мумкин эмас, лекин, агар кутилмаган бирон нарса бўлиб қолмаса, эпидемия камайиб боряпти, деб ҳисоблашга асос бор, деди.

– Тұғри, – деб маңқуллади Коттар, – фақат бирон нарса бўлиб қолмаса. Лекин кутилмаган нарса доим бўлиб туради.

Тарру волийлик, қолаверса, бўлиши мумкин нарсанинг бўлиб қолишини эътиборга олиб, шаҳар очилишини эълон қилганда икки ҳафта назорат муддати киритганини айтиб, эътиroz билдириди.

– Тұғри қилибди, – деди Коттар ўта нохуш ва асабий кайфиятда, – чунки воқеаларнинг кетишига қараганды, бу баённомани бекор чиқариб қўйган бўлишлари ҳеч гап эмас.

Тарру, балки чиндан ҳам бекордир, аммо ўз фикрича, шаҳар тез орада очилади ва биз одатдаги ҳаётимизга қайтамиз, деб ўйлаш ёқимлироқ эмасми, деди.

Коттар унинг гапини кесди:

– Эҳтимол, эҳтимол. Лекин сиз «одатдаги ҳаётимизга қайтамиз» деб айнан нимани назарда туласиз?

– Айтайлик, ҳеч бўлмаса, янги киноларни кўрсата бошлайдилар, – деб кулди Тарру.

Аммо Коттар кулмади. Коттар бу дегани вабо шаҳарда ҳеч нарсани ўзгартирмади, ҳаммаси, яъни ҳеч нарса бўлмагандек кетаверади деган маънони англатадими, йўқми – шуни билмоқчи эди. Тарру вабо шаҳарни ўзгартирргани ва айни чоғда ўзгартирмаганини, албатта, ҳамтабааларимизнинг энг кучли истаги ўзларини худди ҳеч нарса бўлмагандек тутиш бўлгани ва бўлиши, бинобарин, қай бир маънода ҳеч нарса ўзгармаслиги, лекин, бошқа томондан, ҳаммасини, ҳатто иродани бир муштга тутиб унутиб бўлмаслиги, вабо, шубҳасиз, кам деганда, одамларнинг юрагида из қолдиришини назарда тутганини айтди. Шунда судхўр унинг гапини чўрт кесиб, одамларнинг юраги уни заррача қизиктирмаслиги, ҳатто юракларни тўп қилиб, ҳаммасига туришини айтди. У бошқа

нарсаны: бошқарув тизими қайта қуриладими, ма-
салан, барча муассасалар олдин қандай бўлса, шундай
ишлийверадими, йўқми, шуни билишга қизиқади.
Тарру буларни билмаслигини тан олди. Аммо эпидемия
саросар қилиб кўйган муассасаларни тўла ишга ту-
шириш осон бўлмас деб ўйлаймиз. Яна буларнинг
олдига кўп муаммолар кўндалант чиқади, бу эса
олдинги маҳкамаларни, кам деганда, қайта қуришни
талаб қиласди.

— Эҳтимол, — деди Коттар, — унда ҳамма-ҳаммасини
энг бошидан бошлангча мажбур бўлади.

Улар Коттарнинг уйига етиб келдилар. Коттар
ҳаяжонланган, ясама хушнудлик билан гапираётган
эди. Шахсан у нўлдан бошлаш учун ўз ўтмишини
топ-тоза ўчириб ташлаб, бутун ҳаётини қайтадан
тиклашга киришган шаҳарни кўз олдига келтиради.

— Нима ҳам деймиз, — деди Тарру. — Эҳтимол, бориб-
бориб сизнинг ҳам ишларингиз жойига тушар. Ҳаёт
маълум маънода янгидан бошланади-ку.

Улар кираверишда хайрлашаётган эдилар.

— Сиз ҳақ, — деб гапириб қолди Коттар, энди ҳая-
жонини яширишга ҳам уринмай, — ҳаммасини
нўлдан бошлаш — ажойиб нарса.

Аммо шу пайт киравериш тўрида туйқусдан иккита
соя кўринди. Тарру Коттарнинг, бу күшчаларга
нима керак экан, деб шивирлаганини зўрга эшилди.
Башанг кийиниб олган хизматчиларга ўхшаган
күшчалар эса Коттардан чиндан ҳам Коттарми ё
йўқлигини сўрадилар, у бўғилиб сукинди-да, шартта
бурилиб, күшчалар ҳам, Тарру ҳам қўмирилаб улгурмай,
қоронгиликка ўзини урди. Тарру ҳайронлиги сал
босилгач, күшчалардан уларга нима кераклигини
сўради. Улар вазмин одоб билан баъзи нарсаларни
аниқлаб олишимиз керак, деб айтишди-да, салобат
билан Коттар ғойиб бўлган томонга йўл олдилар.

Тарру уйига келгач, мазкур саҳнани ёзиб қўяди ва

шу ўринда чарчоқдан шикоят қиласы (буни дастхати ҳам тасдиқлайды). У олдинда ҳали иши күплиги, аммо бу баҳона эмас ва тайёр туриши кераклигини таъкидлайды ва чиндан ҳам тайёрманми, деб ўзига савол беради. Ва ўзига ўзи шундай жавоб беради – Таррунинг кундалиги шу ёзув билан тугайди ҳам, – ҳар қандай одамнинг бир кунида — кечасими, кундузими, шундай соат бўладики, у қўрқинч домига тушади, шахсан ўзи фақат шу соатдан қўрқади.

Учинчи куни, шаҳар очилишидан бир неча кун олдин чошгоҳ пайтлари Риз ҳаким йўл-йўлакай шунча кутилган телеграмма келиб қолмаганмикан деб ўйлаганча уйга қайтди. Ҳозир ҳам у худди вабо авжга чиққан пайтлардагидек тинкаси қуригунча ишласа-да, батамом озодликнинг яқин қолгани чарчоқни унча билинтирмас эди. У энди умид қила олар ва яна умид қила олишидан шодланар ҳам эди. Иродани ҳамма вақт бир муштга тутумлаб яшаб бўлмайди ва кураш учун бир тугунга жамланган кучингни бир силтov билан эркин қўйиб юбориш нечоғлик зўр баҳт. Риз ҳаммасини қайтадан бошлиши мумкин. Ва у, майли, ҳамма-ҳаммасини қайтадан бошласин, дейди.

Риз эшикбон хонаси олдидан ўтди. Дарча ёнида ўтирган янги эшикбон унга қараб жилмайди. Риз зинапоядан чиқаётib бирдан унинг чарчоқ ва очинтўкин яшашдан ранги олинган юзини эслади.

Ҳа, мавҳумотга барҳам берилгандан кейин, у ҳаммасини қайта бошлайди, агар жиндай омади юришса... Шу ўйлар билан у эшикни очди ва айни шу дақиқада онаси унга пешвоз чиқиб, Тарру жаноблари оғриб қолганини айтди. У эрталаб, тўгри, ўрнидан турган, аммо уйдан чиқмаган, яна ётиб олган экан. Риз хоним ташвишда эди.

– Балки жиддий ҳеч нарса йўқдир, – деди Риз.

Тарру бор бўйича узала тушган, оғир боши ёстиққа ботган, бақувват кўкрак қафаси устидаги қўрпани

қабартириб турар эди. Ҳарорати ўта баланд, боши қаттиқ оғриётган эди. У Ризга касаллик аломатлари ҳали жуда ноаниқ, аммо бу, бари бир, вабо, деди.

– Йўқ, сунгти хulosса чиқаришга ҳали эрта, – деди Риэ касални кўриб бўлгач.

Лекин Тарруни ташналиқ қийнаётган эди. Ҳаким долонга чиқиб, онасига, эҳтимол, бу вабонинг бошланиши, деди.

– Йўқ, – деб юборди онаси, – ақлга сифмайди, айниқса ҳозир.

Ва шу заҳоти қўшимча қилди:

– Уни уйда қолдирайлик, Бернар.

Риэ ўйланиб турди.

– Ҳақим йўқ, – деб жавоб берди кейин. – Аммо бугун-эрта шаҳар очик деб эълон қилинади. Сен борда, бўлмаса, бу таваккални ўзимга олардим.

– Бернар, – деб ялиниди она, – икковимизни ҳам шу ерда қолдир. Ўзинг биласан-ку, менга яқиндагина вакцина қуишиди.

Ҳаким Тарруга ҳам яқинда вакцина эмлангани, аммо азбаройи толикқанидан охирги эмлашни ўтказиб юборганини айтди, зарур эҳтиёткорлик чоралари қабул қилишни унутган бўлса эҳтимол, деди.

Риэ ўз кабинетига ўтди. У яна хобхонага қайтганда Тарру ҳакимнинг зардоб сўрдирилган катта-катта амгула олиб келаётганига бирдан эътибор қилди.

– Аҳа, демак, худди ўзи, – деди.

– Йўқ, бу шунчаки эҳтиёт учун.

Тарру жавоб ўрнига қўлини узатди ва ўзи ўн мартараб бошқа bemорларга қуйган томчи эмлашни хотиржам қабул қилди.

– Кўрайлик-чи, кечқурун нима бўлар экан, – деди Риэ Таррунинг юзига тик қараб.

– Ҳолилатишга нима дейсиз?

– Ҳали сизда вабо деган ҳеч қандай ишонч йўқ.

Тарру зўр билан жилмайди:

— Э, биласизми, мен ўз амалиётимда зардоб билан эмлаб, кейин шу заҳоти ҳолилатиш талаб қилинмаётганини биринчи кўриб турибман.

Риэ юзини бурди.

— Сизга онам икковимиз шу ерда қараймиз. Сизга шу ер яхши.

Тарру индамади, ҳаким ампулаларни йигишираётиб, унинг гапиришини кутди, шунда унга қараб олишга баҳона топиларди. У жимликка дош беролмай, яна тўшак ёнига келди. Бемор Риэга тик қаради. Унинг юзи ҳорғин, аммо кўкиш кўзлари хотиржам эди. Риэ унга қараб кулимсиради:

— Бир илож қилиб ухланг. Мен ҳозир келаман.

Остонага етганда Тарру уни чақирди. Риэ bemор ёнига қайтди.

Аммо Тарру бирдан гапиролмади, у ҳатто лабларидан сирғалиб чиқмоқчи бўлган сўзларнинг ўзига ҳам қарши курашаётгандек туюлар эди.

— Риэ, — деди у ниҳоят, — мендан ҳеч нарсани яшириш керак эмас, бу менга зарур.

— Ваъда бераман сизга.

Таррунинг вазмин юзи азобли табассумдан тиришиб кетди.

— Раҳмат. Ўлиш ёқмаяпти, мен ҳали курашаман. Лекин башарти иш пачава бўлса, унда иззатимни сақлаб ўлсан дейман. Риэ каравот тепасига энгашиб, bemорнинг елкасини қисиб қўйди.

— Йўқ, — деди у. — Авалиё бўлиш учун яшаш керак. Бўш келманг.

Аччик изгирин кундузи сал юмшади, аммо кеч-қурун шиддатли жала ва дўлга ўрин бўшатди. Тун қорасида осмон сал тозаланди ва совуқ баттар забтига олди. Риэ уига фақат кечки овқатдан сал олдин қайтди. Ҳатто пальтосини ҳам ечмай, тўғри дўсти эгалмаган хобхонага ўтди. Риэнинг онаси тўшак ёнида, қўлида тўқиши билан ўтирган эди. Тарру

эрталабдан бери худди қимирлаб ҳам қўймагандек ётар, фақат безгакдан бўздай оқарган лабларигина у олиб бораётган курашнинг нечорлик қизғинлигидан далолат берар эди.

– Хўш, қандай энди? – деб суради ҳаким.

Тарру бақувват кифтларини сиқиб қўйди.

– Энди ўйин бой берилганга ўхшайди, – деб жавоб берди.

Ҳаким тўшак устига энгашди. Куйиб ётган тери остидаги безлар керккан, кўкрак, худди ичида еrostи темирчилик устахонаси тўхтамай ишилаётгандек, хириллаб турарди. Шуниси ғалатики, Тарруда иккала касалликнинг ҳам аломатлари бор эди. Риэ курсидан тураётib, ҳали зардоб кор қилиб улгурмаганга ўхшайди, деди. Аммо жавобни тушуниб етмади: ҳалқумига ёпирилиб келган қайноқ тўлқин Тарруни ўша айтмоқчи бўлган икки-уч сўзини ҳам гапиришга имкон бермади.

Кечқурун Риэ билан онаси касалнинг ёнидан чиқмай ўтирдилар. Тун Таррутга кураш билан бошланди, Риэ вабо фариштаси билан бу бешафқат олишув нақ саҳаргача чўзилишини билади. Бу курашда Таррунинг бақувват ўмизлари, ҳатто кенг кўкраги ҳам унга ишончли қурол эмас, бундан ҳам кўра, унинг қони иш берар, Риэнинг нинаси тагидан ҳозиргина тизиллаб отилган бу қонда ҳатто кўнгилдан ҳам сирлироқ, ҳеч бир илм тополмайдиган ганжина пинҳон эди. Унга, Риэга эса фақат битта чора – дўстининг қандай курашаётганига қараб ўтириш қолган эди, холос. Узоқ ойлар бадалида доимий ютқизиқлардан кейин у сунъий абсцесс ва қувват берадиган дори куйишларнинг баҳосини яхши билади. Моҳиятан, унинг ягона вазифаси – дов қилмасанг, ўзи кўпинча аралашмай турадиган тасодиф таъсири учун жанг майдонини шайлаш. Лекин уни аралаштириш керак. Риэнинг рўпарасида

вабонинг ҳамма қартани чийлаб ташлаган сиймоси турибди. Вабо унга қарши қўйилган стратегик гулчунларни айланиб ўтиш учун яна ва яна куч тўплайди, ҳеч ким кутмаган жойда бирдан пайдо бўлади ва мустаҳкам ўрнашган курина диган жойини бирдан тарк этади. У ҳакимни боши берк кўчага киритиб қўйишга зўр беради.

Тарру қимиirlамай ётса-да, курашаётган эди. У туни билан касаллик ҳамласига жон талвасасида тўлғанишни қарши қўймади, уфақат ўзининг ҳайбати ва ўзининг жим туриши билан курашди. У худди шу билан бу жангда бир лаҳза ҳам алаҳсиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқчидек бирон марта ҳам оғиз очмади. Риэ бу курашнинг ҳолат ўзгаришларини фақат дўстининг гоҳ катта очилган, гоҳ юмуқ, бунда яна қовоқ пардалари кўз соққасига жипс ёпишган, ёки, аксинча, кенг ёйилган кўзларидан, Таррунинг нигоҳи бир-бир нарсага қадалиб қолиши ёки ҳакимга, онасига термилишидан англайди. Кўзлари учрашиб қолгач, ҳар гал Тарру жилмайиш учун қарийб файриинсоний зўриқишига дош беради.

Кўчадан шошқалоқ қадам товушлари эшитилиб қолди. Афтидан, бирон ўткинчи ҳали олис, лекин дақиқа сайин яқинлашиб келиб, ҳаял ўтмай бутун кўчани тўлдириб сел қўйган гулдуракдан қочиб қолганга ўхшади: ёмғир уриб берди, кейин асфальтни дўмбира қилиб дўл тушди. Деразанинг оғир пардаси шамолда буришди. Хона фира-ширасида ўтирган Риэ ёмғир шовқинини тинглаб, бир дақиқа алаҳсиди, кейин дўстининг каравот бош учидаги тунчироқ нури тушиб турган юзига қаради. Риэнинг онаси тўқиши қилиб ўтирас, ҳар замон-ҳар замонда бошини кўтариб, касалга диққат билан тикилиб қаарарди. Ҳаким нима илож бўлса, ҳаммасини қилди. Ёмғир тинди, хонада фақат кўринмас курашнинг унсиз фулдирашига тўйинган қоронфилик янада

қуюқлашди. Уйқусизликдан толиққан докторға гүё аллақайда, жимлик сарҳадларининг у томонида ўзини эпидемиянинг биринчи кунларидан бери таъқиб қилаётган секин, бир маромдаги шувиллаш эшитилаётгандек туюлди. У онасига жойига бориб ётишни имо қилди. Онаси зътиrozли бош чайқади, кўзлари йилт этди, кейин яна бошини эгиб, сал бўлмаса очилиб кетаёзган илгакларига дикқат қилди. Риэ ўрнидан турди, касалга сув ичириб, яна жойига ўтирди.

Ҳаво тинганидан фойдаланишга ошикқан ўткинчилар дераза тагидан ўтдилар. Қадам товушлари камайди, охири тинди. Ҳаким узоқ вақтлардан бери биринчи марта жимлигини онда-сонда қадам товушларигина бузган ва «тез ёрдам» машиналарининг ўткир чинқириқлари тилим-тилим қилиб ташламаган бу кеча ўша аввалги тунларга ўхшаб кетаётганини англади. Дераза ортида ўзидан вабони қоқиб ташлаган кеча эди. Худди совуқ чароғон нурлар ва одамлар тўдаси ҳайдаб соглан касаллик шаҳарнинг қоронфи даҳмаларидан судралиб чиқиб, уларнинг иссиққина хобхонасида исинаётган ва Таррунинг шалпайиб ётган танаси билан яккама-якка сўнгги олишувга тушаётгандек туюлар эди. Шаҳар тепасидаги осмонни Худонинг дарраси тилимламайди. Аммо у-бу ерда, хобхонанинг оғир ҳавосида секингина шувиллаёттир. Уни-да Риэ эшиитди, шу бутун уйқусиз соатлар бадалида эшитиб турди. Ва унинг бу ерда жимиб қолишини, шунда вабо ҳам тамом мағлубиятини тан олишини кутишга тўғри келади.

Саҳарга яқин Риэ онасига эгилди:

— Бориб албатта ёт, бўлмаса, соат саккизда менинг ўрнимда туролмай қоласан. Фақат ғарфара қилиш эсингдан чиқмасин.

Риэ хоним курсидан турди, тўқишини йифиштирида-да, анча вақтдан бери кўзини очмай ётган Таррунинг тепасига келди. Унинг дўнг пешонасидаги соchlари тердан жингала-жингала бўлиб қолган эди. Риэ хоним нафас ростлади, бемор кўзини очди. Тарру тепасига энгашган мулоийм чеҳрага қаради ва тўлқин-тўлқин ёпирилаётган безгакни яна қайсар табассум ёриб чиқди. Аммо қовоқлари яна шу заҳоти юмилиб кетди. Риэ ўзи қолгач, боя онаси туриб кетган юмшоқкурсига ўтирди. Кўча жимиб қолган, сукунатга энди ҳеч нарса рахна солмас эди. Тонг совуғи энди ҳатто хонада ҳам ўзини билинтира бошлади.

Ҳакимнинг кўзи илинганд экан, аммо тонгда ўтган биринчи араванинг тарақ-туруқидан сапчиб уйғонди. Чўчиб тушиб, ўша заҳоти Таррутга қаради ва ўзини мудроқ олгани, беморнинг ҳам ухлаб қолганини фаҳмлади. Темир чекилган ёғоч гилдирак ва от туёғининг тақиљлаши олислаб тинди. Тащда ҳали қоронғи эди. Ҳаким тўшак тепасига келганди, Тарру унга, гўё ҳали ҳам уйқу сарҳади ортида ётгандек, ҳеч нарса ифода этмаётган нигоҳини қадади.

- Ухлаб олдингизми? – деб сўради Риэ.
 - Ҳа.
 - Нафас олишингиз енгилми?
 - Сал-пал. А, бунинг бирон аҳамияти борми?
- Риэ бирдан жавоб қилмади, кейин тили айланди:
- Йўқ, Тарру, аҳамияти йўқ. Бу оддий эрталабки ремиссия, сиз ҳам буни менчалик биласиз.

Тарру маъқуллаб бош иргади.

- Раҳмат, – деди у. – Илтимос, бундан кейин ҳам шундай аниқ жавоб берсангиз.

Ҳаким каравотнинг пастига ўтирди. Ёнбоши билан Таррунинг қўмирламай ётган узун оёқларини, энди ўлик одамнинг оёқларини туйди. Тарру қаттиқроқ нафас олди.

– Ҳарорат яна күтарилади, а, Риэ? – деди нафас қисишидан узук-юлук товушда.

– Ҳа, лекин тушга бориб, шунда ҳаммаси аниқ бўлади.

Тарру гўё куч туплашга шайлангандек, кўзларини юмди. Юз ифодасида ҳоргинлик юзиб юрарди. У танасининг қаеридадир ғимир-ғимирни бошлаган янги безгак хуружини кутаётган эди. Кейин хиралашган қорачиқларни очиб, қовоқлари кутарилиди. У фақат шундагина тушак узра эгилган Риэни кўрди ва нигоҳи ёришди.

– Ичинг, – деди Риэ.

Тарру ичди ва ёстиқقا ҳоргин бош ташлади.

– Жуда чўзилар экан-ку бу, – деб гапиринди.

Риэ унинг кўлини ушлади, аммо Тарру кўзини олиб қочди, у гўё буни сезмагандек кўринди. Ва бирдан Риэning кўз ўнгига безгак қандайдир ички тұғонни ёриб тишга ёпирилди-да, пешонагача чиқиб келди. Тарру кўзини кўтариб, Риэга қараганда, Риэ қотиб қолган юзига умид ифодаси беришга тиришди. Тарру жилмайишга уринди, аммо қаттиқ қисилган жағлар, оқ кўпик елимлаган лаблар табассум қилишга имкон бермади. Лекин тиришган юзидаги кўзларда жасорат бор нури билан чақнаб турарди.

Соат еттида Риэ хоним хобхонага кирди. Ҳаким ўз кабинетидан лазаретга сим қоқиб, ўрнига одам қўйиб туришларини суради. У бугун касал кўришга борищдан ҳам воз кечди, шу ерда, кабинетдаги диванга чўзилди-ю, лекин чидамай сакраб турдида, хобхонага қайтди. Тарру юзини Риэ хонимга қаратиб ётган эди. У кўз узмай олдидағи курсида кафтларини тиззасига жипс босиб, қимтинибгина ўтирган кичкина соя гуваласига тикилган эди. Шундай қадалиб тикилган эдик, Риэ хоним ўғлининг кирганини сезиб, бармогини лабига босди-да, туриб bemорнинг бош учидаги чироқни ўчиради. Аммо

тезда кундузги ёруғлик пардалардан сизиб ўтди ва беморнинг юзи қоронгиликдан қалқиб чиқди, шунда Риэ хоним унинг ўзига бояги-боягидек тикилиб ётганини кўрди. У тўшакка энгашиб, ёстиқни тўғрилади ва беморнинг ҳўлдан жингала сочларига кафтини босди. Шунда у қандайдир жуда олисдан келаётган бўғиқ товушни эшилди, бу товуш унга раҳмат айтаётган ва энди ҳаммаси яхши эканига ишонтираётган эди. У жойига қайтиб ўтиргач, Тарру кўзини юмди ва лаблари жипс қисилган бўлса-да, пажмурда юзи табассумда ёришгандек бўлди.

Тушга бориб иситма алангаси авжга минди. Касалнинг гавдаси ички йўталдан силкиниб-силкиниб ётарди, у қон-балғам ташлай бошлади. Безлар керкмай қўйди, аммо улар, худди ҳамма бўғинларга гайка бураб қўйилгандек, қўлга темирдек қаттиқ тегарди ва Риэ бийларни ёриш бефойда деган қарорга келди. Йўтал ва безгак хуружлари оралиғида Тарру дўстларига нигоҳ ташлаб қуярди. Лекин кўп ўтмай қовоқлари тез-тез ёпилаверди ва боягина касаллик ямлаган юзни ёриштириб турган нур бориб-бориб секин сўниб қолди. Унинг танасини қалт-қалт талвасада силкитаётган бўрон чақмоқлари борган сари камайган, секин-аста Тарруни қутураётган гирдобга томон оқизиб кетаётган эди. Риэнинг кўз олдидаги ёстиқда энди табассум мангуга тарк этган жонсиз никоб қолди. Ҳали инсон қиёфасини сақлаган, Риэга нечоғлик яқин бўлган нарсага энди найзанинг уни санчилган, уни чида бўлмайдиган оғриқ азоблаётган, совук самовий тўлқинлар йигираётган ва у дўстининг кўз ўнгидаги вабо қаърига тортилиб кетаётган эди. У, дўст эмас, бу фалокатнинг олдини ололмас эди. Ва Риэ яна қирғоқда қуруқ қўллари, парча-парча бўлинаётган юраги билан, фожия қаршисида куролсиз ва ожиз ҳолда тураверишга мажбур. Ва

ажал етиб келганда ожизлик ёшлари Риэнинг кўзини қонлаб олди ва у Таррунинг деворга шарт ўтирилиб, гўё танасининг қаеридадир бир чуқурликда асосий тори узилиб кетгандек, бўғиқ ингроқ билан жон таслим қилганини кўрмай қолди.

Кейинги тун энди жанг туни эмас, тинлик туни бўлди. Бутун дунёдан ажратиб қўйилган бу хобхонада, кўмиш маросимига мослаб ясантирилган бу ўлик жасад устида бунгача кўп тунлар олдин, шаҳар дарвозасига ҳужум бўлганда, вабо узра тикланган айвонларда кезинган ўша осойишталик учеб юргандек туюларди. Риэ ўша вақтларда ёқ ўзининг, чорасиз одамнинг кўз ўнгидаги ўлган одамларнинг ётоқжойидан кўтарилилган бу жимлик ҳақида ўй сурган эди. Ҳамма жойда шу қисқа тин олиш, худди ўша тантанали танаффус, ҳамма ерда жангдан сўнг бўладиган худди шундай осойишталик, ҳамма ерда мағлубиятнинг соқовлиги. Аммо ҳозир дўстини чулғаган сукунат шундай тиқин, кўчалар ва вабодан халос бўлган бутун шаҳар сукунати билан шундай жипс қўшилган эдики, Риэ бу урушлар якун топгандаги сўнгги ва батамом, ҳатто кириб келган тинчликни ҳам тузалмас дардга айлантирадиган мағлубият эканини аниқ ҳис қилди. Ҳаким Таррунинг оқибатда тинчликка эришгани ё йўқлигини билолмади, аммо шу дақиқада ўзига тинчлик мангу қат бўлгани, худди шундай ўғлини йўқотган она ёки дўстини кўмган эркак учун сулҳ – ярашув йўқлигига ишончи комил эди.

У ёқда, дераза ташида худди кечагидек совуқ тун ётар, ўша-ўша юлдузлар аёзли очиқ осмонда чараклар эди. Деразага қапишган совуқ нимқоронфи хобхонага сизиб кирап, кутб кечасининг туссиз текис нафаси сезилар эди. Риэ хоним тўшак ёнида одатдаги ҳолатда ўтирап, ўнг ёнидан унга тўшак бошидаги чироқнинг нури тушиб турар эди. Риэ хобхона ўртасида, нимқоронфиликда турган юмшоқкурсида

үтирган эди. У баъзи вақтларда хотинини эслар, аммо бу ўйларни ўзидан нари ҳайдар эди.

Тунги аёз сукунатда ўткинчиларнинг пошнаси йўлакка тақиллаб урилди.

– Ҳаммасини қилдингми? – деб сўради она.

– Ҳа, телефон қилиб қўйдим.

Ва яна жимжит бедорлик бошланди. Ҳар замон-ҳар замонда Риэ хоним ўғлига қараб олади. Ўғли унинг нигоҳини тутиб, жавобига жилмайиб қўяди. Кучада тунги ғовурлар одатий тартиб ила ўрин алмашади. Ҳали расмий рухсат берилмаган бўлса-да, автомобиллар яна шаҳарга ёйилди. Улар тошкӯчани шиддат билан ўз тагига тортади ва йўқолади, яна пайдо бўлади. Овозлар, қийқириқлар, яна сукунат, от туёқларининг тақ-туқи, қайрилишда трамвай фийқиллаши, қанақадир ноаниқ товушлар ва туннинг улуғвор нафас олиши.

– Бернар!

– Нима?

– Чарчамадингми?

– Йўқ.

У онасининг нима ҳақда ўйлаётганини билади, ҳозир айни шу дақиқада ўғлини яхши кўришини билади. Аммо у яна бошқани яхши кўриш – унча ҳам кўплик қилмаслигини, ҳарқалай, севги ҳеч қачон ўзига ифода топгулик даражада кучли бўлмаслигини ҳам билади. У билан онаси бир-бирларини ҳамиша шундай жим севадилар. Онаси ҳам вафот этади, навбати келса – ёки у ўлади, – ва бутун умр бўйи улар ўзаро меҳрларини ифода этишга сўз топмайдилар. Улар Тарру билан худди шундай ёнма-ён яшадилар ва, мана, бутун кечқурун Тарру ўлди, ва улар дўстлигининг ер юзида чинакам туришига фурсат етмади. Тарру, унинг ўзи айтгандек, ўйинни бой берди. Хўш, у-чи, Риэ нима ютди? Битта – вабони кўрди ва уни эслаб юради, дўстликни кўрди ва уни

эслаб юради, меҳрни кўрди. Энди уни қачондир эслашинг бурч бўлиб қолди. Инсон вабо билан ҳам, ҳаёт билан уйинда ҳам ютишга қодир, ҳаммаси – бу билиш ва хотирадир. Эҳтимол, Тарру худди шуни «ўйинни ютиш» деб айтгандир.

Яна дераза олдидан автомобил ўтиб кетди, Риэхоним ўтирган жойида қимирлаб кўйди. Риэунга қараб кулимсиради. Она чарчамаганини айтди ва шу заҳоти гапига қўшимча қилди:

- Бир тоғларга чиқиб дам олсанг бўларди.
- Албатта бораман, она.

Ҳа, у ёқда дам олади. Нега дам олмасин? Эслашга яна бир баҳона. Агар шу ҳам ўйинни ютиш бўлса, унда фақат билганларинг, фақат эслашинг ва келажакка умидинг йўқлиги билан яшаш жуда оғир кечса керак. Эҳтимолки, Тарру шундай яшаган, у хаёлмардан маҳрум ҳаёт нечоғлик бесамар бўлишини албатта билган. Ҳеч қачон умидсиз ҳаловат бўлмайди. Ва Риэ одамларнинг одамларни ўлимга ҳукм этиш ҳукуқини рад этган Тарру ҳам ҳукм чиқаришни рад этолмаслигини ва ҳатто баъзан қурбонлар ҳам қотил чиқишини, шундай экан, бинобарин, у, Тарру, мاشаққатда, ўз-ўзига қарши чиқиб яшагани, умид нималигини билмаганини англаган. Моҳиятан, Риэ худди шундайми ё йўқми, билмайди, аммо гап бунда эмас. Унинг хотирасида Таррудан кўп ҳам қиёфа қолмайди – икки қулини рулга қўйиб, уни хоҳлаган жойга етказишга шай ўтирган Тарру, ёки, мана, тўшакда ҳаракатсиз чўзилиб ётган вазмин, баҳайбат жасад. Ҳаёт ҳаракати ва ўлим сиймоси – билим дегани шу.

Ва албатта, худди шунинг учун Риэ ҳаким эрталаб хотинининг вафоти ҳақида телеграммани олиб, бу хабарни хотиржам қабул қилди. У ўз кабинетида эди. Онаси шошилиб кирди-да, унга телеграммани тутқазиб, хат ташувчига чойчака бериш учун шу

заҳоти чиқди. У қайтиб кирганды, ўғли очиқ телеграммани күлида ушлаганча тик турган эди. Она ўтлига күз ташлады, аммо у бандаргоҳ узра юз очаётган ажойиб тонг күринаёттан деразадан күзини узмай тураверди.

– Бернар? – деб чақирди Риэ хоним.

Ҳаким фаромуш ўтирилди.

– Ҳа, телеграммада?

– Ҳа, – деб тасдиқлади ҳаким. – Бир ҳафта бўпти.

Риэ хоним ҳам деразага ўтирилди. Ҳаким сукут сақлади. Кейин онасига йиглаш керак эмас, деди, шуни кутганини, аммо, бари бир, жуда оғир эканини айтди. Шунчаки, у гапираётиб, ўз изтиробларида кутилмаганлик йўқдигини англади. Уни бир неча ой бадалида ҳам, шу охирги икки кун давомида ҳам ўша-ўша тинимсиз оғир қийнаб келаётган эди.

Ажойиб бир феврал тонгидаги ниҳоят шаҳар дарвозалари очилди: бу воқеани халқ, рўзномалар, радио ва волийлик ҳам ўз хабарларида шодлик билан қарши олди. Шу тариқа, ҳикоячига, гарчи унинг ўзи ҳам умум шодиёнага бутунича қўшилиб кетишга вақти етмайдиганлар сафида бўлса-да, дарвозалар очилиши билан кирган саодатли дақиқалар йилномачиси ролини бажаришгина қолди, холос. Кун бўйи ва кечаси билан давом этадиган тантаналар ташкил этилди. Айни бир пайтда, ўз навбатида бу кун айрилиқда азоб чекканлар учун ҳам буюк висол куни эканидан шоҳидлик бериб, вокзалларда паровозлар пишиллади ва олис денгизлардан келган кемалар бандаргоҳга кирди.

Кўплаб ҳамтабааларимиз кўнглига ўтириб қолган айрилиқ туйғулари нимага айланиб кетганини тасаввур этиш қийин эмас. Шаҳримизга кун бўйи кириб келган поездлар вокзалимиздан кетаётганда қандай тиқилинч бўлса, шундай тўла эди.

Йўловчилар олдиндан, ҳали икки ҳафталик муҳлат пайтидаёқ бутунга чиптани ғамлаган ва ишқилиб, волийлик қарори бекор қилинмасин-да, деб учинчи қўнфироққача жон ҳовучлаб ўтирган эдилар. Қолаверса, бизга келаётган сайёҳлар хабарсиз хавотирдан қутулолмаётган, чунки фақат бир нарсани – ўз яқинлари тақдирини, шунда ҳам тусмол билан билар, бошқалари ва шаҳарга тегишли воқеалар уларга қоронгилигича қолган, шаҳар уларнинг кўз ўнгидаги мудҳиш қиёфа касб этган эди. Аммо бу фақат бутун вабо вақти давомида эҳтирос ўтида куймаганларга таалмуқли.

Куйганлар эса чиндан ҳам мияларига ўрнашиб қолган ғоя ҳукмида эдилар. Улар учун фақат бир нарса ўзгарган: айрилиқ ойлари бадалида улар воқеаларни тезлатиш, вақтни имилламасин учун уни жисман олдинга итаришни жуда-жуда истардилар, энди эса шаҳримиз кўз олдиларида намоён бўлиб, поезд секинлай бошлиши билан бир нарсани: вақтнинг ўз югуригини жиловлаб, қотиб туришни хоҳлаб қолдилар. Севги учун бой берилган, бу кўп ойлик зиндалик билан озиқлантирилган мубҳам ва айни чоғда қизғин туйғу, айни шу, худди шу туйғу қандайдир бир қасосни талаб қиласарди – қани, кувонч соатлари кутиш соатларига қараганда икки карра чўзилсин-чи. Хотини боришга рухсат олгани ҳақида аллақачон огоҳлантирган Рамбер каби уйида ёки перронда кутиб турганлар ҳам бесабрлик ва эсанкирашдан баравар қийналаётган эдилар. Бу севги ва меҳрибонлик вабо вақтида мавхумотга айланган, энди Рамбер бу туйгулар билан улар йўналтирилган бу тирик жонзотнинг юзма-юз келишини юрак ҳовучлаб кутаётган эди.

У яна эпидемия бошларида гидек, севгилисига интилиб, ҳеч нарсани ўйламай, таваккалига шаҳардан қочишига шайланиб юрган пайтларидагидек бўлишни

истайди. Аммо у биладики, энди бунинг иложи йўқ. У ўзгарди, вабо унга бефарқликни сингдириб юборди, энди уни жон-жаҳди билан чиқариб ташлашга қанча уринмасин, бехуда, бефарқлик туйғуси унда қандайdir бўғиқ бир ҳасратдек жойлашиб олган эди. Рамберга ҳатто вабо жуда тез тугаб қолиб, ўзи эса бунга тайёрланиб ҳам улгурмагандек туюларди. Мана, баҳт жуда тез учиб келяпти, воқеалар ривожи кутишдан ўзиб кетяпти. Рамбер яна ҳаммаси ўзига бирдан қайтиб берилиши ва моҳияттан, баҳт ҳам бир куюқ, ундан роҳат олиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини билиб турарди.

Қолганларнинг кўнглидан ҳам ё озроқ, ё кўпроқ, шунақа нарсалар ўтаётган эди. Бу ерда, бир-икки дақиқадан сўнг шахсий ҳаёти яна қайта бошланадиган вокзал перронида улар ҳали умумликларини ҳис этиб, ўзаро маъноли нигоҳ ва табассум улашиб турар эдилар. Аммо паровоз дудбуронида чиқаётган тутунни кўрганлари ҳамоно айрилиқ туйғуси мубҳам ва гулдурос баҳт жаласи тагида учиб қолди. Поезд тўхтаган пайти ким учундир худди шу перронда бошланган узоқ жудолик ҳам тугади, кўллар қадрдон баданни, гарчи унинг тирик иштирокини унугтан бўлса-да, қувонч ва ташналиқ ила ҳис этган лаҳзадаёқ айрилиқ тугади. Масалан, Рамбер ўзига қараб отилган, келибоқ бошини бағрига тиққан тирик жонни тузукроқ ҳам кўролмади. Рамбер уни оғушига олган, юзини кўрмай, бошини бағрига босган, кўз олдида фақат таниш соchlар қолган – юзларидан оқаётган ёшларини артиб ҳам қўймаётган ва бу кўз ёшлар ҳозирги баҳтиданми ё кунгилнинг туб-тубига биқиниб олган оғриқданми куйилаётганини англамас, аммо бари бир, кузларини қоплаб олган бу намлиқ унинг елкасига бош қўйган, у ҳақиқатан ҳам соғинган жонми ё аксинча, нотаниш аёл бўлиб чиқадими, шунга ишонч ҳосил қилишга қўймаётганини билиб

турар эди. У ўз шубҳасининг түфри ё нотўғрилигини билади, аммо кейинроқ. Ҳозир эса унинг, перронда уймалашган ҳаммага ўхшаб, ишонгиси келади ёки ўзини вабонинг одамнинг юрагидаги ҳеч нарсани ўзгартирмай келиб-кетаверишига ишонаётгандек қилиб кўрсатади.

Бир-бирининг пинжига кирган жуфтлар ҳеч нарса, ҳеч кимни кўрмай, сиртдан вабо устидан тантана қилиб, ўтган азобларни эсдан чиқариб, шу поезднинг ўзида келган, перронда яқинларни кўролмай, кўнгилларида жуда узоқ чўзилган жимликдан сўнг сирқирай бошлиган қўрқинчлари ростлигига амин бўлганларни ҳам унутиб, уй-уйларига тарқалдилар. Улар, бундан сўнг ягона йўлдоши янги оғриқ бўладиганлар учун, ҳозирги дақиқаларни йўқقا кетганлар хотирасига бағишлигандар учун, улар учун ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди ва айни шу дамда айрилиқ ҳисси авж нуқтага кўтарилди. Улар учун - бутун ҳаёт қувончини номсиз зо-вурларга ташланган ёки бир ҳовуч кулга айланган жигаргўшалари билан бирга йўқотган оналар, ёстиқдошлар, ошиқ-маъшуқлар учун вабо бояги-боягидек давом этаётган эди.

Аммо ғариблар билан кимнинг қанча иши бор? Қиёмда қуёш эрталабдан бери осмонда кезиб юрган совуқ шамолларни жиловлаб, шаҳарга муаллақ ёғду тўлқинини тўкиб юборди. Кун гўё қимиirlамай қолгандек. Тепалиқдаги фортдан тўплар тош қотган осмонни пайдар-пай ўққа тутади. Изтироб фасли ҳали тутамаган, унут фасли эса ҳали бошланмаган бу ўткир дақиқани байрам қилиш учун бутун шаҳар кўчага тирқираб чиқкан эди.

Барча ялангликларда ўйин-кулги бўлаётган эди. Бир неча соат ичида ҳаракат кескин кучайди, сонсиз машиналар оломон тиқилинч кўчалардан зўрға ўтар эди. Тушдан кейинни билан шаҳар кўнфи-

роқларимизнинг даранг-дурунги тинмайди. Уларнинг жарангидан ложувард тилларанг осмонга тулқин-тўлқин титроқ таралади. Черковларда шукронада ибодат ўқилди. Лекин кўнгилхушлик масканларида ҳам одам тиқилинч, қаҳвахона соҳиблари ҳам эртанги кунни ўйламай, асраб қўйган нарсаларини аямай пуллаётирлар. Пештахталарни тўлқинланиб кетган оломон босган, улар орасида бир-бирига маҳкам чирмашиб, баҳтини бебок кўз-кўзлаётган жуфтлар ҳам кўринади. Ким кулган, ким қийқирган? Уларга белгиланган меъёрдан ошиқ қилиб берилган бу кунда ҳар бири жони зўрга илиниб турган пайтлари тўплаган ҳаёт қуввати захирасини аямай харж қиласар эди. Эртага бутун тежамкорлиги билан ўша-ўша ҳаёт бошланади. Ҳозирча эса жамиятнинг барча табақаларига мансуб одамлар биродарлашган, елкама-елка туртиниб юрибдилар. Озодлик баҳти шаҳримиз устига хавф солган ўлим ўрната олмаган ўша тинчликни, майли, фақат бир неча соатга бўлсада, ўрнатди.

Аммо бу сийқа жўшқинлик, бари бир, ниманидир яшираётган, тушдан кейин кўчага тирқираб чиққан, ҳозир Рамбер билан бирга одимлаётган одамлар кўринишларидан бепарво тусларида янада назокатлироқ баҳтни пинҳон тутаётган эдилар. Ва ҳакиқатан ҳам, кўпгина жуфтлар, оилалар сиртдан тинчгина ўткинчилар эди, холос. Аслида эса улар шунча азобларни кўрган жойларини назокатли зиёрат қилаётган эдилар. Улар янгида келганларга вабонинг ошкор ё яширин белгиларини, унинг тарихи изларини курсатмоқчи эдилар. Бир ҳолатларда оранликлар таништирувчи, мана, шуларни кўрдик, дейдиган вабо замондоши роли билан кифоялансалар, вабога боғлиқ хавфли ҳолатларда шивирлаб гапирав, қўрқув ҳақида эса умуман индамас эдилар. Моҳияттан, мутлақо безиён саргузашт.

Аммо бошқа бир ҳолатларда янада таҳликалироқ, хотираларнинг майин ҳасратида кўнгли ийиган маъшук ўз маъшуқасига «ўша йиллари худди шу ерда мен сени шунчалар соғинганман, сен эса йўқ эдинг», деб айтса бўладиган жойларга ҳам келиб қолар эдилар. Ҳиссиёт этагида бўлган бу сайёҳлар бир қараашдаёқ билинарди: улар ўзларини куршаган оломон шовқинида изҳори дил ва шивир-шивир оролини яратиб олган эдилар. Айни шулар, чорраҳаларда янграётган оркестрлар эмас, шулар ўзларида ҳақиқий озодликни жо қилган эдилар. Зеро, бир-бирига қапишган, сўзга хасис шу жуфтларгина ўз баҳтларининг бутун тантанасию бутун адолат-сизлиги билан вабо тугагани ва фожиа вақти ўтиб кетганини жория қиласр эдилар. Улар кўриниб турган ҳаммасига қарши ўлароқ, совуққонлик билан бизнинг бир одамни ўлдириш чивинни чертишдек жўн иш бўлган телба дунёни кўрганимизни, бу атай қилинган ёввойиликни, бу майда-чуйдасигача ўйланган алаҳсирашни, бугунги кун бўлмаган ҳамма нарсани ваҳшиёна озод этган бу бандиликни, ҳали вабо ўлдирмаганларни ақддан оздираёзган бу ўлим ҳидини рад этар, улар ниҳоят, бизнинг бир бўлаги ахлат куйдириладиган печ домига тиқилиб, ҳавога елимшиқ мой тутун бўлиб ўрлаган, қолган бўлаги айни шу вақтда чорасизлик ва қўрқинч кишанлари буғовида ўз навбатини кутган халқ бўлганимизни инкор қиласр эдилар.

Шаҳар чеккасига ошиқиб, қўнфироқ даранг-дурунги, тўпилар гумбури, мусиқа ва қулоқни қоматга келтиргаи бақир-чақир ичида кетаётган Риэ ҳаким, йўқ деганда, биринчи галда шуларни кўрди. Унинг иши тўхтамаган, касаллик нафас ростлагани қўймаётган эди. Шаҳарга бениҳоя тенгсиз гўзал губордек сокин ёғду қуйилди ва унга илгариги ҳидлар – қовурдоқ гўшт ва аниқ ароғининг иси аралашиб

кетди. Риэ чор-атрофида осмонга қараган шодон юзларни күрарди. Эркагу аёллар кўзлари ёниб, қўлларини чирмаштириб борар, уларнинг истаклари жонсарак ҳаяжону қийқириқларда ифода топар эди. Ҳа, вабо тугади, даҳшат тугади ва чирмашган қўллар вабонинг қувғинлик бўлгани, сўзнинг туб моҳияти билан, айрилиқ бўлганини айтиётган эди.

Риэ биринчи ойлар давомида ўткинчилар юзидан ўқиганинг умумнаслий аломатини топди. Ҳозир атрофга бир қарашнинг ўзи кифоя. Одамлар бутун шуйқону тангликлар билан вабо охиригача тирик келдилар, охир-оқибат, шу либос – рол белгилаб берган костюмга кирдилар, анчадан бери юзлари, энди эса кийимлари ҳам айрилиқ ва олис ватандан гувоҳлик бераётган муҳожир ролини ўйнадилар. Вабо шаҳар дарвозаларини ёпиб кўйтган ўша дақиқадан уларнинг тириклиги айрилиққа тўлиб қолди, улар ҳаммасини унтишига мадад берадиган халоскор инсоний ҳароратдан маҳрум бўлдилар. Шаҳарнинг ҳар бир буржида эркагу аёллар ҳар бири ўзича талқин қиласидиган, аммо ҳаммага бирдай беистисно насиб этмайдиган қанақадир қайта кўшилишга ташна эдилар. Кўплари, ўзлари ҳам билмай, инсоний дўстлик даврасидан четга чиқиб қолганлари, энди дўстлик ўз ифодасини кўрсатадиган оддий воситалар – хат, поезд, кемалар орқали одамлар билан алоқа қилолмаёттаниларидан изтиробда эдилар. Бошқа бирлари, эҳтимол, Тарруга ўхшаганлар, – бунақалари озчилик эди, – бир нарса билан қўшилишга интилардилар, унинг нималигини ўзлари аниқлай олмас, аммо шу ноаниқ нарса уларга ягона истак бўлиб кўринар эди. Улар буни бошқа сўз топа олмай, тинчлик, осойишталик деб атар эдилар.

Риэ ҳамон одимлар эди. Олдинга юргани сайин оломон қалинлашар, товушлар ғовури кучаяр, у йўл олган канора борган сари марказдан узоқлаша-

ётгандек туюларди. У аста-секин шу бақироқ мавжудотга қўшилиб кетди, унинг қичқирогига чукурроқ кирди ва бир вақтнинг ўзида бу қичқириқ, қай бир даражада, ўзининг ҳам қичқириғи эканини тушуниб етди. Ҳа, биз ҳаммамиз бу чўзилган, чидаб бўлмас оғир таътил пайти чиқишга йўл йўқ бу қатагондан, чанқов босиш чораси йўқ, бу ташналиқдан ҳам руҳан, ҳам жисман бирга жафо чекдик. Тўдаланган мурдалар, санитария машиналарининг хавотирли чинқириғи, тақдир деб аталган нарсанинг белгилари, қайсар қўрқувнинг тепкилаши ва юракларнинг қаҳрли исёни орасида ваҳмда қолган одамларни ҳаяжонга солиб, уларга яна ҳақиқий ватани эгаллаш кераклигини уқтириб, ҳар томондан ва тинимсиз бир гулув кўтарилиб келаётган эди. Уларнинг ҳаммаси учун ҳақиқий ватан шу ярим – бўғилган шаҳар деворлари ортида эди. У тепалик ёнбағридаги бутазорларнинг хуш бўй таратишида, денгиз кўзгусида, эркин мамлакатларда, севгининг салмоқли кучида эди. Улар қолган ҳаммасидан юз ўтириб, **худди** шунга-да, яъни бахтга-да қайтишга ташна эдилар.

Риэнинг ўзи ҳам, уларнинг қувғинлиги ва қайта қўшилишга бу интилишларида, моҳиятан, қандай маъно борлигини билмайди. У юраверди, юраверди, уни туртишида, чақиришида, аста-секин одам камроқ кўчаларга келиб қолди ва шунда у бунинг ҳаммасида маъно бор ёки йўқлиги унча муҳим эмас, энг муҳими – инсон умидига қандай жавоб берилишини билиш кераклигига эканини тушунди.

Бундан буён у айнан нима жавоб берилганини билади, буни у каноранинг яқин, қарийб бўм-бўш кўчаларида аниқроқ туйди. Ўзларига буюрган ўша озгинани қўйиб юбормай, факат бир нарсага – **ўз** севгилари паноҳига қайтишга ташна одамлар бор эди ва улар баъзан тақдирланар ҳам эдилар. Албатта,

ҳозир шаҳарда кимдир биров ёлғиз тентираб юрибди, чунки кутган одамидан айрилган. Эпидемия бошлангунча ўз севгиси иморатини тиколмаган ва кўп йиллар бадалида икки севишган – ғанимларнинг ҳәётини қовуштирадиган мушкул келишувни кўркуона излашга уринадиганларга ўхшаган икки карпа айрилиққа чап берганлар ҳам ҳали баҳтиёрдирлар. Мана шулар, Риэнинг ўзига ўжшаб, ҳаммасини тўғрилайдиган вақтга суюниб енгилтаклик қилдилар, булар икки томонга мангу ажраб кетдилар. Аммо бошқалар, масалан, ҳаким бугун эрталаб: «Мардлик, мардлик, энди ҳақлигимизни исботлашимиз керак», деб айтгани Рамберга ўхшаганлар иккilanмай, ўзлари йўқотдик деб юрганларини топдилар. Энди улар ёруғ дунёда доим интилиш керак бўлган, баъзан қўлга ҳам кирадиган нимадир борлигини ва бу нимадир – инсоний меҳр эканини биладилар.

Ва, аксинча, инсондан ошиб, баланддаги нимагадир мурожаат қилган, унинг нималигини ўзлари ҳам тасаввур этолмайдиганларга – мана шуларга жавоб йўқ. Тарру, эҳтимол, ўзи айтган ўша етиш душвор тинчликка етишгандир, аммо уни фақат ўлимда, энди ҳеч нарсага керак бўлмаганда қўлга киритди. Мана, ҳозир Риэ кураётган, ботаётган қуёш нурларида ўз уйлари остонасида меҳр-ла қучоқлашиб, суюкли кўзларга ҳаяжонли термилишиб ўтирганлар – мана, шулар интилганларига эга бўлдилар, зеро, уларда ўзларигагина боғлиқ бўлган ўша ягона нарсани сўраган эдилар. Риэ ҳам Коттар билан Гран турадиган кўчага қайрилаётуб, агар қувонч худди мукофот каби ўзининг инсонлик ёзмиши, ўзининг фақирона ва даҳшатли севгисига қаноат қиладиганларга вақти-вақти билан келиб турса, жуда адолатдан бўлади, деб ўйлади.

Воқеаномамиз охирлаб қолди. Энди Бернар Риэ ҳаким унинг муаллифи ўзи эканини тан оли-

шига ҳам вақт келди. Аммо кейинги воқеалар баённига киришишдан олдин у ўз ниятини қай бир даражада оқдашни ва нима учун холис гувоҳ оҳангани сақлашга интилганини тушунтирум оқ истайди. Бутун эпидемия давомида у ўз касбий машғулотига кўра, кўплаб ҳамтабаалари билан кўришган ва уларнинг дил изҳорларини эшигтан. Шу тарикә, у гўё воқеалар марказида бўлган ва шу боис кўрган ва эшигтанларини тўлароқ бера олар эди. Аммо у буни борича лозим сиполик билан қилишни маъқул топди. Кўп ҳолларда у ўз кўзи билан кўрганларинигина баён этди, вабода биродар тутинганларига, улар, моҳиятган, ўйлаб ҳам курмаган мулоҳазаларни ёпиштирмасликка, фақат тасодиф ё тақдирдан бўлиб кўлига тушган ҳужжатлардангина фойдаланишга интилди.

Мудҳиш жиноят бўйича кўрсатма беришга чақирилганда, у ҳалол виждонли гувоҳга хос вазминликни йўқотмади. Аммо айни пайтда кўнгил поклиги қонунларига амал қилиб, атай қурбонлар тарафини олди, ҳамма учун шубҳасиз ягона нарса – севгида, азобда ва қувғинликда одамлар ёнида туришга интилди. Шунинг учун ўз ҳамтабаалари билан уларнинг барча таҳлика-кўркувларини бирга баҳам кўрди, шунинг учун уларнинг бошига тушган кўргулик унинг ҳам кўргулити эди. У фақат ҳалол виждонли гувоҳ бўлишгагина интилса, асосан ҳужжатлар, ёзувлар ва эшигмишлари билан чекланиши керак эди. Аммо унга шахсий кечинмалари, масалан кутишлари, ўз кургуликларини гапирмасликка тўғри келарди. У вақти-вақти билан мазкур қоидани бузиб турган эканми, бу ҳам ўз ҳамтабааларини тушуниш ёки уларни бошқалар тушуниши, кўп ҳолларда ноаниқ туялган нарсаларни аниқ шаклга ўраб бериш учун шундай қилган. Очигини айтганда, ақлни бундай пешлаш унга унча қийин кечмади. Ўз дил изҳорини вабо теккан юзлаб одамларнинг фарёдига қўшиб айтгиси келганда

у ўзида шундай бир оғриқ йўқки, бошқалар ҳам уни тортмаган бўлса, оғриқ шундай ягонаки, ҳатто унинг устуналиги ҳам шунда, деган фикр билан бундан ўзини тийди. Йўқ, у қатъий равишда ҳамманинг номидан гапириши керак эди.

Аммо Оран аҳди орасида бир одам бор эдикси, Риз ҳаким унинг номидан гапиролмас эди. Гап бир куни Тарру Риэга: «Унинг ягона жинояти шундаки, у ўз кўнглида болаларни ҳам, катталарни ҳам ўлдираётганни ёқлади. Қолган ҳаммасида мен уни тушунаман, аммо шу жиҳатини ҳам кечиришимга тўғри келади», деб айтган одам ҳақида кетаётир. Воқеаноманинг кўнгли сўқир, яъни сўққабош кўнгил одам ҳақидаги хикоя билан тугаши ҳам мутлақо адолатдан бўлади.

Ҳаким шодиёна шовқинга тўла кўчалардан ўтиб, энди Гран билан Коттар турадиган торкӯчага қайрилмоқчи эди, уни миршабхона посбони тўхтатди – у ҳаммасидан ҳам шуни кутмаган эди. Байрамнинг олис ғовурига қулоқ тутиб, тинч, ҳувиллаган, жимжит маҳаллани кўз олдига келтирди. У гувоҳномасини кўрсатди.

– Бари бир, мумкин эмас, ҳаким, – деди миршаб.
– Ҳув авави ерда қандайдир савдои одамларга қараб отяпти. Кетмай туринг, ҳали ёрдамингиз керак бўлар.

Риэ шу пайти ўзига қараб келаётган Гранни кўриб қолди. Гран ҳам ҳеч нарсани билмас экан. Уни ҳам ўтказишмабди: унга фақат бир нарса – улар турадиган уйдан ўқ отилаётгани маълум, холос. Бу ёқдан ҳақиқатан ҳам бинонинг кечки илиқ қуёш нурларида тилларанг товланаётган олд томони кўриниб турарди. Уй олдидаги яланглик бўм-бўш, ҳатто тескари ёқдаги йўлакда ҳам жон асари йўқ. Тошкўчанинг қоқ белида бир шляпа, қандайдир мойжумоқ латта ётарди. Риэ билан Гран

узокда, күчанинг адогида, у ёкни ҳам түсіб олган иккінчи миршабхона посбонлигини күрдилар, миршаблар орқасида лип-лип ўтаётган ўткінчилар күзга ташланади. Улар зең солиб, яна бир неча түппончали миршабларни кўриб қолдилар, булари қаршидаги дарвозахонага биқинган эди. Бинодаги барча дераза қопқалари бекик. Аммо иккінчи қаватдаги қопқанинг бир табақаси қия очилди. Кўча сукунатда қотган. Фақат шаҳар марказидан келаётган узук-юлуқ мусиқагина қулоқقا чалинади.

Худди шу дақиқада рўпарадаги уй деразасидан икки марта револьвер қарсилади ва синган қопқанинг чирсиллаши эшитилди. Кейин яна жимлик чўқди. Риэга шаҳар марказида гумбурлаётган байрам тантаналаридан кейин бу ердаги ҳаммаси ғалати бир тушга ўхшаб кўринди.

– Бу Коттарнинг деразаси, – деб қичқириб юборди Гран. – Лекин Коттар қайгадир гум бўлган эди-ку!

– Нега отишяпти, а? – деб сўради Риэ миршабдан.

– Уни чалғитишмоқчи. Махсус машинага қараб турибмиз, у, ахир, уйга кирмоқчи бўлган ҳаммани нишонга оляпти. Бир миршабни ярадор ҳам қилди.

– У нима учун отяпти?

– Ким билади дейсиз. Одамлар бу кўчада ўйин-кулги қилиб ётган эди. Биринчи ўқ, узилганда нима бўлганига ҳеч ким тушунмади. Иккинчи ўқ товушидан кейин қий-чув кўтарилиди, кимгадир ўқ тегди, ҳамма қочди. Фирт жиннига ўхшайди.

Яна чўккан жимликда – дақиқалар соатта чўзилгандек бўлди. Бирдан кўчанинг у бошидан бир кўпшак отилиб чиқди, Риэ узоқ вақтдан бери биринчи кўрган ит эди бу, жуни увада иркит снаниэл, афтидан, эгалари эпидемия пайти қаердадир яшириб сақлаган, энди у девор ёқалаб бемалол лўкиллаб жўнади. Дарвозага етгач, иккиланиброқ тўхтади, кейин чўнқайди, бошини қайириб, терисидан бурга

Ражишига киришди. Бирваракайига бир нечта ҳуштак эшитилди - миршаблар итни чақириб олмоқчи бўлдилар. Кўппак калласини кўтарди, кейин тошкўчада ётган шляпани искамоқчи бўлди шекилли, журъатсизгина лўкиллади. Аммо бирдан учинчи қават деразасидан ўқ қарсиллади ва жонивор худди товага ташланган қўймоқ хамирдек, елкаси билан лоп этиб тушди, ёнбошга ағдарилишга уринди, жон талвасасида оёқ қоқди. Жавобга бешолти ўқ узилди, буни дарвоза томондагилар отди, яна қопқага тегизиши. Қопқадан пайраха сачради. Яна ҳамма ёқ жимиб қолди. Куёш уфқقا ёнбошлиб, Коттарнинг деразасига соя силжиб келаётган эди. Риэнинг ортида тормозларнинг секин фийқиллаши эшитилди.

– Келишиди, – деди миршаб.

Машинадан миршаблар отилиб тушдилар, арқонлар, нарвон, яна иккита елимбашара матога уралган нимадир узунроқ нарсаларни тушириши. Кейин улар Гранларнинг уйи орқасидаги бинолар бўйлаб кетган ёндош кўчага ўта бошладилар. Риэ бир неча дақиқадан сўнг дарвоза пештоқи тагида аллатовур питир-питирни курди, кўрмади, тўғрироғи, фахмлади. Кейин яна ҳаммаси жимликда тек қотди. Кўппак энди силтанмас, унинг теграсида гунгурт кўлмак ёйилиб кетаётган эди.

Миршаблар эгаллаган уй деразасидан тўсатдан пулемёт тариллади. Қопқа ўқча тутилган, парча-парча сочилиб, деразанинг қоп-қора чорбурчаги очилиб қолган, аммо Риэ билан Гран турган жойларидан ҳеч нарсани кўролмаётган эдилар. Пулемётнинг уни ўчгач, иккинчиси – кўшни уйдагиси, бурчакка яқинроғи ишга тушди. Дераза ўрнини нишонга тутишяпти шекилли, гишт увоқлари учди. Худди шу дақиқада уч миршаб тошкўчадан юргурганча ўтиб, кираверишга биқиниб олди. Уларнинг изидан яна учтаси юргурди ва пулемёт отишмаси ўчди. Яна ҳамма тек қотиб, кутиб

турди. Уйдан икки марта бўғиқўқ товуши чиқди. Кейин ғовур-ғувур кутарилди ва кираверишдан тинмай нимадир деб бақираётган пиджаксиз бир калтагина одамни судраб, тўғрироғи, кутариб чиқшиди. Худди сехрли таёқча ишора қилгандек, ҳамма ёпиқ қопқалар очилди, деразаларда томошаталабларнинг калласи кўринди, уйлардан одамлар тирқираб чиқиб, миршаблик тўсиғи орқасида тўдаландилар. Ҳамма бирдан ўша, энди кўллари орқасига қайрилган ҳолда тошкўчадан бораётган одамчани курди. У бўкирарди. Миршаб унинг яқинига келиб, бор кучини муштумига жамлаганча, мўлжал олиб ва ҳатто қанақадир иштиёқ билан икки марта унинг бетига туширди.

– Коттар бу, – деб гулдиради Гран. – Эсини еб қўйибди-ку.

Коттар йиқилди. Томошабинлар миршабнинг тошкўчада ялпайиб ётган гавдани, оёқларини ҳаволатиб, жон-жаҳди билан тепганини курдилар. Кейин бекорчилар гурӯҳи типирчилаб, ҳаким ва унинг дўсти томонга юрди.

– Тарқал! – деб тўдага буюрди миршаб.

Риэ гурӯҳ унинг ёнидан ўтаётганда, кўзларини олиб қочди.

Гран билан ҳаким шомнинг сўнгти ёғдуларида одимлаб кетдилар. Худди бу ҳодиса бутун маҳаллани мудратиб қўйган карактликни бирдан кўтариб ташлагандек, марказдан олис кучалар яна оломоннинг кувончли ғовурига тўлиб қолди. Гран уйга кираверишда ҳаким билан хайрлашди. Ишга киришадиган вақт бўлди. Аммо зинанинг биринчи поронасидан у Жаннага хат ёзган, энди чиндан ҳам курсанд эканини айтиб қичқирди. Энг асосийси – у яна ўша жумласига сайқал беришга тушибди. «Мен ундан ҳамма ташбеҳларини олиб ташладим», – деди у.

У кув илжайиб, шляпасини кўтарди-да, ҳакимга такаллуф ила таъзим бажо қилди. Аммо Риэ

Коттарни ўйлаётган эди, юзга урилган муштнинг бўғиқ гурсиллаши уни дамқисма чолнинг уйигача йўл бўйи таъқиб қилди. Унга, эҳтимол, ўлик одамдан кўра жиноятчи одам ҳақида ўйлаш оғирроқ туюлар.

Риэ кекса мижозиникига етиб келганда, осмонни батамом зулмат ютган эди. Озодликнинг ғовури хонага элас-элас келар, чол ҳамишагидек ўша-ўша алпозда нўхатларини кастрюлдан кастрюлга биттабитта солиб ётар эди.

– Ўйин-кулги қилишгани ҳам тўғри. Ҳарқалай, кунгилга урмайди, – деди чол. – А, бу ҳамкасбингизнинг анчадан бери дараги йўқ. Нима бўлди унга?

Улар яна пак-пук отишмани эшитдилар, аммо буниси безарар – болакайлар мушак портлатадаётган эди.

– У ўлди, – деб жавоб берди Риэ ҳамма ёғи хириллаётган кўкракка стетоскоп қўяётиб.

– А-а, – деб чўзди чол безовталаниб.

– Вабодан, – деб қўшимча қилди Риэ.

– Ҳа, – деб холоса чиқарди чол бир оз жим турганидан кейин, – яхшилар доим кетади. Ҳаёт шундай. У нима хоҳлашни биладиган одам эди.

– Нега бундай деяпсиз? – деди ҳаким стетоскопини йиғиштириб.

– Ҳа шундай. У бекорга гап сотмасди. Шунчаки, менга ёқарди. Лекин шундайликка шундай. Бошқалар «Бу вабо, бу вабо...» деб тинмайди. Қараб турсанг, ўзларига орден талаб қилишдан ҳам тойишмайди. А, моҳиятан, вабо нима ўзи? У ҳам ҳаёт, вассалом.

– Ингаляцияни вақтида қилишни унутманг.

– Ташвиш қилманг. Мен ҳали-вери ўлмайман, уларнинг ҳаммаси қандай ўлишини кўраман ҳали. Мен яашни биламан.

Унга жавоб бўлиб олисдан шодон қийқириқлар эшитилди. Ҳаким хона ўртасида ўйланиб туриб қолди.

— Айвонга чиқсам, сизга малол келмайдими?

— Ҳа йўғ-а, нима сиз. Уларга тепадан қараб кўрмоқчимисиз? Кўнглингизга сикқунча. Аммо улар ҳамма ёқдан бирдай кўринади.

Риэ зинапояга йўл олди.

— Айтинг-чи, ҳаким, улар вабодан ўлганларга ёдгорлик ўрнатишмоқчи эмиш, ростми шу?

— Ҳарқалай, рўзномаларда шу гап бор. Минорми, лавҳми.

— Шундоқ ҳам билардим. Ҳали қанча маърузалар ҳам ўқийдилар. — Чол хир-хир кулди. — «Бизнинг ўликлар...» деганларини шундоқ эшишиб турибман, кейин газак қилгани жўнайдилар.

Аммо Риэ аллақачон зинапояга чиқсан эди. Уйлар томиустидакенгсовуқ осмонялтирас, тепаликлар узра паст осилган юлдузлар чақмоқтошдек қаттиқ туюлар эди. Бугунги туннинг ўша, Тарру иккови вабони унтиш учун бу ерга, айвонга чиқсан тундан айтарли фарқи йўқ. Аммо ҳозир денгиз қоялар пойига ўша тундагидан шиддатлироқ урилаётган эди. Ҳаво енгил, тинч, кузги илиқ эпкинлар олиб келадиган шўр ислардан фориф эди. Шаҳарнинг тўлқин шопиллашига ўхшаган шовқини айвонларга илгаригидек урилади. Аммо бугунги тун исён туни эмас, озодлик туни эди. У ёқда, олисда зулмат оралаб келаётган қизғиш шуълалар иллюминация ёриштирган хиёбону майдонлар тарҳини белгилайди. Энди озодликка чиқсан кечада истак ҳамма ғовларни янчар ва унинг ғовури бу ердаги Риэгача етиб келаётган эди.

Гунгурт бандаргоҳ узра расмий тантананинг илк ракеталари ўрлади. Уни бутун шаҳар буғиқ, чўзиқ қийқириқ билан олқишилади. Коттар, Тарру ва умуман Риэ яхши кўрган, у йўқотган одамлар, улар ўликоми, тирикоми, ҳаммаси унтилди. Дамқисма чол ҳақ: одамлар доим бир хил. Аммо уларнинг кучи ҳам шунда, уларнинг бегуноҳлиги ҳам шунда ва Риэ

ўзининг бу борадаги оғриғига қарамай, улар билан биргалигини ҳис этди. Энди осмонда турфа ранги мушакбозлик фаввораси очилар ва уларниң ҳар бири бу айвонгача етиб келаётган гулдурос, галдан галга кучайган қийқириқ билан қарши олинарди, худди шунда Риэ ҳаким шу ерда якунланадиган тарихни ёзишга, индамасликка қасам ичган роҳибларга ўхшаб қолмаслик, вабо текканлар фойдасига гувоҳлик бериш, уларниң бошига тушган адолатсизлик ва зуравонлик тўғрисида хотира қолдириш учун, яна шунчаки фалокат фасли нимага ўргаттани: одамларга беписандликдан кўра, уларга қойил бўлишга асос кўпроқлиги ҳақида ёзишга қарор қилди.

Аммо шу билан бирга у мазкур воқеанома батамом галабанинг тарихи бўлолмаслигини ҳам тушунади. У фақат якунлаш керак бўлган, ва, щубҳасиз, барча одамлар қўрқувга, унинг чарчоқ билмас куролига қарши ўлароқ, ўз шахсий изтиробларига қарши ўлароқ якунлашлари керак бўлган, авлиёликка эришиш имкони йўқлигидан ва фожиани инкор этиб, даволовчи бўлишга интилган барча одамлар якунлаши керак бўлган нарсалар ҳақида гувоҳлик беради, холос.

Ва чиндан ҳам, шаҳар марказидан келаётган қувонч ҳайқириқларига қулоқ тутган Риэ ҳар қандай шодлик таҳлика остида туришини эсга олди. Зоро, Риэ бу шод-хуррам оломон бехабар, фақат китобларда ўқиш мумкин бўлган нарсани – микроб ҳеч қачон ўлмаслигини, ҳеч қачон йўқолмаслигини, мебелнинг бурмаларида, тушак қатламида, ўн-үн йиллаб ухлаши, унинг хобхоналарда, ертўлаларда, жомадонларда, дастрўмолларда, қофозларда ўз пайтини сабр-тоқат билан пойлаб ётавериши ва эҳтимол, одамларга кулфат ва сабоқ келтирадиган, вабо каламушларни қўзғатиб, уларни баҳтли шаҳар кўчаларига ўлиш учун ҳайдаб чиқарадиган кун келишини билади.

ЁН ДАФТАРЧАЛАР¹

V ВА VI ДАФТАРЛАРДАН (1945 йил сентябрь – 1951 йил март)

Мен нечун файласуф эмас, санъаткорман! Саби: фикру ёдим ғоялар эмас, сўзлар оламида.

* * *

Шифокор эшиги олдида мук тушганлар худди даққи жониворларга ўхшаб кетади.

* * *

Одамлар нега ичишади? Шунинг учун бўлса керакки, шароб бутун тафаккурга жило бериб, жами вужудни жунбишга келтиради. Хуроса шул: қадаҳ – ночорлик ёки норизолик аломати.

* * *

Ҳаётдаги энг муҳим масала – одамлар орасида умргузаронликни қандай ўтказиш.

* * *

Бизга «яратган образингда қиёфа йўқ», деб таъна қилишади. Бироқ, ҳамма гап шундаки, тимсолнинг ўзи юсиз. Тўнкалардан ўрнак олишимизни билишмайдигандек, тағин муҳаббатдан йироқсизлар, деб ёзғиришади...

¹Альбер Камю. Ён дафтарчалар // И.Бек таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2003, 10 –сон. – 202–203-бетлар.

* * *

Сент-Бъё: «Мен ҳамиша шундай фараз қила-
манки, мабодо, инсон зоти бир дақиқа ёлғондан
тұхтаб, ичидагини ошкор айтса борми, жамият
шу зақоти титилиб кеттган бўларди».

* * *

Гиммлернинг врачи бўлиб хизмат қилган (ва
Дахаудан яхши хабардор бўлган) Карл Герхарднинг
сўнгги сўzlари: «Дунёда ҳали ҳам адолатсизлик
борлигидан афсусдаман».

* * *

1905 йил инқилоби Москвадаги босмахоналардан
бирининг ишчилари ишбай ҳақ тұланишида нұқта-
лар ва вергулларнинг ҳам ҳарф қаторида саналиши-
ни талаб қилиб иш ташлашидан бошланган...

* * *

Москва Коммунаси пайтида қувурлар майдо-
нидаги түплар ўқидан вайрон бўлган бино олдида
ўлук жасадидан кесиб олинган бир парча гүшт
солинган ликопча турар ва унинг тагида шундай
ёзув бор эди: «Жабрдийдаларга мадад учун ўз
ҳиссангизни кўшинг».

* * *

Столипиннинг қотили Дмитрий Багровга шоҳо-
на илтифот кўрсатилди – у фрак кийган ҳолида
осилиш бахтига муяссар бўлди.

* * *

Инсонни ўлимга ҳукм қилиш – уни одам бўлиб
олиш имкониятидан маҳрум қилиш демакдир.

* * *

Ёллаш. Қалами учидан учқун чиқмаган адилларнинг кўпчилиги ўзларини коммунистлар сафига уришяпти. Бу – санъаткорларга тепадан қараб туриш имконини берадиган ягона илинж. Шу маънода коммунистлар – толеи чопмаганлар партияси. Табиийки, бу қўргоннинг дарвозалари тирбанд.

* * *

Достоевский, мазмунидан кўра бу ҳаётнинг ўзига кўпроқ муҳаббат қўйиш керак, дейди. Тўғри, дарҳақиқат, ҳаётга муҳаббат сўнганида унинг мазмуни ҳам ўз-ўзидан ўчиб қолади.

* * *

«Дорилбақода қабр деган бир қаср борлигининг ўзиёқ дилга севинч бағишлиайди».

* * *

Марксизм – қозибозликка ғиж-ғиж тўлиб, ҳуқук илми анқонинг уруfigа айланган фалсафадир.

* * *

Кулларга эҳтиёж мўл жойда имкони борича кўпроқ мусиқа ижод қилиниши зарур. Толстойнинг айтишича, бир немис князи шундай фикрда бўлган экан.

* * *

Толстойнинг иш столида қолиб кетган охирги, туталланмаган асари шундай номланган: «Дунёда гуноҳкорнинг ўзи йўқ».

* * *

Инсон – ўзи қандай бўлса, шундай бўлишни рад этадиган ягона мавжудотдир.

АЛЬБЕР КАМЮ ҲИКМАТЛАРИ¹

Менинг атеистлигим ҳақида гапиришларини тез-тез ўқиб тураман. Мен учун бу сўзлар ҳеч нимани англатмайди, улар мазмунсиздирлар. Мен Худога ҳам ишонмайман ва атеист ҳам эмасман.

* * *

Буддизм, бу динга айланган атеизмдир. Нигилизмдан² кейин қайта туғилиш. Гўё ягона ҳолат. Ва пухта ўйлаб куриш учун бунга арзиди ҳам, айниқса, биз каби нигилизмга қарши курашувчиларга.

* * *

Одамларни ёмон куришдан кўра ёқтиришга асослар кўпроқдир.

* * *

Яхши курган мавжудоти бир куни ўлишидан инсон азобланади, деб ўйлашади. Бироқ ҳақиқий азоб анчагина кичкина: бошқа азобланмаётганилигинги ни сезиш дардлидир. Ҳатто азоб-уқубат мазмундан маҳрум.

* * *

Ёшлигимда одамлардан улар бера олишларидан ҳам кўпини талаб қиласдим: мангу дўстлик, вафоли муҳаббат. Энди мен улардан бера олишларидан ҳам камини талаб қилишни ўргандим: шунчаки

¹ Эркин Эрназаров таржимаси.

² Ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни инкор этиш.

ўртоқдик, гап йўқ. Ва уларнинг ҳиссиётлари, дўстлиги, олижаноб муносабати кўзларимда барча мъжиза қадрини сақлади: фароғатнинг тоза инъоми.

* * *

Ҳаётда тушкунликсиз ҳаётга муҳаббат ҳам бўлмайди.

* * *

Оlam муҳаббатсиз ҳалок бўлади, лекин шундай вақт келадики, қамоқхоналар вайрон бўлиб, севган юракларга қувват ва меҳр ато этилиб, инсон ўзининг ярмини топади.

* * *

Тимсол ҳар доим муаллиф ўйлаганидан ҳам аълороқ бўлади.

* * *

Аҳмоқлик – ўта барқарор нарса, агар ҳар доим фақат ўзини ўйламаса, буни сезиш мураккаб эмас.

* * *

Инсон – ўзлигича қолишни истамайдиган ягона мавжудот.

* * *

Худкушлик, бу ўз тақдири (меъёrlари) билан келишиш демакдир.

* * *

Одамлар ўзини қонунни хурмат қилаётгандай қилиб кўрсатишади, аслида улар фақат кучга бўйсунадилар.

* * *

Камбағаллар қандай яшашни танламайдилар,
лекин ўзларини сақлаб қолишилари мумкин.

* * *

Алдаш жудаям зерикарли.

* * *

Мен сенинг келишингни билсам, қанча бўлса
ҳам кутишга тайёрман.

* * *

Кимдир мавҳумликни кўрган жойда, бошқа
биров ҳақиқатни кўради.

* * *

Ёлғон гапирмасликни биладиган одам озоддир.

* * *

Инсонлар қўрқоқлар қуршовида қолганида ўзи-
ни ёлғиз ҳис этади.

* * *

Умидсизликка одатланиш умидсизликнинг ўзи-
дан ҳам ёмон.

* * *

Бойликнинг асири бўлгандан кўра озод кам-
бағал бўлган яхши. Табиийки, одамлар ҳам бой,
ҳам эркин бўлгиси келади, баъзан шунинг учун
камбағал қулларга айланадилар.

* * *

Дунё ажойиб ва ундан ташқарида холос бўлиш
йўқ.

* * *

Ҳеч нарса ўзингдаги умидсизлик ҳолатини англашдек илҳомлантируйдай.

* * *

Севилмаслик бу фақатгина омадсизликдир. Бахтсизлик – севмасликдадир.

* * *

Қўрқинчли судни кутманг. У ҳар куни бўлади.

* * *

Даҳолик ўзининг чегарасини биладиган ақлдир.

* * *

Онг – одамни ҳайвондан ажратиб турадиган жиҳатдир.

* * *

Уруш кўпчилик одамлар учун ёлғизлик тугашини англаради. Мен учун эса тамомила ёлғизликдир.

* * *

Жон беришда ўйин ва қаҳрамонлик ўзининг асл маъносини топади.

* * *

Ёлғиз ва баҳтли бўлиш мумкинми? Амалиётда бу муҳим саволга жавоб топа билиш керак.

* * *

Одамлар орасида қандай яшаш керак? Ҳаётнинг улуғ саволи.

* * *

Бизнинг туғилишимиз ва ўлишимиз бемаъниликдир.

* * *

Камбағал одамнинг яхши фазилати самимий сахийлигидир.

* * *

Насронийлар учун тарих вахийдан бошланади. Марксистлар учун шу билан тугайди. Икки дин.

* * *

Дўстлар орасида қандай яшаш – бу буюк савол.

* * *

Ирода ҳам ёлғизлиkdir.

* * *

Бемаънилик инсоният онгининг тўқнашуви ва дунёнинг жимжитлиги натижасида пайдо бўлади.

* * *

Демократия бу – кўпчилик қонунияти эмас, балки озчиликни ҳимоя қилиш қонунидир.

* * *

Инсоний азобларнинг энг юқориси қонунсиз судланицдир.

* * *

Одамда она ягона-ку!

* * *

Ҳаммаси одатга боғлиқ.

* * *

Нима қилсанг ҳам, бари бир бирор нарсада
гуноҳкор бўлиб чиқаверасан.

* * *

Турмушда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди,
ҳаммаси доим бирдай.

* * *

Никоҳ – жиддий нарса.

* * *

Қарилкнинг давоси йўқ.

* * *

Ҳар қандай онгли одам бир кун келиб у ёки бу
тарзда ўзи севган кишига ўлим тилаб қолади.

* * *

Худо гуноҳидан ўтмайдиган биронта гумроҳ
банда йўқлигига ишонади, лекин бунинг учун
гуноҳкор банда тавба қилиб, қалби билан худди
боладай – очик кўнгил ва ишонувчан бўлиши
керак.

* * *

Яхшиликка умид қилиш керак!

* * *

Мендан бахтсизроқ одамлар ҳам бор.

* * *

Охир-оқибат, ҳамма нарсага кўниkasан.

* * *

Мендан ҳеч кимга халал бермайдиган, зиёни тегмайдиган нарсамни нега тортиб олишига сира ақлим етмайди.

* * *

Агар одам бир кунгина яшаган бўлса, бас, кейин у қамоқда юз йил ҳам bemalol ётавериши мумкин экан. Зерикмаслиги учун эсдаликлари бисёр бўлади. Мақбул бўлса, бу ҳам таскин беради.

* * *

Ҳеч қачон муғомбирлик қилиш керак эмас.

* * *

Қамоқдаги одам бориб-бориб вақтни тасаввур қилишни ҳам унутади.

* * *

Бахтсизлик нималигини ҳамма билади. Сен унинг қархисида ожизсан.

* * *

Тошбағирлиги билан ўз онасини ўлдирган одам отасига жинояткорона қўл кўтарган одам билан баб-баравар инсониятдан юз ўгиради.

* * *

Гильотинанинг ёмонлиги нимада: у умидга бирор учқун қолдирмайди.

* * *

Маҳкум одам ихтиёрий ё беихтиёр ўзини қатл қиласиганлар билан бир бўлади.

* * *

Билмаганингни – бурттирасан.

* * *

Одам ҳеч қачон буткул бебаҳт бўлмайди.

* * *

Ҳар бир одам ҳам билади – яшашдан осони йўқ.

* * *

Ўлимдан қочиб қутула олмаслигинг равшан: қачон ва қандай ўлишингнинг не аҳамияти бор?

* * *

Моҳиятан олганда, одамлар кўниколмайдиган ўйнинг ўзи йўқ.

* * *

Одам баъзан ўзини бир нарсада жуда ҳақман деб ўйлади, лекин бошқача бўлиб чиқади.

* * *

Дунёдаги ҳамма одамлар – сараланган. Бошқалари йўқ. Эртами ё кеч уларнинг ҳаммасини айблашади ва хукм қилишади.

* * *

Юракнинг хотираси кучли.

* * *

Келажак тарихчиси биз тўғримизда нима дейди? Давримиз одами хусусиятининг таърифи учун биргина жумла кифоя: “У зино қилар ва газета ўқирди”.

* * *

Агар инсоннинг характери бўлмаса, у лоақал ўзида услубийлик ҳосил қилиши керак.

* * *

Бирор одамни ҳатто жуда ёқтириб қолсам ҳам, сергак тураман.

* * *

Ишонаверинг, кутилмаган ҳамма нарса рўй бериши мумкин.

* * *

Ўзининг ҳақлигига ишонч, рақиб устидан ғалаба қозонганидан қониқиш ва ўзини ҳурмат қилиш – курашда саботли бўлиш ва ҳатто олға бориш учун ёрдам берадиган қудратли хусусиятлардир. Агар одамларни бу ҳиссиётдан маҳрум қилсангиз, уларни қутурган итга айлантирасиз.

* * *

Айбдор қилмиши фош этилганлиги фикридан воз кеча олмаганлиги учун қанчалар жиноятлар мутлақо жўнгина очилган.

* * *

Жамиятимизда иззатталаблик ўрнини эгаллаган очкўзлик менга ҳамиша кулгили туюлади.

* * *

Пировард натижада бошқалардан устун турган ҳолда яшаш – оломоннинг завқли қарашлари ва қутлов ҳайқириқларига сазовор бўлишнинг яккаю ягона имкониятидир.

* * *

Касбни ўзгартиришдан жүн иш йўқ, бироқ билганингдан, ўз маҳоратингдан воз кечиш жуда қийин.

* * *

Асосан мушаклар ишлайдиган жойда меҳнат охир-оқибат лаънатга айланади.

* * *

Жисмоний меҳнатнинг афзалликлари тўғрисида оғиз кўпиртирадиганлар нима дейишаётганини билмайди.

* * *

Маданиятнинг инқирозга юз тутиши сабаблигина келажак бошқа ҳамма нарсага қараганда китобга тегишлидир.

Тарих одамлар қанча кам ўқиса, китоблар шунчалик кўп сотиб олинишидан далолат беради.

* * *

Амалда биз ҳеч қачон ҳеч нарсани унутмаймиз.

* * *

Санъатда янгилик кўхна манзарага эга бўлиши керак.

* * *

Табиатда бўлганидек, санъатда ҳам ҳеч нарса йўқолмайди.

* * *

Ҳаётнинг энг буюк саволи – одамлар орасида қандай яшаш керак?

* * *

Шогирд – албатта бирор нимани ўрганишни хоҳлаётган одам бўлиши шарт эмас. Аксинча, кўпинча ўз устозига беғараз сабоқ бериш учун ҳам шогирдликка тушишади.

* * *

Зерикиш ўз афзалигига эга, чунки сабот билан меҳнат қилиш туфайлигина ундан қутулиш мумкин.

* * *

Ижод қилиш, севиш ва ғолиб чиқиш учун яратилиш – дунёда яшаш учун яратилиш демакдир. Аммо уруш ҳаммасини бутқул ютқазишга ўқитади ва биз йўқ бўлган нарсага айланади.

* * *

Дўзах – унга тушишга сабот билан интилганлар мушарраф бўлган алоҳида илтифотдир.

* * *

Ёшлигимда одамлардан улар менга бериши мумкин бўлганидан кўпрогини: абадий дўст бўлиш, туйғуларга содикликни талаб қиласдим. Энди улардан ўзлари беришлари мумкин бўлганларидан озни: ёнимда бўлиш ва сукут сақлашни талаб қилишга ўрганиб олдим. Уларнинг туйғулари, дўстлиги, эзгу марҳаматларига ҳамиша чинакам мўъжизадек – Тангрининг инъомидек қарайман.

* * *

Ирода – танҳоликнинг ўзгинаси.

* * *

Тафаккур дунёни ўзгартириши учун у аввал ўз ижодкорининг ҳаётини ўзгартириши керак.

* * *

Кундузлари қушлар парвози беҳудадек туйилади, лекин кечга бориб уларнинг ҳаракати сонгит мақсадли бўла бошлайди. Улар нимагадир интилади. Ҳаёт оқшомига етган одамлар ҳам шундай бўлиб қолишлари мумкин... Ҳаётнинг оқшоми бўладими?

* * *

Қашшоқ марҳамати – қалб сахийлигидир.

* * *

Одам хоҳиши жиловлаб олмагунича, ҳеч нарсани ўзига бўйсундира олмайди.

* * *

Ўз эҳтирослари билан яшаш – эҳтиросларга посанги бўладиган, уларга ўзгартириш киритадиган ва улар учун ҳақ тўланадиган ўз истаклари билан яшаш ҳам демакдир. Инсон сўзда эмас, балки амалда ўз укубатлари билан танҳо қолишни, қочиб қутулиш истагини жиловлашни, бошқалар ўзи билан азобларини «баҳам кўриш» хаёлларига берилмасликни билса – энди унинг бирор нарсани ўрганиши шарт эмас.

* * *

Агар чуқур қўмсаш кемираётган одамларга баҳт қулиб боқса, улар буни яшира олмайди: улар баҳтни қучоқларида қисиб, рашқдан бўғиб ўлдирмоқчилик унга ташланишади.

* * *

Агар сенга ақл дунёсида яшаш баҳти ато этилган бўлса, даҳшатли ҳайқириқларга тўла эҳтирослар

дунёсига кириш йўлини излаш – нақадар телбаликдир.

* * *

Қалбингга мақбулини танлаш ва бундан чекинмаслик салоҳиятига эга бўл. Акс ҳолда ўлиш афзалроқдир.

* * *

Ҳақиқат ёғду каби кўзни қамаштиради.

* * *

Одам қариб, доно ва яхши хулқли бўлиб қолганида, эҳтимол, ўзининг ахлоқ ва донолик қоидаларига зид бўлган собиқ қилмишларини ёдга олишдан уялса керак. Бу жуда барвақт ёки жуда кеч бўлади. Ўртаси йўқ.

* * *

Камбарагаллик, бетоблик ва шахсий қусурларингни талаб этилганидек тушуниш, қабул қилиш ва уларнинг заҳматини кўтариш учун ҳамма нарсани қилганингдан кейин яна бир қадам қўйиш қолади.

* * *

Асримиз ҳақиқати: жиддий синовлар орасидан ўтиб, ёлғончи бўлиб қоламиз.

* * *

Ҳар бир авлод учун ўзини дунёни ўзгартиришга даъват этилган деб ҳисоблаш хос.

* * *

Ёзувчи вафот этганидан кейин унинг ижодини қайта баҳолай бошлишади. Худди шундай одам

вафот этганидан сўнг унинг орамиздаги ўрнини қайта баҳолай бошлашади. Демак, ўтмиш буткул хомхаёллар билан тўлдирилган ўлим томонидан яратилган.

* * *

Худбин одамларни умуман кўргани кўзи иўқ, декин алоҳида инсонни аяди.

* * *

Ижодкор барчанинг қисматини баҳам кўриш тўғрисида қарор қабул қилганида ўзини шахс сифатида қарор топтиради.

* * *

Тана қалбни қўмсаганида, абадий ҳаётда қалб танадан ажралганидан азоб чекмайди, демак, ерга қайтишни орзу қилмайди, дейиш учун асос иўқ.

* * *

Эҳтирослар дунёсида уларни ўзига бўйсундирганина яшай олади.

* * *

Қалб мавжуд экан, у бизга яратилган ҳолда ато этилган деб ўйлаш хато бўларди. Қалб ерда, бутун ҳаёт давомида яратилади.

* * *

Ҳаётнинг ўзи узоқ ва азобли тўлғоқлардан бошқа нарса эмас. Инсоннинг ўзи ва азоблари томонидан қалбни яратиш ниҳоясига етиши билан ўлим эшик қоқади.

* * *

Адашишлар – қувончли, ҳақиқат – даҳшат.

* * *

Инсон учун унга қусурларини муттасил пеш қилганга кўра фазилатларини эътироф этиш кўпроқ фойда келтиради. Ҳар бир одам ўзининг афзаликларини намоён этишга интилиши табий. Бу қоида педагогика, тарих, фалсафа, сиёсатга ҳам таалуқлидир.

* * *

Доно инсон учун дунёning сирлари йўқ, унга абадийликда тентираб юриш не ҳожат?

* * *

Агар давримиз фақат фожиали бўлсайди! У, шунингдек, қабиҳ ҳамдир. Шунинг учун ҳам унга айлов зълон қилиш ва афв инъом этиш лозим.

* * *

Ҳаётнинг ҳар дақиқасида мўъжиза ва мангу ёшлик яширинганди.

* * *

Биз ҳамма нарсани энг яхши тарзда қила оламиз, ҳамма нарсани тушуниб, кейин уни згаллай оламиз. Лекин биз ҳеч қачон ўзимиздан агадул-абад тортиб олинган муҳаббатни излаб топа олмаймиз ёки уни яратса олмаймиз.

* * *

Мутафаккир, майли, ўзи учун равшан кўринганди хулосалар билан шошилмаса, олға боради.

* * *

Фалсафа – уятсизликнинг замонавий шаклидир.

* * *

Барча буюк ишлар ва ғоялар мұқаддимаси арзимасдир. Буюк ғоялар күпинчә чорраңада ёки ресторонга киришда туғилади.

* * *

Фақат бир нарса – ўлим мұқаррар, бошқа ҳамма нарсадан қочиб қутулса бўлади. Туғилишдан ўлимгача бўлган вақт оралиғида мұқаррар ҳеч нарса йўқ: барини ўзгартириш ва ҳатто агар жуда хоҳланса, урушни тўхтатиб, тинч-осойишта яшаш мумкин.

* * *

Одамлардан ва буюмлардан мен воз кечаётганим йўқ (бунинг уддасидан чиқа олмасдим), одамлар ва буюмлар мендан воз кечяпти. Ёшлигим мендан қочяпти: худди ана шу – касалликдир.

* * *

Бирор буюк асар ҳеч қачон нафрат ёки жирканишга асосланмаган.

* * *

Инсон фақатгина ижтимоий мавжудот эмас. У, ҳеч бўлмаганда, ўз ўлеми устидан ҳукмрон. Биз бир-бирларимиз билан ёнма-ён яшаш учун яратилгандикмиз. Бироқ чинакамига фақат ўзимиз учун ўламиз.

* * *

Инсон қўрқоқлар қуршовида бўлса, ўзини ёлғиз ҳис этади.

* * *

Мұхаббатнинг ўз шон-шарафи бор. Уни йүқотиши
билин мұхаббат тутайды.

* * *

Хеч нарса ўзингнинг умидсиз ақвозда эканли-
гингни идрок этишдек руҳлантирмайды.

* * *

Одамлар ҳамиша уруш қаерда бўлаётганлиги ва
унинг жирканчлиги нимадалигини англаб этишни
хоҳлашарди... Бу – жанг қилаётганлар ва фронт
орқасида қолганларнинг даҳшатли ёлғизлигига,
ҳаммани қамраб олган шармандали тушкунлигига
ҳамда вақт ўтиши билан юзларида акс этадиган
маънавий тубанлигидадир. Шунда йиртқичлар
салтанати бошланади.

* * *

Одамлар, бир томондан, никоҳ ва мұхаббатни,
иккинчи томондан – баҳт ва мұхаббатни сабот
билин чалкаштиришади. Ҳолбуки, улар мутлақо
турлича нарсалардир. Бевосита шунинг учун
мұхаббат жуда ноёблигига қарамасдан, никоҳ
курганлар орасида баҳтиёрлар ҳам учрайди.

* * *

Одамнинг баҳоси қанча туради? Одамнинг ўзи
нима? Кўрган-кечирганларимдан кейин, умримнинг
охиригача унга нисбатан ишончсизлик ва бутун
вужудни қамрайдиган хавотир йўқолмайди.

* * *

Сукут сақлаш – ўзига ўзининг ишончиидир.

* * *

Фикрловчи инсон, одатда, буюмлар тұғрисидаги тасаввурини уни рад этадиган янги далиллар ёрдамида солишириш билан шуғулланади. Фикрнинг ана шу силжишида, ана шу ўзгарувчанлигига, онгли тузатишида ҳақиқат, яъни ҳаёт томонидан бериладиган сабоқ мужассамлашган.

* * *

Жисмоний рашик күп жиҳатдан ўзини-ўзи қоралашдир. Ўзинг нимага қодирлигингни билганинг ҳолда маҳбубанг ҳам худди шундай йўл тутади деган қарорга келасан.

* * *

Фалсафанинг баҳоси – файласуфларнинг баҳосидир. Инсон қанчалик мутафаккир бўлса, фалсафадаги ҳақиқат шунчалик кўп бўлади.

* * *

Инсон ўлимдан қўрқишини енгмагунича, ўзини эркин ҳис эта олмайди. Аммо бунга ўз жонига қасд қилиш орқали эришиш керак эмас. Қўрқувни таслим бўлиб енгиб бўлмайди. Улимга тик қараганча қайфуга ботмасдан вафот эта олиш лозим.

* * *

Фоя учун ўлимга маҳкум бўлиш – ғоядан устун туришнинг яккаю ягона воситаси.

* * *

Ўзлигимизча бўлиш учун вақтимиз етишмайди. Вақтимиз фақат баҳтли бўлиш учун етарли бўлади.

* * *

Инсон қалби ўкинч билан фақат ўзига қақшат-
қич зарба берган нарсани тақдир деб аташга мойил.

* * *

Мұхаббат – адолатсиздір, лекин мұхаббатға
биргина адолаттинг ўзи етарли әмас.

* * *

Азобли түйғу: адолатта хизмат қиляпман деб
үйлаб, амалда адолатсизликни күпайтириш. Ҳеч
бўлмаганда, буни тан оламиз ва бу билан азоб-
бимизни мушкуллаштирамиз; ахир бу умумий
адолат мавжуд әмаслигини тан олиш билан баб-
баравар. Энг даҳшатли исён кўтаришга журъят
этиб, пировард натижада ўз ожизлигингни тан
олиш – мана шуниси уқубат.

* * *

Воқелик билан тўқнашувга бардош бера олмаган
мұхаббат – мұхаббат әмас. Аммо бу ҳолда сева
олмаслик – эзгу қалблар имтиёзидир.

* * *

Мұхаббат ё кучайиб боради, ё поёнига етади. У
нақадар баҳтсиз бўлса, шу қадар кучли жароҳат
етказади. Агар мұхаббат ижодий құдратга эга
бўлмаса, инсон чинакамига ижод қилиши им-
кониятини бир умрга тортиб олади. Мұхаббат –
мустабид ҳукмдор, лекин ўртамиёна ҳукмдордир.

* * *

Бир неча китобини чиқариб, янги асарида: “Шу
пайтгача хато йўлдан кетаётган эканман. Энди

ҳаммасини бошидан бошлайман. Ҳақ эмаслигимни тушундим", – дейдиган мутафаккирни тасаввур этайлик. Бундан кейин ҳеч ким уни жиддий қабул қилмайди. Ҳолбуки, бу билан у ўзининг фикрлаш ҳуқуқини исботлаганди.

* * *

Муайян ёшга етганда одамлар ўртасидаги түқнашувлар ваqt ила курашиш билан мураккаблашади. Энди буниси – умидсизликдир.

* * *

Яшашдан мақсад тўғрисидаги саволни барча саволлар орасида энг кечиктириб бўлмайдигани деб ҳисоблайман.

* * *

Ҳақиқат сирли, тутқич бермас, уни муттасил янгидан забт этишга тўғри келади.

* * *

Санъат муаммоси – таржима муаммосидир. Китобхонга маълум бўлмаган яширинган маънони ҳисобга олиб асар битадиганлар – ёмон ёзувчилардир. Асарни икки киши бўлиб ёзгандек битиш керак: бунда, асосийси, ҳамма жойда бўлганидек – ўзингни ирода этишни ўрганиб олишдир.

* * *

Оташ асалар истеҳзоли файласуфлар томонидан яратилади.

* * *

Саёҳат энг буюк ва жиддий фан сифатида яна ўзлигимизга қайтишга ёрдам беради.

* * *

Сиёсатчилар тенглик эркинликка нақадар душман эканлигини англашмайды. Грецияда куллар бўлганлиги учун ҳур одамлар яшаган.

* * *

Нима учун мен файласуфмас, балки адибман? чунки мен ғоялар орқали эмас, балки сўз орқали фикрлайман.

* * *

Тарих олдидаги масъулият одамлар олдидаги масъулиятдан халос этади. Унинг қулагилиги худди шунда.

* * *

Одамлар нима учун ичади? Ичкиликбозлиқдан сўнг ҳамма нарса маънили бўлишидан, ҳамма нарса энг юқори чўққига кўтарилишидан. Хулоса: одамлар ожизлигидан ёки норозилик белгиси сифатида ичади.

* * *

Тафаккурнинг биринчи иши – ҳақиқатни ёлғондан ажратишдир.

* * *

Эртами-кеч шундай вақт келадики, одамлар бир-бири билан курашишдан ва бир-бирига азоб беришдан тўхташади, ниҳоят ўзгани, у қандай бўлса, шундайлигича яхши кўриш кераклигига кўнишишади. Бу – фалакиёт салтанатидир.

* * *

Ҳамма нарса ўз-ўзидан содир бўлишига ишонмайдиган – кўрқоқдир, лекин инсон қисматига ишонадиган – телбадир.

* * *

Эҳтимол, мени ҳайкал олдига тошга бўлган муҳаббатим етаклайди. Ҳайкал инсон қиёфасига ўзим буюкликни бусиз тасаввур эта олмайдиган салобат ва бефарқликни қайтаради.

* * *

Санъатнинг буюклиги гўзаллик ва укубат, одамларга муҳаббат ва ижод эҳтироси, ёлғизлик азоби ва оломондан рижиниш, исён ва муроса ўртасидаги абадий ҳардамхаёллик тифизлигидир. Санъат икки жар-енгилтаклик ва тарғибот ўртасида мувозанат сақлайди. Катта ижодкор одимлаётган чўққи қоясидаги ҳар бир қадам – саргузашт, ниҳоятда катта хавф. Бироқ санъатнинг эркинлиги ана шу хавфда мужассамлашган.

* * *

Қариш-ҳиссиётлардан ачинишга ўтиш демакдир.

* * *

Ҳамиша ҳақ бўлишга интилиш – одобсиз ақл белгисидир.

* * *

Ёлғон сўзлай олмагангина эркиндир.

* * *

Авалиёлик ҳам исён: авлиё нарсаларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилмайди. У ўз зим масига дунёнинг бутун қайгусини олади.

* * *

Энг хавфли ҳавас: ҳеч кимга ўхшамаслик.

* * *

Менинг дунёмнинг сири: Тангрини инсонни мангу барҳаёт эмасдек тасаввур этиш.

* * *

Ким ҳақиқатни яхши кўрса, никоҳдан муҳаббатни, яъни, сохта бўлмаган севгини излаши керак.

* * *

Ҳаёт яшаш учун арзиши ёки арзимаслиги масаласини ҳал этиш – фалсафанинг энг асосий саволига жавоб беришдир. Бошқа ҳамма нарса: дунёнинг уч ўлчамлиги, онг тўқиз ёки ўн икки тоифага амал этиши – иккинчи даражалидир.

* * *

Тафаккур соҳасида иложи бор энг катта тежамкорлик – дунё сирини англаб бўлмасликка кўниш ва инсоннинг ўзи билан шуғулланишдир.

* * *

Фақат образлар орқали фикр юритиш мумкин. Файласуф бўлишни хоҳлассанг – романлар ёз.

* * *

Муҳаббат устида ҳеч нарса қуриб бўлмайди: у – қочиш, оғриқ, қувонч ёки кескин қулаш дақиқаларидир.

* * *

Фан нима мавжудлигини эмас, балки нима амал этаётганлигини тушуниради.

ЧҮЛПОН ВА КАМЮ¹

Сүнгсўз ўрнида

“Кеча ва кундуз” ва “Бегона” романларининг айриш типологик хусусиятлари

ХХ аср жаҳон адабиётига бир қатор буюк сўз санъаткорларини берди. Улар ўз ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасини бойитдилар. Адабиёт майдонида шуҳрат қозонган ёзувчилар қаторида Альбер Камю ҳам бор. Яқин-яқингача Альбер Камю бизнинг тасаввуримизда яримафсонавий деб номласа бўладиган ғарб мутафақкирлари ва сўз усталари қаторига киради.

1960 йилнинг қишида Камю автомобиль ҳало-катида ҳалок бўлади. Дастрраб Камю билан яқин дўст бўлган, кейинчалик эса ажрашиб кетишган Сартр «Камю билан видолашув» мақоласида ғарб маънавий ҳаётида унинг ўрни ва сиймосини тасвиirlаб берди: «Камю бизнинг асrimизда ва жорий тарихга қарши баҳсларда ахлоқпаратлар қадимиий тоифаларининг бугунги ворисидир. Бу ахлоқпаратларнинг ижоди француз адабиётидаги ўзига хос саҳифани ташкил қилса ажаб эмас. Камюнинг тор ва соф, шафқатсиз ва ҳиссий қатъиятли гуманизми нима билан тугаши мужмал бўлса-да, даврнинг қақшатқич ва бадбашара эпкинларига қарши кураш олиб борди. Шунга қарамай, у ўжарлик қилиб айтилган «йўқ»лари билан макиавелличиларга хилоф ўлароқ,

¹ Шаҳноза Тўйчиева. Чўлпон ва Камю // Жаҳон адабиёти журнали. 2001 йил, 6-сон. - 146-151-бетлар.

корчалонликнинг олтинарига хилоф ўлароқ, унинг қалбидаги маънавият қатламларини мустаҳкамлайди».

1913 йил 7 ноябрда Жазоир шаҳри яқинидаги қишлоқда француз ишчиси оиласида дунёга келган Камю дастлаб Жазоир университетида қадимий юонон фалсафаси билан шуғуланди, маърифий ишларга бош-қош бўлди. 1935 йилда у сайдер Мехнат театрини ташкил қилиб, у ерда ўзи ҳам драматурглик, ҳам актёрлик, ҳам режиссёрлик қилди. Шу давр ичида унинг лирик эсселаридан иборат икки кичик китоби нашрдан чиқди – «Авра ва астар» (1937) ва «Никоҳ» (1939).

1940 йил баҳорида Камю Парижга кўчиб ўтди ва иирик газеталардан бирида ишлай бошлади. Бўш вақтида Жазоирда бошлаб қўйган кўлёзмаларини тугаллаш устида ишларди. 1938 йилга келиб адабнинг «Калигула» трагедияси, «Бахтли ўлим» романи, «Сизиф ҳақидаги миф» фалсафий эссеси, «Бегона» романи ёзиб тугалланди. «Бегона» 1940 йил май ойида тамомланганига қарамай, фақат 1942 йилнинг ёзида нашрдан чиқди. Икки йил давомида бу асар Камю билан биргаликда йўл кезди. Дастлаб Клермон-Ферран, кейин Лион, у ердан ўзининг юртига ва озроқ вақт Орандага саёҳат қиларкан, Камюнинг йўл халтасида «Бегона» ҳам унга ҳамроҳ бўлди. Бу орада «Сизиф ҳақидаги миф» асари ҳам тугалланди ва ёзувчининг кўлёзма дафтарида «Вабо»нинг дастлабки сатрлари қораланди. 1947 йилда чиққан «Вабо», 1948 йилда «Қамал» ва 1949 йилдаги «Тақводорлар» пьесаси Камюга халқаро миқёсда шуҳрат келтирди.

1951 йилда эълон қилинган «Исёнкор одам» фалсафий памфлети атрофидаги баҳслар ёзувчининг дўсти – Сартр ва сўл зиёлилар билан келишмовчиликка сабаб бўлди. Ўз гояларини олдинга

суришга интилган Камю «Долзарб қайдлар» деб номланган уч китобдан иборат публицистик асар ҳам яратди.

1957 йилда Альбер Камю Нобель мукофотига сазовор бўлди.

«Ёз» қиссаси ва «Кулаш» лирик эссесида ёзувчи Жазоирда ўтган ёшлик чоғларини эсласа, «Қувфин ва подшолик» ҳикоялар тўпламида қалб изтиробларини тўкиб солган. Уни кўп доираларда «Фарбнинг виждони» деб атай бошладилар.

Умрининг охирги йилларида Камю деярли ҳеч нарса эълон қилган эмас. У режиссуре билан шугуланишни лозим топди ва Фолькнернинг «Роҳиба аёл марсияси» ва Достоевскийнинг «Алвастилар» асарини саҳналаштиришга ҳаракат қилди.

Камю 1960 йил 4 январда Париждан – Рождество кунларидан қайтаётиб автомобиль ҳало-катига учради. Ўлимидан кейин унинг ёзув стolidан фақатгина «Биринчи одам» деб номланган қиссанинг дастлабки саҳифалари ва ён дафтарчалари топилди, холос.

Буюк сўз усталари реалистик адабиётга янги имкониятларни очиб бердилар. Камю ижодида инсон янада ёрқин ва кенг тасвиrlenади. Шундай асарлардан бири Камюнинг «Бегона» романидир. Шундай бўлиб чиқдики, ўзбек адабиётида бу романнинг даракчиси ҳам эълон қилинди. Бу Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи эди...

Камюнинг катта шов-шувларга сабаб бўлган «Бегона» қиссаси – XX аср француз адабиётининг машҳур асарларидан бири. Бу асар ҳақида кўп ёзишган ва ёзишляпти ҳам. Кўпгина баҳсларга сабаб бўлган бу қиссанинг бош қаҳрамони – Мерсо атрофидаги мулоҳазалар турли фикрларни келтириб чиқаради. Қаҳрамонни гоҳида ахлоқ-одоб нормаларидан чиқиб кетган деб айблашса,

гоҳида эзгулик ва ёвузлик нормаларидан устун турувчи қандайдир мавҳум қаҳрамон сифатида талқин этишди. Асарни ўқиган китобхон жазо-ирлик камсуқум хизматчи Мерсонинг ҳаётида рўй бергаётган муҳим эпизодларни бир қаторга териб кўриши мумкин: ғарибхонада онасининг тобути ёнида ўтган тунги бедорлик, ёзнинг жазирама иссиғидаги дағн маросими; эртаси куни бирга ишлаган аёл билан бўлган учрашув ва икки ёшнинг шаҳвоний муносабати; якшанбадаги сафарда тасодифий танишлари билан денгизга бориши ва қасддан қилинмаган жиноятнинг содир этилиши; жиноятчи устидан ўтказилган тергов ва суд. Суддан сўнг ўз жазосини кутаётган баҳтсиз қотил хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам ҳукмнинг ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслиги түргисида бизни ўйлашга мажбур қиласди, олий судга, яъни – инсон виждони судига мурожаат қилишга даъват этади. Қонун ҳимоячиларининг адолатсиз ҳукми ҳам ўз-ўзидан жиноятдир. Асар биринчи кўринишда содда, ўзининг «тарафдор» ва «қарши»лари билан диққатни тортади ва тинчлик бермайдиган бошқотирмага айланади. «Бегона»ни баён қилувчисида ярамас ва ваҳший маҳлук ва донишманд, разил инсон ва ҳалқ ўғлони, инсонийликдан маҳрум ва инсониятдан юқори турувчи шахсни кўришади. Камю аввал ҳайрон бўлар, кейин жаҳли чиқарди. Охирига бориб эса ўзи бу чалкашликларни ошириб юборди, унинг кўзида бу «биз арзийдиган ягона Худо» (Христос) эканлигини маълум қилди.

Ҳозирга қадар ўзбек адабиётшунослигида «Бегона»нинг «Кеча ва кундуз» билан ўзаро муносабати муаммоси кўтарилимаган.

Камюнинг «Бегона» романи билан Чўлпоннинг «Кечава кундуз» романи деярли бир вақтда яратилган. Мақолада Чўлпон ва Камю романларида

ёзувчилар қўллаган айрим усуллар чориши тирма таҳдил этилади. Шу билан бирга, Камю ва Чўлпон қўллаган стилистик усулларнинг умумий типологик ўхшашликлари аниқланади.

Энди бевосита романларга мурожаат қиласлил. Чўлпон романида Зеби атрофидаги воқеалар қандай содир бўляпти? «Зеби шундай бир отанинг қизиким, унинг кўлида ҳар қандай кучли майлларини ҳам юганлаб тутмоққа, кўнгилнинг ҳар бир ҳавас ва тилагини куринган жойида бўғиб ташламоққа тўғри келади».

Зебини ўз ихтиёрисиз мингбошига эрга беришди. У қанча уринмасин, охир-оқибатида хотинликни тан олади... Мингбоши ўлди ва унинг ўлимидан Зебини айблашяпти. Зебининг бу ўлимга ҳеч ҳам дахли йўқ. Бизни қизиқтираётган нарса – унинг устидан олиб борилаётган тергов ва суд жараёни.

Иккала воқеада ҳам жиноят содир этилган. Бундай олиб қараганда, фарқи шундаки, Мерсо тўтпончадан ўқ узиб, одам ўлдирди, Зеби эса жиноят қилгани йўқ, лекин ҳар иккаласи жазога ҳукм қилинган. Бироқ Мерсони содир этган қотиллиги учун эмас, балки онасига (онасининг ўлимидан кейин) бўлган муносабати учун айблашяпти. Икки қаҳрамон тақдирида ўхшашлик бор. Асарлар ҳар иккала ҳолда ҳам китобхонни XX асрнинг тарихий-маънавий чорраҳасига олиб чиқади: Чўлпонни ҳам, Камюни ҳам адолатсизлик билан яккана-якка қолган ёлғиз шахс тақдири, дунёси қизиқтиради.

Акбарали мингбошининг ўлдирилиш саҳнаси «Кеча ва кундуз» романининг сюжетида («Бегона»да арабнинг ўлдирилиши) бурилиш ҳосил қиласли. Бу саҳна асар йўналишини бир-бирига мурожаат қилувчи қисмларга ажратади. Биринчи қисмда Зебини турмушга бериш воқеалари, мингбоши

үйидаги шароит, кундошлар билан бўлган муносабатлар; иккинчи қисмда эса Зеби устидан тергов ва суд жараёни ҳақида сўз боради. Биринчи қисмдан китобхонга таниш бўлган фактлар иккинчи қисмга ҳам киради, бироқ қонун ҳимоячилари талқини остида умуман бошқа мазмун касб этадики, Зеби уларни тасаввур қилиш у ёқда турсин, англаб етиш имкониятига ҳам эга эмас. Маълумки, суд жараёни рус тилида олиб борилади, савол-жавоб тилмоч ёрдамида ўтади. Бу эса Зеби вазиятини янада қийинлаштиради...

Жаҳон адабиётшунослигида кўпчилик ёзувчилар ўз асарларига «ойна» образини киритадилар. Бу билан улар тасвирга аниқлик киритадилар. «Ойна» образи Жойс, Пруст, Набоков асарларида қўлланилган. Шу билан бирга, Камю ва Чўлпоннинг биз кўриб чиқаётган асарларига ҳам ойна образи киритилганини гувоҳи бўламиз. Бу ўринда Камюнинг сўзларини эслаш жоиз: «...китобнинг мазмуни икки қисмнинг фақат параллел келишидан ташкил топади. Иккинчи қисм – бу ойна, лекин шундай ойнаки, ҳақиқатни таниб бўлмас даражага олиб чиқади».

Бу фикрни далиллаш учун «Бегона»дан парча келтирайлик:

«Ҳимоячи ҳирқасининг кенг енгларини ҳилпиллатиб, баралла хитоб қилди:

– Мана, қанақа экан бу жараён! Ҳаммаси тўппатўғри ва ҳаммаси тескарига бурилган!»

«Кеча ва кундуз» ҳамда «Бегона»нинг қисмлари орасида (суд жараёни парчалари назарда тутиляпти) китобхонда абсурд туйғусини тудириувчи тафовут борлиги сезилади. Зеби ва Мерсонинг ҳақиқий ҳаёти ва суд аҳлининг буни қандай «қўриши» орасида номутаносиблик вужудга келди. Худди мана шу нарса ёзувчиларнинг бадиий тизимида етакчи ассиметрия (абсурд)дир.

Иккинчи қисмда Чўлпон ҳам, Камю ҳам ўз қаҳрамонларини суд аҳлига юзма-юз қўяди, шунда ҳам тергов давомида улар фақат саволларга жавоб берадилар (эслатиб ўтамиш, Зебининг аҳволи Мерсоникидан ҳам оғирроқ), лекин уларнинг эътирофлари қонун ҳимоячиларининг ақлига сифмайди. Агар Мерсо жамият қонунарига риоя қилмас экан, бу билан у ҳеч нарсани яширмайди, ҳеч нарсани бўрттирмайди, ёлрондан најот кутмайди; Зеби бўлса жамиятда бундай ўйинлар мавжудлигидан умуман бехабар: «Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин? Шу ерда ўтирган шунча эркакнинг ойдай равшан бир нарсани англамасликларини қайдан билсин? «ўрис-мусулмон бўлиб шунча одам ўтирибди, ахир. Мингбошини ўлдирган Зеби эмаслигини ҳаммаси билади. Билиб туриб яна қайталаб сўрай бергани қизиқ! Ё ўсмоқчилаб сурармикин?»

Суд раиси гапирмоқчи бўлиб ўрнидан турган вактда Зеби: «Ана, сўроқ тамом бўлди. Энди уйимни қандай қилиб топиб бораман?», – деб ўйлади. Мана, Зебининг фожиаси! Унинг тақдири ҳал бўляпти, у эса уйини топиб бориш хавотирида. «Суд раиси қандай ҳукм чиқарап экан» деб, у ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Зеби ўзига ишонади, «ахир ўлибдими, ўз эрини ўлдириб». Шу ўринда Зеби психологиясига хос бўлган яна бир хусусият кўзга ташланади. Ёзувчи Акбарали образини таърифлашда, унинг нақадар «бадбашара, ўлгудек хунук, одам кўрса кўрқадиган хотинбоз» эканини айтади. Шуларга қарамай, Зеби ҳаммасига кўнди ва ҳатто фарзанд кўриш ниятида. Ахир чойнакдаги сув «ирим сув» эди-ку! Мингбошининг ўлимида Зеби айбдор эмас – бунга ишончи комил, чунки чойнакдаги сувни ўзи берган бўлса ҳам, ичига заҳар солинганидан хабари йўқ. Бу масаланинг бир

томони. Тарозининг иккинчи палласида суд аҳли турибди. Айнома хусусида уларнинг фикри умуман бошқа. Зеби ўз айбини инкор этмоқда, суд аҳли эса айбига ўзи иқрор бўлганини таъкидламоқда, мана шу икки қарама-қаршилик, юқорида айтганимиздек, абсурдга олиб келяпти. Ҳам Мерсо, ҳам Зеби устидан ўтказилган «ҳаққоният маросими» абсурд элементларига бой. Шундай қилиб, ҳар иккала вазиятда қаҳрамонларнинг суд аҳли билан тўқнашуви бу ноошкор ва уюштирилган зулмни мужассамлаштирувчи жамият билан учрашувдир. Зеби ҳам, Мерсо ҳам самимий. Ҳар иккала қаҳрамон ижтимоий шахс эмас, лекин суд аҳли уларнинг аввалги ҳаёти лавҳаларидан ўзлари учун керак бўлган ашаддий жиноятчи образини яратадилар. Романга мурожаат қиласлилар. Мерсо прокурорнинг айбловидан ҳайратга тушади:

«Жила қурмаса, у афсус қиласлими? Гүё ҳеч нарса бўлмагандай! Тергов давом этган шунча вақт ичидан бирон марта бу одамнинг ўз қилмишига сал-пал бўлса ҳам пушаймон бўлганини эшитмадик, деган гапи қулогимга етиб келгунча, уни эшитмай қўйдим... Бунақа ёвуздик, – деди у, – сира ақлга сифмайди. У инсоний суд жиноятчига шафқатсиз жазо беришига умид қилишга журъат этади. Лекин у ҳатто бундай мудҳиш жиноятдан ҳам менинг тошбағирлигимни кўрганчалик даҳшатга тушмаганини кўркмай айтади. У шундай ёндашади: тошбағирлиги билан ўз онасини ўлдирган одам отасига жинояткорона қўл кўтарган одам билан баб-баравар инсониятдан юз ўгиради. Ҳар ҳолда, биринчиси иккинчисининг қилмишларига йўл очиб беради ва маълум маънода бу қилмишларга бошлиғич бўлиб, уларни муқаррар қилиб қўяди».

Прокурор Мерсони айблов нутқида унинг қанчалар разил, ўз онасининг қотили (аслини олганда

Мерсо онасини эмас, арабни ўлдирган!) эканини «тўлқинланиб» гапиради. Айбланувчи онасини дафн қилиш маросимида йифламаган, ўликнинг тобути тепасида таклиф қилинган қаҳва ва сигаретдан бош тортмаган, булар прокурорнинг фикрича, «бу одамни онасини кўмган куни кўнглида жиноятчи бўлгани»ни исботловчи далилdir.

Худди шу ўринда Зебига билдирилган даъволарни эслайлик: «Прокурор ўрнидан туриб, икки қўлини столга қўйди-да, ярим энгашиб туриб деди:

— Мен бу таклифга қарши эмасман. Албатта, менинг бу масалада бошқа мулоҳазаларим бор. Мен уруш вақтининг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш каби қараёлмайман. Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам эди. Уни «ёш сарт» маҳфийлари, айниқса, уларнинг душманимиз бўлган Туркия билан фикран боғланишган унсурлари ёмон кўрардилар. Мен бу «садда» ва «гуноҳсиз» сарт аёлининг шундай унсурлар кўлида уйинчоқ бўлмаганига амин эмасман...

Мана шу нуқталардан қараб, мен бу «саддадил», «ювош» ва «гуноҳсиз» сарт қизига энг олий жазо талаб қилмоқчи бўламан».

Шу билан бирга, романда калтабин адвокат, инсофсиз прокурор (Толстойнинг «Тирилиш» романидаги касбдошига ўхшаб у ҳам ишни тезроқ якунлашга ошиқади), сохталикка тайёр суд раиси иштирок этувчи судга карикатура берилган.

Аслида, Мерсонинг иши унинг аралашувисиз ўтди:

«Мерсонинг ҳимоячиси сўз олди: «Ахир уни нимада айблашяпти ўзи, – деб қичқириб юборди у, – одам ўлдирганидами ё онасини кўмганидами?!»

Прокурор қўлларини пахса қилди, мени айбдор ва тариқча ҳам шафқатга арзимайди, деб

айюғаннос солди. Менга фақат бир нарса сал-пал нокулай бўлди, ҳар қанча ўйга чўммай, барибир, ҳар замонда гап қўшгим келди, лекин ҳар гал ҳимоячи:

– Жим туинг! Ўзингизга яхши бўлади, – деб изн бермади. Шундай бўлиб чиқдики, менинг ишимни мени аралаштиrmай кўришди. Ҳамма нарса менинг иштирокимсиз бўлди. Тақдирим ҳал қилингти, лекин мендан ҳеч ким ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, деб сўрамади».

Роман якунида алам доираси ўралиб қолди. Шундай қилиб, қудратли ёлғон механикаси билан заҳарланган Зеби ва Мерсо ўз ҳақиқатлари билан қолдилар.

Жамият Мерсони гильотинага жинояти учун юбормайди (арабнинг ўлдирилиши ҳақида моҳияттан сўз бормайди). Зеби тақдирауда ҳам худди шундай. Агар жамият шундай йўл тутган экан, демак, ундан ҳам оғирроқ жиноят содир бўляпти.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам инсон ҳимоясига туришга ҳаракат қилишди. Улар қаҳрамонни сунъийликдан озод қилишди. Роман устида ишлаш жараёнида бу икки ёзувчи ҳақиқат муаммоси билан алоқада бўлган озодлик муаммосини ҳал қилишди. Бу тезисни исботлаш учун Чўлпон ўз қаҳрамонини сунъий бегоналик вазиятига кўяди. Аслида, Зебининг устидан олиб борилган суд жараёни ҳам (худди Мерсо каби) қаҳрамон иштирокисиз ўтади. Ҳар иккала ёзувчининг суд жараёни тасвирланаётган парчасига синчковлик билан назар ташласак, бу эпизод саҳна кўринишига айлангандек бўлади: қаҳрамонларнинг костюмлари, декорациялар (стол, курсилар, кресло, кўзойнак қутичаси, вентилятор...). Ҳар икки романга мурожаат қиласли:

«Суд мажлиси бўладиган кенг залда шамоллар учиб ўйнарди. Қатор-қатор тизилган Вена курси-

лари ҳафталик уйқуларидан ҳали ҳам уйғонмаган эдилар. Энг олдинги қаторда ҳоким, ноиб, гарнизон бошлиғи, полиция бошлиғи, поп, учинчи қатордаги энг чекка курсида оппоқ ва зўр саллали чол – жоме мачитнинг ингичка овозли имоми ўтиради. Бир томонда – закунчи, бир томонда – тилмоч; бошқа ҳеч ким йўқ.

Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди; устида қора барқут паранжи, қора чиммат, оёғида амиркон маҳси-калиш билан суд қаршисига келиб тухтади.»

Келтирилган парча тайёр саҳна кўриниши ва биз яна абсурд элементларга дуч келамиз: «зўр саллали чол – жоме мачитининг ингичка овозли имоми»; «Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди». Чўлпон зўр саллали чолни тасвирлаб туриб, унинг овози ингичка эканини таъкидлаб ўтади; биз учун беғубор, дили ҳам, тили ҳам пок, ўзи ҳимояга муҳтоҷ бўлган Зебини ваҳший жиноятчини ушлагандек, яланғоч қилич ўртасида залга олиб киришади.

«Бегона»даги парчани ҳам кўриб чиқамиз:

«Чап ёнимда тарақлатиб курси суришди, ўтирилиб қарадим – баланд бўйли, пенсне таққан қотма бир одам қизил ҳирқасини ҳафсалла билан тўғрилаб энди ўтираётган экан. Бу – прокурор эди. Судижрочиси суд келаётганини эълон қилди. Айни шу пайти иккита баҳайбат вентилятор гувиллашга тушди. Уч киши – суд кирди – иккитаси қора, биттаси қизил ҳирқа кийган, ҳар бирининг қўлтифида қофоз солинган жуздан, тез супага йул олдилар, қизил кийгани ўргадаги курсига ўтиреди, папогини рўпарасидаги столга кўйди, тепакалини рўмолча билан артиб, суд мажлисини очиқ деб эълон қилди.

Мұхбирлар аллақачон қаламларини шайлаган эдилар. Уларнинг юзи бегам ва жиндайгина истехзоли

кўринарди. Айтгандай, юпқа кулранг костюм кийган, ҳаворанг галстукли, уларнинг ичидаги энг ёш биттаси ҳали рўпарасидаги столда ётган ёзгичини кулига олмай, фақат менга тикилиб ўтирган эди».

Саҳна куриниши элементлари биз куриб чиқаётган романларда жонли тасвиirlанган яна бир парчани киритмоқчимиз:

«Эрталаб етти яримга келиб қамоқхона машинасида мени суд биносига олиб боришиди. Иkkита миршаб мени зах тортган бир ҳужрага олиб кирди, бу ерда қоронфилик ҳиди анқирди. Эшик олдида кутиб ўтиридик, эшик нарёғидагилар эса гаплашади, бир-бирини чақиради, курсиларни суради, хуллас, ғала-ғовур, талотўп, гўё концерт ўтиб, энди жуфт-жуфт рақс тушишга хона ўртаси бўшатилаётган хайрия оқшомига ўхшайди. Миршаблар ҳали мажлис бошлангани йўқ, деб айтишиди, бирори менга сигарет тутди, мен рад қилдим. Салдан кейин менга қўрқмаяпсизми, деди, мен йўқ, дедим. Қай бир маънода менга ҳатто қизиқ эди, кўрай-чи, қанақа бўлар экан, ҳали бирон марта судга тушиб курмаганман».

«Бегона»да суд бошланиши олдидан бўлаётган саҳна тасвиirlанаётган бўлса, «Кеча ва кундуз»да суддан кейинги саҳна тасвиirlанади:

«Суддан сўнг у ёқ-бу ёқда тартибсиз қолиб кетган курсилар бозорчиларнинг карvonсаройга боғлаган отлари сингари бир-бирларига тескари эврилганлар...»

Кўрамизки, ҳар икки ёзувчи суд залининг тасвирига бефарқ қарамайди. Шу билан бирга бир-бири билан боғланмаган, тарқоқ диалоглар – драматик ҳолатни кучайтирувчи парчалар ҳам келтирилган:

«Закунчи суд раисининг мурожаатини кутмасданоқ ўрнидан турган эди:

– Мен ҳам сўз айтишдан воз кечаман! – деди у, яна дарҳол жойига ўтири.

Суд ҳайъати ўрнидан туриб, ичкарига чекинди.

«Ана, – деб ўйлади Зеби, – ўзим айтган ҳамма гап ойдай равшан... Энди уйимни топиб кета олармикинман?»

«Бегона»да Мерсонинг қўшниси Селест гувоҳлик бераётуб, содир этилган жиноят хусусида шундай дейди:

«– Мен шундай ҳисоблайман, бу баҳтсизлик. Баҳтсизлик нима, буни ҳамма билади. Баҳтсизлик қаршисида ожизсан одам. Мана, шунинг учун ҳам буни баҳтсизлик деб ҳисоблайман. У яна давом этмоқчи эди, аммо раис, жуда яхши, раҳмат, деди. Лекин бари бир, у яна баъзи нарсаларни айтмоқчиман, деб туриб олди. Ундан қисқароқ қилишни сўрадилар. У яна менинг баҳтсизликка учраганимни қайтарди. Шунда раис:

– Ҳа, тушунарли, – деди. – Лекин биз ҳам сиз айтиётгандақа баҳтсизликни суд қилиш учун бу ерда турибмиз. Раҳмат сизга».

Мерсо жараён давомида пушаймон бўлмайди, балки қонун ҳимоячиларига бегоналарча ва ҳайрат билан қарайди. Баҳтсиз қотилнинг қадам-бақадам гильотинога яқинлашиши, унинг қилмишлари муфассал ва бир-бирига зид ҳолда таҳдил қилинган. Мерсо шаънига мақтовлар ҳам, таъна, гина-кудурат ҳам айтилган. Хуллас, маълумот ва фикр-мулоҳазалар керагидан ортиқча.

Қайси бир парчани ўқимайлик, дастлабки фикр ўзгармай қолади: у «бегона». Лекин нимага бегона? Бу ўринда Камю шубҳа қолдирмайди: файриихтиёрий қотил атрофдагиларнинг ўйинини ўйнамагани учун жазога ҳукм қилинган. Бу маънода у ўзи яшаётган жамиятга ёт. У ҳаётда бошқалардан нарироқда юради. У ёлғонни рад

этади... Бор нарсани гапиради, ниқобланишни четлаб ўтади, жамиятда ўзини таҳдид остида сезади.

Омади келмаган судланувчи – ҳимоя ва айблаш ўйинида ортиқча, унинг ҳаёти тикилган бу ўйин қоидаларини англамайди. Ўйин иштирокчиларининг юришлари сирли, бу Мерсога залда бўлаётган йиғилишнинг «ҳаётда бўляяптими» деган фикрни уқтираётгандай бўлади. У ҳайрон, чунки чиндан ҳам тушунмайди. Бироқ бу тушунмовчилик ўзига хос ожизлик эмас, балки сергакликдир.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам адабиёт тарихига ўзига хос услуг асосчиси бўлиб кириб келдилар. Уларнинг асалари жаҳон дурдоналари қаторидан жой олгани бежиз эмас. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, маълум бир шароитдаги инсонни тасвиrlашда бири иккинчисидан бехабар ҳолда мана шундай икки асар дунёга келди. Бунинг сабаби, албатта, адабиёт қонунларига бориб тақалади, яъни, бу сўз санъаткорини бирластирувчи, уларнинг ягона мақсадга ундовчи ҳаёт ҳақиқатидир.

АЛЬБЕР КАМЮ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

- 1913 йил 7 ноябрь – Альбер Камю Алжирнинг Мондови (ҳозирги Деран)сида дунёга келган.
- 1914 йил – Альбернинг отаси Люсьен Камю Марнадаги жангда оғир жароҳат олган ва лазаретда вафот этган.
- 1918 йил – Жазоирдаги Белкур шаҳридаги бошлангич мактабга борган.
- 1924 йил – бошлангич мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Жазоир лицейига стипендия билан ўқишига қабул қилинган.
- 1930 йил – сил (туберкулёз) касаллигига чалингандигидан ўқишини тарқ этган.
- 1931 йил, куз – лицейнинг охирги синфиға қайтган. Фалсафа ва адабиётдан дарс берган устози файласуф ва эссенавис олим Жан Гренье (1898–1972) билан танишган.
- 1933 йил – Камю ўзининг “Иккинчи тувилиш”ини түқиб чиққан.
- 1932 йил, куз – Жазоир Университетига қабул қилинган. Тарих ва фалсафа билан шуғулланган. Жан Гренье маслаҳати билан кундаликлар ва ҳикоялар ёза бошлаган. “Жануб” номли лицей журналида биринчи ишлари нашр қилинган. Жид, Достоевский, Нитшенинг таъсири.
- 1934 йил – фашизмга қарши маданият муҳофазасида “Амстердам-Плейель” халқаро ҳаракатга кўмаклашиш қўмитасининг иштирокчиси бўлган.
- 1934 йил, ёз – Симон Гиэ билан никоҳ қайд этилган, бироқ тез орада ажрашган.

- 1935 йил – экзистенциалист мутафаккирлар Кьеркегор, Шестов, Хайдеггер, Ясперс билан танишган.
- 1935 йил, куз – Гренье маслаҳати билан Француз коммунистик партиясининг Жазоир секциясига аъзо бўлган. Мусулмонлар орасида тарғибот ишлари билан шуғулланган.
- 1936–1937 йиллар – Монтерланнинг “бефойда хизмат” ва Малронинг “ҳаётнинг бемаънилиги” фоялари билан танишган. Марказий Европа, Франция ва Италия бўйлаб саёҳат қилган.
- 1936 йил – Халқ фронтининг ҳокимият тенасиға келиши. “Меҳнат театри”га бошлилик қилган. “Ака-ука Карамазовлар” пьесасида Иван Карамазов ролини ижро этган.
- 1937 йил – Университетни битирган. “Насроний метафизика ва неоплатонизм” мавзууда диплом иши ҳимоялаган. Платон фалсафасини ўрганишга киришган, бироқ беморлиги боис фалсафа бўйича илмий даража олиш учун имтиҳонларга кира олмаган. Илмий иш қилишга имконияти бўлмай қолган. Маданият уйига раҳбарлик қилган. Коммунистик партиядан чиққан. “Олд ва орқа томон” ҳикоялар тўплами чиққан.
- 1936–1938 йиллар – “Бахтли ўлим” номли биринчи романи устида иш бошлаган, бироқ уни чоп қилмаган. 1971 йилда, ўлимидан сўнг хотини Франсин туфайли чоп этилган.
- 1938–1939 йиллар – Абсурд ғоясининг ижобий ифодаси сифатида “Исён” ғоясининг пайдо бўлиши.
- 1938 йил – Биринчи Жазоир журнали “Соҳил”га бадиий раҳбар.
- 1938 йил, сентябрь – Жазоирда “Альже Республиken” номли мустақил газетага асос солган парижлик журналист Паскаль Пиа билан танишув. Публицистикага мурожаат.

- 1939 йил 15 январь – Паскаль Пиа “Суар републиken” газетасини ташкил қилган. Камю таҳририятга раҳбарлик қилган.
- 1939 йил 28 сентябрь – ҳарбий цензура “Альже републиken” газетасини ёпган.
- 1939 йил 3 сентябрь – Францияда уруш бошланган. Беморлиги туфайли ҳарбий хизматга чақирилмаган.
- 1940 йил 10 январь – “Суар републиken” газетаси тақиқланган. Жазоирда Камю “нон-грата” шахсга айланган.
- 1940 йил, февраль – Камю Оранга кетган ва у ерда бўлғуси хотини Франсин Фор билан биргаликда хусусий дарслар бера бошлаган.
- 1940 йил, март – Парижда “Пари-суар” газетасининг техник муҳаррири бўлиб ишлаган.
- 1940 йил, сентябрь – “Пари-суар” газетаси таҳририяти Лион шаҳрига кўчирилган.
- 1940 йил, декабрь – Франсин Форга уйланган. “Пари-суар” таҳририятидан озод этилган.
- 1941 йил, январь – Орандаги хусусий мактабда француз тилини ўқитган.
- 1941 йил – “Қаршилик” ҳаракатига кирган. “Комба” маҳфий ташкилотида ишлаган. “Вабо” романни устида ишлаган.
- 1943 йил, ноябрь – “Галлимар” нашриётига ишга кирган.
- 1944 йил, август – Парижда қўзғолон кўтарилиган. “Комба” газетасига раҳбарлик қилган.
- 1957 йил – “Замонамизнинг муаммоларини инсонлар олдига зийрак жиддийлик билан кундаланг қўйган бадиий асарларининг муҳимлиги учун” адабиёт бўйича Нобель мукофоти топширилган.
- 1960 йил 4 январь – Парижлик нашриётчи Гастон Галлимарнинг ўғли Мишель Галлимар билан биргаликда автоҳалокатда ҳалок бўлган.

АЛЬБЕР КАМЮ АСАРЛАРИНИНГ РҮЙХАТИ

- 1936–1938 йиллар – “Бахтли ўлим” (“La Mort heureuse”) биринчи романи (1971 йилда, ўлимидан сўнг, хотини Франсии туфайли чоп этилган)
- 1936 йил – “Астюрида қўзғолон” (Révolte dans les Asturies) ҳикояси
- 1937 йил – “Олд ва орқа томон” (“L’Envers et l’Endroit”) ҳикояси
- 1937–1938 йиллар – “Тўй базми” (“Noces”) ҳикоялари
 - 1939 йил – “Калигула” (“Caligula”) пьесаси
 - 1942 йил – “Сизиф ҳақида асотир” (“Le Mythe de Sisyphe”) ҳикояси
 - 1942 йил – “Бегона” (“L’Étranger”) романи
 - 1944 йил – “Англашилмовчилик” (“Le Malentendu”) пьесаси (Унинг охирги ва ўзгартирилган варианти 1958 йилда чиққан)
 - 1945 йил – “Немис дўстга мактуб” (“Lettres à un ami allemand”)
 - 1947 йил – “Вабо” (“La Peste”) романи
 - 1948 йил – “Қамал ҳолати” (“L’État de siège”) пьесаси
 - 1949 йил – “Тақводорлар” (“Les Justes”) пьесаси
 - 1950 йил – “Долзарб хотиралар” (“Chroniques Actuelles 1”) биринчи китоби
 - 1951 йил – “Исёнкор одам” (“L’Homme révolté”) ҳикояси
 - 1953 йил – “Долзарб хотиралар” (“Chroniques Actuelles 2”) иккинчи китоби
 - 1954 йил – “Ёз” (“L’Été”) лирик ҳикоялар тўплами

- 1956 йил – “Қўллаш” (“La Chute”) романи
- 1956 йил – “Бир роҳибага мотам куйи” (“Requiem pour une nonne”)
- 1957 йил – “Қувғинлик ва салтанат” (“L’Exil et le Royaume”) ҳикоялари
- 1957 йил – “Гильотина ҳақидаги мулоҳазалар” (“Réflexions sur la Guillotine”)
- 1958 йил – “Долзарб хотиралар” (“Chroniques Actuelles 3”) учинчи китобини ёзган.
- 1958 йил – “Швеция нутқи” (“Discours de Suéde”)
 - 1959 йил – “Васвослар” (“Les Possédés”)
 - 1994 йил – “Биринчи одам” (“Le Premier Homme”)романи (1960 йил 4 январда парижлик нашриётчи Гастон Галлимарнинг ўғли Мишель Галлимар билан бирг автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмган чоғида йўл сумкасидан ушбу асар қўлёзмаси топилган. Ушбу роман адабнинг қизи Катрин Камю томонидан нашр этилган).

МУНДАРИЖА

Акмал Саидов. Альбер Камю – Фарбнинг виждони	3
Бегона (Рус тилидан Аҳмад Аъзам таржимаси)	16
Вабо (Рус тилидан Аҳмад Аъзам таржимаси)	121
Ён дафтарчалар (И.Бек таржимаси).....	428
Альбер Камю ҳикматлари (Эркин Эрназаров таржимаси).....	431
Шаҳноза Тўйчиева. Чўлпон ва Камю	454
Альбер Камю ҳаёти ва ижодининг асосий саналари.....	468
Альбер Камю асарларининг рўйхати.....	471

Адабий-бадиий нашр

АЛЬБЕР КАМЮ

БЕГОНА

Муҳаррирлар
Феруза ҚУВОНОВА,
Маъмура ҚУТЛИЕВА,
Жавлонбек АБДАЛНИЯЗОВ

Мусаҳдиҳлар
Шаҳноза РАҲМОНОВА,
Муҳаббат МЕНГНОРОВА

Бадиий муҳаррир
Уйгун СОЛИХОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Босишга 07.01.2016 й.да руҳсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.

Босма табори 15. Шартли босма табори 25,2.
Гарнитура «Bookman Сүт+Uzb». Офсет қозози.
Адади 5000 нусха. Буюртма №006.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» XК босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкучаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlod@mail.ru

Жюл Верн
“ҮН БЕШ ЁШЛИ КАПИТАН”
84x108 1/32, 356 бет
Юмшоқ муқовада

Асрлар оша құлдан құймай ўқиб келинаётган мазкур асарда үн беш ёшли капитан – Дик Сәнднинг бир-биридан қизиқарлы саргу-заштлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезликлар, қуллар савдоси билан боғлиқ аяңчли воқеалар, турли хавф-хатарларға қолған капитан Дик ва саёжатчи дүстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва унинг кичик ўғли Жек, хаёлпараст олим Бен-дикт төганинг бошидан кечирғанлари сезни бефарқ қолдирмайды, деган умиддамиз.

Рашод Нури Гунтекин
“ЧОЛИҚУШИ”
84x108 1/32, 460 бет
Қалин муқовада

Мұхаббат мавзусига бағишланған асарларни мильтати ва динидан, ёшидан қатын назар, барча бирдек севиб, күзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдард қилиб ўқыйди. Рашод Нури Гунтекиннинг машхур “Чолиқуши” асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан құлға оласиз. Үнда бу түйғу ўзининг бутун құдратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

Экзюпери
“КИЧКИНА ШАҲЗОДА”
84x108 1/32, 200 бет
Юмшоқ муқовада

Антуан де Сент-Экзюпери – XX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, тажрибали учувчи, шоир ва ёзувчи, ёшу қарининг севимли асари “Кичкина шаҳзода”нинг муаллифи.

Антуан де Сент-Экзюперининг асарлари дүнёning 200 тилига таржима қилинганд. Жумладан, унинг “Кичкина шаҳзода” асари Хайдардин Султонов томонидан ва “Истеҳком” қиссасидан парчани Аблуғупир Қосимов томонидан ўзбек тилига таржима қилинганд.

Асар көнг китобхонлар оммасига мүлжалланған.

Эрих Распе
«БАРОН МЮНХАУЗЕН САРГУЗАШТЛАРИ»
84x108 1/32, 80 бет
Юмшоқ муқовада

«Барон Мюнхаузен саргузаштлари» асари 17-асрда Германияда яшаб ўтган Мюнхаузен исмли бароннинг ҳәти асосида ёзилган. Ҳикояларни унинг ўзи тузганми ёки бошқа бирор киши томонидан ёзилганми, бу ҳали аниқланмаган, аммо, 1781 йилда унинг бир нечча ҳикоялари чоп этилган эди. 1785 йилда немис ёзувчisi Э.Распе бу ҳикояларни қайта ишлаб чиққан. Асарга бошқа ёзувчиларнинг ҳам Мюнхаузен ҳақида ёзган фантастик ҳикоялари қўшилиб кетган. Аммо китобнинг муаллифи сифатида Э.Распе қабул қилинган.

Бу асарда немис кишиларининг характерли томонлари акс эттирилган. Китоб машҳур бўлгач, Мюнхаузен исми инсонлар томонидан ёлғончи ва ўзида йўқ сифатларни тавсифловчи, деб атала бошланган.

Андерсен
“ҚОР МАЛИКАСИ”
84x108 1/32, 384 бет
Юмшоқ муқовада

Андерсеннинг эртаклари бугун ҳам энг кўп ўқилаётган асарлар сирасига киради. Уларда болаларга хос бўлган беғубор кечин-малар, эзгуликнинг ғалабаси, орзу-умидларнинг ушалиши, ёруғ оламда ҳар биримиз ҳар қадамда дуч келиб, кундалик ҳаётимизда юз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгача талқини тилга олинади.

Эртаклар катта-кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар тасаввурингизни бойитади, ақлингизни чархлайди. Олис манзиллардаги эртакларнинг мўъжизавий оҳанги Сиз азиз китобхонларни мафтун этади.

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТИ
АЗИЗ КИТОБХОНЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Асрни қаритган кун»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Манқурт» атамаси илк бора тилга олинган ушбу асар нимаси билан китобхонга яқин?

Асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлган оддий меҳнат кишилари – Эдигей Бўрон, Казангап, Бўкеј, Уккубона, Абутолиб Куттибоев, Зарифа образларидағи ўзига хос характер, ички олам, улар бошидан кечган мусибат китобхон қалбига шу даражада яқинки, гўёки улар биздан унчалик ҳам олисда эмасдек...

Казангапни Бўронли бекатидан унча узоқ бўлмаган Она Байит қабристонига дафн этишга ундан сабаб ҳамда Найман онанинг фарзанди томонидан фожиали ўлдирилиши ўртасидаги боғлиқлик асарнинг бутун бир моҳиятини очиб беради.

Манқуртга айланган фарзанди Жўломонни ниҳоят минг азоблар билан топган онаизор ўз боласига онаси эканлигини уқтиrolмайди. Худди шунингдек, инсоний туйгуларидан мосуво бўлган, ҳатто отасининг майитини қаерга кўмиш кераклигига бефарқ бўлмаган ҳолда, қабр учун танланган маконга беписандларча қараган онгли Собитжон янги замон манқурти сифатида тасвирланади.

Китоб мутолаасидан кейинги мулоҳазаларингиз биз учун қадрли, азиз китобхон!

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Жамила»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ мұқова

«Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Сомон йўли» ҳамда «Бўтакўз» қиссаларидан таркиб топган мазкур китоб Чингиз Айтматов асарлари туркумида чоп этилмоқда.

Жамила – катта оиласа тушган янги келинчак. Аммо висол узоқ давом этмайди. Уруш ёш оиласа нафақат ҳижрон ва айрилиқ, балки парокандалик олиб келади. Турмуш ўртоғини фронтга жўнатган келин эркаклар меҳнатини зиммасига олиб, далага чиқади. Гўзаллиги-ю чаққонлиги сабаб қайноаси уни бегона кўзлардан асраш учун ёнига «кўрикчи» кўяди.

Фронтдан ногирон бўлиб қайтган одамови Дониёр нимаси билан Жамиланинг севгисини қозонди? Қайниси севимили янгасини акаси тириклигигидаёқ бегона билан кетишига нега йўл қўйди? Йўқсил Дониёр билан кетиб, афсус билан қайтишини кутган овул Жамила қисматида нималарга гувоҳ бўлди?

Чингиз Айтматовнинг нафақат ушбу асари, балки Танабой ва Гулсари, Ер ва Тўлғаной, Абубакр ва Камол образлари гавдаланган кейинги қиссаларида ҳам қаҳрамонлар ўртасидаги умумийлик ва зиддиятлардан ўқувчи фақат ижобий натижа кутгади. Асар якунида эса кутилмаган ниҳоя юз очади.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Оқ кема»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ мұқова

«Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Оқ кема» ҳамда «Сарвқомат дилбарим» каби машхур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермаҳсул давридан далолатdir.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўкувчи диққатини бутқул ўзига тортади.

Биринчи марта чинакам овчилар билан денгизга чиққан Кириск овдан нега ёлғиз қайтди? Оқсоқол Ўрхоннинг хаёли, Милхуннинг ғазаби ва отасининг қатъий қарори ўн бир ёшли Кириск ҳаётини қанчалик ўзгартирди?

Ёки набирасига Шоҳдор она буғу ҳақида ривоят айтиб, ўзларининг бош бўғини дея ишонтирган, оғир вазиятларда қабиладошларини фақат Она буғугина асрой олади, деган Мўмин чол нега ўз қарашларига қарши чиқди? Она буғуни овлаб, зиёфат қилишга чолни нима мажбур қилди?

«Сарвқомат дилбарим» эса бир муҳаббат ҳақида икки тақдир ҳикоясидан иборат. Аммо бир қарашда, бир учрашувда ўз севгисини топган Илёс нега пок севгисини хиёнатга алмаштириди? Йиллар ўтиб ўғлини топганда нега отаси эканлигини айттолмайди? Асар давомида яна бир муҳаббат тарихидан огоҳ бўласиз.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Қиёмат»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

Қиёмат... Бу сўз бутун оғриғи билан онгимизга таъсир кўрсатади. Чингиз Айтматов ном берган ва Иброҳим Ғафуров таржимаси билан нашрга тайёрланган мазкур китобнинг аҳамияти хусусида гап кетганда, асарнинг «Қиёмат» деб номланишида бир эмас, бир нечта асос борлигини таъкидлаш керак. Чунончи, Акбара билан Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеий якуни; умматларига баҳт ато этиш учун курашган, алалоқибат айнан ўша баҳт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; ўзларини жамиятнинг олди кишилари деб билган, аслида эса маънан нопок кишиларга қарши сўз айтгани учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб тортилган Авдий

Каллистратовнинг фожиали ўлими; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва ҳатто кафансиз қолган Эрназарнинг қисмати; қўрқув ва таҳлиқанинг зўридан Кенжашни олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасининг бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон Ўркунчиев тақдирি – буларнинг бари китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

«Баҳор қайтмайди»

84x108 1/32 бичимда. 280 бет

Юмшоқ муқова

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида ўзбек адабиёти жуда катта истеъоддларни қабул қилди. Ҳам назм, ҳам наср, ҳам публитсиика ўқувчиларни мароқли мутолаага, мушоҳада-га чорлади. Биз Ўткир Ҳошимовни айнан ўша авлоднинг за-бардац вакили сифатида таниймиз ҳамда асарларини завқ билан қайта-қайта ўқиймиз. Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Унинг қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётли, ўта таъсирчан одамлардир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси 1969 йилда ёзилган. Қисса-да ёзувчи истеъоддли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тари-хини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳдил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Ҳаётдаги Алимардон Тўраевлар учун ушбу асар кўзгу, ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.



Альбер Камю (1913–1960)

Нобель мукофоти совриндори.

1913 йил 7 ноябрда Жазоир шаҳрининг қашшоқ канорасида дунёга келган. У бир ёшда эканлигига отаси Люсьен Камю Марнадаги жангда оғир жароҳат олган ва лазаретда вафот этган.

Альбер Камю 1932 йилда Жазоир университетига қабул қилинган. Шу йилдан эътиборан тарих ва фалсафа билан шугулланган.

1937–1939 йилларда унинг дастлабки иккита лирик эссеси нашр этилган.

1940 йилда Парижга келган Камю йирик газеталардан бири – “Пари суар” таҳририятида техник мұҳаррир сифатида фаолият олиб борган.

Ёзувчининг “Вабо” (1947 й.), “Бахтли ўлим” (1936 – 1938 й.й.) каби романлари, “Бегона” (1942), “Инқироз” каби қиссалари, “Калигула” (1939 й.), “Англашилмовчилик” (1944 й.), “Қамал ҳолати” (1948 й.) каби пьесалари, “Сизи ҳақида асотир” (1942 й.), “Немис дўстга мактуб” (1945 й) “Исёнкор одам” (1951 й.), “Қувғинлик ва салтанат” (1951 й.), “Ёз” (1954 й.) каби асарларини буғун бутун жаҳсевиб мутолаа қиласи.

Оврупо виждони сифатида эътироф этилган Альбер Камю 1960 йилда автоҳалокатга учраб, вафот этган.

ISBN 978-9943-27-315-5



9 789943 273153